В. В. РЕШЕТОВ, Ш. ШОАБДУРАҲМОНОВ

# ЎЗБЕК ДИАЛЕКТОЛОГИЯСИ

Узб
Ч
Р-87

В. В. РЕШЕТОВ, Ш. ШОАБДУРАҲМОНОВ

# ЎЗБЕК ДИАЛЕКТОЛОГИЯСИ

УНИВЕРСИТЕТЛАР ВА ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТЛАРИНИНГ ФИЛОЛОГИЯ ФАКУЛЬТЕТЛАРИ УЧУН ДАРСЛИК

*ЎзССР Маориф министрлиги тасдиқлаган*

Учебная библиотека ТашГУ
Бурхонова Азиза нинг
Шахсий кутубхонаси
Ин. №

«ЎҚИТУВЧИ» НАШРИЁТИ
Тошкент — 1978

Дарсликнинг «Фонетика» ва «Шева ва диалектларни тавсиф қилиш мето
каси» қисмларини СССР Педагогика Фанлари Академиясининг ҳақиқий аъз
*В. В. Решетов*, «Кириш», «Лингвистик география», «Морфология», «Лексика»
практик машғулотлар қисмларини Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ҳа
қий аъзоси *Ш. Шоабдураҳмонов* ёзган.

## ШАРТЛИ ҚИСҚАРТМАЛАР

*Ад.-орф.* —адабий-орфографик
*Анд.* —Андижон шевасида
*араб.* —араб тилида
*бошқ.* —бошқирд тилида
*ёқут.* —ёқут тилида
*Жиззах.* —Жиззах шевасида
*жл.* —ж-ловчи шевада
*Иқон.* —Иқон шевасида
*йл.* —й-ловчи шевада
*Марғ.* —Марғилон шевасида
*мўғул.* —мўғул тилида
*Наманг.* —Наманган шевасида
*озарб.* —озарбайжон тилида
*ойрот.* —ойрот тилида
*Парк.* —Паркент шевасида
*рус.* —рус тилида
*Самарқ.* —Самарқанд шевасида
*сов.-инт.* —совет-интернационал сўзлар
*Тагаб.* —Тагаб шевасида
*татар.* —татар тилида
*тож.* —тожик тилида
*Тошк.* —Тошкент шевасида
*турк.* —турк тилида
*Туркистон.* —Туркистон шевасида
*туркм.* —туркман тилида
*Уйчи.* —Уйчи шевасида
*уйғ.* —уйғур тилида
*Ург.* —Урганч шевасида
*Фарғ.* —Фарғона шевасида
*форс.* —форс тилида
*хакас.* —хакас тилида
*Хоразм.* —Хоразм шеваларида
*чуваш.* —чуваш тилида
*ўзб.* —ўзбек тилида
*қ.* —қаранг
*Қарн.* —Қарноб шевасида
*Қарш.* —Қарши шевасида
*Қирқ.* —Қирқ шевасида
*қирғ.* —қирғиз тилида
*қозоқ.* —қозоқ тилида
*Қорабулоқ.* —Қорабулоқ шевасида
*қорақалпоқ.* —қорақалпоқ тилида
*Қур.* —Қурама шевасида
*Қўқон.* —Қўқон шевасида
*Ҳазорасп.* —Ҳазорасп шевасида

© *«Ўқитувчи» нашриёти, 1978*

Р $\frac{60602\ 290}{353\ (04)\ -78}$ 94—78

## СЎЗ БОШИ

«Ўзбек диалектологияси» курси университетлар ва педагогика институтларининг ўзбек тили ва адабиёти факультетларида тилшуносликнинг алоҳида бир соҳаси сифатида ўқитилади.

Ўзбек тили диалектлари хилма-хил ва жуда мураккабдир. Олий ўқув юртини тугатган она тили ўқитувчиси ўзининг иш фаолиятида турли диалект вакиллари билан учрашади. Шунинг учун ўқитувчи машғулотларни ўзбек тилининг адабий нормасида олиб бориш билан бирга шеваларнинг асосий хусусиятларини яхши билса, ўқувчиларга адабий тил ва шева ўртасидаги фарқни тушунтиришда, уларда учрайдиган диалектал хатоларнинг олдини олишда қийналмайди.

Ўзбек тили жуда бой адабий традицияга эга. Ўзбек халқининг бутун тарихи давомида яратган ёзма ёдгорликлари ўзбек тилини ўрганиш учун, унинг турли даврлардаги тараққиёт босқичларини белгилаш учун бой материал беради. Аммо ўзбек тилининг ўзига хос баъзи хусусиятлари (айниқса, фонетикага хос хусусиятлари) бу ёзув ёдгорликларида ўз аксини топмаган, чунки араб алифбесида ёзилган ёзма ёдгорликларда айрим сўз ва формаларнинг талаффузи ифодаланмаган. Ўзбек шеваларини барча соҳалари бўйича ўрганиш эса бу хусусиятларни аниқлаш ва уларни қайта тиклаш учун катта ёрдам беради. Айни вақтда диалектологик кузатишлар ёзув ёдгорликларида учрайдиган айрим шева материаллари ва уларнинг хусусиятларини тўғри изоҳлаш имконини ҳам беради.

Шева материаллари ўзбек тили тарихи мутахассислари учунгина эмас, балки тарихчилар учун ҳам ўзбек халқи этногенези масалаларини ҳал қилишда ёрдам беради. Чунки халқ шевалари ўзбек халқининг моддий ва маънавий маданиятини, ёдгорликларда қайд

этилмаган айрим фактларни бизнинг давримизгача олиб келган бўлиши мумкин.

Демак, шева материаллари фақат тилшунослик учунгина эмас, балки тарих, этнография ва бошқа соҳалар учун ҳам муҳимдир.

Авторлар бу ишда ўзбек шеваларини ўрганиш соҳасида қилинган ишлардан олий мактаб қўлланмаси учун энг зарурларини танлаб, системалаштириб беришга ҳаракат қилдилар.

Авторлар материалларни ўзбек диалектлари бўйича бериш ортиқча қайтариқларга сабаб бўлишини кўзда тутиб, қўлланмада шеваларнинг фонетик, морфологик ва лексик хусусиятларига умумий характеристика беришни лозим топдилар.

Берилган текстлар ўрганилаётган фонетик, морфологик ва лексик хусусиятларни мустаҳкамлаш, ўзбек адабий тили ҳамда халқ шевалари орасидаги фарқларни аниқлаш имконини беради.

Текстни ўқиш жараёнида қийинчилик туғдириши мумкин бўлган диалектал сўзлар учун махсус луғат илова қилинди.

*Авторлар*

# ҚИРИШ

**1-§. Диалектология фани ҳақида умумий маълумот.** Диалектология (грекча, *dialektos* — шева сўзидан) тилшуносликнинг бир соҳаси бўлиб, у бирор тилнинг мавжуд диалектларини, яъни маҳаллий лаҳжа ва шеваларини ўргатади. Ўзбек диалектологияси фани Ўзбекистон территориясидаги ва қардош республикалардаги (Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон, Қорақалпоғистондаги) ўзбек тилининг турли диалект, лаҳжа ва шеваларини текширади.

Объектни ўрганиш жиҳатидан диалектология икки турлидир: 1) тасвирий диалектология ёки диалектография; 2) тарихий диалектология.

Тасвирий диалектология ёки диалектография маҳаллий лаҳжа ва шеваларга хос фонетик ва лексик-грамматик хусусиятларни қайд қилиш билан чегараланади. Тарихий диалектология эса, тилнинг диалектал хусусиятлари билан бирга, шу хусусиятларнинг келиб чиқиши, ривожланиши, турли даврларда ўзгариши, қардош тиллар билан муносабати ва шу шеваларнинг ташкил топишида бошқа тилларнинг иштирокини аниқлаш кабиларни ҳам ўрганади, лаҳжа ва шеваларни лингво-географик усуллар билан ўрганиш ҳам биринчи навбатда тарихий мақсадларни кўзда тутади.

Шеваларни ўрганиш тил тарихи учун ҳам, халқ тарихи учун ҳам бой ва қимматли материаллар беради. Адабий тилда аллақачон йўқ бўлиб кетган ёки маълум даражада ўзгариб кетган лексик элементлар ва айрим грамматик формалар маҳаллий шеваларда сақланиб қолган бўлиши мумкин. Бу жиҳатдан диалектология тил тарихини ўрганиш учун жуда аҳамиятлидир.

Шунингдек, ўзбек диалектологияси ҳам ўзбек тили тарихини ўрганиш, унинг айрим ноаниқ масалаларини ёритиш учун асосий манбадир. Қадимий ўзбек ёзма ёдгорликларининг биз учун ноаниқ бўлган айрим хусусиятларини ҳозирги замон ўзбек шеваларининг хусусиятларини ўрганиш билан (шу шева материаллари ёрдамида) аниқлашимиз, тўлдиришимиз мумкин. Диалектларни ўрганиш ҳам илмий, ҳам практик аҳамиятга эга. Шеваларни ўрганиш, ўзбек

адабий тилининг фонетик, лексик-грамматик нормаларини белгилаш учун, шунингдек, ўзбек орфография ва орфоэпиясини стабиллаштириш учун ҳам катта ёрдам беради.

Шеваларни ўрганиш халқ тарихи, этнографияси учун ҳам муҳимдир. Масалан, шеваларни ўрганиш орқали ўтмишдаги уруғ-қабилаларнинг жойлашиш территорияларини аниқлаш, топонимлар, гидронимлар ва шу каби номлар воситасида халқ тарихининг айрим картиналарини яратмоқ мумкин бўлади.

**2-§. Лаҳжа, шева, диалект терминлари.** Бу терминлар диалектология фанининг асосий объектини ифодалайди.

Ш е в а — бирор тилнинг ўзига хос фонетик, лексик ва грамматик хусусиятларига эга бўлган энг кичик қисми; л а ҳ ж а — шу хусусиятларни ўзида бирлаштирувчи шевалар йиғиндиси. Д и а л е к т термини диалектологик адабиётларда кўпинча лаҳжа маъносида, баъзан шева маъносида ҳам қўлланади. Кейинги вақтларда ўзбек диалектологиясида диалект термини шева маъносида ҳам, лаҳжа (шевалар йиғиндиси) маъносида ҳам учрайди.

Бундан ташқари, рус лингвистик адабиётларида диалектлар ёки шевалар йиғиндиси маъносида «наречие» (лаҳжа) термини ҳам қўлланади. Эски (Октябрь революциясидан бурунги) туркий тилларга доир адабиётларда «наречие» термини ҳозирги мустақил миллий тил маъносида ҳам ишлатилар эди. Масалан: Киргизское наречие тюркских языков — туркий тилларнинг қирғиз лаҳжаси (бу ибора ҳозирги миллий қозоқ тили маъносида қўлланилган). Кара-киргизское наречие тюркских языков — туркий тилларнинг қора-қирғиз лаҳжаси (бу ибора ҳозирги миллий қирғиз тили маъносида қўлланилган) каби.

Терминларни стабиллаштириш мақсадида лаҳжа, диалект ва шева тушунчалари қуйидаги маъно ўзгаликлари билан қабул қилинди: л а ҳ ж а русча «наречие», д и а л е к т умумлингвистик «диалект» термини маъносида, ш е в а эса русча «говор» маъносидадир.

**3-§. Диалектологиянинг асосий вазифаси.** Диалектология фанининг объекти маҳаллий диалект, лаҳжа ва шевалар бўлиб, мақсади ва вазифаси қуйидагилардан иборат:

1) айрим шева ва диалектларнинг фонетик, морфологик, синтактик ва лексик хусусиятларини ҳар томонлама тавсиф қилиш;

2) миллий тилнинг пайдо бўлиши ва тараққиётида шеваларнинг тутган ўрнини ва шу миллий тилга асос бўлган шеваларни аниқлаш;

3) шеваларнинг ўзаро муносабатини, шунингдек, уларнинг адабий тил ва қардош тилларга бўлган муносабатларини белгилаш;

4) ўхшаш хусусиятларига кўра шеваларнинг тарқалиш чегарасини аниқлаш;

5) умумий ўхшаш лингвистик хусусиятларини белгилаш асосида шеваларнинг маълум территорияда тарқалиш карталарини тузиш ва шеваларни классификация (тасниф) қилиш.

**4-§. Диалектология фанининг ўзбек тилини ўқитишдаги аҳамияти.** Ўзбек шеваларининг асосий хусусиятларини яхши билиш

ўқитувчилар, айниқса она тили ўқитувчиси учун жуда зарур. Ҳозирги кунда шева хусусиятлари адабий тил таъсирида жуда тез бирлашиб, текисланиб бораётганига қарамай, бу хусусиятлар фақат қишлоқларда эмас, ҳатто шаҳарларда ҳам маълум даражада сақланиб турибди. Шу сабабли ўқувчилар нутқида айниқса бошланғич синф ўқувчилари ёзувида учрайдиган хатолар шева таъсирида содир бўлмоқда. Шунинг учун ўқитувчилар, айниқса она тили ўқитувчиси, ўзбек адабий тили нормаларини яхши билиши, бу нормаларни ўқувчиларга ўргатиши, уларнинг ёзма ва оғзаки нутқ маданиятини ўстириш устида тинимсиз машғулот олиб бориши зарур ҳамда ўқувчилар нутқида учрайдиган камчиликларни (шева таъсиридаги) тузатмоқ учун барча ўзбек шеваларига хос хусусиятларни яхши билмоғи керак. Масалан, ўқувчиларнинг нутқида фонетик (а й н а л м о қ //*ад.-орф.* айланмоқ; э с н а//*ад.-орф.* энса), морфологик (қаратқич келишиги ўрнида тушум келишиги аффиксини ишлатиш: н о н н и у ш о ғ и // *ад.-орф.* нонннинг ушоғи. Жўналиш ва ўрин-пайт келишикларини фарқламаслик: Б у х о р о г а т у р а д и // *ад.-орф.* Бухорода туради), лексик (*ад.-орф.* чақалоқ ўрнида б у в а к, б о б а к; *ад.-орф.* чумоли ўрнида: м ў р ч а, қ а р и н ж а) каби шева хусусиятлари учраб туради. Ўқувчилар нутқида учрайдиган бундай хатоларни тузатиш учун ўқитувчи шу хатоларни келиб чиқиш сабабини билмоғи керак.

Шундай қилиб, республика олий ўқув юртларида филологик ўқитишнинг асосий вазифаси ўзбек адабий тили нормаларини, шунингдек, адабий тилнинг шеваларга бўлган муносабатини ҳам ўргатишдир. Бу вазифани ҳал қилиш филолог студентларнинг ўзбек тилининг тарихий ривожланиш қонуниятларини яхши билиши билан боғлиқдир. Филолог студентларни бу маълумотлар билан ўзбек диалектологияси фани қуроллантиради.

## ТРАНСКРИПЦИЯ

**5-§. Транскрипция ҳақида умумий маълумот.** Транскрипция диалект ва шеваларда учрайдиган товушларнинг турли кўринишларини ёзувда ифодалаш учун қўлланадиган маълум белгилар системасидир. Тил товушларини аниқ ифодалаш учун хизмат қиладиган ёзув — т р а н с к р и п ц и я (латинча *transcriptio* — қайта ёзиш) деб аталади.

Транскрипция учун у ёки бу халқ истеъмолидаги (латин, рус, ўзбек алфавити каби) традицион алфавитдан ўрни билан маълум бир ўзгаришлар киритиш орқали фойдаланилади. Шунинг учун ҳам транскрипцияда белгилар сони ўзига асос бўлган алфавитдаги ҳарфлар сонидан кўп бўлади.

Транскрипциянинг ф о н е т и к т р а н с к р и п ц и я, ф о н е м а т и к ёки ф о н о л о г и к т р а н с к р и п ц и я каби турлари бор.

**6-§. Транслитерация.** Бирор тилнинг ёзма ёдгорликларини ёки маълум бир текстни (масалан, араб алифбесида ёзилган эски ўзбек

тили ёдгорликларини) нашр этишда шу ёдгорликларнинг ёзув системасини бошқа тил ёки ёдгорлик босилаётган халқнинг мавжуд ёзув системаси орқали ифодалаш транслитерация деб аталади. Демак, транслитерация — бирор ёзув ҳарфларини бошқа бир ёзув ҳарфлари билан алмаштириб ифодалаш усулидир.

**7- §. Фонетик ва фонологик транскрипция.** Маълум бир мақсад учун турли соҳалар бўйича ишлатиладиган транскрипцияларнинг аниқлик даражаси бир хил эмас.

Лингвистик асарлар (қиёсий ва тарихий грамматикалар, этимологик луғатлар, турли тил текстларидан намуналар ва шу кабилар) ни нашр этганда транслитерациядан фойдаланилса ҳам, қардош тилларнинг фонетикаси қиёс қилинганда, диалектологик ишларда ва диалектология фанида фонетик транскрипциядан фойдаланилади. Халқ оғзаки ижодиёти ёдгорликларини нашр этганда мавжуд алфавитдан фойдаланилса, бу ёдгорликлар диалектал қимматини йўқотади. Шунинг учун уларнинг талаффуз хусусиятларини мумкин қадар сақлаш мақсадида фонетик транскрипция қўлланади.

Транскрипция чет тили ва она тили орфоэпиясига оид ишларда ҳам кенг қўлланилади.

Моҳият жиҳатидан энг аниқ транскрипция фонетик транскрипциядир. Бу транскрипция умумий ва хусусий фонетика, шу қатори экспериментал фонетика ютуқларига асосланади. Тиллардаги нутқ товушларини фонетик транскрипция учун танланган алфавит орқали ифода қилиб бўлмаса, бошқа тиллар алфавитидан ҳарфлар олинади ёки ҳарфлар ёнига, устига, остига, ичига диакритик белгилар орттирилади. Фонетик транскрипциянинг вазифаси — тилда мавжуд бўлган ҳамма товушларни ёзувда акс эттиришдир. Фақат фонемаларнигина ҳисобга олиш учун ишлатиладиган транскрипция — фонологик транскрипция дейилади.

**8- §. Транскрипциянинг тузилиши.** Тилшуносликда кенг миқёсда қўлланадиган латин алфавити асосида тузилган транскрипция халқаро фонетик алфавит (Международный фонетический алфавит — **МФА**) номи билан юритилади. Рус графикаси асосида тузилган транскрипциялар туркшунос ва русшуносларнинг ишларида кенг тарқалгандир. Лекин ўзбек тилининг диалект ва шеваларини ўрганган турколог ва ўзбекшунослар ўз илмий ишларида турлича транскрипция белгиларини қўллаганлар. Баъзилари латин алфавитидан фойдаланган бўлса (проф. Е. Д. Поливановнинг ишларига қаранг), баъзилари рус графикаси асосида тузилган транскрипциялардан фойдаланган (проф. А. К. Боровков, проф. В. В. Решетовнинг ишларига қаранг).

Шеваларда учрайдиган ҳар бир товушни ифодалаш учун транскрипцияда айрим белги олиш талаб қилинади. Аммо шуни айтиш керакки, мавжуд транскрипция системалари бу талабга тўлиқ жавоб бера олмайди. Айрим ҳолларда босмахона имкониятларини ҳисобга олиб, бир товуш учун икки ҳарф ишлатилиши ҳам учрайди. Масалан, **нг** ва **дж** мустақил фонемаларининг икки ҳарф билан берилиши каби.

**9- §. Китобда ишлатилган транскрипция.** Бу китобда ишлатилган транскрипция системасида ўзбек алфавитидаги **е, ё, ю, я** дан ташқари ҳамма ҳарфлар қўлланди. Ёлашган ҳарфлар транскрипцияда товушлар бирикмаси орқали қуйидагича берилади:

**е — йе, йэ, йє.**
**ё — йɔ.**
**ю — йY, йу.**
**я — йә, йа.**

Бошқа алфавитлардан [**Y, θ, ә, ы**] белгилари олинди. Булардан [Y] ва [θ] белгилари шу унлиларнинг олдинги қатор эканлигини (юмшоқлигини) кўрсатади: гYл, кθл каби; [ә] эса умумўзбек шеваларига хос бўлган олдинги қатор кенг унли товушни ифодалайди: ләттә, әрәвә каби. Транскрипцияда ундош товушларнинг юмшоқлиги ҳам алоҳида белги билан ифодаланади, масалан, **л′** — юмшоқ **л**.

**10- §. Унлилар.** Унли товушларни ифодалаш учун қуйидаги транскрипцион белгилар олинган:

| Тилнинг кўтарилиш ўрнига кўра | | Олдинги қатор (тил олди) | | Индифферент (оралиқ) товушлар | | Орқа қатор (тил орқа) | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Лабнинг иштирокига кўра / Тилнинг кўтарилиш даражасига кўра | | лабланмаган | лабланган | лабланмаган | лабланган | лабланмаган | лабланган |
| Юқори кўтарилиш | | и | Y | <ъь> | | ы | у |
| Ўрта кўтарилиш | юқори - ўрта кўтарилиш | е | θ | | <ў> | | о |
| | қуйи - ўрта кўтарилиш | э / є | | | | | |
| Қуйи кўтарилиш | | ә | | | | а ɔ | |

Демак, унлиларнинг турли вариантларини бериш учун транскрипцияда 15 та белги олинган. Бу белгилар орқали ўзбек диалект ва шеваларида учрайдиган унли фонемаларни ифодалаш мумкин.

**11- §. Айрим транскрипция белгиларининг маъно ўзгаликлари.** Унли товушлар учун белгилар қуйидаги маъно ўзгаликлари билан қабул қилинади:

**а**—умумтуркий орқа қатор, сингармонизмни сақлаган барча ўзбек диалект ва шеваларига хос унли, сингармонизмни йўқотган шеваларда эса турли ўзгаликларга эга. Совет-интернационал сўзларда рус тилидаги **а** товушига мос келади.

ә—олдинги қатор, лабланмаган а унлиси; ўзбек диалект ва шеваларининг кўпчилигида учрайди, масалан,*Марғ.* ,*Анд.*әкә// *Тошк.* ɔкә каби.

ɔ- орқа қатор, лабланмаган а типидаги очиқ унли товуш, а унлисидан тараққий этиб, бу товуш о-ловчи ўзбек шеваларида кенг тарқалгандир, масалан, *Тошк.*, *Марғ.* ɔтә, бɔлә // *Қўқон.* бәлә каби.

А-ловчи ўзбек шеваларида бу товуш ўзбек адабий тили ва о-ловчи шеваларнинг таъсирида тарқала бошлади.

е - олдинги қатор, лабланмаган, тор унли товуш бўлиб, ўзбек шеваларининг кўпчилигига хос. Ўзининг акустик (эшитилиш) ва артикуляцион хусусиятларига кўра рус тилидаги ундошдан кейин келадиган е ёки сўз бошида келадиган э ҳарфи билан ифода этиладиган *сено* (пичан), *эти* (булар) сўзларидаги каби товушга тўғри келади. Бу товуш мавжуд ўзбек орфографиясида сўз бошида келадиган ёлашган унли е (й+э) эмас, балки *эди* (-едъ) сўзидаги каби ёлашмаган унлидир. Масалан, *Тошк.*, *Наманг.*, *Марғ.* ва бошқа шеваларда: бер, кел, ер, ендъ, ечкъ каби.

э—олдинги қатор, лабланмаган очиқ е унлиси; бу товуш акустик жиҳатдан е га яқин бўлса-да, унинг очиқ варианти эмас. Бу товуш баъзан русча (*этот* сўзидаги каби) э га мос келади, масалан, қипчоқ шеваларида: экәвийәм, эчки каби.

є—олдинги қатор, лабланмаган э унлисининг очиқ варианти; акустик жиҳатдан ә ва э ўртасидаги товуш, масалан, *Иқон. кэл Хоразм.гэл*, *Наманг.* нъмєсъ, бєлығ каби.

и—одатдаги туркий олдинги қатор, лабланмаган и унлиси. Сингармонистик шеваларда фонема сифатида, сингармонизмни йўқотган о-ловчи шеваларда эса турли фонетик шароитлардагина учрайди.

ъ—индифферент лабланмаган товуш, у ўзининг келиб чиқиши жиҳатидан олдинги қатор и ва орқа қатор ы унлиларининг конвергенцияси (бирлашиши) натижасида ҳосил бўлган; и ва ы ўртасидаги бу индифферент товуш шаҳар шеваларида ва шаҳар типидаги қишлоқ шеваларининг кўп қисмида мустақил фонема сифатида учрайди, масалан, : *Тошк.*, *Қўқон*, *Анд.*, *Марғ.* ва шу каби шеваларда: къшъ, ъккъ, бъз, бъл//*ад.-орф.* киши, икки, биз, бил каби.

ь—турғун орқа қатор индифферент ъ унлиси; аммо ы товушига тенг эмас. Шаҳар шеваларида ва шаҳар типидаги шеваларда чуқур тил орқа қ, ғ, х товушлари билан ёндош келганда учрайди, масалан, Тошкент, Марғилон, Андижон ва шу каби шеваларда: қьз, қьрқ, қьш, пьш(т), мьх; Туркистон шевасида бу товуш Тошкент, Фарғона шеваларидаги каби ъ фонемасининг комбинатор варианти эмас, балки алоҳида фонема ҳисобланади: қъзлар чъқтъ каби.

У—одатдаги орқа қатор, лабланган туркий у унлиси.

Ү—одатдаги олдинги қатор, лабланган туркий Ү унлиси. Бу товуш сингармонистик ўзбек шеваларида ҳамда қардош қозоқ, қирғиз ва бошқа туркий тилларда мустақил фонема сифатида ишлатилади. Сингармонизмни йўқотган ўзбек шеваларида Ү га яқин комбинатор варианти мавжуд, солиштиринг: қул (қУл) ва кул (кҮл) каби.

о—одатдаги орқа қатор, лабланган туркий о унлиси, масалан, *қипчоқ*. с о м, қ о л ы н ы, қ о й/ / *ад.-орф.* сўм, қўлини, қўй кабн.

ө—одатдаги олдинги қатор, лабланган туркий о унлиси масалан, *Қипчоқ*. кθмYр гθр сθйлэ, кθз/ / *ад.- орф.* кўмир, гўр, сўзла, кўз. Сингармонистик ўзбек шеваларида ҳамда қозоқ, қирғиз каби туркий тилларда θ унлиси алоҳида фонема сифатида ишлатилади. Сингармонизмни йўқотган ўзбек шеваларида эса θ га яқин комбинатор вариантларигина бор, солиштиринг: қ ў л /қ о л/, к ў л /к ө л/ каби.

ў—лабланган, индифферент товуш. Тилда ъ каби [θ х о] нинг конвергенцияси (бирлашиши) натижасида ҳосил бўлган θ ва о ўртасидаги бу товуш сингармонизмни йўқотган шаҳар ва шаҳар типидаги шеваларда нормал фонема ҳисобланади.

Изоҳ. Берилган транскрипцион белгилар орқали шеваларда учрайдиган барча товушларни ифодалаб бўлмайди. Масалан, Самарқанд, Қарши каби шеваларда кенг тарқалган а унлиси айрим позицион ҳолатларда ә унлисига яқинлашса, айрим ҳолатларда эса а унлисига мойил талаффуз қилинади. Самарқанд, Қарши, Хўжанд шеваларидаги э унлиси сал лабланган бўлиб, Тошкент шевасида учрайдиган э дан ўзининг очиқлиги билан фарқланади. Баъзи бир шеваларда е ва у жуда қисқа бўлиб, маълум бир ҳолатларда е товуши эшитилиш жиҳатидан ъ га яқинлашади (солиштиринг: *Самарқ*. й е й д у, е к к ъ//*Тошк*. й ъ: й д ъ, ъ к к ъ). Ниҳоят, талаффузда Y, θ фонемалари орқа қатор у, о га яқинлашиши мумкин, шунингдек, у, о, а фонемалари олдинги қатор Y, θ, ә га яқинлашиши мумкин. Бундай товушлар ъ, ь каби индифферент (оралиқ) товушлар ҳисобланади.

Шева материалларини ёзиб олиш жараёнида бундай хусусиятларни махсус белгилар олиб ифодалаш, уларни алоҳида-алоҳида уқтириб бориш зарур.

**12- §. Товушларнинг миқдори.** Товушларнинг миқдор (узунлик, қисқалик) жиҳатидан ўзгаришларини ифодалаш учун қуйидаги белгилар олинган:

1. [и], [ъ] [ь], [ы], [Y] [у] — юқори кўтарилиш унлиларининг сифат жиҳатидан ўзгариши /редукцияга учраши/. Масалан, *Тошк.*, *Марғ*. б[ъ]р, б[ ъ ] р э в — физик нуқтаи назардан б р, б р э в га тенг.

2. *и, ъ, ь, ы, Y, у* (курсив билан) — кучсиз ва шу билан бирга жуда қисқа унли товушлар.

3. и, ъ, ь, ы, Y, у — миқдор жиҳатдан фарқланмайдиган, табиатига кўра қисқа унли товушлар.

4. и; ъ; ь; ы; Y; у (белгидан кейин бир нуқта) — айрим позицион ҳолатларда ҳосил бўладиган сал чўзиқ унлилар.

5. и:, ъ:, ь:, ы:, Y:, у:, о:, ә: (белгидан кейин икки нуқта) — баъзи бир шеваларда учрайдиган (масалан, *Қорабулоқ*: а : т, о : т, қъ : з каби) биринчи даражали (бирламчи) чўзиқликни ифодаловчи ёки кўпчилик ўзбек шеваларида учрайдиган (масалан, ш э : р // шә : әр/ / *ад.-орф.* шаҳар каби) бирор товуш ҳисобига бўладиган иккинчи даражали (иккиламчи) чўзиқликни ифодаловчи одатдаги узун унли товушлар.

6. и: :, ъ : :, ь : :, ы : :, Y : :, у : : (белгидан кейин бир неча икки нуқта) фонетик ўта чўзиқлик (эмфатик чўзиқлик).

**13- §. Дифтонглашган унлилар.** Сўз бошида дифтонглашган ә, о, ө унлилари қуйидагича транскрипция қилинади:

1) дифтонглашишнинг максимал даражаси — **йэ** ёки **иэ**; **Yθ**, **уо** каби ифодаланади, масалан, *Қипчоқ*. йэшки, Yθлсә, YθттY, уоша// *ад.-орф.* эчки, ўлса, ўтди, ўша;

2) дифтонглашишнинг сусайиши (кучсизланиши) — **(й)э** ёки **(и)э**; **(Y)θ**, **(у)о** каби ифодаланади, масалан, *Қипчоқ*. (Y)θз, (Y)θттYз, (у)от, (и)эт// *ад.-орф.* ўз, ўттиз, ўт, эт.

**ий, ый, Yв, ув** типидаги дифтонгсимон товуш бирикмалари баъзи ўзбек шеваларида **и**, **ы**, **у** товушларининг чўзиқ варианти **(и:, ы:, у:)** каби эшитилса ҳам, кўпчилик ўзбек шеваларида фонетик жиҳатдан дифтонг характеридаги айрим товуш бўлмай, балки икки мустақил товушдан иборат бўлган товушлар бирикмасидир, масалан, *Қипчоқ*, кийди ∽ ки:ди, оқув ∽ оқу:, билYв ∽ билY:

**14- §. Ундошлар.** Транскрипцияда **б, д, з, м, н, п, р, с, т, ш,** ундошлари ўзича ишлатилади. Қолган белгилар қуйидаги маънода қўлланади:

**в** — лаб-лаб **в**. Лаб-тиш **в** ундоши учраб қолса алоҳида изоҳлаш зарур.

**й** — русча **й** га нисбатан сиқиқроқ талаффуз қилинадиган товуш. Немис тилидаги **j** ундошига тўғри келади.

**ғ** — чуқур тил орқа, фрикатив (сирғалувчи) товуш.

**ғ′** — чуқур тил орқа, портловчи товуш, **ғ** фонемасининг комбинатор варианти.

**г** — саёз тил орқа, портловчи товуш.

**г′** — **г** дан кўра саёзроқ товуш, юмшоқ **г**.

**г‘** — тил орқа, фрикатив (сирғалувчи) товуш.

**ж** — русча **ж** га мос келадиган товуш.

**дж** — аффрикат (қоришиқ) товуш.

**қ** — чуқур тил орқа, портловчи товуш.

**к** — саёз тил орқа, портловчи товуш.

**к′** — **к** дан кўра саёзроқ товуш, юмшоқ **к**.

**л** — тил орқа **л**.

**л′** — тил олди юмшоқ **л**.

**нг** — тил орқа бурун товуши.

**нг′** — **нг** дан кўра саёзроқ товуш, юмшоқ **нг**.

**нг**$^{к}$ — **к** қўшиб талаффуз қилинадиган **нг** товуши.

**ф** — лаб-лаб **ф**. Лаб-тиш **ф** ундоши учраб қолса алоҳида изоҳлаш зарур.

**ч**$_{ш}$ — аффрикат (қоришиқ) товуш.

**т** — қипчоқ шеваларида аффрикат **ч** товуши талаффузда ўзини ташкил қилган қисмлар **т** ва **ш** га ажраб кетади ва шундай талаффуз қилинади. Бундай чоғда икки белги орқали (сўнггиси кичикроқ) ифодаланади.

**х** — чуқур тил орқа, фрикатив (сирғалувчи) товуш.

**х′** — **х** дан кўра саёзроқ, фрикатив (сирғалувчи) товуш; юмшоқ **х**.

**қ**$^{х}$ — чуқур тил орқа, аффрикат (қоришиқ) товуш; **қ** ва **х** фонемалари кам фарқ қиладиган шеваларда учрайди.

**ҳ** — бўғиз товуши. Немис тилидаги *ch* ундоши каби талаффуз этилади.

**15-§. Диакритик белгилар ва бошқа шартли ифодалар:**

. (бир нуқта) : (икки нуқта) ва :: (бир неча икки нуқта) белгидан кейин қўйилиб, унлининг узунлигини ифодалайди.

ʼ — ленис, ғ нинг ёнига қўйилиб [ғʻ], талаффузда портлашни ифодалайди.

ʻ — аспер, г нинг ёнига қўйилиб [гʻ], спирантизацияни, яъни шу товушнинг сирғалувчи эканлигини ифодалайди.

ʹ — акут, белгининг ўнг томонига қўйилиб [лʹ], палатализацияни (юмшалишни) кўрсатади.

× белгиси — конвергенция (бирлашиш) ҳодисасини кўрсатиш учун товушлар ва формалар орасига қўйилади.

> белгиси — ўтиш ҳодисасини кўрсатади.

< белгиси — ўзгариш ҳодисасини кўрсатади.

‖ белгиси — товушларнинг алмашиниши ва икки фактнинг параллел қўлланишини кўрсатади.

/ ва ~ белгилари таққослашни кўрсатади.

() қавс — шарт бўлмаган, тушиб қоладиган элементни кўрсатади.

[ ] ўрта қавс — умумий текстдан транскрипция қилинган сўзларни ажратиб кўрсатиш учун ишлатилади.

*Курсив* — турли даражадаги кучсизланиш ва редукцияни кўрсатади.

## АДАБИЁТЛАР

Аванесов Р. И. Очерки русской диалектологии, ч.I, М., 1949.

Баскаков Н. А. О проекте единой фонетической транскрипции для тюркских языков, М., 1959.

Кузнецов П. С. Русская диалектология, М., 1954.

Реформатский А. А., Введение в языкознание, М., 1955.

Решетов В. В. Узбекский язык, I, Ташкент, 1959.

Решетов В. В. К вопросу о транскрипции (применительно к особенностям узбекских народных говоров). Ученые записки Таш ГПИ им. Низами, вып. I, Ташкент, 1947.

Решетов В. В., Шоабдураҳмонов Ш. Ўзбек диалектологияси, Тошкент, 1962.

Русская диалектология, М., 1972.

## ЛИНГВИСТИК ГЕОГРАФИЯ

**16-§. Лингвистик географиянинг предмети ва вазифаси.** Лингвистик география (лингво- география) — тилшуносликнинг бир бўлими бўлиб, у маълум территорияда тарқалган тил ҳодисалари (товушлар, грамматик формалар, сўзлар)ни аниқлайди, уларнинг ўша жой (макон)га бўлган муносабатини кўрсатади, территориал тил хусусиятларини халқ тарихи, тил тарихи билан алоқадор ҳолда қиёслаб, тушунтириб, карталар орқали ифодалайди. Лингвистик география ҳам территориал диалектларни ўрганади. Унинг энг муҳим хусусиятларидан бири кўргазмалилиги бўлиб, унда маълум тил ҳодисаларининг ўрни ва тарқалиш чегараси карталар ёки атлас воситасида аниқ белгилаб берилади. Карта ҳам, атлас ҳам лингвистик географиянинг ифода воситаси бўлиб, унинг асосий мақсади тилнинг тараққиёт қонуниятлари ва йўлларини, конкрет диалектларнинг пайдо бўлиши ва ҳозир мавжудлигининг сабабларини, шунингдек, диалект хусусиятларининг миллий тилга бўлган муносабати ва ўзаро алоқаси масалаларини тушунтириб беришдир. Ниҳоят, лингвистик география бир қатор умумлингвистик проблемаларни, яъни тилда лаҳжа, диалект, шевалар мавжуд бўлса, уларнинг хусусиятлари ва бу хусусиятлар нималари билан чегараланиши, диалектларнинг умуммиллий тилга бўлган муносабати ва шу каби масалаларни ҳал қилмоғи керак.

**17-§. Лингвистик географиянинг пайдо бўлиши ва ривожланиши.** Лингвистик география XIX асрнинг ўрталарида, диалектологик кузатишлар ривожланган, диалектологлар диалектлар ва уларнинг хусусиятлари тўғрисида етарли фактик материаллар тўплаган жойларда пайдо бўлди. Лингвистик география юзасидан олиб борилган биринчи тажрибалар — тилни бу янги метод орқали ўрганиш қанчалик натижали (истиқболли) эканини кўрсатди. Лингвистик география тилшунос олимларга янги фактлар берди, ўз даврида турғун бўлиб қолган (масалан, диалектнинг моҳияти, шевалар орасидаги ўзаро муносабатларнинг характери ҳақидаги) тушунчаларни янгича баҳолашга, янгича ҳал қилишга даъват этди.

Тилшуносликдаги бу янги йўналиш (лингвистик география)нинг ривожида, диалектологик фикрнинг кейинги тараққиётига жуда катта таъсир кўрсатган Европа лингво-географларининг белгили хизматлари бор. Лингвистик географиянинг асосчилари: Францияда Жан Жильерон, Германияда Георг Венкер, Ф. Вреде, П. Мейерлар, Русияда эса И. И. Срезневский кабилардир. Мазкур олимларнинг асарлари туфайли лингвистик географиянинг фан сифатида асосий ўрни, предмети ва вазифаси белгиланди, шу билан бирга у ёки бу тил ҳодисасининг территориал тарқалишини кўрсатувчи лингвистик картага туширилган белги — «изоглосса» (*изофонема* — фонетик белги, *изоморфема* — морфологик белги, *изоглосса* — лексик белги) тушунчаси киритилди.

Русияда лингвистик географиянинг пайдо бўлиши ва ривожи И. И. Срезневскийнинг номи билан боғлиқ. И. И. Срезневский ўтган асрнинг эллигинчи йилларидаёқ бу соҳани ўрганиш ва ривожлантириш масаласини қўйди ва бу янги соҳанинг ўрни ва вазифаларини белгиловчи асарлар яратди.

Рус лингвистик географиясининг кейинги (XIX асрнинг охири — XX асрнинг боши) тараққиёти акад. А.И.Соболевский ва акад. А.А. Шахматов номи билан боғлиқ. Акад. Шахматов ўз текширувлари билан лингвистик география тараққиётига улкан ҳисса қўшибгина қолмай, балки рус диалектологларининг бу соҳадаги илмий-тадқиқот ишларини ташкил этишда ҳам бош бўлди.

Кейинчалик рус шеваларини лингво-географик метод билан ўрганиш соҳасида акад. Корш бошлиқ **Москва диалектологик комиссияси** (кейин **диалектографик комиссия**) катта ишлар қилди.

1935 йилда СССР Фанлар Академияси «Рус тили атласи» ни тузишга киришди. Бу даврда тилшунослардан Б. А. Ларин, Ф. П. Филин бош бўлган диалектологлар группаси мазкур атласни яратиш планини, сўроқлигини туздилар ва бу атлас учун материал тўплаш ишларини уюштирдилар.

1944 йилда тилшунослардан Р. И. Аванесов ва Б. А. Ларин бошчилигида «Рус диалектологик атласини тузиш бўйича материаллар тўплаш программаси» яратилди ва шу программа асосида рус диалектлари атласини тузиш ишлари бошланди. 1951 йилда «Москва шарқидаги марказий областлар рус халқи шевалари атласи» тугалланди ва у 1957 йилда нашр этилди. Ҳозирги кунда барча рус тили шевалари бўйича материал тўплаш, тўпланган материалларни карталаштириш тугалланди.

Лингвистик география методи билан шеваларни ўрганиш Украина ва Белоруссияда ҳам яхши ривожланган бўлиб, бу республикаларда шевалар атласини тузиш тугалланди ва нашр этилди.

Ўзбекистонда эса лингво-географик метод билан шеваларни ўрганиш 1940 йилларда бошланди ва бу соҳада иш давом этмоқда.

**18-§. Диалектологик атласлар.** Бирор тил ёки диалектга хос характерли лингвистик хусусиятларнинг тарқалиш чегарасини акс эттирган альбом ёки китоб шаклида нашр қилинган карталар йиғиндиси д и а л е к т о л о г и к  а т л а с дейилади.

Диалектологик атласлар бирор халқ тили ва халқ тарихини, унинг миллат бўлиб шаклланишини ўрганишда алоҳида аҳамиятга эга бўлади.

Диалектологик атласларнинг дастлабки намуналари XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида яратилган.

Европада тузилган энг муҳим диалектологик атласлар қуйидагилар: Венкер ва Вределарнинг «Немис тили атласи» (1876—1926 йиллар мобайнида яратилган); Марбургдаги немис диалектологияси марказий институти нашр этган «Немис лексикологик атласи»; Жильерон ва Эдмоннинг 12 жилдли «Француз тили атласи» (1902—1912 йиллар мобайнида яратилган); Яберг ва Юднинг 8 жилдли «Итальян-швейцар атласи» (1928 — 1940 йиллар мобайнида яратилган).

СССРда тузилган энг муҳим диалектологик атласлар: «Москва шарқидаги марказий областлар рус халқи шевалари атласи» (1957 йили нашр этилган); «Шимоли - ғарбий областлар рус халқ шевалари атласи» (нашрга тайёрланган) ва республикаларда нашр этилган «Украин тили халқ шевалари атласи», «Белорус тили халқ шевалари атласи» ва бошқалар.

**19-§. Ўзбек тилининг диалектологик атласини яратиш.** Ўзбек совет тилшунослигининг ҳали ёш соҳаларидан бири ўзбек диалектологияси ўзининг бошланғич этапи—диалектография босқичини ўтаб, энди у тўпланган бой материал — база асосида ҳозирги замон диалектологиясининг назарий масалаларини ишлаш, шу билан бирга лингвистик география масалалари билан шуғулланиш босқичига ўтди.

Ўзбекистонда диалектологик ишларни бошқариб борувчи ягона илмий марказ—Ўзбекистон ССР Фанлар академияси А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти Диалектология сектори ҳозирги вақтда, асосан уч йўналиш бўйича илмий иш олиб бормоқда. Булар: ўрганилмаган ўзбек шеваларини монографик тадқиқ қилиш, ўзбек шевалари луғатини тузиш ва ўзбек тили диалектал атласини яратишдир.

Ўзбек тили шеваларини монографик ўрганиш соҳасида анчагина ишлар қилинди. Бундай кузатишларнинг натижалари махсус монографиялар, мақолалар ва тўпламларда эълон қилинди. Айрим текширишларда келтирилган лексик материаллар ва экспедицияларда тўпланган материаллар асосида ўзбек шеваларининг луғати тайёрланди ва нашр этилди.

Ўзбек шеваларини лингвистик география методи билан ўрганиш иши 1944 йилда бошланган эди. Проф. А. Қ. Боровков ўзбек тили шевалари атласини яратиш мақсадида «Ўзбек шева - лаҳжаларини текширишга доир савол - жавоблар» анкетасини тузди. Шу анкета асосида 1945—1950 йиллар мобайнида Фарғона водийси шеваларидан материаллар тўпланди. Лекин ўша вақтларда республикада диалектологик ишларни бирлаштирувчи ягона марказнинг йўқлиги бу материалларни ишлаб чиқиш ва карталарга кўчириш имконини бермади. Орадан 20 йил ўтгандан кейин 1965 йилдан бошлаб, ўзбек

шевалари хусусиятларини карталаштириш иши яна кун тартибига қўйилди. Маълум программа ва сўроқлик тузилди, шу асосда диалектал материаллар тўплана бошланди.

Шуни ҳам алоҳида қайд этиш керакки, рус, украин, белорус ва шунингдек, бошқа туркий тиллар диалектологиясининг шевалар атласини яратиш соҳасидаги бой тажрибаларидан ўрганиш ҳамда бутун ўзбек коллективи яшайдиган территория бўйлаб тўпланган лингвистик материаллар маълум даражада ўзбек шевалари атласини тузиш учун шароит яратди.

Ўзбек диалектларини карталаштириш ишини проф. В. В. Решетов бошлаб берди. У Тошкент областининг бир қисмини лингвистик текширди ва Оҳангарон воҳасидаги шеваларда учрайдиган фонетик, лексик ва грамматик фарқларни картага кўчирди. Ўзбек диалектологиясида биринчи бўлиб ўзбек қурама шеваларининг 49 та лингвистик картасини тузди.

Проф. В. В. Решетов тузган лингвистик карталарда қуйидаги фонетик, грамматик ва лексик белгилар олинган. Фонетика бўйича «дж»лаш, «ж»лаш ва «й»лашнинг тарқалиши, яъни сўз бошида [дж// ж//й] ҳодисаси [карта №1, изоглосса: д ж о қ ~ ж о қ ~ й о қ], «о»лаш ва «а»лашнинг тарқалиши, яъни типик орқа қатор [а] нинг сақланиши ёки унинг ўрнида [э] учраши [карта №2, изоглосса: б а р, б э р], танглай гармонияси ва лаб гармониясининг характери [карта №3А, 3Б, 3В; 4А, 4Б, 4В], юқори-ўрта кўтарилиш унлиларининг дифтонглашуви [карта №5А, 5Б, 5В, 5Г; изоглосса: Ү ө р д Ү к ~ Ү ө р д ә к ~ о р д ә к; $^{в}$он ~ $^{У}$о н ~ *он*; $^{й}$э ч к и ~ $^{й}$э ш к и ~ $^{и}$э ч к и ~ э ч к и ~ е ч к ъ ~ ~ ъ ч к ъ], [Ү // ө // у // о], [а // э, а // ә, є // э] унлиларининг ҳамда [қ // х], [ч // ш] ундошларининг алмашиниши [карта №6, 7, 8, 11; изоглосса: Ү й // ө й, у й // о й; а т л а р // й й т л ә р // и й т л є р, э т л а р // и т л ә р, э т л ә р // ътләр; қ а т ы н ~ қ э т ы н ~ х а т ы н ~ х э т ы н ~ х а т у н ~ х э т у н ~ х э т ъ н; ч а й ~ ч ә й ~ ч э й // ш а й ~ ш ә й], сўз бошида [ҳ] ва [дж] нинг спонтан пайдо бўлиши [карта №9, 22, изоглосса: а й в а н ~ ҳ а й в а н ~ а й в э н; а р р а ~ ҳ а р р а; Ү з Ү м ~ д ж Ү з Ү м ~ у з у м], сўз охирида тор унлилардан кейин [к ва қ] ундошларининг тушиши ёки сақланиши [карта №10, изоглосса: с а р ы қ ~ с а р ы ~ с а р у қ ~ с а р ъ қ, к и ч и к ~ к и ч и ~ к ъ ч ъ к], унлилар орасида [**к**, **қ**, **п**] нинг ва сўз бошида [**т**] ундошининг жаранглилашиши [карта №12, 13, 14; изоглосса: а қ ~ а қ ы п > а ғ ы п; эк ~ э к и п > э г и п; қ а п ~ қ а п ы > қ а б ы // қ э п ~ қ э п ы > қ э б ы; д ы й ы р м а н ~ т ы й ы р м а н ~ т е г ъ р м э н], [**п** > **в**], [**ғ** > **в**], [**к/қ** > **й**, **г/ғ** > **й**], [**нг** > **й**] ҳодисалари [карта №15, 16, 17, 18; изоглосса: т а п ~ т а п а м а н > т а в а м а н // т э п ~ т э п ә м ә н > т э в а м ә н; т а ғ > > т а в // т э ғ > т э в, т е г д и ~ т е г д ъ > т и й д и ~ т ъ й д ъ, а т а н г ы з ~ э т ә н г ъ з > а т а й ы з ~ э т ә й ъ з], [**қ**, **к**] нинг сирғалишга мойил бўлиши [карта №19, изоглосса: ақ ~ э қ > а х ~ э х, кθк ~ к ок > к ө х′ ~ к о х′], тўлиқ прогрессив ва регрессив ассимиляция [карта №20, 21, изоглосса: қ у ш ш ъ < қ у ш н ъ, о н н ъ м < о р н ъ м], метатеза [карта №23, д ә й р ә ~ д ә р й ә ~ д ә р й э] каби ҳодисалар карталаштирилган.



Учебная библиотека

Морфологиядан сўроқ юкламаси [*-мы*//*-ми*~*-мъ*// *-ма*//*-мә*], кўплик аффикси [*-лар*//*-ләр*], қаратқич келишигининг ифодаланиши, шахс ва кўрсатиш олмошларининг ифодаланиши [менгә~мэнгә~мәнгә~маған, бунгә~бунға~буған] [карта №24, 25, 26, 27], жўналиш келишиги аффикси [*-а*/*-ә*] нинг мавжудлиги ёки йўқлиги [карта № 28, атама~атамға~этәмгә, энәмә~энәмгә], *билан* кўмакчисининг вариантлари [карта №29], 30—37-карталар феъл, сифатдош ва ҳаракат номлари формантларининг тарқалишига бағишланган. Уларда ҳозирги-келаси, аниқ ҳозирги замон, ўтган замон, ҳозирги ва келаси замон сифатдоши, [-ш/-в] билан шаклланган ҳаракат номлари карталаштирилган.

Лексика бўйича қуйидаги сўзларнинг учраши ёки учрамаслиги аниқланган: **карта №38:** мәйәк, **карта №39:** дуғава~доғава// кәсә~кэсә, **карта №40:** енәк~ънәк~ънәй//сигир~сийир, **карта№ 41:** там~тэм//*Уй*~*У*й~ой~ой, **карта№ 42:** бөлә//хәлә-вәччә, **карта №43:** джэздә//пэччә, **карта №44:** бөбәк~чақалоқ, **карта №45:** чәкки~сузма, **карта №46:** к*У*ррә~хотък, **карта №47:** н*У*ри~гөнг.

Проф. В.В. Решетов ўзи ўрганган территориядаги изоглоссаларнинг тарқалишини ўрганиб, айрим шева вакилларининг этногенезини аниқлашга ва, шунингдек, реал тил фактлари асосида қурама шеваларининг аниқ таснифини беришга муваффақ бўлди.

Ҳозирги пайтда Хоразм шевалари картасини (проф. Ф.А.Абдуллаев), Бухоро группа шевалари картасини (проф. М.Мирзаев), Наманган группа шевалар картасини (А.Алиев), Қашқадарё группа шевалари картасини (А.Шерматов) тузиш ишлари тугалланмоқда. Шунингдек, тахминан 150 картадан иборат бўладиган «Тошкент области шевалари атласи» 1980 йилларда якунланади. Бошқа областлар шевалари бўйича ҳам шундай карталар тузилади ва уларнинг йиғиндиси умумўзбек шевалари атласини вужудга келтиради.

Ўзбек халқ шевалари атласи ҳозирги замон ўзбек тили шеваларининг ранг-баранг хусусиятларини карталарда ифодалайди. Лингвистик карталарда кўрсатилган диалектал хусусиятлар ва уларнинг тарқалиши, тилшуносларга айрим тил ҳодисаларининг тарихий тараққиёти ва ўзбек миллий тилининг келиб чиқиши каби масалаларни янада чуқурроқ ўрганиш имконини беради. Шунингдек, атлас материаллари тарихчилар, этнографлар учун ҳам фойдалидир.

Ўзбек тили диалектологик атласи қуйидаги вазифа—мақсадларни кўзда тутади:

1. Ҳозирги замон ўзбек адабий тили маълум шеваларга таянади. У ўзининг имло ва талаффуз нормаларини, шунингдек, фонетик системаси, грамматик тузилиши, лексик составини нормалаштиришда, асосан, Тошкент-Фарғона тил шеваларига асосланса ҳам, айрим ҳолларда бу шевалар материали адабий тил нормаларига мос келмайди. Диалектологик атласнинг объектив натижалари (хулосалари) бу масалага тўлиқ аниқлик киритади. Ҳақиқатан ҳам, шеваларга хос

диалектал хусусиятларнинг бутун ўзбек тили территориясида тарқалиши ва унинг чегараларини фақат диалектологик атлас заминидагина муваффақиятли ҳал қилиш мумкин.

2. Диалектологик атлас материаллари ўзбек шеваларининг мавжуд таснифларини тўлдириш, мукаммаллаштиришга, уларга аниқлик киритишга ёрдам беради. Шунингдек, ўзбек шеваларининг пайдо бўлишида қатнашган туркий ва туркий бўлмаган этник группаларнинг ўзаро алоқалари натижасида рўй берган жуда мураккаб этнолингвистик тараққиёт процессини ҳам белгилаб беради.

3. Адабий тил ва таянч шаҳар шеваларининг кундалик таъсири ўзбек халқ шеваларида тил фактларининг аралашуви ва текислаша бориш жараёнини тезлаштирди. Чунки ўзбек халқининг экономикаси ва маданияти мислсиз даражада юксалиши билан ўзбек адабий тилининг қўлланиш доираси кенгайди. Адабий тилнинг барча ўзбек шевалариаро нормалаша бориши аста-секин диалектал нутқни қисиб, оғзаки-сўзлашув нутқ доирасига ҳам кириб борди.

Ўтмишда генетик жиҳатдан турлича бўлган ўзбек халқ шеваларининг бирлашиши учун халқнинг экономик ва маданий қолоқлиги тўсқинлик қилар эди. Хонликлар ва уларнинг территориал чегараланганлиги шеваларaро фарқларнинг кескин сақланиб қолишига сабаб бўлди. Айрим тил фактларининг қисман аралашуви ва улар орасидаги ўзаро фарқнинг текислаша бориши бутун ўзбек тили тарқалган территорияда бўлмай, балки бир-бирига яқин, қўшни шеваларнинг ўзаро муносабати натижасидагина содир бўлган эди. Бу процесс бизнинг социалистик давримизда бошқача тус олди. Ҳозир диалектал хусусиятларнинг аралашуви ва ўча бориши — текислашиб бориш процесси фақат ёндош шеваларнинг ўзаро муносабати натижасидагина эмас, балки мактаб, вақтли матбуот, радио ва бошқалар орқали адабий тилнинг кундалик ва атрофлича таъсири орқасида ҳам рўй бермоқда. Масалан, қипчоқ шевалари ўзига хос баъзи бир диалектал хусусиятларини йўқотиб, янги хусусиятлар—адабий тил нормасига мос келадиган тил хусусиятларига эга бўлди. Айрим шеваларда (Гурлан ва Боғот шевалари) сўз бошида учрайдиган [дж] ўрнини [й] эгаллайди [дж > й]. Шунингдек, қипчоқ шеваларида [қ] ўрнида спорадик ҳолда учрайдиган [х] товуши ҳам [қ а т ы н // х а т ы н каби] адабий тил таъсири натижасидир. Бундан ташқари, қипчоқ шеваларида «о» лаш ҳодисаси борган сари кенгайиб бормоқда. Бу ҳодисани Тошкент областидаги қурама, Самарқанд областидаги қозоқ-найман шеваларида, Қашқадарёдаги Косон, Наманган областидаги Янгиқўрғон қипчоқ шеваларида кўриш мумкин. Шуни айтиш керакки, қипчоқ шеваларида «о» лаш ҳодисаси шу шевалар материали заминида, тилнинг фонетик ривожланиш қонунлари асосида ҳамда қўшни «о»ловчи шевалар таъсирида вужудга келмоқда ва адабий тил таъсирида мустаҳкамланиб бормоқда. [а > э] процесси «а» ловчи шеваларда ҳам тўхтовсиз давом этмоқда. Бу товуш, шубҳасиз, яқин келажакда қўшни «о» ловчи шевалар ва адабий тил таъсирида «а» ловчи шевалар вокализмидан ҳам мустаҳкам

ўрин олади. [ф,ц,ж] каби бир қатор ўзбек жонли тилида йўқ товушларнинг талаффузи ўзлашаётганида ҳам, сингармонизмнинг бузилиб бораётганида ҳам адабий тилнинг прогрессив таъсири бор. Адабий тил таъсири бугунги кунда шеваларнинг морфологик тузилиши ва сўз составига ҳам таъсир этмоқда. Фарғона тип шеваларга ва адабий тилга хос [- йоп[ аффикси фақат адабий тил таъсирида [-вэт], [-ут], [-эп] каби диалектал формалар ўрнини эгаллаб бормоқда. Бу жўналиш ва ўрин-пайт келишиги аффиксларини (Бухоро, Самарқанд, Қашқадарё шевалари), қаратқич ва тушум келишиги аффиксларини фарқлашда (Тошкент ва Фарғона тип шевалар) кўринади. Бу процесснинг асосий йўналиши ва натижаларини диалектологик атлас материалларисиз бутун ўзбек тили территориясида ҳисобга олиш қийин.

Юқоридагидек мақсад ва вазифаларни кўзда тутган ўзбек диалектологик атласи стандарт лингвистик сўроқлик ва программага асосланган ҳолда қуйидаги хусусиятларни акс эттиради.

**Фонетика бўйича:** «о» лашнинг тарқалиши: бир бўғинли VC ва CVC тип ўзакларда [ɔ з ~ а з, ч ɔ й ~ ч а й], икки бўғинли VCV, CVCV ва CVCVC тип ўзакларда [ɔ т а ~ а т а, б ɔ л а ~ б а л а, б ɔ з ɔ р ~ б ɔ з а р ~ б а з ɔ р], аффиксларда [ɔ] нинг учраши ёки учрамаслиги [й а х ш ъ р ɔ қ ~ й а х ш ъ р а қ]. Танглай ва лаб гармонияси контраст жуфт унлиларнинг мавжудлиги ёки йўқлиги [о ~ ө, у ~ Y, ы ~ и, ь ~ ъ]. [а // э], [а // ә], [є // э], [е // ъ] ҳодисалари, чўзиқ ва қисқа унлилар [б а р, б а : р; қ ы з, қ ы : з]. Сўз бошида ўрта-тор ва ўрта-кенг унлиларнинг дифтонглашуви [$и_э$, $Y_ө$, $у_о$]. Сўз бошида [дж // ж // й] ҳодисасининг тарқалиши [джоқ ~ $ж^оқ$ ~йоқ]. [х] ва [ҳ] товушларининг мавжудлиги ёки йўқлиги, [ф] товушининг тарқалиши. [нг] бурун товушининг характери, яъни соф [нг] ёки қўшимча товуш билан талаффуз қилиниши [$нг^г$, $нг^{гк}$]. [қ, к] товушларининг сирғалишга мойил бўлиши [қ > х]: қ у л а қ > қ у л а х, [к > й]: т е р ә к > т е р ә й, [қ > ғ]: а қ ы > а ғ ы // *ад.-орф.* оқи. Тор унлилардан кейин тил орқа ундошларининг мавжудлиги ёки йўқлиги [с а р ы қ > с а р ы, к и ч и к > к и ч и]. [к ~ г] ва [т ~ д] мослиги [к ө з ~ г ө з, т у ш ~ д у ш]. [т // ч] алмашиниши [ч ъ ш // т ъ ш]. [ғ > в] ҳодисаси [т а ғ > т а в]. Тўлиқ прогрессив ва регрессив ассимиляция, [лд ~ лл[ комплексини тарқалиши [б о л д ъ ~ б о л л ъ], метатеза [д а р й а ~ д а й р а] ва бошқалар.

**Морфология бўйича**: қаратқич [-*нинг*] ва тушум [-*ни*] келишиклари аффиксларининг фарқланиши ёки фарқланмаслиги, бу аффиксларнинг вариантлари [***-нинг > -динг // -тинг, -нынг > -дынг // -тынг, ни > -ди // -ти, -ны > -ды // -ты, -нъ > -дъ // -тъ***]. Ўрин-пайт [-*да*] ва жўналиш [-*га*] келишиклари аффиксларининг фарқланиши ёки фарқланмаслиги, жўналиш келишиги аффиксининг вариантлари [-*а*, -*йа*]: ш а ҳ а р а, д а л а й а. Кўплик аффикси [***-лар // -ләр // -лә // -нар // -нәр // -әр***]. Сифат ясовчи [***-ли***] ва белги оти ясовчи [***-лик // -лық***] аффикслари, [***-ли***] ўрнида [***-лик //-лық***] аффиксларининг ишлатилиши. Жўналиш келишигидаги

шахс ва кўрсатиш олмошлари [менгә//мәнгә//маған, сенгә// сәнгә//саған, унгә//уған]. [билән//минән//минәм//мән] ва [кейин//сонг//соғра//соғун//сиғин] кўмакчилари. I шахс кўпликдаги буйруқ-истак феълларининг ифодаланиши (бәрәй-лув, бәрәйлък, бәрайли, барали, бәрайнук, бәрайнунг), I шахс кўпликдаги ўтган замон аниқлик феълининг ифодаланиши (бәрдък, бардуқ, бардық, бәрдъмъз, бәрдувуз). I шахс кўпликдаги ҳозирги-келаси замон феълининг ифодаланиши (бәрәмъз, бәрәвуз, барамыз). Конкрет ҳозирги замон феълининг ифодаланиши (бәрйаптъ, бәрайатир, бараджатыр, бәрәтти, бәрвәттъ, бәрвәттъ, бәруттъ, бәрәтъптъ, барйатти, бәрәпту). [*-дъгән*//*-турған*//*-туған*//*-дъғән*] формалари (бәрәдъгән, баратурған//боратуған), шунингдек, [*-әр*// *-ар*//*-ур*, *-джәк*//*-джақ*, *-әсъ*//*-гусъ*] формалари [келәр// келур, кәләджәк, кәләсъ, келгусъ). Ҳаракат номлари [келмоқ, келъш, келув/керәк/]. Кўмакчи феълларнинг ишлатилиши (келә әлмәдъ, келә билмәди) ва бошқалар.

**Лексика бўйича:** дарғат~бөвәт//бөгәт~тоғән~әлъш// алъш, эмәч~тим~кунда~пазә, нәрвән~шатъ~занги, мәйәк~йимиртә~тухум, оғър~кели~со:қы, абруз~тошшы~ҳәнък, мәтәл~ертәк~чопчәк, шарыллақ~шарлавуқ~шәршәрәк//шәршәрә~шәввә~шалдърәмә, Өргәмчи~татәнәк~оргъмчәк~өрмәнчък, чәқәләқ//чақалақ~бөбәк//бҮвәк, сигир//съйър~ънәк, әрғъмчәқ~ҳәйънчәк~салынджақ, чъттәк~сънчәләк, джъмджъләқ~чиначақ, әйъ~аба~әнә~әпә, әтә~ада~дада//дедә ва шу каби сунъий суғоришга оид терминлар, асбоб, ҳайвон, қуш, ҳашарот ва тана аъзоларининг номлари, қариндош-уруғ терминлари карталаштирилади.

Тузилаётган Тошкент области шевалари атласи умумўзбек диалектологик атласининг бир қисми бўлиб, бу атлас учун юқорида келтирилган тил фактларидан шу территорияда изоглосса берадиганлари танлаб олинади ва карталаштирилади. Тошкент области шевалари атласи ўзбек диалектологиясида лингвистик география соҳасида қилинган бошланғич қадам бўлади.

**20-§. СССР даги туркий тиллар атласини тузиш.** Ўзбек диалектологлари ўз миллий тиллари атласини яратиш билан бир қаторда қардош диалектологлар билан бирга «Туркий тиллар атласи» ни ҳам тузмоқдалар. Бундай атласни тузиш акад. В. М. Жирмунский ташаббуси билан бошланган эди. Унинг сўроқлиги ва программаси 1960—1970 йилларда бир неча бор муҳокама қилиниб, тасдиқланди. Мазкур атлас сўроқлигида айрим туркий тилларнинг тарихини ва шунингдек, барча туркий тиллар тарихини яхлит ўргатадиган фонетик, морфологик, лексик ва семантик хусусиятлар акс этган.

Умумтуркий лингвистик атласининг яратилиши, шубҳасиз, туркий халқлар тили ҳақида янги маълумотлар беради, қардош тилларнинг тараққиёти ҳақидаги тасаввуримизни кенгайтиради, унга илмий аниқликлар киритади.

## АДАБИЁТЛАР


Аванесов Р. И., Лингвистическая география и история русского языка, «Вопросы языкознания», №6, 1952.

Бородина М. А., Проблема лингвистической географии, М.-Л., 1966.

Ларин Б. А., Об атласе русского языка и современной диалектологии, «Уч. зап. Ростовского-на-Дону гос. пединститута, фак. языка и литературы», Т. I, 1939.

Срезневский И. И., Замечания о материалах для географии русского языка, «Вестник Русского географического общества», ч. I, кн. I, СПб., 1851.

Решетов В. В., О диалектологическом атласе узбекского языка. Второе региональное совещание по диалектологии тюркских языков (Тезисы докладов), Қазань, 1958.

Шоабдураҳмонов Ш., Ўзбек тилининг диалектологик атласи. «Ўзбек тили ва адабиёти», № 3, Тошкент, 1969.

## ЎЗБЕҚ ТИЛИ ВА ЎЗБЕҚ ХАЛҚ ШЕВАЛАРИ

**21-§. Ўзбек тилининг бошқа туркий тилларга бўлган муносабати.** Ўзбек тили туркий тиллар классификациясига кўра туркий тилларнинг уч группасига киритилган. Сабаби ўзбек тили ўзининг фонетик структураси, грамматик қурилиши ва луғат составига кўра турли туркий тиллар билан умумий хусусиятларга ва, шунингдек, у тиллардан фарқ қиладиган ўзига хос баъзи хусусиятларга ҳам эгадир.

Ўзбек тили составидаги айрим лаҳжалар, чунончи, ўғуз лаҳжаси ўз хусусиятларига кўра туркий тилларнинг жанубий-ғарбий группасига кирса, қипчоқ лаҳжаси эса, шимолий-ғарбий группага киради. Бу лаҳжаларнинг ҳам ўзлари кирадиган группалар билан ўхшаш ва айни вақтда ноўхшаш томонлари мавжуд.

Ўзбек тилининг шаҳар шеваларига асосланган ҳозирги замон адабий тили эса, жанубий-шарқий группага киради. Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида миқдор ва сифат жиҳатидан фарқ қиладиган 6 унли товуш бор. Бошқа туркий тиллар эса 9 ва ундан ортиқ унлига эга бўлишлари билан ўзбек адабий тилидан фарқланади. Шунингдек, бу тиллар унлиларнинг уйғунлашиши ёки уйғунлашмаслиги жиҳатидан ҳам ўзаро фарқланади. Масалан, лаб оҳанги (лабиал сингармонизм) нинг тўла сақланиши жиҳатидан қирғиз тилига бирорта туркий тил тенг кела олмаганидек [т у л к у л ө р, к ө л д ө р каби], сингармонизмнинг заифлиги жиҳатидан ўзбек адабий тилига ҳам бирорта туркий тил мос кела олмайди [т у л к и л а р, к ў л л а р каби].

Ўзбек тилининг ундошлар системаси ҳам бошқа туркий тилларга, асосан, мос келса-да, айрим ноўхшашликларга ҳам эга. Ўзбек тилида сўз бошида келадиган **й** товуши шимолий-ғарбий группага кирувчи туркий тилларда (қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ ва бошқа тилларда) **дж** ва **ж** товуши билан берилади [**й**∽**дж**∽**ж**] : ***ўзб.*** й о л ∼*қирғ.* д ж о л∼*қозоқ.* ж о л; ***ўзб.*** й о қ∼*қирғ.* д ж о қ∼*қозоқ.* ж о қ.

Ўзбек тилида сўз бошида келадиган **т** товуши жанубий-шарқий группага кирувчи туркий тилларда (турк., озарбайжон, туркман ва бошқа тилларда) **д** товуши билан берилади[**т**∽**д**]: *ўзб.* т ъ л∼

*туркм., озарб., турк.* дил; *ўзб.* тэш~*туркм., озарб., турк.* даш. Сўз бошида келадиган **к** товуши мазкур тилларда **г** билан берилади[к~г]: *ўзб.,* кɵз~*туркм., озарб., турк.* гɵз; *ўзб.* кел~ *туркм., озарб., турк.* гел~гєл.

Ўзбек тилида тэғ, бэғ каби сўзларда сўз охирида келадиган **г** товуши ўрнида қозоқ, қорақалпоқ ва қирғиз тилларида **у**[<**в**], **о**[<**у**<**в**] товушлари ишлатилади: *ўзб.* тэғ~*қозоқ,* тау~*қирғ.* тоо; *ўзб.* бэғ~*қозоқ.* бау~*қирғ.* боо. Айрим сўзлар охирида келадиган **ш** товуши қозоқ ва қорақалпоқ тилларида **с** товуши билан берилади: *ўзб. бош~қозоқ, қорақалпоқ.* бас; *ўзб.* тош~*қозоқ, қорақалпоқ.* тас; *ўзб.* қъш ~*қозоқ, қорақалпоқ.* қыс. Сўзлар охирида келадиган **ч** товуши қозоқ ва қорақалпоқ тилларида **ш** товуши билан берилади: *ўзб.* эч~ *қозоқ, қорақалпоқ.* аш; *ўзб.* куч~*қозоқ, қорақалпоқ,* куш.

Ўзбек тили ва бошқа туркий тиллар ўртасидаги ўхшашлик ва ноўхшашликлар уларнинг луғат составида ҳам кўринади. Ўзбек тили луғат фондига кирувчи сўзлар бошқа туркий тиллар луғат фондига кирувчи энг муҳим ҳаётий тушунчаларни ифодаловчи сўзлар билан ўхшашдир. Аммо баъзи сўзлар айрим туркий тилларнинг ўз фонетик хусусиятларига кўра бошқачароқ талаффуз қилиниши мумкин[*қирғ.* ач, *қозоқ.* аш, *бошқ.* ас, *ўзб.* оч; *уйғ.* тағ., *қозоқ.* тау, *қирғ.* тоо, *ойрот.* туу, *ўзб.* тоғ ва ш. к]. Бундай фонетик ҳодисалардан қатъи назар ўзбек ва бошқа туркий тиллар луғат составида умумий ўхшашлик сақланган.

Айрим лексик ноўхшашликлар туркий тилларнинг ўзига хос лексик хусусиятларидан келиб чиқиб, бу тилларни ўзаро лексик жиҳатдан фарқлайди.

**22-§. Ўзбек тили ва унинг шеваларини ўрганишнинг аҳамияти.** Ўзбек тили ва унинг шеваларини ўрганиш иши асосан Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейин, Ўрта Осиё халқлари, шу қаторда ўзбек халқи ҳам, озод ва фаровон ҳаёт йўлига ўтганидан кейин бошланди. Лекин ўзбек тили, айниқса бой ўзбек ёзув традицияси ва қадимий ёзув тили (хато равишда «чиғатой тили» деб аталган эски ўзбек тили) билан рус ва Европа фанида анча қадимдан бошланган. Ўтган асрнинг биринчи ярмидан бошлаб, ўзбек ёзувчиларининг прозаик асарларидан парчалар олиниб, алоҳида хрестоматиялар чиқарилди. Улар грамматик очерклар ва луғатлар билан таъминланди. Кейинчалик ўзбек тилида босилиб чиққан айрим қисқача грамматика ва қўлланмаларда эса ўзбек тилининг ўзига хос хусусиятлари тўла равишда акс эттирилмади, чунки ўзбек тили атрофлича ўрганилмай қолаверди. Ўзбек халқ шеваларини ўрганиш эса Октябргача йўқ даражада эди. Дарслик характеридаги баъзи ишларда ўзбек шеваларининг айрим диалектал хусусиятлари қайд қилиб ўтилган бўлса-да, бу тасодифий кузатишлар ўзбек диалектологиясининг кейинги тараққиёти учун ҳеч қандай таъсир кўрсата олмади.

**Улуғ Октябрь ўзбек халқининг ижодий кучини уйғотди, унинг тараққиёти учун тўла имкон яратди.**

Ўзбек халқи Коммунистик партиянинг доно раҳбарлиги туфайли ўзининг шаклан миллий ва мазмунан социалистик маданиятини ривожлантирди. Партия ва ҳукуматимиз томонидан халқ ҳаётининг фаровонлиги учун кўрилаётган чора ва тадбирлар фан, маданият, турмуш ва қурилишнинг ҳамма соҳалари олдига янги-янги вазифалар қўймоқда. Мактаблар тўғрисидаги Қонун партия ва ҳукуматимизнинг маориф ишларини тобора ривожлантириш ва яхшилаш тўғрисидаги оталарча ғамхўрлигининг яна бир ёрқин далилидир. Ўзбек мактабларида она тили ўқитишни яхшилаш, уни ўргатиш билан боғлиқ бўлган адабий тилнинг актуал проблемаларини, айниқса орфография билан алоқадор ҳолда ўзбек диалектларини ҳар томонлама ва чуқур ўрганиш масаласини олға суради. Жуда кўп шеваларга эга бўлган ўзбек тилининг ўрганилиши бир қатор назарий (ўзбек тили ва ҳозирги замон ўзбек тилига хос бўлган актуал масалаларнинг ҳал қилиниши) ва амалий (ўзбек орфографиясидаги чалкашликларни ҳал қилиш, терминологияни тартибга солиш) масалаларни ҳал қилиш учун ёрдам беради.

**23- §. Ўзбек халқ шеваларини қиёсий-тарихий метод асосида ўрганиш.** Ўзбек диалектологияси Улуғ Октябрь революциясидан кейингина фан сифатида шаклланди, ўсди ва ривожланди.

Ўзбеклар халқ сифатида шаклланишда ўз бошидан мураккаб этногенетик процессни кечирди. Шунинг учун ўзбек шева ва лаҳжалари хилма-хил бўлиб, диалектологик картаси ҳам анча мураккабдир.

Ўзбек тилининг барча шева ва лаҳжаларида туркий қабила тилларига хос хусусиятлар билан бирга туркий бўлмаган тилларда сўзлашувчи этник элементларнинг таъсири ҳам бор. Мана шу икки асосий фактор ўзбек халқининг шаклланиш тарихида ҳал қилувчи роль ўйнаб, ўзбек шеваларининг хилма-хил бўлишига олиб келди. Бу ҳол ўзбек тили материаллари асосида туркий тилларга оид бир қатор проблемаларни ҳал қилишда ҳамда ўзбек тилининг ўз ичидаги шева ва лаҳжаларини текширишда қиёсий-тарихий методни жорий қилишга кенг имконият берди.

Ўзбек тили диалектларини қиёсий-тарихий метод асосида ўрганиш натижасида баъзи ўзбек шевалари билан қўшни қардош туркий тилларга хос бўлган айрим лексик-грамматик ва фонетик умумийликлар аниқланди. Тарихий лингвистик маълумотлар, яъни фақат тилдаги баъзи умумийликларни назарга олганда, ўзбекларнинг бир қисми билан уйғурлар орасида, ўзбеклар билан қозоқ, қорақалпоқ, қирғизлар орасида, ўзбеклар билан туркманлар орасида фонетик яқинликлар бўлган деган хулосага келиш мумкин. Шунинг учун ҳам Ўрта Осиё халқларининг тиллари орасидаги умумийлик ва яқинликлар баъзи ўзбек шеваларини ўрганувчиларга шева ва лаҳжалар таркибида «қозоқлашган», «уйғурлашган», «туркманлашган» каби шеваларни ажратишга формал асос берди. Лекин мазкур туркий тиллар орасидаги алоқалар уларнинг тарихида кейинги ва тасодифий ҳодиса бўлмай, балки қатор тарихий сабабларга эгадир. Шу халқларнинг тилларига хос умумий ҳодисаларнинг пайдо бўлишига олиб келган энг муҳим сабаблардан бири—халқлар таркибидаги

айрим қабила ва уруғларнинг орасида қардошлик муносабатларининг мавжудлигидир.

Ўзбек тили диалектларини илмий жиҳатдан ўрганишда, шу тилларнинг ўзи билангина чегараланиб бўлмайди, албатта. Ўрганилаётган тил фактлари қардош тиллардаги ўхшаш фактлар билан ҳар тарафлама чоғиштириб ўрганилиши зарур. Тилларни чоғиштириб ўрганиш тилнинг лексик ва грамматик хусусиятларини ёритиш учун, унинг тараққиёт манбаларини аниқлаш учун кенг имконият туғдиради.

Туркий тилларни қиёсий ва қиёсий-тарихий метод асосида ўрганишда ҳам маълум даражада традицияга эгамиз. Бироқ ҳозиргача бу методда йирик асарлар яратилгани йўқ, кўпгина тилшунослар томонидан тўпланган материаллар тегишли тартибга солинган эмас. Қиёсий-тарихий методни жорий қилиб, ҳозирги кунда мавжуд ҳамма ўзбек диалектларини ёзма ҳолда сақланган ёдгорликлардаги тил фактлари билан қиёсий ўрганиш орқали ўзбек тили тарихи билан ўзбек диалектлари орасидаги реал алоқани аниқлаш мумкин. Диалектлар составида ҳар хил туркий қабилалар вакилларининг бўлиши кўп диалектли ўзбек миллий тилини ўрганиш учун қимматли материаллар беради. Ўзбек тили диалектлари қозоқ, туркман, қирғиз ва қорақалпоқ тиллари билан, шубҳасиз, генетик алоқада бўлган. Ўзбек тилининг бой фольклорга, тарихий бой ёзув традициясига эга эканлигини назарда тутсак, қиёсий методдангина эмас, балки қиёсий- тарихий методдан ҳам тўла равишда фойдаланишимиз мумкин.

**24-§. Ўзбек халқ шеваларининг шаклланишида туркий бўлмаган тилларнинг иштироки.** Айрим уруғ ва қабилалар орасидаги қардошлик алоқаларининг мавжудлиги, халқларнинг узлуксиз равишда аралашиб туришлари мураккаб этник-лингвистик тараққиётга ва айрим миллатлар тили, биринчи навбатда, ўзбек тилидаги диалектларнинг турли-туман бўлишига олиб келди. Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқлари тилларининг тараққиётидаги бундай процессларни кўздан кечирганимизда, туркий уруғ ва қабила тилларининг бир-бирлари билан қардошлик муносабатларида бўлганлигини эмас, балки ўзбек тили таркибидаги специфик хусусиятларга эга бўлган диалект группаларининг вужудга келишига сабаб бўлган бошқа тил элементларининг таъсирини ҳам кўрамиз.

Туркий ва туркий бўлмаган тиллар орасидаги тил алоқасининг мавжудлиги ва кенгайиб бориши, шу процесс натижасида туркий тилларда пайдо бўлган баъзи бир фонетик ўзгаришларни ўз вақтида Маҳмуд Қошғарий ҳам жуда тўғри кўрсатиб ўтган. Бу процесс ҳозир ҳам давом этмоқда.

Ўзбек шеваларининг бошқа системадаги тиллар билан, биринчи навбатда тожик тили билан ўзаро муносабати жуда ҳам муҳим масалалардан биридир. Бу ўзбек тилшунослиги билангина боғлиқ бўлмай, балки умумий тилшуносликка ҳам оид муҳим назарий масаладир.

Маълумки, метисация (қардош бўлган тиллар аралашуви) ва

гибридизация (турли системадаги тилларнинг чатишуви) проблемаси, субстрат проблемаси умумлингвистик планда ҳал қилиниши зарур. Бу проблема тўғри ҳал этилгандагина қуйидаги саволларга жавоб топа олиш мумкин:

1. Субстрат лингвистик тушунчами, йўқми?

2. Субстрат таъсири нимадан иборат?

3. Субстрат таъсири қардош (метисация) ва қардош бўлмаган (гибридизация) тилларнинг ўзаро таъсиридан нималар билан фарқланади?

4 Субстрат таъсири тилнинг қайси аспектларида яққол сезилиб туради?

5. Агар субстрат этногенетик процесс билан боғлиқ бўлса, субстрат таъсирини ўрганишнинг қиёсий-тарихий тадқиқот учун қандай аҳамияти бор?

Мавжуд ўзбек шеваларини илмий асосда ўрганиш ҳамда баъзи ўзбек шевалари составида туркий бўлмаган элементларни, айниқса тожик элементларини аниқлаб чиқиш натижасида юқорида айтиб ўтилган умумлингвистик проблемаларни маълум даражада ҳал қилиш мумкин, чунки субстрат таъсири ўзбек тилининг лексикасидагина эмас, балки фонетикасида ва қисман грамматик қурилишида ҳам яққол сезилиб туради.

Масалан, туркий бўлмаган субстрат таъсири натижасида типик туркий вокализмда юз берган ўзгаришлар аста-секин сингармонизмнинг заифлашишига, саноат марказлари бўлган илғор шаҳар шеваларида эса сингармонизмнинг бутунлай йўқолиб, туркий тилларнинг фонология системасига хос бўлмаган товушларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлди. Конвергенция (орқа ва олдинги қатор унли товушларнинг бирлашиши) ўзгаришлари сингармонизмли шеваларга хос бўлган олдинги қатор ɵ, Y, и ҳамда орқа қатор о, у, ы каби жуфт унлиларнинг вазифаси жиҳатидан бирлашишларига олиб келди. Натижада Тошкент шеваси типидаги илғор шаҳар шеваларининг унлилар системаси тожик тилининг унлилар системасига яқинлашди. Шу билан бирга сингармонизмни йўқотган шеваларда омоним сўзларнинг сони анчагина ортди.

Ўзбек ва тожик тилларининг узоқ давом этган ҳамкорлиги ўзбек тилининг лексикасида ҳам сезилиб туради. Тожик тилидан кирган жуда кўп сўзлар ўзбек тили лексик қатламининг ажралмас бир қисмини ташкил қилади. Ўзбек тилида арабча сўзлар тожикча сўзларга қараганда анча кўп. Лекин ўзбек халқи ҳаётида тожикларнинг ва тожик тилининг тарихий аҳамияти жуда катта.

Ўзбек ва тожик тилларининг узоқ давом этган ўзаро таъсири ҳар бир даврда бир хил характерга эга эмас. Бир даврда билингвизм, яъни икки тиллилик юз беради (масалан, Самарқанд-Бухоро типидаги шевалар) ва натижада бу икки тилнинг бири ғолиб чиқади. Лекин бу процесс, баъзи тилшунослар ўйлаганидек, на тожик ва на ўзбек тилига ўхшамаган учинчи бир тилнинг пайдо бўлишига олиб келмайди. Ўзбекларнинг тожик халқи билан этник ва тил жиҳатидан бўлган алоқаларини ўрганмай туриб, ўзбек ти-

ли ва баъзи ўзбек шеваларининг вужудга келиш процессини билиб бўлмайди.

**25-§. Ўзбек халқ шеваларини ўрганишда рус туркологларининг иштироки.** Ўзбек диалектологиясининг лингвистик фан сифатида яратилиши, ўсиши ва ривожланиши проф. Е. Д. Поливанов, Қирғизистон Фанлар академиясининг академиги проф. Қ. Қ. Юдахин, СССР Фанлар академиясининг корреспондент аъзоси проф. А. Қ. Боровков, РСФСР Педагогика фанлар академиясининг академиги проф. В. В. Решетов ва бошқа рус турколог-олимларнинг илмий-тадқиқот ишлари миллий кадрларни тайёрлаш фаолияти билан бевосита боғлиқдир.

Ўзбек диалектларини ўрганиш соҳасида 1920—1937 йиллар орасида проф. Е. Д. Поливанов томонидан жуда кўп ишлар қилинди. Проф. Е. Д. Поливанов Тошкент, Самарқанд, Хоразм, Қарши, Туркистон ва бошқа бир қатор ўзбек шевалари ҳақида қимматли асарлар ёзди. Ўзбек шеваларини ҳар томонлама тавсиф қилиш натижасида ўзбек шеваларини тасниф қилди. Айрим камчиликлардан қатъи назар проф. Е. Д. Поливанов шу соҳага энг биринчилар қаторида ўз ҳиссасини қўшди.

Ўзбек шеваларини атрофлича ўрганишга катта ҳисса қўшган олимлардан бири проф. Қ. Қ. Юдахиндир. 1925 йилдаёқ проф. Қ. Қ. Юдахиннинг эски туркий чўзиқлик ва қадимги морфологик формаларни ўзида сақлаган ўзбек шевасини ўрганишга бағишланган «Қорабулоқ шевасининг баъзи бир хусусиятлари» деган иши босилиб чиқди. Бундан ташқари, унинг «Водил қишлоғининг лаҳжаси ҳақида бир неча сўз», «Чиғатой тили товуш составига доир материаллар», «Лайлак материалларидан» каби асарлари фан учун аҳамиятлидир. Проф. Қ. Қ. Юдахин ўзининг бу асарларида ўзбек шеваларининг генезисини ўрганишда жуда катта аҳамиятга эга бўлган ўзбек-уйғур ва қирғиз-ўзбек-тожик тиллари орасидаги ўзаро муносабатлар масаласига алоҳида эътибор берди.

Ўзбек диалектологиясида ўзининг мазмуни ва салмоғига кўра проф. А. Қ. Боровковнинг илмий ишлари алоҳида ўрин тутади. Проф. А. Қ. Боровков ўзбек шеваларининг икки хил таснифини берди. Унинг биринчи таснифи ўзбек шеваларининг фонетик хусусиятларига асосланган ҳолда тузилган бўлса, иккинчиси эса, тарихий-лингвистик асосда тузилди. Проф. А. Қ. Боровков бир қатор ўзбек шеваларини текшириш билан бирга ўзбек диалектларини ўрганишда энг муҳим назарий масалалардан бири бўлган ўзбек-тожик тилларининг ўзаро муносабатини ҳам муваффақиятли ёритди. Ўзбек халқ шевалари атласини яратиш учун шеваларнинг фонетик ва лексик-грамматик хусусиятларини ўзида акс эттирган 65 сўроқдан иборат «Ўзбек шева лаҳжаларини текширишга доир савол-жавоблар» анкетаси ҳам проф. А. Қ. Боровков томонидан тузилди.

Ўзбек диалектологияси соҳасида катта ишлар қилаётган диалектолог-олимлардан яна бири проф. В. В. Решетовдир. У шаҳар шеваларини тавсиф қилди («Ўзбек тилининг Марғилон шеваси», «Ўзбек тилининг Наманган шеваси ҳақида» каби). Шу билан бирга,

проф. В. В. Решетов ўзбек диалектологиясининг бир қатор муҳим масалаларига бағишланган илмий асарлар ёзди («Ўзбек халқ шеваларини ўрганиш масаласига доир», «Транскрипция ҳақида», «Ўзбек миллий тилининг диалектал асоси» ва бошқалар). У ўзбек шаҳар шеваларини ўрганиш натижасида шеваларнинг адабий тилга бўлган муносабатини ёритиб, ҳозирги замон ўзбек адабий тилига асос бўлган шеваларни (Тошкент ва Фарғона шевалари) ҳам аниқлаб берди.

Проф. В. В. Решетов фақат шаҳар шеваларини текшириш билан чекланмай, балки қипчоқ шеваларини ҳам ўрганди. Бу соҳада у Тошкент воҳасидаги қурама шеваларини ўрганишга бағишланган «Тошкент областидаги қурама шевалари (фонетик ва морфологик система)» деган монографик асар ёзди. Унда проф. В. В. Решетов бутун қурама шевалари бўйича тўплаган материаллари асосида құрамаликларнинг генезисини аниқлашга муваффақ бўлди. Шунингдек, қурамаликларнинг тил хусусиятларини атрофлича ёритиб берди.

## ЎЗБЕК ШЕВАЛАРИНИНГ ДИАЛЕКТАЛ БЎЛИНИШИ

**26-§. Ўзбек халқ шеваларининг классификацияси.** Ҳозир биз ўзбек шевалари ва уларнинг ўзига хос айрим хусусиятлари, фонетик ва морфологик хусусиятларга кўра бир-бирлари билан яқинлашадиган ва айни вақтда бир-бирларидан фарқ қиладиган диалектал группалар ҳақида тасаввурга эгамиз. Лекин шунга қарамасдан, ўзбек шеваларининг ҳалигача муайян бир таснифи мавжуд эмас.

Ўзбек шевалари турколог ва диалектологлар томонидан турлича тасниф қилинди. Бу соҳада проф. И. И. Зарубин, проф. Е. Д. Поливанов, проф. К.К. Юдахин, проф. Ғози Олим, проф. А.К. Боровков, проф. В. В. Решетовларнинг классификацияси диққатга сазовордир (қуйида мазкур тилшуносларнинг таснифлари хронологик тартибда берилди).

**27-§. Проф. И. И. Зарубин классификацияси.** Проф. И. И. Зарубин ўзбек шеваларини тўрт группага бўлди: Хива, Фарғона, Тошкент ва Самарқанд-Бухоро шевалари. Проф. И. И. Зарубиннинг бу классификациясида ўзбек шевалари орасида катта ўрин тутган ҳозирги Ўзбекистоннинг анчагина территориясига тарқалган қипчоқ (ж-ловчи) шевалари ва шимолий ўзбек шевалари ҳисобга олинмай қолган.

**28-§. Проф. К. К. Юдахин классификацияси.** Проф. К.К. Юдахин ўзбек шевалари классификациясининг икки вариантини тавсия этди. У бошланғич (биринчи) вариантида ўзбек шеваларининг тожик тили билан муносабати ва сингармонизмни сақлаш даражасига қараб, ўзбек шеваларини тўрт группага ажратди. Кейинчалик, проф. К. К. Юдахин ўзбек шеваларининг ўзига хос хусусиятлари билан муфассалроқ танишиб, аввалги классификациясига тегишли аниқликлар киритди ва ўзбек шеваларини беш группага бўлди: Тошкент, Фарғона, Қипчоқ, Хива(Хива-ўғуз) ва шимолий ўзбек шевалари.

**29-§. Проф. Е. Д. Поливанов классификацияси.** Проф. Е. Д. Поливанов бир қатор ўзбек шеваларини ўрганиб, ўзбек тили шева ва диалектлари орасидаги энг майда фарқларни ҳам кўрсатувчи клас-

сификацияни берди. Проф. Е. Д. Поливанов ўз классификациясида тилдаги икки ҳолатни кўзда тутди: 1) метисация (қардош тилларнинг чатишуви) ва 2) гибридизация (турли системадаги тилларнинг чатишуви). У шеваларда учрайдиган барча фонетик ўзгаришларни ҳисобга олиб, ўзбек шеваларини бир неча группага бўлди, Эронлашиш нуқтаи назаридан, яъни баъзи ўзбек шеваларининг тикланиш процессида тожик тилининг иштирокини ҳисобга олиб шеваларни қуйидагича группалаштиради: 1) эронлашмаган шевалар ва 2) эронлашган шевалар. Тошкент, Қўқон-Марғилон, Андижон-Шаҳрихон типидаги шеваларда эронлашиш элементларининг мавжудлигини қайд қилса, Бухоро, Самарқанд, Хўжанд, Ўратепа типидаги шеваларни максимал эронлашган, яъни тожик вокализмини ўзида тўла акс эттирган шевалар деб ҳисоблайди. Эронлашмаган шеваларга Фарғонанинг сингармонизмли қишлоқ шеваларини (Сарой, Андижон, Йўлгузар, Манкент), ўзбек-қипчоқ (ж-ловчи) лаҳжасидаги шеваларни киритади.

Эронлашган ва эронлашмаган шевалар ўртасида эронлашишнинг кучсизланиши, гибридизация процессида туркий элементларнинг кучлиланишига кўра эронлашган шеваларни 4 типга ажратди. Булар: **1-тип.** Самарқанд-Бухоро шевалари, **2-тип.** Тошкент типидаги шевалар (Тошкент ва унинг атрофидаги қишлоқ шевалари—Хонобод, Телов), **3-тип.** Қўқон-Марғилон типидаги шевалар (Қўқон-Марғилон шаҳар ва унинг атрофидаги қишлоқ шевалари), **4-тип.** Андижон-Шаҳрихон типидаги шевалар, **4-а типга** уйғурлашган ёки умлаутли шевалар (Наманган ва унга яқин қишлоқ шевалари—Чортоқ, Уйчи, Шаханд).

Проф. Е. Д. Поливанов классификациясида яна икки тип шева ажратилган. Булар: **6-тип.** Шимолий ўзбек шаҳар шевалари типи (Туркистон, Чимкент, шунингдек, баъзи бир қишлоқ шевалари), **7-тип.** Шимолий ўзбек қишлоқ шевалари типи (Манкент, Қорабулоқ каби шевалар).

Юқорида санаб ўтилган шеваларнинг ҳаммаси профессор Е. Д. Поливановнинг кўрсатишича, «Чиғатой» лаҳжасини ташкил қилади.

Проф. Е. Д. Поливанов классификациясига кўра иккинчи диалект «ўғуз» лаҳжаси бўлиб, ўз ичига икки группа шевани олади. Булар: **1-тип.** Жанубий-Хоразм группа шевалари (Хива, Янги Урганч, Шовот, Ғазовот, Ҳазорасп, Янгиариқ, Хонқа шевалари); шу группага Шўрахон шеваси алоҳида бир тип сифатида киритилган. **2-тип.** Шимолий ўғуз группа шевалари (Иқон-Қорабулоқ шевалари); шу группага Фориш районидаги Боғдод шеваси алоҳида тип сифатида киритилган.

Учинчи диалект «қипчоқ» лаҳжаси бўлиб, етти тип шевани ўз ичига олади. Булар: **1-тип.** Ўрта-Хоразм (Хоразм шеваларининг кўп қисми; Гурлан, Боғот районлари ва Шаббоз шевалари) ва шимолий-Хоразм (Хўжейли, Қипчоқ, Қўнғирот районлари, Манғит районининг баъзи қишлоқ шевалари). **2-тип.** О-ловчи тип (Қозоқ-найман, Фарғона-қорақалпоқ шевалари). **3-тип.** Қурама шевалари (Оҳангарон водийсидаги қурама шевалари). **4-тип.** Шимолий ўзбек шевалари

(Туркистондаги Сўзоқ, Чалақўрғон қишлоқ шевалари). **5-тип.** Ўрта ўзбек (қирқ шевалари ва бошқалар ва жанубий ўзбек шевалари), лақай шевалари ва ш.к. Афғонистондаги қипчоқ-ўзбек шевалари ҳам шу типга киради.

Проф. Е. Д. Поливанов ўзининг бир қатор ишларида ўзбек шеваларининг классификацияси ҳали мукаммал эмаслигини қайд қилиб, ўзбек тилшунослиги шеваларни деталлаштирувчи классификацияга муҳтож деб кўрсатади.

Проф. Е. Д. Поливановнинг айрим назарий хулосалари тўғри эмас. Чунки у ўз классификациясида ва бошқа илмий тадқиқот ишларида ўзбек шеваларидаги тараққиётни фақат ташқи факторларга боғлаб текширади. Ўзбек тили ва унинг шеваларида рўй берган ўзгаришлар тилнинг даврлар мобайнида ўз ички тараққиёт процессининг натижаси эканини кўрмайди. Лекин унинг ёзиб олган фактик материаллари, айрим тил ҳодисаларига берган шарҳлари жуда аниқ ва ҳеч қандай эътироз туғдирмайди. Бу жиҳатдан проф. Е. Д. Поливановнинг ўзбек шеваларини ўрганишга бағишланган кўп ишлари ўзининг сифати ва чуқурлиги билан ажралиб туради. Унинг ишлари ҳозирги кунда ҳам ўзбек шеваларини ўрганиш ишига катта ёрдам беради.

**30-§. Проф. Ғози Олим классификацияси.** Проф. Ғози Олим ўзи тўплаган жуда бой фактик материалга суянган ҳолда 1936 йили, проф. Е. Д. Поливанов классификациясидан кейин, ўзбек шеваларини классификация қилди. Проф. Ғози Олим проф. Е. Д. Поливановнинг маънога таъсир қилмайдиган фонетик ҳодисаларни, ташқи таъсирни ўз классификациясига асос қилиб олганини танқид қилиб, жуфт унлиларнинг маъно фарқлаш хусусиятига, лаҳжа ва шева вакиллари орасида тушунилмайдиган лексик, морфологик, фонетик хусусиятларга кўра классификация қилишни илгари сурди.

Проф. Ғози Олим ўзбек шеваларини аввало уч лаҳжага ажратди: I) ў з б е к - қ и п ч о қ л а ҳ ж а с и; 2) т у р к - б а р л о с л а ҳ ж а с и; 3) Х и в а - У р г а н ч л а ҳ ж а с и. Бу лаҳжалар ўз навбатида шеваларга ажратилади. Ўзбек-қипчоқ лаҳжаси тўрт шевага (қирқ, жалойир-лақай, қипчоқ, гурлан), турк-барлос лаҳжаси ҳам тўрт шевага (Сайрам-Чимкент, Тошкент-Хос, Андижон, Наманган,), Хива-Урганч лаҳжаси эса икки шевага (Хива, Қорлуқ) ажратилади. Бу классификацияга асос қилиб олинган белгилар ва лаҳжаларга кирувчи шеваларнинг жойлашиши қуйидагича:

**I. Ўзбек-қипчоқ лаҳжаси.** Бу лаҳжага Ўзбекистоннинг Оҳангарон водийсида, Мирзачўлда, Самарқанд, Зарафшон, Бухоро атрофларида, Қашқадарё, Сурхондарёда яшовчи ўзбеклар киради. Бу лаҳжа вакиллари Хоразмда, Андижон, Наманган, Қўқон районларида ҳам учрайди. Қорақалпоғистоннинг Қипчоқ, Чимбой, Қўнғирот районларида ҳамда Тожикистонда ва Афғонистоннинг шимолида яшовчи ўзбеклар ҳам шу лаҳжага киради. Бу лаҳжанинг асосий фонетик ва морфологик хусусиятлари:

**й>дж:** й е р — д ж е р, й о л — д ж о л;

**қ>г:** а қ — а ғ а р, а қ — а ғ ь, қ у л а қ — қ у л а ғ ъ;

к>г: ек—егип, көк—көги;
п>б: топ—тоби, қап—қабъ;
ғ>в: туғ—тув, тағ—тав;
г,ғ>й: тегди—тийди, егди—ийди, сьғдъ—сьйдъ, йьғьн—джьйьн.

Сўз охирида **қ,ғ** тушиб қолади: сарь, тарь.

Жўналиш келишиги қўшимчаси: қаттиқ ўзакда: ***-ға, -қа***, юмшоқ ўзакда: ***-гә, -кә***,: бала—балаға, ат—атқа, ит—иткә.

Жўналиш келишиги қўшимчаси **м, н, нг** билан тугаган сўзлардан кейин қаттиқ ўзакда ***-а***, юмшоқ ўзакда ***-ә***: там—тама, енәм—енәмә, танг—танга, тилинг—тилингә.

Чиқиш келишиги қўшимчаси: ***-тан, -тән, -дан, -дән***: **м, н, нг** билан тугаган сўзлардан кейин ***-нан, -нән.***

Тушум келишиги қўшимчаси: ***-нь, -ни, -ть, -ти, -дъ, -ди.***

Қаратқич келишиги қўшимчаси: ***-нънг, -нинг, -тьнг, -тинг, -дьнг, -динг.***

Кўплик қўшимчаси: ***-лар, -ләр, -нар, -тар, -тәр, -дар, -дәр.***

Ҳозирги замон давом феъли: ***-йатир, -джатир.***

Проф. Ғози Олим ўзбек-қипчоқ лаҳжасини фонетик ва морфологик хусусиятларига кўра тўрт шевага бўлади:

1) **қирқ шеваси.** Бу шевада қисқа **и** ўрнида узун **ий (и:)** учрайди, масалан, **и:т.** Жўналиш келишигидаги кишилик олмоши: маған, саған, уған.

2) **жалойир-лақай шеваси.** Бу шевада сўзларнинг иккинчи бўғинида ҳам **е** товуши келиши мумкин: кеген, берген каби. Жўналиш келишигидаги кишилик олмоши: менгә, сенгә.

3) **қипчоқ шеваси.** Бу шевага лаб гармонияси учинчи бўғинда ҳам сақланади: *УйҮгә.* Кўплик аффикси: ***-нар, -нәр, -лар, -ләр*** билан бирга ***-тар, -тәр, -дар, -дәр*** ҳам ишлатилади.

4) **гурлан шеваси.** Бу шевага ўзбек-қипчоқ лаҳжасининг ҳамма хусусиятларини сақлаган, аммо айрим сўзларда сўз бошида **дж** ни йўқотаётган ўзбек шевалари киради. Бу шевада бала сўзининг кўплиги бағалар бўлади.

**II. Турк-барлос лаҳжаси.** Бу лаҳжага Тошкент, Қўқон, Наманган, Андижон, Марғилон шаҳарларида ва бу шаҳарларнинг атрофида яшовчи ўзбеклар киритилади. Бу лаҳжа вакиллари оз бўлсада, Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё, Зарафшон водийсида учрайди. Шунингдек, Чимкент, Сайрам, Ўш, Ўзган шаҳарларида яшовчи ўзбеклар ҳам шу лаҳжага киради. Бу лаҳжанинг баъзи диалектал хусусиятлари: жўналиш келишиги қўшимчаси қаттиқ ўзак унлилар ва жарангсиз билан тугаса **-қа**, жарангли билан тугаса **-ға**, юмшоқ ўзак жарангсиз билан тугаса **-га** тарзида қўшилади. Шунингдек, сўз охирида **д, ғ, г** нинг жарангсизланишига қараб қўшимча ҳам шуларга мослашади: дэд-дэдка, тэғ-тэққа, тег-теккә. Тушум келишиги қўшимчаси: ***-нъ, -ни.*** Истак феъли ясовчиси: ***-лък, -лик***: алайлък, келәйлик. Қисташ билдирувчи буйруқ феъли ***-чи*** қўшимчаси орқали ясалади: берсангчи.

Проф. Ғози Олим бу лаҳжани тўртга бўлади:

1) **Сайрам-Чимкент шеваси.** Бу шеванинг ўзига хос хусусиятлари алоҳида берилмаган.

2) **Тошкент-Хос шеваси.** Бу шеванинг асосий хусусиятлари: тушум келишик қўшимчаси **т** билан тугаган сўзлардан кейин ***-ти.*** Шунингдек, бу қўшимча сўз охирида ассимиляцияга учраб, қўшимча олдидаги ундошга мослашади: б и з - б и з з и. Истак феъли ясовчи: ***-лук:*** к е л и й л у к. Ҳозирги замон давом феъли қўшимчаси: ***-вэт***: к е (л) в э т т ъ. э (л) в э т т ъ; бўлишсизи: к е м ъ й э т ъ п т ъ.

Шарт феълининг I шахс кўплиги ***-вуз, -мъз***: б ъ л с э в у з, б ъ л с а м ъ з, э (л) с э в у з, э (л) с а м ъ з, II шахс ***-йъз***: б ъ л с а й ъ з, э (л) с а й ъ з, I шахс ўтган замон феълининг кўплиги ***-мъза, -мъз, -вуза, -вуз*** (элдуза); II шахси ***-ъ:з*** (э л д ъ:з) орқали ясалади.

3) **Андижон шеваси.** Бу шеванинг асосий хусусиятлари: тушум келишик қўшимчаси ***-нь, -ни.*** Бундан ташқари ***-ть, -ти, -дь, -ди*** тарзида ҳам қўлланилади. Ҳозирги замон давом феъли ***-йап, -йәп*** қўшимчаси орқали ясалади: к е л ә й ә п м ә н.

4) **Наманган шеваси.** Бу шеванинг асосий хусусиятлари: ҳозирги замон давом феъли қўшимчаси ***-ут***: к е л у т т ъ м а н, бўлишсизи: к е л м у т т ъ м а н.

**III. Хива-Урганч лаҳжаси.** Бу лаҳжага Хива, Хонқа, Ғазовот, Шоҳобод, Қат, Тошовуз, Эски Урганч, Янги Урганч, Ҳазорасп, Тўрткўлда яшовчи ўзбек шевалари киради. Бу лаҳжа вакиллари Амударёнинг сўл қирғоғида яшовчи ўзбеклар орасида ҳам учрайди. Бу лаҳжанинг баъзи диалектал хусусиятлари: жўналиш келишик қўшимчаси унлилар билан тугаган қаттиқ ўзакда ***-ға***, юмшоқ ўзакда ***-гә***, ундошлар билан тугаган қаттиқ ўзакда ***-а***, юмшоқ ўзакда ***-ә*** каби ишлатилади. I ва II шахс кишилик олмошлари (м ә н, с ә н) юмшоқ бўлса-да, келишик қўшимчасини олганда қаттиқлашади: м а н г а, с а н г а. Келаси замон феъли ясовчи аффикс ***-джақ, -джак,*** истак феъли ясовчи ***-ль, -ли,*** (к е л ә л и, а л а л ь), қисташ билдирувчи буйруқ феъли: б е р с ә н г ә, а л с а н г а каби.

Хива-Урганч лаҳжасини проф. Ғози Олим иккига бўлади.

1) **Хива шеваси.** Бу шеванинг асосий хусусиятлари: сингармонизмнинг сақланиши, чўзиқ унлиларга эга бўлиши, **қ** ўрнида **к** ундошининг келишидир.

2) **Қорлуқ шеваси.** Бу шеванинг ўзига хос хусусиятлари алоҳида берилмаган

Проф. Ғози Олим классификацияси ўзбек шеваларининг хусусиятларини тўла қамраб олмаган. Шунинг учун ҳам ажратилган лаҳжа ва шевалар қайси хусусиятларига кўра группалаштирилгани сезилмай қолади. Чунки, айрим ажратилган шеваларнинг лингвистик фарқларини кўрсатувчи белгилар берилмаган (ўзбек-қипчоқ лаҳжаси ва унга кирган шеваларни мустасно қилганда).

Юқорида баён этилган проф. Е. Д. Поливанов ва проф. Ғози Олимнинг классификациялари ўз вақтида проф. И. А. Батманов томонидан танқид қилинди.

**31-§. Проф. А. К. Боровков классификацияси.** Проф. А. К. Боров-

ков ўзбек шеваларини классификация қилишга катта ҳисса қўшди. У тўпланган фактик материаллар асосида ўзбек шевалари классификациясининг икки хил вариантини тавсия этди. Проф. А.К. Боровков ўз классификациясининг биринчи вариантига ўзбек шеваларида учрайдиган фонетик белгиларни (хусусиятларни) асос қилиб олди. Проф. А. К. Боровков ўзининг бу классификациясида ўзбек диалект ва шеваларини, улардаги энг муҳим фонетик хусусият: о-лаш ва а-лашга кўра, икки катта группага ажратди: 1) о-ловчи шевалар, 2) а-ловчи шевалар.

О-ловчи группа шеваларга шаҳар шевалари (Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Каттақўрғон, Андижон, Қўқон, Марғилон, Фарғона, Қарши, Жиззах шаҳар шевалари) ва улар атрофидаги район шеваларини киритди.

А-ловчи группа шеваларга эса сингармонизмни сақлаган шеваларни киритди, А-ловчи группа ўзбек шевалари (бу группа шеваларда учрайдиган фонетик хусусиятга кўра) й-лаш ва дж-лаш хусусиятларига кўра, ўз навбатида, иккига ажратилади: 1) й-ловчи, 2) дж-ловчи шевалар.

Й-ловчи группага Жанубий Қозоғистондаги (Чимкент, Манкент, Туркистон ва ш. к.) ўзбек шевалари ва Жанубий Хоразм шевалари киритилди, дж-ловчи группага эса Шимолий Хоразм, Сурхондарё ва Самарқанд областидаги қишлоқ шевалари киритилди.

Ўзбек диалект ва шеваларини группалаштиришда проф. А. К. Боровковнинг бу классификацияси ҳалигача ўз аҳамиятини йўқотмаган. Кейинги йилларда у бошқа вариантни тақдим этди. Бу вариант ўзбек диалект ва шевалари орасидаги муносабатлар ва тарихий-лингвистик хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда тузилиб, қуйидаги тўрт диалектдан иборат: 1) ўрта ўзбек диалекти, 2) шайбоний - ўзбек ёки дж-ловчи диалект, 3) жанубий-Хоразм диалекти, 4) алоҳида группа шевалар (келиб чиқиши жиҳатидан турлича бўлган айрим шевалар).

1. **Ўрта ўзбек диалекти.** Бу диалектга икки группа шева киради. 1) Ўрта Ўзбекистон шеваси (Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Фарғона типидаги шевалар), 2) Шимолий ўзбек шеваси (Чимкент, Сайрам, Жамбул, Марки шевалари ва Жанубий Қозоғистоннинг баъзи бир ўзбек шевалари).

Биринчи группа шеваларда 6 ёки 7 унли фонема бўлиб, сўзларнинг биринчи ёки кейинги бўғинларида очиқ [э] фонемаси ишлатилади. Унлиларнинг уйғунлашиши (унлилар гармонияси) кўринмайди. Булар сингармонизмни йўқотган шевалардир.

Иккинчи группа шеваларда эса унлилар составида 8 фонема бўлиб, [э] унлиси йўқ. Бу унли ўрнида асл туркий орқа қатор [а] унлиси ишлатилади. Унлиларнинг уйғунлашиши баъзи бир шеваларда кўпроқ, баъзи бир шеваларда эса камроқ сақланган.

Проф. А. К. Боровков биринчи группа шеваларнинг характерли хусусиятларини қуйидагича кўрсатади:

1) Тошкент типидаги шеваларда (Тошкент, Хонобод, Хоç, Тақачи, Янгийўл, Чиноз каби) охири ёпиқ бўғин бўлган икки

бўғинли сўзларнинг ҳар икки бўғинида ҳам [э] унлиси келади: қ э з э п, с э м э н, б э з э р каби.

Бу группа шеваларда $x_1$ ва $x_2$ ўзаро фарқланмайди. ҳ товуши тил орқа **х** билан бирикиб кетган. Шунингдек, араб тилидан кирган бўғиз товуши айн чуқур тил орқа сирғалувчи товуш **ғ** билан ифодаланади: ш и ғ и р - ш е ъ р, с э ғ э т < с о а т каби. От ўзак-негизларининг охирги ундоши ва қаратқич, тушум келишиги қўшимчаларининг бош ундоши ассимиляцияга учрайди: э ш ш ъ (< о ш н и // о ш н и н г), ъ п п ъ (< и п н и//ипнинг), т э л л ъ (<толни//толнинг) каби.

Ҳозирги замон давом феъли формаси ***-вэт*** (к е в э т т ъ) дир. Ўтган замон феълининг биринчи шахс кўплик формаси ***-дъмъз*** [> *-дувуз(ә)*: к е л д у в у з *(ә)*].

2) Самарқанд-Бухоро типидаги шеваларда кўпинча биринчи бўғинда [э] эмас, [а] учрайди. Охири ёпиқ бўғин билан тугаган икки бўғинли ўзак-негизларда лаб-тиш **в** ва **ф** учрайди. Қаратқич ва тушум келишиги қўшимчаси битта, жўналиш ва ўрин-пайт келишигининг аффикси ҳам битта ***-га/-гә, -ка/-кә*** каби.

Ҳозирги замон давом феъли формаси ***-эп*** (к е л э п т ъ) каби.

3) Фарғона типидаги шеваларда [э] одатда биринчи бўғинда учрайди: б э ҳ а р, э н а р каби. Қаратқич-тушум келишиги аффикси ***-нъ//-дъ//-тъ*** дир. Ҳозирги замон давом феъли формаси ***-йәп*** (к е л й ә п т ъ) ва бошқалар.

Бу группа шеваларнинг луғат составида ҳам маълум даражада фарқ бор.

| Тошкент | Сам.-Бухоро (Қарши) | Фарғона |
|---|---|---|
| *съгър (съйър)* | *енәк (енәй)* | *съгър (мол)* |
| *мушук (мушув)* | *пъшәк (пъшәй)* | *мъшъқ* |
| *оқйэй* | *търъкәмэн* | *кәмәләк (кәмәләй)* |
| *нәрвэн* | *нарвэн* | *шэтъ* |
| *сузмэқ* | — | *йузмақ* |
| *чумэлъ* | *мурча* | *чумәлък* |

2. **Шайбоний-ўзбек ёки ж-ловчи диалекти.** Бу диалектга Самарқанд, Қашқадарё, Бухоро, Сурхондарё областларидаги ва Оҳангарон водийсидаги шевалар, Шимолий Хоразм ҳамда Фарғона водийсидаги қипчоқ ва қорақалпоқ шевалари киради. Бу шеваларда унлилар сони 8та, биринчи бўғинларда учрайдиган ва ўзлашаётган [э] фонемаси билан 9тадир. Диалектнинг асосий хусусиятлари: сўз бошида бошқа шеваларда [й] билан талаффуз қилинадиган сўзлар [дж] билан талаффуз қилинади: д ж о л [ < й о л//*ад.-орф.* йўл, д ж э м э н ( < й э м э н)//*ад.-орф.* ёмон. Сўз охирида кенг унлилардан кейин келган [**қ, ғ**] товушлари [**в**] каби талаффуз қилинади: т э в (< т э ғ), б э в ( < б о ғ), қ о н ғ ъ р а в ( < қ ў н ғ и-

р о қ). Сўз охиридаги [қ,ғ,к,г] товушлари унлилардан кейин келганда тушиб қолади: к и ч и//*ад.-орф.* кичик, *сарь//ад.-орф.* сариқ; кишилик ва кўрсатиш олмошларининг жўналиш келишигидаги формаси: м а ғ а н, с а ғ а н, у ғ а н каби; ҳозирги замон давом феълининг формаси: ***-джатыр, -йатыр*** ёки ***-йап:*** к е л а д ж а т ы р, к е л й а т ы р, к е л й а п т и.

3) **Жанубий Хоразм диалекти.** Бу диалект ўз ичига Хонқа, Ҳазорасп, Шовот, Янгиариқ, Ғазовот, Шўрахон ва шуларга ёндош бўлган қишлоқ шеваларини олади. Унлилар сони 9 та. Диалектнинг асосий хусусиятлари: сўз бошидаги жарангсиз [т,к] ундошлари ўрнида жарангли [д,г] талаффуз қилинади: г э л д и//*ад.-орф.* келди, д и :р и//*ад. - орф.* тирик, қисқа ва узун унлилар мавжуд, сўз охиридаги қ, ғ, к, г товушлари тор унлилардан кейин талаффуз қилинмайди: д и : р и//*ад. - орф.* тирик, *са:ри//ад. - орф.* сариқ каби.

Ҳозирги замон давом феълининг формаси: ***-йатыр:*** г є л й а т ы р//*ад.-орф.* келаётир, келаси замон формаси: ***-джақ, -джэк:*** г є л э д ж э к//*ад.-орф.* келажак каби.

Бу диалект луғат состави жиҳатидан ҳам ўзига хос сўзларнинг мавжудлиги билан бошқа диалектлардан фарқ қилади.

4. **Алоҳида группа шевалар (келиб чиқиши жиҳатидан турлича бўлган айрим шевалар).** Бу шевалар асосан қуйидагилардир: 1) Қорабулоқ, Иқон, Манкент шевалари. Бу шеваларнинг асосий хусусиятлари: узун-қисқа унлиларга эга эканлиги; қаратқич келишиги формасида ***-инг*** (қорабулоқ) ишлатилиши; 2) «умлаутли» шевалар (Наманган областида).

**32-§. Проф. В. В. Решетов классификацияси.** В. В. Решетов ўзбек шеваларининг тарихий-лингвистик хусусиятларини ва айрим диалектларга қўшни тиллар (тожик, қозоқ, қорақалпоқ, туркман) муносабатини ҳисобга олган ҳолда ўзбек шеваларининг классификация схемасини тузди.

Ўзбек, қозоқ, уйғур, туркман, қорақалпоқлар составига кирган турк қабилаларининг ўзаро муносабатлари ҳақидаги тарихий-лингвистик маълумотлар ўзбек тилида қатор диалектлар бирлиги борлигини кўрсатади.

Ўзбек халқи составида тарихий-лингвистик жиҳатдан бир-биридан ажраладиган (фарқ қиладиган) уч диалект бирлиги бор: 1) қипчоқ, 2) ўғуз ва 3) қарлуқ-чигил-уйғур. Бу диалект бирликлари ўз навбатида ўзбек тили составида уч лаҳжани (қипчоқ, ўғуз ва қарлуқ-чигил-уйғур лаҳжалари) в ужудга келтирди, булар ҳозирги кунда ҳам ўзбек тилининг алоҳида лаҳжаси сифатида давом этиб келмоқда.

Демак, ўзбек тили уч туркий компонентнинг бирикиши натижасида вужудга келган:

1) қорлуқ-чигил-уйғур лаҳжаси ҳозирги қардош уйғур тилига яқин бўлиб, тожик тили билан яқин этно-лингвистик муносабатда бўлган;

2) қипчоқ лаҳжаси қардош қозоқ ва қорақалпоқ тиллари билан яқин;

3) ўғуз лаҳжаси қардош туркман тили билан яқин.

Проф. В. В. Решетов қардош ва қардош бўлмаган қўшни тиллар билан ўзбек тили диалектал составининг муносабатларини график шаклда қуйидагича ифодалайди:

| ТОЖИК ТИЛИ | | | |
|---|---|---|---|
| | қорлуқ-чигил-уйғур диалекти | | |
| қозоқ, қорақалпоқ ва қирғиз тили | қипчоқ диалекти | ўғуз диалекти | туркман тили |

Кўринадики, проф. В. В. Решетов асосан турк тиллари таснифи учун ҳам асос бўлган икки лаҳжани (қипчоқ ва ўғуз лаҳжасини) олади ва учинчи лаҳжа қилиб, ўзбек халқининг шаклланиш тарихида муҳим роль ўйнаган қорлуқ, чигил ва уйғур қабилаларининг бирлигини кўрсатади. Ҳар бир лаҳжанинг ўзига хос тор диалектал хусусиятлари борлиги, уларни ўрганиш ўзбек диалектологиясининг асосий вазифаларидан эканини ва бу шеваларнинг пайдо бўлиши ва ривожини ўрганишга ёрдам беришини алоҳида таъкидлаб ўтади. Бу уч лаҳжанинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

**I. Ўзбек тилининг қорлуқ-чигил-уйғур лаҳжаси.** Бу лаҳжа шаҳар шеваларини ва бошқа шаҳар типидаги қишлоқ шеваларини ўз ичига олади. Бу группа шевалар (Тошкент, Наманган, Андижон, Фарғона ва қатор аҳоли яшайдиган пунктлар) бир диалект комплексини ташкил этади. Буни шу шеваларнинг қатор специфик хусусиятлари бирлиги кўрсатадики, юқоридагиларга яна қуйидагиларни қўшиш мумкин.

1) **ч//т** нинг алмашиниши: *Тошк.*: ч(ъ)шлә// *уйғ.* *қашқ.* ч(ъ)шлә; *Тошк.*: туштъ//чуштъ, *уйғ.* чуштъ.

2) Ўзак ва аффиксларда сўз охиридаги **к-қ//г-ғ** ундошларининг сақланиши: *Уйғ.* тәръғ//тәръқ, сәръғ, уруғ, отък; *Тошк.* қаттъғ, тәру:, тароғ//тәрэ:, ортэ:, қъшлэ:лъғ//қъшлэ:лъ; *Наманг.* йоқ//йоғ, тәръғ, бълек, бър куллуг, бэлъғ; олмошларда: *уйғ.*, *Тошк.* қандақ//қандағ, бундақ//бундэғ.

3)Турли ҳолатда ҳам **қ//х** ундошларининг алмашиниши: *уйғ.*, *Тошк.*, *Наманг.* тоқта//тохта, тоқсан//тохсан, бақтук//бахтук.

4) **л//н** ундошларининг алмашиниши: көйнек//көйләк//көлләк//көнглек. *Тошк.* койнәк//койләк//койнәй.

5) Тўлиқ прогрессив ассимиляция: *Тошк.* туззъ<тузнъ//тузнънг, эшшъ<эшнъ//эшнънг, темъррръ<темърнъ//темърнънг; *Наманг.* қушшъ<қушнъ//қушнънг, гәппъ <гапнъ//гэпнънг, тэшшъ<тошнъ//тэшнънг.

6) Уйғур тилининг асосий фонетик хусусиятларидан бири «умлаут» бўлиб, биринчи бўғинда келган қуйи кўтарилиш а/э унлиларининг иккинчи бўғинда келган юқори кўтарилиш ъ унлиси таъсирида є га ўтишидир: *ат*>*єтъ* каби. Бу ҳодиса Наманган шевасида учраса-да, Тошкент, Марғилон шеваларида учрамайди. Лекин Андижон шевасидаги ат>этъ каби фонетик ҳодиса «умлаут» қолдиқларидандир. Солиштиринг, Тошкент шевасида: сэн~сэнэ, зоғ~зэғчэ каби.

7) Наманган шеваси ва уйғур тилидаги товушларнинг тушиши ва тор унлиларнинг қисқалиги каби хусусиятлар Тошкент шевасида ҳам мавжуд, солиштиринг: *Тошк.*, *Наманг.* эдэмлэ келдълэ, бъзэ>бзэ, сълэ>слэ.

8) Тошкент, Наманган, Андижон, Марғилон, Қўқон шеваларининг ҳаммасида турловчи қўшимчалардан ***-нъ*** аффикси (фонетик вариантлари билан) ҳам қаратқич, ҳам тушум келишиги маъноларини ифода этади. Бу қаратқич-тушум аффиксининг фонетик вариантларига кўра шевалар икки группага ажралади:

а) ***-нъ*** аффикси ундош билан тугаган сўзларга қўшилиб келганда, унинг биринчи товуши тўлиқ прогрессив ассимиляцияга учровчи шевалар (унли билан тугаган сўзларга бу аффикс қўшилганда ***-нъ*** сақланади). Бунга Тошкент, Наманган ва ўз фонетик хусусиятлари жиҳатдан бу шаҳарларга яқин қишлоқ шевалари киради. Масалан, *Тошк.* туззъ<тузнъ, тэммъ<тэмнъ, гэппъ<гэпнъ; *Наманг.* эттъ<этнъ, тэллъ<тэлнъ. Солиштиринг: тушум келишиги: *Тошк.*, *Наманг.* эттъ, сэттъ; қаратқич келишиги: эттъ бэшъ.

б) Қаратқич-тушум аффиксидаги **н**/ **д/т** товушларининг алмашиниши билан характерланадиган шеваларга Андижон, Марғилон, Қўқон группа шевалари киради. Бу шевалар мана шу хусусиятларига кўра ўзбек тилининг қипчоқ шевасига яқинлашади. Масалан, солиштиринг: *Анд.*, *Марғ.*, *Қўқон.* этэсъню кѳрдъ, эштъ мэзэсъ, тэлдъ кестъ.

9) Бу шевалар группаси ҳозирги замон давом феълини ифодаловчи икки морфологик белгига эга:

А. ***-ват*** ва унинг фонетик вариантлари: ***-ват, -ут***; Тошкент ва унга яқин қишлоқлар шеваси (масалан, Паркент ва бошқаларда), ***-вэт***; солиштиринг: *Тошк.* ***-вэт***, *уйғ.* ***-вәт***, *Наманг.****-ут***

а) Тошкент парадигмаси:

| Бирлик | Кўплик |
|---|---|
| *бэрвэтмэн>бэрвэммэн, элвэтмэн >эвэтмэн>эвэммэн* | *бэрвэтмъз>бэрвэммъз, элвэтсъз >элвэммъз>эвэммъз* |
| *бэрвэтсэн>бэрвэссэн, элвэтсэн> эвэтсэн>эвэссэн* | *бэрвэтсъз>бэрвэссъз, элвэтсъз> эвэтсъз>эвэссъз* |
| *бэрвэттъ, элвэттъ>эвэттъ.* | *бэрвэттълэ, элвэттълэ>эвэттълэ.* |

б) Наманган парадигмаси:

| Бирлик | Кўплик |
|---|---|
| *қълуттъмән, бэруттъмән* | *қълуттъмъз, бэруттъмъз* |
| *қълуттъсән>қълуссән,* | *қълуттъсъз>қълуссълә,* |
| *бэруттъсән>бэруссән* | *бэруттъсъз>бэруссълә* |
| *қълуттъ, бэруттъ.* | *қълуттъ, бэруттъ.* |

в) Уйғур парадигмаси:

| Бирлик | Кўплик |
|---|---|
| *қълватъман* | *қълватъмъз* |
| *қълватъсан* | *қълватъсъз* |
| *қълватъду* | *қълватъду.* |

Бу формаларнинг генетик жиҳатдан бирлиги, яъни бир манбадан келиб чиққанлиги шубҳасиздир. Тошкент ва Наманган формалари қълватъман формасининг кейинги фонетик ривожидир, холос. Буни Тошкент ва Наманган шеваларида учрайдиган оралиқ вариантлар исботлайди. Масалан, Тошкент областининг Паркент шевасида қълвэттъм ва қълвэттъмән каби бир маънода ишлатиладиган формаларни учратамиз.

Наманган формаси ***-ут*** фонетик қонунлар асосида ўзгариб ***-ват*** га бориб тақалади. Бу форманинг эволюцион процесси мана бундай: ***-ват>-вот >-от >-ут.*** Буни Наманган шевасида қълуттъ формаси билан параллел қўлланадиган унинг фонетик варианти бўлган оралиқ форма қълоттъ исботлайди.

***-ват*** аффиксининг ривожи Наманган шевасидагидек ***-ват>-вот>-от>-ут***, Тошкент шевасидагидек ***-ват>-вэт*** йўли билангина эмас, ***-ват>-вәт*** (Уйчи) йўли билан ҳам боргандир.

**Б.** ***-йәп*** формаси Фарғона водийсидаги шаҳар (Андижон, Марғилон, Қўқон) ва шу каби шаҳарларга яқин бўлган қишлоқ шеваларига хос.

| Бирлик | Кўплик |
|---|---|
| *қълйәпмән>қълйәппән, бэрйәпмән >бэрйәппән* | *қълйәпмъз>қълйәппъс, бэрйәпмъз>бэрйәппъс* |
| *қълйәпсән, бэрйәпсән* | *қълйәпсъз, бэрйәпсъз* |
| *қълйәптъ, бэрйәптъ* | *қълйәптъ, бэрйәптъ* |

Фарғона парадигмасига (Наманган шевасидан ташқари) Самарқанд формаси ҳам яқинлашади.

| Бирлик | Кўплик |
|---|---|
| *қълэпман, берэпман* | *қълэпмъз, берэпмъз* |
| *қълэпсән, берэпсән* | *қълэпсъз, берэпсъз* |
| *қълэпту, берэпту* | *қълэпту, берэпту.* |

*-эп* (Самарқанд шеваси) аффиксидаги очиқ ɔ фонемаси ўзининг турғунлиги билан характерланади. Лекин, Тошкент шевасидаги *-вэт* қўшимчасида учрайдиган аффиксал ɔ унлиси ва Фарғона варианти *-йэп* даги а шеваларда турли кўринишларга эга: *-вэт* аффиксидаги ɔ олдингироқ қатор бўлиши мумкин. Солиштиринг: *-вәт* (Уйчи), *-йәп* (Фарғона) аффиксидаги олдинги қатор ә унлиси орқа қатор а унлиси орасида тебраниб туради: к е л й ә п п ә н ~ к е л й а п п а н. Солиштиринг: к е л ә й а т ъ р ~ к е л ә й ә т ъ р ~ к е л ә й ɔ т ъ р каби.

Қорлуқ-чигил-уйғур лаҳжасига кирувчи диалект ва шеваларни специфик хусусиятларини сақлаш-сақламаслик нуқтаи назардан бир неча группага ва диалектга бўлиш мумкин.

## ҚОРЛУҚ-ЧИГИЛ-УЙҒУР ЛАҲЖАСИ

### I. Фарғона группаси.

**1. Наманган диалекти.** Бу диалектга Наманган шаҳар шеваси, Наманган областидаги Уйчи, Чортоғ каби шевалар киради. Бу шевалар қардош уйғур тилига ўзининг яқинлиги билан характерланади.

**2. Андижон-Шаҳрихон диалекти.** Бу диалект Андижон шаҳар шевасини, Шаҳрихон шевасини ва Андижон областидаги бошқа баъзи шеваларни ўз ичига олади.

**3. Ўш-Ўзган диалекти.** Бу диалект Ўш, Ўзган, Жалолобод каби шеваларни ўз ичига олади. Ўш-Ўзган диалекти қирғиз тили элементларининг борлиги билан характерланади.

**4. Марғилон-Қўқон диалекти.** Бу диалект Марғилон, Фарғона шаҳар шевасини (эскича Сим), Водил, Қўқон каби шеваларни ўз ичига олади.

### II. Тошкент группаси.

**1. Тошкент диалекти.** Бу диалект Тошкент шаҳар шевасини, Тошкент областидаги Паркент, Пискент, Қорахитой каби шеваларни ўз ичига олади (Тошкент областидаги қипчоқ—ж-ловчи шевалардан ташқари).

**2. Жиззах диалекти.** Бу диалект Тошкент ва Самарқанд областидаги Жиззах, Хос (Ховос) каби, Қашқадарё водийсидаги Пўлати, Мўлати, Бойтерак каби шеваларни ўз ичига олади (кўрсатилган областлардаги қипчоқ—ж-ловчи шевалардан ташқари).

### III. Қарши группаси.

**1. Қарши диалекти.** Бу диалект Қашқадарё водийсидаги Қарши, Шаҳрисабз, Китоб, Яккабоғ каби шеваларни ўз ичига олади. (Шу областдаги қипчоқ—ж-ловчи шевалардан ташқари.)

**2. Самарқанд-Бухоро диалекти.** Бу диалект Самарқанд, Бухоро, Ленинобод (Хўжанд), Фарғона водийсидаги Чуст, Қашқадарё водийсидаги Косон каби шеваларни ўз ичига олади. Бу шевалар тожик элементларининг турли даражада борлиги билан характерланади.

### IV. Шимолий ўзбек группаси.

**1. Иқон-Қорабулоқ диалекти.** Бу диалект Иқон, Қорабулоқ, Манкент, Қорамурт каби шеваларни ўз ичига олади. Бу шевалар ўғиз ва қипчоқ элементларининг борлиги билан характерланади.

**2. Туркистон-Чимкент диалекти.** Бу диалект Туркистон, Чимкент, Сайрам каби шеваларни ўз ичига олади. Бу шевалар ўғуз элементларининг камайиши (баъзан йўқлиги) ва қипчоқ элементлари (айниқса, қозоқ элементлари) нинг кўпайиши билан характерланади.

Қорлуқ-чигил-уйғур лаҳжасининг Тошкент ва Фарғона группасидаги диалектларнинг баъзилари ўзбек адабий тилининг шаклланишида алоҳида роль ўйнаган.

**II. Ўзбек тилининг қипчоқ лаҳжаси.** Бу лаҳжага хос хусусиятлар проф. Е. Д. Поливанов ва проф. Ғози Олим классификациясида атрофлича берилган.

1. Фонетик хусусиятлари қуйидагилар: а) контраст жуфт унлилар [**у/Y, о/ө, ы/и, а/э**] нинг мавжудлиги ва бунинг натижасида сингармонизмнинг сақланиши, яъни ҳозирги қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ тиллари ва бошқа қипчоқ группасига кирадиган турк тилларига хос бўлган товушларнинг ўзак ва аффиксларда алмашиниши; б) сўз бошида келган ўрта кўтарилиш унлиларининг дифтонглашуви **$и_{э}$, $Y_{ө}$, $у_{о}$**, (**$и_{эт}$**, **$у_{от}$**, **$Y_{өт}$** каби); в) ийт, бийт сўзларида дифтонгнинг ишлатилиши; г) қисқа-узун унлиларнинг фарқланмаслиги, ундош товушларнинг тушиб қолиши ҳисобига бўладиган иккинчи даражали узунликнинг мавжудлиги: сY:бэт (< суҳбат) сўзидаги [Y:] каби; д) сўз бошида **й** нинг **дж** га ўтиши (**й>дж**]: джол<йол, д-жаман<йаман//ад.-орф. ёмон; е) [**ғ>в**]: тағ>тав, ағиз>авуз; ж) [**г>й, ғ>й**]: тегди>тийди, йиғин>джыйын, сигир>сийир; з) унлилар орасида **п, к, қ** нинг жаранглилашиши: қап>қабы, эк>егип, чық>чығып; и) сўз бошида **ҳ** ундошининг ортиши (пайдо бўлиши): айван>ҳайван, арра>ҳарра каби; к) сўз охирида **қ, қ** нинг тушиб қолиши: сарық>сары, кичик>кичи.

2, Морфологик хусусиятлари: а) қаратқич ва тушум келишиклари аффиксида **н/ д/ т** товушларининг алмашиниши: ***-нынг//-нинг, -дынг//-динг, -тынг//-тинг, -ны//-ни, -ды//-ди, -ты//-ти***; б) шахс олмошларининг жўналиш келишиги шакли маған, саған, уған; в) ҳозирги замон давом феълининг ***-джа-***

*тыр* билан ясалиши: б а р а д ж а т ы р; г) ҳозирги-келаси замон сифатдоши *-тыған* билан ясалиши: к е л э т ы ғ а н каби.

Қипчоқ лаҳжаси бошқа лаҳжалардан ўзининг лексик хусусиятлари билан ҳам фарқ қилади.

**III. Ўзбек тилининг ўғуз лаҳжаси.** Бу лаҳжанинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагича: а) қипчоқ шеваларидаги каби контраст жуфт унлиларнинг мавжудлиги; б) қисқа ва узун унлиларнинг фарқланиши, яъни туркман тилидаги каби қадимги туркий узун унлилар (биринчи даражали чўзиқ унлилар) нинг мавжудлиги: а : т (ҳайвон), а : д (исм); о т (ўсимлик), о : т (олов); в) сўз бошида **т** ва **к** товушларининг жаранглилашиши: д и л//*ад.-орф.* тил, г э л′// *ад.-орф* кел; г) **к** ва **г** товушларининг максимал юмшалиши **к′**, **г′**; д) қаратқич келишиги аффиксининг *-ынг //-инг* формасида ишлатилиши; е) жўналиш келишиги аффиксининг *-а//-э* формасида ишлатилиши; ё) б о л феълидаги **б** нинг тушиши (б о л > о л) кабилар.

Шунингдек, бу лаҳжа ҳам бошқа лаҳжалардан ўзига хос лексик-грамматик хусусиятлари билан фарқ қилади.

## АДАБИЁТЛАР

Б а т м а н о в И. А., Вопросы классификации узбекских говоров («Проблемы языка», вып. I, Ташкент, 1934).

Б о р о в к о в А. К., Вопросы классификации узбекских говоров, Известия АН УзССР, 5, 1953.

Б о р о в к о в А. К., По поводу «иранизации» узбекского языка, Известия АН УзССР, 8, 1955.

Б о р о в к о в А. К., Изменения в области узбекской лексики и новый алфавит на основе русской графики. Известия УзФАН ССР, № 7, 1940.

З а р у б и н И. И., Список народностей Туркестанского края. Ленинград, 1925.

П о л и в а н о в Е. Д., Узбекская диалектология и узбекский литературный язык, Ташкент, 1933.

Р е ш е т о в В. В., Изучение узбекских народных говоров («Ўзбек даилектологиясидан материаллар», I, Ташкент, 1957).

Р е ш е т о в В. В., Узбекский язык, I, Ташкент, 1959.

Р е ш е т о в В. В., Классификация узбекских говоров Ангренской долины. Бюллетень АН Уз ССР, 7, 1946.

Р е ш е т о в В. В., Ш о а б д у р а ҳ м о н о в Ш., Ўзбек диалектологияси. Тошкент, 1962.

Ю д а х и н К. К., Узбекский язык, Литературная энциклопедия, Т., XI, Москва, 1939.

Ю д а х и н К. К., Материалы к звуковому составу чигатайского языка («Культура и письменность Востока», кн. IV, Баку, 1929).

Ғ о з и О л и м., Ўзбек лаҳжаларини таснифда бир тажриба, Тошкент, 1936. (Латин алифбесида босилган.)

Қ о д и р о в Ғ. Қ., Ўзбек шеваларини ўрганиш ва тасниф қилиш масаласи. Фарғона, 1949.

# ФОНЕТИКА

## ЎЗБЕК ХАЛҚ ШЕВАЛАРИНИНГ ВОКАЛИЗМИ

**1-§. Шевалараро унли фонемаларнинг сон жиҳатидан муносабатлари.** Ўзбек тилида сўзлашувчи коллектив жойлашган территорияга назар ташлаб, шевалар бўйича фонемаларнинг муносабатини сон жиҳатдан қараб чиқсак, бир қанча шеваларнинг ягона бир марказга — адабий тил талаффуз нормаларига асос бўладиган марказга қараб йўналишини кўрамиз. Республикамизнинг сиёсий, иқтисодий ва маданий маркази бўлган Тошкент шу йўналишларнинг асосий пунктидир. Чунончи: 1. Тошкент — Андижон, 2. Тошкент — Бухоро, 3. Тошкент — Урганч (Хоразм), 4. Тошкент — Туркистон.

Ягона марказдан узоқлашган сари биринчи, учинчи ва тўртинчи йўналишларда (охиргиси Қозоғистон территориясида жойлашган) унли фонемалар сони кўпая боради, иккинчи йўналишда эса ўзбек шаҳар шеваларига хос бўлган унли фонемаларнинг типик состави асосан сақланади, аммо унли фонемаларнинг сифат жиҳатдан характеристикаси бирмунча бошқачароқ тус олади. Бу йўналишларнинг бўлинишини шартли тушунмоқ керак, чунки кўрсатилган тўртта йўналишнинг ҳар бири, ўз навбатида, бир қатор чекланишларга эга, бу диалектология курсида алоҳида текширилади.

**2-§. Адабий тил билан шевалар ўртасидаги фонетик муносабатлар.** Адабий тилнинг шаклланишида бевосита иштирок қилган баъзи ўзбек шеваларининг унлилари ўзига хос қатор хусусиятларга эга. Тошкент — Фарғона типидаги шаҳар шевалари ҳамда шаҳар шеваларининг талаффуз ва лексик-грамматик хусусиятларига ўхшаш бўлган қишлоқ шевалари адабий тилнинг шаклланишида етакчи роль ўйнайди. Ўзбек тили тараққиётининг барча даврларида вужудга келган энг прогрессив хусусиятларни ўзида акс эттирганлиги сабабли шаҳар шевалари етакчи шева ҳисобланади. Аксинча, ж-ловчи шевалар консерватив характерга эга бўлиб, бу шевалар вокализмида қипчоқ лаҳжасининг традицион хусусиятлари қатъий равишда сақланган. Бу икки қутб шева (й-ловчи ва ж-ловчи шевалар) орасида фонетик ва морфологик хусусиятлари жиҳатидан адабий тил ва жонли шеваларнинг ўзаро муносабатлари натижасида

вужудга келган кўпгина мураккаб ҳодисаларни ўзида мужассамлаштирган шевалар ҳам бор эканлигини кўришимиз мумкин.

Юқорида кўрсатилгандек, ўзбек халқ шевалари товуш состави ва фонетик хусусиятларига кўра, икки катта группага бўлинади. Булардан бири ж-ловчи шевалар бўлиб, булар ўзбек адабий тилида сўз бошида келадиган [й] ўрнига [дж] фонемасини ишлатади. Масалан, й о л ўрнига д ж о л, й ɔ м ɔ н ўрнига д ж а м а н, й о қ ўрнига джоқ.

Ж - ловчи шевалар ўзбек адабий тилидан бошқа фонетик хусусиятлари билан ҳам фарқ қилади, Масалан, орфографик **о** ўрнида тил орқа [а] товуши ишлатилади,

Масалан: *ад.- орф.* ота [ɔ т ə] ∼ ж - ловчи [а т а], *ад.- орф.* бола [б ɔ л ə] ∼ ж - ловчи [б а л а].

Фақат баъзи ж - ловчи шеваларгина о - лаш хусусиятига эга. Бундай шевалар қаторига Самарқанд областидаги қозоқ - найман шеваси, Тошкент областидаги қурама шеваларининг баъзилари ва бошқа шевалар киради. Шунингдек, ж - ловчи шевалар сингармонизмли бўлиши билан характерланади.

Ж - ловчи шеваларда ўзбек адабий тили нормаларидан четга чиқиш ҳоллари кўплаб учрайди.

Қозоқ тилига яқин бўлган, [дж] ўрнига [ж] ишлатиладиган шевалар ҳам ж - ловчи шевалар қаторига киради.

Ўзбек шеваларининг иккинчи группасини о - ловчи ва а - ловчи группачаларга бўлинувчи й - ловчи шевалар ташкил қилади. А - ловчи шевалар сингармонизмлидир.

Й - ловчи группанинг а - ловчи шеваларида (Шимолий ўзбек, Туркистон, Иқон, Қорабулоқ, Манкент ва Хоразм шевалари) қадимги туркий чўзиқ унлилар мустақил фонема сифатида ишлатилади.

**3 - §. Ўзбек халқ шеваларида унли фонемаларнинг сони.** Ўзбек халқ шевалари ўз состави жиҳатидан мураккабдир. Ўзбек тили диалектлари комплекси таркибига қорлуқ - чигил - уйғур, қипчоқ ва ўғуз лаҳжалари киради. Бу лаҳжаларнинг ҳар бири, ўз навбатида, вокализми жиҳатидан, фонетик ноўхшашликларга эга бўлган шеваларга бўлинади.

Қорлуқ-чигил-уйғур лаҳжасидаги шеваларда 9—10 та унли фонема бор. Ўғуз лаҳжасидаги шевалар эса товуш жиҳатдан анча мураккаб, чунки уларда баъзи унли фонемалар сифат жиҳатидангина эмас, балки миқдор жиҳатдан ҳам кескин фарқ қилади. Бу лаҳжадаги шеваларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, буларда маъно фарқловчи, яъни маълум семантик функцияга эга бўлган ва мустақил фонема ҳисобланадиган алоҳида чўзиқ унли товушлар мавжуд. Ўғуз лаҳжасидаги шеваларнинг вокализм системаси мутлақ чўзиқ ва мутлақ қисқа фонемалардан ташкил топган бўлиб, бу фонемаларнинг сони баъзи шеваларда 18 тага қадар боради.

Ўзбек адабий тилига асос бўлган шеваларда унли фонемалар сони 6—7 тадан ошмайди. Тошкент ва Самарқанд шеваларининг вокализм системаси 6 фонемалик бўлиб, бу фонемаларнинг баъзилари сифат жиҳатдан фарқ қилади.

Тошкент тип шеваларда — ъ, е, ә, ɔ, о, у.

Самарқанд тип шеваларда — ъ, е, а, о, ɔ, у.

Бу вокализм (Самарқанд шеваларига хос хусусиятлар сақланган ҳолда) Бухоро ва Қарши шеваларига ҳам тааллуқлидир. *Худди* шундай хусусиятни Ленинобод (эски Хўжанд) ва Чуст шеваларида ҳам кўриш мумкин.

Қўқон ва Марғилон шеваларида сифат жиҳатдан фарқ қиладиган, аммо миқдор жиҳатдан фарқланмайдиган 7 фонема [ъ, у, е, о, ә, а, ɔ] мавжуд. Бу шеваларнинг унлилар системасида Тошкент ва Самарқанд унлилари системасидан фарқ қиладиган орқа қатор қуйи кўтарилиш [а] унли фонемаси сақланган. Шундай қилиб, бу шеваларда Тошкент шевасидаги [ә, ɔ], Самарқанд, Бухоро, Қарши, Хўжанд, Чуст шеваларидаги [а, ɔ] ва адабий тилдаги а ва о каби икки унли фонема ўрнига уч кенг унли фонема [а, ә, ɔ] борлигини кўрамиз. Бу шеваларда [а] фонемаси қуйи кўтарилишдаги унли фонемалар ўртасида оралиқ фонема ҳолатини сақлаб қолган. Аммо бу уч фонеманинг сўзлардаги тарқалиши Қўқон ва Марғилон шеваларида бир хил эмас.

Территория жиҳатдан Марғилонга яқин бўлган Водил қишлоғининг шеваси, шунингдек, Жиззах шеваси ва Тошкент областининг атроф шевалари Тошкент шаҳар шевасининг унлилар системасига ўхшайди.

Андижон, Шаҳрихон шеваларида Фарғона водийсининг бир қатор қишлоқ шеваларида (масалан, Сарой), Туркистон шеваси, ўзбек тилининг қорақалпоқ диалекти, Самарқанд, Сурхондарё, Қашқадарё областларининг ж-ловчи ўзбек шеваларида, шу жумладан, Тошкент область Оҳангарон водийсининг қурама шевалари вокализми составида 9, 10 та фонема мавжуд.

Бу унли фонемалар тубандагилар:

| тилнинг кўтарилиш ўрнига кўра | | тил олди (олдинги қатор) | | тил орқа (орқа қатор) | |
|---|---|---|---|---|---|
| лаб иштирокига кўра | | лабланмаган | лабланган | лабланмаган | лабланган |
| тилнинг кўтарилиш даражасига кўра (тилнинг танглайга томон кўтарилиш даражасига кўра) | юқори кўтарилиш (тор) | и (ёки ъ) | Y | ы (ёки ь) | у |
| | ўрта кўтарилиш (ярим тор) | е<br>э є | θ | | о |
| | қуйи кўтарилиш (кенг) | ә | | а | ɔ |

Кўринадики, схемадаги 12 катакчадан фақат иккитаси бўш қолган, булар ўрта кўтарилиш, лабланмаган орқа қатор ва қуйи кўтарилиш, лабланган олдинги қатор унлилар катакчасидир. Ҳақиқатан ҳам, ўрта кўтарилиш, тил орқа лабланмаган ва қуйи кўтарилиш,

тил олди лабланган унлилар мустақил фонема сифатида бизга маълум бўлган ўзбек шеваларида йўқ.

**4-§. Ўзбек шеваларида унлиларнинг лабланиш-лабланмаслик ҳодисаси.** Тошкент типидаги шевалар вокализмида, шунингдек, ўзбек адабий тили вокализмида унлиларнинг лабланиш ҳолати аста-секин камайиб, аксинча, тилнинг танглайга томон кўтарилиш даражасига кўра юқори кўтарилиш унлиларининг ўрта кўтарилиш унлиларига ва, ниҳоят, кенг унли фонемаларга ўтиши аста-секин кучайиб бормоқда.

Юқори кўтарилиш унлилари **и** ва **у** [ъ ва Y] ни асосий фарқи уларнинг лабланиши ёки лабланмаслигидадир. Ҳолбуки, тилнинг горизонтал йўналишига кўра бу икки фонема [ъ,Y] ва адабий тилдаги **и, у** ўзининг комбинатор вариантларига эга, бу комбинатор вариантлар адабий талаффузда ҳам ўз аксини топган. Масалан: қ и р қ, қ и з, қ и ш каби сўзлардаги *ад.-орф.* **и** товуши тил орқа [**ь**] (қ ь р қ, қ ь з, қ ь ш) каби талаффуз қилинади. Аксинча, к у л, г у л, к у я, к у ч у к каби сўзлар талаффузида *ад.-орф.* **у** товуши олдинги қатор [Y] каби талаффуз қилинади (к Y л, гYл, кYйә, кYчYк) ва бу **и, у** унлиларининг позициясига кўра тил олди ва тил орқа бўлиб туриши аниқ сезилади.

Юқоридагидек, комбинатор вариантлар ўрта кўтарилиш унлилари [е, **о**] дан фақат [**о**]//*ад.-орф.* **ў** унлисидагина кўринади. Солиштиринг: қ о л, к ө л.

Ниҳоят, қуйи кўтарилиш унлиларида лабланиш ёки лабланмасликка нисбатан тилнинг горизонтал йўналишига кўра фарқланиш устун. Шу сабабли ўзбек адабий тили вокализмида ҳам, Тошкент типидаги шевалар вокализмида ҳам [ɔ] фонемасининг лабланиши факультатив характердадир.

Фарғона шеваларининг баъзилари (хусусан, Марғилон ва унга ёндош шевалар) вокализмидаги фарқ юқорида кўрсатилгандек, қуйи кўтарилиш унлиларида учрайди [*Марғ.* **ә, а, ɔ**//*Тошк.* **ә,ɔ**// *ад. -орф.* **а, о**]. Марғилон шевасида учрайдиган [**а, ɔ**] кенг унлилари алоҳида фонема бўлиб, бир-биридан лабнинг иштироки билан фарқланади.

Кўринадики, 9, 10 та унли фонемага эга бўлган ўзбек шеваларида умумнорма сифатида лабнинг иштироки ва тилнинг горизонтал йўналишига кўра ажралиш принципининг қолдиғи маълум даражада сақланган. [**е-о** ва **ө-о**] (юқори-ўрта кўтарилиш); [**и-ы, и-Y, Y-у**] (юқори кўтарилиш) ва [**ә-а, а-ɔ**] (қуйи кўтарилиш) каби жуфт унлиларни қиёс қилинг.

**5-§. Ўзбек шеваларида унлиларнинг миқдори (чўзиқ-қисқалиги).** Ўзбек халқ шевалари вокализмига тўлароқ характеристика бериш учун унлиларнинг миқдори жиҳатдан икки фонологик қаторга бўлинишига, мутлақ чўзиқ унли товушларнинг мутлақ қисқа унли товушлардан фарқланишига тўхтаб ўтмоқ лозим. Бунда онда-сонда учрайдиган ва маълум фонетик шароитда вужудга келадиган, яъни семантик (маъно фарқловчи) функцияга эга бўлмаган иккинчи даражали (иккиламчи) чўзиқ унлилар эмас, балки чўзиқликнинг

алоҳида тури, мутлақ чўзиқлик (бирламчи чўзиқлик) хусусиятига эга бўлган унлининг ўзига мос келадиган қисқа унлидан фарқ қилиши назарда тутилади.

Ўзбек диалектологик картасида бир-бирига территория жиҳатидан қарама-қарши жойлашган икки шевада — «Шимолий ўзбек» группасига мансуб бўлган Қорабулоқ, Иқон шеваларида ҳамда Жанубий Хоразм шеваларида чўзиқ унлиларнинг мустақил фонема сифатида сақланганлигини кўрамиз.

Қорабулоқ шеваси вокализми:

| | | |
|---|---|---|
| тор | и/Ү | ы/у |
| ярим тор | е/ө | о |
| ярим кенг | э | а |

ҳамда [а:, о:, и:] каби мустақил чўзиқ унлилардан иборат. Мисоллар: а:т [а:д] — от (исм), ат-от (ҳайвон); а:ч [а:ш], а:ж—оч (қорним оч), ач — оч (эшикни оч); о:т [о:д] — ўт (олов), от — ўт (ўсимлик) ва бошқалар.

Қуйи-ўрта кўтарилишдаги унлилар категориясидан фақат иккитасигина миқдор ва сифат жиҳатдан фарқ қилади. Сингармоник Фарғона шеваларидан фарқи, буларда қуйи кўтарилишдаги очиқ унли [э] фонемаси мавжуд эмас, шу хусусиятга кўра Қорабулоқ шеваси ўзбек адабий тилидан ҳам фарқ қилади, яъни қуйи кўтарилиш унлиларининг сифат жиҳатдан характеристикасига кўра Қорабулоқ шеваси ёндош Иқон шеваси каби «а» лашган шевалар группачасига тааллуқлидир. Иқон шевасининг вокализмини тубандаги таблица яққол кўрсатади:

| | олдинги қатор | орқа қатор |
|---|---|---|
| Қисқа | и, е, є, Ү, ө | ы, а, у, о |
| Чўзиқ | и:, е:, є:, Ү:, ө: | ы:, а:, у:, о: |

Демак, Иқон шевасининг унлилар системаси 18 та фонемадан иборат бўлиб, типик ўзбек вокализми составидан миқдор ва сифат жиҳатдан, яъни бир-бирига зид бўлган тубандагидек жуфт унлиларнинг мавжуд бўлиши билан фарқ қилади:

тҮ:ш (тҮ:ш көрдҮм) // *ад.-орф.* туш (туш кўрдим);

тҮш > тиш, тиштим // *ад.-орф.* тушдим;

а:д (а:дынг кҮмдҮ) // *ад.-орф.* от (отинг ким);

ат (атынг башы) // *ад.-орф.* от (отнинг боши);

ба:р // ба: (о:чақта о:д ба:на, йо:қна?) // *ад.-орф.* бор (ўчоқда ўт борми, йўқми?);

бар [барайапма(н)] // *ад.-орф.* бор (боряпман).

Яна қисқа, чўзиқ унлиларга мисоллар: *Қорабулоқ.* а:т [// а:д] // *ад.-орф.* от (исм, ном), а:ды (дадамнинг а:ды Ташмат) // *ад.-орф.* от (отамнинг оти Тошмат);

ат [дадамынг йахшы аты бар (//ба:)] //*ад.-орф.* от (отамнинг яхши оти бор);

а:ч [//а:дж, а:ш, а:ж] //*ад.-орф.* оч (қорним оч); ач // *ад.-орф.* оч (эшикни оч);

о:т [о:д] //*ад.-орф.* ўт (олов), пешинг о:ды йоқ // *ад.-орф.* печнинг ўти (олови) йўқ;

от // *ад.-орф.* ўт (ўсимлик), даланинг оты бар // *ад.-орф.* даланинг ўти бор;

о:дун // *ад.-орф.* ўтин, базарға чықып бий (⩽ бир) араба о:дун алдым (а:дым) // *ад.-орф.* бозорга чиқиб бир арава ўтин олдим; даладағы о:дунны өйғә әккә (⩽ алып-кә) // *ад.-орф.* даладаги ўтинни уйга олиб кел;

*қы:з* // *ад.-орф.* қиз, бу қы:з кимингки // *ад.-орф.* бу қиз кимники? паланчынынг қы:зыны оғлума қондым // *ад.-орф.* фалончининг қизини ўғлимга унаштирдим.

Хивада: йаз // *ад.-орф.* ёз (хат ёз), йа:з // *ад.-орф.* ёз (ёз келди).

Қорабулоқ ва Иқон шеваларининг вокализмида бир-биридан маълум даражада фарқ қиладиган икки фонема: Қорабулоқда [ә], Иқонда [є] фонемалари мавжуд. Бу фонемалар ўртасидаги сифат жиҳатдан фарқ шундаки, Қорабулоқдаги [ә] га нисбатан Иқондаги [є] товуши бирмунча ёпиқ бўлиб, у типик қуйи-ўрта кўтарилиш унлисидир. Қорабулоқ шевасидаги [ә] эса, ўз акустик эффекти жиҳатдан бир қадар пастга тушувчи фонемадир. [є] га мисоллар: *Иқон.* кєл, кєлдилєр, кєлди:дим // *Тошк.* ке(л)гән едъм; *Иқон.* кәл // *Тошк.* кел. Иқон шевасидаги кєл // *ад.-орф.* кел ва кәл // *ад.-орф.* кал сўзлари омонимдир.

Тошкент шевасидаги кел ва кәл сўзларининг ўзагида эса сифат жиҳатидан фарқ қилувчи мустақил фонема мавжуд.

Чўзиқликнинг алоҳида тури сақланган шевалар қаторига Жанубий Хоразм группасига тааллуқли Хива, Урганч, Хонқа, Ҳазорасп, Шовот, Янгиариқ каби шевалар ҳамда Иқон (Туркистон шаҳридан 20 км узоқ), Қорабулоқ (Манкентдан 12 км узоқ), Боғдон шевалари ва бошқа сингармонистик — «Шимолий ўзбек» шевалари киради.

Баъзи туркий тилларда (туркман, ёқут) ҳамда юқорида қайд қилинган ўзбек шеваларида мавжуд бўлган типик чўзиқ унлилар ўзбек тилининг бошқа шеваларида, шунингдек, ўзбек адабий тилида мутлақо учрамайди. Ўзбек шеваларида (жанубий Хоразм ва Иқон-Қорабулоқ шеваларидан ташқари) маълум фонетик шароитда вужудга келадиган иккинчи даражали (иккиламчи) чўзиқ унлилар мавжуд.

**6- §. Ўзбек шеваларида иккинчи даражали (иккиламчи) чўзиқ унлилар.** Ўзбек шеваларида сўз маъноларини фарқламайдиган иккинчи даражали (иккиламчи) чўзиқ унлиларнинг вужудга келиш сабаблари тубандагича:

1. Ёндош ундошнинг тушиши натижасида (шәҳәр > шә:әр > шә:р каби) вужудга келадиган иккинчи даражали чўзиқ унлилар ўзбек шеваларида кўплаб учрайди:

а) [р] нинг тушиши натижасида: *Наманг.* бэ: <бэр, бэ:восун <бэ:р болсун // *ад.-орф.* бор бўлсин, *Анд.*, *Тошк.* бэ:мъ < бэрмъ // *ад.-орф.* борми? *Тошк.* бэлэ: < бэлэлэр // *ад.-орф.* болалар. Қиёс қилинг: *Уйғ.* қа: < қар, а:па < арпа;

б) [қ / к] нинг тушиши натижасида: *Наманг.* сэтэмэн бу сандy:нъ (<сандуқнъ) // *ад.-орф.* сотаман бу сандиқни, ора:нъ ( <орақнъ) учъ мънэм // *ад.-орф.* ўроқнинг учи билан, керэ: йоқ < керэк йоқ // *ад.-орф.* кераги йўқ, керэ: десэ < керэк десэ // *ад.-орф.* керак деса, сҮйэ:лерънг < сҮйэклэрънг // *ад.-орф.* суякларинг, йо: < йоқ // *ад.-орф.* йўқ, ешэ:дэк < ешшэ:дэк < ешэкдэк // *ад.-орф.* эшакдек, таттъ:лэнъ < тартъқлэрнъ // *ад.-орф.* тортиқларни, ҳэр нҮчҮ: ( < нҮчҮк) болсэйэм // *ад.-орф.* ҳар нечук бўлсаям; *Тошк.* келду: < келдук ~ келдък, элду: < элдък, қъшлэ:лък (< қъшлэқлък) эдэм // *ад.-орф.* қишлоқлик одам;

в) [в] нинг тушиши натижасида: *Уйчи:* су: < сув, *Наманг.* су: ъссэ < сув ъчсэ // *ад.-орф.* сув ичса, *Анд.* су:лъқ йеллэрдэ < сувлък йерлэрдэ // *ад.-орф.* сувли ерларда, *Тошк.* қелу:дъ < келувдъ; бэру:дъ < бэрувдъ, қълу:дъ < қълувдъ;

г) [ҳ] нинг тушиши натижасида: *Фарғ.*, *Наманг.* шэ:р < шэ:эр < шэҳэр, *Наманг.* өз шэ:эръммъ < өз шэҳэръмнъ, ҳэ:лэсэм < хэҳлэсэм, гунэ: < гунэҳ, *Тошк.* гъйэ: < гъйэҳ // *ад.-орф.* гиёҳ, съйэ: < съйэҳ // *ад.-орф.* сиёҳ;

д) [ғ] нинг тушиши натижасида: *Наманг.* о:лунгъззъ (< оғлънгъзнъ) кэспъ нъмэ? // *ад.-орф.* ўғлингизнинг касби нима? пэдэчънъ о:лъ ( < оғлъ) бэр ъдъ // *ад.-орф.* подачининг ўғли бор эди; бэ:лэп < бэғлэп: *Тошк.* тэ:лъййер < тэғлъкйер // *ад.-орф.* тоғли ер, ҳэвлъммъ бэ: (< бэғ) қълдъм // *ад.-орф.* ҳовлимни боғ қилдим; белвэ: < белбэғ, ҳъшэнъ э:зъ (< эғзъ) // *ад.-орф.* шишанинг оғзи, то:ръсъ < тоғръсъ *Фарғ.* съйър сэ:йэптъ (< сэғйэптъ) // *ад.-орф.* сигир соғяпти. ж-ловчи: у:л // *ад.-орф.* ўғил;

е) [нг] нинг тушиши натижасида: *Наманг.* бэлэ-чақа:нъ (< бэлэ-чақангнъ) элъп кел // *ад.-орф.* бола-чақангни олиб кел, чҮшҮ:нъ (< чҮшҮнгнъ) тэ:бърънъ эссэм // *ад.-орф.* тушингни таъбирини айтсам, менгэ келтуру:нэ (< келтурунгнэ) // *ад.-орф.* менга келтиринглар, йҮрҮ:нэ (< йҮрҮнгнэ) қъзлэ // *ад.-орф.* юринглар қизлар, бърэр нэ:сэ берсэ:нэ (< берсэнгнэ) менгэ // *ад.-орф.* бирор нарса берсанглар менга;

ж) [й] нинг тушиши натижасида: *Тошк.* джъ:дэ > джъйдэ // *ад.-орф.* жийда, қъ:мэ < қъймэ, чъ: (< чъй) тутъп қойдъ//*ад.-орф.* чий тутиб қўйди;

з) [г] нинг тушиши натижасида: *Тошк.* те:мэ < тегмэ, ту:мэчэсънъ (< тугмэчэсънъ) қэдэвэлдъ // *ад.-орф.* тугмачасини қадаб олди;

и) айн ва ҳамзанинг тушиши натижасида: *Тошк:* йэ:нъ

(<ар) // *ад.-орф.* яъни, *Тошк.*, *Наманг.* тә:бър (<ар) // *ад.-орф.* таъбир; мә:қул (<ар) // *ад.-орф.* маъқул; тә:зъм (<ар) // *ад.-орф.* таъзим; *Тошк.* мә:лум(<ар) // *ад.-орф.* маълум; бә:зъ (<ар) // *ад.-орф.* баъзи; тә:мън (<ар) // *ад.-орф.* таъмин, тә:сър (<ар) // *ад.-орф.* таъсир.

2. Икки унлининг тортилиши (торайиши) ва улар ўртасидаги ундош товушнинг тушиши натижасида унли чўзилиши мумкин. Масалан: *Қорабулоқ.* то:п < тауп < табып // *ад.-орф.* топиб. қо:п < қауп < қабып // *ад.-орф.* қопиб, со:қ < сауқ // *ад.-орф.* совуқ, то:қ < тауқ // *ад.-орф.* товуқ.

Албатта, Қорабулоқ шевасидаги ат ва а:т / а:д каби сўзлардаги чўзиқ унлиларни фарқлаш керак, чунки бунда [а] ва [а:] унлиларининг алоҳида фонемалик характери кўзга яққол ташланади. Аксинча, Қорабулоқ шевасидаги то:п, қо:п, со:қ, то:қ каби сўзлардаги чўзиқ [о:] унлиси маълум фонетик ҳолатлардагина мавжуд бўлади. Бу ҳолат унли фонемалари миқдор жиҳатдан дифференциация қилинмайдиган бошқа шеваларга ҳам хос хусусиятдир. Масалан, қиёс қилинг: *Наманг.* йэту:дэ < йэтувдэ < йэтъп-ъдъ // *ад.-орф.* ётиб эди, дө:дъм < дөвдъм < дэпъдъм // *ад.-орф.* деб эдим, йҮрҮ:дэ < йҮрҮвдэ < йурупъдъ // *ад.-орф.* юриб эди, о:лъ мэл бэқъп йҮрҮ:дэ // *ад.-орф.* ўғли мол боқиб юриб эди.

Юқорида келтирилган мисолларда иккинчи даражали чўзиқлик лаб-лаб [в] нинг тушиши орқали вужудга келган. Келтирилган мисолларда [е] нинг кучли лабланиши (дө:вдъм сўзидаги каби) иккинчи даражали чўзиқлик хусусиятига эга бўлган унлини сифат жиҳатдан ўзгаришига ҳам олиб келиши мумкин.

**7-§. Фонетик ультра чўзиқлик (эмфатик чўзиқлик).** Нутқ оҳанги билан боғлиқ бўлган фонетик ультра чўзиқлик ёки эмфатик чўзиқлик ҳам фонематик бўлмаган мутлақо бошқа ҳодисадир.

Фонетик ультра чўзиқлик ўзбек шеваларининг ҳар бирида турлича кўринишга эга. Наманган шеваси бу жиҳатдан жуда характерли, чунки бу шевада ҳозирги-келаси замон феъл формаларида мунтазам равишда вужудга келадиган ҳамда шева учун оммавий характерда бўлган алоҳида интонацион ранг-баранглик хусусиятидаги ультра чўзиқлик (эмфатик чўзиқлик) наманганликлар талаффузини ўзбек тилининг бошқа шевалари вакилларининг талаффузидан фарқлайди. Наманган шевасида учрайдиган ультра чўзиқлик товушларнинг тушиши билан ҳам, товушлар комплексининг тушиб қолиши билан ҳам боғлиқ эмас. Бунда унлиларнинг узунлиги алоҳида жумла оҳангдорлиги билан боғлиқ ҳолда вужудга келади.

Масалан: мәм бълмә::мән // *ад.-орф.* мен билмайман
сәм бълмә::сән // *ад.-орф.* сен билмайсан
у бълмә::дъ // *ад.-орф.* у билмайди
бъз бълмә::мъз // *ад.-орф.* биз билмаймиз
съз бълмә::съз // *ад.-орф.* сиз билмайсиз
улә бълмә::дъ // *ад.-орф.* улар билмайди.

Наманганликлар нутқида ҳозирги-келаси замон феълининг талаффузидаги интонация кўтарилиб бориб охирги бўғинда эса бирдан пасайиб кетади. Бу интонацион ҳаракатни график усулда қуйидагича кўрсатиш мумкин: кѳпә : : дъ, кърә : : дъ, сәнгә сәтмә: : дъ, келә : : дъ, әйтмә : : дъ, ъшлә : : ймән, ъшләмә : : ймән, ъшләмә : : йсән, бългә : : йдъ.

## ЎЗБЕК ШЕВАЛАРИДАГИ ФОНЕМАЛАР ВА УЛАРНИНГ КОМБИНАТОР ВАРИАНТЛАРИ

8- §. **Юқори кўтарилиш унли фонемалар ҳақида умумий тушунча.** Ж-ловчи ва сингармонизмли й-ловчи шеваларда юқори кўтарилиш унлилари сирасига кирадиган олтита фонема бор [**и,ъ.ы,ь,у,Ү**].

Булардан учтаси [ **и,ъ,Ү** ] олдинги қатор (**и,ъ**—лабланмаган, **Ү**—лабланган) ва учтаси [**ы,ь,у**] орқа қатор (**ы,ь** — лабланмаган, **Ү** — лабланган).

Юқори кўтарилиш унлилари орасида икки жуфт [**и—ы, у—Ү**] контраст унли фонема бор. [**ь**] ва [**ъ**] нинг жуфти йўқ.

Баъзи ж-ловчи шеваларда юқори кўтарилиш унли фонемалар юқори-ўрта кўтарилиш унлиларига қараб ривожланган. Шунинг учун ҳам бу шеваларда [**и**] товуши ёпиқ [е] каби эшитилади ва кўпинча шу товуш билан алмашиниб келади. Этимологик тор [**у**] унлиси ҳам [о] типидаги товушга яқинлашади. Бундай ҳолатни бир қатор ж-ловчи шевалардаги [**Ү**] унлисининг [е] га ўтишида ҳам кўрамиз.

## ЮҚОРИ КЎТАРИЛИШ ЛАБЛАНМАГАН [И, Ъ, Ь, Ы] УНЛИ ФОНЕМАЛАРИ

9- §. [**и**] **фонемаси.** Одатдаги туркий [**и**]— тил олди, лабланмаган, қорақалпоқ тилидаги [**и**] га ўхшаш ва қозоқ тилидаги [і] га яқин унли товуш.

[**и**] товуши ж-ловчи ўзбек шеваларида, худди қорақалпоқ тилидаги каби юқори-ўрта кўтарилиш лабланмаган унли томон ривожланган. Шунинг учун бу унли акустик жиҳатдан очиқ [**и**] каби эшитилади ва ёпиқ [е] га яқинлашади, кўпинча, урғусиз бўғинларда [е] лашади.

10- §. Ўзбек шеваларида [**и** // **е (э)**], [**ъ** //**е**] унлиларининг алмашиниши (ўтиши) сўз бошида, шунингдек, қўшма сўз ва грамматик формаларда эса сўз ўртаси ва охирида спорадик ҳолатда учрайди.

Мисоллар: *жл.* исәп ~ $^{х}$ исәп) ~ $^{х}$ есәп // *йл. Тошк.* хъсәп // *ад. - орф.* ҳисоб, *жл.* $^{х}$есәп ләйдә, $^{х}$есәп ләсәнг, $^{х}$ есәвәт, исәп қилинг қанча вәлады // *ад. - орф.* ҳисоб қилинг қанча

бўлади; сэмез // сэмиз // *Қорабулоқ*. сәмиз; ничә // нэчә // ниччә // *ад. - орф.* неча; *жл.* энә // инә, инәсини олдыға бордыы // *ад. - орф.* онасининг олдига борди, *жл.* эди // иди [джэбэдим—бобидим, кэбэдим—қыбыдым, ^хәлиди < ^хәллиди] // *ад. - орф.* ҳал эди; *жл.* биҳурмәт // беҳурмәт // *ад. - орф.* беҳурмат, *жл.* с^и ләр // селәр // *Тошк.* съ лә // *ад. - орф.* сизлар [Қиёс қилинг. *Тошк.* мән йъ: // *ад. - орф.* мен еяйин, лекин сән йе: // *ад. - орф.* сен егин, бъз йейлув ёки бъзә йъйнув], аммо съ лә йъйлә, улә йесън. Мисоллардан Тошкент шевасида ҳам *емоқ* феъли негизида [е // и] алмашиниши кўринади. Шу буйруқ феълининг I ва II шахс бирлигида ва II шахс кўплигида [ъ], III шахс бирлик ва кўплигида ҳамда I шахс кўплигида эса, ўша позицияда [ъ] эмас, балки [е] унлиси келади.

[е // ъ] алмашиши Наманган шевасида ҳам учрайди: бероc // *ад. - орф.* бир оз, т^ъ ръг // теръг // *ад. - орф.* тирик, умът // умет // *ад. - орф.* умид.

[ъ] ўрнига [е] талаффуз этилиши чуқур тил орқа товушлар билан ёндош келганда ҳам учрайди: *Наманг.* қерқ ълдәнберъ // *ад. - орф.* қирқ йилдан бери, беқънъдан // *ад. - орф*, биқинидан. Диалектлараро спорадик ҳолатда учрайдиган [ъ]~[е] мослигида й-ловчи шевалар ўзбек адабий тилига яқин туради. [и] фонемасининг ёпиқ варианти [и] типидаги фонемага яқин бўлиб, эшитилиш жиҳатдан [е] фонемасига ўхшамайди. У қуйидаги ўринларда учрайди:

1) ***-миз***, ***-сиз*** каби шахс - сон қўшимчаларида, ҳозирги - келаси замон феъл формаларида (кэләмиз, кэләсиз, ж -ловчи шеваларнинг а -ловчи группасида спорадик ҳолатда учрайдиган кэлэмиз, кэлэсиз // *ад. - орф.* келамиз, келасиз сўзлари талаффузини қиёс қилинг);

2) [й] товуши билан ёндош келганда: *жл.* кийгән, кийик, сийир // *ад. - орф.* кийган, кийик, сигир, *Қорабулоқ*. бий < бир йигит, *жл.* джийәк. бър қыл джийәк, кэтмән м^и нән джийәгаламыз (бунда джийәк > джийәг сўзларидаги [к < г] ҳодисаси сандхи (икки сўз орасида рўй берадиган товушлар ўзгариши) ҳолати билан боғлиқдир) // *ад. - орф.* жўяк [джойәк], аммо *ад. -орф.* жияк [джъйәк] эса бошқа сўздир. Бу мисолдаги *ад. - орф.* жўяк > *жл.* джийәк сўзидаги [о] нинг лабланиш ҳолатини йўқотиши ж -ловчи шеваларда тилнинг кўтарилиш даражасига кўра [о] билан бир фонематик қаторда турадиган [э] товушини эмас, балки [и] товушини мустаҳкам ўрнашиб қолишига олиб келган. Бу факт [и] фонемасининг ёпиқ варианти [й] билан ёндош келганда, ўзига хос характерли хусусиятларга эга бўлишини кўрсатади.

[и] фонемаси (комбинатор-позицион варианти эмас) [й] товуши билан ёндош келганда, барча шеваларда ўзининг олдинги қаторлик ҳолатини сақлайди. Масалан: *жл.* пийәлә // *ад. - орф.* пиёла (пъйэлә), бийә // *ад. - орф.* бия, пийәдә // *ад. - орф.* пиёда [пъйэдә], кийәв // *ад. - орф.* куёв [куйэв], кийдирдэ // *ад. - орф.* кийдирди, сийәсәт // *ад. - орф.* сиёсат [съйэсәт].

Бу товушнинг юқоридагидек талаффузини Тошкент типидаги ӣ-ловчи шевалардаги грамматик формаларда ҳам учратамиз: ъ ш л ә м ъ й м ә н, к е т м ъ й м ә н, б е р м ъ й м ә н // *ад. - орф.* ишламайман, кетмайман; *йл. Тошк.* к е т ъ й, б е р ъ й // *ад. - орф.* кетай, берай.

[**и**] фонемасининг олдинги қаторлик ҳолати [**дж**] таъсирида ҳам кўринади. Мисоллар: *жл.* д ж и г ә р, д ж и г и т, д ж и п, д ж и п ә к // д ж и б ә к // *ад. - орф.* жигар, йигит, ип, ипак.

[**и**] товушининг [**й**] билан ёндош келгандаги ҳолати, [**ш**] билан ёндош келганида ҳам сақланади: *жл.* м ә ш и н ә (д ж э р д и м ә ш и н ә м$^{и}$н ә м а й д а й м ы з) // *ад. - орф.* машина (ерни машина билан ҳайдаймиз). Бу ҳолат [**и**] унлисидан олдин келган [**ш**] товушининг рус тилидаги палатал [**шь**] товуши каби талаффуз этилиши билан изоҳланади;

3) бурун товушлари [**м, н, нг**] лаб товуши [**б**] ва тил орқа [**к, г**] товушлари билан ёндош келган [**и**] товуши тилнинг орқароқ тортилиши билан талаффуз қилинади. Шундай қилиб, бу товуш [**и>ы**] унлилари ўртасидаги оралиқ товушга ўтади ва эшитилиш жиҳатдан тил орқа [**ы**] товушига яқин, аммо рус тилидаги [**ы**] га ўхшамайдиган бир товушга айланади. Мисоллар:

а) [**м, н, нг**] товушлари билан ёндош келганда: *мл.* м ы н г (э л т ы м ы н г), м ъ н ъ п [э т - э т у в а м ъ н ъ п], м ъ н д ъ р г и н // *ад. - орф.* минг (олти минг), миниб (от-отига миниб), миндиргин.

Бундай позицияларда [**ъ**] унлиси бирмунча кучсизланади. Масалан: н ъ м ә // *ад. - орф.* нима ёки *ад. - орф. билан* кўмакчисининг шевалараро сингармонистик вариантлари: м и н ә м // м ъ н ә н // м$^{ы}$нан;

б) [**б**] товуши билан ёндош келганда: *жл.* б ъ $^{л}$ ъ п, м э н б ъ л м ә д ъ м, м э н б ъ л м є й м ә н; б ъ т т ә с є й о х в о с а // *ад. - орф.* билиб, мен билмадим, мен билмайман, биттаси йўқ бўлса;

в) [**к,г**] товушлари билан ёндош келганда: *жл.* к ъ м (к ъ м ч а ғ ы р ы п д ж а т ы р), к ъ р ъ п, к ъ р м ә д ъ м, т ъ г ъ п (қ а в ы н д ы т ъ г ъ п к є л д и м), й а х ш ы л а п$^{и}$ э г и н г н ә р - т ъ г ъ н г н ә р // *ад.-орф.* ким (ким чақиряпти), кириб, кирмадим, экиб (қовунни экиб келдим), яхшилаб экинглар-тикинглар.

[**и**] унлисининг талаффуз жиҳатдан тил орқа [**ы**] га томон силжишини қуйидагиларда ҳам учратамиз: *жл.* ъ$^{ш}$ ч т ъ м ә н и б ъ л м ә г ә н // *ад.-орф.* ҳеч нимани билмаган; $^{х}$ә р ъ ш // *ад.-орф.* ҳар иш; б о л ғ а н ы ш // *ад.-орф.* бўлган иш; б и р х ъ л ъ ш // *ад.-орф.* бир хил иш; қ ы р б ъ т т ә < қ ы р қ б ъ т т ә / *ад.-орф.* қирқ битта. Бу ерда (қ ы р б ъ т т ә сўзида) [**ъ**] товушининг пайдо бўлиши ёндош [б] товушининг таъсирини ҳисобга олмаганда, прогрессив ассимиляция ҳодисаси билан боғлиқдир, чунки қ ы р (қ) сўзида тил орқа унли ўзидан кейинги бўғиндаги унлига ҳам таъсир қилган.

**11- §.** Й-ловчи шеваларда мустақил фонема бўлган юқоридаги [**ъ**] товуши [**и**] фонемасининг комбинатор-позицион вариантига жуда яқиндир.

[**ъ**] фонемаси шаҳар шевалари ва ўзбек адабий тилида оралиқ (индифферент) товуш бўлиб, [**ы**] ва [**и**] нинг бирикиши (конверген-

цияси) натижасида ҳосил бўлган. Қиёс қилинг: *йл. Тошк.* кър// *ад.-орф.* кир ва қър// *ад.-орф.* қир; ж-ловчи ва сингармонистик шеваларда **к и р** ва **қ ы р**.

Бу товуш ўзбек адабий тилининг шаклланишида етакчи роль ўйнаган қорлуқ-чигил-уйғур диалектида кенг тарқалган.

Тошкент, Марғилон ва бошқа й-ловчи шаҳар шеваларидаги [ъ] товуши ҳар қандай позицияда ҳам нисбатан турғун ҳолатга эга бўлган Самарқанд шеваларидаги [ъ] товушидан фарқ қиладиган ва тил олди [и], тил орқа [ы] товушлари орасида бир қанча комбинатор вариантларга эга бўлади. Самарқанд шеваларидаги [ъ] товуши талаффузида тил юқори кўтарилади ва эшитилиш жиҳатдан [е] товушига эмас, балки [и] товушига яқин туради.

[ъ] фонемасининг позициясига кўра олдинги ва орқароқ оттенкалари й-ловчи сингармонизмсиз шеваларда, шунингдек, ўзбек адабий тилида ҳам учрайди.

[ъ] фонемасининг олдингироқ варианти қуйидаги ўринларда учрайди:

а) [к] ва [г] товушларидан кейин келганда: *йл. Тошк.* к ъ р, к ъ м, к ъ : з (к ъ й ъ з < к ъ г ъ з), к ъ ч ъ к, ч ъ г ъ т // *ад.-орф.* кир, ким, кигиз, кичик, чигит;

б) тил олди товушлари орасида келганда: *Тошк.* т ъ л, ч ъ ш л ъ й м ә н, с ъ з, ш ъ р ъ н // *ад.-орф.* тил, тишлайман, сиз, ширин;

в) тил олди ва [й, к, г] товушлари билан ёндош келганда: *йл. Тошк.* д ж ъ г ә р, т ъ к, с ъ : з р < с ъ й ъ р < с ъ г ъ р, е ш ъ й н ъ з ә н д ж ъ л л ә // *ад.-орф.* эшикни занжирла; *Парк.* э б э р ъ й л у к, о б ә р ъ й л ә // *ад.-орф.* олиб борайлик, олиб борингиз, б е р ъ й л у к // *ад.-орф.* берайлик; *Фарғ.* к ъ й ъ н [//к ъ : ъ н], ө р ъ к // *ад.-орф.* кейин, ўрик; *Анд.* б ъ й ъ л д ә н к е й ъ н ш є л ъ е қ ә м ъ з // *ад.-орф.* бу йилдан кейин шоли экамиз;

г) сўз бошида тил олди товушларидан олдин келганда: *йл.* ъ ш, ъ ш ч ъ // *жл. қур.* и л г ә р и и ч ч и э д и м, и ч ч и а й в э н н а р, иши д ж о қ, *йл.* ъ ч, ъ т // *жл. қур.* и й т, *йл.* ъ н д ә м ә й ө т ъ р ъ п т эъ // *жл. қур.* ы н д а м а й о т у р у п т у, *йл.* ъ с (аммо ъ з деганда ҳам жарангли [з] товуши жарангсизлашиб, ъ с сўзи каби айтилиши мумкин. Бундай ҳолларда ъ с, ъ з сўзларининг маъноси контекстда аниқланади. Масалан : ъ с к е л д еъ // *ад.-орф.* ис келди, ъ с қ о л д ъ р д еъ // *ад.-орф.* из қолдирди);

д) сўз бошида келган [йъ] товуш бирикмаси баъзи шеваларда фақат [ъ] каби талаффуз қилинади, [й] тамомила тушиб қолади, масалан: *ад.-орф.* йил// *йл.* ъ л // й ъ л.

*Ад.-орф.* **йил** сўзидаги **й** товуши Тошкент шевасида сақланади, аммо, Наманган шеваларида сонлар билан бирликда келганда тушиб қолади: у ч ъ л, о н ә к ъ н ч ъ ъ л // *ад.-орф.* уч йил, ўн иккинчи йил // *жл.* д ж ы л. Бу сўз бошидаги [дж] товуши барча ж-лашган шеваларда сақланади. Д ж и г и р м ә сўзида ҳам [й] товуши тушиб қолиши ҳам, сақланиши ҳам мумкин.

Й-ловчи шевалардаги [ъй] товуш бирикмаси, шунингдек, ада-

бий тилдаги ий акустик жиҳатдан чўзиқ [ъ:] товуши каби эшитилади. Масалан: к ъ : д э$^{ъ}$, к ъ й д э $^{ъ}$.

[ъ] фонемасининг бир қанча олд ҳолати бошқа шеваларга нисбатан й-ловчи шеваларда статистик жиҳатдан кўпдир. [ъ] фонемаси чуқур тил орқа товушлари билан ёндош келганда кам учрайди. Масалан: *Наманг.* б ә л ъ қ н ъ > б є л ъ ғ н ъ > б є л ъ х н ъ // *ад.-орф.* балиқни.

Чуқур тил орқа [қ, ғ, х] ундошлари билан бевосита ёнма-ён келган [ъ] фонемаси (ўзбек адабий тилида ҳам) бирмунча тил орқа ҳолатга эга бўлади. Масалан: *йл.* қ ъ ш, қ ъ ш л ә м ә й м ә н // *жл.* қ ы ш л а м а й м а н // *ад.-орф.* қишламайман; *йл.* с ъ х // *жл. қур.* с ы х (т э м и р м э л а ғ а с ы х м э л а й а м д э п а й т а д ы) // *ад.-орф.* сих (темир молага сих мола деб ҳам айтади); *йл.* ч ъ қ // *жл.* ч ы қ (ч ы қ д э с ә ч ы ғ а м ы з) // *ад.-орф.* чиқ (чиқ деса чиқамиз); *йл.* қ ъ л // *жл.* қ ы л, бу сўз ўз навбатида *ад.-орф.* *хил* сўзига мосдир.

Қиёс қилинг: *жл.* б и р қ ы л д ж и й ә к қ э т қ э т л а п қ о л д ы // *ад.-орф.* бир хил жўяк қатқалоқлаб қолди; *йл.* *Наманг.* қ ъ р ғ ъ л, ъ с с ъ ғ, ч ъ қ ъ п, қ ъ л ъ ч б ъ л л ә н ъ к к ъ н ъ м т ә қ ъ л д э // *ад.-орф.* қирқ йил, иссиқ, чиқиб, қилич билан икки нимта қилди.

**12-§ . [ь] товуши** Туркистон шевасида комбинатор-позицион вариант эмас, балки тил олди [ъ] фонемасининг тил орқа жуфти, мустақил фонемадир. Мисоллар: а р қ а с ь д а, й а х ш ь, й а х ш ь р а қ, б а ш ь н г, қ ь л с ь н, қ о з ь, а л ь п-к е, с ь н д ь р у р // *ад.-орф.* орқасида, яхши, яхшироқ, бошинг, қилсин, қўзи, олиб кел, синдирар.

Ж-ловчи шеваларда, шунингдек, й-ловчи сингармонистик шеваларда сўз маъноларини фарқлайдиган [**и** ва **ы**] фонемалари бор.

Шу билан бирга орқа қатор [ы] фонемаси ж-ловчи ва й-ловчи сингармонистик шеваларда й-ловчи шевалардаги тил орқа ундошлар билан ёндош келганда, факультатив равишда юзага келадиган [ъ] фонемасининг [ы] симон оттенкасидан фарқли равишда сўзларнинг ҳамма бўғинида кела олади.

**13-§.** Аммо, типик туркий тил орқа [**ы**] товуши ж-ловчи ва баъзи й-ловчи сингармонистик шеваларда ўзининг тил орқа ҳолатини ҳамма вақт сақлай бермайди. Бу товуш маълум позицияда й-ловчи шеваларда учрайдиган [ъ] товушига яқинлашади.

Бу ҳодиса [**й, ш, ч, дж**] товушлари билан ёндош келганда юз беради:

а) [**й**] билан ёндош келганда: *жл.* с ь й м а й д ы (б о ш қ а д ж э р г ә с ь й м а й д ы, у : л у м) // *ад.-орф.* сиғмайди (бошқа ерга сиғмайди, ўғлим), *жл. қур.* қ ы й ш а й ь п (қ ы з э в д э с ә м қ ы й ш а й ь п қ а р а м а й с ы з) // *ад.-орф.* қийшайиб (ҳей қиз, десам қийшайиб қарамайсиз), қ ы й ь н // *ад.-орф.* қийин;

б) [**дж**] билан ёндош келганда: *жл.* д ж ь й ь н // *ад.-орф*, йиғин д ж ь й ь л д э // *ад.-орф.* йиғилди, д ж ь л а в, д ж ь л (б у д ж ь л м а й м ы л д ж ь л ы, к ә л ә с и д ж ь л ғ а, д ж ь л а н) // *ад.-орф.* жилов, йил (бу йил маймун йили, келаси йилга, илон); д ж ь л а д э // *ад.-орф.* йиғлади; *жл. қур.* а д ж ь з (к ө з Ү м а д ж ь з б о п қ о л д э) // *ад.-орф.* ожиз (кўзим ожиз бўлиб қолди);

в) [ч] товуши билан ёндош келганда: *жл.* чьғарып қойдэ, қыльч, чьрағым, қыйьнчьлық// *ад.-орф.* чиқариб қўйди, қилич, чироғим, қийинчилик;

г) [ш] товуши билан ёндош келганда: *жл.* шьлым, щьпырғы, шьлдыр-шьлдыр// *ад.-орф.* чилим, супурги, шилдир-шилдир.

Позицияга кўра олдинги қатор [и] товуши [й>ы] ва [и>Y] йўналиши бўйича ҳам ўзгариши мумкин. Шунингдек, тил орқа [ы] товуши ўз навбатида, [ы>у] линияси бўйича ўзгаради.

[и] ва [ы] унлиларининг лабланиши [в, м, п] каби лаб ундошлари билан ёнма-ён келганда содир бўлиб, сўзнинг барча бўғинида учраши мумкин. Мисоллар: а) [и>Y]—*жл.* кYммəн// *ад.-орф.* ким билан, *жл. қур.* сиз кYммəн кэтэсиз? кYм ол чағырған, ^х^əркYм, кYм// *ад.-орф.* сиз ким билан кетасиз?, ким у чақирган? ҳар ким, ким; *жл.* кYммики (бу ассимиляция натижасидир кYммики<кYмники)// *ад.-орф.* кимники, сYпəт// *ад.-орф.* сифат, кəмпYр// *ад.-орф.* кампир, ^и^эллув// *ад.-орф.* эллик, ^и^экəYнY// *ад.-орф.* икковини.

б) [ы>у] —*жл.* авYр//*йл.* ɵғър// *ад.-орф.* оғир, *жл.* авуз// *ад.-орф.* оғиз, *жл. пур.* бир ^и^экəвуз// *ад.-орф.* бир-икки оғиз,- *жл.* ачувланып// *ад.-орф.* аччиғланиб, ɔт-ɔтува мънъп// *ад.-орф.* от-отига миниб.

[ы] товушининг [в] товуши билан ёнма-ён келганда лабланиши барча ж-ловчи шеваларда доимо учрайвермайди. [ы] товуши [в] товуши билан ёндош келганда, [ы] ёки [у] каби талаффуз қилинишини айни бир аҳоли яшайдиган пунктда ҳам учратиш мумкин. Масалан: *жл. қур.* ɔвуз, аммо, қавын бɔр эди, тавық, *жл.* джьлым тавық, тарбыз; ғалвур, аммо, орта авыл қишлағы.

Лаб-лаб [в] товуши билан ёндош келган [ъ] фонемаси й-ловчи шеваларда ҳам лабланади. Масалан: *Тошк.* чъвън, аммо, бɔрɔвуз, келɔвуз, ɔлɔвуз//*ад.-орф.* борамиз, келамиз, оламиз.

Тошкент шевасида лабланган [ъ] ўтган замон феълининг I шахс, кўплигида ҳам учрайди. Масалан: келду:<келдув [//келду:з<келду:зə<келдувзə], ъшлəду:<ъшлəдув [//ъшлəду:з<ъшлəду:зə<ъшлəдувзə], қɔлду:<қɔлдув [//қɔлду:з<қɔлду:зə<қɔлдувзə], бɔрду:<бɔрдув [// бɔрду:з<бɔрдуз:зə<бɔрдувзə] //*ад.-орф.* келдик, ишладик, қолдик, бордик.

Тошкент шевасида лабланган [ъ] шахс-сон қўшимчасининг кўплик формасида ҳам учрайди: ҳəммəвуз //*ад.-орф.* ҳаммамиз, бɔлғɔвуз // бɔлғɔву зə//бɔлғɔвзə//*ад.-орф.* болғамиз, қошнувуз// қошнувзə//қошну:з//*ад.-орф.* қўшнимиз.

Тошкент шевасида лабланган [ъ] унлиси сўзларни шахс жиҳатидан грамматик фарқлаш учун ҳам хизмат қилади: бъръз//*ад.-орф.* бирингиз; бъруз//*ад.-орф.* биримиз, ъшуз//ъшувуз//

ъшу:з // *ад.-орф.* ишимиз (аммо ъшъз // ъшъйъз // ъшъ:з // *ад.-орф.* ишингиз).

**14-§.** Ўзбек шеваларида, шунингдек, ўзбек адабий тилида ҳам [ъ] унлиси сўз охирида очиқ бўғинда келганда, [и] ва [ы] товушлари орасидаги жуда очиқ товуш бўлиб, [э] га мойилроқ талаффуз қилинади. Мисоллар: *жл.* кэлдэъ, бэрдэъ, қолдырдэъ, энәсэъ, бэләсэъ // *ад.-орф.* келди, борди, қолдирди, энаси, боласи; *йл.* элдэъ, келдэъ, этәсэъ // *ад.-орф.* олди, келди, отаси.

Бу товушнинг [э] га мойил очиқ варианти сўзларнинг охирги бўғинларидагина эмас, балки факультатив равишда бошқа бўғинларида ҳам учраши мумкин. Мисоллар: *жл.* Үчкэнә қыз // *ад.-орф.* учгина қиз, чәчкэнәм, // *ад.-орф.* сочгинам; кичкэнә, кичкэнтәй // *ад.-орф.* кичкина.

Бир қанча ж-ловчи шеваларда кичкэнә сўзи билан бирга қуйи кўтарилиш олдинги қатор [ә] унлисига эга бўлган кичкәнә сўзи ҳам ишлатилади. Демак, бу шеваларда [и>э>ә] ҳолати мавжуд: кичкинә > кичкэнә > кичкәнә.

Бошқа томондан эса (якка ҳолат бўлса ҳам) джэлаған [ // джылаған] сўзида [ы] фонемаси ўрнида [э] учраши (й-ловчи шеваларда йъғлаган // *ад.-орф.* йиғлаган) кўрсатадики, [ы] нинг ўзгаришида [є] охирги чегара бўлмай, ўз навбатида бу товушдан кучсиз [а] га ҳам ўтиши мумкин. Мисоллар: *жл.* ызғар (<ызғэр)<ызғыр; дастархэн (<дастєрхэн) < дастырхан.

**15-§. [и>э ва ы>а] ўтиши** худди [ъ>э] каби фақат сўз ўзак-негизларидагина эмас, балки аффикс ва юкламаларда ҳам учрайди:

1) сўзнинг ўзак-негизларида: *ад.-орф.* тўғри // *йл.* тоғръ // *жл. қур.* тувра (тиши вомаса тили тувра гәпкә кэмэйғалады); *ад.-орф.* энди // *жл.* эндә; *ад.-орф.* насиҳат қилиб // *йл.* нәсъх'эт қълъп // *жл.* нәсәҳәтти қылып; *ад.-орф.* фотиҳа // *йл.* потъх'ә // потәх'ә // *жл.* пәтәҳ'ә; *ад.-орф.* нарироқ // *жл.* нарарақ, нарарах; *ад.-орф.* жиҳатдан // *йл.* *Наманг.* джәҳәттән<джъҳәттән; *ад.-орф.* табиатини // *йл.* *Наманг.* табаатънъ<тәбъатънъ; *ад.-орф.* янги // *йл.* йәнгъ // *Тошк.* йенгъ // *жл.* джанга (джангарақ); *ад.-орф.* қани // *йл.* қанъ // *жл.* қана; *ад.-орф.* қоронғи // *жл. қур.* қаранға.

2) Юклама ва аффиксларда:

а) юкламаларда: *ад.-орф.* озгина // *йл.* эзгънә // *жл. қур.* эзғана (бҮгҮн иш эзғана); *ад.-орф.* тишгинангиз // *жл.* тишкәнәнгиз; *ад.-орф.* бўладими? // *жл.* болама; *ад.-орф.* бўлмайдими? // *жл.* бомайма?

б) ҳозирги-келаси замон сифатдоши аффиксларида: *ад.-орф.* берадиган // *жл.* бэратаған; қиёс қилинг: *Марғ.* берәдәғэн; *ад.-орф.* тушунадиган // *жл.* тушатаған; қиёс қилинг: *Марғ.* тушәдәғэн.

Аммо ж-ловчи шеваларда ***-тыған*** формаси кўпроқ учрайди: бэрәтыған (чай ғайнатыб бэратыған киши), кэтәтыған // *ад.-орф.* берадиган (чой қайнатиб берадиган киши), кетадиган.

[и>ә] га ўтиши сўз бирикмаларида ҳам учрайди: *ад.-орф.* ўн икки // *жл.* о н ә к и (о н ә к и э й) // *йл. Наманг.* о н ә к ъ (о н ә к ъ э й) ; *ад.-орф.* эрта билан // *йл.* е р т ә м ъ н ә н // *жл.* э р т ә м ә н ә н.

Юқори кўтарилиш **[и,ъ,ы]** лабланмаган унли фонемалари ўзбек адабий тилидаги каби спонтан қисқаликка учраганлиги сабабли кучсизлашади ва редукцияга учрайди.

Бу ҳодиса қуйидаги ҳолатларда кўринади:

1. Бир бўғинли ва кўп бўғинли сўзлар бошида, жарангсиз ундош товушлардан олдин келганда: *йл.* ъ ш // *жл.* ъш, ҳ ә р - ъш, н э-ъш м ъ н ә н < н э  и ш  м и н ә н // *йл.* н ъм ә  ъ ш  м ъ н ә н // *ад.-орф.* нима иш билан; *жл.* ъш т э  ч а й // ш а й  ъш т э) // *ад.-орф.* ичди (чой ичди); *йл.* ъ ш ч ъ // *жл.* ъш ч и > и ч ч и > и ч и ( и ч ч и  а й в а н-н а р  в о с а) // *ад.-орф.* ишчи (ишчи ҳайвонлар бўлса).

2. Биринчи бўғини очиқ, иккинчи бўғини эса жарангсиз ундош товуш билан бошланган, урғу тушмайдиган бўғиндаги икки жарангсиз ундош орасида келганда: *йл.* п ъ ш ъ р ъ п // *жл. қур.* п и ш и-р и п (б и з г ә  э в қ а т т ы  п и ш и р и б  б э р ә с и з  д э п  к э т т э) // *ад.-орф.* пишириб (бизга овқатни пишириб берасиз деб кетди); *йл.* к ъ ч ъ к > к ъ ч ъ х' // *жл.* к и ч и // к и ч к э н т ә й // *ад.-орф.* кичик; *йл.* к ъ ш ъ *жл. қур.* к ъ ш и (ч а й  ғ а й н а т и б  б э р ә т ы ғ э н  к ъ ш и  б о м а д э, ҳ ә р  к ъ ш и н и  с э н  θ з и н г ә  д о с  к θ р м ә) // *ад. орф.* киши (чой қайнатиб берадиган киши бўлмади, ҳар кишини сен ўзингга дўст кўрма); *йл.* б ъ т ъ р ъ п // *жл.* п и т и р и п // *ад.-орф.* битириб; *жл.* п ъ ш а й м а н  б о б // *ад.-орф.* пушаймон бўлиб; *йл.* п ъ ч ә г ъ н ә // *жл.* п и ч ә г и н ә // *ад.орф.* пичагина.

Бу товушлар икки жарангсиз ундош орасида келиб, ундан кейин яна ундош билан бошланадиган бўғин келса, бирмунча озроқ кучсизланади. Мисоллар: *жл.* п ъ ш и р и п, аммо п и ш т э // *ад-.орф.* пишди, қ ы п қ ы з ы л сўзидаги **[ы]** товушининг талаффузига эътибор берсак, энг қисқа ва кучсиз **[ы]** товуши **[қы-]** бўғинида, сўнг эса **[қып-]** бўғинида ва, ниҳоят, **[-зыл]** бўғинида эканини яққол кўрамиз; *жл.* қ ы ш л а қ (м э ш а  қ ы ш л э ғ ы), т и т р э й д и, п и ч т и м, п и т-к ә р и б // *ад.-орф.* битказиб.

3. Сўз охирида, жарангсиз ундош товушлардан кейин келганда: Мисоллар: *жл.* а л ы п т ы // а л ы п т э ы, барыпты // барыптэы // *ад.- орф.* олибди, борибди.

Ж- ловчи шеваларда ўзбек адабий тили талаффузидаги каби юқори кўтарилиш лабланмаган **и** [ъ] фонемалари кучли редукцияга учрайди. Бу ҳодиса ўзбек адабий тилида қандай позицияда юз берса, й- ловчи шеваларда ҳам худди ўша позицияларда, яъни **р, л ,з** товушларидан олдин рўй беради:

а) [р] ундошидан олдин ва кейин келганда: *жл.* б и р, б и р ә в-б и р ә в и м ә н < б и р ә в-б и р ә в и  м и н ә н, ш и р и н // *ад.-орф.* бир, биров- бирови билан, ширин; *йл. Наманг.* ә м ә л г ә  э ш ъ р ъ ш т ә,

тарᵇхъ; харᵇдэр > хаддэр, шᵇрыкләргә охшәш//*ад.-орф.* амалга оширишда, тарихий, харидор, шерикларга ўхшаш; *Қорабулоқ.* брәҮ < бирәу//*ад.-орф.* биров, *жл.* тᴵᴵригләй, сире, сᴵᴵр (сᴵᴵрингди бᴵᴵрәвгә бᵇлдирмә), кириптәᵸ, муну тәвчы, чърағым//*ад.-орф.* тириклайин, сира, сир (сирингни бировга билдирма), кирибди, буни топ-чи, чироғим.

Баъзи сўзларга эгалик аффикси қўшилганда юқори кўтарилиш [ы] ва [и] унлилари тўла редукцияга учрайди: *жл.* қарын — қарны < қарᵸны, орын — орны < орᵸны; *йл.* эғъз — эғзъ < эғᵇзъ, сънгъл — сънглъм < сънгᵇлъм;

б) [з] товушидан олдин келганда: *жл.* бᴵᴵзә, бᴵᴵзәр > бᴵᴵзләр//*ад.-орф.* бизлар. Қиёс қилинг: *Тошк.* бᵇзләр > бᵇзә, сᵇлә > сᵇләр, *жл.* сᴵᴵләрдән;

в) [л] товушидан олдин келганда: *йл.* тᵇл//*жл.* тᴵᴵл, дᴵᴵлим, джᴵᴵлэв, сᴵᴵләп (кәклини сᴵᴵләп), қᵸлыч, қᵸлық (қᵸлығи джәман), әсᴵᴵл//*ад.-орф.* тил, дилим, жилов, силаб (кокилини силаб), қилич, қилиқ (қилиғи ёмон), асил.

[ъ] фонемасининг кучсизланиши ва редукцияга учраши спорадик ҳолатда сўз охирида ҳам учрайди: *Наманг.* йэкᵇ, болә:дᵇ, екълмэ:й дᵇ//*ад.-орф.* ёки, бўлади, экилмайди. Қиёс қилинг сандхи ҳолатда: шэлᵇпэйәләрдә//*ад.-орф.* шолипояларда.

**16-§.** Ж-ловчи шеваларда [и] фонемаси дифтонглашиши ҳам мумкин. Дифтонглашиш бу шеваларда ᴵᴵйт шаклида бўлади.

Ж-ловчи шеваларнинг а-ловчи группачасида дифтонглашиш ийт сўзидаги ий каби жуда аниқ эшитилади. Баъзи ж-ловчи қурама шеваларида ҳам ийт сўзидаги каби юмшоқ ва бирмунча чўзиқ [и] унлиси мавжуд. Мисоллар: қышлағымызда и:т көп, и:тләрдн айдаб джибәр, и:т қувып кэлди//*ад.-орф.* қишлоғимизда ит кўп, итларни ҳайдаб юбор, ит қувиб келди.

Бундай иккинчи даражали чўзиқ [и:] унлиси [и:нә//*ад.-орф.* игна] сўзида ҳам учрайди.

Ж-ловчи шеваларнинг а-ловчи группачасидаги ийт сўзида учрайдиган [и] унлисининг талаффузи қорақалпоқ ва қозоқ тилларидагидекдир. [и] унлиси [й] товуши билан ёнма-ён келганда, юқорида кўрсатилганидек, тил олди ҳолатини сақлаб қолади, [й] товушининг тушиб қолиши эса, табиий равишда ўзидан олдинги унли товушнинг чўзилишига сабаб бўлади.

## ЮҚОРИ КЎТАРИЛИШ ЛАБЛАНГАН [У], [Ү] УНЛИЛАРИ.

**17-§. [Ү] фонемаси** орқа қатор, қисқа унли товушдир. Ўзбек шеваларида [у] фонемасининг сифат жиҳатдан фарқ қилувчи ҳар хил вариантлари учрайди.

Ж-ловчи шеваларда [у] фонемаси эшитилиши жиҳатдан қора-

қалпоқ тилидаги [у] фонемасига ўхшаш, қозоқ тилидаги [у] товушига эса бирмунча яқиндир.

[у] фонемасининг жуфти бўлган тил олди [v] унлиси унча мураккаб специфик характерга эга эмас.

Барча сингармонизмли ўзбек шеваларида учрайдиган [v] фонемаси бошқа туркий тиллардаги тил олди [v] унлисига ўхшайди.

Ж- ловчи ва сингармонизмли шеваларда сифат жиҳатдан бир-биридан фарқ қилувчи ва сўз маъноларини ажратадиган икки [у] ва [v] фонемалари бор: v ч//*ад.-орф.* уч (сон), у ч//*ад.-орф.* уч (феъл, *учмоқ* феълининг ўзаги); й- ловчи шеваларда эса [у], [v] фонемалари сингармонизмнинг тугаб бориши натижасида бир фонемага келиб қолган.

Ж- ловчи ва сингармонизмли й- ловчи шеваларда [у] ва [v] фонемалари сўзларнинг барча бўғинларида кела олади:

1) сўз ва бўғин бошида: *жл.* V ч//V ш, V ч ә в (V ч ә в б о л д у қ), v ч ә в и, v ч v н ч и, v ч к ә н ә қ ы з, v с т (v с т v д ә н т ә ш л ә п, э т т ы н г v с т v г ә)//*ад.-орф.* уч, учов (учов бўлдик), учови, учинчи, учгина қиз, уст (устидан ташлаб, отнинг устига); *жл. қур.* V к v м, у з а қ, у р у ш, v к ә, v с т ә//*ад.-орф.* ҳукм, узоқ, уруш, ука, уста; *Қорабулоқ*: v ш л ә п, у х л а д ы, у н д ы н к ә й и н, у с т у х а н, у р//*ад.- орф.* ушлаб, ухлади, ундан кейин, устихон, ур; *жл.* у ш л а п т у р ғ а н, v й, v й ә л д э, v й ш v н, v й л ә н м ә к ч и//*ад.-орф.* ушлаб турган, уй, уялди, уйшун (қабила номи), уйланмоқчи;

2) сўзнинг биринчи бўғинида: *жл.* д ж v г а н, қ у л а қ с э н г, қ а й ъ қ т а д ж v з г ә н, э т т а н ч v ш м ә с и н, д ж v з с о м п у л, к v ч, г v л з ә р, к v н, к v н н ә р и, д ж v в ә р и п, д ж v р г ә н э д и, д ж ъ м б а қ ~ д ж у м м а қ//*ад.- орф.* юган, қулоқ солинг, қайиқда сузган, отдан тушмасин, юз сўм пул, куч, гулзор, кун, кунлари, юбориб, юрган эди, жумбоқ; *Наманг.* й v р, й v р v н г, й v р э л ә д э, й v г v р v п й v д д э > й v г v р v п й у р д э, к v ч, о н к v л л v г й о л, ч v ш v п//*ад.- орф.* юр, юринг, юра олади, югуриб юрди, куч, ўн кунлик йўл, тушиб; *жл.* д ж v в ә р и ~ м ә к к ә, с у в а р д ы м, ш v й т v п, с Ү т л и, д ж v н с и з, д v й н ә//*ад.-орф.* жўхори, суғордим, шундай қилиб, сутли, жунсиз (юнгсиз), дунё; *жл.* б у й т м а н г-нар//*ад.- орф.* бундай қилманглар, ғ у н а н//*ад.- орф.* ғ ў н а н, *жл. қур.* б v г v н и ш а з ғ а н а, б у б р и г ә д ә м и з б v г v н с у в а р с а, э р т ә н т и г ә д э//*ад.-орф.* бугун иш озгина, бу бригадамиз бугун суғорса, эртага экади; т у й ә, т у т (м э н т у т т ә р и б д ж и й м ә н) //*ад.- орф.* туя, тут (мен тут териб еyман);

3) сўзнинг иккинчи ва ундан кейинги бўғинларида: *жл.* к v ч л v, д ж v в у н ы б, қ у т у л д у қ, д ж v й v р ә д и//*ад.- орф.* кучли, ювиниб, қутулдик, югуради; с у й у қ//*ад.- орф.* с у ю қ; *Қорабулоқ*. б у й р у қ, м и н д v р v п//м и н г v з v п, т у р а т у р, й v г v р v п, х а т у н ы ғ а к ә л д и; о:д у н й ы ғ м а қ ч ы б о л у п, е т v к т и к и п о т у р у п т ы//*ад.-орф.* буйруқ, миндириб, туратур, югуриб, хотинига келди, ўтин йиғмоқчи бўлиб, этик тикиб ўтирибди; *жл.* с v л v //*ад.- орф.* чиройли; *жл-* қ у й р у қ, к v м v ш, ч у қ у р, м v л к v//*ад.*

*-орф.* мулки; т v р л v, оқутсуннар, урушт ә//*ад.-орф.* турли, ўқитсинлар, уришди.

Маълум позицион ҳолатларда (кўпинча урғусиз бўғиндаги жарангсизлар ўртасида) [у] ва [v] фонемалари кучсизлашади ва редукцияга учрайди: т v ш ә с и з м и > т (у) ш ә с и з м и? Қиёс қилинг: *Наманг.* т у з у л ъ ш э > т (у) з у л ъ ш э//*ад.-орф.* тузилиши; б у лардан > б (у) л ә р д ә н//*ад.-орф.* булардан; ч у м э л ъ > ч (у) м э л ъ //*ад.-орф.* чумоли; т у р у п > т (у) р у п//*ад.-орф.* туриб; *Қорабулоқ.* ичигә чш > и ч и г а ч v ш, и ч и г ә ч ш т и > и ч и г а ч v ш т и//*ад.* *-орф.* ичига тушди.

Кўрсатиш олмошларида [у] ва [v] унлиларининг юқори ўрта кўтарилиш унлиларига ўтиши айрим ж-ловчи шеваларда ва қисман қурама шеваларида жуда аниқ кўринади: *ад.-орф.* шу//*жл.* ш о, ш о с а б а н д а н б э р и б д ж и б ә р и ш к э р ә к, ш о б и з д и к и, ш о к v н, ш о$^{v}$ ө р д ә к, ш о в а қ т//*ад.-орф.* шу сомондан бериб юбориш керак, шу бизники, шу кун, шу ўрдак, шу вақт; ш о л, (шол з а м а н д а)//*ад.-орф.* шу (шу замонда), ш о н д а, ш о н ъ к ъ//*ад.* *-орф.* шунда, шуники; *жл.* б о, б о л (б о л қ ы з м а т, б о л з а м а н //*ад.-орф.* бу (бу хизмат, бу замон); б о ғ а н//*ад.-орф.* бунга *жл.* м о н д а м о н н а н//*ад.-орф.* бунда, бундан, *ад.-орф.* у//*жл.* о, о л (о й а х т а н-б о й а х т а н, к v м о л ч а ғ ы р ғ а н)//*ад.-орф.* у (у ёқданбу ёқдан, ким у чақирган?); о ғ а н//*ад.-орф.* унга.

Шундай қилиб, кўрсатиш олмошларида [у] > [о] га ўтиш ҳолати характерли хусусият бўлса- да, аммо зарурий хусусият эмас. Бир шеванинг ўзидаёқ [у] > [о] нинг ўтиши ва ўтмаслик ҳолатини учратиш мумкин; баъзи сўзларда [у] > [о] га ўтса, баъзиларида [у] сақланади: *жл.* о ғ л а н, аммо у:л [о] товуши билан эмас, балки чўзиқ [у ]товуши билан талаффуз қилинади, д о ш м а н ~ д у ш м а н н а р//*ад.-орф.* душман.

Спорадик ҳолатда учрайдиган [у>о, v>ө] фақат биринчи бўғиндагина эмас, балки бошқа бўғинларда ҳам учрайди: *жл.* д ж у л д о з (д ж а р ы қ д ж у л д о з), к v н д ө з, д ж v р ө к л v//д ж v р v к л v//*ад.-орф.* юлдуз (ёруғ юлдуз), кундуз, юракли.

[у] унлисининг юқори ўрта кўтарилиш унлиларига ўтиши й-ловчи шеваларда ҳам учрайди. Масалан, Наманган шевасидаги баъзи грамматик формаларда [у]>[о] ҳолати мавжуд: қ ъ л у т т э > қ ъ л о т т є, к е л Ү т т э > к е л о т т э, к ө д д ъ к ъ й э т ъ п т о(<йэтъптэ)// *ад.-орф.* кўрдики ётибди.

Аммо, Наманган шевасида статистик жиҳатдан [о] эмас, балки [у] кўпроқ учрайди.

[у]>[о] ҳолати, худди уйғур тилидаги каби, Наманган, Қорабулоқ, Тошкент ва бошқа шеваларда у й, к у й (оҳанг) сўзларида ҳам учрайди: *Тошк.* к о й (й ә х ш ъ к о й ә к ә н й ә н ә б ъ р ч ә л ъ н г)//*ад.-орф* куй (яхши куй экан, яна бир чалинг); *ад.-орф* уй// *Наманг., Паркент.* о й//*Қорабулоқ.* ө й//*йл. сингарм.* v й//*Марғ., Қўқон.* у й (Марғилон, Қўқон шеваларида бу сўз е ш ъ к деб ҳам айтилади). Тошк. о й//*ад.-орф.* уй ва о й//*ад.-орф.* ўй, фикр. Қиёс

қилинг: *Наманг.* (спорадик ҳолатда): д ж у в ә л д о с//*ад.-орф.* жу-волдиз; м ө ҳ л ә т//*ад.-орф.* муҳлат.

Аммо й-ловчи шеваларда, шунингдек, кўпгина ж-ловчи шеваларда ҳам [у] юқори кўтарилиш унли фонемадир. Мисоллар: *жл.* у ш б у, ш у, ш у й а қ қ а р а п//*ад.-орф.* шу ёққа қараб; б у й э қ т а, у й э қ т а, у й а қ а-б у й а қ а, м у н д а, ш у л, б у л, у ғ а н, б у ғ а н, ш у ғ а н//*ад.-орф.* шунга.

**18-§. Иккинчи даражали чўзиқ [у:], [v:] унлилари.** Ўзбек шеваларида [у], [v] фонемалари иккинчи даражали чўзиқликка эга бўлиши мумкин. Масалан: **ув/vв** типидаги дифтонгнамо бирикмалар эшитилиш жиҳатдан чўзиқ унлига ўхшайди: *жл.* с у в>с у:>с у//*ад.-орф.* сув, қиёс қилинг: *қорақалпоқ.* с у в ғ а б а р д ы//*ад.-орф.* сувга борди; с у в у р ы п>с у:у р ы п//*ад.-орф.* суғуриб; *жл.* ч э ш v-в v н>ч э ш v:v н, э ч у в л а н ы п> э ч у:л а н ы п, т у в>т у://*ад.-орф.* туғ, *жл.* ч v в>ч v:(ундов сўз), д ж э т и р v в>д ж э т и р v: (уруғ номи), т у р у в д ы қ>т у р у:д ы қ//*ад.-орф.* туриб эдик, б э р у в-д ы қ>б э р у:д ы қ, б ө л v в-б ө л v://*ад.-орф.* бўлув.

Бироқ кўпчилик ж-ловчи шеваларда у в//v в типидаги дифтонгнамо бирикмалар фонологик жиҳатдан алоҳида-алоҳида фонемалар эмас, балки фонемалар бирикмасидир: **у + в.**

Ж-ловчи шеваларнинг а-ловчи группасида пасайиб борувчи дифтонг мавжуд, бу хил дифтонгларнинг иккинчи товуши бўғин ҳосил қилмайдиган ярим унли [в] фонемасидир.

Адабий-орфографик *ўғли* сўзидаги [ў] унлиси шеваларaро талаффузида иккинчи даражали чўзиқликка учрайди. Адабий-орфографик *ўғли* сўзи баъзи шеваларда у л у (э р г ә ш ш v к v р у л у, у л у м ш ә ә р г ә к э т т э) каби нормал [у] билан, баъзи шеваларда эса у:л у, яъни ундош товушнинг тушиб қолиши ҳисобига пайдо бўлган чўзиқ [у:] унлиси билан талаффуз этилади (қиёс қилинг: *қорақалпоқ.* у : л).

Бу сўзнинг анализи қуйидаги фонетик ўзгаришларни кўрсатади: *ад.-орф.* ўғли//*йл.* о ғ л ъ~о : л ъ//*жл.* у в л ы>у в л у>у : л у>у л у. Демак, *ад.-орф.* **ў** [-о] унлиси [у] ёки [у:] беради. Яна мисоллар: *жл.* с v:б ә т//*ад.-орф.* суҳбат; м v:т ә д ж б о л у б//*ад.-орф.* муҳтож бўлиб. Бу мисолларда иккинчи даражали чўзиқ унлининг ҳосил бўлишига сабаб бўғиз ундоши [ҳ] товушининг тушиб қолишидир.

Иккинчи даражали чўзиқ унлилар й-ловчи шеваларда, шу жумладан, Тошкент шевасида ҳам учрайди. Бу шеваларда [у] унлисининг чўзиқ талаффузи ўтган замон феълининг I шахсида кўринади: б э р д у:<б э р д у к//*ад.-орф.* бордик; к е л д у:<к е л д у к//*ад.-орф.* келдик; ъ ш л ә д у:<ъ ш л ә д у к//*ад.-орф.* ишладик; қ э л д у:< қ э л д у к//*ад.-орф.* қолдик, б о л д у:<б о л д у к//*ад.-орф.* бўлдик, д ж ә қ ъ й ъ н ч ъ л ъ: й е п қ э л д у://*ад.-орф.* жуда қийналиб қолдик.

Баъзан чўзиқ унлилар овоз тони оҳангига боғлиқ ҳолда ўзига хос интонацион ранг-барангликка эга бўлади: к е л д ъ й у:: т у р м ә д э.

Шунингдек, узоқ масофадан чақирганда ҳам унлиларнинг эмфатик чўзиқлиги вужудга келади: Т у р ғ у н-у:::

**19-§. [у], [v] унлиларининг лабсизланиши.** ж-ловчи шеваларда [у] ва [v] унлиларининг лабсизланиш ҳолати турли шароитларда вужудга келади. Бу ҳодиса ҳатто й-ловчи шеваларда (жумладан, Тошкент шевасида) лабланган [у] унлиси сақланган ўринларда ҳам учрайди:

1) [у]>[ы] га ўтиши: *жл.* б ы л//б у л (б ы л и ш), м ы н д а// *ад.-орф.* бунда, *жл. қур.* бизди м ы н д а қ а л д ы р д э, м ә н д а й// *ад.-орф.* бундай, *жл.* т ы п р а қ//*ад.-орф.* тупроқ, *жл. қур.* м а й м ы л (б у д ж ы л м а й м ы л д ж ы л ы), б ы з ы л ы п (м ә ш и н ә б ы з ы л ы п қ ә л д э), м ы р а т қ а д ж э т м ә й д и, д ж а х ш ы м е н ә н д ж v р с ә н г д ж э т ә с ә н м ы р а т қ а, д ж ә м ә м м ә н ә н д ж v р с ә н г қ э л а с а н ы й а т қ а, м э н и ы й а л т ы п, м э н ы й а л ы п қ э л д ы м, ы й а қ т а, б ы й а қ т а, м ы з ы//*ад.-орф.* музи, с ы б а м а қ//*ад.-орф.* сувамоқ, шувамоқ, *жл.* м ы с а п ы р// *ад.-орф.* мусофир, *жл.* п ы л ы//*йл.* п у л ъ, *жл. қур.* с а т ы п, п ы л л а п б э р ә й, *жл.* қ ы д а//*ад.-орф.* қуда;

2) [у]>[и] га ўтиши: *жл.* м ә л и м (мәлим қылдэ)//*ад.-орф.* маълум, д ж и д ә//*ад.-орф.* жуда, *жл. қур.* м э н и н г ч и н (қиёс қилинг: м е н и й и ч и н ва м э н и у ч у н), э р г ә ш-и ч и н, ш v н и н г-и ч и н.

Адабий-орфографик *бу* ва *шу* сўзлари шеваларарo б и ва ш и шаклида учрайди. Мисоллар:*жл. қур.* б и й е р г ә, б и й е р д ә б а х ш ы д ж о қ, б и й е р л ә р д ә д ж v р г ә н, ш и й е д ә//*ад.-орф.* шу е р д а.

Б и<б у олмошларининг б и л ә р>б ъ л ә р(//*ад.-орф.* булар) шаклида талаффуз этилиши, товуш жиҳатдан келаси замон феълларининг III шахсига ўхшайди: б и л ә р//б ъ л ә р//*ад.-орф.* билар. Бундай ҳолатни ж-ловчи шевалардаги *ишлаб* сўзида ҳам учратамиз: и ш л ә б, и ш л ә г ә н//*ад.-орф.* ушлаб, ушлаган. Демак, и ш л ә< у ш л а ва и ш л ә(//*ад.-орф.* ишлар) сўзлари, деярли бир хил талаффуз этилади. Яна мисоллар: *жл.* д ж и б ә р д ә, д ж и б ә р г ә н, д ж и б ә р м ә к ч и н б о л ғ а н, д ж и б ә р и ш и к э р э к; м и д и р// *ад.-орф.* мудир; к и й ә в//*ад.-орф.* куёв; п и ш ә й м э н б об//*ад.-орф.* пушаймон бўлиб, б и й д э й и э к т и к//бувдай, д и н и й ә//*ад.-орф.* дунё; п и р с ә т//*ад.-орф.* фурсат.

[у] товушининг лабсизланиш ҳолатини маълум бир шеванинг характерли хусусияти дейиш қийин, чунки кўпинча бир хилдаги сўз бир шеванинг ўзида ҳар турли талаффуз этилади: *жл. қур.* т и ш и м б ә г ә н у х у қ қ а т v ш v н и б э л д ы м (т и ш и м б ә г ә н ва т v ш v н и б сўзларини қиёс қилинг).

Кўпгина й-ловчи шеваларда [у] (тарихий жиҳатдан юқори кўтарилиш лабланган қадимий туркий [у] ва [Y] унлилари) Тошкент шевасидаги каби сўзларнинг биринчи бўғинидан бошқа бўғинларда лабланиш хусусиятини йўқотади. Наманган шевасида лабланган [у] товушининг мавжуд бўлиши сўзларнинг турли ўрин-

ларида [ъ] товушининг спорадик ҳолатда мустаҳкам ўрнашиб қолишига сабаб бўлган. Мисоллар: қ а б ъ л қ ь л д э // *ад.-орф.* қабул қилди, й ъ р ә г ъ м д ә // *ад.-орф.* юрагимда, т ъ р п ɔ ғ // *ад.-орф.* тупроқ, й ъ м ә л ә в е р д э // *ад.-орф.* юмалай берди, у н д а н к е г ъ н > > ъ н ә н к е г ъ н > ъ н ә н к е г ъ н > [(ъ)] н ә к ъ н (бу ерда қисқа [ъ] нолга келиб қолган) // *ад.-орф.* ундан кейин. Яна қиёс қилинг: *Наманг.* б е й д ә // *ад.-орф.* бу ерда, б ъ й е г ә // *ад.-орф.* бу ерга. Бу сўзлардаги бе ва бъ шаклидаги Наманган комплекслари кўрсатиш олмоши *бу* ўрнида қўлланилган. Тошкент-Фарғона тип й-ловчи шеваларга қарама-қарши ўлароқ Самарқанд-Бухоро тип шеваларда [и] ва [ъ] унлиларга ўтмайдиган лабланган [*у*] унлиси сақланган: *Тошк.* т е м ъ р // *Самарқ.* т е м у р, *Тошк.* х э т ъ н // *жл.* қ а т ы н // *Самарқ.* х э т у н.

Самарқанд-Бухоро тип шеваларда [у] унлисининг биринчи бўғиндан бошқа бўғинларда лабланмаслиги [у] > [ъ] умум қонунига бўйсунмайди ва бу хусусият уларда мустаҳкам сақланади.

[ъ//у] унлиларининг юқоридагидек позицияларида (яъни сўзларнинг иккинчи бўғинида) алмашинишини Наманган шеваларида ҳам учратамиз. *Наманг.* э л т у н (элтън) // *ад.-орф.* олтин, х э т Ү н // х э т ъ н // *ад.-орф.* хотин; э х у р // о х ъ р // *ад.-орф.* охир, т е м Ү р| темър // *ад.-орф.* темир. Наманган шевасида бу форма (яъни [ъ/у] унлиларининг иккинчи бўғинда алмашиниши) фонетик дублет сифатида вужудга келади. Бу ҳодиса Тошкент шеваси учун хос эмас.

Баъзи й-ловчи шеваларда *(уюм—уйум)* сўзидаги [у] унлисининг эшитилишига эътибор берсак, иккинчи бўғиндаги [у] унлисининг ҳам [й] таъсирига учраганлигини, аммо бирмунча тил олди ҳолатида бўлиб, лабланишнинг кучсизланганлигини кўрамиз. Бу ҳолатни й-ловчи шеваларда *уйум* сўзининг *уйъм* каби жуфтга эга бўлиши билан изоҳламоқ мумкин.

Б о й у н (> б о й ъ н) сўзидаги [у] унлисининг иккинчи бўғиндаги талаффузи ҳам Ү й Ү м ( Ү й ъ м ) сўзидаги каби иккинчи бўғинда лабланишнинг қисқариб бораётганини кўрсатади. Тошкент типидаги й-ловчи шеваларда [у] унлиси иккинчи бўғинда лабланмайди. Аксинча, ж-ловчи ва сингармонистик шеваларда [у] ва [Ү] фонемалари юқоридагидек позицияларда ўзининг лабланган ҳолатини мустаҳкамроқ сақлайди. Аммо й-ловчи шеваларда охиридаги ёпиқ бўғинларида спорадик ҳолатда вужудга келадиган [ъ//у] унлиларининг факультатив алмашинишини ҳисобга олмаганда, иккинчи бўғинда [у] унлисининг лабланиш ҳолати деярли учрамайди. Бу тубандаги мисолларда яққол кўринади: *жл.* п у л у м // *йл.* п Ү л Ү м > п Ү л ъ м, *жл.* с ө з Ү м // *йл.* с ө з ъ м, *жл* Ү с т Ү д ә // Ү с т и д ә // й л. Ү с т Ү д ә > Ү с т ъ д ә, *жл.* о т у р ғ а н > о т ы р ғ а н // *йл.* о т ъ р г ә н (спорадик ҳолда о т у р г ә н).

Й-ловчи шеваларда факультатив [у] ёки [о] унлиларига эга бўлган бўғинлардан сўнг лаб сингармонизмига боғлиқ бўлган [у//ъ] алмашиши қолдиқ форма сифатида сақланган: Ү с т Ү д ә //

Үстъдә, отҮргән//отъргән. Бу мисоллардан кўринадики, бир сўзнинг ўзида [у] унлиси ёки [ъ] унлиси талаффуз этилади, аммо [у] товушининг талаффузида лабланиш бир оз камайган.

[у//ъ] унлиларининг факультатив алмашиши сўз маъноларини фарқлаш билан боғлиқ эмас.

[у] унлисининг лабсизланиши баъзан [ә] унлисининг пайдо бўлишига сабаб бўлган. Қиёс қилинг: *йл.* ундән кейън>ъндән кегън>әндән кәгън//*жл.* әннән кәй//*ад.-орф.* ундан кейин; *жл.* хҮррәк>хиррәк>хәррәк, хәррәкти тәртип//*ад.-орф.* хуррак тортиб.

**20-§. Индифферент (оралиқ) [у] унлиси.** Й-ловчи шаҳар шеваларида, шу жумладан, ўзбек адабий тилида ҳам [у] фонемасининг [ъ] фонемасига ўхшаб, тил олди ва тил орқа унлилари ўртасида ўзгариб, индифферент оралиқ бир ҳолатда бўлиши бу фонеманинг тарихий жиҳатдан [у] ва [Ү] нинг қўшилишидан вужудга келганлигини кўрсатади. Масалан, қул, қулақ(//*ад.-орф.* қулоқ) сўзларидаги [у] қипчоқ шеваларига оид орқа қатор, лабланган типик [у] унлисига ғоят яқин бўлган тил орқа, лабланган унлидир.

## ЮҚОРИ-ЎРТА КЎТАРИЛИШ УНЛИ ФОНЕМАЛАР

**21-§. Юқори-ўрта кўтарилиш унли фонемалар ҳақида умумий тушунча.** Унли товушларнинг бу категориясига ўзбек халқ шеваларида мавжуд бўлган лабланмаган [е], [э], [є] ва лабланган [о], [ө] унлилари киради. [е], [э], [є], [ө] унлилари олд қатор, [о] унлиси эса орқа қатордир.

Юқори-ўрта кўтарилиш унли фонемаларининг ҳар хил даражадаги дифтонглашиши ж-ловчи шеваларнинг характерли хусусиятларидандир. Бу хусусияти билан ж-ловчи шевалар бу ҳодиса факультатив-спорадик ҳолда учрайдиган й-ловчи шевалардан фарқ қилади ва генетик жиҳатдан қипчоқ группасидаги тилларга тааллуқли бўлган туркий тилларга яқинлашади.

## ЮҚОРИ-ЎРТА КЎТАРИЛИШ ЛАБЛАНМАГАН [Е], [Э] ВА [Є] УНЛИ ФОНЕМАЛАРИ

**22-§. [е] фонемаси.** Бу фонема ёпиқ унли товуш бўлиб, й-ловчи шаҳар шевалари, шунингдек, ўзбек адабий тилида учрайди. [е] фонемаси сифат жиҳатдан ўзбек шевалари вокализмидаги энг турғун фонемадир. Бу фонема (спонтан ҳолатда) нисбий чўзиқликка эга бўлади ва урғусиз бўғинларда, икки жарангсиз ундош ўртасида келганда, кўпинча, редукцияга учрамайди.

Артикуляцион-акустик жиҳатдан бу унли рус тилидаги ундош товушлардан кейин келган (масалан, дети сўзидаги) [е] унлисига яқинлашади. Мисоллар: *Тошк.*, *Марғ.*, *Наманг.* екън, кел, бер, секън, әстә-секън, безгән, еркәк, кенгәйдә; *Қорабулоқ.* есидин кедип, қайтып кетти, ет йейдуғонда нан

билән йейсә нә қуруқ йейсәнә? енди гөшни апчық, ертәсигә пешин халатыдә ешитәди // *ад.-орф.* ҳушидан кетиб, қайтиб кетди, гўшт еганда нон билан ейсанми, қуруқ ейсанми?, энди гўштни олиб чиқ, эртага пешин вақтида эшитади.

Й-ловчи шеваларда, шунингдек, ўзбек адабий тилида [е] фонемасининг талаффузида оғиз бирмунча ёпиқ ҳолда бўлади (максимал даражада ёпиқ бўлган Тошкент ва Марғилон шеваларидаги [е] ни қиёс қилинг). [е] унлисининг бу хусусияти унинг [ъ] унлисиға томон силжишини, баъзан, айниқса, тез сўзлаганда [ъ] товушидек эшитилишига сабаб бўлганлигини кўрсатади. Мисоллар: *Тошк.* ечкъ >ъчкъ, ешък >ъшък; *Наманг.* мәнъ ҳъч (<ҳеч) тәпәлмәсун, ъзучъсъгә //*ад.-орф.* эзувчисига; кормәс-ъдъ // *ад.-орф.* кўрмас эди; дъп <деп буйурдъ, бәръдъ //*ад.-орф.* бор эди.

Едъ, емәс тўлиқсиз феълларида [е] унлиси тушиб қолиши мумкин. *Тошк.*, *Наманг.* келгән-мәс, мәңгә тушкән-мәс (>чушкән-мәс).

**23- §. [э] фонемаси.** Бу фонема ж-ловчи (сингармонизмли) шеваларга хос бўлиб, шаҳар типидаги шеваларда спорадик равишдагина учрайди. Сифат жиҳатдан [є] фонемасидан фарқ қиладиган юқори-ўрта кўтарилиш [э] типидаги бу нормал товуш оғизнинг ёпилиш даражаси жиҳатдан тахминан қорақалпоқ, қозоқ, нўғой, қумуқ тилларидаги типик қипчоқ [э] товушига тўғри келади. Бу товуш сифат жиҳатдан рус тилидаги ўзига ўхшаш товушга қиёс қилинса, *дети* сўзидаги [е] унлисига нисбатан бир қадар очиқ, лекин *дело* сўзидаги [е] унлисига нисбатан бирмунча ёпиқ эканлиги кўринади. Бошқача айтганда, русча *дело* сўзидаги [е] унлисига нисбатан ўзбек тилидаги [э] унлиси тилнинг бирмунча юқори кўтарилиши билан талаффуз этилади; бу фонема тез талаффузда русча *эти* сўзидаги [э] унлисига яқинлашади, баъзан эса ўхшаб ҳам кетади. Мисоллар: *жл. қур.* мэн мынг тэбе кэтємэн, бэчәрә, кэлин далаға кэтти, кэләй, нэччә~нэчә джылға кэтгән, дәрйәдән кэчтим, тэгин // *ад.-орф.* текин; кэчә ғайтқан // *ад.-орф.* кеча қайтган; тэбәсигә чығып кэтти, кэвәк, хэдж:эрдән, бэшик, чэшҮвҮн чэшип бэрсәнг, тэри, джэр эстыда, тэшә, тэзрәк, гэктәр, тоққуз йарым гэктәр, бэсорақ, бэақыл, нэ ғыласан? //*ад.-орф.* нима қиласан?

**24-§. [э] унлисининг дифтонглашиши.** Анлаут ҳолатдаги [э] унлисининг дифтонглашиши ж-ловчи шеваларaро ҳар хил кўринишга эга. Бошланғич элемент (форшлаг) нинг кучига қараб дифтонглашиш ҳам ҳар хил бўлади. Масалан, баъзи ж-ловчи қурама шеваларида дифтонглашиш ҳодисаси максимал даражада бўлса ҳам, бошқа ж-ловчи шеваларда эса бирмунча камроқ кўринади.

Қипчоқ лаҳжасидаги баъзи шеваларда лингвистик жиҳатдан ажралмайдиган товуш ҳам бор. Буни дифтонгсимонлар разрядига қўшмоқ мумкин.

Демак, ж-ловчи шеваларда юқори-ўрта кўтарилишдаги лабланмаган [э] унлиси тубандаги кўринишларга эга:

[$^{й}$э] ёки [$^{и}$э] — максимал даражада дифтонглашиш, [$^{и}$ э] — спорадик ҳолатда учрайдиган камайиб борувчи дифтонглашиш (дифтонглашишнинг бу тури форшлагнинг кучи ва сифатига боғлиқ). Мисоллар: *жл. қур.* $^{и}$эки ~ $^{й}$экки, $^{и}$эк қолыны байлайды; $^{й}$эки қавынды; $^{й}$эки куннән бэрли; $^{и}$экәв; $^{и}$экәв $^{й}$эдик; кэләси джылға $^{й}$эки пут тары алдық: $^{и}$экинчи; $^{и}$эгибджатыр; $^{и}$экинди $^{и}$эгиб; $^{и}$эртән қатыннарны чығарсанг, мэн бармайман; қайтадан $^{и}$эгәмиз; бийдәй $^{и}$эктик ~ бувдай $^{и}$эктик; $^{й}$эллив; $^{и}$эллув бэш; $^{й}$эртә-мэртән тамам болады; $^{и}$эшитти; $^{и}$эләк; $^{и}$эчки; $^{и}$эсән-эмэн; $^{й}$эртәнгиси; $^{й}$эртә; $^{и}$эр; $^{и}$эркәк, $^{и}$энәсинам, $^{и}$энәси, $^{и}$энәм, $^{и}$эл, $^{и}$эйәси (// *ад.-орф.* эгаси) $^{и}$эшәк, $^{и}$эшшәйигә.

25-§. **[э] унлисининг [и] унлисига ўтиши.** *Ад.-орф.* [э] ж-ловчи шеваларда кўпинча [**и**] унлисига ўтади ва ўзидан кейинги ундошни юмшатади: *ад.-орф.* эгни>*жл. қур* ийни, ийнигә, ийнимдә. Солиштиринг: *қирғ.* ийин: ийиндэн тоону алыб ташлагандай; *ад.-орф.* эгдим>*жл.* ийдим; *ад.-орф.* эргаштириб>*жл.* ийәртип.

[$^{и}$э<$^{й}$э<**йэ**] дифтонгларига тенг келадиган сўз бошидаги [**э**] товушининг максимал даражада дифтонглашиши *ад.-орф.* [**э**] унлисининг [**и**] унлисига ўтишига олиб келган. [**э>и**] ҳолати [**йэ**] дифтонгидаги [**й**] товушининг таъсири натижасида [**йи**] каби товуш бирикмасини ҳосил қилади. Мисоллар: *жл.* майлига йиди // *ад.-орф.* майлига эди.

[**э>и**] ҳолатидаги [**и**] унлиси тушиб қолиши ҳам мумкин. Масалан: *жл.* нэштәйкәнин'и<нэштә экәнини. Бошқа томондан эса, *эди, экан* ёрдамчи феълларда [**и**] товушини учратамиз. Мисоллар: *жл.* хәллиди<хәл эди, бэллиди<бэл эди, джэриди<джэр эди.

Аффиксларадаги [**й**] таъсири билан феълларда [**э**//**и**] алмашиши юз беради. Бу ҳодиса ж-ловчи шеваларда ҳам, й-ловчи шеваларда ҳам учрайди: *жл.* дийди (аммо, дэмәйди) //*ад.-орф.* дейди//*жл.* рәс дийди (аммо, дэди), дэб, дэсәм, дэмә, чық дэсә чығамыз, тиймәйди // *ад.-орф.* тегмайди; *жл.* қамчы тийсә, өзигә тийсин; эртә тийәмән; джийди (аммо, джэгән) //*ад.-орф.* ейди.

Шундай қилиб, шеваларда баъзи феъллар (*ад.-орф.* емоқ ва демоқ) да [**и**<э, **ъ**<е] ҳолатларини учратамиз. Бундай ҳолларда ўзаклардан кейин аффиксал [**й**] товуши келади. Бу хусусиятлар баъзан ж-ловчи шеваларда джэйилдэ (//*ад.-орф.* ейилди), джыйылдэ (//*ад.-орф.* йиғилди) каби сўзларнинг бир хил бўлиб қолишига олиб келади.

Бўғиз ундоши [ҳ] ўрнида пайдо бўладиган [й] товуши ҳам [э>и, э>ы>ь] ҳолатларининг вужудга келишига таъсир кўрсатади[1]. Мисоллар: *ад.-орф.* меҳнат>*жл.* м и й н э т; *ад.-орф.* меҳнаткаш>*жл.* м и й н э т к э ш; *ад.-орф.* меҳрибон>*жл.* м и й р и б о н; *ад.-орф.* меҳмон>*жл.* м ы й м а н; *ад.-орф.* меҳмонхона>*жл.* м ы й м а н қ а н а.

Аммо, барча ҳолатларда ҳам [й] товуши [э>и] га сабаб бўлавермайди, баъзи шеваларда [й] билан ёндош бўлган [э] товуши спорадик равишда сақланади. Бироқ шундай бўлса-да, у артикуляцион жиҳатдан юқори кўтарилишдаги унлилар томон силжигани яққол сезилади.

[э] фонемасининг бу комбинатор-позицион хусусияти й-ловчи шевалардаги [е] фонемасига яқинлашади, масалан [е] унлисининг талаффузини чоғиштиринг: *жл. қур.* м е й н э т қ ы ғ а н д ж и г и т, б и з д и т е й и р м э н г э ч ы ғ а р ы п қ о й д ы (спорадик ҳолда д е й и р м а н>д и й и р м а н//т и й и р м а н [е] унлиси билан эмас, балки [и] унлиси билан талаффуз қилинади).

[и/е] унлиларининг талаффузда юқоридагидек тебраниб туриши қуйидаги сўзларда ҳам учрайди: *ад.-орф.* кейин//*жл.* кийин~~к е й и н, к е й и н г э.

Баъзи ж-ловчи шеваларда бу сўз [э] унлиси ([е] ўрнига) билан талаффуз қилинади. Масалан: к э й и н. Бу сўз кўпинча қисқарган шаклда учрайди: к э й э н э н к э й, б э р г э н н э н к э й.

[э>и] ҳолати кишилик олмоши м э н сўзида ҳам учрайди: *жл.* м и н и м н э н//*ад.-орф.* менинг билан.Бу олмошнинг м э н, с э н формалари кўпроқ учрайди. Кенг [ә] унлиси билан келадиган м ә н, с ә н формалари эса Қорабулоқ, Наманган, Тошкент ва жанубий Хоразм шеваларида учрайди. Ж-ловчи шеваларда кишилик олмошлари жўналиш келишиги қўшимчаси *[-га]* ни олганда, [э//а] алмашиниши вужудга келади. Масалан, маған, саған (сэған формаси ҳам учрайди). [э//ә] алмашиниши ә ң э<э н э (//*ад.-орф.* она) сўзида ҳам учрайди. *Ад.-орф. нима* сўзи ж-ловчи шеваларда [э] фонемаси билан талаффуз қилинади: *жл.* н э (спорадик равишда н э й), н э ғ ы л а с а н, н э$_{и}$ ш м н э н?, н э т и п с э н//*ад.-орф.* нима қилдинг? *жл.* н э т э й и н? //*ад.-орф.* нима қилайин? [э] нинг [ә] га ўтиш процессида [э] ва [ә] товушлари ўртасида оралиқ [є] товуши ҳам бўлади.

**26-§. [є] товуши** мустақил фонема сифатида [к є л, к є л а й э п м є (н), *Иқон.* к є л й э п с э (н)] й-ловчи Хоразм шеваларида (г є л, г є л й є н) учрайди. Бу хусусият Наманган шевалари учун ҳам характерли бўлиб, шевадаги сўзларнинг ҳар хил позицияларда [э, а] унлилари ўрнида келади. Мисоллар: в є з ъ п э (а с о с ъ: в є з ъ п э м э н э ш у) //*ад.-орф.* вазифа (асосий вазифа мана шу); с ъ н г є р ъ //*ад.-орф.* сингари; к є л ъ т //*ад.-орф.* калит. б є л ъ қ>

---

[1] Кўпинча бўғиз товуши [ҳ] нинг ёки тил ўрта [й] товушининг тушиб қолиши иккинчи даражали чўзиқликни вужудга келтиради.

>бєлъх//*ад.-орф.* балиқ, бєлъқ чълък>бєлъхчълък//*ад.-орф.* балиқчилик, гєпърънг//*ад.-орф.* гапиринг, нъмєсъ//*ад.-орф.* нимаси; әсєлъ//*ад.-орф.* асали, єрълар//*ад.-орф.* арилар, душмєнъ//*ад.-орф.* душмани, нәзєръйәсә//*ад.-орф.* назарияси, хъзмәт етєдъ//*ад.-орф.* хизмат қилади.

Наманган шеваларидаги ҳозирги-келаси замон феъл формаларида алоҳида интонацияга эга бўлган чўзиқ [є:] унлиси келади: болє:дъ, қэчъшє:дъ, эпкелє:дъ, тарқатє:дъ, көрсєтє:дъ, көрмє:йдъ.

[є] товуши факультатив-спорадик ҳолатда бошқа ўзбек шеваларида ҳам учрайди. Масалан: *Тошк.* бєрдъ-дє, элдъ-дє, шудє. *Марғ.* ъшләмєйдъ, *жл.* көрсәтєнди//*ад.-орф.* кўрсат энди, *жл.* кєл энди, ойлєйтыған//*ад.-орф.* ўйлайдиган, *жл.* излєймән, көрмєй//*ад.-орф.* кўрмай [-мәй//-мєй//-мъй формаларининг Марғилон ва Водил қишлоғи шеваларида алмашинишини қиёс қилинг], *жл.* кєсєди (қолун джаман кєсєди)//*ад.-орф.* кесади (қўлини ёмон кесади), сєкиз//сєгиз//*ад.-орф.* саккиз.

Кўринадики, бу ҳодиса, яъни [є] товушининг пайдо бўлиши Фарғона, Марғилон, Андижон, Қўқон шеваларида ҳам учрайди. Аммо, Иқон-Қорабулоқ шеваларида мавжуд бўлган кенг [є] унлиси юқорида кўрсатилган шевалардаги [є] унлисидан тамомила бошқача, чунки Иқон-Қорабулоқ шеваларида қадимги [ә] ва [є] унлиларининг ўзаро фарқланиши сақланган: ўзбек-ўғиз шеваларидаги [є] (*ад.-орф.* э [е])<әр, єт//әт<ерт, єкєн//екән<єркән; қиёс қилинг: Жанубий Хоразм: є:р//*ад.-орф.* эр//*туркм.* ә:р//*чуваш.* ар.

**27-§. [е] товуши** ривожида [и] ёки [ә] товушлари унинг охирги чегарасидир. [е>ә] ҳолати *экан, эмас* ёрдамчи феълларда кўпроқ учрайди: *жл.* джоғ-әкән бар-әкән, апкэткән-әкән, авур-әкән, джаман-әмәс, *йл. Наманг.* бомъсәкән<болмәс әкән; *Тошк.* тъккән-әмәс, кәм-әмәс, узэғ-әмәс, тэғәкән, уйәмәс, буйәмәс, шуйәмәс (бу мисолларда фақат [е>ә] ҳолатигина юз бермай, балки икки унли орасида [й] товуши ҳам ортади).

[е>ә] ҳолати Қорабулоқ шевасида фақат *экан* ёрдамчи феълидагина эмас, балки сўз ўзакларида ҳам бўлади: Тәшкәндин брәу кәгән(<келган)-әкә(>әкән, екән)//*ад.-орф.* Тошкентдан биров келган экан; сәмиз(<сәмиз) қой қыммат олады //*ад.-орф.* семиз қўй қиммат бўлади; чимгәттин кәләдуғон а:дам ба:на?//*ад.-орф.* Чимкентдан келадиган одам борми?

Й-ловчи шевалардаги асли ўзбекча сўзларда юқори-ўрта кўтарилиш унлиларнинг биринчи бўғиндан бошқа бўғинларда келолмаслик қонунига кўра [е] унлисининг [ә] унлисига ўтиши [е>ә] табиий ҳодисадир.

Ж-ловчи ва й-ловчи шеваларда факультатив-спорадик равишда, [ә] унлисининг лабланиш ҳолати ҳам бор. Масалан: *жл.* бөдәнә// //*ад.-орф.* бедана, туруб-өдә<турибәди; қиёс қилинг: *Тошк.*

*Наманг.* боттэ<беттэ, отук<етък, до:дъм (чўзиқ [о:] билан)//*ад.-орф.* деб эдим, нучу: (чўзиқ [у:] билан)<нучук// //*ад.-орф.* нечик.

Бўғиз [ҳ] ёки тил ўрта [й] товушларининг тушиб қолиши натижасида спорадик равишда чўзиқ [э:] товуши пайдо бўлади: *жл.* мэ:нэткэш//*ад.-орф.* меҳнаткаш, *жл.* мэ:рибэн//*ад.-орф.* меҳрибон, *жл.қур.* мэ:ман (бизнинг Үйгэ эки мэ:ман кэлдэ — б$^{и}$рэвэ башым дийдэ, б$^{и}$рэвэ бэлим, дийдэ)//*ад.-орф.* меҳмон (бизнинг уйга икки меҳмон келди—бири бошим дейди, бири белим дейди. Топишмоқ. *Хари ва устун*).

[й] товушининг тушиб қолиши натижасида чўзиқ [и:<э] пайдо бўлишини қиёс қилинг: *жл.* ди:дэ//*ад.-орф.* дейди.

## ЛАБЛАНГАН [О] ВА [Ө] УНЛИ ФОНЕМАЛАРИ

28-§. **[о] фонемаси.** Бу товуш тил орқа одатдаги туркий [о] дир. Мисоллар: *жл. қур.* соқа (джэрди соқам$^{ы}$нан $^{Ҳ}$айдадық)//*ад.-орф.* сўқа (ерни сўқа билан ҳайдадик); қош $^{Ҳ}$айдаб джэтыр//*ад.-орф.* қўш ҳайдаётир, боз (б$^{и}$р боз қэп)//*ад.-орф.* бўз (бир бўз қоп), тоққуз йарым, постун, тойда; соқым//*ад.-орф.* сўқим, қиёс қилинг: *ад.-орф.* бўрдоқи; *Тошк.*; *Наманг.* охшагэн, ормэн//*ад.-орф.* ўхшаган, ўрмон; *Қорабулоқ.* и:ши йоғынг ашы йоқ//*ад.-орф.* иши йўқнинг оши йўқ, қолума а:лдым//*ад.-орф.* қўлимга олдим; *жл.* джолуғуп қалдым //*ад.-орф.* йўлиқиб қолдим; қойан, зорлук, джолдаш, джора, тōзāн//*ад.-орф.* зўрлик, қуён, йўлдош, жўра, тўзон.

29-§. **[ө] фонемаси.** Бу товуш тил олди одатдаги туркий [ө] дир. Мисоллар: *жл.* сөз (сөзvнг), көпчилик, көпти көргэн, мэн мынг төбэ кэтэмэн, сөйлэдинг, көл, кенгvл, джөнэткин; *йл. Наманг.* көзv, көрънур, ҳөкvз, өсvмлък, бөлэг, өттvм//*ад.-орф.* ўтдим, чөлмэ-чөл, көп хапъ волдэ//*ад.-орф.* кўп хафа бўлди, *Қорабулоқ.* өйидэ ба:р, өзим сөйгэн йэ:рымны//*ад.-орф.* уйида бор, ўзим севган ёримни; *жл.* көрсэткин, көрсэтэдъ, көйнэкчэнг, көп, чөлдэ, өкvмэт//*ад.-орф.* ҳукумат; көр//*ад.-орф.* кўр, бөрv// бөри, төрт, көрпэ.

Ж- ловчи шеваларда учрайдиган бу фонемалар анлаут ҳолатда қозоқ ва қорақалпоқ тилларидаги [о], [ө] фонемалари хусусиятларига эга бўлади. Бу фонемалар ҳам [э] фонемаси каби сўз бошида дифтонглашади (уо] ва [vө]).

Бундай дифтонгларда бўғин ташкил қилмайдиган **у** элементининг эшитилиш даражаси урғу ва позициясига кўра ҳар хил. Бу унлилар, бир томондан, максимал дифтонглашса, иккинчи томондан, ҳеч қандай қўшимча товушсиз одатдаги [о] ва [ө] бўлиши мумкин.

Ж- ловчи шевалар [о] ва [э] унлиларининг максимал дифтонглашиши билан й- ловчи сингармонистик шевалардан фарқ қилади. Й- ловчи шеваларда [о~ө] жуфт унлилари сақланган бўлса- да, қипчоқ тилларига хос дифтонглашиш хусусияти йўқ. Тошкент, Фарғона типидаги й- ловчи шеваларда эса бу иккала фонема конвергенция (бирикиш) натижасида биргина товушга келиб қолган.

[У$_{о}$] дифтонгига мисоллар: *жл.* $^{у}$орта эвыл қышлағы//*ад.-орф.* Ўрта Овул қишлоғи, $^{у}$отны кәвләсәнг $^{у}$өчәди, қошнунгну кәвләсәнг кәчәди//*ад.-орф.* ўтни ковласанг ўчади, қўшнингни ковласанг кўчади (Мақол); отvрсангчы йа $^{у}$ойнағын//*ад.-орф.* ўтирсанг- чи ёки ўйнагин; $^{у}$отбасыбджатыр//*ад.-орф.* ўт босиб ётибди; оттуз бэш//*ад.-орф.* ўттиз беш; $^{у}$онг, $^{v}$ом- бэш, $^{v}$отав, $^{у}$ой, $^{v}$орақ, $^{у}$орун, $^{у}$овры // $^{у}$оғры//*ад.-орф.* ўнг, ўн беш, ўтов, ўй (фикр), ўроқ, ўрин, ўғри.

[У$_{ә}$] дифтонгига мисоллар: *жл.* $^{v}$өрдәк//$^{v}$өрдvк//*ад.-орф.* ўрдак; $^{v}$өлән//*ад.-орф.* ўлан (қўшиқ); $^{v}$өт//*ад.-орф.* ўт (феъл), $^{v}$өлум//*ад.-орф.* ўлим; $^{v}$өз ($^{v}$өзv)//*ад.-орф.* ўз; $^{v}$өлджә//*ад.-орф.* ўлжа; сэн қайердә $^{v}$өсvб эдинг?//*ад.-орф.* сен қаерда ўсгансан? $^{v}$өткvр//*ад.-орф.* ўткир.

Юқорида кўрсатилгандек, шаҳар типидаги й- ловчи шеваларда [о] ва [ө] фонемалари бирлашиб, бир фонема бўлиб қолган. Бу фонема позициясига кўра баъзан тил олди ва тил оралиқ вариантларига эга бўлиши мумкин. Масалан, йол сўзида [о] унлиси [й] товушининг таъсири натижасида бирмунча олдга силжиб, олдинги қатор [ө] га яқинлашган. Қол сўзида ҳам шундай.

Й- ловчи шеваларда, шунингдек, ўзбек адабий тилида [о] фонемаси максимал даражадаги тор унли товуш бўлиб, эшитилиши жиҳатдан [у] унлисига ўхшайди. Баъзи й- ловчи шеваларда [о] фонемасининг бу фонетик хусусияти кўзга яққол ташланади. Мисоллар: *йл.* отън>утън, ромэл>румэл, ройҳэт>руйҳэт сорэ>сурэ.

[у] каби жуда ёпиқ [о] спорадик равишда баъзи ж- ловчи шеваларда ҳам учрайди: *жл.* джулунг<джолунг//*ад.-орф.* йўлинг; мэннэн сурады<мэннэн сорады//*ад.-орф.* мендан сўради.

Бу ерда шуни ҳам ҳисобга олиш керакки, баъзи бир ж- ловчи шеваларда юқори кўтарилиш унлилари юқори- ўрта кўтарилиш унлиларига томон силжийди. Шунинг учун [у] товушининг сифат жиҳатдан модификацияси бундай ҳолларда юқори- ўрта кўтарилиш, орқа қатор, лабланган унли товушга ўхшаб қолишига ва [о] ўрнига [у] товушининг пайдо бўлишига сабаб бўлади. Асосан, ж- ловчи шеваларда юқоридагиларнинг аксини — [у>о] ўтиш ҳолатини кўплаб учратамиз. Мисоллар: *жл.* шоны т$^{и}$гәди//*ад.-орф.* шуни экади; джоғары//*ад.-орф.* юқори [йуқэръ]; онда- монда//*ад.-орф.* унда- мунда; кәнv//*ад.-орф.* куни.

[о] ва [ө] фонемалари ж-ловчи ва баъзи й-ловчи шеваларда сўзларнинг биринчи бўғинидан бошқа бўғинларида ҳам учрайди: *жл.* джулдуздо//*ад.-орф.* юлдузни; нєч:э сөздө айтты//*ад.-орф.* қанча сўз айтди.

[о] фонемаси қўшма сўзларда ва сўз бирикмаларида ҳам биринчи бўғиндан бошқа бўғинларда келади: *жл.* vссомнэн сэвда қыған ман, онтор, бэрэғойсам, кэтэғойсам, эғотэв; *йл.* эброй > эврой//*ад.-орф.* обрўй. Қорабулоқ шевасидаги ҳозирги замон сифатдоши қўшимчасидаги [о] ни қиёс қилинг: қыладуғон и:шинг ба:на?//*ад.-орф.* қиладиган ишинг борми?

Ёндош ундош товушларнинг тушиб қолиши [о] ва [ө] унлиларининг чўзилишига [о:], [ө:] сабаб бўлади: *жл.* көːнэ//*ад.-орф.* кўҳна; о:лым ∽ у:лум//*ад.-орф.* ўғлим, *йл.* *Тошк.* йо: чопчэй бълмъймэн//*ад.-орф.* йўқ, эртак билмайман, ойънг қайэ:дэ? //*ад.-орф.* уйинг қаёқда? Қиёс қилинг: *Қорабулоқ.* о:дун йығды.

[о] унлисининг лабсизланиб қолиши ва унинг [а] унлисига ўтиши Хоразм шеваларида, қисман ўрта Хоразм шеваларида учрайди, масалан, йоқ > йақ каби.

## ҚУЙИ КЎТАРИЛИШ УНЛИ ФОНЕМАЛАР

30-§. Бу категорияга ж-ловчи ва й-ловчи ўзбек шеваларидаги тубандаги унлилар киради:

а) олдинги қатор [ә] ва [є];

б) орқа қатор [а] ва [э].

[э] унлиси ж-ловчи ва й-ловчи шеваларнинг барчасида ҳам учрайвермайди. Ж-ловчи шевалардан қозоқ-найман ва қурама шеваларининг баъзиларида [э] унлиси мустақил фонема сифатида, бошқа ж-ловчи шеваларда эса [а] фонемасининг варианти сифатида учрайди. Бу фонема сингармонизмли й-ловчи шеваларда, масалан, Қорабулоқ, Иқон ва бошқа а-ловчи группа шеваларда йўқ.

[э] фонемаси сифат жиҳатдан шевалараро ҳар хилдир. [ә, є, а, э] фонемалари сўзларда ҳам бир хил тарқалган эмас. Масалан, [а] унлиси Марғилон шеваларига нисбатан Наманган шеваларида кўпроқ қўлланилади. Марғилон шеваларида бу фонеманинг кам ишлатилишига сабаб фақат чуқур тил орқа ундошлар билан ёнма-ён келишидир. Аксинча, [ә] унлиси Марғилон шеваларида Наманган шеваларига нисбатан кўпроқ учрайди, чунки Наманган шевасида [ә] унлисига эга бўлган сўзлар кўпинча [є] товуши билан талаффуз этилади. [э] ва [ә] унлиларининг тарқалиши Наманган ва Марғилон шеваларига нисбатан ҳам Тошкент шеваларида кўпроқдир.

**31-§. Тил олди [ә] унлиси.** [ә] фонемаси очиқ, лабланмаган товуш бўлиб, у маълум фонетик ҳолатларда комбинатор равишда [а] унлисидан пайдо бўлган ва [э] фонемасининг максимал кенг вариантидир. Бу унли барча ўзбек шеваларида учрайди, аммо сифат жиҳатдан бу фонема шевалараро бир хил эмас. Қиёс қилинг: *Наманг., Марғ., Тошк.* [ә], *Қорабулоқ-Иқон.* [є] *Самарқанд, Бухоро. Хўжанд* [а] (охирги [а] русча дал сўзидаги [а] товушига яқин).

Й-ловчи шевалардан мисоллар: *Тошк.*, *Наманг.*, *Марғ.* мэмлэкэт, сэвзъ (*Хоразм.* гэшър), эҳэлъсъ, тэлэп, эгэр (*Наманг.* эгэр джувэб беммэсэнг); мэм-берэмэн<мэн берэмэн; нэтинджэсъдэ//*ад.-орф.* натижасида; *Қорабулоқ.* шэргэ барып, ҳақлы пэс, мэнэ бу, дэррэv, чэйнэк, кэксэлэримиз//*Тошк.* кексэлэръмъз.

[э] унлиси ж-ловчи ўзбек шевалари вокализми учун ҳам статик нормал фонемадир. Бу фонема фақат сўз ўзакларидагина (масалан, нэрсэ//нэрсэ) эмас, балки морфологик кўрсаткичларда ҳам (масалан, кєлэди//кэлэди) [э] фонемаси билан алмашади.

Ж-ловчи шевалардан мисоллар: *жл.* vкэ, экэ(//*Тошк.* экэ~~экэ), *жл.* гэрдэн, эгэр, эрэвэкэш, эзэмэт, элвэттэ//элбэттэ, тэнтэк, бэлки, нэрсэ, кэм, кэлиш//кэвъш, кэттэ-кичи, мэлим//*ад.-орф.* маълум, кэл, дэррэв, мэнэ, энэ, эджэп, кэллэ, тэрэк//тэрэк, кэчэ, эркэ, гэрэнг, джэвлик, ҳаммэ, мэйэк, дэвлэт, пэтир, чэмэн, рэис, мэйдэ, чэп, чэп қолумда, эвэл<эввэл, эскэр, илгэ̆ри, илгэ̆ри иччи эдим (*қурама*), кэбэнэк vйшvн (уруғ номи), тэрбийэ, тэрэп, бэри, бэттэр//*ад.-орф.* баттар, *йл.* кэттэ//*Тошк.* кэттэ//*Марғ.* кэттэ//кэттэ (Марғилон шеваларида иккала форма ҳам мавжуд).

Ж-ловчи, масалан, қурама шеваларидаги олдинги қатор [э] унлисининг қўлланилишини ўзбек адабий тили учун қабул қилинган орфоэпик нормаларга қиёс қилсак, у ҳолда ж-ловчи шевалардаги [э] унлиси *ад.-орф.* **а** ўрнидагина эмас, балки **о** ўрнида ҳам қўлланилишини кўрамиз. Мисоллар: *ад.-орф.* салом//*жл.* салам, *ад.-орф.* кокил//*жл.* кэкил, *ад.-орф.* нозик//*жл.* нэзик, *ад.-орф.* бойвучча//*жл.* бэйбичэ, *ад.-орф.* овлоқ//*жл.* эвлақ, *ад.-орф.* бечора//*жл.* бэчэрэ, *ад.-орф.* аросат//*жл.* эрэсэт, *ад.-орф.* даркор//*жл.* дэркэр, *ад.-орф.* кабоб//*жл.* кэвэп//кавап, *ад.-орф.* каттакон//*жл.* кэттэкэн, *ад.-орф.* дарров//*жл.* дэррэв, *ад.-орф.* адолатли//*жл.* эдэлэтли.

Жамловчи сон аффиксларида ҳам ўзбек адабий тилидаги **о** ўрнига [э] унлиси қўлланилади: *жл.* икэв//*ад.-орф.* икков; *жл.* vчэв//*ад.-орф.* учов, *жл.* тѳртэв//*ад.-орф.* тўртов, *жл.* бэшэв//*ад.-орф.* бешов.

Кўпгина шеваларда сўз бошида ва биринчи бўғинларда [э] унлиси *ад.-орф.* **о** унлиси ўрнида қўлланилади: *ад.-орф.* обрўйли//*жл.* эбрийли, *ад.-орф.* дѳри//*жл.* дэри, *ад.-орф.* одат//*жл.* эдэт, *ад.-орф.* бола//*жл.* бэлэ//*Қўқон.* бэлэ//*Самарқанд.* бала, *йл.* бэлэ//*ад.-орф.* бало, бэлэгэ г$^{и}$риптэр//*ад.-орф.* балога гирифтор; *ад.-орф.* Тошкент//*жл.* Тэшкэн, *Қорабулоқ.* Тэшкэндин брэv кэгэн-экэ (лекин таш//тэш, тэшлэ//ташла), *ад.-орф.* соғт//*жл.* сэт//сэːт//саːт (сэтни қолума аːлдым),

Ж-ловчи шеваларда *ад.-орф.* *олмоқ* феълининг ўзагидаги [о] товуши [э] ёки [э] товуши билан талаффуз қилинади: [э] билан:

әпкәп<алыпкәлип//*ад.-орф.* олиб келиб, әббәрәди<алып бәрәди//*ад.-орф.* олиб беради, әпкәт<алып кәт//*ад.-орф.* олиб кет; [ɔ] билан: ɔпкәлип<алып келип, ɔбарады<алып барады//*ад.-орф.* олиб боради, ɔббергән<олиб бергән. Бу охирги ҳолат [ɔ] фонемасини ўзлаштирган (о-ловчи) ёки ўзбек адабий тилининг таъсири натижасида ўзлаштираётган ж-ловчи шеваларнинг бир қисмида учрайди.

[є//э//ә] алмашиниши ҳамма шеваларда сўзларнинг барча ўринларида учрайди: *жл.* нэрсә, йєнә<йәнә, кәмәмәс<кәм эмәс, кәнг~кәлинг, кәйин//кейин (бу сўзнинг қисқарган формасини қиёс қилинг: кәй<кәйин, воғаннанкәй//*ад.-орф.* бўлгандан кейин); *жл.* гирдәк//*ад.-орф.* кекирдак, *жл.* кәләди, мынг тєбәдә ъшлєйди.

[а//ә] алмашиниши натижасида ҳозирги-келаси замон феъл формаларида [ә] унлисининг вужудга келишини баъзи текширувчилар қозоқ тилининг таъсири ёки қозоқ субстрати натижасидир деб қараб, [ә] унлисини (ўзбек тилида статик нормал [ә] унлисидан фарқлаб) қозоқ тили учун типик товушдир деб ҳисоблайдилар. Олдинги қатор [ә] унлиси редукцияга учраб юқори кўтарилиш лабланмаган олдинги қатор товушга ўтиши мумкин: *жл.* әни<әнә, әни шонда, зәмбирәк<зәмбәрәк, чәйнък<чайнак//чәйнәк, мә:нисини айтты<мә:нәсини айтты//*ад.-орф.* маъносини айтди, *жл.* кәтикән>кәтәкән//*ад.-орф.* каттакон.

Наманган шевасида [ә] унлиси бошқа қуйи кўтарилиш [а, ɔ] унлилари каби иккинчи ва кейинги бўғинларда редукцияга учрайди. Мисоллар: *Наманг.* болъдъгɔн//*ад.-орф.* бўладиган, қɔмъгән едъ//*ад.-орф.* қолмаган эди; сәйлъдъ//*ад.-орф.* танлади (сайлади); душмънъ болгән//*ад.-орф.* душмани бўлган; мәслъҳәт//*ад.-орф.* маслаҳат; мәсъләсъдә//*ад.-орф.* масаласида, мәсълъдән бъттәсэ едъ//*ад.-орф.* масаладан биттаси эди; ъшләп чъқаръш нәтъджъсъдә болә:дъ//*ад.-орф.* ишлаб чиқариш натижасида бўлади; йернъ йумшътъду//*ад.-орф.* ерни юмшатади, откъзъду//*ад.-орф.* ўтказади; тɔзъләп берә:дъ//*ад.-орф.* тозалаб беради; чегърәсэ//*ад.-орф.* чегараси; чегърлъндъ//*ад.-орф.* чегараланади; нъччъ//нъчъ//*ад.-орф.* неча; неччъ ъл//*ад.-орф.* неча йил (рус тили орқали кирган тубандаги сўзларнинг талаффузини қиёс қилинг: *Наманг.* печлърнъ//*ад.-орф.* печларни, механъз(м)лъшъп//*ад.-орф.* механизмлашиб).

Редукцияланиш натижасида [ә] фонемаси фақат [ъ] гагина эмас [ә>ъ], балки [е] га ҳам ўтади [ә>е]: *Наманг.* йеланғач//*ад.-орф.* яланғоч [йәлэнғɔч], *Тошк.*, *Наманг.* йенгъ//*ад.-орф.* янги [йәнгъ]. Қиёс қилинг: *жл.* [е<и], нэсәҳәт<нэсиҳәт//*ад.-орф.* насиҳат.

Баъзи ж-ловчи ва й-ловчи шеваларда [ә] фонемаси лаб-лаб [в] товуши олдида келганда, спорадик равишда бирмунча лабланади:

экэвүнү<экэвүнү, дэвлэт<дэвлэт. Солиштиринг: худди шундай позицияда [э] фонемаси ҳам, [ә] фонемаси каби баъзи й-ловчи шеваларда лаблашади, масалан, *Наманг.* джувэб беммәсәнг//*ад.-орф.* жавоб бермасанг; беджувэп//*ад.-орф.* бежавоб; сәвулънгә джәвуп//*ад.-орф.* саволингга жавоб, *Тошк.* джувэп//*ад.-орф.* жавоб.

Ёндош ундош товушнинг тушиб қолиши натижасида чӯзиқ [ә] > [ә:] пайдо бӯлади: мәсләːәт (мәсләːәт қылып//*ад.-орф.* маслаҳат қилиб)//*ад.-орф.* маслаҳат; ә:вәл//*ад.-орф.* аввал; шә:әр//*ад.-орф.* шаҳар; тә:рип қылып//*ад.-орф.* таъриф қилиб, вә:дә//*ад.-орф.* ваъда, мә:ниси//*ад.-орф.* маъноси.

Сӯз формаларининг тортилиши натижасида ҳам [ә] унлиси чӯзилиши мумкин: Масалан: *ад.-орф.* жуда// *Тошк.* джә: (джә:йехшъ).

Баъзи бир сӯзларнинг охирида нутқ оҳангига кӯра [ә] унлиси чӯзилиши мумкин: *жл.* әстә: (әстә:г$^{и}$нә], ҳә: (ҳә: джақын қолды).

Шевалараро [ә] фонемасининг қӯлланиши ҳақида умумий хулоса:

1. [ә] фонемаси ж-ловчи ва сингармонизмли й-ловчи шеваларда Тошкент типидаги шеваларга нисбатан камроқ қӯлланилади, чунки бу шеваларда [ә] фонемасининг функциясини [а] фонемаси бажаради: *йл.* эта//*жл.* ата//эта. *йл.*қьлмә//*жл.* қылма.

2. Ж-ловчи шеваларда [а] га нисбатан [ә] фонемаси кам ишлатилади. Бу фонема қозоқ тилида қайси ӯринларда қӯлланса, ж-ловчи шеваларда ҳам деярли ӯша ӯринларда ишлатилади. [ә] унлиси ж-ловчи шеваларда тубандаги ӯринларда келади:

а) бошқа тиллардан кирган сӯзларда: *жл.* әр//*ад.-орф.* ҳар (<*форс.*), *жл.* әскәр//*ад.-орф.* аскар (<*ар.*), *жл.* әзир//*ад.-орф.* ҳозир (<*форс.*), әптэк<аптека, әтирэт<отряд, әрмийә<армия;

б) соф туркий сӯзларда (кӯпинча биринчи бӯғинда): әкә//*йл.* әкә//*Тошк.* экә; *жл.* әкэл//*йл.* эпкел>эпке//*ад.-орф.* олиб кел.

Бу тип шеваларда одатдаги [а//ә] алмашиниши ӯрнига ҳозирги-келаси замон феълларида [а//ә] алмашиб, факультатив-спорадик равишда [ә] фонемаси вужудга келади: кәләдє//келәдъ. Қозоқ тилидаги [а//э] алмашинишини қиёс қилинг.

**32-§. Орқа қатор [а] унли фонемаси.** [а] фонемаси лабланмаган, соф тил орқа, одатдаги туркий [а]. Деярли барча ӯзбек шеваларида бу унли статик нормал фонема ҳисобланади, бироқ Тошкент типидаги й-ловчи шеваларда [а]>[э] ёки [а]>[ә] ҳолати кенг тарқалганлигидан [а] фонемаси жуда кам учрайди.

Бу фонема сӯзларнинг барча ӯринларида асосан турғун. Аммо [а>ә ва э], шунингдек, спорадик равишда учрайдиган [ы<а, и<ә] бундан мустаснодир.

[а] фонемаси тилнинг олдга томон силжиши билан талаффуз қилинадиган рус тилидаги **а** унлисидан, баъзан лабланиб, баъзан

эса лабланмайдиган татар (Қозон татарлари) тилидаги а унлисидан тамомила фарқ қилади. Мисоллар: *жл. йл. Наманг.* вахт// *Тошк.* вэқт, *жл.* джаман//джамэн, аман//амэн, адам// эдам, таза джалғыз, джарық, джылан, джашыл, джардам, дала, бай//бэй, мал, аччы, қалын, қайтып?// *ад.-орф.* қандай қилиб?, *жл.* қарапджатыр, қарындаш, эват; қош айдап кэлди, сых мала, нарджағы, батыр, *йл. Наманг.* қарға, ғарб, қараб олтурупту, қачьрәдъ, ғаләбә, сақлап қэлъш, эвқат; *Қорабулоқ.* йахшы ат көдим, аламадым, йаман//*жл.* джаман, *Қорабулоқ.* чай ичкән, даладан ке:дж кәлдим, бу чапан менингки, асмандағы, сач, ақсақал//*Тошк.* эқсэқэл; *Марғ.* қақа бэрәсъз, мән шақа бэрәмән, у бэшқа қъшлаққа кетәдэ, қачан бэрэй?

[а] фонемасининг тарқалиши ҳамма ўринларда бир хил эмас. [а] фонемаси й-ловчи шаҳар шеваларига нисбатан ж-ловчи ва сингармонизмли й-ловчи шеваларда кўпроқ учрайди.

[ч, дж, й, ҳ] ундошлари таъсирида [а] фонемаси юмшалиши мумкин [а>ә], масалан:

а) [ч] билан ёндош келганда: *ад.-орф.* соч//*жл.* чәч: *ад.-орф.* чой// *жл. қур.* чәй//чай, чәй дәмнәп, чай ғайнатыб бэрәтыған киши вомады//*жл.* шай//шәй; *ад.-орф.* санчмоқ//*жл.* чәнчмәк; *жл.* чәчмәк//*ад.-орф.* сочмоқ;

б) [дж] билан ёндош келганда: *ад.-орф.* жой//*жл.қур.* джәй, джәйидән турыб, өләр джәйинг шу воса, шу джәйдинг тоғайыны; *ад.-орф.* яйлов // *жл.* джәйләв; *ад. -орф.* жойлади//*жл.* джәйләдэ; *ад.-орф.* ёш//*жл.* джәш, джәшлик; *ад.-орф.* ёмон//*жл.* джәман//джәмән; *ад.-орф.* яхши//*жл.* джәхшы; *ад.-орф.* яша //*жл.* джәша; *ад.-орф.* яқин//*жл.* джәқын; *ад.-орф.* яшнатган//*жл.* джәйнәткән; *ад.-орф.* яроғ//*жл.* джәрағ; *ад.-орф.* яшириб//*жл.* джәширип; *ад.-орф.* ягана//*жл. қур.* джәгәнә (б$^{и}$р қылыны джәгәнә қымай чэвабэрәди);

в) бўғиз [ҳ] товуши билан ёндош келганда: *ад.-орф.* баҳо//*жл.* бәҳә; *ад.-орф.* аҳвол//*жл.* әҳвәл; ҳәл-әҳвәл; *ад.-орф.* баҳор// *жл.* бәҳәр;

г) [й] ундоши билан ёндош келганда: *ад.-орф.* аёл//*жл.* әйәл; *ад.-орф.* айёр//*жл.* ҳәййәр; *ад.-орф.* тайёр//*жл.* тәййар; *ад.-орф.* сайлаб//*жл.* сәйләп; *ад.-орф.* буғдой//*жл.* боғдәй//бийдәй, *йл. Наманг.* йәрэқсъз, йәшә:йдъ, әйәлләр, тәййәрләп.

Аммо й-ловчи шеваларда қадимий туркий [а] унлиси ҳамма вақт ҳам [ә] унлисига ўта бермайди (йәхшъ ва йэмэн сўзларини қиёс қилинг).

[й] товушининг таъсирида [а>э] ўрнига [а>ә] вужудга келишини *ад.-орф. айт* сўзининг шевалараро талаффузида ҳам кўриш мумкин. *Ад.-орф. айт* сўзи й-ловчи шеваларда (қисман ж-ловчи шеваларда ҳам) әйт шаклида талаффуз этилади: *жл.* айт

(спорадик равишда әйт), джумбағ айттым, *йл.* әйтәдъ, *жл.* маған айтқан, айсса, айтып кэлдэ, *Наманг.* әйт, әтмәсәнг<әйтмәсәнг.

Қорабулоқ ва баъзи бир Тошкент шеваларида *айт* сўзи фонетик ўзгаришларга учраган. Бу сўз қисқариб *ет* формасига келиб қолган: айт>әйт>ет. Мисоллар: етәмән//*ад.-орф.* айтаман, етмэқ//*Қорабулоқ.* ул әйтти∽етти, хатуны етти, еткән йоқ, эригә еткән, алығы айтқан джайға йетти, анасыға етти.

Демак, Қорабулоқ шевасида учала форма ҳам айт//әйт//ет мавжуд. *Айт* сўзининг ет(<айт) каби қисқарган формаси Тошкент шевасида оммавий тус олган (ет—етънг, етъйле, етмэқ, етәмъз). Бу хусусият Тошкент ва Қорабулоқ шеваларини *айт* сўзида ай ўзагини сақлаган ж-ловчи ва баъзи бир Фарғона шеваларидан фарқлайди.

[й] таъсири натижасида [а] унлисининг ]ә] унлисига ўтиши татар тилидаги әйт<айт сўзида ҳам мавжуд. Яна мисоллар: бағла//*ад.-орф.* боғла(моқ) сўзининг ўзагида ҳам [й] товушининг таъсири натижасида [ғ>й] ҳолати, сўнг эса [а>ә] ҳодисаси вужудга келган: бағла>бәйлә, яъни бағла>байла>бәйлә//*ад.-орф.* боғла.

Ж-ловчи шеваларда, масалан, қурама шеваларида бу сўзнинг уч хил варианти ҳам қўлланилади. Албатта, маълум бир шевада бу уч хил вариантдан қайси бирининг кўпроқ қўлланилишини аниқлаш қийин. Масалан: *жл. қур.* бәйләди, бәйләнгнәр, бәйләп сўзлари билан бир қаторда байлады, тоған байлаймиз формалари, спорадик равишда эса бэйла варианти ҳам учрайди. *Ад.-орф.* мой//*йл.*мэй//*жл.* май//мэй, майджуваз, бироқ, мәйлә.

Икки бўғинли ясама феълларда [а>ә] (яъни иккала [а] унлисининг ҳам [ә] товушига ўтиши) учрайди. Мисоллар; *йл. Тошк.*, *Наманг.* тэш ∼ тәшлә, тәшләндъ; сэн ∼ сәнә. Қиёсқилинг: *Тошк.* эз<аз, лекин әзгънә//*ад.-орф.* озгина.

Андижон шевасида эл сўзида учрайдиган [э>ә] ҳолати тамомила бошқа сабабларга боғлиқ: әлънг. Бу мисол орқали ҳозирги кунда Наманган шевасида мавжуд бўлган умлаутнинг Андижон шевасида ҳам қолдиқ сифатида сақланганлигини кўриш мумкин.

[ә] унлиси чуқур тил орқа [қ, ғ, х] ундошлари билан ёндош келганда ҳам учрайди (лекин бу ҳодисани ҳозирча изоҳлаб бериш қийин). Мисоллар: *жл.* хәбәр, мәхсәт<мәқсәт, кәмбәғал, *йл. Наманг.* хәбәр беддъ//*ад.-орф.* хабар берди; ғәләбә//ғаләбә.

[ә] унлиси чуқур тил орқа ва тил ўрта [й] товушлари ўртасида ҳам кела олади (бу ҳодисани [й] товуши таъсирида изоҳлаш мумкин): *жл.* қәйда, қәйға, қәйт, қәйтип, қәйыпбэрды, қәйғы, қәйылман, ғәйратман, қәйсар//*ад.-орф.* қайсар; сарғәйдә, боғдәй.

[а] унлиси яна тубандаги хусусиятларга эга:

1. [а>ы]: *жл.* қыйал//*ад.-орф.* хаёл, чыйан//*ад.-орф* чаён;

2. [а] унлисининг лабланиши, яъни [а>о]: *жл.* т о в а қ//*ад.-орф.* товоқ, *Тошк.* сэвэл//*ад.-орф.* савол.

3. Ёнма-ён келган ундош товушнинг тушиб қолиши ҳисобига [а:] унлиси чўзилади: *йл.* қ ъ ш л а:л ъ ғ а д а м//*ад.-орф.* қишлоқлик одам.

**33-§. Тил орқа [э] фонемаси.** [э] фонемаси ўзининг артикуляцион хусусиятларига кўра тил орқа [а] ва жуда кенг [э] унлилари ўртасидаги оралиқ товушдир. Бу товуш мустақил фонема сифатида а-ловчи шевалардан ташқари, ўзбек шеваларининг барчасида учрайди. А-ловчи шеваларда [э] товуши фақат айрим сўзлардагина [а] фонемасининг варианти сифатида учрайди.

О-лашиш ҳодисасининг позицион сабабларини Тошкент шеваси материаллари жуда аниқ ёритиб беради, ж-ловчи ва й-ловчи шева материаллари эса, бу ҳодисанинг сабабларини аниқлашда ёрдам беради,

О-лашиш икки хил йўсинда юзага келади:

1. Лаб-лаб [в] товуши иштирок қилган сўзларда, масалан, *жл. қур.* к э л ə й а т ы р > к э л ə в а т и р > к э л ə в э т ы р > к э л ə э т ы р, *Фарғ.* с ə в з ъ > с о в з ъ, б р э в д ъ к ъ > б р о в д ъ к ъ. Кейинги сўзларда [а] унлиси кучли лабланиб, очиқ [о] каби талаффуз қилинади. Қиёс қилинг: *Тошк.* б э р с ə м ъ з > б э р с ə в у з > б э р с э у з ə ёки б э р ə м ъ з > б э р э в у з > б э р э у з > б э р э у з ə.

2. Чуқур тил орқа [қ, ғ, х] товушлари билан ёндош келганда, масалан, *Тошк.* т ə р ə > т ə р э қ, қ ъ ш л ə > қ ъ ш л э қ, с ə н ə > < с ə н э қ; *жл.* қ ы л ғ э н, д ж о ғ а л ғ э н, қ э т ы н, қ у л э қ.

Бу товушни артикуляцион жиҳатдан ўзлаштириш жуда секинлик билан бўлган. У ёки бу позицион ҳолатлардан қатъи назар, бу товуш аввал бир бўғинли сўзларда, кейинчалик икки бўғинли сўзларда юзага келган. Шуниси қизиқки, ж-ловчи шеваларда о-лашиш ҳодисаси фақат ўзбек адабий тили нормаларидангина фарқланмай (масалан, *жл.* с э р ы, э р ы қ//*ад.-орф.* с а р и қ, а р и қ), балки ёндош й-ловчи шевалардаги о-лашиш ҳодисасидан ҳам фарқ қилади (масалан, *қозоқ-найман.* д ж э м а н, д ж э қ ы н, б э л а//*Самарқ.* й а м э н, й а қ ы н, б а л а). Бу ҳол ўзбек шеваларида о-лашнинг ҳар хил йўллар билан вужудга келганлигини кўрсатади.

[э] товушининг сифат жиҳатдан характеристикаси шевалар бўйича бир хил эмас.

Қуйи кўтарилиш фонемалари учта [э, а, ə] бўлган шеваларда, [э] фонемаси ўзининг кенг ҳолатини жуда мустаҳкам сақлайди. [э] фонемасининг сифат жиҳатдан турғунлигини изоҳлаш қийин эмас; бу ҳолат икки орқа қатор [а] ва [э] фонемаларининг мавжудлигидан келиб чиқади. Бу шеваларда [э] ва [а] унлилари сифат жиҳатдан бир-бирига ўхшаб қолмаслиги учун [э] нинг талаффузида лаб ҳаракати Тошкент шеваси ва адабий тилдагидек факультатив бўлмайди, балки [э] фонемасининг асосий белгисига айланади.

[э] товуши фонема сифатида баъзи ж-ловчи шеваларда (масалан, қозоқ-найман шевасида, қурама шеваларининг о-ловчи групачасида) кўпинча биринчи бўғинда типик туркий [а] ўрнида қўлланилади.

[ɔ] га мисоллар: *жл. қозоқ-найман, о-ловчи қурама*: ɔт, бɔр, хɔмыр, нɔн ɔлып, ɔдам, қɔчып, *йл.* ɔтə бɔр. *Наманг.* шɔмɔл, йɔмɔн, *Тошк.* дɔдə (*Наманг.* дъда), ɔдəмлəгə, əзɔп, ɔв, *Наманг.* ɔлъбɔрдэ, ɔлгəн, хɔлɔс, сɔмɔнхɔнə тɔмɔннəн, ɔз-мɔз, бɔҳɔр, ɔрɔл, чɔрвɔчълък, ɔдɔш, деқɔнчълък, бɔтқɔғлък, қɔғɔз, дɔвɔл, йɔткəн, ɔйɔқ, йɔмғур, йɔғɔч.

Баъзи шеваларда [ɔ] унлиси спорадик равишда кучли лабланиши мумкин: *Наманг.* товъм йоқ<тɔбъм йоқ, ҳɵvзлə(р)дə//*ад.-орф* ҳовузларда, йотыптэ<йɔтъптэ, ҳозър<<ҳɔзър.

Типик туркий [а] унлисидан [ɔ] орқали вужудга келган лабланган [о] унлиси [а>ɔ>о] Қорабулоқ шевасида ҳозирги замон сифатдош аффикси **-дуғон** да ҳам учрайди. Бу шевадаги **-дуғон** аффикси ўзининг сингармонистик дублетига эга эмас ва жуда турғундир. Қиёс қилинг: *ад.-орф.* келадиган<келəтурған>>*Марғ.* кəлəдъғɔн//*Қорабулоқ.* кəлəдуғон; *ад.-орф.* оладиган<алатурған>*Марғ.* ɔлəдъғɔн//*Қорабулоқ.* аладуғон; *ад.-орф.* қиладиган<қылатурған>*Марғ.* қълəдъғɔн//*Қорабулоқ,* қыладуғон.

**34-§. [ɔ, а, ə] унлиларига обзор.** Юқорида қайд қилингандек, лабланмаган [ɔ] унлиси Тошкент шевасидаги икки [ə, ɔ], адабий тилдаги икки **о** ва **а** ўрнида, қуйи кўтарилиш фонемалари учта бўлган шеваларда **а, ə, ɔ** ўрнида учрайди.

[а, ə, ɔ] фонемалари ж-ловчи шеваларнинг о-ловчи группачасида ва сингармонистик й-ловчи шеваларда статик-нормал фонема ҳисобланади. Баъзи й-ловчи шеваларда эса [а, ə, ɔ] фонемаларидан фақат [ə] ва [ɔ] унлиларигина статик-нормал фонемадир, чунки бу шеваларда (масалан, ўзбек тилининг Марғилон ва Фарғона шеваларида) [а] фонемаси бир қанча ўзига хос хусусиятларга эга.

Бу хусусиятлардан энг характерлиси шуки, [а] унлиси чуқур тил орқа [қ] ва [ғ] товушлари билан ёндош келганда ҳам сақланади: *йл. Марғ.* ɔйақ//*Тошк.* ɔйɔқ//*Қўқон,* əйақ//*ад.-орф.* оёқ; *Марғ.* тɔйақ//*жл.* тəйақ//тайақ//тəйɔқ//*ад.-орф.* таёқ; *йл. Марғ.* тɔвақ//*Тошк.* тɔвɔқ//*ад.-орф.* товоқ; *йл. Марғ.* ортақ//*Тошк.* ортɔқ//*ад.-орф.* ўртоқ; *йл. Марғ.* қьшлақ//*Тошк.* қъшлɔқ//*жл.* орта авыл қышлағы//*ад.-орф.* қишлоқ; *йл. Марғ.* бəйрақ//*жл.* байдақ//*ад.-орф.* байроқ; *йл. Марғ.* бəтрақ//*ад.-орф.* батрак; *йл. Марғ.* қулақ//*Тошк.* қулɔқ//*жл.* қулақ//қулɔқ//*ад.-орф.* қулоқ; *йл.* джумбақ//джумбɔқ// *жл.* джумбақ//джумбɔқ>джуммақ//*ад.-орф.* жумбоқ; *йл.* йəнтақ//*жл.* джантақ//*ад.-орф.* янтоқ; *йл.* тупрақ<тупрɔқ//*жл.* тупрақ>турпақ//*ад.-орф.* тупроқ; *йл. Марғ.* ɔвқат//*Тошк.* ɔвқəт//*жл. қур.* ɔвқат, бvгvн ɔвқатты қылабэрингнер//*ад.-орф.* овқат, *йл.* йəпрақ//*ад.-орф.* япроқ.

Яна мисоллар: *йл.* қара//*Тошк., Қўқон, Анд., Марғ.* қɔрə//*Хўжанд.* қарɔ//*«о»лашган жл. (қозоқ-найман)* қɔра//*жл.* қа-

р а; *йл. Қорабулоқ, Иқон, Туркистон.* қ а н а т // *Самарқ., Жиззах.* қ а н э т //*Қарши.* қ а н а т // *Анд.* қ э н ә т // *Тошк., Қўқон, Марғ.* қ ә н э т.

[а] фонемаси ўзакларда чуқур тил орқа [қ] ва [ғ] ундошлари билан ёндош кела олгани каби баъзи бир аффиксларда ҳам келади. Масалан, инфинитив аффикси -мақ: *йл. Марғ.* б е р - м а қ, б э р - м а қ, ч а қ - м а қ, э л - м а қ, а р т т ъ р - м а қ.

Сифатлардаги чоғиштирма даража аффикси -р а қ: й у м ш а ғ р а қ, к ә т т ә - р а қ, п ә к ә н ә - р а қ,

Чуқур тил орқа [қ] ва [ғ] ундошлари билан фақатгина [а] унлиси эмас, балки қуйи кўтарилиш [э], [ә] унлилари ҳам ёнма-ён келиши мумкин. Хусусан, [а] унлисидан пайдо бўлган [э], яъни [а>э] маълум позицияларда [қ], [ғ] ундошлари билан ёндош ҳолда кела олади.

[э] фонемасининг эшитилиш ва маъно фарқлаш жиҳатдан [а] фонемасидан ажралиб туришига эътибор қилинг: қэрә//*ад.-орф.* қора ва қ а р а (*қарамоқ* феъли ўзаги), қ ы ш л а қ қ а қ а р а п к е т ә м ъ з, қ э л м а қ // *ад.-орф.* қолмоқ ва қ ә л м э қ // *ад.-орф.* қармоқ.

Яна мисоллар: й ә ғ а ч (й э ғ а ч дублети ҳам бор), ғ э з, т э ғ, қ ә й ғ ъ, қ ә й т а.

Шундай қилиб, [а] унлиси бошқа унли фонемалардан чуқур тил орқа [қ] ва [ғ] ундошлари билан ёндош ҳолда кела олиш хусусияти билан фарқ қилади. Шу сабабли бу унли деярли нормал маъно фарқлаш функциясига эга бўлмаганлиги учун (албатта, юқоридаги қ э р ә — қара типидаги мисолларни мустасно қилганда) жуда оз сўзлардагина мустақил фонема сифатида қўлланилади.

Баъзи бир ж-ловчи шеваларнинг а-ловчи группаларида мустақил фонема ҳисобланадиган [а] унлиси ўрнида [э] унлиси қўлланилади. Бу шеваларда [э] унлиси фақат [а] фонемасининг позицион варианти бўлиб, маъно фарқлаш хусусиятига эга эмас. Бу шеваларда учрайдиган [э] кейинги ҳодиса бўлиб, [а] унлисининг баъзи ундошлар билан ёндош келиши (масалан, лаб-лаб [в] туфайли вужудга келган: *жл.* э в ы л, с э в, т э в // *ад.-орф.* тоғ; э т э в, қ а й т а а й д э в, д ж у в э п, б ә л в э в ы н г // *ад.-орф.* белбоғинг.

[э] унлиси [ғ] ундоши билан ёндош келганда ҳам учрайди: б ә р ә т ы ғ э н.

Шунингдек, *ад.-орф. солинг* типидаги сўзларнинг қисқарган формаларида ҳам [э] унлиси келади; с а л ы н г < с э н г. Аммо, бу фактлар [э] товушини ж-ловчи ва сингармонизмли й-ловчи шевалар вокализмида мустақил фонема сифатида қараш учун асос бўла олмайди, чунки бу товуш сўз маъноларини фарқлаш учун хизмат қилмайди ва о-ловчи Марғилон тип шеваләрдаги [а] товуши каби кенг тарқалган эмас. а-ловчи шеваларда [а>э] процесси кўпайиб бораётгани учун, яқин келажакда чегарадош о-ловчи ва ўзбек адабий тилининг таъсири натижасида а-ловчи шевалар вокализмидан [э] унлиси мустаҳкам ўрин олади.

# ЎЗБЕК ХАЛҚ ШЕВАЛАРИНИНГ КОНСОНАНТИЗМИ

**35- §. Умумий характеристика.** Хилма-хил бўлган ўзбек шеваларининг консонантизм системасини фонологик жиҳатдан, яъни принципиал фарқ қиладиган ундош фонемаларни аниқлаш ва уларнинг талаффуз қилиниш хусусиятларини белгилаш учун аввало маълум группадаги шевалар ўзаро қандай хусусиятлари билан бир-бирига яқин ёки, аксинча, бир-биридан нималар билан фарқ қилишини аниқлаш лозим.

1. Бир-биридан принципиал фарқ қиладиган ундош фонемаларнинг миқдори ва уларнинг сифат жиҳатдан характеристикасига кўра, й-ловчи шевалар ўзбек адабий тилига бирмунча яқин туради. Аммо Тошкент типидаги й-ловчи шеваларда учрамайдиган, бироқ ж-ловчи ва сингармонизмли й-ловчи шеваларда мавжуд бўлган [ҳ] фонемаси бундан мустаснодир.

Жанубий Хоразм шеваларидаги [к, г] ундошлари ҳам бирмунча ўзига хос хусусиятларга эга. Шунингдек, тил орқа бурун [нг] товуши ҳам шевалараро бир хил эмас.

2. Барча ж-ловчи шевалардаги ундош фонемалар системаси деярли бир хил.

Чуқур тил орқа [х] товушининг сифат жиҳатдан характеристикаси ва бу товушнинг мавжуд бўлиш-бўлмаслиги билан ж-ловчи шевалар бир-биридан фарқ қилади. Консонантизм состави жиҳатдан ж-ловчи шевалар қипчоқ группасидаги туркий тилларга биринчи навбатда, қорақалпоқ, қозоқ, қирғиз тилларига яқин туради.

3. Ж-ловчи шевалардаги [дж] аффрикати ўрнига [ж] фонемасини қўллайдиган шевалар ж-ловчи шеваларнинг алоҳида группачасини ташкил қилади. Бу шева вакиллари генетик жиҳатдан қозоқлар билан алоқадор бўлган, шу сабабли ҳам бу шеванинг консонантизми қозоқ тили консонантизмига ўхшайди.

[й] фонемаси й-ловчи шеваларга нисбатан ж-ловчи шеваларда кам қўлланилади, чунки бу шеваларда қадимги туркий [й] товуши сўз бошида [дж] ёки [ж] товуши билан алмашади.

Баъзан комбинатор-позицион ҳолатларга боғлиқ равишда сўз бошида ҳам [й] товуши учраши мумкин. Баъзи ж-ловчи шеваларда сўз бошида [дж] фонемаси ҳам, [й] фонемаси ҳам қўлланилади ва кўпинча бир-бирлари билан алмашади. Хоразмдаги баъзи қипчоқ шевалари, масалан., Гурлан ва шунга ўхшаш шевалар, ўзбек тилининг қипчоқ диалектидаги кўпгина шеваларга хос бўлган бу фонетик хусусиятни йўқотган, яъни аниқроқ қилиб айтганда, й-ловчи шевалар таъсирида [й] товушининг [дж] товушига ўтиши ([дж<й] ҳолати) тамомила тугаган.

4. Ж-ловчи шевалар портловчи ундошлар ҳамда аффрикат товушлар артикуляциясида нутқ органларининг нисбатан кучсиз ҳаракат қилиши билан й-ловчи шевалардан, шунингдек, ўзбек адабий тилидан фарқ қилади. Бунга ўхшаш ҳолат қорақалпоқ тилида ҳам мавжуд. Бу ҳодиса барча ж-ловчи шеваларда учрайди ва биринчи навбатда, портловчи ҳамда аффрикат товушларни спо-

радик равишда сирғалувчи товушларга алмаштирадиган диссимиляция ҳодисаларининг содир бўлишига олиб келади.

5. Ж-ловчи («а» лашган группа) шевалар қипчоқ группасидаги баъзи туркий тиллардаги, масалан, қозоқ, қорақалпоқ тилларидаги каби чуқур тил орқа [х] фонемасининг учрамаслиги билан характерланади.

Й-ловчи шевалар ва адабий тилнинг бевосита таъсири натижасида баъзи ж-ловчи шевалар консонантизмида [х] фонемасининг пайдо бўлиши ва ўзлаштирилишини прогрессив ҳодиса деб қарамоқ керак. Аксинча, [х] фонемасининг учрамаслиги, яъни [х] ва [қ] товушларининг дифференциация қилинмаслиги эса тарихий нуқтаи назардан қипчоқ типидаги тиллар консонантизмининг архаик хусусиятини сақлаганлигидан далолат беради.

6. Сингармонизмли ва ж-ловчи шеваларда мавжуд бўлган фрикатив бўғиз [ҳ] товуши қозоқ тилидаги каби [дж] ўрнига [ж] ишлатувчи шеваларда ҳам учрамайди. Шу хусусияти билан бу шевалар ж-ловчи шевалардан фарқ қилади. Ж-ловчи шевалар эса [ҳ] фонемасининг мавжудлиги билан й-ловчи Фарғона шеваларига, шунингдек, сирғалувчи бўғиз товуши мустақил фонема ҳисобланадиган қорақалпоқ тилига яқиндир.

Шундай қилиб, бу [дж] ўрнига [ж] ишлатувчи шевалар, қозоқ тили каби, иккита жарангсиз фрикатив чуқур тил орқа [х] ва бўғиз [ҳ] товушларидан бирортасига ҳам эга эмас.

7. Ўзбек адабий тили барча шевалардан (ҳали шеваларга тўла кирмаган) айрим фонемаларга [ф, ж, ц] эгалиги билан фарқ қилади. Булардан [ф] фонемаси фақат Самарқанд-Бухоро группа шеваларидагина мавжуд. Рус тилидаги [ж] товушига тенг келадиган [ж] фонемаси ва [қ] фонемалари кўпинча совет-интернационал сўзларда учрайди. [ф] фонемаси қадим қабул қилинган сўзлар составида учраса-да, аммо барча шева вакиллари талаффузида (Самарқанд-Бухоро шеваларини мустасно қилганда) [п] фонемасига айланади, шунингдек, русча [ж] товуши ҳам, асосан [дж] тарзида талаффуз қилинади.

Ўзбек шеваларида тубандаги ундош фонемалар бор:[1]

1. Лаб ундошлари: **п, б, (ф), в, м.**
2. Тил олди ундошлари: **т, д, с, з, ч(ж), ш, дж, н, л//л', р.**
3. Тил ўрта: **й.**
4. Тил орқа: **қ (к/х'), г(г/г'), нг(нг//нг'), х, қ, ғ (ғ').**
5. Бўғиз: **ҳ, (').**

## ЎЗБЕК ШЕВАЛАРИДАГИ УНДОШ ФОНЕМАЛАР ВА УЛАРНИНГ КОМБИНАТОР-ПОЗИЦИОН ВАРИАНТЛАРИ ХАРАКТЕРИСТИКАСИ

### Лаб ундошлари: [п], [б], [ф], [в], [м].

**36-§. [п] фонемаси.** Лаб-лаб, портловчи, жарангсиз [п] ундош барча ўзбек шеваларида, сўзларнинг барча бўғинида учрайди.

[1] Спорадик равишда учрайдиган ҳамда факультатив равишда алмашган ва комбинатор вариант ҳисобланадиган товушлар қавсга олинган.

Мисоллар: *йл. Тошк.* пэхтэ, тепэ, пэнджэ; *Фарғ.* чоп, шапалағ, соғйаптъ; *жл.* постун, полат, сэтып, пыллап бэрэй, пэризот, кэмпуроккэмпир, эппақ, топ-топ.

Ж-ловчи шеваларда [п] товуши интервокал ҳолатда, баъзан эса сўз охирида жаранглилашади ва бу товуш [б] ва [п] товушлари ўртасидаги ярим жарангли портловчи товуш каби эшитилади. Баъзи шеваларда [п] ўрнига [б] қўлланилади. *жл.* тэпэ>тэбэ, тэбэсигэ чығып кэтти, төбэ //тэбэ// тэвэ, кэпэк>кэвэк //кебэк, гэп>гэбим// гэвим, гэвимди ойлағын; айтатығэн гэбимшул гэбэкэн, гэбирэйин, дшибэк //джипэк, джип>джиби, чэбъб (ўтган замон равишдош формаси *чопмоқ* феълидан), қап>қабы, бувдайдынг бир қабын бэрди, бир қабыға ушсомнан бэрэсэн, сэп>сэбы, көби>көб эдамнар, көбэйсэ, көбэйтиргэн, тап>табадъ.

Баъзан эса айрим сўзлар охирида спорадик равишда [п>б] ҳолати учрайди. Бунда [б] товуши бирмунча жарангсизлашади: көб>көб>коп //*ад.-орф.* кўп; гэб>гэб<гэп// *ад.-орф.* гап.

[п] товушининг жаранглилашиш хусусияти ж-ловчи шеваларга хос бўлиб, й-ловчи шаҳар шеваларида ва ўзбек адабий тилида учрамайди. Аксинча, й-ловчи шаҳар шеваларида ва ўзбек адабий тилида [б] товушининг сўз охирида жарангсизланишга мойил бўлиши, яъни [б>п] ҳолати мавжуд.

[п] товуши портлаш хусусиятини йўқотиб (гэвим сўзидаги каби) эшитилиш жиҳатдан жарангли ва лаб-лаб фрикатив [в] товушига яқинлашади. Мисоллар: *жл.* чап>чэвамыз, арық чэвамыз, чэвық, човасан, джэрди кэтмэнмэн чэвамыз, джэгэнэ қымай чэвабэрэди, [тап>тэвынг, чєчивини тэвынг, тэрэп>тэрэвини, тэпип>тэвип, чапып>чэвып, кэпэк>кевэк; *Наманг.* тевэсъгэ>тепэсъгэ, *Фарғ.* тувъ> тупъ; *Анд.* тевэлък<тепэлък.

[п>в] ҳолати фақат интервокал позициялардагина эмас, балки спорадик равишда ўзидан кейин келувчи ундошлар олдида ҳам бўлиши мумкин. *жл.* муну тэвчы.

Бу фонетик ҳодиса [п>б, п>в] ж-ловчи шеваларни й-ловчи шевалардан фарқлайди. Маълумки, й-ловчи шеваларда портловчи жарангсиз [п] товуши интервокал позицияларда ва, айниқса, сўз охирида жаранглилашмайди, аксинча, ж-ловчи шеваларда (көб, гэб сўзларидаги каби) [п>б] ҳодисаси эмас, балки сўз охирида [б] товуши жарангсизлашади, яъни, [б>п] ҳодисаси (кэвэп, сэбэп каби) юз беради.

[п] фонемаси барча ўзбек шеваларида кенг тарқалган. У й-ловчи шаҳар шеваларида тубандаги ўринларда келади:

а) сўз охиридаги [б] ўрнида: келъп<келъб, кътоп, эсвэп<эсбэб. Сўз охирида [б] жарангсизланиши ва [п] товушига ўтиши ўзбек адабий тили нормаларига ҳам хос хусусиятдир.

б) Самарқанд-Бухоро типидаги шевалардан бошқа барча ўзбек шеваларида [ф] товуши [п] товушига ўтади: пэзълэт, пэлэк,

пәләкат, пәрмэн, пәрқ, пәхръ; пәҳм // пә:м, пъкр, пэйдә, пэйдәлъ, пурсәт // *ад.-орф.* фазилат, фалак, фалокат, фармон, фарқ, фахрий, фаҳм, фикр, фойда, фойдали, фурсат.

Бу ҳодиса, яъни [п > ф] бошқа тиллардан қабул қилинган сўзларда ҳам учрайди: пәбръкә < фабрика, путбэл, < футбол, пэтэ < фото, пәсон < фасон, пәкт < факт, пэрма < ферма, пормә < форма, пормулә < формула, пъзъкә < физика.

Шундай ҳолатлар ҳам борки, [п] товушининг спирантизацияси (сирғалишга мойил бўлиши) статик-нормал фонема бўлган [п] ўрнига [ф] товушининг пайдо бўлишига олиб келади: тvфләбэлъп < тvплэбэлъп // *ад.-орф.* тўплаб олиб.

Баъзи шева вакиллари ўз шеваларига ёт бўлган [ф] товушини «ўзлаштириб», [п] товуши қўлланилишини зарур бўлган ўринларда ҳам [ф] товушини ишлатадилар: фрәсән < процент *Жиззах.* фэмешшък < помешчик, фредмет < предмет, ферэ < перо, кәфталъс < капиталист.

Ж-ловчи шеваларда спорадик равишда [п > м] ҳодисаси ҳам бор, масалан, қапқақ сўзининг қақмақ тарзида талаффуз этилиши бу сўзнинг метатеза ҳодисасига учраганлигини [пқ > қп > > қм], натижада [п > м] ҳолати вужудга келганлигини кўрсатади.

**37-§. [б] фонемаси.** *Лаб-лаб* [б] ундошини талаффуз қилганимизда товуш найчалари бирмунча титрайди. Бу хусусиятига кўра [б] товуши [п] товушидан фарқ қилади.

Ж-ловчи шеваларда асосан жарангсизлашган [б] ёки эшитилиш жиҳатдан [б] ва [п] товушлари оралиғида турган [б] товуши бор ва бу товуш сўзларнинг барча ўринларида кела олади: *жл.* бийдәй //бувдай, батыр, бэй, тойға бэрады, ишимиз қарғача бэрады, мынэв бармайман дийди, барған джоғәли, Уот бэсып джатыр, мала басамыз, бэла, бедәнә // бөденә, эббарып, бу джыл, қуббалы // *ад.-орф.* қуббали, гумбазли.

[б] товушининг талаффузида портлаш бирмунча кучли бўлиши билан ж-ловчи шевалар ўзбек адабий тилидан ва й-ловчи, шевалардан фарқ қилади. Шу сабабли й-ловчи шеваларда [б] товуши портловчи ва сирғалувчи товушлар ўртасида тебраниб, оралиқ ҳолатда бўлади. [б] фонемасининг бу хил хусусияти [в < б > п] қатор комбинатор вариантларни вужудга келтиради. Бошқача қилиб айтганда, [б] товуши фрикатив лаб-лаб [в] товуши билан алмашиб, маълум позицион ҳолатларда **б (п), в** қаторларининг пайдо бўлишига сабаб бўлади: *жл.* ҳесәб > ҳесәбләнг > ҳесәвләт, *йл. Тошк.* белвэ: < белбэғ, вэш, бър вэш узум, ләв, чәрвэ: < чәрвэғ; *Фарг.* бэзар вэрып; *Анд.* әлвәттә < әлбәттә. [б] товушининг ноаниқ талаффуз этилишини джол $\frac{б}{в}$ арс сўзида кўриш мумкин. Кўриниб турибдики, ж-ловчи ва й-ловчи шевалардаги портловчи товушлар талаффузининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олганда ҳам бу сўзда портловчи [б], сирғалувчи [в] то-

вуши ва лаб-лаб [в] товуши бир хил даражада иштирок этмоқда. Бошқача қилиб айтганда, бу сўзда [б] товуши ҳам, [в] товуши ҳам талаффуз қилинади, лекин бу сўз учун юқоридаги иккала фонемадан қайси бири статик жиҳатдан устун эканлигини гапириб ўтиришга эҳтиёж йўқ, чунки бундаги [в] товуши [б] товушининг артикуляцион кучсизланиши натижасида, тобе вариант сифатида (мустақил фонема эмас) вужудга келган товушдир.

Баъзи сўзлар бошидаги *ад.-орф.* [б] (й-ловчи шевалардаги [б] товуши каби) ж-ловчи шеваларда мунтазам равишда [п] товушига ўтади. Мисоллар: *ад.-орф.* битган //*жл.* питкән, қайнап питкән, питти, питирип // питкәриб, питтиринг: *ад.-орф.* бичдим// *жл.* пичтим // *йл.* пъчтъм; *ад.-орф.* бутун // *жл.* пvтvн; *ад.-орф.* бутунлай// *жл.* пvтvнләй > пvтvннәй; *Қорабулоқ.* йумушыны пvтvрvп қайтып кетти; *жл. қур.* бу пригәдәмиз бvгун сувэрса, эртән тигәди.

[б > п] ҳодисаси сандхи ҳолатда ҳам учрайди: *жл.* айтып парайатыпты, кэтип парады, элып парады (лекин эббэр сўзида иккала сўзга ҳам тааллуқли бўлган жарангли [б] товуши сақланади), гәп пинән < гәп минән (пинән ёрдамчи сўзининг спорадик равишда учрайдиган п$^{и}$нән < м$^{и}$нән < м$^{и}$нәм < б$^{и}$лән каби фонетик дублетлари ҳам бор).

Й-ловчи шеваларда ва ўзбек адабий тилида сўз бошида келадиган [б] товуши рус тилидаги шу хил товушга нисбатан унча жарангли эмас, сўз охирида эса жарангсизлашиб [п] товушига ўтади: келъп, бэрьп, кәсп // *ад.-орф.* келиб, бориб, касб.

[б] товушининг [п] товушига ўтишига ёки сандхи ҳолатда [б] товушининг сақланишига талаффуз темпи ва сўнгги жарангсиз ундошлар маълум даражада таъсир кўрсатади. Секин талаффузда (ъчъб... болып) — [б > п] га ўтади. Тез талаффузда эса (ъчъб болъп > ъчъббоп) [б] товуши сақланади.

Отуръб гәпъръшәдъ мисолида жарангли [б] ўзидан кейин келган [г] товуши туфайли [п] товушига ўтмаган.

Интервокал ҳолатда ҳам [б] нинг спирантизацияга учраши кўринади [б > в]: *ад.-орф.* сабр қилди //*жл.* сәвир қылды// *йл.* сәвър қълдъ; *ад.-орф.* юборди //*жл.* джvәрди// *йл.* йувэрдъ; *жл.* джvвәрип; *йл.* йувэръп, *жл.* джvвәрмәдингнәр; *ад.-орф.* обод қилган *жл.* эват қылған// *йл.* эвэт қъ(л)гән; *ад.-орф* кабоб //*жл.* кәвәп// *йл.* кэвэп; *ад.-орф.* хабар //*жл.* *йл.* хәвәр, *жл.* хәвәри джэтмәгән// *йл.* хәвәръ йетмәгән; *ад.-орф.* табиб //*жл.* тэвуп, *қур.* тэвуп бэргән; *ад.-орф.* лабини //*жл.* ләвини// *йл.* ләвънъ; *ад.-орф.* ғазаби// //*жл.* ғазавы; *ад.-орф.* бобони //*жл.* бовайды// *йл.* бувәнъ. Қиёс қилинг: *жл.* мәнә бу > мнэв, *йл.* *Наманг.* устувэшънъ чечъп, товъм йоқ, восә < босә, қъвлә.

Бинобарин, интервокал ҳолатда [б > в] хусусияти ўзбек тилининг ж-ловчи шеваларига ҳам, й-ловчи шеваларига ҳам хос бўлган хусусиятдир. Бу хусусиятни ўзбек адабий тилидаги баъзи сўзларда

ҳам учратиш мумкин, масалан, сирғалишга мойил товуш[illegible]ими-
бўлган бир қатор сўзлар адабий тил нормалари сифат[illegible]
қилинган: *ад.-орф.* товоқ < т о б о қ, *ад.-орф.* чивин < ч и б и н, *ад.-орф.* қовоқ < қ о б о қ *ад.-орф.* чивиқ > ч и б и қ.

[б > в] ҳодисаси [б] товушли унли ва ундош товушлар ўртасида келганда ҳам учраши мумкин: *жл.* ҳ э й в э т л и < ҳ е й б э т л и, э л в э т т э < э л б э т т э, ө з в э к < ө з б э й.

Ж-ловчи қурама шеваларидаги б е л в ɔ в ы н г < б е л б а ғ ы н г қўшма сўзларининг талаффузи юқоридаги ҳолатлардан мустаснодир, чунки бу сўзда бирданига икки ҳодиса [б > в] ва [ғ > в], яъни б а ғ > б ɔ в ҳолати мавжуд. Бу хусусият фақат қурама шеваларидагина эмас, балки қипчоқ группасидаги туркий тилларнинг кўпчилигида учрайди.

[б > в] ҳодисаси сандхи ҳолатда сўз бошида ёки сўз охирида ҳам учрайди. 1) [б] нинг спирантизацияси тубандаги ҳолларда содир бўлади:

а) биринчи сўз унли товуш билан тугаб, ундан кейин келадиган сўз [б] товуши билан бошланганда: *жл.* э к э м м и н э н б и р г э в о л у п, *жл. қур.* т ɔ в у п б э р г э н д а р ы ш у в о с а, қ а н ч а в о л а д ы? э г э в о л д ы.

Қиёс қилинг: *Тошк.* м э н э б е т т э (бошқа фонетик дублети — б о т т э) > м э н э в е т т э.

б) биринчи сўз ундош товуш билан тамом бўлганда, мисоллар: *жл. қур.* д о с(т) в о л а м ы з, т и ш в о м а с а, м а з а с ы д ж о қ в о п қ а п т ы, и ч ч и а й в а н н а р в о с а, б а д р а к в о п.

Ж-ловчи шеваларда б о л м а қ //*ад.-орф. бўлмоқ* феълидаги [б] ундоши ҳамма вақт [в] товушига ўтавермайди. Бу форма дублет сифатидагина учрайди: к э ч э б о л д у, ɔ в б о л м а й д ы, т а м о м б о л а д ы, д ж а м а н б о л а д ы.

2) а л м а қ// *ад.-орф. олмоқ* ёрдамчи феъли билан биргаликда келган ўтган замон равишдоши аффиксидаги [б]~[п] товушлари [в] товушига ўтиши мумкин. *жл.* т и л э в ɔ л ғ а н < т и л э б ɔ л ғ а н, к э с и в ɔ л д ы м < к е с и б ɔ л д ы м, *йл.* й ɔ з ъ б ɔ л д ъ м > й ɔ з в ɔ л д ъ м //*ад.-орф.* ёзиб олдим, ъ ч ъ п ɔ л д ъ м > ъ ч в ɔ л д ъ м //*ад.-орф.* ичиб олдим; й е б ɔ л д ъ > й е в ɔ л д ъ //*ад.-орф.* еб олди.

3) тўлиқсиз э феъли орқали ясалган ўтган замон ҳикоя феъли составидаги ўтган замон равишдоши аффиксидаги [б] > [в] товушига ўзгаради: *жл.* қ ы л у в э д и < қ ы л у в д ы < қ ы л ы б э д и //*ад.-орф.* қилиб эди; к ө р ү д и < к ө р ү в э д и //*ад.-орф.* кўриб эди; т у р у в д ы қ < т у р у в э д и к < т у р у б э д и к //*ад.-орф.* туриб эдик; б ɔ р у в д ы қ < б ɔ р у в э д и к < б а р ы б э д и к //*ад.-орф.* бориб эдик; *йл.* келувдъ<келъб эдъ//*ад.-орф.* келиб эди; й ɔ з у в д ъ < й ɔ з ъ б э д ъ //*ад.-орф.* ёзиб эди; г э п ъ р у в д ъ < г э п ъ р ъ б э д ъ //*ад.-орф.* гапириб эди; ъ ч у в д ъ < ъ ч ъ б э д ъ //*ад.-орф.* ичиб эди. Бундай ҳолатларда кўпинча [в] товуши тушиб қолади, ундан олдинги [у] унлиси эса, иккинчи даражали чўзиқликка эга бўлади: к е л у : д ъ, йɔзу: дъ, г э п ъ р у : д ъ, ъ ч у : д ъ.

4) агар ҳозирги замон равишдошидан сўнг ёрдамчи феъл келса, у ҳолда бэрмэк //*ад.-орф. бермоқ* феълидаги [б] ундош товуши [в] товушига ўтади: *жл.* кэтэвүрди < кэтэ бэрди, *йл.* белгълэнэверэдъ, бэрэвур, *Тошк.* қълэвур < қълэбер //*ад.-орф.* қила бер; кърэвур < кърэ бер //*ад.-орф.* кира бер, терэвур < терэбер //*ад.-орф.* тера бер, йэзэвур < < йэзэ бер //*ад.-орф.* ёза бер.

Бу формаларда [э] ўрнига очиқ [э] товуши пайдо бўлган ва [е] унлиси лабланиб [у] га айланган.

Тошкент типидаги шеваларда учрайдиган конкрет ҳозирги замон феъли ясовчи ***-вэт*** аффиксидаги [в] товушини ҳам сандхи ҳолатдаги [б > в] деб қарамоқ керак.

***-вэт*** аффиксининг ривожини тубандагича кўрсатиш мумкин: *йл.* барыб йат > бэръб йэт < бэрвэт.

Бундаги лаб-лаб [в] товуши [бй] комплекси ўрнидадир ёки *жл.* суварыб джатыр > сувэрвэтыр. Бундаги [в] товуши эса [бдж] комплекси ўрнида қўлланган.

Қўшма феълардаги [бй] комплекси ўрнида [в] товушининг қўлланишини кўпчилик шеваларда учратиш мумкин: *Қорабулоқ.* теквэрды < текҮб йубарды; *Тошк.* этвэрдъ < этъб йувэрдъ, туртъвэрдъ < туртвэрдъ < туртъб йубэрдъ.

[б] товушининг жарангсизланиши ва унинг [п] товушига ўтиши [п > в] ҳодисаси каби одатдаги фонетик ҳодисалардан биридир.

[б] фонемаси ўзидан кейинги бўғинда **н** товуши бўлса, регрессив ассимиляция натижасида бурунлашади. Масалан: *йл.* бунь > мунъ//*жл.* муну, муну тэвчи, бунда > мунда//мында; бундэй > мундэй//мындэй, бэғбэн > *жл.* бэғман; *ад.-орф.* касбинг > *жл.* кэсминг//кэспинг; *йл.* бурнъ > мурнъ// муннъ, бойун//бойън < мойун/мойън//*жл.* мойун, мойнудан; бурун > мурун//*йл.* бурън > мурън, *жл.* тебэн > темэн.

[б//м] алмашиниши бълэн//мънэн ёрдамчи сўзида ҳам учрайди: *Марғ.* йэхшъмънэн йурсэнг йетэрсэн мурэткэ, йэмэн мънэн йурсэнг қэлэрсэн уйэткэ.

Ўзбек адабий тилига асос бўлган барча шеваларда [б//м] товушларининг алмашиниши учрайди, лекин адабий форма сифатида сўз бошида [м] товуши эмас, балки [б] товушини қўллаш қабул қилинган.

Ж-ловчи шеваларда прогрессив ассимиляция ҳодисаси мавжуд: *жл.* джуммақ < джумбақ, кэммэғал < кэмбэғэл, пэйшэммидэн кэй > пэйшэмбидэн кейин.

[б] товушининг тушиб қолиши й-ловчи шеваларда ҳам, ж-ловчи шеваларда ҳам бор. Масалан: *йл.* элъбэрдъ < элъб бэрдъ (қиёс қилинг: эбэрдъ).

Жанубий Хоразм шеваларида, шунингдек, Қорабулоқ шевасида ҳам *бўл* феълидаги [б] товушининг тушиб қолиш ҳолати учрайди: ол < бол. Сўз бошида [б] товушининг бўлиш-бўлмаслиги ўғуз диалекти учун типик хусусиятдир: ол (олмақ//*ад. -орф.* болмоқ)

~бол (болмақ//ад. -орф. бўлмоқ). Мисоллар: *Қорабулоқ.* сəмиз қой қыммат олады//*ад. -орф.* семиз қўй қиммат бўлади; пулум оғанда алалдым//*ад. -орф.* пулим бўлганда олардим.

38-§. **[ф] ундош товуши.** Бу товуш ўзбек адабий тили ва Самарқанд-Бухоро типидаги шеваларда икки тиллилик (яъни ўзбек ва тожик тилларининг) мавжуд бўлганлиги сабабли тожик тилидаги каби [п] ва [ф] товушларининг дифференциацияси аниқ сақланган. Бироқ ўзбек тилининг бошқа шеваларида (қарлуқ-чигил-уйғур, қипчоқ ва ўғиз лаҳжаларидаги кўпчилик шеваларда) [п] ва [ф] товушлари фарқланмайди. Бу шеваларда [ф] товуши ўрнига [п] фонемаси қўлланилади, ёки баъзан й-ловчи шеваларда айрим шахсларнинг талаффузида факультатив спорадик ҳолатда [ф] товушининг қўлланилишини учратиш мумкин.

[ф] товуши қадим қабул қилинган сўзларда, шунингдек, яқинда қабул қилинган совет-интернационал сўзларда учрайди. [ф] фонемаси сирғалувчи артикуляцияга эга бўлган портловчи товуш каби, яъни [п] ва [ф] товушларининг ўртасидаги оралиқ товуш каби, икки лабнинг орасидан сирғалиб чиқиш йўли билан ҳосил бўлади. Бу товуш кўпинча ж-ловчи ва й-ловчи шевалар лексикасида ундов сўзлардагина (пуф—пуфла, туф—туфла) спорадик ҳолда учрайди.

Шеваларда [ф] товуши барча ўринларда [п] товуши билан алмашинади: *ад. -орф.* фойда//*жл.* пайда, *йл.* пэйдə; *ад. -орф.* фоиз (процент)//*йл.* пэйъс; *ад. -орф.* кайф//*жл.* кəйпи учуб; *ад. -орф.* наф//*жл.* нап (*Шимолий Хоразм.* неп); *ад. -орф.* фурсат//*жл.* пурсат>пирсəт //*йл.* пурсəт; *ад. -орф.* фаҳм//*жл:* пəйм// пəйим//*йл.* пəҳм//*Хоразм.* пə:м; *ад. -орф.* феъли//*жл.* пəли//*йл.* пəлъ; *ад. -орф.* фарқ//*жл.* парқ//*йл.* пəрқ; *ад. -орф.* фотиҳа //*жл.* пəтəҳə//*йл.* пэтъҳə// *Хоразм.* пəтйə; *ад.- орф.* фарзанд//*жл.* *йл.* пəрзəн; *ад. -орф.* мўйсафид//*жл.* мойсəпит; *ад. -орф* мусофир//*жл.* мысəпыр//*йл.* мусопър; *ад. -орф.* сифат//*жл.* сҮпəт//*йл.* супəт; *ад. -орф.* сафар//*жл, йл.* сəпəр; *ад. -орф.* кулфат//*жл. йл.* кҮлпəт; *ад. -орф.* саф//*жл. йл.* сəп; *ад. -орф.* инсоф//*жл.* ынсап.

Қиёс қилинг: *Наманг.* пəнъмъс учун, дəптəр, шу пъкърнə, йəнəгъ ҳəптəсъгə.

Адабий-орфографик [ф] ундоши ж-ловчи шеваларда фақат жарангсиз [п] билангина эмас, балки жарангли [б] билан ҳам алмашинади. Масалан: *ад. -орф.* афзал//*жл.* əбзəл; *ад. -орф.* шафтоли //*жл.* шабдалы. Бу мисолда фақат [ф>б] эмас, балки [т>д] ҳолатини ҳам кўрамиз.

Й-ловчи шева вакиллари [ф] товушининг талаффузини ўзлаштирар эканлар, баъзан уни ўринсиз равишда ишлатадилар; бу ўз навбатида, маънонинг ноаниқ бўлишига олиб келади. Масалан, туфлаб олъп<туплəп олъп сўзида худди шу ҳодиса содир бўлган, яъни [п] товушини [ф] билан алмаштириш туплəмоқ (*ад. -орф.* тўпламоқ) ва туфламоқ (//*ад. -орф.* туфламоқ) сўзларининг ўхшаш бўлиб қолишига олиб келган. Бу сўзларнинг

маъно жиҳатдан фарқини фақат контекстдагина аниқлаш мумкин. [п] товушининг спирантизацияси жуда оз миқдорда сўз бошида ҳам учрайди: п у ф л а>ф у ф л а>ф:л а. Бу ерда икки лаб товуши сирғалишга мойил бўлиб, [у] унлисининг эса тушиб қолиши натижасида у бир чўзиқ [ф:] ундошига келиб қолгандир.

**39-§. [в] фонемаси.** Бу фонема бошқа туркий тиллардаги каби сирғалувчи, лаб-лаб ундош товушдир.

Шевалараро [в] товушининг сифат жиҳатдан икки типини учратиш мумкин:

1. Типик туркий, лаб-лаб [в] товуши. Бу товуш ж-ловчи сингармонизмни сақлаган ва й-ловчи шеваларда учраб, бўғин ҳосил қилмайдиган [у] каби талаффуз қилинади. Инглиз тилидаги [w] товуши талаффузини қиёс қилинг.

2. Й-ловчи шеваларда фақат сўз бошида лаб-лаб [в] ва лаб-тиш [в] товушлари ўртасидаги оралиқ товуш учрайди. Бу тенденция, яъни типик туркий лаб-лаб [в] товушининг индифферент товуш билан алмашиниши шаҳар шеваларигагина хос. Бу товуш хилма-хил кўринишларга эга бўлиб, уни талаффуз қилганда, қандайдир ноаниқ, лаб-лаб фрикатив [в] ва лаб-тиш [в] товушлари оралиғидаги бир товуш эшитилади.

[в] ундоши сўзларнинг барча бўғинларида ва ҳар хил позицияларда келади. Мисоллар: *жл.* т э в ә р ә к, ә в л а д, в ә й-б о й//*ад. -орф.* вой-вой; ғ а л в у р, в а қ ы й а//*ад. -орф* воқеа; қ ә в ы н//*ад. -орф.* қовун, *жл. қур.* қ а в ы н э г ә м и з, қ ә в ы н б ә р э д и; б и р ә в, а н а в, в а қ т (// *Тошк.* в ә қ т); ш о в а қ т, д ж у в ә ң в а й ы м//*ад. -орф.* ваҳм; д ж а в//*ад. -орф.* ёв; д ж а в л и к//*ад. -орф.* жамлик; қ у в у р м а ч//*ад. -орф.* қўғурмоч; т а в а қ; ә в//а в//*ад. -орф.* ов.

Адабий-орфографик [в] шевалараро [б] ёки [п] фонемаси билан алмашинади: *ад. -орф.* сувамоқ>*жл.* с ы б а м а қ~ш ы б а м а қ; *ад. -орф.* тарвуз>т а р б у з//т а р б ы з; *ад. -орф.* шавкат>*жл.* ш а п қ а т; *ад. -орф.* увал>*жл.* о б а л; *ад. -орф.* товоқ>*жл.* т а б а қ.

Ж-ловчи шеваларда [в>м] ҳодисаси ҳам учрайди, қиёс қилинг: *ад. -орф.* вино>*жл.* м ы н а, м ы н а с ы д ж а м а н-ә к ә н.

Наманган типидаги баъзи й-ловчи ва ж-ловчи шеваларда [в>й] ҳодисаси учрайди. Масалан: с у й у н ъ//*ад. -орф.* сувини, й у й ъ л ә д ә<й у в ъ л ә д ә//*ад. -орф.* ювилади; й у й ъ н ә д ә<й у в ъ н ә д ә//*ад. -орф* ювинади, *жл.* с Ү й м ә к//*ад. -орф.* севмоқ; *жл.* с Ү й и к л и∽с Ү й г и л и//*ад.-орф.* севикли.

[в] товушининг тушиб қолиши ўзидан аввалги унлининг чўзиқ айтилишига сабаб бўлади, масалан: *йл.*, *жл.* с у:<с у в *жл.* с у:д а й б о п, с у:у қ<с у в у қ, с у:у р д ы<с у в у д ы, с у:у р д ы м<с у в у р д ы м, ч у:<ч у в, б е л Ү:>б е л Ү в, т Ү з Ү:<т Ү з Ү в.

**40-§. [м] фонемаси.** Бу товуш лаб-лаб портловчи ундош бўлиб, бурун резонанси билан талаффуз этилади. Сўзларнинг барча бўғинларида келади: *жл.* ва *синг. йл.* қ а м ы ш, қ ы м м а т, т а м ы р, м ә й д ә н, м ы н ә в, б и з г ә б а р м а д ы, к и й и к т ә й м ә р ә б, м а р а к а, д ж ә т и м н ә р//*ад.-орф.* етимлар; м ы л т ы қ,

э р т ә-м э р т е н т а м а м б о л а д ы, м о л, м э н, м а ғ а н//*ад. -орф.* менга; *йл.* м о л, м у ш у: //мушув//мъшъқ//*ад. -орф.* мушук; *Анд.* м ә к т ә п т а м а н г а, м е м м ә м б ъ р г ә//*ад.-орф.* мен билан бирга.

Баъзи сўзларда [м] фонемаси [б] билан алмашинади: *жл.* бэйнә //*ад. -орф.* майна; б о л д ж а л//*ад. -орф.* мўлжал; ш о с а б а н д а н б э р и б д ж и б э р и ш к э р ә к//*ад. -орф.* сомон; *жл. қур.* т Ү ш и м- б ә г ә н у ҳ у қ қ а т Ү ш Ү н и б а л д ы м//*ад. -орф.* тушунмаган.

Сўз бошида [б//м] алмашиниш ҳодисаси: б$^{и}$ л ә н//м$^{и}$ н ә н> м н ә н>м ә н//м а н; *жл. қур.* к Ү м м ә н, а т а н г м а н//*ад. -орф.* ким билан, отанг билан.

Шунингдек, ж- ловчи шеваларда спорадик равишда *ад. -орф озмоз* сўзи а з - п а з каби талаффуз қилинади.

Сўроқ юкламасидаги [м] товушининг [н] га ўтиши [м>н] Қорабулоқ шеваси учун хосдир: б а р-н а//*ад. -орф.* борми? а л д ы м- н а//*ад. -орф.* олдимми? к е л д и-н ә//*ад. -орф.* келдими?

Шевалараро [м] товуши прогрессив ассимиляцияга ҳам учрайди, масалан: *ад. -орф.* топмай//*жл.* т а п п а й, *ад. -орф.* чопмайди//*жл.* ч а п п а й д ы, *ад. -орф.* топмаслар//*жл.* т а п п а с л а р.

Ж- ловчи шеваларда [м>нг] ҳолати мавжуд: *ад. -орф.* нимани// *жл.* н и н г ә н и.

## ТИЛ ОЛДИ [Т], [Д], [С], [Ч], [Ж], [Ш], [ДЖ], [Н], [Л], [Р] УНДОШ ФОНЕМАЛАРИ

Тил олди ундошлари овознинг ва шовқиннинг иштирокига кўра иккига — шовқинлилар (**т, с, д, з, ч, дж, ш, ж**) ва сонорлар (**н, р, л**) га бўлинади.

### Тил олди шовқинли ундошлар

**41-§.** Бу ундошлар жарангли-жарангсиз бўлишига кўра тубандаги жуфт фонемаларга бўлинади: [т—д], [с—з], [ш—ж], [ч—дж] [с], [з] ва [ч], [дж] ундошларининг талаффузида (Тошкент — Фарғона типидаги шаҳар шеваларида) тилнинг ён томони кўпроқ иштирок қилади. Сўз бошида ёки сўз ўртасида келган [з] ундоши эшитилиши жиҳатдан ярим жарангли спирант, яъни [с] ва [з] товушлари ўртасидаги оралиқ бир товушдир. Лекин бунда [з] ундоши тамоман жарангсизлашмайди. Сўз охиридаги [з] товуши эса жарангсизлашади ва ўз жарангсиз жуфти [с] товушига яқинлашади. [т], [д], [н] товушлари эса артикуляцион ва акустик жиҳатдан рус тилидаги ўзига мос юмшоқ унлиларга эмас, балки қаттиқ ундошларга яқин туради. [д] товуши шовқинли жарангсиз ундошлардан кейин келганда, жаранглилик хусусиятини камайтиради, сўз охирида эса, жарангсизлашиб, эшитилиши жиҳатидан [т] товушига яқинлашади. Тошкент ва Самарқанд-Бухоро типидаги шевалардан фарқли равишда ж- ловчи ва й- ловчи Фарғона шевалари (Наманган шеваси мустасно) қаратқич ва тушум келишикларининг аффиксларида [н//д//т] товушлари алмашинган ҳолда

қўлланилади. Мисоллар: *Марғ.* хэтънънъ, қьздъ//*Тошк., Наманг.* қьззъ, *Марғ.* гэптъ//*Тошк., Наманг.* гэппъ.

[н//д//т] товушларининг алмашиниши статик нормал ҳолат ҳисобланган шеваларда спорадик равишда (Тошкент шевасидаги каби) ўзак охиридаги ундош товуш билан аффикслардаги [н] товуши тўлиқ прогрессив ассимиляция ҳодисасига учрайди.

**42-§. [т] фонемаси.** Бу товуш тил олди, портловчи, жарангсиз ундош товуш бўлиб, сўзларнинг барча бўғинларида кела олади. Мисоллар: *жл.* тэнтэк, пахта тэриш иши туп қарғача бариды, тҮйэлэр, туватыған, тилим, мэн тут тэриб джэймэн, дэйрэ ташып, бэл тэтыйды, тоған, тавық, тер(т), тертты, чортта гэпир, қатты (қиёс қилинг: джолу қэтты — бунда маъно [э] фонемаси орқали фарқланади), этлантырсанг, эрттырмақ, питириб, шаты, мылтық, этып, ғоз этты (қиёс қилинг: арығ этты//*ад. -орф.* ориқ отни, *йл. Марғ.* қаттъқ, тағън, тэндър//*жл.* тэндыр), бъттэ, пэйт, эттэн бэлэн(т) ъттэн пэс (топишмоқ: эгэр).

Кўпгина ўзбек шеваларида [т] фонемаси жаранглилашади ва [д] товушига ўтади. Баъзи шеваларда бу фонетик ҳодиса спорадик равишда юз берса, баъзиларида мунтазам равишда содир бўлади. Масалан, ж-ловчи шеваларда сўз бошида [т] товуши спорадик равишда жаранглилашади: *жл.* давуш//давыш, давшы, мылтықтынг давшы чықты//*ад. -орф.* товуш; дэйирмэн//дийирмэн//дыйырман//*ад. -орф.* тегирмон; дийирмэн таш//*ад. -орф.* тегирмон тош; тор доғушуп//*ад. -орф.* тўр тўқишиб; дудун//*ад. -орф.* тутун; донгуз//*ад. -орф.* тўнғиз; этасы қонгуз эталмаган, бэласы донгуз этар.

Жанубий Хоразм шеваларида сўз бошидаги [т] товушининг жаранглилашиши нормал ҳодисадир: даг//*ад. -орф.* тоғ; дил//*ад. -орф.* тил; дэмир//*ад. -орф.* темир; дэпки//*ад. -орф.* тепки; дэллэдим//*ад. -орф.* терладим; дэрэк//*ад. -орф.* терак.

[т>д] ҳодисаси сўз ўртасида ҳам учраши мумкин, масалан: *жл.* бадрақ/бэдрэқ//*ад. -орф.* батрак; *Қорабулоқ.* қырылып кедэр-экэ//*ад. -орф.* қирилиб кетар экан.

Бир сўз икки хил формада (яъни жарангли [д] ёки жарангсиз [т] товушлари билан) айтилиши ж-ловчи шеваларда кам учрайди, бу нарса анлаут ҳолатдаги [т] ундошининг жаранглилашиши мазкур шевалар учун характерли хусусият эмаслигини, балки фақат баъзи бир фонетик дублетларда спорадик равишдагина учрашини кўрсатади.

Ўзбек тилининг кўпчилик шеваларида [т>ч] ҳодисаси ҳам юқоридагидек, спорадик характерга эга: тҮш>чҮш, тиш//тъш>чиш//чьш. Мисоллар: *жл.* чҮшмэсин//*ад. -орф.* тушмасин; чҮшсэ, чҮшҮн; *йл.* туштьм>чуштьм; *жл.* чиши (лекин тиш вомаса//*ад.-орф.* тиш бўлмаса), *йл. Наманг.* чҮш көддъм<чҮш көрдъм//*ад. -орф.* туш кўрдим; чҮшҮндэ//*ад. -орф.* тушида; чушупть//*ад. -орф.* тушибди; қолугэ чҮшҮп//*ад. -орф.* қўлига тушиб; чҮссэ<чҮшсэ//*ад. -орф.* тушса; *Марғ* дарйэ бойъге

бэрън чушть; *Марғ.*, *Қорабулоқ*. бул йэ:лға чшипти (~чушипти).

Юқорида келтирилган сўзларда учрайдиган (ч<т) ҳодисаси ўзбек шеваларининг ҳаммасида, шунингдек, ўзбек адабий тили учун асос бўлган шевалар (Тошкент-Фарғона типидаги шаҳар шевалари)да ҳам учрайди. Бу фонетик ҳодиса Тошкент ва баъзи Фарғона шеваларини туркий тилларнинг жанубий-ғарбий группасига кирувчи уйғур — қашқар тилига яқинлаштиради.

Лекин туш ва тъш сўзларининг талаффузи ҳатто етакчи йўловчи шеваларда ҳам бир хилда эмас. Бу сўзлар Тошкент ва Фарғона ҳамда уларга ёндош шеваларда икки хил талаффуз этилади. Фарғона шеваларида, масалан, Марғилон шевасида, чъш<тъш сўзлари аниқ [ъ] товуши билан талаффуз қилинса, Тошкент шевасида бу унли талаффуз қилинмайди, яъни эшитилиш жиҳатдан Тошкентда тъш сўзи чш га тенг келади; бу ҳодиса Тошкент шевасининг типик хусусиятларидандир.

Тошкент шевасининг бу характерли хусусияти тарихий жиҳатдан мазкур фонетик ҳодисанинг пайдо бўлишини аниқлашга ёрдам беради.

Чуш ва чъш сўзларида [т] нинг [ч] товушига ўтиши фақат [ъ] ва [у] унлилари бутунлай тушиб қолгандагина содир бўлади: тъш>тш//чъш>чш, чуш>чш.

Тш<тъш комплексларида қаторасига келган жарангсиз [т] ва [ш] тил олди товушлари бўлиб, фақат пайдо бўлиш усулларига кўра бир-биридан фарқ қилади. [ш] товушининг палаталлашган товуш эканлигини ва бирмунча чўзиқ айтилишини ҳисобга олганимизда, [тш] товушлари бирикмаси $т^{и}ш$ каби талаффуз қилиниб, бундаги $[т^{ш}]$ натижада [ч] ундошини берган: тишләр> тшләр>$т^{ш}$шләр>чшләр; тушкән>$т^{ш}$кән>чшкән.

Тошкент шевасида ҳам баъзи сўзларда [ч] товушининг пайдо бўлиши ва унинг мустаҳкам ўрин олиш процесси юқорида кўрганимиздекдир.

[т] товуши тубандаги ҳолатларда регрессив ва прогрессив ассимиляцияга учрайди:

а) [т>с]: *жл.* әйт+сәм>әйссәм; әйт+сәнг>әйссәнг, әйт+сә>әйссә; ат+санг>ассанг; эшит+сә>эшиссә; сат+сам>сассам; эшит+синнәр>эшиссиннәр; кэт+синнәр>кессиннәр; джәт+син>джәссин.

б) [т>л]: *жл.* ат+лар>аллар, джигит+ләрдән> джигилләрдән.

Шевалараро [т>н] каби диссимиляция ҳодисаси ҳам учрайди: *жл.* ыттыпақ>ынтыпақ//*йл.* ънтъпэқ//*ад. -орф.* иттифоқ.

Шевалардаги баъзи сўзлар талаффузида [т] товуши тамомила тушиб қолади, масалан: *йл.* пәс(т)>пәс, дос(т)>дос, дәрәх(т)>дәрәх, пош(т)>пош; *жл.* рас(т)>рас дийди, бадбах(т)>батбах, дәш(т)>дәш, гәш(т)>гәш, джҮп(т)> джуп, тер(т)>тер, тер джэргә.

Сўз ўртасида қаторасига келган икки [т] товушидан биттаси тушиб қолиши мумкин. *жл.* бәтәр<бәттәр, отуз<оттуз, кәтикән<кәттәкән. Қиёс қилинг: *йл.* ғъш<ғъшт, торйус<тортйус.

**43-§. [д] фонемаси.** Бу товуш портловчи [т] фонемасининг жарангли жуфтидир.

[д] товуши барча ўринларда: сўз бошида, сўз ўртасида, қисман эса, сўз охирида келади. Кўпинча сўз охиридаги [д] товуши жарангсизлашиб, [т] каби талаффуз қилинади. Бу фонеманинг тарқалиши қуйидагича:

а) сўз бошида: *жл.* дәри, тавуп бәргән дәри; дәрд> дәрт, дармэн, душмән//душмэн, дәврән//*ад. -орф.* даврон; дәвләт, добулға, дымағынә чақлаб; *йл.* Тошк, дәрәх//*ад. -орф.* дарахт, дэвэл, дәлә, дәстә, дәм. докэн, дос//*ад. -орф.* дўст.

б) сўз ўртасида: *йл. Тошк.* бэдрънг, әдә, қъдър, сәдә; *жл.* ердәк, джолдаш, киндик//*ад. -орф.* киндак; тандыр, джылдам, адашып кэтти.

*Ад. -орф. ўлдирмоқ* сўзи ж-ловчи шеваларда портловчи жарангсиз [т] товуши билан ҳам талаффуз қилинади: елтирәмән, елтирип джибәргән, елтирмәкчин болған. Баъзи бир охири **л** товуши билан тугаган феъллардан орттирма даража ясалганда, ***-тир*** эмас, ***-дир*** аффикси сақланади, масалан, қалдырмайман.

Демак, ж-ловчи шеваларда бир хил ҳолатнинг ўзида ҳам жарангли [д] товуши, ҳам жарангсиз [т] товуши сақланиши мумкин.

Қиёс қилинг:

| ***-тир:*** | ***-дир//-дыр:*** |
|---|---|
| өлтир | қалдир |
| кэлтир | қылдыр |

Сўз охирида *ад. -орф.* **д** товуши шеваларда жарангсизлашади. Мисоллар: дэд>дэт (лекин дәдыны), мәрд>мәрт (лекин мәрдинг). Қиёс қилинг: мэндэй мәрттингди, авлод> авлэт.

Жарангсиз ундош билан тугаган ўзакларга [д] товуши билан бошланган аффикс қўшилганда, аффиксдаги жарангли [д] жарангсиз [т] товушига ўтади: *жл.* кэтти<кэт+ди, этта<ат+да, *йл.* эштән кейън<эш+дән кейън.

Сўз охирида этимологик [д] товуши талаффузда кўпинча тушиб қолади. Бундай ҳолларда аввал [д] товуши жарангсизлашади, кейинчалик эса, тушиб қолади [д>т>(т)]. Мисоллар: бәләнд> бәләнт>бәлән, *жл.* хурсанд>хурсант>хурсан, хурсан қылды.

*Ад. -орф.* тараддуд//*жл.* тәрәди. Бу сўзда бир жарангли [д] ундоши сўз ўртасида, бошқаси эса сўз охирида тушиб қолган.

Ж-ловчи шеваларда [д] фонемасининг тушиб қолишини ҳозирги-келаси замон феълларининг III шахсида ҳам кўриш мумкин: *йл.* к е л ә м ә//*ад.-орф.* келадими? *йл.* қ ъ л ә д ъ м ъ//*жл.* қ ы л а м а//*ад.-орф.* қиладими?

*Ад.-орф. алдамоқ* сўзи ж-ловчи шеваларда мунтазам равишда (прогрессив ассимиляция натижасида) [лд>лл] бўлади: ә л л ә п т и∽ а л л а п т ы, ә л л ә м ә г и н∽ә л л ә м ч и л и к.

Яна спорадик равишда учрайдиган тубандаги сўзларни қиёс қилинг: *жл.* к э г ә н н ә<к э л г ә н д ә, и н н ә м ә й д и<и н д ә м ә й д и.

Тубандаги сўзлар регрессив ассимиляция ҳодисасига учраган: *йл.* ҳ ъ л л ә п<ҳ ъ д л ә п; *жл.* п а ш ш а л ы қ<п а д ш а л ы қ.

[д] товуши редукцияга учрайди ва [й] товушига ўтади: *жл.* с у й р а б<с у д р а б, с ы й р ы л д ы<с ы д ы р ы л д ы.

*Ад.-орф.* [д] товуши аффрикат [дж] товуши билан алмашади: *жл.* д ж а в д ы р а т т ы<д а в д ы р а т т ы.

**44-§. [с] фонемаси.** Бу товуш тил олди, сирғалувчи, жарангсиз ундошдир. Сўзларнинг ҳамма бўғинида кела олади: сўз бошида [с] каби, сўз охирида жарангсизлашган [з] каби талаффуз қилинади. Мисоллар: *жл.* с ә р к ә т и п т и й ә м, *йл.* э с т ъ д ә, в ә с с ә (*Тошк.* т э қ ъ), *жл.* қ а л қ о з с а т м а й д ы, с а т т ы, к ө р с ә т к и н, сҮтли, с ы н с ы н, с и з э в ғ а к Ү м м ә н к э т є с и з? с у л у//*ад.-орф.* чиройли; с Ү й ә м ә н, с и р и н г д и, с а в ы р д ы н г//с э в у р д ы н г// *ад.-орф.* совурдинг.

Спорадик равишда сўз охирида [с] товушининг жаранглиланиши учрайди: *жл.* м ы р а з//*ад.-орф.* мерос.

Баъзи сўзлар бошида [ч//с] товушлари алмашади: *ад.-орф.* соч.// *жл.* ч ә ч//*йл.* с э ч∽ч э ч; *жл.* ч ә ч и н г; *ад.-орф.* сочмоқ//*жл.* ч ә ч м ә к, ч ә ч к ә н//*йл.* ч э ч к ә н; *ад.-орф* санчмоқ//*жл.* ч ә н ч м ә к, ч ә н ч к ә н; *йл.* с ъ ч қ э н∽ч ъ ч қ э н//*ад.-орф.* сичқон//*жл.* с ы ч қ а н∽ч ы ч қ а н.

Бошқа фонетик ҳодисалар:

1. *Ад.-орф.* супурги//*жл.* ш ы п ы р ғ ы. Бу сўзда анлаут ҳолатдаги [с] товуши [ш] товуши билан алмашган, [у] унлиси эса лабланиш хусусиятини йўқотган. Қиёс қилинг: *Марғ.* шъпътқъ//*Наманг.* ш у п у р г ъ//*Хоразм.* с ъ п с ә.

2. Сўз бошидаги [с]товуши [дж] товуши билан алмашади: *ад.-орф.* совчи//*жл.* джавчы.

3. *Ад.-орф.* сирпанчиқ//*Тошк.* т ъ р п а н ч ъ қ~т ъ й ғ ә н ч у қ, яъни сўз бошида [с//т] товушлари алмашган.

4. *Ад.-орф.* қистамоқ//*жл.* қ ы ч а м а қ, қ ы ч э в//*ад.-орф.* қистов. Бунда [ст] товушлари [ч] товуши билан алмашган.

**45-§. [з] фонемаси.** Бу товуш сирғалувчи [с] ундош фонемасининг жарангли жуфти. Сўзларнинг ҳамма бўғинида келади. Ж-ловчи шевалардаги [з] фонемаси й-ловчи шевалардаги каби жуда жарангдор эмас. [з] ундоши сўз охирида кучли равишда жарангсизлашади ва [с] товуши каби эшитилади. Мисоллар: *жл.* з ъ й а п а т қ ы л-

ды, зор, зорлук, зъйэн, зәрли, зәрдэп, азғана, узақ, қанатыны джазды, қызылчаэгәмиз, эғыйәмқызылча, қызылыйәм қызылча. джҮзгән, көзәдәй, нәйзәмән, *йл. Тошк.* бэрэвъс, келэвъс, ъзледъ, *жл.* из, джҮзҮнг, кҮндөз//кундҮс, сөз~сөс, сөзҮмдҮ, *йл. Марғ.* зәргәр; зәргъләм-зәргәргъләм, кҮтәрәй дъсәм—эғър гъләм (Топишмоқ—*ер*); тъззә, эғзъ; *жл.* қыз~қыс, сиз~сис, биз~бис.

[з] товуши ассимиляцияга учраши мумкин, шунингдек, ўзидан кейин келган аффикс бошидаги товушни ўзига ўхшатиши мумкин: *йл. Тошк.* қъззъ<қъзнъ, соззъ<сознъ, сиззъ<сизнъ, *жл.* аччылык<азчылық.

[з] товуши [й] билан алмашади: *жл.* сөйләдим, сөйләткән.

**46-§. [ш] фонемаси.** Бу товуш жарангсиз, сирғалувчи товуш бўлиб, рус тилидаги [ш] товушига нисбатан юмшоқ талаффуз қилинади ва палаталлашган [ш] каби эшитилади.

[ш] фонемаси ўзбек шеваларида сўзларнинг барча бўғинларида кела олади: *жл. қур.* Эргаш ШҮкҮр ҮлҮ//*ад.-орф.* Эргаш Шукур ўғли; шалы эгәмиз, шалыны ҳайдаб джэтыр; шорпа//*ад.-орф.* шўрва; *жл.* таштанам қатты, дәйрә ташса, әгәр сизди ашмасам, ашасын, аша джурт, ъштъ// *ад.-орф.* ишни, бугун иш азғана, *йл.* эш, охшаш, элъш, шъм, ъшчъ, ъшэнъп, *жл.* ишшә~ишә// *ад.-орф.* шиша; киши, машқ, машқ қылған, джашлығыдан, *йл.* қэшъқ.

Айрим шеваларда [ш] фонемаси баъзан [с] товуши билан алмашади, *жл.* баш//бас, таш//тас, бэш//бэс.

[ш] фонемаси тубандаги мисолларда регрессив ассимиляцияга учрайди: *жл.* ишчи>иччи, илгәри иччи эдим, иччи айваннар, қошчы<қоччу, қошса>қосса.

Спорадик равишда анлаут ҳолатдаги [ш] товуши тушиб қолади. Қиёс қилинг: *жл.* ишшә∽ҳишә//*ад.-орф.* шиша, маған ишәнгди бэр//*ад.-орф.* менга шишангни бер.

Факультатив-спорадик ҳолатда учрайдиган ҳодисалардан ж-ловчи шевалардаги тәйләгән<ташлаган//*ад.-орф.* ташлаган, джайнады<йашнады//*ад.-орф.* яшнади феълларидаги [ш>й] ҳодисасини кўрсатиш мумкин.

**47-§. [ж] ундош товуши.** Бу товуш ўзбек шеваларида мустақил фонема сифатида учрамайди. Бу товуш ўзбек адабий тилида рус тилидан ва рус тили орқали кирган сўзларда учрайди. Шеваларда [ж] товуши одатда [дж] аффрикати билан алмашади.

Сирғалувчи жарангли [ж] фонемаси деярли барча ўзбек шеваларига энди кириб келаётган фонемадир.

[й] ва [дж] ўрнига [ж] (қозоқ тилидагидек) талаффуз қилувчи шеваларда бу товуш алоҳида маъно фарқлаш функциясига эга. Мисоллар: жақын//*жл.* джақын//*йл.* йәқън; қат жазды//*йл.* хат йэздъ//*жл.* қат джазды; жалғыз//*йл.* йэлғъз//*жл.* джалғыз; жибар//*йл.* йувэр//*жл.* джибар; жыл//*йл.* йъл// *жл.* джыл; жылы жэр//*йл.* ъссъқ джэй//*жл.* жылы джэр.

Бу шеваларнинг баъзи вакиллари талаффузида [ж] товуши ярим жарангли, эшитилиш жиҳатдан [ш] ва [ж] товушлари оралиғидаги бир товушга ўхшайди. Масалан, мә$\frac{\text{ш}}{\text{ж}}$илис//*ад.-орф.* *мажлис* сўзида интервокал ҳолатдаги [ш] ёки [ж] ундошлари худди юқорида айтган оттенкага эга.

48-§. **[ч] фонемаси.** Бу товуш тил олди, жарангсиз, аффрикат ундош бўлиб, бирмунча палаталлашган ҳолда [ш] каби талаффуз этилади. Бу товуш й-ловчи, шунингдек, ж-ловчи шеваларда учрайди ва статик-нормал фонема ҳисобланади: *жл. қур.* чәшувун чәшип бәрсәнг, чәчивини тәвынг; бvгvн кәчәси минән; нәчә джылға, эшик әчылып қәлды, чәчини тарап; чийир//*ад.-арф.* из; *жл.* чәр//*ад.-орф.* ғам, қайғу; *жл.* чәримди, чалбар//*ад.-орф.* шим; чағатай, чачық, чорт/чортта, чобур, қамырды әчитиб; *йл. Тошк.* чәй; әччу; чәч, қуләч.

[ч] товушининг палаталлашиш хусусияти интервокал ҳолатда, айниқса тил олди унлилари ўртасида келганда яққол сезилади: *жл.* мvччә//*ад.-орф.* мусича, *жл. қур.* нәччә сөздv мунда айтты.

Ниччә~нәччә~нәчә сўзининг талаффузи шеваларaро ҳар хил бўлиши мумкин. Ж-ловчи шеваларнинг ўзидаёқ нәчә ва ниччә каби талаффуз қилиниши учрайди.

Қипчоқ типидаги бошқа туркий тиллардаги каби [ч] аффрикати [ш] товуши билан алмашади.

Барча ж-ловчи шеваларга хос бўлган бу хусусият й-ловчи шеваларда факультатив-спорадик ҳолатдагина учрайди: *жл.* чай//шай>шәй//*ад.-орф.* чой; чәчивини//чәшvвvн, чаш~чач, чашларынг болса пахмақ, ач//аш, қылыш//қылыч, кvш//кvч, кvш салма, алтайғаша, vш//уч, vштә//учтә, vш сомнән бәрәсиз.

Юқорида кўрсатилган ҳолатларда баъзи (келиб чиқиши нуқтаи назардан қозоқ тилига яқин бўлган) ж-ловчи шевалардаги [ч] товуши мунтазам равишда [ш] фонемаси билан алмашади.

[ч] аффрикати спирантизация натижасида [ш] ёки [ч] ва [ш] товушлари ўртасидаги ноаниқ бир товушга ўтиши мумкин. Бу товуш [ч] аффрикатидаги портловчи элементнинг кучсиз портлаши туфайли вужудга келади. Мисоллар: а$\frac{\text{ш}}{\text{ч}}$, қылы$\frac{\text{ш}}{\text{ч}}$, кv$\frac{\text{ш}}{\text{ч}}$//*ад.-орф.* оч, қилич, куч. Қиёс қилинг: *Қорабулоқ.* енди кеш олуп, ҳеш бир нәрсә йо:қ.

Спирантизация ҳодисаси ж-ловчи ва й-ловчи шеваларда учрайди. Шунинг учун бу хусусиятни бирор шевагагина хос бўлган хусусият деб бўлмайди, [ч>ш] хусусияти кўпинча [ч] товуши [т] товушидан олдин келганда юз беради: *жл.* ишти//*йл.* ъштъ<<ичти//*ад.-орф* ичди. [Спорадик равишда ж-ловчи шеваларда ишти<ични учрайди. Бу сўз ишти//*ад.-орф.* ичди сўзига гомо-

нимдир. Қиёс қилинг: *йл.* ъштъ (иш сўзидан тушум келишиги)// *ад.-орф.* ишни]; *жл.* ишэрди<ичэрди, қашты<қачты, қа$\frac{\text{ш}}{\text{ч}}$арды, нештэйкэҥини<нэчтэ экэнини, *йл.* қөштъ< қэчтъ.

Кўпчилик шеваларда [ч] товушининг ассимиляцияга учраши кўринади. Мисоллар: *жл.* Үс сомнан<уч сомнан//*ад.-орф.* уч сўмдан, ассын<ачсын.

**49-§. [дж] фонемаси.** Бу товуш тил олди жарангли аффрикат, яъни элементлари алоҳида-алоҳида талаффуз этилмасдан, бир товуш каби талаффуз қилинадиган товушдир [д+ж].

Й-ловчи шеваларда сўз бошида келадиган [й] товуши ўрнига ж-ловчи шеваларда [дж] товуши қўлланилади, шу хусусиятига кўра бу шевалар ж-ловчи шевалар деб юритилади.

Баъзи ўзбек шеваларида эса, сўз бошида [дж] ўрнига [ж] товуши қўлланилади. Бу, шеваларнинг шаклланиши тарихида қозоқ тили элементларининг таъсири борлигини кўрсатади.

Айрим шеваларда эса бу хусусиятлар аралаш ҳолда ишлатилади. Ж-ловчи шеваларда ярим жарангли аффрикат, эшитилиш жиҳатдан [ч] ва [дж] товушлари ўртасидаги оралиқ бир товуш ҳам бор. Бу товуш комбинатор равишда, маълум ўринларда (сўз бошида ёки икки унли орасида) келади.

Шундай қилиб, ж-ловчи шеваларда [дж] фонемаси жуда кўп қўлланилади, й-ловчи шеваларда эса нисбатан камроқ ишлатилади, айрим ж-ловчи шеваларда [дж] товуши [ж] фонемаси билан алмашади. Мисоллар: *йл.* йоқ//*жл.* джоқ~жоқ; ойағыман иши джоқ; биердэ бахшы джоқ; *жл.* джаш~жас//*йл.* йэш; *жл.* джахшы~жақсы//*йл.* йәхшъ; *жл.* джарайсан, джайылды, джақмады, қызыл тақтаға джазылған, джайатыған, кҮнджҮт эгәмиз, джийән, джанга, джатқызып кэтингнэр, пэнджэ, джvзгэннэр, джҮз, джэвлик, кҮчҮнгиз джэтмэсэ, джэб джургэн эди, джҮрэбэр, бир қыл джэри, джэмэ, мэн джэймэн, джав//джэв//йэв, джидэ, джоғалған, джорға, джалғыз, джавуз, джөнэткин, джанды, *йл. Тошк., Марғ.* джvдэ>джэ.

Й-ловчи шеваларда (ўзбек адабий тилида ҳам) қоришиқ [дж] товуши билан бошланадиган бир қанча сўзлар араб, форс ва бошқа тиллардан кириб, ўзбек тилининг луғат составига сингиб, ўз сўзи бўлиб қолган: джэн, джэнбэз, джэнвэр, джэвэн, джэй, джэнг, джэнджэл, джэҳэн, джувэн, джъҳэт, джъҳэв, джънэйэт, джумлэ, джън, джэнуб, джэвэб, джэлб, джэдвэл, джэбр, джэсус, джэзэ, джэр, джэрчъ, джағ, джъқ, джэбдуқ, джавчы, джъйэк, джъйэн, джълэв, джъғълдэн, джудэ, джонэмэқ, джъндэк ёки джъндэй.

Баъзи ж-ловчи шеваларда (асосан, уларнинг о-ловчи группачасида) сўз бошида [дж><й] ҳолати учрайди. Шунинг билан бирга, [дж//й] алмашинишида кўпинча турғунлик ҳолати бузилади ва бир сўзнинг ўзида ҳам [дж], ҳам [й] учрайди: йегэн//джегэн,

йахшъ//джахшъ, йапрақ//джапрақ, йолдэш//джэлдэш, йэгэнэ//джэгэнэ, йубэрсин>йибэрсин//джибэрсин, йалғызыдым//джалғызыдым, йенгиб//дженгиб, йэръм// джэръм, йvргэн//джvргэн. Тошкент шевасида ҳам [й//дж] алмашинишини қиёс қилинг: йур//джур, йун//джун.

Баъзи ж-ловчи шеваларда позицион ҳолатларга боғлиқ равишда (аввалги сўз охиридаги) унли товушдан сўнг [й<дж] ҳодисаси учрайди. Мисоллар: элты йvз<олты джуз, эты йахшы<эты джақшы, пақтаны йахшылап эгингнэр, экки йvз гэктэр, бэрайэтыр. Бу шеваларда [дж>й] спорадик равишда бошқа ҳолатларда ҳам, яъни аввалги сўз охиридаги унлига боғлиқ бўлган ҳолатда ҳам учрайди: *жл. қур.* сэн йахшы-джамэн джэйлэрдэ көрэсэн; йолға чықты.

Бу шеваларда [дж>й] нинг сўз ўртасида учрашини қиёс қилинг: *йл. жл.* мэйлис<мэджлис, энэм мэйлистэ болды, мэйлис қып, мэйлискэ кэтти, мэйлистэ.

Ж-ловчи шеваларда [дж] фонемасининг кучсизланиши, [й] товушига ўтиши, шунингдек, бутунлай тушиб қолиши ҳам мумкин. Бу кўпинча ҳозирги замонни ифодаловчи қўшимчада кўринади, масалан: кэлэджатыр>кэлэйатыр>кэлээтыр//*ад.-орф.* келаётир. Баъзи шеваларда эса: кэ:атыр.

Айрим ж-ловчи шеваларда баъзан [дж] аффрикатининг иккинчи сирғалувчи элементи тушиб қолади: дастық<джастық//*ад.-орф.* ёстиқ.

Спорадик равишда [дж>ш] хусусияти учрайди: хуруш//*ад. -орф.* хуруж.

## Тил олди сонор товушлар

**50-§.** Тил олди сонор товушларга [н], [л], [р] товушлари киради.

**[н] фонемаси.** Бу товуш бошқа туркий тилларда мавжуд бўлган [н] товуши каби артикуляция, эшитилиш хусусиятлари жиҳатдан рус тилидаги қаттиқ [н] товушига яқин тил олди, бурун ундошидир.

[н] товуши сўзларнинг барча ўринларида кела олади, аммо асл ўзбекча сўзларда кўпинча сўз ўртасида ва сўз охирида келади. Мисоллар: *жл.* нимэ, шону айтаман-да, ғозанынг чавығы, тон, джунли, чайнайдэ, нэчэ, сынық, сэскэнип, *йл.* екън, ендъ, нэръ, мен, джэн, нэн, нэрвэн, зъйэн, қуйэн.

[н] товуши билан бошланган сўзлар асосан, бошқа тиллардан, қисман араб ва форс тилларидан кирган бўлиб, асрлар давомида тилимизга сингиб кетган.

Кейинчалик совет интернационал сўзларнинг тилимизга кўплаб кириши натижасида [н] товуши билан бошланган сўзлар миқдори кўпайди.

Кўпгина шеваларда спорадик равишда [л//н] алмашиниши учрайди: *жл.* ладан//надан//*йл.* нэдэн//*ад.-орф.* нодон; *йл.* кой-

нәк//көйләк//*ад.-орф.* кўйлак, тағнай//*ад.-орф.* танглай. *Қорабулоқ.* алдыға//андыға//*ад.-орф.* олдига.

[н] фонемаси комбинатор равишда [нг] товушига ўтиши мумкин. [н] товуши [к], [қ], [г], [ғ] ундошларидан олдин келганда, тил олди портлаш хусусиятини йўқотиб, [нг] товушига ўтади [н>нг]. Масалан:

а) сандхи ҳолатда [к] ва [қ] ундошларидан олдин: *жл.* мэнг кэлдим, кvнг кэч, джақынг қалды//йақынг қалды, джолданг қайтып;

б) [г] ва [ғ] ундошларидан олдин: *жл.* атлангғанда<атлан+ган+да, сағынгғанда<сағын+ган+да, сvйэнггэн<сvйэн+гэн; *йл.* тонгғъз, қонгғъз//*ад.-орф.* тўнғиз, қўнғиз;

Шунингдек, мыймангғa//*ад.-орф.* меҳмонга (бу мисолда [нг] товуши [нг+ға] аффикси ўрнида келган). Қиёс қилинг: *Наманг.* сәнггә беддъм//*ад.-орф.* сенга бердим; онгкуллvг йол//*ад.-орф.* ўн кунлик йўл; кvнггә//*ад.-орф.* кунга; отунггә//*ад.-орф.* ўтинга; *Марғ.* сенгга, шэҳъмәрдәнггә.

в) сандхи ҳолатда [б] товушидан олдин: *жл.* топәләнг болдъ//*ад.-орф.* тўпалон бўлди.

*Ад.-орф.* [нд] ўрнида [нг] товуши келиши мумкин: *жл.* хәнгәләк (ҳәнгәләк эгәмиз)//*ад.-орф* ҳандалак.

[н] фонемаси [м] товушига ўтиши мумкин [н>м]. Бу хусусият сандхи ҳолатда иккинчи сўз бошидаги [б] ёки [п] товушлари таъсирида юз беради. Бунда иккала сўз ҳам деярли бирикиб, бир пауза билан айтилади. Мисоллар: *жл.* мағам-бэрмә<маған бэрмә, томам басты<томан басты; эсам-босам<эсан болсам, сағам-болсын<саған болсын: *йл. Наманг.* қэчкәмболсә<қэчкән болса, ом-беш кvн ҳәйрэмболып<ҳәйрэн болъп, мәм-берәмән<мен берәмән; *Марғ.* сәмбэләм<сен бэләм, дeқэм-болдъ<деқэн болдъ; *Тошк.* мәм-бълмәгәнәкәммән<мән бълмәгән екәнмән; *жл.* бәләм-пәс<бәлән-пәс<бәләнт-пәст//*ад.-орф.* баланд-паст.

Юқорида келтирилган мисолларда учраган [н>м] ҳодисаси ҳеч қандай паузасиз икки ўзакнинг бир қўшма сўз каби талаффуз этилиши туфайли содир бўлган. Тубандаги сўзлар талаффузини қиёс қилинг: *жл.* омбэш//*йл.* омбеш//*ад.-орф.* ўн беш; *жл.* джэмбашыға//*йл.* йэмбэшъгә//*ад.-орф.* ёнбошига.

Сўз охирида учрайдиган [н] фонемаси кўпчилик ҳолларда ассимиляцияга учрайди. Мисоллар:

1) регрессив ассимиляция: *жл.* дэгәлләр<дэгәнләр, алғаллар<алғанлар, сэйләп алғаллар, эмэллық<эмэнлық, көммәйди<көнмәйди, сэссән<сэнсән, джамаллық<джаманлық, тәлләп<тәнләп, көрvммәди<көрvнмади, тыммай<тынмай, тыммастан<тынмасдан, эсәллик<эсәнлик, ьшаммангнар<ьшанмангнар, бэрәйиммә<бэрәйинмә; *Марғ.* бомәсә дәстәрхэл-

ләрнъ (<дәстәрхәнләрнъ) тәййәр қълънг; *Тошк.* хәтъллә:<хәтънләр.

2) прогрессив ассимиляция: *жл.* кvннәри<кvнләри; *йл. Тошк.*, *Наманг.* ъшшъ<ъшнъ, туззъ<тузнъ, къммъ<къмнъ, мъххъ<мъхнъ, суввъ<сувнъ.

Шеваларда айрим морфологик категориялар (қаратқич ва тушум келишиклари аффикси ва шу кабилар) да [н>д] ва [н>т] ҳодисаси рўй беради: *жл.* қалқоздынғ малы//*ад.-орф.* колхознинг моли; джибәктинг//*ад.-орф.* ипакнинг; сөзләрди айттъ//*ад.-орф.* сўзларни айтди; этты көрди//*ад.-орф.* отни кўрди, қалқоздықы// *ад.-орф.* колхозники, биздики// *ад.-орф.* бизники, *йл.* Фарғ. нәндъ//*ад.-орф.* нонни (нг), әштъ//*ад.-орф.* ошни(нг).

[н>т] ҳолати *ад.-орф.* *ҳеч нима* бирикмасида ҳам мавжуд: ҳеч нима>ҳештъмә, *Наманг.* ҳеч-тъмә>хъштъмә> ъштъмә<ҳеч нъмә, *Марғ.* ҳештъмә эпкелмәдъ, ҳештъмә қәмәптъ.

Қаторасига келган икки [н] (ўзак охиридаги ва аффикс бошидаги)дан бири туширилиб талаффуз қилинади. Мисоллар: *жл.* джаннынг>джанынг, джvгәннинг>джvгәнинг. Бу мисолларда икки форманинг формал ўхшашлиги вужудга келган: джанынг(жонинг) ва джанынг(жоннинг).

Баъзан [н] товуши ортиши мумкин. Бу айрим грамматик формаларда ҳам учрайди: бәрмәчкин болды//*ад.-орф.* бормоқчи бўлди.

Баъзи ж-ловчи шеваларда спорадик равишда *у, бу* кўрсатиш олмошлари жўналиш келишик қўшимчасини олганда, [н] товуши тушиб қолади: *ад.-орф.* унга//*жл.* уға; *ад.-орф.* бунга//*жл.* буға.

Қорабулоқ шевасида аффикс охиридаги [н] товуши кўпинча тушиб қолади. Мисоллар:

а) ҳозирги-келаси замон феълларида: қылайма//*ад.-орф.* қиламан, қылайса//*ад.-орф.* қиласан;

б) ҳозирги замон аниқ феълларида: қылйатма//*ад.-орф.* қиляпман; қылйатса//*ад.-орф.* қиляпсан;

в) истак феълларининг III шахсида: қылсу//*ад.-орф.* қилсин; бәсу~бесу//*ад.-орф.* берсин;

г) *экан* ёрдамчи сўзида: экә~әкә сўзлари билан бир қаторда экән~әкән. Масалан: бий ба:рәкә, бий йо:қ әкә.

Ж-ловчи шеваларда *ад.-орф.* *билан* кўмакчисида ҳам [н] товуши факультатив равишда тушиб қолиши мумкин: м$^{и}$нә<м$^{и}$нан, м$^{ы}$на<м$^{ы}$нан. Қиёс қилинг: *йл.* б$^{ъ}$лән>бълә>ълә.

**51-§. [л] ва [л′] фонемалари.** Ж-ловчи шевалар ва сингармонистик й-ловчи шеваларнинг а-ловчи группачасида бошқа туркий тиллардаги каби тил олди [л′] ва тил орқа [л] товушлари бор. [л] товуши тил орқа унлили сўзларда, [л′] эса тил олди унлили сўз-

ларда учрайди[1]. Мисоллар: *жл.* т о л а, д ж о л д а ш, а л д ы, а л т ы н, ә й ә л, т и л л ә, б ө л ә к, ч ө л, п и л л ә, ɔ л ы п к э л ә р м ә н, э к и п у т т а р ы ɔ л д ы қ, ш о л а р д ы н г а л д ы ғ а, б о п қ а л д ы, қ о л, қ а л ы н, у қ а л а д ы, а л м а, м а й л ы, д ж а л а н ы п, қ а й ы л, д ж а ш ы м э л л и к т ә, к ү л, к ө н г ү л, к ө л, қ о л ы д а н, к э л ә д и, о л а й-б ы л а й, т у л; *йл.* т ъ л л ә, б ү л б ү л, қ ъ ш л ә й м ә н, т а л қ а н, м ә й л ъ с ~ м ә д ж л ъ с, ɔ л т ъ, й ъ л, б у л ɔ: < б у л ɔ қ ~ б у л а қ.

Аммо сингармонистик бўлмаган шеваларда, ўзбек адабий тилидаги каби, биргина **[л]** фонемаси бўлиб, у эшитилиш жиҳатдан рус тилидаги **[л]** ва **[ль]** товушлари ўртасидаги оралиқ (индифферент) товушдир.

**[л]** товушининг талаффузда олдинги ва орқароқ вариантларга эга бўлиши ёндош товушлар таъсирида яққол сезилади. Масалан, қ ъ л д ъ сўзидаги **[л]** товуши тил орқароқдир. Бунда чуқур тил орқа **[қ]** нинг **[ъ]** га таъсири ва **[ъ(—ь)]** нинг ўз навбатида **[л]** га бўлган таъсири натижасида вужудга келган. Аксинча, к е л сўзида **[л]** товуши тил олди хусусиятларига эга. Шунингдек, ўзбек адабий тили ҳамда Тошкент, Марғилон ва бошқа шеваларидаги к о л//*ад.-орф.* **кўл** ва қ о л//*ад.-орф.* **қўл** сўзларида ҳам **[л]** товуши икки хил талаффуз қилинади.

**[л<н]** ҳодисаси **[м]** ёки **[нг]** бурун ундошларидан кейин учрайди: *жл.* к ә м н и к//*ад.-орф.* камлик; ч а й д ә м н ә п//*ад.-орф.* чой дамлаб; к ө р ү м н ү к//*ад.-орф.* кўримлик; и м н ә д и//*ад.-орф.* имлади; д ж ә м н ә д и//*ад.-орф.* жамлади; а н г н а п//*ад.-орф.* англаб; д ж а л а т а н г н а ш ы п < ж а л т а н г л а ш ы п.

Лекин юқоридагидан бошқа ҳолларда ҳам спонтан равишда **[л]** товуши **[н]** товуши билан алмашади, масалан: *ад.-орф.* лекин//*жл.* н э к и н; *ад.-орф.* нодон//*йл. Тошк.* л ɔ д ɔ н; *ад.-орф.* лаънат//*йл.* н ә: л ә т. Қиёс қилинг: *Тошк.* б ɔ р ъ й л у қ//б ɔ р ъ й н у к, б е р ъ й н у к; *Наманг.* ɔ в г ә ч ъ қ а й н у г; *Қорабулоқ.* к е з ә й н ү н г, с ү з ә й н ү н г.

Наманган шевасида буйруқ феълларининг II шахс (к е л т у р у: н ә, й ү р ү: н ә) формалари *ад.-орф.* *келтиринглар, юринглар* сўзларига тенг бўлиб, Наманган шевасида ён товуш **[л]** бурун товушига ўтган, натижада кўплик (сон) аффиксида **[л>н]** ҳолати, кейинчалик эса **[нг>й]** ҳолати вужудга келган. **[й]** товушининг тушиб қолиши эса унлининг чўзиқ бўлишига олиб келган (к е л т ъ р ъ й н ә каби фонетик дублетнинг мавжудлиги ҳам бу фикрни тасдиқлайди).

Юқоридаги Наманган формасининг вужудга келишини схематик равишда тубандагича кўрсатиш мумкин: к е л т ү р ү н г л ә(р) > к е л т ү р ү н г н ә//к е л т ъ р ъ н г н ә > к е л т ү р ү й н ә//к е л т ъ р ъ й н ә > к е л т ү р ү: н ә//к е л т ъ р ъ: н ә.

---

[1] Транскрипцияни мураккаблаштирмаслик мақсадида палаталлашган **л—л′** товушларини бундан кейинги мисолларда ажратиб кўрсатмадик.

Келъ:нә, бәръ:нә сўзларининг ҳам фонетик эволюцияси худди юқоридагидек, яъни келънглә(р) >келънгнә>келъйнә> кәлъ:нә,бәрънглә(р)>бәрънгнә>бәръйнә>бәръ:нә.

Ж-ловчи шевалардаги кўплик (сон) аффиксида бурун товушларидан кейин [л>н] ҳолати умумий ҳодисадир Мисоллар: адамнар//*ад.-орф.* адамлар; қаттыннар//*ад.-орф.* хотинлар; *Қорабулоқ.* өйдәги бүйүмнәрингни (<бүйүмләр) сыртқа чығарып қой.

[л] нинг ассимиляция ҳодисасига учрашини яна қуйидаги мисолларда кўришимиз мумкин: *жл.* тайыннап кэтти//*ад.-орф.* тайинлаб кетди; *жл.* душманнарға//*ад.-орф.* душманларга, *жл.* дэгәннәр//*ад.-орф.* деганлар; *Қорабулоқ.* йақыннағанда< йақынлаганда//*ад.-орф.* яқинлашганда.

[л>н] ҳодисаси фақат аффикслардагина эмас, балки сўз ўзакларида ҳам учрайди: *жл.* аллап//*ад.-орф.* алдаб; *жл.* мәмнәкәт//*ад.-орф.* мамлакат; *жл.* мангнай//*ад.-орф.* манглай; *жл.* көнгнинг//*ад.-орф.* кўнглинг.

Регрессив ассимиляция: *жл.* бъммәндъм//*ад.-орф.* билмадим, *жл.* айрыммайды//*ад.-орф.* айрилмайди, *йл.* *Самарқ.*, *Қарши.* қәллъ//*ад.-орф.* қолди; келлъ//*ад.-орф.* келди.

Спорадик равишда [л] фонемасининг [р] товуши билан алмашиниши кам учрайди: *жл.* өрджә//*ад.-орф.* ўлжа, *жл.* джығырдан//*ад.-орф.* жиғилдон, *жл.* бәрки//*ад.-орф.* балки, *жл.* дүмбүлдәди> дүмбүрдәди.

*Қолмоқ* ёрдамчи феълининг ўзагидаги [л] товушининг [й] билан алмашиниши ҳам учрайди: *жл.* кэтәғойса<кэтә қалса, толағойсын<тола қалсын.

Бир бўғинли феъллар ўзагидан морфологик формалар ясалганда, ўзакдаги [л] товуши мунтазам равишда тушиб қолади.

Ўтган замон равишдош формаси ясалганда, ўзидан кейинги унли товуш билан биргаликда тушиб қолади: *ад.-орф.* қилиб//*жл.* қыб, қыб отурамон-ғо, қыған//*ад.-орф.* қилган; *жл.* *қур.* мейнәт қыған джигит; қынгнар//*ад.* *-орф.* қилинглар; кэнгнәр//*ад.-орф.* келинглар; кэб//*ад.-орф.* келиб; *жл.* әп//*ад.* *-орф.* олиб; әпкэп//*ад.-орф.* олиб келиб; *жл.*, *йл.* әбәрды//*ад.-орф.* олиб борди, *жл.* боп//*ад.-орф.* бўлиб, *жл.* босун//*йл.* босън//*ад.-орф.* бўлсин; *жл.* сәнг//*ад.-орф.* солинг; сәнгнар//*ад.-орф.* солинглар; *йл.* кел>ке, *Тошк.* кевәттъ>келвәттъ, *Наманг.* кемуттъ<келмуттъ, *Қорабулоқ.* сәтни қолума а:дым (<алдым).

Кўплик (сон) қўшимчасидаги [л] товуши ҳам тушиб қолиши мумкин: *жл.* бизәр//*Тошк.* бъзә//*ад.-орф.* бизлар; *жл.* сизәр//*ад.-орф.* сизлар.

52-§. [р] **фонемаси.** Тил олди титроқ товуш. [р] товуши тил олди унлиларидан олдин келганда, кўпинча жуда олд артикуляцияга эга бўлади, лекин бу алоҳида, мустақил фонема эмас, балки комбинатор-позицион вариант бўлганлиги сабабли бу хусусият [р] товуши учун характерли эмас. Баъзи й-ловчи шеваларда,

масалан, Наманганда [р] товуши турғун ҳолатга эга эмас, чунки у баъзан талаффузда тушиб қолади ёки ассимиляцияга учрайди.

[р] товуши асл ўзбекча сўзларда асосан сўз ўртасида ва сўз охирида учрайди. Мисоллар: *жл.* тәрәп, отур, дәррәв, п$^{ы}$шы-рып бэрәсиз, джарайды, джvргән, тор, көрvммәйди, бөрv, арпадан оттуз бэш гэктәр эктик, урған, бары, тандыр, қары, эмрәниб, сәрдәр, көпти коргәни,б$^{и}$рәр-б$^{и}$рәр болады, қарамайсан, толпар, қарындаш, джорға.

Ўзбек тилига турли даврларда, турли тарихий шароитларда бошқа тиллардан кирган сўзларнинг бошида [р] товуши учрайди.

Ж-ловчи шеваларда сўз ўртасида баъзан чўзиқ [р] товуши келади. Мисоллар: қарръ~қар:ъ<қаръ. Бу чўзиқ [р] товуши тил орқа [қ] товуши билан ёндош келганига қарамасдан, бу ерда палаталлашган оттенкага эга ва ёнма-ён келган унлиларнинг юмшалишига таъсир қилган: қәррьмадә~қарымады.

[р] фонемаси факультатив-спорадик равишда қуйидаги товушларга алмашиши мумкин:

а) [й]: *йл.* йомэл//*ад.-орф.* рўмол, *Анд.* йөпәрә//*ад.-орф.* рўпара;

б) [л] *жл.* әнджил//*ад.-орф.* занжир, *йл.* зәләл<зәрәр// *ад.-орф.* зарар; калъдор//*ад.-орф.* коридор, *Тошк.* дэвэл// *Наманг.* дәвэл//дәвәл//*ад.-орф.* девор;

в) [д]: *жл.* байдақ//*ад.-орф.* байроқ.

Й-ловчи шеваларда (масалан, Наманган, Тошкент ва бошқаларда [р] товушининг [й] товушига ўтиш ҳоллари учрайди: *Наманг.* йопәрәмдә олтургән//*ад.-орф.* рўпарамда ўтирган, *Тошк.* йомэл<ромэл//*ад.-орф.* рўмол, *Қорабулоқ.* би:р>бий//*ад.-орф.* бир; ундан кейин бий(<би:р) ноғай олар әкә, бий ба:р әкә, бий йо:қ әкә, бий байынгки бий қъ:зъ ба:р әкә.

[р] фонемаси прогрессив ва регрессив ассимиляцияга учрайди. Мисоллар: *жл.* мәттә//*ад.-орф.* марта, онтөрмәттә оннындан турды//*ад.-орф.* ўрнидан турди, *жл.* сvннәй//*ад.-орф.* сурнай, *жл.* эттән//*ад.-орф.* эрталаб, *Марғ.* еттәнъсъгә<ертәнъсъгә//*ад.-орф.* эртасига; ертәнъсъгә (еттенъсъгә) йәнә бэрәмән, *Қорабулоқ.* онныға олды//*ад.-орф.* ўрнига бўлди, *йл.* ешъйдъ зәнджъллә//*ад.-орф.* эшикни занжирла, *жл.* чарвадаллар//*ад.-орф.* чорвадорлар.

[р] товушининг ассимиляцияга учраш ҳоллари, айниқса, Наманган шевасида кўплаб учрайди. Мисоллар: туддъ<турдъ, бэзэллә<бэзэрләр, тънноълә<търнәқләр. Қиёс қилинг: *Тошк.*, *Марғ.* бъллә<бъргә, қэннъ<қэрнъ.

Шевалараро спорадик равишда [р>в] ҳодисаси учрайди: *Наманг.* дувэдгәргә йус тәнгә беръп//*ад.-орф.* дурадгорга юз танга бериб.

[р] фонемаси ўзакларда, шунингдек, аффиксларда ҳам тушиб қолиши мумкин: *жл.* т ә к р ә қ ы л ы п//*ад.-орф.* такрор қилиб, *жл.* а й л ы ғ э л а д ы м//*ад.-орф.* ойлик олар эдим.

Ҳозирги-келаси замон сифатдош аффиксларида ҳам [р] тушиб қолади: т у р ғ а н>т ы ғ а н, *жл.* б э р а т ы ғ а н.

Тошкент типидаги й-ловчи шеваларда кўплик (сон) аффиксидаги [р] товуши тушиб қолади: э д а м л а, к е л д ъ л ә//*ад.-орф.* келдилар.

Хусусан, Наманган, Тошкент типидаги шеваларда (ўзакларда ҳам, аффиксларда ҳам) [р] товушининг тушиб қолиши кўплаб учрайди. *Наманг.* б ъ р н ә с ә//*Тошк.* м ъ н ә с ә<б ъ р н ә р с ә, *Наманг.*, *Тошк.* д ә с т ә х э н < д ә с т ъ р х э н, қ ъ х т ә > қ ъ р қ т ә. *Наманг.*, бэзэлла<бэзэрләр, *Наманг.*, *Тошк.* х э т ъ л л ә<х э т ъ н л ә р, *Наманг.* қ ъ л с ә л ә//*Тошк.* қ ъ с ә л ә< қ ъ л с ә л ә р; *Қорабулоқ.* к ә л ә д у р ғ о н а : д а м б а : н а (<бармы), тө:т<төрт, тө:т б у р ч қ а тө:т т а б а қ у с т у х а н н ы б ө л v п қ о й, и к и с и й ө н ә й бе:д и (<б е р д и), х а б а р б е н г (<б е р и н г), х а б а р б е:(<б е р).

## ТИЛ ЎРТА [Й] ФОНЕМАСИ

**53-§. [й] товуши** тилнинг ўрта қисмининг қаттиқ танглайга қараб кўтарилишидан пайдо бўлади. [ъ] фонемасининг артикуляциясига нисбатан [й] фонемасининг артикуляциясида тил билан танглай ўртасидаги оралиқ torаяди, натижада рус тилидаги [й] товушига нисбатан бирмунча сиқиқ, сирғалувчи жарангли] товуш пайдо бўлади.

Ўзбек шеваларинаро [й] фонемасининг тарқалиши тубандагича:

1. Й-ловчи шеваларда [й] фонемаси сўзларнинг истаган ўрнида кела олади. Сўз бошида [й>дж] ҳодисасининг учрамаслиги бу шеваларнинг характерли хусусиятларидандир.

2. Й-ловчи шеваларда бу товуш сўз ўртасида ва сўз охиридагина қўлланади, сўз бошида эса ж-ловчи шеваларда [дж], баъзиларида эса [ж] товуши билан алмашади. [й//дж//ж] товушлари сўз бошида комбинатор-факультатив равишда алмашади. Мисоллар: *жл.* қ а й н а т а д ы, қ а й т а й н//*ад.-орф.* қандай қилайин, *жл.* қ а й т с ы н//*ад.-орф.* қандай қилсин (қиёс қилинг: *ад.-орф.* қайтсин), *йл.* й э з ә д ъ, т ә й й э р, *жл.* v й ә л ы п қ а л д ы, а й т а д ы, т о й, қ ы й э, *йл.* о қ ъ й, *жл.* т ә й й ә р л ә д и, с ә й л ә г ә н, м а й ы л, к ә й //*ад.-орф.* кейин; қ а й д а, т о қ қ у з й а р ы м, ж а м а н а д а м, б о в а й//*ад.-орф.* бобо, *жл.* а й ә л, д ж ә й ә в, д ж ә й л ә т т и, д ж ә й л ә, ш v й т и п//*ад.-орф.* шундай қилиб, *йл.* м ә й д ә, м ә ш ә л д ә й, *жл.* б и й д ә й, v й ш v н (қабила-уруғ номи), н ә й м ә н (қабила-уруғ номи), д ә р р ә в й о л ғ а ч ы қ т ы, *йл.* ҳ ә й в э н, о й н а д ъ, *жл.* қ ы р ғ ы й, д ж ы л а й б э р д и //*ад.-орф.* йиғлай берди, *йл.* й е р, й о қ, *жл.* о т у р с а н г ч ы й а о й н а ғ ы н й а ч ө л л ә р г ә; й а х ш и й а н а д ы. *йл.* *Марғ.* ъ н ә й-к ъ н<у н д а н к е й и н; о қ-й ә й л ә р д ъ й э н ъ г ә т а қ ъ п; ә й т ъ п б е р, *жл.*, *йл.* й ә н ә, *жл.* й ә н ә м ә ш и: н ә м и н ә м ә м а й д а й м ы з.

Факультатив-спорадик равишда [й] ва [ч] товушлари алмашади: *йл.* чештъ//йештъ, йеш//чеш.

Шеваларда [й<г] ҳодисасига нисбатан [г>й] ҳодисаси кўпроқ учрайди. Тубандаги мисолларни қиёс қилинг: [й//г] алмашиниши: *йл.* кейън//кегън, ундэн кегън//*ад.-орф.* ундан кейин.

[ҳ] фонемасининг [й] товуши билан алмашиниши кўплаб учрайди, бироқ [й] товушининг [ҳ] товуши билан алмашиши [й>ҳ] эса жуда кам: *жл.* валаҳат//*ад.-орф.* вилоят [вълэйэт], *йл. Анд.* алайъдэ//*ад.-орф.* алоҳида

[й] фонемаси ҳам худди [дж] каби ўзига ёндош унлиларнинг юмшоқ бўлишига таъсир кўрсатади. Мисоллар: *ад.-орф.* айтди//*жл.* эйтти//*йл.* эйттъ, *ад.-орф.* жой//*жл.* джэй, джэй қылды, джэйлэди.

Рус тилидан кирган сўзларда [э] унлисининг пайдо бўлиши ҳам [й] товушининг таъсиридан деб қарамоқ керак: *жл.* рэйэннэн// *ад.-орф.* райондан.

Сўз бошида, шунингдек, сўз охиридаги [й] товуши спорадик равишда тушиб қолиши мумкин: *жл.* нэсвэ<нэсвэй//*ад.-орф.* насвой: эбри<абрий//*ад.-орф.* обрўй; *йл.* йъл>ъл, йърэқ> ърэқ, *Фарғ.* ълқъ йолъ<йълқъ йолъ, *Наманг.* эттъкъ//*ад.-орф.* айтдики; этмэсэнг//*ад.-орф.* айтмасанг.

Баъзи унли товушлардан кейин [й] товуши пайдо бўлади: *ад.-орф.* раис//*йл.* рэйъс, *ад.-орф.* сарпо//сэрпэ<*жл.* сэрпэй, сэрпэйлэрди.

## ТИЛ ОРҚА УНДОШ ФОНЕМАЛАР

Тил орқа ундош товушлар: саёз тил орқа: **к[к//х′], г[г//г′], нг** ва чуқур тил орқа: **х, қ,ғ [ғ′]**.

### Саёз тил орқа ундошлар

**54- §. к[к//х′], г[г//г′], [нг].** Ўзбек адабий тилидаги (шунингдек, таянч шевалардаги) **[к]** ва **[г]** товушлари рус тилидаги **[кь]** ва **[гь]** каби палаталлашган бўлса (рус тилидаги **[кь]** ва **[гь]** сўз охирида ўзбек тилидаги **[к]** ва **[г]** товушларига нисбатан анча саёз), ж-ловчи шевалардаги **[к]** ва **[г]** товушлари эса, рус тилидаги каби «қаттиқ» дир. Шу сабабли **[к]** ва **[г]** ундошларидан кейин келган тил олди **[и]** унлиси тил орқа оттенкасига эга бўлади ҳамда эшитилиш жиҳатдан рус тилидаги **[ы]** товушига яқинлашади (**[ки]** ва **[ги]** комплекслари **[кы]** ва **[гы]** каби талаффуз этилади).

Жанубий Хоразм шеваларидаги **[к]** ва **[г]** товушлари максимал юмшоқликка эга бўлиб, сифат жиҳатдан тил ўрта **[к′]** ва **[г′]** товушларига яқинлашади: г′эл~г′эл//*ад.-орф.* кел; г′өр//*ад.-орф.* кўр, г′єт~г′эт//*ад.-орф.* кет.

**55- §. [к] фонемаси.** Бу товуш саёз тил орқа портловчи ундош товуш бўлиб, ҳамма шеваларда, сўзларнинг барча бўғинларида

келади: *жл., синг. йл.* көргән, көрмәк, *жл.* к ъ чкэнтәй, бир қыл джийәк//*ад.-орф.* бир хил жўяк, көп, көпләр, көпчилик, кийик, кvйдvрди, кvччvнгиз, Vкә, кэтәди, чығып кэтти, кәсәни элды, көзvм, *жл., қур.* към чағырыб джатыр; бэкәр, сэкирип тvшти; джэткәргән, эки, экәв, тәкә, көкәй//мәйәк, *йл.* къпръктэ<кърпъктъ// *ад.-орф.* киприкни. Шеваларaро [к] товуши кўпроқ сирғалишга мойил бўлади: [к>х′], [к>й], [к>в].

[к>х′] ҳодисаси сўз охирида ва сўз ўртасида рўй беради:

а) сўз ўртасида: *жл.* көх′ләм//*ад.-орф.* кўклам; бирих′мәй// *ад.-орф.* бирикмай; *йл.* мәх′тәп//*ад.-орф.* мактаб; ех′сә, ех′тък// *ад.-орф.* экса, эктик, *жл.* кvх′нәри//*ад.-орф.* кўкнори;

б) сўз охирида: *жл.* нәрәрәк//нәрәрәх′//*ад.-орф.* нарироқ; бөләх′//бъләх′//*ад.-орф.* бўлак; *жл.* көрәйих′//*ад.-орф.* кўрайлик //*Тошк.* коръйлук//коръйнук, *йл. Марғ.* еллъх′// *ад.-орф.* эллик, еллъх′ тәнгә беръп//*ад.-орф.* эллик танга бериб.

[к>х′] ҳодисаси *-мәк* аффиксида ҳам учрайди: *жл.* өсмәх′~ өсмәх′тә, кэлмәх′тә, кэтмәх′чин болуп, апкэмәх′чин боб.

Тошкент типидаги ўзбек шеваларида жарангсиз бўғиз товуши [ҳ] фонемаси йўқ, унинг ўрнига рус тилидаги [хь] ва [хъ] товушлари ўртасидаги эшитилиш жиҳатдан [х′] товушига яқин бўлган товуш бор.

Сўз охиридаги (аффикслардан олдин келганда ҳам) [к] товуши [й] товушига ўтади [к>й]. Мисоллар: *йл.* етъй<етък, ешъйдъ<ешъкнъ, *жл.* эшшәйигә<эшшәгигә (<эшшәк), бъләйгә<бъләккә, бей<бэк, тийгән<тэккән, *йл. Наманг.* йәхшълъй мънән//*ад.-орф.* яхшилик билан, беәдәплъйнъ// *ад.-орф.* беодоблик. *Марғ.* өн төркуллъй йоллъ учкундә йетъп//*ад.-орф.* ўн тўрт кунлик йўлни уч кунда етиб; ешъйдән бэрсәкъ ęнәсъ тәндърдә нэн йэпъп туръптъ//*ад.-орф.* эшикдан борсаки, онаси тандирда нон ёпиб турибди; ешъйдән; кърълп//*ад.-орф.* эшикдан кириб, *Тошк.* челәй//*ад.-орф.* челак; терәй//*ад.-орф.* терак; еләй//*ад.-орф.* элак.

Лаб ундошларидан олдин, сандхи ҳолатда [к] товуши [в] товушига ўтади: *жл.* тvзvв болады<тvзvк болады, элув бэш//эллив бэш<эллик бэш, тиләвмән<тиләк мᶦнән.

[к] товуши сўз бошида, сўз ўртасида, икки унли орасида, сўз охирида сандхи ҳолатда жаранглилашиши ва [г] товушига ўтиши мумкин:

а) сўз бошида: *жл.* гәрнәй<кәрнәй, гәгирдәк<кэкирдәк. (Бу мисолда иккала [к] товуши ҳам [г] га ўтган, шу билан бирга иккинчи [к] товуши унлилар ўртасида жаранглилашганки, бу хил хусусият қипчоқ группасидаги барча ўзбек шеваларига хос.)

Жанубий Хоразм шеваларида сўз бошидаги [к] ундошининг жаранглилашиши нормал ҳодисадир, масалан: гөр//*ад.-орф.* кўр; г е л~г ә л//*ад.-орф.* кел; г ә з и п//*ад.-орф.* кезиб; г ә л ә с и//*ад.-орф.* келгуси; г ә л и н//*ад.-орф.* келин; г ә м ә//*ад.-орф.* кема; г ә р ә к //*ад.-орф.* керак; г ә ч//*ад.-орф.* кеч; гө з//*ад.-орф.* кўз;

б) сўз ўртасида (икки унли орасида): *жл.* э г ъ н<э к ъ н, э г ъ н д ъ э г ъ п//э г ъ б д ж а т ы р, ч и г и т э г ә м и з, т э г ъ н<т э к ъ н, ч э г а д и<ч э к ә д и, с ө г v п//с ө г ъ п<с ө к ъ п, к ө г ә р т к ә н ч ә<к ө к ә р т к ә н ч ә, т и г ъ н г н ә р<т и к ъ н г н ә р, п а қ т а н ъ э г ъ н г н ә р-т и г ъ н г н ә р<п а қ т а н ы э к ъ н г н ә р-т и к ъ й г н ә р, т и г ъ ш<т и к ъ ш;

в) й-ловчи шеваларда (ўзбек адабий тилида ҳам) [к] товуши билан тугаган сўзларга унли билан бошланадиган қўшимчалар қўшилганда [к] товуши [г] га (й у р ә к>й у р ә г ъ м, ч е л ә к> ч е л ә г ъ н г) ўтади;

г) [к>г] сандхи ҳолатда: *жл.* б ө л ә г а д а м<б ө л ә к а д а м, б ө л ә г г ә п, д ж и й ә г а л а м ы з<д ж и й ә к а л а м ы з//*ад.-орф.* жўяк, *жл.* ч ә п ә г у р у п<ч ә п ә к у р у п, к v ч v г д ж э м ә д и< к у ч у к д ж э м ә д и, *йл.* т ө р ә г е к ә д ъ<т е р ә к э к а д и, к е р ә г-ә к ә н<к е р а к э к а н, м у ш у г-ә м ә с<м у ш у к э м а с.

Қиёс қилинг: бир-гъло<бир кило. Бу сўзда ёндош келган сонор [р] товушининг таъсирида [к>г] ҳодисаси рўй берган.

Сандхи ҳолатдаги [к//г] алмашиниши деярли барча ўзбек шеваларида учрайди.

Баъзи сўзлар охирида [к] ундошининг жаранглилашиши Тошкент, Наманган ва баъзи бир бошқа й-ловчи шеваларда спонтан ҳолатда учрайди. *Наманг.* с v й ә г<с v й ә к, о й н ә г<о й н ә к, т о ш к ә л-л ъ г<т о ш к ә н л ъ к, т е р ъ г<т е р ъ к//*ад.-орф.* тирик; б ъ р к v н-л v г<б ъ р к v н л v к, б ө л ә г< б ө л ә к.

Шу позицияда [к//г] алмашиниши тарихий жиҳатдан қарлуқ диалектининг характерли фонетик хусусиятларидан бири бўлган.

Жуда оз бўлса-да, икки унли орасида [нг<к] ҳодисаси учрайди. Мисоллар: *жл.* т и н г ъ л и п қ а р а д ы<т и к и л и п қ а р а д ы (бу сўзда унли товушлар ўртасидаги [к] одатдаги [г] товушига ўтган, сўнг у бурунлашиб [нг] каби талаффуз этилган). Қиёс қилинг: (сўзлар охирида) *Қорабулоқ.* й v р v н г б а:ғ н ы к е-з ә й н v н г, ә р т ә к б ө л v п, с v з ә й н v н г//*Наманг.* с v з ә й н v г, к е з ә й н v г//*ад.-орф.* сузайлик, кезайлик.

Ж-ловчи шеваларда, қипчоқ группасидаги бошқа туркий тиллардаги каби сўз охирида [к] товуши тушиб қолади: к ъ ч̥ ъ<к ъ ч-ъ к, к ъ ч ч ъ с и с v й v м л и б о л а д ы, к э т т ә-к ъ ч и, т и р и< т и-р и к.

Ж-ловчи шеваларда баъзан к э р ә к//*ад.-орф.* *керак* сўзи охиридаги [к] товуши тушиб қолади: к э р ә к>к э р ә, *жл.* д ж и б ә-р и ш к э р ә//*ад.-орф.* юбориш керак.

[к] товушининг тушиб қолиши баъзи унлиларнинг чўзиқ та-

лаффуз этилишига сабаб бўлади: *йл.* дъйқɔнчълък>дъйқɔнчълъ:, қъйънчълък > қъйънчълъ: каби.

Баъзан сўз ўртасида спорадик ҳолда [к] товуши тушиб қолади: *жл.* джэтәләп<джэтәкләп парады//*ад.-орф.* етаклаб боради.

**56- §. [г] фонемаси.** Бу товуш жарангсиз [к] фонемасининг жарангли эквивалентидир. [г] товуши саёз тил орқа портловчи ундош бўлиб, сўзларнинг барча бўғинида кела олади: *жл.* чигът, джигът, эгәр, игәлләмәгън, *жл.* гѳврән//*ад.-орф.* гаврон, *жл.* гvлvм, гvлзар, къргъзмәйди, кvлгv, джvргъзмәкчин болды, джvгән, джигәр, гәп ирип джатыр, гәлә, *йл.* гәлмәгәл, гош(т), търгɔвъч//търгɔуч//търгәк.

Сирғалувчи [г′] товуши [г] фонемасининг комбинатор-факультатив вариантидир: Мисоллар: *жл.* эшәг′ лъ, тэг‘ ъ, кэг‘ън//*ад.-орф.* кейин, *жл.* сәвдәг‘ әр//*ад.-орф.* савдогар, *жл.* мәг′ъс//*ад.-орф.* майиз; тэг′әди, джvгvрг′ән//джvйvргән//*ад.-орф.* югурган, *йл. Марғ.* уч ɔй дег′әндә//*ад.-орф.* уч ой деганда; тъкәдъг′ән мɔшънә//*ад.-орф.* тикадиган машина; олг′әндә//*ад.-орф.* ўлганда; олг′әнәнг кәг′ън.

[г]—[г’] товушлари Жанубий Хоразм шеваларида жуда ҳам юмшоқ бўлиб, сифат жиҳатдан [й] товушига яқинлашади: г’эл г’є н~г’єлєйєн//*ад.-орф.* келган.

Хева шевасидаги ёш авлод тилида [г] товуши [й] товушига тенғ келади ва озарбайжон тилидаги каби [г//й] алмашиниши учрайди.

[г] товуши ўрнида кўпинча тил ўрта жарангли [й] товуши қўлланади. Бу [г>й] ҳодисаси юқоридаги [г>г′] га нисбатан кўпроқ учрайди: *жл.* тийсә//*ад.-орф.* тегса, *жл.* тиймәгән, *йл. Наманг.* хат қɔлугә тейдъ, *жл.* джvйvрәди//*ад.-орф.* югуради, *жл.* ийдим//*ад.-орф.* эгдим, *жл.* сийир//*ад.-орф.* сигир, ийнә//*ад.-орф.* игна, *жл.* иймәди//*ад.-орф.* эгмади, *жл.* ийни//*ад.-орф.* эгни, *жл.* тийирмән//*ад.-орф.* тегирмон, *жл.* нэйә//*ад.-орф.* нега, *жл.* тәйигә//*ад.-орф.* тегига.

Ж-ловчи шеваларда [г] фонемаси баъзан бурун товуши [нг] га ўтади: гvнггvрт<гvгvрт. Қиёс қилинг: чәнгнгәл<чәнгәл.

Ж-ловчи шеваларда [г] фонемаси ўз артикуляциясини ўзгартириб, чуқур тил орқа фрикатив [ғ] товушига ўтиши ҳам мумкин. Бу ҳодиса кишилик олмошлари жўналиш келишиги билан турланганда юз беради: мэгән~маған, сэгән~саған, уғән~оған//*ад.-орф.* менга, сенга, унга.

Баъзи шеваларда [г] товуши тушиб қолади ва иккиламчи даражали чўзиқлик ҳосил бўлади: и:нә//*ад.-орф.* игна.

**57-§. [нг] фонемаси.** Бу товуш шеваларда бир хил эмас.

1. Ж-ловчи ва сингармонистик й-ловчи шеваларда қипчоқ групписига тааллуқли туркий тиллардаги каби [нг] товушининг иккита контраст варианти—тил олди унлилари билан учрайдиган [нг′] ва тил орқа унлилари билан учрайдиган вариантлари бор.

2. Сингармонизмсиз й-ловчи шеваларда биргина [нг] фонемаси

бор. Бу фонема артикуляцион эшитилиш жиҳатдан [нг] ва [нг′] товушлари ўртасидаги оралиқ товуш бўлиб, маълум фонетик шароитларда ё [нг] каби, ёки [нг′] каби эшитилади: *жл.* энəнг, кəлинг, минг, бəрингиз. Бунда [нг] товуши ярим палаталлашган «юмшоқ» характерга эга.

Юқоридагидек, й-ловчи шеваларда ҳам олдинги қатор унлилардан сўнг [нг] фонемаси юмшоқлашади: келънг, əкəнг, тəнгə, дəптəрънг (келтирилган мисоллардаги [нг] товуши «ярим юмшоқ», яъни рус тилидаги «юмшоқ» ундошлар каби характерга эга). Тил орқа унлили сўзларда [нг] товушининг бир оз тил орқа оттенкаси сезилади. Аммо [нг] фонемасининг талаффуздаги бу хил ўзгариши жуда кам учрайди ва бу принципиал фонологик аҳамиятга эга эмас.

Демак, шеваларaро [нг] фонемасининг сифат жиҳатдан характеристикаси тубандагича:

а) ж-ловчи ва сингармонистик й-ловчи шеваларда [нг] фонемаси соф тил орқа бурун товуш бўлиб, бошқа туркий тиллардаги [нг] фонемасига ўхшайди;

б) баъзи й-ловчи шаҳар шеваларида [нг] фонемаси махсус қўшимча **г** ёки **гк** товушлари билан биргаликда келади. Бу хусусият асосан, Самарқанд-Бухоро шеваларида, қисман Тошкент шевасида анлаут (сўз охирида) ҳолатда учрайди. Марғилон шевасидаги [нг] фонемаси ҳеч қандай қўшимча товушларга эга эмас, Тошкент шевасида эса, соф [нг] ва қўшимча товушга эга бўлган [нг$^{г}$] дублетлари мавжуд. Лекин Тошкент шевасидаги [нг] товушига қўшиладиган қўшимча **г** товуши Самарқанд ва Бухоро тип шевалардаги [нг$^{г}$ > нг$^{гк}$] каби [нг] товушининг таркибий қисмини ташкил қилмайди.

Худди ўзбек адабий тилидаги каби кўпчилик шеваларда ҳам сўз ўртасида (икки унли товуш орасида) [нг] товушига нисбатан қаторасига ёндош келадиган [нгг] товушлари бирикмаси кўплаб учрайди: *йл.* йəнггъ, рəнггъ, ɔтəнггъз, кɵнггул, тəнггə.

Й-ловчи шеваларда [нг] товуши [й] товушига ўтади: келдъймъ <келдънгмъ, қɔлдъймъ<қɔлдънгмъ, ɔлдъймъ<ɔлдънгмъ, туръйлə<турънглəр, кетъйлə<кетънглəр, йелкəйъз<йелкəнгъз, йɔлъйз<йɔлънгъз, *Наманг.* қɔрққанъйнəн<қɔрққанънгнəн, қъзъйнъ<қъзънгнъ, бетъйнъ<бетънгнъ, хъзмəтъйдə<хъзмəтънгдə, келтъръйнə<келтърънглə, *Марғ.* бɔлəлəръйъз<бɔлəлəрънгъз, ɔзъйъз>ɔзъйз<ɔзъз<ɔзънгъз, *Марғ., Тошк.* съйнъм<сънглъм.

[нг] ўрнига [й] нинг қўлланилиши (тез талаффузда) бошқа й-ловчи шеваларда ҳам учрайди.

Грамматик формалардаги [нг>й] ва [й] товушининг тушиб қолиши ёрдамчи чўзиқ унлининг пайдо бўлишига сабаб бўлади:

нэнъ:нъ<нэнъйнъ<нэнънгнъ//*ад. -орф.* нонингни, йэздъ:мъ<йэздъймъ<йэздънгмъ//*ад. -орф.* ёздингми.

**[нг]** товуши ўрнига **[й]** товушининг қўлланилиши ва **[нг]** товушининг тушиб қолиши спорадик равишда ж-ловчи шеваларда ҳам учрайди: *ад. -орф.* менинг учун//*жл.* мэничийин//мэни ҮчҮн//мэничин, *ад. -орф* сенинг учун>сэничин, *ад. -орф.* бизнинг учун//биздийичин~биздий ҮчҮн~бизнинг чин~бизичин~биз ҮчҮн, *ад. -орф.* сизнинг учун//сиздийичин~сиздий ҮчҮн~сизингичин~сизичин~сиз ҮчҮн.

Ж-ловчи шеваларда спорадик равишда [гн>в] ҳодисаси учрайди: көвнҮдэ<көнгнҮдэ//*ад. -орф.* кўнглида, бълмэдим көвнигэқандай гэп келди; иштинг қыйыны көнгнҮдэ (>көвнҮдэ) бълинди. Шунингдек, **[нг>н]** ҳодисаси ҳам учрайди: сэн кэлдин<сен келдинг.

Ж-ловчи шеваларда бурун товуши **[нг]** факультатив равишда ўз составидаги портловчи [г] товушини йўқотиб одатдаги бурун товуши **[н]** га айланиши мумкин, масалан: *жл. қур.* мылтыхтын оғыдай//*ад. -орф.* милтиқнинг ўқидай.

## Чуқур тил орқа [қ], [х], [ғ] ундош фонемалари

58-§. **[қ] фонемаси.** Чуқур тил орқа портловчи товушдир. У туркий тиллардаги [қ] товушига мос келади. Ж-ловчи шеваларда бу товуш спирантизацияга учраб, [х] ёки [$қ^{х}$] каби талаффуз қилинади. Ўзбек шеваларида сўзларнинг барча ўринларида келади: *йл. жл.* қуш, қуда, қирқ//қыр, қоруқ, чуқур, *жл.* қэлды// қалды, джақын қалды, джақ//*ад. -орф.* ёқ; қызыл, қызлар ашық//*ад. -орф.* ошиқ, тарқап кэтти, қазық//қэзық, бақырған. *йл. Тошк.* қэрнъ>қэннъ, *жл. қур.* джийэк қэтқэтлап қэса, қэтып қэған, қайық, қана, арық чэвамыз, қарт//қарры, қадымғыны қып отураман, эртэ қэйт, ишингди қоймағын кэчкэ, мэн қойылман, қыйнадым, қэрғача, джолуққансан, қулақ// *Тошк.* қулэқ, тамақ//*Тошк.* тэмэқ; *Марғ.* қақа бэрэсъз, қақа кетйэпсъз, мэн шақа бэрэмэн, у бэшқа қъшлаққа кетэдъ.

Бир бўғинли сўзларда **[қ]** фонемаси максимал орқа оттенкага эга: қақ, қой, қыз, қат, қап//қэп.

[қ] товуши икки унли ўртасида келганда, артикуляцион жиҳатдан бирмунча олд артикуляцияга эга бўлади. Бу ҳолат ўз навбатида талаффузни ҳам осонлаштиради. *жл.* соқым//бордақы.

**[қ]** товуши сўз ўртасида (унлилар орасида) ёки сандхи ҳолатда жаранглилашади ва **[ғ]** товушига ўтади. Бу [қ>ғ] ж-ловчи шевалар учун характерлидир. Й-ловчи шеваларда ва ўзбек адабий

тилида эса бу ҳолат баъзи бир морфологик формаларни ясашдагина учрайди. Й-ловчи шеваларда ва ўзбек адабий тилида [қ>ғ] ҳодисаси охири [қ] товуши билан тугаган сўзларга унли билан бошланадиган аффикслар қўшилгандагина юз беради. Мисоллар: *ад. -орф.* ўртоқ>ў р т о ғ и м, қишлоқ>қ и ш л о ғ и м, қайиқ>қ а й и ғ и м, қовоқ>қ о в о ғ и м и з, қуйруқ>қ у й р у ғ и, қулоқ>қ у л о ғ и м, чанқоқ> ч а н қ о ғ и м. Қиёс қилинг: *Самарқ.* ортэқ>о р т э қ ъ (бу шевада юқоридаги ҳолатда ҳам [қ] товуши жаранглилашмайди). Й-ловчи шеваларда ва ўзбек адабий тилида бир бўғинли сўзлар составидаги (шунингдек, баъзи кўп бўғинли сўзларда) [қ] товуши жаранглилашмайди: *ад. -орф.* оқ (оқи)//*жл.* а қ>а ғ ы, *ад. -орф.* иттифоқ>иттифоқи.

Шеваларда [қ] нинг жаранглилашиши қуйидаги ўринларда учрайди:

а) сўз ўртасида (икки унли ўртасида) ёки қўшимчалар қўшилганда: *жл.* ч ы ғ ы п к э т т и, ч ы ғ а д ж э т ы р//*ад. -орф.* чиқаётир, *жл. қур.* ч ы қ д э с э ч ы ғ а м ы з, т о ғ а й ғ а к э т т и, *жл.* д ж а ғ ы н//*ад. -орф.* яқин; д ж о ғ а т м а қ//*ад. -орф.* йўқотмоқ; о ғ ы//*ад. -орф.* ўқи; с у в а ғ ы з д ы//*ад. -орф.* сув оқизди, ч ы ғ а р д ы//*ад. -орф.* чиқарди; б а ғ ы л ғ а н//*ад. -орф.* боқилган; ч а ғ ы р// *ад. -орф.* чақир, д ж о л у ғ у п қ а л д ы м//*ад. -орф.* йўлиқиб қолдим;

б) унли билан жарангли ундош товушлар ўртасида: *жл.* а й л ы ғ м а//*ад. -орф.* ойликми? *жл.* т а ғ д ы р//*ад. -орф.*тақдир;

в) унли товушлар ёки [й] товуши билан унли товушлар орасида, сандхи ҳолатда: *жл.* к э ч э ғ а й т қ а н//*ад. -орф.* кеча қайтган, *жл.* а ғ э ш э к//*ад. -орф.* оқ эшак; а ғ о т а в//*ад. -орф.* оқ ўтов, *жл. қур.* э й л ы ғ э л а д ы м//*ад. -орф.* ойлик олар эдим; б о л а-ғ а й с а//*ад. -орф.* бўла қолса; а л а-ғ а й с ы н//*ад. -орф.* ола қолсин; д ж о ғ э д и//*ад. -орф.* йўқ эди; б а р ғ а н д ж о ғ-э л и// *ад. -орф.* боргани йўқ ҳали; у з э ғ-а м а с//*ад. -орф.* узоқ эмас; ч а й ғ а й н а т и б б э р э т ы ғ э н//*ад. -орф.* чой қайнатиб берадиган; т и л и т у в р а г э п к э к э м э й-ғ а л а д ы//*ад. -орф.* тили тўғри гапга келмай қолади.

Ж-ловчи шеваларда баъзи сўзлар бошидаги [қ] товуши жаранглилашади: *жл.* ғ а р ғ а//*ад. -орф.* қарға; ғ о з ғ а п т ы//*ад. -орф.* қўзғабди, ғ у з ғ у н//*ад. -орф.* қузғун.

[қ] товушининг (шунингдек, [к] товушининг ҳам) сўз охирида жаранглилашиши Тошкент, Наманган ва бошқа шеваларда ҳам учрайди. Бу жаранглилашиш — спонтан жаранглилашиш бўлиб, буни бизга маълум бўлган фонетик ўзгаришлар билан изоҳлаш қийин, чунки бу ҳодиса шеваларнинг ҳозирги тараққиёт босқичида тобе бўлмаган позицияларда (яъни сўз охирида) сақланиб келмоқда. Мисоллар: *Тошк.* о р т э ғ~ортэ://*ад. -орф.* ўртоқ; қ ъ ш л э ғ~қ ъ ш л э://*ад. -орф.* қишлоқ; *Наманг.* қ ъ р қ~қ ъ р ғ, й о қ~й о ғ, қ ъ л м а қ~қ ъ л м а ғ, *Марғ.* э д э қ~э д э ғ, ҳ э м м э с ъ э д э ғ б о л д ъ.

Қипчоқ группасидаги тиллар консонантизмида, шу жумладан,

ж-ловчи ўзбек шеваларида ҳам [қ>х] ҳодисасининг вужудга келиши ва [х] нинг сингиб бориши бу группа тиллар консонантизмида тарихий-фонологик жиҳатдан прогрессив ҳодисадир.

[қ] нинг спирантизацияси [қ>х] бир хил даражада бўлмаса ҳам, барча ж-ловчи шеваларда учрайди. Бу жиҳатдан ж-ловчи шеваларнинг а-ловчи группалари ва қозоқ тилидагидек [дж] ўрнига [ж] талаффуз қилувчи шевалар қипчоқ консонантизмини интакт ҳолатда сақлаши жиҳатдан консерватив хусусиятга эга. Бу шеваларда [қ>х] ҳодисаси фақат факультатив — комбинатор равишда жарангсиз ундош товушлардан олдин рўй беради.

Бошқа ж-ловчи шеваларда эса бу ҳодиса сўзларнинг барча бўғинларида учрайди: *жл.* т о х с а н//*ад. -орф.* тўқсон; чыхты//*ад. -орф.* чиқди; ч ы х м а ғ а н//*ад. -орф.* чиқмаган; ч ъ х м а й о т у р а д ы//*ад. -орф.* чиқмай ўтиради; м а х с а т.//*ад. -орф.* мақсад; қ ы р х//*ад. -орф.* қирқ; ахлым//*ад. -орф.* ақлим; а х л ы м д ж э т м э г э н, б а ш х а//*ад. -орф.* бошқа; в а х т//*Тошк.* вэхт//*ад. -орф.* вақт.

Бу фонетик хусусият й-ловчи шеваларга ҳам хос. Мисоллар: ч ъ х т у//*ад. -орф* чиқдик; т о х//*ад. -орф.* тўқ; *Наманг.* ч ъ х м э й//*ад. -орф.* чиқмай; қ о х м а с т а н//*ад. -орф.* қўрқмасдан; х а л х н ъ ъ ч ъ д э//*ад. -орф.* халқнинг ичида; қ ъ р х//*ад. -орф.* қирқ; э х с э қ э л//*ад. -орф.* оқсоқол; м э х с э т//*ад. -орф.* мақсад; *Марғ.* қ ъ х т э<қ ъ р х т э//*ад. -орф.* қирқта; ъ р т ъ х~й ъ р т ъ х//*ад. -орф.* йиртиқ; ъ р т ъ х т е л п э й д ъ б э ш ъ н г г э к ъ й м э//*ад. -орф.* йиртиқ телпакни бошингга кийма; ч ъ х т ъ//*ад. -орф.* чиқди, с э х л э й м э н//*ад. -орф.* сақлайман.

Ж-ловчи шеваларда учрайдиган [қ>в] ўзгаришини ҳам юқоридагидек категорияга киритиш мумкин: а й у в//*ад. -орф.* айиқ; *жл. қур.* а й у в а п п а ғ ы м д э р, к ъ р п и й у м ш а ғ ы м д э р; қ а м а в л ы//*ад. -орф.* қамоқли~қамовли.

Қипчоқ группасидаги тилларда сўз охиридаги [қ] товуши тушиб қолади. Бу ҳолат ж-ловчи ўзбек шеваларида ҳам бор: *жл.* т а р ы//*ад. -орф.* тариқ; т а р ы э г э м и з, э к и п у т т а р ы а л д ы қ, қ у р у//*ад. -орф.* қуруқ, *жл.* қ у р у ч а й, қ а т т ы//*ад. -орф.* қаттиқ, *жл.* а ч ч ы//*ад. -орф.* аччиқ, *жл.* с а р ы//*ад. -орф.* сариқ.

Қиёс қилинг: *йл* қ ъ р<қ ъ р қ//*ад. -орф.* қирқ; қ ы р б ъ т т э//*ад. -орф.* қирқ битта.

Тошкент типидаги шеваларда [қ] товушининг тушиб қолиши ўзидан олдинги унлининг чўзиқ бўлишига сабаб бўлади, масалан: йо: у й э м э с//*ад. -орф.* йўқ, у эмас; йо: е р т э к (ертэй) б ъ л м ъ й м э н//*ад. -орф.* йўқ, эртак билмайман; о й ъ н г қ э й э:д э<о й ъ н г қэйэқдэ//*ад. -орф.* уйинг қаерда.

59-§. [х] **фонемаси.** Бу ундош жарангсиз сирғалувчи товуш бўлиб, портловчи [қ] товушининг жуфти. Бу фонема ҳам барча шеваларда учрайди.

Й-ловчи шеваларнинг ундошлар составида [х] фонемаси ўзбек адабий тилидаги каби мустақил бир товуш бўлса, ж-ловчи шеваларда у [қ] билан алмашади. Аммо ж-ловчи шеваларнинг а-ловчи

группачасида [қ] фонемаси шеваларга кираётган баъзи сўзларда [х] товушининг пайдо бўлишига ва унинг [қ] товуши билан алмашмаслигига олиб келмоқда, масалан, *похол, пахта* сўзларидаги каби.

Шунга қарамай, бу шеваларнинг анчагина қисмида ҳали [х] товуши мустақил фонема эмас. Кўпчилик ҳолларда ж- ловчи шевалардаги [х] товуши [$қ_х$] аффрикати каби талаффуз қилинади. Мисоллар: $^{қ}$хат, $^{қ}$хатын, $^{қ}$хожайынды қызыға, $^{қ}$хызматты, $^{қ}$халамайды, $^{қ}$халайық.

Тошкент типидаги й- ловчи шеваларда [х] товуши сифат жиҳатдан бирмунча ўзгаришларга учрайди. Артикуляцион-эшитилиш жиҳатдəн Тошкент шевасидаги [х′] товуши палаталлашган бўлиб, нормал чуқур тил орқа [х] товушига нисбатан бирмунча олд артикуляцияга эга: бəх′мəл, бəх′тлъ, х′əсъс, ъх′тъйɔр, х′əйър.

[х] товуши маълум миқдорда ж- ловчи шеваларда учраса-да, жарангсиз портловчи [қ] товушининг жуфти сифатида фақат ж- ловчи шеваларнинг о- ловчи группачасида ва барча й- ловчи шеваларда учрайди.

[х] фонемаси [қ] фонемасига ўтади: *жл. қур.* қыйал//қайал// *ад. -орф.* хаёл; қатын//*ад. -орф.* хотин; қоджайын, тоқта-тоқта//*ад. -орф.* тўхта-тўхта; қызыл тақта//*ад. -орф.* қизил тахта; мəктəбқана//*ад. -орф.* мактабхона; қызмат, қыл//*ад. -орф.* хизмат, хил; ақтарып//*ад. -орф.* ахтариб; бадбақ//*ад. -орф.* бадбахт; қапа//*ад. -орф.* хафа; мық//*ад. -орф.* мих; мъймəнқана//*ад. -орф.* меҳмонхона; сийирди шɔқы//*ад. -орф.* сигирнинг шохи; қамыр//*ад. -орф.* хамир, *Наманг.* масқара қълъп //*ад. -орф.* масхара қилиб. Қиёс қилинг: *Наманг.* дараққа//*ад. -орф.* дарахтга.

Ж- ловчи шеваларда спорадик равишда [х>в] ҳодисаси учрайди. Мисоллар: жўхори//*жл.* джҮвəри.

Қуйидаги каби сўзларда [х] фонемаси сақланади: *жл. қур.* хɔтыннар, бахшы, ахтарды, хыйанат қылып, хабар қылынгнар, хушлап, бирхълъш, с$^{ы}$х, сыхмɔла, хамыр, тилхат ɔп қойды, дастархан, мохур//*ад. -орф.* муҳр; хорлук, худай, чɔшларынг пахмақ, хəррəк//*ад. орф.* хуррак; хызмат, хызматкəр, хызматынгды қылып. кɔлəй, хақы, хыйалынгды//қыйалынгды//*ад. -орф.* хаёлингни; хошвақ, сахы//*ад. -орф.* сахий.

**60-§. [ғ] фонемаси.** [қ]фонемаси каби чуқур тил орқа ундош, лекин [қ] каби портловчи эмас, балки сирғалувчи товушдир: *жл.* тағы, ағыр, сарғайсын, қалмадығо, зығыр эгəмиз, ғуварланып, ɔған<алған, *жл. қур.* уннан соғун қатты джазды, ғанымларды, ойағы, бойағы, *йл.* ɔғьр, ɔғьз, тɔғ, тоғɔн, ғам, *жл. қур.* мэн шийэрдə сағырларды бағып отурман, ғамнабалды//*ад. -орф* ғамлаб олди; қырғавыл, ғаз, қозғалмай, джалғыз//*ад. -орф.* ёлғиз.

Баъзан ж-ловчи шеваларда [ғ] товуши талаффузда тушиб қолади, бунда [ғ] товушининг иккала томонидаги унли товушлар бир чўзиқ унли каби талаффуз этилади ёки фақат биттагина унли товуш бўлиб, бошқаси тушади: *ад. -орф.* ўғли, ўғлон//*жл.* у:ли, о в л э н<о ғ л э н, Эргэш ШҮкҮр улу; қиёс қилинг: у л, у:л ъ м, *ад. -орф.* ўғри//*жл.* о в р ы//у р р ы, у р р у л а р д ы; *ад. -орф.* ўғрилик//*жл.* у:р л у қ~у р л у қ//о р ы л ы қ; *ад. -орф.* ўғирламоқ// *жл.* у р л а м а қ, у р л а п; *ад. -орф.* боғлади//*жл.* б а в л а д ы// б э й л э д ы; *ад. -орф.* туғмоқ//*жл.* т у в д ы, т у в у п.

Барча ж-ловчи шеваларда [ғ>в] ҳодисаси учрайди: *ад. -орф.* ёғди//*жл.* д ж а в д ы, *ад.-орф.* аччиғи//*жл.* а ч ч у в ы>а ч:у в ы (чўзиқ [ч:] товуши билан), а ч у в ы к э л и п, а ч у в л а н ы п; *ад. -орф.* оғиз//*жл.* а в ы з//э в ы з//эвуз, *жл. қур.* к ө п а в у з б и р б о л с а, б и р а в у з й о қ б о л у р; б и р-э к э в у з, э в з ы; *ад. -орф.* буғдой//*жл.* б у в д а й//б и й д э й; *ад.-орф.* суғордик//*жл. қур.* с у в э р д ы қ, б у п р и г э д э м и з б Ү г Ү н сувэрды; *ад. -орф.* тўғри//*жл.* т у в р а; *ад. -орф.* оғир//*жл.* а в ы р//эвур; *ад. -орф.* бағир//*жл.* б а в ы р//б э в р ы; *ад. -орф.* уруғ//*жл.* у р у в, у р у в ы м; *ад. -орф.* соғ//*жл.* сэв; *ад. -орф.* ағдар//*жл.* эвдар; *ад. -орф.* бўғиб//*жл.* б у в ы п; *ад. -орф.* йўғон//*жл.* д ж у в а н, *жл.* а в р ы й д ы//*ад. -орф.* оғрийди; а в р у в//*ад. -орф.* оғриқ; қ а л д ы р в а ш//*ад. -орф.* қалдирғоч; б у в//*ад. -орф.* буғ.

Ж-ловчи шеваларда [ғ>в] ҳодисаси сўз ўртасида ва сўз охирида ўзак-негизлардагина эмас, аффиксларда ҳам учрайди: э т— э т у в а м ъ н ъ п (бу ерда [ғ>в] ҳодисаси жўналиш келишигида [г~ғ>в] дир).

Баъзи ж-ловчи шеваларда сўз охиридаги [ғ] товуши лаб-лаб [в] товушига ўзгармайди: *жл. қур.* т э ғ, т э ғ д ы н г б э л э н д ж а й ы ғ а ч ы ғ ы п, лекин т э в д ы н г т э ш ы; б э ғ, ч а р б а ғ ы, б э ғ а р а л а п ө т т Ү ғ э з.

Демак, бир шеванинг ўзида у ёки бу фонетик ҳолатларда [ғ] фонемасининг ҳар хил комбинатор вариантлари мавжуд. Фактик материаллар анализи шуни кўрсатдики, кўпинча [ғ] товуши сўз ўртасида ва сўз охирида [в] товушига [ғ>в] ўтади. Бу хусусият, яъни [ғ] товушининг лабланиши ж-ловчи шевалар учун хос хусусиятдир.

Ж-ловчи шеваларда [ғ] товуши [й] товушига [ғ>й] ўтади: *ад. -орф.* й и ғ и н//д ж ы й ы н, *ад. -орф.* сиғмайди//*жл.* с ы й м а й д ы, а в з ы ғ а с ы й ғ а н ч а, *ад. -орф.* сиғинди//*жл.* с ы й ы н д ы.

Шеваларда [ғ > в] ва [ғ > й] ҳодисаларига нисбатан [ғ > х] ҳодисаси жуда кам учрайди. Мисоллар: *ад.-орф.* иғвогар //*жл.* и х в э г э р, *ад.-орф.* доғ //*жл.* д а х.

[ғ] ундоши спорадик равишда [м], [нг] бурун товушларидан сўнг портловчи [ғ'] га ҳам ўтади: *жл.* д ж а м ғ' ы р д ж а в д ы (қиёс қилинг: *Марғ.* қэрангғ'ън), *жл.* қ а р а ғ' ъ, *Марғ.* й э н г ғ' а қ, *жл.* ангғ'ыр-т у н г ғ' у р, *Наманг.* т о н г ғ' у з д э й.

[ғ'] товушининг пайдо бўлишини қиёс қилинг: *жл.* ч ы н ғ' ы р с а < ч ы н г ы р с а //*ад.-орф.* чинқирса; *жл.* ғ у н г-ғ у н г сў-

зида иккинчи компонентдаги [ғ] товуши бурун товуши [нг] дан кейин келса ҳам, портловчи [ғ'] вариантини эмас, балки сирғалувчи [ғ] товушининг хусусиятини сақлаб қолган.

Баъзи шеваларда [ғ] товуши жарангсизланиб, портловчи [қ] товушига ўтади; *жл.* б а қ ч а д а н ө т т v //*ад-.орф.* боғчадан; *жл.* б а ш қ ы н а //*ад.-орф.* бошгина (бу мисолда [г ~ ғ > қ] ҳодисаси рўй берган).

## БЎҒИЗ ТОВУШЛАРИ

Бу категориядаги ундошларга икки товуш: сирғалувчи [ҳ] (мустақил фонема) ва этимологик жиҳатдан араб тилига тааллуқли бўлган ҳамда ўзбек шеваларининг ҳеч бирида мустақил фонема сифатида учрамайдиган портловчи ['] товуши киради.

**61- §. [ҳ] фонемаси.** Бу ундош жарангсиз сирғалувчи бўғиз товуши бўлиб, араб ва форс сўзларида ҳойи ҳавваз ва ҳойи ҳутти ўрнида ишлатилади.

Шеваларaро [ҳ] фонемаси тубандаги ўринларда келади:

1. Й-ловчи ва ж-ловчи шеваларда араб тилидан кирган сўзлардаги ҳойи ҳавваз [ҳ] билан ифодаланади. (Бу хусусият бошқа туркий тилларда, масалан, қорақалпоқ тилида ҳам мавжуд.) Мисоллар: б а ҳ а, ҳ а : в а, б э ҳ и.

Шу билан бирга, [ә[ унлисидан] олдин сўз бошида келган [ҳ] товуши баъзан талаффузда тушиб қолади, унли товуш эса иккинчи даражали чўзиқликка эга бўлади. Масалан, ўзбек адабий тилидаги *ҳар* сўзи қорақалпоқларда ә : р.

[ҳ] товуши кўпинча ундов сўзларда учрайди: у ҳ, а ҳ, у ҳ т э р т т ъ. [ҳ] товуши ж-ловчи шеваларда унли билан бошланган сўзлар олдидан ҳам орттирилиши мумкин: ҳ ә р р ә //*ад.-орф.* арра, ҳ ә й в а н //*ад.-орф.* айвон.

2. Қозоқ тилидаги каби айрим ж-ловчи ўзбек шеваларида [ҳ] товуши фонема сифатида қўлланмайди.

3. [ҳ] товушининг мавжуд бўлиш-бўлмаслигига қараб й-ловчи шеваларни икки группага бўлиш мумкин:

а) мустақил фонема сифатида ишлатиладиган [ҳ] товушига эга бўлган шевалар. Бу шевалар қаторига Фарғона, Марғилон, Қўқон ва бошқа шевалар киради;

б) [ҳ] фонемаси [ҳ] ва [х] товушлари ўртасидаги оралиқ бир товуш, яъни рус тилидаги палаталлашган [х — хь] га яқин [х'] товушига эга бўлган шевалар. Бу шевалар қаторига Тошкент ва унга ёндош й-ловчи шевалар киради. Мисоллар: ҳ э р н э, ҳ э м м э, *йл.* ҳ э в ъ з //*жл.* ҳ а в у з// *Тошк.* х' э в у з, ҳ э с э н, х э д е п, ҳ v р м э т, *жл.* ҳ ә в л и //*ад.-орф.* ҳовли, ҳ и л э //ҳ и й л э, *жл.* ҳ и л ә г ә р //*ад.-орф.* ҳийлакор, *жл.* ҳ ә л и м д и //*ад.-орф.* ҳолимни, *жл.* н ә с ә ҳ ә т //*ад.-орф.* насиҳат, *Тошк.* х' у л к э р, х' э р-ъ ш, *жл.* ҳ и с ә п, р ә й ҳ ә н г v л v, ҳә : , ҳ ә : д ж а қ ы н г қ а л д ы, б ә ҳ ә р, *йл.* ҳ э л и г и, ҳ э қ ъ д э, *жл.* б ә ҳ ә н ә //б ә : н ә, *йл.* ҳ е ч н э р с э, *жл. қур.* ҳ ә ш к ө з v г е к р и м м ә й д и, ҳ ә в ә с, ҳ ә з и р //*ад.-орф.*

ҳозир, *йл.* тэш ҳэнгъллэп кеттъ, *жл.* аҳ урғанда, гаҳи //*ад.-орф.* гоҳо, *жл.* беҳудэ, *йл. Тошк.* х'уркуттъ, *йл.* ҳэптэ, ҳэкvз //ҳокиз, ҳэзил.

Ж-ловчи шевалардаги баъзи сўзларда [ҳ] товуши талаффуз этилиши ҳам, баъзиларида талаффуз этилмаслиги ҳам мумкин. [ҳ] товушининг тушиб қолиши кўпроқ *ад.-орф. ҳайдамоқ* феълида учрайди: *жл. қур.* джэрди амачм
ы
нан айдамаймыз, търэк-
и
тър м нэн айдаймыз, қайтайдэв //*ад.-орф.* қайта ҳайдов, джэрди vч айдадық, қош айдап кэлди.

Бу ҳолат ж-ловчи шеваларда [ҳ] фонемасининг турғун эмаслигини кўрсатади.

[ҳ] товушининг тушиб қолиши ж-ловчи шевалар учун одатдаги ҳодисалардан бўлиб, бу хусусият қисман й-ловчи шеваларда ҳам учрайди.

а) сўз бошида: *жл. қур.* исэп<ҳисэп, исэп қылынг, эли<ҳэли, барған джоғ-али, эвли<ҳэвли, уҳуқ //*ад.-орф.* ҳуқуқ; тишимбэгэн уҳуққа тvшvниб алдым; vкvм<ҳvкvм, нэча джылға vкvм болған, эзир<ҳэзир, айвэннар,<ҳайвэнлар иччи айвэннар (қиёс қилинг: *ад.-орф.* айвон), авыч<ҳавуч; //*ад.-орф.* ҳовуч; vджvм<ҳvджvм, *йл. Наманг.* элъгъ<ҳэлъгъ.

*Ад.-орф. ҳам* (ҳэм) сўзидаги [ҳ] товуши ҳам кўпинча талаффузда туширилади: *жл.* сэнэм<сэн ҳам //*Тошк.* сенэм, *жл.* мағанэм<мэнгэ ҳам, кѳбэм<кѳп ҳэм;

б) сўз ўртасида [ҳ] товушининг тушиб қолиши ўзидан олдинги товушнинг чўзиқ ёки ярим чўзиқ товуш каби талаффуз қилинишига сабаб бўлади. Мисоллар: *йл.* ҳэр шэ:эрдэ<шэҳэрдэ, *жл.* кѳ:нэ<кѳҳнэ, мэ:си<мэҳси, му:тадж<муҳтадж, мэслэ:эт<мэслэҳэт, мэ:ривэн<мэҳривэн, эанг
ы
м нан энангнинг мэ:ри (<*мэҳри*) ғатты; мэ:нэткэш< меҳнэткэш, мэ:мэн<меҳмэн.

Мэш:ур<мэшҳур>мэшкур сўзининг талаффузида [ҳ] товушининг тушиб қолиши натижасида [ш] товуши чўзиқ ёки [ҳ] товуши ўрнига [к] ундоши пайдо бўлади;

в) баъзан сўз охиридаги [ҳ] товуши тамомила тушиб қолади:: гэ..., гэ<гэҳ..., гэҳ //*ад.-орф.* гоҳ:.., гоҳ, *жл.* гvнэ<гvнэҳ, гvнэкэр<гvнэҳкэр, никэ<никэҳ, гvвэ<гvвэҳ.

Баъзи ж-ловчи ва й-ловчи шеваларда сўзлар бошида [ҳ] товуши орттирилади. Бу хусусияти билан улар айрим й-ловчи, шунингдек, ўзбек адабий тилидан фарқ қилади. Мисоллар: ҳэсэл //*ад.-орф.* асал; ҳэййэр //*ад.-орф.* айёр; ҳамач //амач// *ад.-орф.* омоч; *Қорабулоқ* ҳақыл ~ ақыл //*ад.-орф.* ақл; ҳѳрдэк //*ад.-орф.* ўрдак; ҳэйэл//*ад.-орф.* аёл; ҳэйван //*ад.-орф.* айвон; ҳэррэ //*ад.-орф.* арра; ҳэпти //*ад.-орф.* афти. Бу хусусият рус тилидан кирган сўзларда ҳам учрайди: ҳэптик//*ад.-орф.* аптека; ҳаптамабъл//*ад.-орф.* автомобиль.

Унли ва сонор товушлар ёки сандхи ҳолатдаги унли товушлар ўртасида [ҳ] товуши [й] товуши билан алмашади. Мисоллар: *жл.* энәэийәм; алдынгыдайәм(<алдынгыдә ҳәм) қызыл тақтаға джәзылған, қызылыйәм<қызылы ҳәм, эғыйәм<оғы ҳәм, *йл.* уйәм<у ҳәм; *жл.* гvнәйимизди<гvнәҳимизди (қиёс қилинг: гvнәкәр), зийн<зиҳн, мийр<миҳр (қиёс қилинг: мэ:ри), мийрибән<мэҳрибан (қиёс қилинг: мэ:ривэн), мыйманқана //*ад.-орф.* меҳмонхона (Қиёс қилинг: мэ:ман), мийнәткәш>мэ:нәткәш, мийнәт //*ад.-орф.* меҳнат; дыйқан, //*ад.-орф.* деҳқон, *йл. Наманг.* съләгәйәм //*ад.-орф.* сизларга ҳам; болсәйәм, *ад.-орф.* бўлса ҳам; мvнъйәм //*ад.-орф.* буни ҳам.

Ж-ловчи шеваларда спорадик равишда [ҳ > в] ҳодисаси учрайди: сvвбет<сvҳбәт, тәвликә<тәҳликә.

Баъзан [ҳ > қ] ҳодисаси ҳам учрайди: *ад.-орф.* илоҳим //*жл.* ылэқым.

Регрессив ассимиляция: *жл.* мәсси>мәҳси, *йл. жл.* мәккәм<мәҳкәм, мәккәм тэртъп, *жл.* мәккәмә<мәҳкәмә, мәккәмәгә кэтти.

**62- §. Портловчи бўғиз ['] товуши.** Бу товуш араб тилидаги *айн* товуши ўрнида, шунингдек, *ҳамза* ўрнида қўлланилади.

*Айн* ва *ҳамза* [ә] унлисидан ва ундош товушлардан олдин келганда, й-ловчи шеваларда чўзиқ [ә : ] каби талаффуз қилинади: йә:нъ, мә:нэ //*ад.-орф.* яъни, маъно.

*Айн* ва *ҳамза* ўрнида келадиган иккинчи даражали чўзиқлик спорадик равишда ж-ловчи шеваларда ҳам учрайди, лекин кўпчилик ҳолларда бу ундош товуш ж-ловчи шеваларда туширилиб талаффуз қилинади. Мисоллар: *жл.* инам //*ад.-орф.* инъом; вәдә //*ад.-орф.* ваъда; нәләт //*ад.-орф.* лаънат; қәлә //*ад.-орф.* қалъа; тасър //*ад.-орф.* таъсир; тәзим //*ад.-орф.* таъзим; тәрип //*ад.-орф.* таъриф; мәлим //*ад.-орф.* маълум; мәниси //мә:ниси //*ад.-орф.* маъноси.

Ж-ловчи шеваларда *ҳамза* ва *айн* ўрнига тубандаги товушлар алмашиниши мумкин:

а) лаб-лаб [в] : дува //*ад.-орф.* дуо; мvвәллим //*ад-.орф.* муаллим.

б) бўғиз [ҳ]: шәриҳәт //*ад.-орф.* шариат.

## СЎЗНИНГ ФОНЕТИК ТУЗИЛИШИ

**63- §. Сўз** тилнинг товуш томонини ва реал маъно бирлигини ўзида мужассамлантирган конкрет тил бирлигидир. Морфологик жиҳатдан сўз ўзак ва аффиксларга, фонетик жиҳатдан эса бўғин ва товушларга бўлинади.

Бўғин бир ёки бир неча товушлардан — товушлар комплексидан таркиб топган, бир нафас чиқариш билан талаффуз этиладиган тактнинг бир бўлагидир.

Ўз ҳолатига (талаффуз кучига) кўра товуш комплексининг марказида турган товуш бўғин ҳосил қилади. Бошқа товушлар, яъни бўғин ҳосил қилувчи товушга бевосита ёндош бўлган ва бир қадар кучсиз талаффуз қилинадиган товушлар эса бўғин ҳосил қилмайди.

Ўзбек тилида ҳам худди рус тилидаги каби, унли товушлар бўғин ҳосил қилади. Аммо ўзбекча нутқ жараёнида баъзан ундош (одатда сонор) товушнинг бўғин ҳосил қилиши, яъни ўша ундошга ёндош бўлган унли товушнинг тўла редукцияга учраши натижасида туширилиб талаффуз этилиши (унли товушнинг нулга тенг бўлиши) бундан мустаснодир. Демак, ўзбекча сўзлардаги бўғинлар миқдори, одатда, унли товушлар миқдорига тўғри келади. Бошқача қилиб айтганда, сўзда қанча унли бўлса, шунча бўғин бўлади.

Сўзнинг фонетик жиҳатдан бўғинларга бўлиниши морфологик бўлинишига мос келмайди. Масалан, ҳозирги-келаси замон формасидаги *келаман* феъли морфологик жиҳатдан тубандаги морфемаларга бўлинади: *кел/а/ман,* фонетик жиҳатдан ҳам шу сўзда уч қисм бор, аммо бу қисмларнинг бўлиниши бошқачароқ *ке/ла/ман*, яна мисол: морфологик бўлиниш: *ўқи/та/ман*, фонетик бўлиниш: *ў/қи/та/ман.*

**64-§. Бўғинларнинг асосий типлари.** Ўзбек адабий тилида бўғинларнинг асосий типлари қуйидагича:

1) биргина унлидан иборат бўлган бўғин: *а/ка*, *о/на*, *о/та*, *у/ка*, *ў/тин*;

2) унли + ундош: *иш*, *уч*, *ўн*, *ун*, *ош*, *ўч*, *эл;*

3) ундош + унли + ундош: *бур*, *бор*, *даф/тар*, *ки/тоб;*

4) унли + ундош + ундош: *ост*, *уст*, *илм*, *арт;*

5) ундош + ундош + унли: *пре/зидиум*, *ста/кан*, *про/ект;*

6) ундош + унли + ундош + ундош: *дўст*, *мард*, *шарт*, *порт;*

7) ундош + ундош + унли + ундош: *план*, *трак/тор*;

8) ундош + унли + ундош + ундош + ундош: *текст*, *пункт*;

9) ундош + ундош + унли + ундош + ундош: *фронт транс/порт;*

10) ундош + ундош + ундош + унли + ундош: *струк/тура*, *чирчиқ/строй*, *стрел/ка.*

**65-§. Сўз ўзакларида [а], [ә], [э] фонемаларининг тарқалиши.** Ўзбек шеваларида бу фонетик ҳодиса — мазкур фонемаларнинг тарқалиши ўзак ва аффиксларда жуда хилма-хил кўринишларда бўлади.

[а] ўрнидаги [э] ва [ә] фонемалари тубандаги сўзларнинг составида келади:

**1-тип — v*a + c[1]:**

ат *//ад.-орф.* от *//йл.* э т ~ а т *//жл.* а т ~ э т.

---

[1] Бунда V — унли товушни, С — ундош товушни, *белгиси қадимги туркий [а], яъни [э] ёки [ә]товушларига ажралмасдан олдинги товушни билдиради.

ай //*ад.-орф.* ой //*йл.* ɔй //ай //*жл.* ай ~ ɔй ~ әй.

ақ //*ад.-орф.* оқ //*йл.* ɔқ ~ ақ //*жл.* ақ ~ ɔқ.

ач //*ад.-орф.* оч //*йл.* ɔч ~ ач //*жл.* ач ~ ɔч.

ал //*ад.-орф.* ол //*йл.* ɔл ~ әл (қиёс қилинг: әпке < әлип кел) *жл.* ал ~ ɔл (қиёс қилинг: ɔпқой ~ алып қой).

Тубандаги ҳолатлар юқорида кўрсатилган нормалардан мустаснодир:

1. [а > ɔ] — а-ловчи группа шеваларда лаб-лаб [в] товуши билан ёндош ҳолатда: ɔв ~ әв ~ ав;

2. [а > ә] — [й] товуши билан ёндош ҳолатда: бэшәй //*ад.-орф.* беш ой. Бунга спорадик равишда учрайдиган *айт* сўзининг айт > әйт > *Тошк.* ет каби талаффуз қилинишини ҳам киритиш мумкин.

**2-тип. — V*a + C + V*a:**

ата//*ад.-орф.* ота //*йл.* ɔтә ~ ата//*жл.* ата ~ ɔта.

ана //*ад.-орф.* она //*йл.* ɔнә ~ ана //*жл.* әнә ~ инә < ана (қиёс қилинг: ата — энә ~ ата-инә, атамы нан энә).

апа //*ад.-орф.* опа // *йл.* ɔпә ~ апа //*жл.* апа ~ ɔпа.

Ө-ловчи шеваларнинг й-ловчи группаларида бу хил типдаги сўзларнинг биринчи бўғинида мунтазам равишда [ɔ] товуши қўлланилади. А-ловчи шеваларнинг й-ловчи группаларида ҳамда ж-ловчи шеваларда [ɔ] товуши ҳамма вақт ҳам аниқ, равшан талаффуз этилавермайди, заиф эшитиладиган бу товуш шу хусусиятга кўра [а] товушидан фарқланади.

Тошкент шевасида ɔтә ва ɔнә сўзларининг таъсирида маъно жиҳатдан фарқланадиган ɔкә ва әкә дублетлари вужудга келган. Албатта, бу сўзларнинг бошланғич формасида ҳеч қандай а товуши бўлмаган.

**3-тип — C + V*a + C:**

йаш //*ад.-орф.* ёш //*йл.* йɔш ~ йаш //*жл.* джаш ~ джɔш ~ джәш.

чай //*ад.-орф.* чой //*йл.* чɔй ~ чай //*жл.* чай ~ чɔй ~ чәй //*жл.* шай > шәй.

баш //*ад.-орф.* бош //*йл.* бɔш ~ баш //*жл.* баш ~ бɔш.

қаш //*ад.-орф.* қош//*йл.* қɔш ~ қаш//*жл.* қаш ~ қɔш//*жл.* қас.

тал//*ад.-орф.* тол//*йл.* тɔл ~ тал//*жл.* тал ~ тɔл.

бал//*ад.-орф.* бол//*йл.* бɔл ~ бал//*жл.* бал ~ бɔл.

таш//*ад.-орф.* тош//*йл.* тɔш ~ таш//*жл.* таш ~ тɔш (аммо, тәшкән).

бар//*ад.-орф.* бор//*йл.* бɔр ~ бар//*жл.* бар ~ бɔр.

йав//*ад.-орф.* ёв//*йл.* йɔв ~ йав//*жл.* джав ~ джәв ~ джɔв.

йаз//*ад.-орф.* ёз//*йл.* йɔв ~ йаз//*жл.* джаз.

джар//*ад.-орф.* жар//*йл.* джәр//*жл.* джар.

тағ//*ад.-орф.* тоғ//*йл.* тɔғ ~ таг//*жл.* тɔв ~ тав ~ тау.

йақ//*ад.-орф.* ёқ//*йл*, йɔқ ~ йақ//*жл.* джақ.

ғаз//*ад.-орф.* ғоз//*йл.* ғɔз ~ ғаз//*жл.* хаз ~ ғɔз.

сай//*ад.-орф* сой//*йл.* сэй ~ сай//*жл.* сай.

Бу асосий (кўп учрайдиган) нормадан, яъни С + V*a + С ҳолатидан, джэш, чэй типидаги сўзлар мустаснодир. Бу сўзларда [э] товушининг мавжуд бўлиши ёндош ҳолда келган ундош товушлар таъсири билан изоҳланади. Қиёс қилинг: *Анд.* чэч//*ад.-орф.* соч; йэш//*ад.-орф.* ёш.

**4-тип — С + V*a + С + V*a:**

бала//*ад.-орф.* бола//*йл.* бэлэ ~ бала ~ бэлэ//*жл.* бала, бала-чағаларды.

қара//*ад.-орф.* қора//*йл.* қэрэ ~ қара. Қиёс қилинг: қэрэ (сифат) ва қарэ (феъл)//*жл.* қара.

баба//*ад.-орф.* бобо//*йл.* бэбэ ~ баба ~ бувэ//*жл.* бава.

дала//*ад.-орф.* дала//*йл.* дэлэ ~ дала//*жл.* дала.

сана//*ад.-орф.* сана (бироқ, сон)//*йл.* сэнэ ~ сана//*жл.* сана.

Шаҳар типидаги й-ловчи шеваларнинг С + V*a + С + V*a феъл ўзакларида [а > э] ҳолати мунтазам равишда учрайди.

**5-тип — (С) + V*a + (С) + С + V*a + С.**

Бу формула орқали тубандаги составга эга бўлган сўзлар назарда тутилади: **С + V*a + С + С + V*a + С(V*a + С + С + V*a + + С)С + V*a + С + V*a + С + V*a + С + V*a + С.** Мисоллар: йағач//*ад.-орф.* ёғоч//*йл.* йоғэч ~ эғэч ~ йағач ~ ағач//*жл.* ағач ~ ~ эғач ~ эғэч, ўғэч мэламан//*ад.-орф.* ёғоч мола билан, ағач ўй (*Тошк.* йэғэч ой)//*жл.* ағаш.

йаман//*ад.-орф.* ёмон//*йл.* йэмэн ~ йаман ~ йэмэн ~ ~ йэмэн ~ йэмэн//*жл.* джаман ~ джэмэн ≈ джэман, джаман қарындаш.

қазан//*ад.-орф.* қозон//*йл.* қэзэн ~ қазан ~ қэзан ~ қэвэн//*жл.* қазан ~ қэзан, қэра қэзан.

тарақ//*ад.-орф.* тароқ//*йл.* тэрақ ~ тарақ ~ тэрақ//*жл.* тарақ ~ тэрақ.

тамақ//*ад.-орф.* томоқ//*йл.* тэмақ ~ тамақ ~ тэмақ//*жл.* тамақ.

табан//*ад.-орф.* товон//*йл.* тэвэн ~ таван//*жл.* таван ~ тэвэн ~ табан.

саман//*ад.-орф.* сомон//*йл.* сэмэн ~ саман//*жл.* сабан ~ сэбэн ~ сэбэнды арттыма?

сақал//*ад.-орф.* соқол//*йл.* сэқэл ~ сэқал ~ сақэл ~ сақал ~ сэққэл//*жл.* сақал ~ сэқал.

қанат//*ад.-орф.* қанот//*йл.* қэнэт ~ қэнэт ~ қанат //*жл.* қанат ~ қэнэт.

бармақ //*ад.-орф.* бармоқ//*йл.* бэрмэқ ~ бэрмоқ ~ бэрмақ ~ бармэқ//*жл.* бармақ ~ бэрмақ.

башқа//*ад.-орф.* бошқа//*йл.* бэшқа ~ башқа//*жл.* башқа ~ бэшқа;

бэшқа джэргэ сыймайды.

тамға//*ад.-орф.* тамға//*йл.* тамға ~ тэмға//*жл.* тамға.

йантақ//*ад.-орф.* янтоқ//*йл.* йэнтэқ ~ йэнтэқ ~ йэнтақ ~ йантақ//*жл.* джантақ.

йалған//*ад.-орф.* ёлғон//*йл.* йэлғэн ~ йәлғэн ~ йәлған //*жл.* джалған ~ джалғэн ~ джэлған ~ джәлған.

йаланғач//*ад.-орф.* яланғоч//*йл.* йәләнғэч ~ йәләнғач ~ йаланғач//*жл.* джаланғач ~ джалэнғэч.

Кўринадики, **(С) + V*а + (С) + С + V*а + С** типидаги сўзларда қадимги туркий ***а** унлиси ўрнида [э] ёки [ә] фонемаларининг қўлланилиши бир қадар хилма-хил кўринишга эга бўлиши билан фарқланади.

1. Агар сўз охирида чуқур тил орқа [қ] ундоши бўлса (масалан, тамақ каби), у ҳолда иккала [а] товушидан биттаси Фарғона шеваларида (масалан, Марғилон шевасида) — биринчи ўриндаги [а] товуши [э] каби, иккинчисида эса (қ товушидан олдингиси) одатда асл туркий қуйи кўтарилиш ўрта [а] унли фонемаси каби талаффуз этилади.

Баъзи бир мустасноларни ҳисобга олмаганда, Тошкент шевасида ҳар иккала ҳолатда ҳам, одатда, [э] товуши талаффуз қилинади.

2. Ж-ловчи шеваларнинг о-ловчи группалари баъзан Фарғона шевалари (Марғилон шеваси) га яқин турса, баъзан Тошкент шеваларига яқинлашади. Кўпчилик ҳолларда бу хил шевалардаги сўзларнинг товуш составн ўзининг интакт формасини сақлайди. бу жиҳати билан улар а-ловчи шеваларга ўхшайди.

3. Бәйлә типидаги феъл ўзакларида [а > ә] ўтиши [й] товушининг таъсири билан изоҳланади. Аммо [ә < а] ўтишини фонетик сабаблар билангина эмас, балки морфологик сабаблар билан ҳам изоҳлаш мумкин: икки бўғинли ясама феъл ўзакларининг иккала бўғинида ҳам [а] унлиси бўлса, иккала бўғинидаги [а] унлиси [ә] товушига ўзгаради. Қиёс қилинг: *йл.* тәшлә ~ *Тошк.* тәшә (аммо — тэш); *жл.* таш ~ тэш (лекин — тәшкән).

Бу категориядаги мустасноларга юқорида кўрсатилган й-ловчи шеваларда учрайдиган сәнә < сан + а (~ сэн) сўзи ҳам тааллуқлидир.

**66-§. Оғзаки нутқнинг хусусиятлари.** Оғзаки нутқ, одатда, сўз ва сўз бирикмаларининг товуш составини қисқартиришга, нутқ органларининг ишини максимал даражада енгиллаштиришга интилади. Бу хусусият ўзбек тилининг барча лаҳжалари (қарлуқ-чигил-уйғур, қипчоқ, ўғуз), ўз фонетик системасига кўра бир-биридан фарқ қиладиган шевалар учун ҳам хос.

Талаффузнинг содда ва енгил бўлиши бир қанча усулларга — унли ва ундош товушларнинг ҳар хил комбинатор ва позицион ўзгаришларига боғлиқ. Бу ўзгаришлар сўз формаларининг тортилиши (қисқариши)га ва ассимиляция ҳодисаларининг вужудга келишига сабаб бўлади.

**67-§. Аккомодация.** Унли ва ундош товушлар ўртасида вужудга келадиган аккомодация ҳодисаси бир товуш талаффузининг иккинчи товуш талаффузига мослашишидир.

Ҳозирги замон ўзбек адабий тилидаги **и, у, ў** индифферент унлилари тил орқа ундошлар билан мослашади. Масалан, бу унлилар саёз тил орқа **к** ва **г** товушларига ёндош ёки яқин ҳолатда

келганда, уларга мослашиб, олдинги қатор товушларга томон силжийди: кийим [къйъм ~ къ:ъм], кийик [къйък ~ къ:ък], кирди [кирдэ], гилам [гълəм], сигир [съгър ~ съйър ~ съ:ър], кул [кvл], кўл [кол ~ кɵл].

Аксинча, худди ўша унлилар чуқур тил орқа **қ, ғ, х** товушлари билан ёндош келганда, уларга мослашиб, бир қадар тил орқа ҳолатга эга бўлади: қирқ [қьрқ], қиш [қъш], ирғиб [ърғьп], хил [хьл], қўл [қол], қул [қул].

Қиёс қилинг: рус тилида **а, о, у** унлилари юмшоқ ундошлардан кейин келганда, уларга мослашади (бу ҳолат рус орфографиясида **я, ё, ю** белгилари орқали кўрсатилади) ёки рус тилидаги **и** унлиси қаттиқ ундошлардан сўнг келганда, бир қадар тил орқа товуш каби талаффуз қилиниб, **ы** белгиси орқали кўрсатилади: б и л — б ы л, п и л — п ы л, м и л — м ы л каби.

**68-§. Ассимиляция.** Нутқда товушларнинг комбинатор ўзгаришлари орасида энг кўп учрайдиган ҳодисалардан бири ассимиляциядир. Оғзаки нутқда (хилма-хил кўринишга эга бўлган ўзбек шеваларида) унли товушлар, айниқса, ундош товушлар ассимиляцияси жуда кўп учрайди.

**Ассимиляция турлари.** Агар кейинги товуш ўзидан олдин келган товушга ўхшаса, п р о г р е с с и в а с с и м и л я ц и я, аксинча, олдинги товуш ўзидан кейин келган товушга ўхшаса р е г р е с с и в а с с и м и л я ц и я дейилади,

Ассимиляция ўхшатиш даражасига кўра, т ў л и қ ва т ў л и қ с и з бўлиши мумкин. Агар икки ҳар хил товуш ассимиляция натижасида бир хил бўлиб, бир-бирига ўхшаса т ў л и қ а с с и м и л я ц и я (масалан, *Тошк.* т э ш ш ъ < т э ш н ъ, қ ъ з з ъ < қ ъ з н ъ), агар иккала товуш бир-бирига қисмангина, масалан, жарангли ёки жарангсизлигига кўра ўхшаса, у ҳолда т ў л и қ с и з а с с и м и л я ц и я вужудга келади. Тўлиқсиз ассимиляция процессида иккита ҳар хил товуш бир-бирига ўхшаш бўлмаган икки товуш ҳолича қолади, масалан: *ад.-орф.* қэчди [қэчтъ//қэштъ], очди [эчтъ//эштъ], ёпди [йэптъ], қишлоқда [қъшлэқтə]. Оғзаки нутқда норма ҳисобланадиган юқоридаги ассимиляция формалари ҳозирги ўзбек орфографиясида ўз аксини топмаган.

Прогрессив ассимиляция ҳодисасига сингармонизм ҳам тааллуқлидир.

Сингармонизм унлиларнинг гармонияси (уйғунлашиши)дир. Бу ҳодиса икки хил кўринишда бўлади:

1) лингвал гармония [унлиларнинг қаттиқ ва юмшоқлигига кўра гармонияси [оҳангдошлиги];

2) лабиал гармония [унлиларнинг лабланиш ва лабланмаслигига кўра гармонияси [оҳангдошлиги];

Унлиларнинг лингвал гармонияси ўзбек шеваларида турли кўринишга эгадир.

Сингармонизмли й-ловчи ва ж-ловчи шеваларда лингвал сингармонизм қонуни изчиллик билан сақланган. Бу қонуннинг моҳияти шундаки, бир сўз составидаги барча унлилар (қисман ундошлар ҳам) бир хил: олдинги қатор ёки орқа қатор бўлиши шарт, яъни

баъзи сўзларда фақат олдинги қатор унлиларигина [и, Ү, е/э, ө, о], иштирок қилади. Бундай сўзларда тил орқа ундошларидан фақат саёз тил орқа [к, г] товушларигина келиши мумкин.

Аксинча, бошқа сўзларда фақат тил орқа унлилари [ы, у, о, а, э], тил орқа ундошларидан эса чуқур тил орқа ундошларигина [қ, ғ, х] иштирок этиши мумкин.

Сўз ўзак-негизларининг бу хил икки категорияга бўлинишига кўра, уларга қўшиладиган аффикслар ҳам ўша сўз составидаги товушларга мослашади ва улар ҳам икки қаторга (олдинги ва орқа қатор) бўлинади. Мисоллар:

а) олдинги қатор товушларга эга бўлган сўзлар (ўзак-негиз ва аффикслар): йигитләр, тэзрәк, эш: әгимди<эшшәгимди, *жл.* джәширгән, *йл.* еркәкләр, әскәрләргә, *жл.* эктингнәрми? *йл.* әстә: гинә, *жл.* Учәв, джибәриш кэрәк, кэләси, кэтәлмәдим, джүрәгингдә, көргән, көрәйн, кәттәлик, джэрди, Үй-Үйигә ~ өй-өйУгә;

б) орқа қатор товушларга эга бўлган сўзлар (ўзак-негиз ва аффикслар): қавынды, далаға, қылдылар, *жл.* шолардынг алдыға, қойумды, алғанлар~алғаннар, авчылар.

Сингармонизмли шеваларда сингармонизм қонунидан четга чиқиш тубандаги ўринларда учрайди:

1) талаффузи бузилган сўзларда: чайнәк ~ чәйнәк ~ чэйнәк// чэйнък, кәмбәғал, тэнгғур.

Ж-ловчи шеваларда кишилик олмоши сэн сўзи жўналиш келишиги қўшимчасини олганда, сингармонизм қонунига бўйсунмайди: сэн—сэған// саған;

2) баъзи юкламалар, кўмэкчи феъллар ва аффикслар сингармонистик жуфтларга эга, шу сабабли уларнинг ёки олд қатор, ёки орқа қатор вариантлари қўлланилади, масалан:

а) -ғо юкламаси: *жл.* бизга барады дийди-ғо, бълмади-ғо, олди-ғо.

б) *-дә//-дє* юкламаси: кэләди-дє, барди-дә.

в) экән, эмәс кўмакчи феъллари: барәкән<бар-әкән~бәрәкән, джоғәкән <джоғ-әкән~ йоғәкән, турғанәкән< <турған-әкән, апкэткәнәкән<алып кэткән-әкән, узағәмас<узақ эмәс, джаман әмәс<джаман эмәс< >йаманәмәс.

г) *-ғай* (*қолмоқ* феълидан, аффикслашган): көрәғайсын>көрә қалсын, кэтәғайсам<кэтә қалсам.

д) ***-тыған, -дуғон*** аффикслари: *жл.* кәләтыған, өләтыған, бэрәтыған, кәтәтыған *Қорабулоқ.* кәләдуғон, берәдуғон, аладуғон, қыладуғон.

Сўз ўзакларидаги унли товушларнинг ундош товушлар билан комбинацияси натижасида ўзгариши ҳам сингармонизм қонунининг бузилишига сабаб бўлади. Мисоллар: джай~джэй, айт~әйт. Қиёс қилинг: *йл.* қәйердә, қәйдә, қәйғы.

Баъзи й-ловчи шеваларда, масалан, Андижон шевасида ва курама шеваларининг айрим группаларида, лингвал - сингармонизм қону-

нининг қисқариб бориши, яъни юқори кўтарилиш контраст жуфт унлиларнинг бирлашиш ҳоллари учрайди. Бошқача қилиб айтганда, бу шеваларда [и] ва [ы] товушлари Тошкент-Фарғона типидаги й-ловчи шевалар, шунингдек, ўзбек адабий тилидаги каби биргина индифферент [ъ] фонемасига айланган.

Андижон шеваси вокализмидаги конвергенция процесси юқори кўтарилишдаги унлиларга, яъни фақат бир фонема (**и** ва **ы** ўрнига **ъ** фонемаси) гагина хосдир. Бу унли товушларнинг сингармонистик жуфти қисқариб бораётганини кўрсатади.

Бу фонетик ҳодиса (яъни сингармонизм) ўзбек адабий тилига асос бўлган етакчи ўзбек шеваларида асосан учрамайди. Шунинг учун бу шевалар сингармонизмсиз шевалар саналади, чунки уларда унлиларнинг сингармонистик алмашиши ва сўз ўзак - негизларининг принципиал равишда олд ва орқа қаторга бўлиниши йўқ.

Сингармонизмли шеваларда [а/ /ә] унлилари алмашиниши кўпгина аффиксларда учраса, сингармонизмсиз шеваларда эса бу аффиксларнинг фақат олдинги қатор [ ә ] унлиси бўлган дублетигина учрайди. Масалан, кўплик (сон) аффикси ***-лар*** [***-ләр***] ҳозирги ўзбек ёзувида *қил—қилдилар, қол—қолдилар, қиз—қизлар, ота—оталар, ғоз—ғозлар* каби орқа қатор унлили ўзак-негизларга ҳамда *кел—келдилар, кет—кетдилар, гул—гуллар* каби олдинги қатор унлили ўзак-негизларга ҳам қўшила беради.

Унли товушлар икки қаторга бўлинадиган сингармонизмли шеваларда эса бу аффикс икки хил кўринишга эга: орқа қатор ўзак-негизларга - ***лар*** (қылдылар, қәлдылар, қызлар, эталар, ғэзлар) ва олдинги қатор ўзак-негизларга *-ләр* (келдиләр, кетдиләр, гулләр) қўшилади.

Сингармонизмнинг иккинчи кўриниши лабиал гармония (лаб гармонияси) — лаб оҳанги кўпчилик ўзбек шеваларида иккинчи даражали ҳисобланади, лингвал сингармонизмга нисбатан сийрак учрайди.

Лабиал сингармонизм ( лабиал гармония—лаб оҳанги ) қонунида сўз ўзак-негизида лабланган унлилар [у, ү, о, ө,] бўлса, кейинги бўғинлардаги (аффикслар таркибидаги) лабланмаган унлилар лабланади. Юқорида айтганимиздек, лабиал сингармонизм прогрессив ассимиляциянинг бир кўринишидир.

Сингармонизмли й-ловчи шеваларнинг а-ловчи группалари ва ж-ловчи шевалар лингвал сингармонизм қонунининг учрашига кўра алоҳида ўрин тутади. Бу шеваларда ўзакдаги унли товуш аффиксдаги унли товушга мунтазам равишда озми-кўпми таъсир кўрсатади.

Унли товушлардаги лаб гармонияси ( лаб оҳанги ) ўзбек шеваларида сўзларнинг иккинчи ва ундан кейинги бўғинларида юз беради.

1) иккинчи бўғинда: орун, оттуз, ойун, күндүз, *жл.* джүлдүз, *йл.* суйуқ, *жл.* түрлү, *йл.* қудуқтан, күчүк, тонгуз, түгүн, *жл.* джолунг, джолу, өлгүдәй, өлсүн, өттү, күчлү, джүрдү, джүрү, джүргүн, күнү, үйүм, үстүгә, үчүнчи, көрүнгиз, көзү, қорқутты, *жл.* джүзү, шону, қолунг, пулуны, бөрү, сүргүзәтыған, түшүниб алдым, қутулды, сүйүнчи.

2) учинчи бўғинда: к v ч v г v н г н и, *жл.* д ж v з v г v м, з о р л у ғ v ғ а қ а р ш ы, т у р у п т у, v с т v н v, қ у т у л д у қ, о қ у т с у н, д ж v р v к л у, ө т к v з v п, б v л б v л v м, к ө р v н д v, б у р у л у п, у з у п т у.

Җ-ловчи шеваларда сўзларнинг охирги бўғинларида спорадик равишда юқори-ўрта кўтарилиш унлилари талаффуз этилади: д ж у л д у з д о, к ө р у н д ө, о т у р у п т о; қиёс қилинг: т у р у б о д о<т у р у б э д и.

Баъзан бир сўзнинг талаффузида (иккинчи бўғинда) лабланган ёки лабланмаган унли товуш талаффуз этилади: о т ы р, о т ы р а д ы, о т ы р ғ а н (аммо, о т у р а д ы, о т у р а м а н, о т у р ғ а н, о т у р у п, о т у р у п т у).

**Ундошлар ассимиляцияси** барча ўзбек шеваларида мавжуд, аммо унинг тарқалиш доираси бир хил эмас. Баъзи шеваларда ассимиляция ҳодисаси кўп, баъзиларида жуда кам учрайди. Бу барча шеваларда у ёки бу комбинатор шароитда ундош товушларнинг ўзаро ассимиляцияси бир хил эмаслиги билан изоҳланади.

Й-ловчи шаҳар шеваларидан Наманган ва Тошкент шевасида ундош товушлар ассимиляцияси (прогрессив ва регрессив ассимиляция) жуда кўп учрайди.

Ундош товушларнинг прогрессив ассимиляцияси:

*Ад.-орф.* бизни // *Наманг.*, *Тошк.* б ъ з з ъ // *жл.* б и з д ъ // *Марғ.* б ъ з д ъ.

*Ад.-орф.* қорни// *Наманг.*, *Тошк.* қ э р р ъ // *жл.* қ а р д ы //*Марғ.* қ э р д ъ.

*Ад.-орф.* шаҳарни//*Наманг.*, *Тошк.* ш э:э р р ъ//*жл.* ш э : э р д ъ// *Марғ.* ш э:э р д ъ.

*Ад.-орф.* қушни // *Наманг.*, *Тошк.* қушшъ//*жл.* қ у ш т ы//*Марғ.* қ у ш т ъ.

*Ад.-орф.* толни//*Наманг.*, *Тошк.* т э л л ъ//*жл.* т а л д ы//*Марғ.* т э л д ъ.

*Ад.-орф.* қизимни//*Наманг.*, *Тошк.* қ ъ з ъ м м ъ//*жл.* қ ы з ы м д ы// *Марғ.* қ ъ з ъ м д ъ.

*Ад.-орф.* гапни//*Наманг.*, *Тошк.* г э п п ъ//*жл.* г э п т и//*Марғ.* г э п т ъ.

*Ад.-орф.* муштни//*Наманг.*, *Тошк.* м у ш ш ъ.

*Ад.-орф.* жавобни//*Наманг.*, *Тошк.* д ж у в э п п ъ//*жл.* д ж а в а п т ы.

*Ад.-орф.* мамлакатни//*Наманг.*, *Тошк.* м э м л э к э т т ъ//*жл.* м э м л э к э т т и.

*Ад.-орф.* жойимни//*Наманг.*, *Тошк.* д ж э й ъ м м ъ//*жл.* д ж э й и м д и//*Марғ.* д ж э й ъ м д ъ.

*Ад.-орф.* тошни//*Наманг.*, *Тошк.* т э ш ш ъ//*жл.* т а ш т ы~ тэшты//*Марғ.* т э ш т ъ.

*Ад.-орф.* темирни//*Наманг.*, *Тошк.* т е м ъ р р ъ//*жл.* т е м и р д и// *Марғ.* т е м ъ р д ъ.

Ундошларнинг регрессив ассимиляцияси:

*Ад.-орф.* берди//*Наманг.* б е р д ъ>б е д д ъ.

*Ад.-орф.* турди//*Наманг.* т у р д ъ>т у д д ъ.
*Ад.-орф.* бермаса//*Наманг.* б е р м э с э>б е м э с с э
*Ад.-орф.* харидор//*Наманг.* х а р ъ д э р>х э д д э р.
*Ад.-орф.* юрди//*Наманг.* й у р д ъ>й у д д ъ.
*Ад.-орф.* топмай, топмаслар//*жл.* т а п п а й, т а п п а с л а р.
*Ад.-орф.* кекирдак//*Наманг.* к е к ъ р д э к>к е к ъ т т э к.
*Ад.-орф.* бирга//*Наманг.*, *Тошк.* б ъ р л э>б ъ л л э.
*Ад.-орф.* берса//*Наманг.* б е с с э.
*Ад.-орф.* бурнини//*Наманг.*, *Тошк.* б у р н ъ н ъ>б у н н ъ н ъ.
*Ад.-орф.* марта//*Наманг.* м э т т э, б ъ р м э т т э.
*Ад.-орф.* чақирди//*Наманг.* ч а қ ъ р д ъ>ч а қ ъ д д ъ.
*Ад.-орф.* тирноқлар//*Наманг.* т ъ р н а қ л а>т ъ н н э л э.
*Ад.-орф.* ўрним//*Наманг.*, *Тошк.* о р н ъ м>о н н ъ м.
*Ад.-орф.* бир нима//*Наманг.* б ъ р н ъ м э>б ъ н н ъ м э.
*Ад.-орф.* ўтирди//*Наманг.* о л т у р д ъ>о л т у д д ъ.
*Ад-орф.* усталарни//*Наманг.* у с т э л э р н ъ>у с т э л э н ъ.
*Ад.-орф.* буюрди//*Наманг.* б у й у р д ъ>б у й у д д ъ.
*Ад.-орф.* тушса//*Наманг.*, *Тошк.* ч у ш с э>ч у с с э//*ж.л.* ч ʏ ш- с э>ч ʏ с с э.
*Ад.-орф.* ичса//*Наманг.*, *Тошк.* ъ ч с э>ъ с с э.
*Ад.-орф.* маҳкам//*Наманг.*, *Тошк.* м э ҳ к э м>м э к к э м.
*Ад.-орф.* яқинлашди//*Наманг.* й э қ ъ н л э ш т ъ> й э қ ъ л- л э ш т ъ.
*Ад.-орф.* келасанми//*Наманг.*, *Тошк.* к е л э с э н м ъ>к е л э- с э м м ъ?
*Ад.-орф.* замонларни//*Наманг.* з э м э н л э р н ъ>з э м э л л э р н ъ.
*Ад.-орф.* хотинликка//*Наманг.* х э т ъ н л ъ к к э>х э т ъ л л ъ к к э
*Ад.-орф.* атлас//*Наманг.* э т л э с>э л л э с.
*Ад.-орф.* айтсам//*Наманг.* э й т с э м>э т с э м>э с с э м//*жл.* э й с- с э м.

69-§. **Диссимиляция** ассимиляцияга қарама-қарши бўлган фонетик ҳодисадир. Ўзбек тилида диссимиляция ҳодисаси ассимиляция каби кенг тарқалган эмас. Ўзбек шеваларида, одатда, сонор товушларга эга бўлган сўзлар диссимиляция ҳодисасига учрайди. Мисоллар: з э р э р∼з э л э л, д е в э р∼д э в э л∼д е в э л, э н д ж и р∼ э н д ж и л. Қиёс қилинг: р о м э л∼й э м э л.

**Сандхи ҳолатда товушларнинг ўзгариши** махсус пауза билан талаффуз этилмайдиган икки сўзнинг туташган (тўқнашган) жойида вужудга келадиган фонетик ҳодисадир, масалан: *жл.* м а ғ а м б е р м э<м а ғ а н б е р м э, *йл.* с э м-б э л э м<с е н б э л э м, ҳ э й р э м- б о л д ъ м<ҳ э й р э н б о л д ъ м.

Икки сўзнинг туташган жойида баъзи ундош товушлар жаранглилашиши мумкин. Масалан, агар кейинги сўз унли ёки жарангли ундош билан бошланган бўлса, биринчи сўзнинг охиридаги [к] ундоши жаранглилашади: *жл.* б ө л э г-а д а м<б ө л э к а д а м, к ʏ- ч ʏ г-д ж э м э й д и<к ʏ ч ʏ к д ж э м э й д и. Қиёс қилинг: б и р-г ъ л э< б ъ р к ъ л о (бунда [к>г] ҳодисаси сонор [р] товушининг таъсирида юз берган, яъни ассимиляцияга учраган).

70-§. **Спирантизация** бирор портловчи ундош товушнинг портловчилик хусусиятини йўқотиб, сирғалувчи товушга ўтишидир, масалан: *жл.* д ж о л б а р с ~ д ж о л в а р с, ҳ е с ә б ~ ҳ е с ә п (аммо, ҳ е с ә в ә т), *ад.-орф.* сабр қилди//*жл.* с ә в и р қ ы л д ы, *ад.-орф.* юборди//*жл.* д ж v в ә р д и//*йл.* й у в э р д ъ, *жл.* ч а й//ш а й ~ ш ә й, *жл.* ч а ш<ч а ч, а ш<а ч, к v ш<к v ч.

71-§. **Спонтан ўзгаришлар** товушларнинг комбинатор ўзгаришлари натижасида эмас, балки ички сабабиятларига кўра вужудга келадиган товуш ўзгаришларидир. Мисоллар: *Наманг.* с v й ә г//*ад.-орф.* суяк, *Наманг.* т е р и г//*ад.-орф.* тирик, *жл.* ғ а р ғ а//*ад.-орф.* қарға, *Марғ.* э д э ғ ~ э д э қ, *Наманг.* қ ъ р ғ ~ қ ъ р қ.

72-§. **Элизия** — унли ва ундош товушларнинг тушиб қолиши тубандаги ҳолатларда учрайди:

1) сўз ўзак-негизида (алоҳида талаффуз қилинадиган ўзак-негизларда): *жл.* х а р д а р<х а р ы д а р//*Тошк.* х ә р д э р//*Наманг.* х э д д э р//*ад.-орф.* харидор; *жл.* ҳ ә м и й ә т<ә ҳ ә м и й ә т//*ад.-орф.* аҳамият; *жл.* ҳ ә м ш ә<ҳ ә м и ш ә//*ад.-орф.* ҳамиша; *жл.* э к<э к и//*ад.-орф.* икки;

2) сўз ўзак-негизларига қўшимчалар қўшилганда: *жл.* б а л л а р<б а л а л а р; *жл.* э р:д э (бунда **р** товуши чўзиқ талаффуз қилинади) <э р и д э//*ад.-орф.* эриди.

Икки унли товуш (ўзак-негиз охиридаги ва аффикс бошидаги унлилар) ёндош келганда ҳам юқоридагига ўхшаш ҳодиса вужудга келади. Мисоллар: *жл.* и к и+ә в>и к ә в//*ад.-орф.* икков; *йл.* э л т ы+э в>э л т э в//*ад.-орф.* олтов.

Сўз (ўзак-негиз) охиридаги унли товушнинг тўла редукцияга учраши ўзбек адабий тилида, й-ловчи ҳамда ж-ловчи шеваларда мавжуд. Юқори кўтарилиш лабланмаган унли товушларнинг редукцияси кўпчилик ўзбек шевалари учун хос;

3) баъзи икки бўғинли сўзлар охирига унли товуш билан бошланувчи аффикс қўшилганда, иккинчи ёпиқ бўғиндаги унли тушиб қолади: *йл.* қ э р ъ н>қ э р н ъ>қ э н н ъ, б у р у н>б у р н ъ>б у н н ъ ёки м у р у н>м у р н ъ>м у н н ъ, б о й у н>б о й н ъ ёки м о й у н>м о й н у, *жл.* а в у з>э в з ы, *йл.* о ғ ъ л>о ғ л ъ;

4) икки сўз биргаликда талаффуз қилинганда (сандхи ҳолатда) икки хил фонетик ҳодиса юз беради:

а) агар иккинчи сўз унли билан бошланса, биринчи сўз охиридаги унли туширилиб талаффуз этилади: *жл.* а л т а й ғ а ч а<а л т ы а й ғ а ч а, д ж ы л қ ы ч и н д ә<д ж ы л қ ы и ч и н д ә, б и р э к э в у с-с ө з<б и р э к и э в у з с ө з, қ а й т а й д э в<қ а й т а а й д э в, а л т а т<а л т ы а т, н и м и ш<н и м ә и ш?, б а ғ д а ч ы л ғ а н<б а ғ д а а ч ы л ғ а н, с и р и м д ә й т м ә й<с и р и м д и а й т м ә й, а т ә н ә м<а т а-ә н ә м;

б) агар иккинчи компонент ундош товуш билан бошланса ҳам, биринчи сўз охиридаги унли талаффуз қилинмайди: *жл.* э к қ о л ы н ы<э к и қ о л ы н ы, э к к ө з v н г д и<э к и к ө з v н г д и, н а р д ж а қ а<н а р ы д ж а қ а, ш у й а қ қ а р а п<ш у й а қ қ а қ а р а п.

ы
Қиёс қилинг: *жл.* ана шонда>ан шонда>аншонда.

Ж-ловчи ва й-ловчи шеваларда [ъ] унлиси нормал талаффузда ҳам тўла редукцияга учрайди. Қиёс қилинг: *йл.* қонгғ(ъ)рақ (бунда ғ ва р товушлари ўртасидаги унли товуш тўла редукцияга учраган);

5) ўзак-негиз ёки аффикс бошидаги ундош товушлар тушиб қолади:

а) **ҳ**: *жл.* айдаймыз<ҳайдаймыз, уҳуқ<ҳуқуқ;

б) **ш**: *жл.* ишә<шишә;

в) **дж**: *жл.* ийит<джийит;

г) **л**: *жл.* бизәр<бизләр.

6) сўз ўртасида ундош товушлар туширилади:

а) **ҳ**: шә:әр<шәҳәр, көнә<кө:нә<көҳнә;

б) **ғ**: *жл.* улум<у:лум<уғлум, мәрәп<мәғрәп;

в) **в**: *жл.* су:уқ<сувуқ;

г) **г**: и:нә<ийнә<игнә;

д) **й**: *жл.* көләк<көйләк;

е) **п**: *жл.* джуқа<джупқа;

ё) **т**: *жл.* отуз<оттуз, бәтәр<бәттәр;

ж) **д**: *жл.* тәрәди<тәрәддуд;

з) **к**: *жл.* кvнәри<кvкнәри.

и) араб тилидан кирган *«айн»* ва *«ҳамза»* кўпинча нолга тенг бўлади: *жл.* мәлим, тасыр, инам;

7) ўзак-негиз ёки аффикс охирида ундош товушлар тушиб қолади:

а) **ҳ**: *жл.* гvнә<гvнәҳ, *йл.* гъйэ<гъйэҳ;

б) **в**: су<су:<сув, *жл.* бөлv:<бөлvв;

в) **к**: *жл.* кичи<кичик, тири<тирик, *Тошк.* келду:< келдък, қъйънчълъ:<қъйънчълък;

г) **д**: бәлән<бәләнт<бәләнд, хурсән<хурсәнт< хурсәнд;

д) **т**: пәс<пәст, дос<дост;

е) **қ**: *жл.* тары<тарық, қуру<қуруқ, аччы<аччық, қыр<қырқ, *йл.* йо:<йоқ.

ё) **р**: *жл.* тәкрә<тәкрәр, *йл.* йәхшълә<йәхшъләр;

ж) **й**: *жл.* әбри<әбрий:

и и
з) **н**: *жл.* м нә<м нән;

8) икки ўзак-негиз туташган жойда ёки аффикслар қўшилганда, ўзак-негиз бошидаги ёки охиридаги ундош товуш туширилиб талаффуз этилади:

а) **ҳ**: *жл.* барған джоғ-әли<барган джоғ ҳали, мағанам<маған ҳам;

б) **р**: *жл.* гәпирә экән<гәпирәр экән, кәлә эди<келәр эди;

в) **қ**: *йл.* қъшлэ:лъғ-эдәм<қъшлақлък эдәм, *жл.* қуллу восун<қуллуқ болсун.

**73-§. Сўз формаларининг торайиши (тортилиши).** Бу процесс талаффузни максимал даражада осонлаштиради. Бунда бир бўғин ёки бўғинлардаги унли ва ундош товушлар туширилиб талаффуз қилинади. Сўз формаларининг торайиши ўзбек шеваларида кўп учрайди:

1) сўз ўзак-негизларидаги торайиш: *жл.* нэ/нə<нимə//*йл.* ҳəрнə//*ад.-орф.* ҳар нима; *жл.* нэ$^{и}$шмнэн//*ад.-орф.* нима иш билан?; *жл.* нэғыласан?//*ад.-орф.* нима қиласан?; *жл.* нэси< нимəси? (Қиёс қилинг: нэй<нимə); *жл.* кəй<кэйин; *жл.* ман//мəн<м$^{ы}$нан//м$^{ы}$нəн//*ад.-орф.* билан, этанг-ман; бизмэн//*ад.-орф.* биз билан; *жл.* урлап<уғурлап, орлап чықты<ормалап чиқты, орлаш<ормалаш; *жл.* кəсэт< кэсэпəт.

Сўз формаларининг торайиши натижасида унли товуш баъзан чўзиқ талаффуз қилинади: *жл.* у:л<уғул, *Тошк.*, *Наманг.* джə:: <джудə (бунда [ə] унлиси жуда ҳам чўзиқ талаффуз этилади);

2) ўзак-негиз ва аффикс ҳисобига бўладиган торайиш: *жл.* қып< қылып>*йл.* қъп; кэнгнəр<кэлингнəр: *жл.* ап<алып> *йл.* эп; *жл.* əпкєп<алып кэлип>*йл.* опкеп; *жл.* əббэрəди<алып бэрəди, абарды<алып барды>*йл.* эбэрдъ; *жл.* əпкєт<алып кєт>*йл.* эп кет; *жл.* санг<салынг; *жл.* кэнг<кэлинг; *жл.* боб<болыб, бойма<болмайдыма? Қиёс қилинг: *жл.* сэнг-кɵзvнг<сэнинг кɵзvнг; *Тошк.* бзə<б$^{ъ}$зə<бъзлəр, слə<с$^{ъ}$лəр<с$^{ъ}$злəр, *жл.* ийəртип< эргəштирип;

3) аффикслар ҳисобига бўладиган торайиш: *жл.* джvри<джvрəди; *жл.* туру<туурупты; *жл.* болмаймы<болмайдымы? (Қиёс қилинг: бойма?); *жл.* сатқам джоқ<сатқаным джоқ; *жл.* уй-дəмə<ундəй дэмə;

4) икки сўз қўшилганда вужудга келадиган торайиш: *жл.* шvйтvп<шvй этип//*ад.-орф.* шундай қилиб; *жл.* бvйтмəнгнəр< бvй этмəнгнəр//*ад.-орф.* бундай қилманглар, бvйтип<бvй этип//*ад.-орф.* бундай қилиб, *жл.* қайтып<қалай этип// *ад.-орф.* қандай қилиб? қайтайын//*ад.-орф.* қандай қилайин? джимиш<джим болыш; *жл.* боймыды<болмасми эди? (Қиёс қилинг: бойма), боламакэн <болбдыма экэн?//*ад.-орф.* бўлармикан: *жл.* аладым<алар эдим; *жл.* джvрэйдинг<джvрэр эдинг//*ад.-орф.* юрар эдинг; *жл.* бэрмэн< бэри таман; *жл.* нэтипсэн<нэ этипсэн//*ад.-орф.* нима қилдинг, нэтəйин<нэ этəйин//*ад.-орф.* нима қилайин. Қиёс қилинг: *Тошк.* беттə/боттə<бу йердə.

**74-§. Унли ва ундош товушларнинг орттирилиши** сўздаги товушлар миқдорини кўпайтиради ва шу билан бирга узайтиради. Бу ҳодиса, бир томондан, талаффузни осонлаштирса, иккинчи томондан, аксинча тилнинг тарихий-фонетик эволюцияси нуқтаи на-

заридан, баъзи сўзларда орттирилган товушлар талаффузни қийинлаштиради.

1. Унли товушларнинг орттирилиши:

а) сўз бошида: *жл.* ылай<лай, ылай қыламыз;

б) сўз охирида: *жл.* лапы<лап, лапы урмағын//*ад.-орф.* лоф урмагин.

2. Ундош товушларнинг орттирилиши:

а) сўз бошида: ҳ: *жл.* ҳайван<айван, ҳәсәл<әсәл;

дж: *жл.* джылдам<ылдам, джибэк<ипэк, джүзүм<үзүм, джүзүгүм<узугим;

ч: *жл.* чертәк<әртәк;

б) сўз ўртасида: в: *жл.* өвзи<өзи, сүврәт<сүрат, нэвмарт<нэмарт, дувчар>дучар;

й: нэйчә<нечә, кийтини<кэтини, ийгә<эгә;

в) сўз охирида: й: *жл.* сәрпәй<сәрпә, мәникәй<мәники, қудәй<қуда;

н: *жл.* кэтмәкчин<кэтмәкчи, бэрмәкчин<бэрмәкчи. Қиёс қилинг: *жл.* бала-чақан<бала-чақа;

қ: *жл.* мазақ қылып<маза қылып;

г) икки сўзнинг туташган жойида (сандхи): л: *жл.* ҳеллиди<ҳәл эди;

г: *жл.* төмәнгэлдә<төмән элдә;

й: *йл.* буйәмәс<бу емәс, шуйәмәс<шу емәс, уйәмәс<у емәс.

**75-§. Товушларнинг ўрин алмашиши (метатеза).**

р—й: *жл.* дәйрә<дәрйә//*ад.-орф.* дарё, *жл.* пайрәт<парйәт//*ад.-орф.* фарёд, *йл.* борйә<бойрә//*ад.-орф.* бўйра.

*Ад.-орф. ўргат* сўзининг ж-ловчи шеваларда үйрәт каби талаффуз этилиши ҳам метатеза ҳодисасига киради. Бунда товушларнинг ўрин алмашинишидан олдин [г>й] спирантизацияси содир бўлган. Қиёс қилинг: өрдүк>өйрүк;

ҳ—в; *жл.* әвҳәл<әҳвәл//*ад.-орф.* аҳвол;

н—й: *жл.* дүйнә<дүнйа//*ад.-орф.* дунё;

ш—н>нг: *жл.* қонгшу<қошну//*ад.-орф.* қўшни;

п—к: *жл.* өкпә<өпкә. Қиёс қилинг: қақмақ<қапқақ (бунда [қ] ва [п] товушларининг ўрин алмашиши билан бир қаторда [п>м] ҳодисаси ҳам рўй берган).

ла—на: *жл.* айналайын<айланайын; бүгүн иш озғана, айналайын//*ад.-орф.* бугун иш озгина, айланай;

п—р: *жл.* турпах<тупрақ>*йл.* турпәқ;

р—м: *жл.* қумурсқа<қурмусқа;

ғ—м: йәмғур<йағмур.

## АДАБИЁТЛАР


Абдуллаев Ф. А., Чўзиқ унлиларнинг табиати тўғрисида («Ўзбек тили ва адабиёти масалалари», № 3, Тошкент, 1959).

Алиев А. Ю., Ўзбек тили Уйчи шевасининг фонетик хусусиятлари. (Ученые записки Наманганского Госпединститута, вып. III, Наманган, 1957).

Баскаков Н. А., Каракалпакский язык, II, Москва, 1952.

Батманов И. А., Современный киргизский язык, ч. I, Фонетика, Фрунзе, 1952.

Богородицкий В. А., Законы сингармонизма в тюркских языках («Вестник научного общества Татароведения», Казань, 1927).

Боровков А. К., К характеристике узбекских «умляутных» или «уйгуризованных» говоров («Белек» С. Е. Малову, Фрунзе, 1946).

Ишаев А., Манғит шевасининг унлилар системаси (Тошкент Давлат педагогика институтининг илмий асарлари, вып. XII, Тошкент, 1959).

Ишаев А., Манғит шевасида ассимиляция ва диссимиляция ҳодисаси («Ўзбек тили ва адабиёти масалалари», № 3, Тошкент (1959).

Исследования по сравнительной грамматике тюркских языков, I, Фонетика, Москва, 1955.

Киекбаев Ж. Г., Бошқирд тили фонетикаси (бошқирд тилида), Уфа, 1958.

Кононов А. Н., Грамматика современного узбекского литературного языка, Москва—Ленинград, 1960.

Мирзаев М., Ўзбек тилининг Бухоро группа шевалари, Тошкент, 1970.

Поливанов Е. Д., Фонетическая система говора кишлака Икан. (Известия АН СССР, № 7, Ленинград, 1929).

Поливанов Е. Д., Звуковой состав ташкентского диалекта. (Наука и просвещение, Ташкент, 1922).

Поливанов Е. Д., Узбекская диалектология и узбекский литературный язык. Ташкент, 1933.

Поливанов Е. Д., Вокализм говора г. Самарканда (Доклады АН СССР, № 14, Ленинград, 1928).

Решетов В.В., Узбекский язык, I, Ташкент, 1959.

Решетов В. В., Общая характеристика особенностей узбекского вокализма (Труды института языка и литературы АН УзССР, Ташкент, 1949).

Решетов В. В., К вопросу об оканье в тюркских языках (Известия АН Казахской ССР, вып. 1—2 (8—9), Алма-Ата, 1959).

Расянен М., Материалы по исторической фонетике тюркских языков, Москва, 1955.

Шерматов А., Қарши шевасининг айрим фонетик хусусиятлари ҳақида (Тошкент Давлат педагогика институти илмий асарлари, XII, Тошкент, 1959).

Шерматов А., Қарши шеваси ундошларининг характерли хусусиятлари («Ўзбек тили ва адабиёти масалалари», № 1, Тошкент, 1960).

Юдахин К. К., Некоторые особенности карабулакского говора. (Ўзбек диалектологиясидан материаллар», I, Тошкент, 1957.)

Ўзбек диалектологиясидан материаллар, I, 1957, II, Тошкент, 1961.

# МОРФОЛОГИЯ

Ўзбек шевалари адабий тилдан ўзига хос морфологик хусусиятлари билан ҳам фарқ қилади. Бу хусусиятлар, айниқса, турланиш (келишик, эгалик, кўплик), тусланиш (шахс-сон, замон, майл), шунингдек, ясалиш (янги сўз ясаш, форма ясаш) ва шу кабиларда яққол сезилади.

## ТУРЛАНИШ

Ўзбек халқ шеваларидаги турланишга хос хусусиятлар келишик, эгалик ва кўплик аффиксларининг шевалараро ишлатилишида кўринади.

### ҚЕЛИШИҚ ҚАТЕГОРИЯСИ

1-§. Ўзбек адабий тилида келишиклар олтита бўлиб, уларнинг шакли ва маъно хусусиятлари проф. А. Ғ. Ғуломовнинг «Ўзбек тилида келишиклар» асарида муфассал ёритилган. Қелишиклар ўзбек шеваларининг баъзиларида олтита, баъзиларида эса беш ёки тўртта. Беш ёки тўрт келишикка эга бўлган шеваларда икки келишик функциясини биргина аффикс бажаради. Масалан, Тошкент шевасида тушум ва қаратқич келишиклари унлидан сўнг ***-нъ*** аффикси, ундошдан сўнг ассимилятив формалари билан 19 хил шакл орқали ифодаланади. Шунингдек, Қарши шевасида тушум ва қаратқич келишиклари ***-нъ~дъ//-тъ*** аффикси орқали, ўрин-пайт ва жўналиш келишиклари ***-йа~га//-ка//қа*** аффикси орқали ифодаданади.

Қиёс қилинг: ж-ловчи шеваларда:

| Келишиклар | Унлидан сўнг | Ундошдан сўнг |
|---|---|---|
| Б. к. | — | — |
| Қ. к. | -нынг//-нинг | -дынг//-тынг~-динг//-тинг |
| Т. к. | -ны//-ни | -ды//-ты~-ди//-ти |
| Ж. к. | -ға//-гә | -қа//-ға~-гә//~-кә~$\frac{\text{-а}}{\text{-на}}$//$\frac{\text{-ә}}{\text{-нә}}$ |
| Ў-п. к. | -да//-дә | -да//-та~-дә//-тә |
| Ч. к. | -дан//-дән<br>-нан//-нән | -дан//-тан~-дән//-тән~-нан//-нән |

Й-ловчи шеваларда (масалан, Тошкент):

| Келишиклар | Унлидан сўнг | Ундошдан сўнг |
|---|---|---|
| Б. к. | — | — |
| Қ. к. | -нъ | нг, в, й ундошларидан сўнг спорадик равишда -нъ, қолган ҳолларда ўзак-негиз охиридаги ундошга мослашади: -мъ, -лъ, -шъ, -зъ, -гъ |
| Ж. к. | -гә | -гә//-кә~-қә |
| Ў-п. к. | -дә | -дә//-тә |
| Ч. к. | -дән | -дән//-тән |

Фарғона шеваларида:

| Келишиклар | Унлидан сўнг | Ундошдан сўнг |
|---|---|---|
| Б. к. | — | — |
| Қ. к. | -нъ | -дъ//-тъ |
| Ж. к. | -гә | -гә//-кә//-қа |
| Ў-п. к. | -дә | -дә//-тә |
| Ч. к. | -дән | -дән//-тән |

Ўғиз группа шеваларда (масалан, Хева-Урганч):

| Келишиклар | Унлидан сўнг | Ундошдан сўнг |
|---|---|---|
| Б. к. | — | — |
| Қ. к. | -ны//ни | -ны//-ни |
| Ж. к. | -ға//-гә//-йә | -а//-ә<br>-на//-нә |
| Ў-п. к. | -да//-дә | -та//-дә |
| Ч. к. | -дан//-дән | -тан//-дан |

Қарши шевасида:

| Келишиклар | Унлидан сўнг | Ундошдан сўнг |
|---|---|---|
| Б. к. | — | — |
| Қ. к. | *-нъ* | *-нъ~-дъ//-тъ* |
| Ж. ва ў-п. к. | *-йа* | *-га//-ка//-қа* |
| Ч. к. | *-дан* | *-дан//-тан//-нан* |

2-§. **Бош келишик.** Бу келишикнинг ўзбек шеваларида ҳам адабий тилдаги каби грамматик кўрсаткичи йўқ.

3-§. **Қаратқич келишиги.** Ўзбек шеваларидаги қаратқич келишиги ифодаланиш жиҳатидан й-ловчи ва ж-ловчи шеваларда маълум даражада фарқ қилади. Ж-ловчи шеваларда қаратқич келишиги аффикси қуйидаги шаклларда ифодаланади. Унлилардан сўнг: 1) каттиқ ўзак-негизларда *--нынг*: а т а н ы н г; 2) юмшоқ ўзак-негизларда *-нинг*: э н э н и н г; с е н б а р ы п ҳ э м м э н э р с э н и н г е т и д э н т а т ы п к ө р //*ад.-орф.* Сен бориб ҳамма нарсанинг гўштидан тотиб кўр. (*Эртак.*)

Қаратқич келишиги аффикси ўзак-негизда лабланган товушларнинг бўлишига қараб, *-нунг, -нҮнг; -дунг, -дҮнг; -тунг, -тҮнг* шаклида бўлиши мумкин: қ о з у н у н г, б Ү р ν н ν н г, д ж о л д у н г, с Ү з д ν н г, у о қ т у н г, ν р ν ш т ν н г.

Ундошлардан сўнг: а) жарангли ундош билан тугаган қаттиқ ўзак-негизларда *-дынг* (т а в д ы н г); юмшоқ ўзак-негизларда *-динг* (б и з д и н г), б) жарангсиз ундош билан тугаган қаттиқ ўзак-негизларда *-тынг* (а т т ы н г), юмшоқ ўзак-негизларда *-тинг* (и т т и н г) шаклини олади.

Й-ловчи шеваларда эса қаратқич келишиги *-нъ~-дъ//-тъ* аффикслари орқали ифодаланади (бу аффикслар айни вақтда тушумни ҳам ифодалайди). Мисоллар: *Тошк.* қ э р э с ъ н ъ к ө р с э т м ъ й к е т т ъ//*ад.-орф.* қорасини кўрсатмай кетди; *Анд.* с ъ з н ъ ө з ъ й ъ з г э м у н а с ъ п//*ад.-орф.* сизнинг ўзингизга муносиб, у л э р д ъ ν ч о ғ л ъ б а р//*ад.-орф.* уларнинг уч ўғли бор; *Фарғ.* п ъ ч а қ т ъ с э п ъ//*ад.-орф.* пичоқнинг сопи (дастаси).

Тошкент шевасида қаратқич келишиги аффикси *-нъ* ўзи қўшиладиган ўзак-негизнинг қандай ундош билан тугашига қараб, бир неча хил ассимилятив формага эга бўлади.

**нг, в, й** ундошларидан сўнг келганда эса спорадик равишда *-нъ* ҳам сақланади: т э н г н г ъ//т э н г н ъ, с у в в ъ//с у в н ъ, т э й й ъ//т э й н ъ. Қиёс қилинг: *Тагаб.* ч ө й й ъ қ у й//*ад.-орф.* чойни қуй.

Тошкент шевасига хос бу хусусиятлар, қўшимча бошидаги товушнинг ўзак-негиз охиридаги товушга мослашиши Наманган шевасида ҳам учрайди.

Баъзи ўзбек шеваларида (масалан, Иқон, Қорабулоқ ва Ҳазорасп) қаратқич келишиги унлилардан сўнг: *-нынг~-нинг*, ун-

дошлардан сўнг: ***-ынг~-инг*** тарзида ифодаланади: *Қорабулоқ.* атынг, итинг; атинынг, тепәнинг; *Ҳазорасп.* дашынг, копинг, қойлынынг, туйәнинг.

Мисоллар: *Ҳазорасп.* Минг қойлынынг бир қойлыға иши чүшәр//*ад.-орф.* Минг қўйлининг бир қўйлига иши тушар (*Мақол*); түйәнинг ҳөлкичи//*ад.-орф.* туянинг ўркачи; көпинг рысқы көл//*ад.-орф.* кўпнинг ризқи кўл (*Мақол*); Гүнгәләкнинг дилинә әнәси чүшинәр//*ад.-орф.* гунгалак (соқов) нинг тилига онаси тушунар (*Мақол*); Гәрәк дашынг ағрамы йоқ//*ад.-орф.* Кераклитошнинг оғирлиги йўқ (*Мақол.*); си:нәмаған атынг сиртиннән өтмә//*ад.-орф.* Синамаган отнинг сиртидан ўтма (*Мақол.*); *Иқон.* атынг башы//*ад.-орф.* отнинг боши; *Қорабулоқ.* бий байынгки бий қы:зы бар:-әкә //*ад.-орф.* бир бойнинг бир қизи бор экан, мәнә бу өкүзинг кәттәлиги аттақ//*ад.-орф.* мана бу ҳўкизнинг катталиги отдек.

**4-§. Тушум келишиги.** Ўзбек шеваларидаги тушум келишиги ифодаланиш жиҳатидан й-ловчи ва ж-ловчи шеваларда маълум даражада фарқ қилади. Ж-ловчи шеваларда тушум келишиги қуйидаги шаклларда ифодаланади.

Унлилардан сўнг: а) қаттиқ ўзак-негизларда ***-ны*** (атаны), бәланы айтып келди//*ад.-орф.* болани айтиб келди; б) юмшоқ ўзак-негизларда ***-ни*** (әнәни). Сапарбай-әкәни чақырып ке//*ад.-орф.* Сафарбой акани чақириб кел.

Тушум келишиги аффикси ўзак-негизда лабланган товушларнинг бўлишига қараб, ***-ну***, ***-нҮ*** шаклида бўлади: қозуну, түлкүнү; бөрү түлкүнү алдап қозуну джеп кетти//*ад.* *-орф.* бўри тулкини алдаб, қўзини еб кетди. (*Эртакдан.*)

Ундошлардан сўнг: а) жарангли ундош билан тугаган қаттиқ ўзак-негизларда ***-ды***: тавды. Сувды меҳманнарды олдыға қойды//*ад.-орф.* Сувни меҳмонларнинг олдига қўйди; джигитләрди үйгә вотқазды//*ад.-орф.* йигитларни уйга ўтқазди.

Юмшоқ ўзак-негизларда ***-ди***: элди; б) жарангсиз ундош билан тугаган қаттиқ ўзак-негизларда ***-ты***: атты; юшмоқ ўзак-негизларда ***-ти***: итти; Аққыз этты ушлап турупту//*ад.-орф.*: Оққиз отни ушлаб турибди, Мийнәткәштитувра джолға сәлғән//*ад.-орф.* меҳнаткашни тўғри йўлга солган.

Бундай позицияда тушум келишиги аффикси ўзак-негизда лабланган товушларнинг бўлишига қараб, **-ду, -дү, -ту, -тү** шаклида келади: джолду, сөзду, Уоқту, джүрүшүнү; тувра джолду көргән әвәзқан аттынг джүрүшүнү тезләтти//*ад.-орф.* Тўғри йўлни кўрган Авазхон отнинг юришини тезлатди, сөзду билгән сөйләсин, қошуқту билгән тынгләсин//*ад.-орф.* Сўзни билган сўзласин, қўшиқни билган тинглисин.

Й-ловчи шеваларда тушум келишиги ***-нъ ~ -дъ//-тъ*** аффикслари орқали ифодаланади: *Анд.* сен башъйнъ тартәсән//*ад.*

*-орф.* сен бошингни тортасан; *Тошк.* б э л л э н ъ ч э қ ъ р//*ад.-орф.* болаларни чақир; *Наманг.* Й е т т ъ н ч ъ э с м э н д э н э й н ъ д э ғ ь н ь э л ъ п к е л э с э н//*ад.-орф.* Еттинчи осмондан ойнинг доғини олиб келасан (*Эртак.*); *Анд.* ө з ъ й з д ъ т ү т ъ н г//*ад.-орф.* ўзингизни тутинг; *Жиззах.* э д э м д ъ э д э м с э п э р д э с ъ н э й д ъ//*ад. -орф.* одамни одам сафарда синайди (*Мақол*).-М е н б у к ъ т э п т ъ -о қ у п ч ъ қ қ э н//*ад.-орф.* Мен бу китобни ўқиб чиққан (ман); *Ҳазорасп.* Б а л т у т қ а н б а р м а қ ы н ы й а л а р//*ад -орф.* Бол (асал) тутган (сақлаган) бармоғини ялар. (*Мақол.*)

Тошкент шевасида тушум келишиги аффикси *-нъ* ўзи қўшиладиган ўзак-негизнинг қандай ундош билан тугашига қараб, бир неча хил ассимилятив формага эга бўлади.

**п(<б)+-ни>п+-пъ:** қ э п п ъ, к ъ т э п п ъ, ъ ш к э п п ъ//*ад. -орф.* қопни, китобни, шкафни.

**к(<г)+-ни>к+-къ:** т э к к ъ, п е д э г о к к ъ//*ад.-орф.* токни, педагогни.

**дж(<ж)+-ни>дж+-джъ:** т э д ж д ж ъ, г э р э д ж д ж ъ//*ад. -орф.* тожни, гаражни.

**т(<д)+-ни>т+-тъ:** т у т т ъ//*ад.-орф.* тутни.

**з+-ни>з+-зъ:** к о з з ъ, т у з з ъ//*ад.-орф.* кўзни, тузни.

**л+-ни>л+-лъ:** к о л л ъ, й о л л ъ//*ад.-орф.* кўлни, йўлни,

**м+ни>м+-мъ:** съммъ, қуммъ//*ад.-орф.* симни, қумни.

**р+-ни>р+-ръ:** т е м ъ р р ъ, к э м п ъ р р ъ//*ад.-орф.* темирни, кампирни.

**с+-ни>с+-съ:** м ъ с с ъ, ъ с с ъ//*ад.-орф.* мисни, исни.

**х+-ни>х+-хъ:** м ъ х х ъ, ч э х х ъ//*ад.-орф.* михни, чархни.

**ш+-ни>ш+-шъ:** э ш ш ъ, т э ш ш ъ//*ад.-орф.* ошни, тошни.

**ч+-ни>ч+-чъ:** ч э ч ч ъ, э м э ч ч ъ//*ад.-орф.* сочни, омочни.

**қ+-ни>қ+-қъ;** о қ қ ъ//*ад.-орф.* ўқни.

**ғ+-ни>ғ+-ғъ** т у ғ ғ ъ//*ад.-орф.* туғни (байроқни).

Тошкент шевасига хос бундай хусусият Наманган шевасида ҳам учрайди. Тошкент шевасида *-нъ* аффикси **нг, в, й** ундошлардан сўнг келганда спорадик равишда сақланиши ҳам мумкин:

**нг+-ни>нг+-нгъ//й+-нъ** — т э н г н г ъ, э т э й н ъ;

**в+-ни>в+-въ//в+-нъ** — с у в в ъ//с у в н ъ;

**й+-ни>й+-йъ//й+-нъ** — ч э й й ъ//ч э й н ъ.

**5-§. Жўналиш келишиги.** Ўзбек шеваларидаги жўналиш келишиги ифодаланиш жиҳатидан й-ловчи ва ж-ловчи шеваларда маълум даражада фарқ қилади. Ж-ловчи шеваларда жўналиш келишиги қуйидаги шаклларда ифодаланади: қаттиқ ўзак-негизларда: а) унли ва жарангли ундошлардан сўнг *-ға:* о р т а ғ а, с у в ғ а; б) жарангсиз ундошлардан сўнг *-қа:* қ а п қ а, а т қ а;

Юмшоқ ўзак-негизларда: а) унли ва жарангли ундошлардан сўнг *-гэ:* е г и н г э, д ж е р г э; б) жарангсиз ундошлардан сўнг *-кэ:* д ж и п к э, и ш к э.

I ва II шахс эгалик аффиксларидан сўнг бу шеваларда жўналиш келишиги аффикси қаттиқ ўзак-негизларда *-а* (а т а м а, а т а н ғ а), юмшоқ ўзак-негизларда *-э* (и ш и м э, и ш и н г э). Шунингдек-

III шахс эгалик аффиксларидан сўнг қаттиқ ўзак-негизларда *-на* (б о л а с ы н а), юмшоқ ўзак-негизларда *-нә* (с ә р к ә с и н ә) бўлиши мумкин. Мисоллар: б у в а м а к а л х о з д ж а й қ у р ы п б е р д ы//*ад.-орф*. бувамга колхоз жой қуриб берди, м и й н ә т и м ә, к е л б ә т и м ә қ а р а ғ ы н//*ад.-орф*. меҳнатимга, келбатимга қарагин, қ у ш л а р а м б а л а с ы н а м и й р и б а н ғ о//*ад.-орф*. қушлар ҳам боласига меҳрибон-ку, М а т й а қ ы п д v к ә н н ә н ө з и н ә, Y к ә с и н ә д ә п т ә р-қ а л а м а п к е л д и//*ад.-орф*. Матёқуб дўкондан ўзига, укасига дафтар-қалам олиб келди.

Ж-ловчи шеваларда шахс ва кўрсатиш олмошлари жўналиш келишиги билан турланганда м а ғ а н//м е ғ а н, с а ғ а н//с е ғ а н, о ғ а н, ш о ғ а н каби формаларда бўлади. Мисоллар:

Д ж э л ғ э н г ә п т и м о л л а м а ғ ы н,
М а ғ а н о й л а п к о р ә й и н д е п,
Т а ғ ы б и з д и ә л л ә м ә г и н...
С а ғ а н а й т т ы м т у в р а с ө з д v
Ѳ о л д ы р м а ғ ы н қ ы з ы л д ж v з д v.

О ғ а н г ә п а й т ы п т v ш v н т и р а л м ы й с а н//*ад.-орф*. унга гап айтиб тушунтира олмайсан, ш о ғ а н а м қ а п а б о л а с а м а? //*ад.-орф*. шунга ҳам хафа бўласанми?

Ф. Г. Исхақов ўзининг «Олмош» (Сравнительная грамматика тюркских языков, II. Морфология) мақоласида шахс олмошларининг бирликда жўналиш келишиги билан турланган м а ғ а н, с а ғ а н, у ғ а н; о ғ а н каби формаларида учрайдиган *-ған* аффикси охирида **н** нинг пайдо бўлиши ҳозирча номаълум эканини қайд этса-да, унинг пайдо бўлишини қуйидагича уч хил вариантда тахмин қилади: 1) -ғ а н<-ғ а р; 2) о ғ а н <о н ғ а (**н** ва **ғ** метатезаси); 3) о ғ а н<о ғ а<о ғ а р.

*-ған* аффиксида **н** нинг пайдо бўлиши ҳақидаги Ф. Г. Исхаковнинг бу тахминидан биринчи ва учинчиси асосан бир хил қарашдир, яъни [**н**<**р** ёки **н**<—(**нул**)<**р**]. Лекин иккинчиси тўғрироқ бўлиб, уни ҳам маълум даражада тузатиш керак. Ф. Г. Исҳоқов о ғ а н д а **н** нинг пайдо бўлишини **н** ва **ғ** метатезаси деб қарайди. Бундай чоғда жўналиш келишигидаги бу сўз о ғ а н эмас, балки о ғ н а бўлиб қолади. Шунинг учун уни қуйидагича кўрсатиш тўғри бўлади. М а ғ а н, с а ғ а н, у ғ а н (<манға, санға, унға) тип турланган шахс олмошларида **н** ва **ғ** эмас, балки ўзак охиридаги **н** ва аффикс *-ға* ўрин алмаштиргандир;

н+ға<ға + н: ман + ға > ма + ға + н
сан + ға > са + ға +н
ун + ға >у + ға + н.

Бу ҳол айни вақтда бу сўзлар бўғинининг қайта бўлинишига сабаб бўлган. Қиёс қилинг: ман-ға > ма -ған
сан-ға > са-ған
ун-ға>у-ған

Й-ловчи шеваларда жўналиш келишиги аффикси бир неча хил, масалан; *Тошк.*, *Фарғ.* *-гә* (*Тошк.* о й г ә~*Фарғ.* Үйгә), *-кә* (э т к ә), *-қә* (б э қ қ ә); *Хоразм.*, *Хева-Ург.* *-ға* (қ у р в а қ а ғ а), *-йә* (т э н-

гәйә), *-а* (доса), *-ә* (өкизә), ***-на*** (йанына), ***-нә*** (әркинә),

I ва II шахс эгалик аффиксларидан кейин келган жўналиш келишиги аффикси Қорабулоқ шевасида ҳам худди Хоразм шеваларидагидек *-а* ва *-ә* шаклини олади: атыма//*ад.-орф.* отимга, атынга//*ад.-орф.* отингга каби.

Шуни ҳам қайд этиш керакки, Самарқанд—Бухоро шевалари, шунингдек, Қашқадарё водийси шеваларида жўналиш ва ўрин-пайт келишикларини алмаштириб қўллаш умумий ҳолдир. Бу хусусият қисман бўлса-да, Жиззах шевасида ҳам учрайди: озьнггә йоқ эләмгә йоқ//*ад.-орф.* ўзингда йўқ, оламда йўқ.

Бу шеваларда ўрин-пайт келишигини қўллашдан кўра жўналиш келишигини қўллаш устундир. Жиззах шевасида баъзан тушум келишиги ўрнида ҳам жўналиш келишиги ишлатиш ҳоллари учрайди: пәсәжъргә кутъп турьпсъзмъ//*ад.-орф.* пассажирни кутиб турибсизми? каби.

**6- §. Ўрин-пайт келишиги.** Ўрин-пайт келишиги ифодаланиш жиҳатдан й-ловчи ва ж-ловчи шеваларда маълум даражада фарқ қилади. Ж-ловчи шеваларда ўрин-пайт келишиги қуйидаги шаклларда ифодаланади.

Қаттиқ ўзак-негизларда: а) унли ва жарангли ундошлардан сўнг ***-да*** (қолуда, джашында), б) жарангсиз ундошлардан сўнг ***-та*** (қишлақта), юмшоқ, ўзак-негизларда: а) унли ва жарангли ундошлардан сўнг ***-дә*** (өзидә, джерләрдә), б) жарангсиз ундошлардан сўнг ***-тә*** (мийнәткәштә).

Й-ловчи шеваларда ҳам ўрин-пайт келишиги аффикси бир неча хил фонетик вариантларга эга, масалан: *Тошк.*, *Фарғ.* ***-дә*** (болэдә), ***-тә*** (эттә); *Хоразм, Хева-Ург.*, *Ҳазорасп.* ***-да*** (сувда), ***-дә*** (ичиндә), ***-та*** (йуртта).

Самарқанд-Бухоро шеваларида ўрин-пайт ва жўналиш келишикларини алмаштириб, ***-да*** ўрнига ***-га***; ***-га*** ўрнига ***-да*** қўллайдилар. Мисоллар: бу эдамлар санъ элдънгга нъма қъладъ// *ад.-орф.* бу одамлар сенинг олдингда нима қилади?; ман Ўйгә едъм//*ад.-орф.* мен уйда эдим. Қиёс қилинг: бәччәлә мәктәбгә оқЎйдъ//*ад.-орф.* болалар мактабда ўқийди; мактаб шу қъшлэққа//*ад.-орф.* мактаб шу қишлоқда; уйдә бэраман// *ад.-орф.* уйга бораман; у районда кеттъ//*ад.-орф* у районга кетди.

Шуни ҳам айтиш керакки, бу шеваларда жўналиш ва ўрин-пайт келишиклари функциясини асосан ***-га*** аффикси бажаради. Аммо ***-га*** аффиксининг ***-да*** аффиксига алмашиниши йўналиш маъносини билдирмагандагина содир бўлади: районда кеттъ каби.

Бу ҳол Қашқадарё водийси шеваларида ҳам мавжуд. Лекин бу шеваларда ўрин-пайт келишиги вазифасини ҳам фақат жўналиш келишиги аффикси бажаради. Масалан, Қарши шевасида ўрин-пайт келишиги жўналиш келишиги билан ифодаланади: унлидан сўнг ***-йа***, ундошдан сўнг ***-га, -ка,-қа.*** Мисоллар: у катта акасъйа хурмайа қатъх элъп бэрган чэққа йолга йэғмър йэққан//*ад.-орф.* у катта акасига хурмада қатиқ олиб бо-

раётган чоғда йўлда ёмғир ёққан; б у к ъ ш ъ Б у х э р э й а й а ш а й д ъ//ад.-орф. бу киши Бухорода яшайди.

Қўринадики, бу шеваларда ўрин-пайт келишиги ўрнида жўналиш келишиги аффиксини қўллаш устун бўлиб, бу келишикнинг ўз аффикси асосан қўлланмайди. Масалан, қиёс қилинг: *йл. Қарш.* й о л г а р а в э н а б о л г а н; й о л г а ч о п э н у ч р а г а н. С а м а р қ а н д г а б э р у в д у к; С а м а р қ а н д г а й а ш а й д ъ.

7-§. **Чиқиш келишиги.** Чиқиш келишиги ифодаланиш жиҳатидан й-ловчи ва ж-ловчи шеваларда маълум даражада фарқ қилади. Адабий-орфографик ***-дан*** аффикси ўзбек шеваларида бир неча фонетик вариантларга эга.

Ж-ловчи шеваларда чиқиш келишиги қуйидаги шаклларда ифодаланади. Қаттиқ ўзак-негизларда: а) унли ва жарангли ундошлардан сўнг ***-дан*** (қ а р з ы д а н, т а в д а н), б) жарангсиз ундошлардан сўнг ***-тан*** (а т т а н), юмшоқ ўзак-негизларда: а) унли ва жарангли ундошлардан сўнг ***-дэн*** (т е б э д э н, м а р к э з д э н), жарангсиз ундошлардан сўнг ***-тэн*** (б э д р э к т э н); қаттиқ ўзак-негизларда сонор [м, н, нг] товушларидан ва эгалик аффиксларидан сўнг ***-нан*** (т а м н а н, қ а д д ы н г н а н), юмшоқ ўзак-негизларда сонор [м, н, нг] товушларидан ва эгалик аффиксларидан сўнг ***-нэн*** (д ж v з v м н э н, с ө з v м н э н, с v й г э н н э н).

Й-ловчи шеваларда ҳам чиқиш келишиги аффикси ўзи қўшилиб келган ўзак-негизнинг қандай товуш билан тугашига қараб, бир неча хил фонетик вариантларда бўлади, масалан, Тошкент шевасида ***-дэн//-тэн*** (й е р д э н, д э р й э д э н, д э р э х т э н); Фарғона шеваларида ***-дан//-дэн~-тан//-тэн*** (*Фарғ.* қ о л д а н, *Наманг.* к ө п р v к т э н, э с м э н д э н); Хоразм шеваларида ***-дан//-дэн//-тан//-тэн//-нан//-нэн*** (*Ург.* й о п р а қ ы д а н, д э м и р д э н, о т т а н, п а:ч а с ы н а н); Қарши шевасида ***-дан//-тан//-нан*** (б а л а д а н, қ а л а м н а н).

Ўзбек тилининг Туркистон, Иқон ва Қорабулоқ шеваларида чиқиш келишиги аффикси ***-дын*** (у н д ы н, т а м д ы н, а ш х а:н а д ы н), ***-дин*** (э п т э д и н, б е т и д и н, а т а-и н э м д и н), ***тын*** (ч о қ т ы н, з и й а:п а т т ы н), ***-тин*** (Ч и м г э т т и н) каби шаклларда ифодаланади.

Ж-ловчи шевалардаги келишик аффиксларининг фонетик вариантлари:

| | |
|---|---|
| Қаратқич к. | *-нинг//-динг//-тинг*<br>*-нынг//-дынг//-тынг*<br>*-нvнг//-дvнг//-тvнг*<br>*-нунг//-дунг//-тунг* |
| Тушум к. | *-ни//-ди//-ти*<br>*-ны//-ды//-ты*<br>*-нv//-дv//-тv*<br>*-ну//-ду//-ту* |

| | |
|---|---|
| Жўналиш к. | *-гә//-кә//-ә//-нә*<br>*-ға//-қа//-а//-на* |
| Ўрин-пайт к. | *-дә//-тә*<br>*-да//-та* |
| Чиқиш к. | *-дән//-тән//-нән*<br>*-дан//-тан//-нан* |

**Й-ловчи шевалардаги келишик аффиксларининг фонетик вариантлари:**

1. Унли товушдан сўнг.

Қаратқич-тушум к. **-нъ** (*Тошк., Фарғ., Қарши*), **-ны//-ни** (*Хоразм*),
**-нь** (*Тошк., Фарғ., Қарши*), **-ны//-ни** (*Хоразм*).

Жўналиш к. **-гә** (*Тошк., Фарғ.*), **-йа** (*Қарши*), **-ға//-гә //-йә** (*Хоразм*),
**-га**(~**-да**//*Сам.-Бух.*)

Ўрин-пайт к. **-дә**(*Тошк., Фарғ.*), **-йа** (*Қарши*), **-да//-дә** (*Хоразм*),
(**-да**~) *-га* (*Сам.-Бух.*).

Чиқиш к. **-дән** (*Тошк., Фарғ.*), **-дан** (*Қарши*), **-дан //-дән//-нан//-нән** (*Хоразм*), **-дын//-дин** (*Туркистон, Иқон, Қорабулоқ*).

2. Ундош товушдан сўнг.

Қаратқич-тушум к. **нг, в, й** ундошларидан сўнг спорадик равишда **-нъ**, қолган ҳолатларда сўз охиридаги ундошга мослашган ҳолга 19 вариантга эга бўлади. (Мас., **-лъ,-шъ,-мъ, -зъ** ва ш. к.), **-дъ//-тъ** (*Фарғ.*), **-нъ~ -дъ//-тъ** (*Қарши*), **-ны//-ни** (*Хоразм*).

Жўналиш к. *-гә//-кә//-қә* (*Тошк.*), *-гә//-кә//-қа* (*Фарғ.*), *-га//-ка//-қа* (*Қарши*), *-а//-ә* (*Хоразм*), *-га//-ка//-қа* (//*-да//-та*) **-на //-нә** (*Сам.-Бух.*).

Ўрин-пайт к. **-дә//-тә** (*Тошк., Фарғ.*), **-га//-ка//-қа** (*Қарши*), **-та//-дә** (*Хоразм*), **-да//-та// -га//-ка//-қа** (*Сам.-Бух.*).

Чиқиш к. **-дән-//-тән** (*Тошк., Фарғ.*), **-дан//-тан// -нан** (*Қарши*), **-тан//-дан//-нан//-нән** (*Хоразм*), **-дын//-дин//-тын//-тин** (*Туркистон, Иқон, Қорабулоқ*).

Ж̡-ловчи ва й-ловчи шеваларда сўзларнинг келишиклар билан турланиши

Ж̡-ловчи шеваларда:

| | | |
|---|---|---|
| Бош к. | ата | энә |
| Қаратқич к. | атанынг | энәнинг |
| Тушум к. | атаны | энәни |
| Ж̡ўналиш к. | атаға | энәгә |
| Ўрин-пайт к. | атада | энәдә |
| Чиқиш к. | атадан | энәдән |
| Бош к. | қозу | тvлкv |
| Қаратқич к. | қозунинг | тvлкvнvнг |
| Тушум к. | қозуну | тvлкvнv |
| Ж̡ўналиш к. | қозуға | тvлкvгә |
| Ўрин-пайт к. | қозуда | тvлкvдә |
| Чиқиш к. | қозудан | тvлкvдән |
| Бош к. | тав | биз |
| Қаратқич к. | тавдынг | биздинг |
| Тушум к. | тавды | бизди |
| Ж̡ўналиш к. | тавға | бизгә |
| Ўрин-пайт к. | тавда | биздә |
| Чиқиш к. | тавдан | биздән |
| Бош к. | той | сөз |
| Қаратқич к. | тойдунг | сөздvнг |
| Тушум к. | тойду | сөздv |
| Ж̡ўналиш к. | тойға | сөзгә |
| Ўрин-пайт к. | тойда | сөздә |
| Чиқиш к. | тойдан | сөздән |
| Бош к. | ат | ит |
| Қаратқич к. | аттынг | иттинг |
| Тушум к. | атты | итти |
| Ж̡ўналиш к. | атқа | иткә |
| Ўрин-пайт к. | атта | иттә |
| Чиқиш к. | аттан | иттән |
| Бош к. | қуш | тvт |
| Қаратқич к. | қуштунг | туттvнг |
| Тушум к. | қушту | тvттv |
| Ж̡ўналиш к. | қушқа | тvткә |
| Ўрин-пайт к. | қушта | тvттә |
| Чиқиш к. | қуштан | тvттән |

| | | |
|---|---|---|
| Бош к. | мал | эл |
| Қаратқич к. | малдынг | элдинг |
| Тушум к. | малды | элди |
| Жўналиш к. | малға | элгә |
| Ўрин-пайт к. | малда | элдә |
| Чиқиш к. | малдан | элдән |

| | | |
|---|---|---|
| Бош к. | қулун | джvзvм |
| Қаратқич к. | қулундунг | джvзvмдvнг |
| Тушум к. | қулунду | джvзvмдv |
| Жўналиш к. | қулунға | джvзvмгә |
| Ўрин-пайт к. | қулунда | джvзvмдә |
| Чиқиш к. | қулуннан | джvзvмнән |

| | | |
|---|---|---|
| Бош к. | балам | әкәм |
| Қаратқич к. | баламдынг | әкәмдинг |
| Тушум к. | баламды | әкәмды |
| Жўналиш к. | балама | әкәмә |
| Ўрин-пайт к. | баламда | әкәмдә |
| Чиқиш к. | баламнан | әкәмнән |

| | | |
|---|---|---|
| Бош к. | қолум | өзvм |
| Қаратқич к. | қолумдунг | өзvмдvнг |
| Тушум к. | қолумду | өзvмдv |
| Жўналиш к. | қолума | өзvмә |
| Ўрин-пайт к. | қолумда | өзvмдә |
| Чиқиш к. | қолумнан | өзvмнән |

Й-ловчи шеваларда, масалан, Тошкент шевасида:

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| Бош к. | дәлә | тэл | ъш | оқ |
| Қаратқич-туш. к. | дәләнъ | тэллъ | ъшшъ | оққъ |
| Жўналиш к. | дәләгә | тэлгә | ъшкә | оққә |
| Ўрин-пайт к. | дәләдә | тэлдә | ъштә | оқтә |
| Чиқиш к. | дәләдән | тэлдән | ъштән | оқтән |

Фарғона шевасида:

| | | | |
|---|---|---|---|
| Бош к. | шэтъ | чэй | эш |
| Қаратқич-туш. к. | шэтънъ | чэйдъ | эштъ |
| Жўналиш к. | шэтъгә | чэйгә | эшкә |
| Ўрин-пайт к. | шэтъдә | чэйдә | эштә |
| Чиқиш к. | шэтъдән | чэйдән | эштән |

Хева-Урганч шевасида:

| | | |
|---|---|---|
| Бош к. | қуш | гvл |
| Қаратқич-туш. к. | қушны | гvлни |
| Жўналиш к. | қуша | гvлә |
| Ўрин-пайт к. | қушда | гvлдә |
| Чиқиш к. | қушдан | гvлдән |

Қарши шевасида:

| | | |
|---|---|---|
| Бош к. | бала | қалам |
| Қаратқич-туш. к. | баланъ | қаламнъ |
| Жўналиш-ўрин-п. к. | балайа | қаламга |
| Чиқиш к. | баладан | қаламнан |

Қорабулоқ шевасида:

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| Бош к. | ба:ла | тепә | ат | ит |
| Қаратқич к. | ба:ланынг | тепәнинг | атынг | итинг |
| Тушум к. | ба:ланы | тепәни | атны | итни |
| Жўналиш к. | ба:лаға | тепәгә | атқа | иткә |
| Ўрин-пайт к. | ба:лада | тепәдә | атта | иттә |
| Чиқиш к. | ба:ладын | тепәдин | аттын | иттин |

## ЭГАЛИК КАТЕГОРИЯСИ

8-§. Предметнинг уч шахсдан бирига қарашли эканини кўрсатувчи аффикслар й-ловчи Фарғона ва Хоразм шеваларида, асосан, адабий тилдагига мос келса-да, бошқа й-ловчи (Тошкент, Жиззах, Паркент) шеваларда, шунингдек, ж-ловчи шеваларда ўзига хос хусусиятларга эгадир.

Ж-ловчи шеваларда эгалик аффикслари ўзак-негизнинг қаттиқ ва юмшоқлигига кўра бир неча вариантларга эга:

**Унли билан тугаган ўзак-негизда**

| Шахс | Ўзак-негиз | | Бирлик | Кўплик |
|---|---|---|---|---|
| I | лабланмаган унлили | қаттиқ | ***-м*** (а т а м) | ***-мыз*** (а т а м ы з) |
| II | | | ***-нг*** (а т а н г) | ***-нгыз*** (а т а н г ы з) |
| III | | | ***-сы*** (а т а с ы) | ***-лары*** (а т а л а р ы) |
| I | | юмшоқ | ***-м*** (ә к ә м) | ***-миз*** (ә к ә м и з) |
| II | | | ***-нг*** (ә к ә н г) | ***-нгиз*** (ә к ә н г и з) |
| III | | | ***-си*** (ә к ә с и) | ***-ләри*** (ә к ә л ә р и) |
| I | лабланга унлили | қаттиқ | ***-м*** (т о қ л у м) | ***-муз*** (т о қ л у м у з) |
| II | | | ***-нг*** (т о қ л у н г) | ***-нгуз*** (т о қ л у н г у з) |
| III | | | ***-су*** (т о қ л у с у) | ***-лары*** (т о қ л у л а р ы) |
| I | | юмшоқ | ***-м*** (т v л к v м) | ***-мvз*** (т v л к v м v з) |
| II | | | ***-нг*** (т v л к v н г) | ***-нгvз*** (т v л к v н г v з) |
| III | | | ***-сv*** (т v л к v с v) | ***-ләри*** (т v л к v л ә р и) |

**Ундош билан тугаган ўзак-негизда**

| Шахс | Ўзак-негиз | | Бирлик | Кўплик |
|---|---|---|---|---|
| I<br>II<br>III | лабланмаган унлили | қаттиқ | *-ым* (қышлағым)<br>*-ынг* (қышлағынг)<br>*-ы* (қышлағы) | *-ымыз* (қышлағымыз)<br>*-ынгыз* (қышлағынгыз)<br>*-лары//-нары//-дары//-тары* (қышлақлары) |
| I<br>II<br>III | | юмшоқ | *-им* (элим)<br>*-инг* (элинг)<br>*-и* (эли) | *-имиз* (элимиз)<br>*-ингиз* (элингиз)<br>*-ләри//-нәри//-дәри//-тәри* (элләри) |
| I<br>II<br>III | лабланган унлили | қаттиқ | *-ум* (қушум)<br>*-унг* (қушунг)<br>*-у* (қушу) | *-умуз* (қушумуз)<br>*-унгуз* (қушунгуз)<br>*-лары//-нары//-дары//-тары* (қушлары) |
| I<br>II<br>III | | юмшоқ | -v*м* (джvзvмvм)<br>-v*нг* (джvзvмvнг<br>-v (джvзvмv) | -v*м*v*з* (джvзvмvмvз)<br>-v*нг*v*з* (джvзvмvнгvз)<br>*-ләри//-нәри//-дәри//-тәри* (джvзvмләри) |

Мисоллар: *жл.* Сен бир элди баласы, мен бир элди, давушынга давушым оқшармәкән; Сәндә сетәр, көзингнән, мендә сетәр, сетәр чалып отырсәм көйним кетәр; муруттарыға марджан таққан; ойундарынгды қынгдар.

Й-ловчи шеваларлардаги эгалик аффикслари қуйидагилар: ***-м (-им, -ъм), -нг (-инг, -ънг), -и, -ъ (-си, -съ), -миз, -мъз, -мыз, -вуз (-имиз, -ъмъз), -увуз, -нгиз, -нгъз, -йъз (-ингиз, -ънгъз, -ъз), -и, -ъ (-си, -съ).***

Қиёс қилинг: *йл. Хоразм.* атам, атанг, атасы, атамыз, атангыз, атасы (аталары); әлим, әлинг, әли, әлимиз, әлингиз, әли (әлләри); *йл. Жиззах.* бъләйъм, бъләйънг, бъләйъ, бъләйъмъз, бъләйъз, бъләйъ; *Тошк.* бэләм, бэләнг, бэләсъ, бэләвуз, бэләйъз//бэлә:з, бэләсъ//бэлләръ; бэғъм, бэғънг, бэғъ, бэғувуз//бэғуз, бэғъйъз//бэғъз, бэғъ.

Й-ловчи шевалардан Тошкент шевасида эгалик аффиксларининг ишлатилиши ва уларнинг вариантлари қуйидагича:

| Шахс | Унлидан сўнг | | Ундошдан сўнг | |
|---|---|---|---|---|
| | Бирлик | Кўплик | Бирлик | Кўплик |
| I | ***-м*** | ***-вуз//-вузә//-взә*** | ***-ъм*** | ***-увуз//-у:з//-уз//-увузә//-увзә//-у:зә//-узә*** |
| II | ***-нг*** | ***-йъз//-йлә*** | ***-ънг*** | ***-ъйъз//-ъ:з//-ъз//-ъйлә*** |
| III | ***-съ*** | ***-съ//-ләръ*** | ***-ъ*** | ***-ъ//-ләръ*** |

Мисоллар: Ҳунәръ йо: къшънъ, мәзәсъ йо: ъшънъ (*Мақол.*); онә йуртънг омон болсә, рәнгъ-ройънг сомон бо(л)мәс (*Мақол*); Ъссу: созъм — ъсътмә, сову; созъм — совутмә (*Мақол.*); олмовуз [//олмоуз//олмовузә//олмовзә] пъштъ, боғувуз [//боғуз//боғувузә//боғувзә//боғу:зә//боғузә [боғуз] дә джә гул коп; боләйъз [//боләйлә] келдъмъ? ъшъйъз [//ъшъ:з//ъшъз//ъшъйлә] бо:мъ?

Миришкор шевасида;

| Бирлик | Кўплик |
|---|---|
| I ш. өйим | өйvвvз |
| II ш. өйинг | өйийиз//өйләрийиз |
| III ш. өйи | өйләри |

| Бирлик | Кўплик |
|---|---|
| I ш. китовvм | китовvвvз |
| II ш. китовvнг | китовийиз//китовләрийиз |
| III ш. китови | китовләри |

Шуниси характерлики, эгалик аффикслари фақат отларгагина эмас, сифатдошларга ҳам қўшилиб кела олади: йейәрънъ йеп, ъчәрънъ ъчъп// *ад.-орф.* еярини еб, ичарини ичиб.

Эгалик аффикслари айниқса ***-ган*** билан ясалган сифатдошларга қўшилиб келади: оқъгәнъм оқъгән каби.

Тошкент тип шеваларда охири [о] билан тугаган сўзларга эгалик аффикси қўшилганда, биринчи ва иккинчи шахсда (бирликда ҳам, кўпликда ҳам) турланган шу сўз билан эгалик орасида [й] товуши орттирилади:

| Бирлик | Кўплик |
|---|---|
| I ш. пәрвойъм | пәрвойуз//<пәрвойувуз |
| II ш. пәрвойънг | пәрвойъз |
| III ш. пәрвосъ | пәрвосъ |

Рус тили орқали кирган сўзларга (бундай сўзлар *ад.-орф*: о [-э] билан тугаган бўлса) эгалик аффикси қўшилганда, барча шахсларда бир [ҳ], баъзан [й] орттирилади:

| | Бирлик | Кўплик |
|---|---|---|
| I ш. | перэҳъм//перэйъм | перэҳуз//<перэҳувуз |
| II ш. | перэҳънг//перэйънг | перэҳъз//перэйъз |
| III ш. | перэҳъ | перэҳъ |

Айрим сўзларнинг учинчи шахсида эгалик аффикси кетма-кет қўшилиши мумкин: съйнъсъ, йәрмъсъ, унъсъ каби.

Тошкент шевасида қаратқич ва қаралмиш муносабатида биринчи шахс кўплигида (бъззъ оғъл каби), Жиззах шевасида эса иккинчи шахсида эгалик аффикси тушиши мумкин: бъздъ мәктәп, създъ қъшлэғ каби.

Тошкент шевасида учрайдиган эгалик аффиксининг I шахс кўплиги **-(у) вуз** бўлиб, унда [м] нинг [в] га ўтиши [м>в] ва [в] нинг таъсири билан [ъ] нинг лабланиши [ъ>у] натижасида -(ъ) миздан ўзгариб, [-(у)**вуз**<-(ъ)**мъз**] бўлган: дәләмъз>дәләвуз, ойъмъз>ойувуз>ойу:з. Қиёс қилинг: келдъмъз>>келдувуз>келду:з>келдуз.

Худди, шунингдек, II шахс кўплик -(ъ)**йъз** ҳам икки унли орасида [нг] нинг [й] га ўтиши [нг>й] натижасида -(ъ)**нгъз** дан ўзгаргандир [-(ъ)**йъз**<(ъ)**нгъз**]; этәнгъз>этәйъз, козънгъз>козъйъз>козъ:з>козъз. Қиёс қилинг: бэрдънгъз>бэрдъйъз>бэрдъ:з>бэрдъз.

Эгалик аффикслари тартиб жиҳатдан, одатда, ўзак-негизга бевосита қўшилиб келади, агар сўз кўпликда бўлса, у чоғда кўплик аффиксидан сўнг келади:

| | Бирлик | Кўплик |
|---|---|---|
| I ш. | къйъмләръм | къйъмләръмъз |
| II ш. | къйъмләрънг | къйъмләръйъз |
| III ш. | къйъмләръ | къйъмләръ |

Тошкент тип шеваларда эгалик аффикси кўплик аффиксидан олдин келиши ҳам мумкин. Солиштиринг: *Тошк.* узумъйлә, бэғъйлә; *Фарғ.* узумләрънг, бағләрънг.

Адабий тилда ўзакдаги айрим унлининг тушиши ва охирги **к, қ** нинг жаранглилашишидан ташқари, эгалик аффикслари ўзакка, асосан, таъсир қилмайди. Шеваларда эса эгалик аффиксининг қўшилиши натижасида ўзак-негизда айрим ўзгаришлар рўй беради:

[ъ] тушади: *йл.Тошк.* қэннъм, қэннънг, қэннъ (<қэрън); қойнъм, қойнънг, қойнъ (<қойън).

[у] тушади: *йл.Тошк., Жиззах.* буннъм, буннънг, буннъ (<бурун).

[ә] тушади: *йл.Тошк.* шәҳръм, шәҳрънг, шәҳръ (<шәҳәр); зәҳръм, зәҳрънг, зәҳръ (<зәҳәр).

[қ>ғ]: *йл.* о р т э ғ ъ м, о р т э ғ ъ н г, о р т э ғ ъ (<о р т э қ); қ ъ ш л э ғ ъ м, қ ъ ш л э ғ ъ н г, қ ъ ш л э ғ ъ (<қ ъ ш л э қ): Қиёс қилинг: *жл.* о ғ у (<о қ).

Бу ҳодиса бир бўғинли сўзларда (й о ғ ъ — б э р - й о ғ ъ мустасно), шунингдек, араб-форс тилидан қабул қилинган кўп бўғинли сўзларда учрамайди: *йл.* ъ т т ъ п э қ ъ м, ъ т т ъ п э қ ъ каби; Аммо ж-ловчи шеваларда эса, ҳамма ҳолатларда учрайверади: *жл.* т о ғ ы (<т о қ ы) // *ад.-орф.* тўқи; а ғ ы (<а қ ы)//*ад.-орф.* оқи; п ы р а ғ ы (<п ы р а қ ы) // *ад.-орф.* фироқи; и н т и в а ғ ы (<и н т и в а қ ы) // *ад.-орф.* иттифоқи.

[к>г]: *йл.* б ъ л ә г ъ м, б ъ л ә г ъ н г, б ъ л ә г ъ (<б ъ л ә к), е л ә г ъ м, е л ә г ъ н г, е л ә г ъ (<е л ә к) Қиёс қилинг: *Жиззах.* ъ т ъ й ъ м, ъ т ъ й ъ н г, ъ т ъ й ъ (<е т ъ к).

Бу ҳодиса ҳам й-ловчи шеваларда бир бўғинли сўзларда учрамайди (т э к<т э к ъ каби), аммо ж-ловчи шеваларда бир бўғинли сўзларда ҳам учрайди: к ө к<к ө г и каби.

[нг>й]: *йл. Тошк.* к о й н ъ м, к о й н ъ н г, к о й н ъ (<к о н г ъ л); с ъ й н ъ м, с ъ й н ъ н г, с ъ й н ъ // с ъ й н ъ с ъ (<с ъ н г ъ л); е й н ъ м, е й н ъ н г, е й н ъ (<е н г ъ л). Қиёс қилинг: қ о л ъ й н ъ (қолънгнъ), б э ш ъ й н ъ (<б э ш ъ н г н ъ).

[нг>в]: *жл.* к ө в н v м, к ө в н v н г, к ө в н v // *ад.-орф.* кўнгил.

[п>б]: *жл.* г ә б и м, г ә б и н г, г ә б и // *ад.-орф.* гап; қ а б ы м, қ а б ы н г, қ а б ы // *ад.-орф.* қоп.

Қатағон ва Намангандаги ж-ловчи шеваларда эса бу сўзларда [п>б] ҳодисаси эмас, балки [п>в] ҳодисаси учрайди: г ә п > г ә в и, е с ә п > е с ә в и (//*ад.-орф.* ҳисоб), қ а п > қ а в ы каби.

Й-ловчи Хоразм шеваларида бир бўғинли сўзларга эгалик аффикслари қўшилганда, ўзакдаги унли чўзилади: с ө з > с ө : з и, н а н > н а : н ы каби.

Юқорида кўрганларимиз конкрет эгалик ҳисобланади. Бундан ташқари адабий тилда, шунингдек, шеваларда ҳам конкрет объектдан холи бўлган абстракт эгаликни ҳам ифодалаш мумкин. Бундай эгалик от ёки олмошларга ***-нъкъ ~ -дъкъ ~ ъкъ*** аффиксларини қўшиш орқали ҳосил қилинади. Тошкент тип шеваларда аффикс бошидаги товуш ўзи қўшилиб келган сўз охиридаги товушга мослашади: *йл. Жиззах*: К ә р ъ м ә н ъ к ъ, м ә н ъ к ъ, с ә н ъ к ъ, б ъ з д ъ к ъ, с ъ з д ъ к ъ, т у т т ъ к ъ; *Тошк.* к о з з ъ к ъ, б э ш ш ъ к ъ, т э к к ъ к ъ, т е м ъ р р ъ к ъ, т э л л ъ к ъ каби.

Бу абстракт эгалик Қорабулоқ шевасида ўзининг келиб чиқиш формаси (***-нынг ~ -нинг + ки***) ни сақлаган, яъни бу аффикс сингармонистик дублетга эга бўлмаган қаратқич келишиги аффикси ва ***-ки*** аффикси билан ифодаланади: б а л а н ы н г к и // *ад.-орф.* боланики, а т а м ы н г к и // *ад.-орф.* отамники, и т и н г к и // *ад.-орф.* итники, м е н и н г к и // *ад.-орф.* меники, с е н и н г к и // *ад.-орф.* сеники.

Конкрет эгалик аффиксидаги сўз гапда қаралмиш бўлиб келса, абстракт эгалик аффикси олган сўз эса гапда кесим бўлиб кела-

ди: *Тошк.* бу йеллә (<йерләр) — кәлхәссъкъ, қәләмлә мәнъкъ; *Жиззах.* әнэв корънъп турган мәккэйъ әхмәттъқъ, бу джэйлә тэғамдъкъ, йәнгъ сэлънгән учәскә Луптънъкъ (<Лутфиники); *Қорабулоқ.* бу чапан менингки, бу қағаз унунгки.

## КЎПЛИК ҚАТЕГОРИЯСИ

9-§. Ўзбек шеваларида ҳам кўплик морфологик (бэләләр ~ ~ бэләлә ~ бэ̆ллә ~ бағалар; мэллар ~ малдар ~ мэллә) ва синтактик йўл билан (он эдәм, кәттә-къчък, ҳәр хъл қәләм, тодэ-тодэ мэл) ифодаланади.

*Ад.-орф.* ***-лар*** аффикси ўзбек шеваларида қуйидаги кўринишларга эга: *жл.* ***-лар*** (қышлақлар > қышлэқлар) ~ ***-ләр*** (мәзгилләр//*ад.-орф.* манзиллар) ~ ***-нар*** (миймaннар//*ад.-орф.* меҳмонлар) ~ ***-нәр*** (джvзvмнәр//*ад.-орф.* узумлар); *жл.* ***-дар*** (малдар//*ад.-орф.* моллар) ~ ***-тар*** (аттар//*ад.-орф.* отлар), ~ ***-тәр*** (джигиттәр); *йл.* ***-лар*** (*Анд.* қушлар), ***-ләр*** (*Анд.* гулләр), ***-ла*** (*Хоразм.* қыːзла), ***-лә*** (*Тошк.* эдәмлә, *Хоразм.* киъшилә), ***-әр*** (*Парк.* бъзәр), ***-ә*** (*Тошк.* бъзә > бъзә > бзә).

Ж-ловчи шеваларда кўплик аффиксининг қўлланиши ўзак-негизнинг қаттиқ-юмшоқлигига боғлиқ.

Тил орқа унлили ўзак-негизда ***-лар*** ишлатилади: *жл.қирқ.* қушлар, қалайықлар//*ад.-орф.* халойиқлар, уллар//*ад.-орф.* ўғиллар, қызлар, қышлақлар > қышлэқлар, булбуллар.

Тил олди унлили ўзак-негизда ***-ләр*** ишлатилади: *жл. қирқ.* кишиләр, элләр, ишләр, нәрсәләр//*ад.-орф.* нарсалар; гvлләр, мәзгилләр//*ад.-орф.* манзиллар.

Тил орқа унлили ўзак-негиз сонор товушлар билан тугаган бўлса, кўплик қўшимчаси ***-нар*** тарзида қўшилади: *жл. қирқ.* постуннар, чопаннар, тамнар > тэмнәр, дыйқаннар > дыйқэннар, мийманнар//*ад.-орф.* меҳмонлар; адамнар > эдамнар.

Тил олди унлили ўзак-негиз сонор товушлар билан тугаган бўлса, ***-нәр*** ишлатилади: *жл. қирқ.* кvннәр. тvннәр, мәргәннәр, ҳvкvмнәр, гиләмнәр, джvзvмнәр//*ад.-орф*; узумлар. Қиёс қилинг: *йл. Фарғ.* элъйнәр//*ад.-орф.* олинглар; *Қорабулоқ.* бvйvмнәр//*ад-.орф.* буюмлар.

Тошкент, Фарғона тип й-ловчи шеваларда кўпликни ифодаловчи аффикслар, асосан ***-ла*** (~***-лә***), ***-лар*** (~***-ләр***), жанубий Хоразм шеваларида эса ***-ла*** (~***-лә***), ***-лар*** (~***-ләр***), спорадик равишда ***-а*** (~***-ә***) дир. Мисоллар: *йл.Тошк.* Елгә берсәнг эшъйнъ еллә: (<ерләр) съләр бэшъйнъ, ъткә бәрсәнг эшъйнъ ътлә ғәджър бэшъйнъ (*Мақол.*); Йер қәдрънъ бълмъйдъ йер екмәгән дъːқэллә (<деːқэнләр), ел қәдрънъ бълмъйдъ ел кормәгән нэдэлла (<нэдэн-

лəр) (*Мақол.*); Қəлхозъвуззъ бо:ләръ, пəхтəзолләръ (<пəхтəзорләръ), по̆лъзләръ бəр. *Парк.* эйъмләнъ къйгəнъ пəрчəдəммъ (*Қўшиқ*); Қолхозчълә ғайрəт қълдълә. *йл. Хоразм.* Сизни өйә меймалла гәлдилә//*ад.-орф.* Сизнинг уйга меҳмонлар келишди; Вир гvллəдəм бир гvн бағa гириб қараса, пəри:лə ҳу:зни бойида отириптилə//*ад.-орф.* Кунлардан бир кун боққа кириб қараса, парилар ҳовузнинг бўйида ўтирибди; Ҳамма гəплəни ху:рлықаға сөлләб-бəрəди//*ад.-орф.* Ҳамма гапларни ҳурлиқога сўзлаб беради; Йолда әкәләрини гөрәди//*ад.-орф.* Йўлда акаларини кўради; Бизла атамызны әлдинә немәтиб барамыз//*ад.-орф.* Бизлар отамизнинг олдига нима деб борамиз; бъзәгәйәм қәлдърънг//*ад.-орф.* бизларга ҳам қолдиринг.

Ж-ловчи шеваларда кишилик олмошларининг I, II шахс кўплигида ***-ар*** [***-әр***] формаси учраса, баъзи й-ловчи шеваларда бу аффикс шу олмошларда спорадик равишда учрайди: *йл. Парк.* бъзәр ъшләдък, съзәр негә мәджлъскә бәрмәдъз.

Бу олмошларнинг кўплик формаси баъзи шеваларда (масалан, Жиззах) бир неча кўринишга эга бўлиши мумкин: съзлә//съләсъләр. Мисоллар: съзлә [//съләл] бәрънглә; съләрдъ кьм чақърдъ?

Тошкент тип шеваларда кишилик олмошининг II шахс бирлиги (сән) кўплик аффиксини олиши мумкин (сәнлә>сәллә), лекин унинг маъноси шу олмошнинг кўплиги (съз) га тенг эмас: сәллә<сәнлә<сәнләр («сен» деб айтиладиган — тенг ёки кичик одамларнинг бир нечаси). Қиёс қилинг: Кәръм. Сәлъм — сәлләйәм бәрәсәммъ?//*ад.-орф.* Карим, Салим — сенлар ҳам борасанми? (кўплик); Кәръм — съз бәрәсъсмъ?//*ад.-орф.* Карим — сиз борасизми? (ҳурмат); Кәръм, Сәлъм — съла (<съзлә<съзләр) бәрәсъләмъ//*ад.-орф.* Карим, Салим — сизлар борасизларми (кўплик).

Қорабулоқ шевасида кўрсатиш олмошлари *бул* ва *ул* кўплик билан турланганда ўзак ва аффикс орасида бир «а» орттирилади, кўплик аффикси эса тўлиқ формасини сақлайди: булалар (бул + а + лар)//*ад.-орф.* булар, улалар (ул + а + лар)//*ад.-орф.* улар.

Қарноб шевасида бъз олмоши ҳам кўплик аффиксини олиши мумкин: бъзләнъ ҳовлъсъ, бъзләнъ пърмәсъ (шуниси қизиқки, бу шевада, шунингдек, қаратқичли бирикмаларда қаратқич-қаралмиш мослиги бўлмайди) //*ад.-орф.* бизнинг ҳовлилар, бизнинг фермамиз. Қиёс қилинг: *жл.* ҳәр джергә барғанда бизларды сора.

Ўзбек шеваларида кўплик аффикси от, олмошларга қўшилиб келганидек, феълларга ҳам қўшилиб келади. Бунда улар бажарувчи ёки бажартирувчи шахснинг кўп эканини ифодалайди. Феълларга қўшилган кўплик белгиси ***-лар*** отлардагидек бевосита ўзакка қўшилмайди, балки шахс-сон, замон аффиксларидан кейин

қўшилиб келади. Адабий тилда *-лар* феълларнинг учинчи шахсида учраса, шеваларда эса, иккинчи ва учинчи шахсларда ҳам учрайди. Бунда *-лар* аффикси *-з* (*-из*) ўрнида келади: *йл. Парк.* Д э р й э г э т э ш э т м э н г л э р, б э т э р к е т э р; Қиёс қилинг: *ад.-орф.* отмангиз, т э п ъ п э л э д ъ г э н б о л д ъ л э, к о й н э : н ъ а п а м т ъ х т ъ л э; *йл. Хоразм.* ҳ э м м э л э р и ө з й у р т л а р ы н а қ а й т а д ы л а; И к к и э к э с и н и қ а ч ы р а м и н д и р и б ө л д и с т и р а д и л э // *ад.-орф.* Икки акасини хачирга миндириб ўтказдирадилар.

Шунингдек, бу аффикс Тошкент шевасида қўшма феъл составида келган *-б*(*-иб*) ли равишдошга ҳам қўшилади ва ўша қўшма феълдан англашилган маънони кучайтиради. Бунда кўплик аффикси кўпинча тўлиқ формасини сақлайди: қ у р ъ б л э к е с с ъ н < қ у р ъ б л э р к е т с ъ н.

Феълларда *-лар* аффиксидан ташқари *-к* (к е л д и к), *-қ* (*дж.* б а р д ы қ) аффикслари биринчи шахс кўпликни ифодалайди. Шунингдек, биринчи шахс кўпликни Тошкент шевасида *-мъз* ~ *-вуз* (к о р д ъ м ъ з ~ к о р д у в у з > к о р д у : з) аффикслари ифодалайди.

*-з*(*-из*) аффикси эса иккинчи шахс кўпликни ифодалайди: *жл.* к е л д и н г и з.

Тошкент шевасида *-луг* аффикси ҳам (у эгалик аффикси билан бирга келади: -л у г + ъ) ҳурмат ва кўпликни ифодалайди. Бу аффикс бошқа шевалардаги *-лар* билан алмашиниб келади: *Тошк.* о з л у г ъ ~ *Фарғ.* о з л э р ъ, *Тошк.* қ о й л у г ъ н ъ б э қ ъ ш в э т т ъ // *ад.-орф.* қўйларини боқишяпти.

Ўзбек шеваларида кўплик аффикси тартиб жиҳатдан адабий тилдагидек, асосан, бошқа турловчилардан олдин келади. Аммо бир қатор й-ловчи шеваларда (масалан, Тошкент) эгалик аффиксларидан сўнг келишини учратамиз: б э л э й л э < б э л э н г л э, у з у м ъ й л э. Мисоллар; б э ғ ъ й л э б э : м ъ?, о й ъ л э қ э т т э?, д э п т э р ъ й л э г э й э з ъ й л э, б у в э й ъ з л э е т т ъ л э. Қиёс қилинг: *Жиззах.* у й л э р ъ н г қ э й е т т э? д ж э й л э р ъ н г й э х ш ъ й э к э н; *Фарғ.* v з v м л э р ъ н г п ъ ш т ъ м ъ?, б э л а л а р ь н г н ъ ч а қ ь р.

Ж-ловчи шеваларда кўплик аффикси отларда эгалик аффиксидан олдин, бевосита ўзак-негизга қўшилиб келади; аммо маъно талабига кўра шахс-сон аффикслари билан ўрин алмаштириши мумкин: о й у н д а р ы н г д ы қ ы н г д а р // *ад.-орф.* ўйинларингни қилинглар; п а қ т а л а р ы н г д ы т е р в а л д ы л а р ы н г м а? // *ад.-орф.* пахталарингни териб олдиларингми?, п а х т а л а р ы н г д ы т е р в а н г д а р // *ад.-орф.* пахталарингни териб олинглар.

Ўзбек шеваларида кўплик аффикси билан келган сўзнинг маъноси унинг адабий тилдаги маъносига мос келади. (Адабий тилдаги *-лар* нинг маънолари проф. А. Ғ. Ғуломовнинг ишларида муфассал ёритилган.)

Шеваларда баъзи ўзига хосликлар ҳам учрайди. Ж-ловчи шеваларда адабий тил ва бошқа й-ловчи шевалардагидек, кўплик

аффикси ҳурмат маъносида ишлатилмайди: а т а м к е л д и. Қиёс қилинг: *Тошк.* э т ә м л ә к е л д ъ л ә ~ э т ә м к е л д ъ л ә; *Фарғ.* б у в ъ м к е л ъ ш т ъ // *ад.-орф.* ойим келдилар. Бу ҳодиса баъзи шеваларда (масалан, Паркент) спорадик равишда учраб қолади: Д э д ә м к ә л х э з д ә б ъ р ъ н ч ъ б ъ р г ә д ъ л д ә ъ ш л ъ й д ъ // *ад.-орф.* Дадам колхозда биринчи бригадада ишлайди; б у в ъ м к е в э т т ъ // *ад.-орф.* Бувим келяпти.

## ТУСЛАНИШ

10-§. Ўзбек адабий тилидаги каби халқ шеваларида ҳам шахс-сон, замон ва майл формалари тусловчилардир.

Тусловчи аффикслар, масалан, *жл.* **-ди + м** (фонетик вариантлари билан) ~ *йл.* **-дъ + м** (фонетик вариантлари билан) ҳам замон, ҳам шахс-сонни кўрсатади: *жл.* к е л д и м ~ *йл.* к е л д ъ м (ўтган замон, биринчи шахс, бирлик) каби. Тусловчи аффикслар шевалараро озми-кўпми фарқ қилади, қиёс қилинг: замон ва шахс-сон тусловчилар: *жл.* **-дық** (қ а р а д ы қ) ~ *йл. Анд.* **-дък** (к е л д ъ к) ~ *Тошк.* **-дув(зә)** [к е л д у в (зә)] ~ *Жиззах.* **-тъй** (к у т т ъ й). *жл.* **-ватырман** (к е л и в а т ы р м а н) ∽ *йл. Тошк:* **-вэммән** (б э р в э м м ә н) ~ *Анд.*-**йәппән** (б а р й ә п п ә н) ~ *Парк.*- **вэттъм** (б э р в э т т ъ м) ~ *Самарқ.* ~ **эммән** (б э р э м м а н) ~ *Наманг.* **-уттъмән** (б э р у т т ъ м ә н).

Шунингдек, майл ва шахс-сон аффикслари ҳам шевалараро фонетик вариантларга эга. Масалан, ж-ловчи ва й-ловчи шевалардаги буйруқ майли ва шахс-сон тусловчиларини қиёс қилинг:

| | |
|---|---|
| *йл. Парк.* **-ъй** (к е л ъ й) | *жл.* **-(а)йин** (т у р а й и н) |
| **-гън** (к е г ъ н) | **-ғын//-ғун//-гин** (т у р ғ у н // т у р ғ ы н) |
| **-сън** (к е с ъ н) | **-сын//-сун//-син** (т у р с у н // т у р с ы н) |

Тусланиш феълдан бошқа сўзларда ҳам учрайди. Масалан, *йл. Тошк.* с э:м ә н, с э:с ә н, с э:м ъ з, с э:с ъ л ә //*ад.-орф.* соғ; к ә л х э ч ч ъ м ә н, к ә л х э ч ч ъ с ә н, к ә л х э ч ч ъ м ъ з, к ә л х э ч ч ъ с ъ л ә (//*ад.-орф.* колхоз) каби.

Ж-ловчи ва й-ловчи шевалардаги феълларнинг тусланиши:

### ЎТГАН ЗАМОН

#### Ўтган замон аниқлик феъли

Ж-ловчи шеваларда:

| Бирлик | Кўплик | Бирлик | Кўплик |
|---|---|---|---|
| қарадым | қарадық | елэдим | елэдик |
| қарадынг | қарадынгыз | елэдинг | елэдингиз |
| қарады | қарады(лар) | елэди | елэди(лэр) |

| Бирлик | Кўплик | Бирлик | Кўплик |
|---|---|---|---|
| таптым | таптық | кеттим | кеттик |
| таптынг | таптынгыз | кеттинг | кеттингиз |
| тапты | тапты(лар) | кетти | кетти(ләр) |

| Бирлик | Кўплик |
|---|---|
| туттум//туттым | туттуқ//туттық |
| туттунг//туттынг | туттунгуз//туттынгыз |
| тутту//тутты | тутту//тутты(лар) |

Й-ловчи шеваларда:

| | Бирлик | Кўплик |
|---|---|---|
| *Анд.* | келдъм | келдък [//*Тошк.* келдув(зә)] |
| | келдъинг | келдъйнәр [//*Тошк.* келдъйлә] |
| | келдъ | келъштъ |

| | Бирлик | Кўплик |
|---|---|---|
| *Жиззах.* | куттъм | куттъй |
| | куттънг | куттъйъз |
| | куттъ | куттъ(лә) |

### ТАРИХИЙ ЎТГАН ЗАМОН ФЕЪЛИ

Ж-ловчи шеваларда:

| Бирлик | Кўплик |
|---|---|
| тынчығанман > тынчығамман | тынчығанмыз > тынчығаммыз |
| тынчығансан | тынчығансыз |
| тынчыған | тынчыған |

| Бирлик | Кўплик |
|---|---|
| джаппағанман > джаппағамман | джаппағанмыз > джаппағаммыз |
| джаппағансан | джаппағансыз |
| джаппаған | джаппаған |

| Бирлик | Кўплик |
|---|---|
| чыққанман > чыққамман | чыққанмыз > чыққаммыз |
| чыққансан | чыққансыз |
| чыққан | чыққан |

| Бирлик | Кўплик |
|---|---|
| алғанман > алғамман | алғанмыз > алғаммыз |
| алғансан | алғансыз |
| алған | алған |

| Бирлик | Кўплик |
|---|---|
| кеткәнмән > кәткәммән | кеткәнмиз > кеткәммиз |
| кеткәнсән | кеткәнсиз |
| кеткән | кеткән |

| Бирлик | Кўплик |
|---|---|
| келгэнмэн < келгэммэн | келгэнмиз > келгэммиз |
| келгэнсэн | келгэнсиз |
| келгэн | келгэн |

Й-ловчи шеваларда:

| Бирлик | | Кўплик | |
|---|---|---|---|
| *Тошк.* боргэммэн | *Анд.* баргэммэн | *Тошк.* бэргэнвуз//бэргэнвузэ | *Анд.* баргэммъз |
| бэргэнсэн | баргэнсэн | бэргэнсълэ | баргэнсълэр |
| бэргэн | баргэн | бэръшкэн | баръшкэн |

Бирлик ва кўплик

*Жиззах.*

| | |
|---|---|
| мэн, сэн, у, бъз, съз, улэ(р) | коргэн, чушкэн, сэққан |

**УЗОҚ ЎТГАН ЗАМОН ФЕЪЛИ**

Ж-ловчи шеваларда:

| Бирлик | Кўплик |
|---|---|
| барған эдим > барғандым | барған эдик > барғандық |
| барған эдинг > барғандынг | барған эдингиз > барғандынгыз |
| барған эди > барғанды | барған эди > барғанды |

Бирлик

джурған- экэнмэн > джурғанекэммэн
джурған- экэнсэн > джурғанекэнсэн
джурған- экэн > джурғанекэн

Кўплик

джурған- экэнмиз > джурғанекэммиз
джурған- экэнсиз > джурғанекэнсиз
джурған- экэн > джурғанекэн

Й-ловчи шеваларда:

Бирлик

| *Тошк.* | *Анд.* |
|---|---|
| тургэнъдъм | таққанъдъм |
| тургэнъдънг | таққанъдънг |
| тургэнъдъ | таққанъдъ |

Кўплик

| *Тошк.* | *Анд.* |
|---|---|
| тургэнъдув// тургэнъдуз// тургэндувзэ //тургэнду:зэ | таққанъдък |
| тургэндъйлэ | таққанъдъйнэр |
| туръшкэнъдъ | тақъшкэнъдъ |

## ЎТГАН ЗАМОН ҲИКОЯ ФЕЪЛИ

Ж-ловчи шеваларда:

Бирлик

келиб эдим > келиведим > кеведим
келиб эдинг > келивединг > кевединг
келиб эди > келиведи > кеведи

Кўплик

келиб эдик > келиведик > кеведик
келиб эдингиз > келиведингиз > кеведингиз
келиб эди > келиведи > кеведи.

Й-ловчи шеваларда:

Бирлик

| | | | |
|---|---|---|---|
| *Тошк.* | ɔлувдъм | *Жиззах.* | йɔзу:дум |
| | ɔлувдънг | | йɔзу:дънг |
| | олувдъ | | йɔзу:дъ |

Кўплик

| | | | |
|---|---|---|---|
| *Тошк.* | ɔлувдув//ɔлувдуз | *Жиззах.* | йɔзу:дъй |
| | ɔлувдувзə//ɔлувдъйлə | | йɔзу:дъйъз |
| | ɔлъшувдъ | | йɔзу:дъ(лə) |

## ЎТГАН ЗАМОН ЭШИТИЛГАНЛИК ФЕЪЛИ

Ж-ловчи шеваларда:

| Бирлик | | Кўплик | |
|---|---|---|---|
| қойуппан | кетиппəн | қойуппыз | кетиппиз |
| қойупсаң | кетипсəн | қойупсыз | кетипсиз |
| қойупту | кетипти | қойупту | кетипти |

Й-ловчи шеваларда:

| | Бирлик | Кўплик |
|---|---|---|
| *Тошк.* | кепмəн > кеммəн | кепмъз > кеммъз |
| | кепсəн | кепсълə |
| | кептъ | келъшъптъ |

| | Бирлик | Кўплик |
|---|---|---|
| *Фарғ.* | ɔппəн (> ɔлъбмəн) | ɔппъз |
| | ɔпсəн | ɔпсъзлəр |
| | ɔптъ | ɔлъшъптъ |

## ТУГАЛЛАНМАГАН ЎТГАН ЗАМОН ФЕЪЛИ

Ж-ловчи шеваларда:

Бирлик

ойнар эдим > ойнаредым > ойнардым
ойнар эдинг > ойнаредынг > ойнардынг
ойнар эди > ойнареды > ойнарды

Кўплик

ойнар эдик > ойнар едық > ойнардық
ойнар эдингиз > ойнар едынгыз > ойнардынгыз
ойнар эди > ойнар еды > ойнарды

Й-ловчи шеваларда:

| | Бирлик | Кўплик |
|---|---|---|
| *Тошк.* | бэрэрдъм > бэрэ:дъм | бэрэрдув (зэ) > бэрэ:дув (зэ) |
| | бэрэрдънг > бэрэ:дънг | бэрэрдъйлэ > бэрэ:дъйлэ |
| | бэрэрдъ > бэрэ:дъ | бэръшэрдъ > бэръшэ:дъ |

| | Бирлик | Кўплик |
|---|---|---|
| *Қорабулоқ.* | бердим еди | бердvгvдvк (< бердик едик) |
| | бердинг еди | бердингиз еди |
| | берди еди | берди еди |

## ҲОЗИРГИ ЗАМОН

### Конкрет ҳозирги замон феъли

Ж-ловчи шеваларда:

Бирлик

келəджатырман > келəйатырман > келиватырман
келəджатырсан > келəйатырсан > келиватырсан
келəджатыр > келəйатыр > келиватыр

Кўплик

келəджатырмыз > келəйатырмыз > келиватырмыз
келəджатырсыз > келəйатырсыз > келиватырсыз
келəджатыр > келəйатыр > келиватыр

Й-ловчи шеваларда:

Бирлик

| | | | |
|---|---|---|---|
| *Тошк.* | бэрвэммэн | *Анд.* | барйэппэн |
| | бэрвэссэн | | барйэпсэн |
| | бэрвэттъ | | барйэптъ |

Кўплик

| | | | |
|---|---|---|---|
| *Тошк.* | бэрвэммъз//бэрвэммъзэ | *Анд.* | барйэппъз |
| | бэрвэссълэ | | барйэпсълэр |
| | бэръшвэттъ | | баръшйэптъ |

Бирлик

| | | | |
|---|---|---|---|
| *Парк.* | бэрвэттъм | *Самарқ.* | бэрэмман |
| | бэрвэттънг | | бэрэпсан |
| | бэрвэттъ | | бэрэпту |

Кўплик

*Наманг.* бэруттъмэн / бэруттъсэн / бэруттъ

*Миришкор.* бэрэ:туммэн / бэрэ:тувсэн / бэрэ:тти.

Бирлик

*Қорабулоқ.* қылайтма / қылайтса (//қылайсса) / қылайты

кэл′эйтмэ / кэл′эйтмэ (//кэл′эйссэ) / кэл′эйтти

Кўплик

қылайтмыз (//қылайтмыс) / қылайтсылар (//қылайссылар) / қылайтты

кэл′эйтмиз (//кэл′эйтмис) / кэл′эйсилэр (//кэл′эйссилэр) / кэл′эйтти

**ҲОЗИРГИ-КЕЛАСИ ЗАМОН ФЕЪЛИ**

Ж-ловчи шеваларда:

| Бирлик | | Кўплик | |
|---|---|---|---|
| чығаман | түшэмэн | чығамыз | түшэмиз |
| чығасан | түшэсэн | чығасыз | түшэсиз |
| чығады | түшэди | чығады (лар) | түшэди (лэр) |

Й-ловчи шеваларда:

| | Бирлик | Кўплик |
|---|---|---|
| *Анд.* | эчънэмэн | эчънэмъз [//*Тошк.* эчънэвуз(э)] |
| | эчънэсэн | эчънэслэр [//*Тошк.* эчънэсълэ] |
| | эчънэдъ | эчънъшэдъ |

**ҚЕЛАСИ ЗАМОН**

**Келаси замон гумон феъли**

Ж-ловчи шеваларда:

| Бирлик | | Кўплик | |
|---|---|---|---|
| қарарман | ичэрмэн | қарармыз | ичэрмиз |
| қарарсан | ичэрсэн | қарарсыз | ичэрсиз |
| қарар | ичэр | қарар(лар) | ичэр(лэр). |

Й-ловчи шеваларда:

Бирлик

*Анд.* барэрмэн / барэрсэн / барэр

*Тошк.* бэрэрмэн > бэрэ:мэн / бэрэрсэн > бэрэ:сэн / бэрэр

Кўплик

*Анд.* барэрмъз / бэрэрсълэр / баръшэр

*Тошк.* бэрэрвуз > бэрэ:вуз(э) / бэрэрсълэ > бэрэ:сълэ / бэръшэр

| | Бирлик | Кўплик |
|---|---|---|
| *Жиззах.* | тәшләрмән | тәшләрмъз |
| | тәшләрсән | тәшләрсъс |
| | тәшләр | тәшләр(лә) |

## ҚЕЛАСИ ЗАМОН МАҚСАД ФЕЪЛИ

Ж-ловчи шеваларда:

| Бирлик | | Кўплик | |
|---|---|---|---|
| қалмақчыман | келмәкчимән | қалмақчымыз | келмәкчимиз |
| қалмақчысан | келмәкчисән | қалмақчысыз | келмәкчисиз |
| қалмақчы | келмәкчи | қалмақчы(-лар) | келмәкчи (-лар) |

Й-ловчи шеваларда:

| | Бирлик | Кўплик |
|---|---|---|
| *Тошк.* | эмэхчъмән (< элмэқчъмән) | эмэхчувуз(ә) |
| | эмэхчъсән | эмэхчъсълә |
| | эмэхчъ | элъшмэхчъ |

| | Бирлик | Кўплик |
|---|---|---|
| *Жиззах.* | термэхчъмән | термэхчъмъз |
| | термэхчъсән | термэхчъсъс |
| | термэхчъ | термэхчъ(лә). |

## СЎЗ ЯСАЛИШИ

**11-§.** Ясалиш — тилда бирор усул (аффиксация, композиция) орқали янги сўз ёки сўз формалари ясашдир. Ўзбек диалектларида ҳар икки усул билан ҳам сўз ясалади. Масалан, аффиксация орқали сўз ясалиши: *Тошк.* сузэнғъч (сузағон), *Фарғ.* қъзълча (қизил лавлаги), *Хоразм.* дамызлық (томизғи) каби.

Композиция орқали сўз ясалиши: *Фарғ.* қэра йалақ (чуғурчуқ), *Анд.* патма чъмчъқ (жиблажибон) каби.

Ўзбек шеваларида сўз ясашда асосий ўринни адабий тилдагидек аффиксация ташкил қилади.

Ўзбек шеваларидаги ясовчи аффикслар асосан адабий тилдагидек бўлса-да [масалан, *Тошк.* ***-шуғ (<-шъқ)***: йелъмшуғ (<йелъмшъқ) ~ *Хоразм.* ***-шәк***: йэлимшәк каби], булардан ташқари, айрим шевалар ва шевалар группачасига хос бўлган ясовчилар ҳам бор. Масалан, *Хоразм.* ***-дан*** (хавардан//*ад.-орф.* хабардор), ***-әли//-алы*** (гетәли//*ад.-орф.* кетайлик; баралы//*ад.-орф.* борайлик) каби.

Шунингдек, ўзбек шеваларида адабий тилдаги баъзи аффикслар бошқа маънода қўлланиши ҳам мумкин. Қиёс қилинг: ***-чәнг//-чән:*** *Фарғ. Анд.* маҳсъчән//мәҳсъчәнг (маҳсисиз) ~ *Тошк.* мәхсъчәнг ~ *ад.тилда* маҳсичанг (маҳсили, калишсиз); *Фарғ., Анд.* йахтәкчән (яхтаксиз) ~ *Тошк.* йәхтәкчәнг ~ *ад. тилда* яхтакчанг (фақат яхтакли, чопонсиз).

Ўзбек шеваларида от, сифат, феъл, равиш ва бошқа сўз туркумлари ясовчи аффикслардан намуналар (форма ясовчи аффикслар ҳам берилган):

***-ағ:*** *Хоразм.* уйағ//*ад.-орф.* уйғоқ.

***-ал:*** *Хоразм.* азал//*ад.-орф.* азай.

***-ар:*** *Хоразм.* башар//*ад.-орф.* бошқар.

***-алы//-әли:*** *Хоразм.* алалы, гетәли//*ад.-орф.* олайлик, кетайлик.

***-а:*** *Хоразм., Ҳазорасп,* боша гәлди//*ад.-орф.* бекорга келди.

***-әл:*** *Хоразм.* кәпәл//*ад.-орф.* кўпай. ***-әси//-асы.*** *Хоразм,* йәйәси гәлди, барасы гәлди//*ад.-орф.* егиси келди, боргиси келди.

***-әк:*** *Хоразм.* сүзәк сығыр, дәпәк әшәк//*ад.-орф.* сузағон сигир, тепағон эшак.

***-ван*** (<бэн):*Анд.* Ораз әкәм сарәйванлъқ қълйәптъ //*ад.-орф.* Ўроз акам саройбонлик қиляпти.

***-въч:*** *Қўқон.* кэвлэвъч//*ад.-орф.* ковлагич.

***-гър:*** *Анд.* базәргър//*ад.-орф.* бозорбоб.

***-гәк:*** *Фарғ.* ългәк. Қиёс қилинг: *Тошк.* ългәй//*ад.- орф.* илгак.

***-гили//-ғылы*** (<-гилик): *Хоразм., Ҳазорасп.* гөргили, болғылы//*ад.-орф.* кўргилик, бўлгилик.

***-гәр:*** *Фарғ.* зәргәр//*ад.-орф.* заргар.

***-ғъч:*** *Қўқон.* қъстърғъч//*ад.-орф.* қистирғич.

***-ғ:*** *жл.* чушағ. Қиёс қилинг: *Тошк.* чушэв//*ад.-орф.* тушов.

***-ғылт:*** *Хоразм* гызғылт, сарғылт. Қиёс қилинг: *Тошк.* сарғъш, қъзғъш//*ад.-орф.* қизғиш, сарғиш.

***-ғыш:*** *жл.* сарғыш//*ад-.орф.* сарғиш.

***-ди:*** *Хоразм. Ҳазорасп.* вағырды башланди//*ад.-орф.* шовқин-сурон бошланди.

***-да:*** *жл.* шақырда//*ад.-орф.* шақирла.

***-дан:*** *Хоразм.* хавардан. Қиёс қилинг: *Тошк.* хәвәрдэр //*ад.-орф.* хабардор.

***-дийн (-дайин):*** *Хоразм.* джиндийн//*ад.-орф.* жиндай.

***-дыстыр//-дистир:*** *Хоразм.* өлдыстир, алдыстыр //*ад.-орф.* ўлдиртир, олдиртир.

***-давық//-дәвик:*** *Хоразм.* зынгқылдавық, ликкилдәвик//*ад.-орф.* зингилламоқ, ликилламоқ.

***-да//-дә (<ла):*** *Хоразм. Ҳазорасп.* халтани қолдашип гөтәрдик//*ад.-орф.* халтани қўллашиб кўтардик.

***-донг:*** *Хоразм. Ҳазорасп.* гәчәдонг отырдық, йарым ахшамадонг ишләди//*ад.-орф* кечгача ўтирдик, ярим кечагача ишлади.

***-дин//-нин//-тин//-тын (<-дек):*** *Хоразм., Ҳазорасп.* баладин болди, баламнин болди, атын йүрипти//*ад.-орф.* боладек бўлди, боламдек бўлди, отдек юрибди.

***-зар:*** *Анд.* өннуч гектәр отзар бар//*ад.-орф.* ўн уч гектар ўтзор бор.

*-зэр: Қўқон.* пэхтэзэр, лэлэзэр//*ад.-орф.* пахтазор, лолазор.

**-имтир//-имтил:** *Хоразм* гөгимтир//кəкимтил//*ад.-орф.* кўкимтир.

**-инчə:** *Хоразм* гəлинчə//*ад.-орф.* келгунча.

**-ир:** *Хоразм.* етир//*ад.-орф.* ўтказ.

**-ыз:** *Хоразм.* утыз//*ад.-орф.* ютқиз.

**-ызлық:** *Хоразм* дамызлық//*ад.-орф.* томизғи.

**-ынча//-инчə:** *Хоразм.* барынча, гəлинчə//*ад.-орф.* боргунча, келгунча.

**-ыр:** *Хоразм.* йатыр, басыр//*ад.-орф.* ётқиз, бостир.

**-ыз:** *Хоразм.* қорқыз//*ад.-орф.* қўрқит.

**-ик (<лик):** *Хоразм. Ҳазорасп.* бөйик//*ад.-орф.* бўйлик.

**-ъй//ъғ:** *Фарғ.* тешъй, тосъғ//*ад.-орф.* тешик, тўсиқ.

**-йəли:** *Хоразм.* ишлəйəли//*ад.-орф.* ишлайлик.

**-кəш:** зəккəш//*ад.-орф.* захкаш.

**-қъч:** *Қўқон.* қъсқъч//*ад.-орф.* қисқич.

**-лаг:** *Анд.* послағ//*ад.-орф.* пўстлоқ.

**-лық:** *Хоразм. Ҳазорасп.* қамышлық//*ад.-орф.* қамишзор.

**-лама:** *Хоразм, Хонқа.* вағлама//*ад.-орф.* қора шўрва.

**-л:** *Хоразм.* қарал, сарал//*ад.-орф.* қорай, сарғай.

**-лəк//-лақ:** *Хоразм.* чəплəкашық, онглақ ашық//*ад.-орф.* чапақай ошиқ, ўнақай ошиқ.

**-лəс//-лас:** *Хоразм.* етлəс адам, буртлəс киши//*ад.-орф.* семиз одам, сермўйлов киши.

**-лай//-лəй//-ғай:** *Хоразм. Ҳазорасп.* балам уллайип қалды//*ад.-орф.* болам улғайиб қолди.

**-лəп (<-ла+б).** *Хоразм. Ҳазорасп.* Уйə гечлəп гетəмиз//*ад.-орф.* уйга кечқурун кетамиз.

**-лък:** *Бухоро.* мэн укъшънъ ме:мэнлъккə чэқърəмэн. Қиёс қилинг: *Тошк.* мъх'мэндэрчълък.

**-луғ:** *Анд., Тошк.* тузлуғ.

**-лэқ:** *Қўқон.* ботэлэқ.

**-лақ//-лағ:** *Фарғ.* қумлақ, отлағ//*ад.-орф.* қумлоқ, ўтлоқ.

**-майыш:** *Хоразм.* бармайыш//*ад.-орф.* бормаслик.

**-мийн (<майин):** *Хоразм. Ҳазорасп.* бағламийн//*ад.-орф.* боғламай.

**-мэк:** *Фарғ., Анд.* көкмэк//*ад.-орф.* кўм-кўк.

**-нус:** *Хоразм., Ҳазорасп.* қақнус адам//*ад.-орф.* ориқ одам.

**-сə:** *Хоразм, Ҳазорасп.* йенгсə//*ад.-орф.* енглик.

**-саз:** *Анд.* əрəвəсаз//*ад.-орф.* аравасоз. Қиёс қилинг: *Хоразм.* ар(а)вачы.

**-таш (<-дош):** *Хоразм.* йанына йанташты//*ад.-орф.* ёнига ёндашди.

**-чи:** *Хоразм, Ҳазорасп.* əдикчи//*ад.-орф.* этикдўз.

**-чилик:** *Хоразм, Ҳазорасп.* ағзыбирчилик//*ад.-орф.* дўстлик.

*-ч: Тошк.* б е к ә ч, э н ә ч*//ад.-орф.* бекач, онач. Қиёс қилинг: *Хоразм.* б и:қ ә ш, ә н ә ш.

***-чәнг//чән:*** *Фарғ., Анд.* м ә ҳ с ъ ч ә н//м ә ҳ с ъ ч ә н г (маҳсисиз), й а х т ә к ч ә н (яхтаксиз). Қиёс қилинг: *Тошк.* м ә ҳ с ъ ч ә н г (маҳсили, калишсиз), к о й н ә й ч ә н г (кўйлакли, чопонсиз).

***-чық (<-чэқ):*** *Хоразм, Ҳазорасп.* о й ы н ч ы қ*//ад.-орф.* ўйинчоқ.

***-чалақ (<-ча + лоқ):*** *Хоразм, Ҳазорасп.* а т ы н г б а л а с ы н а т а й ч а л а қ д и й д и л а р*//ад.-орф.* отнинг боласини тойча дейдилар.

***-чәлли (<-чэғлик):*** *Хоразм, Ҳазорасп.* а з а н а ч ә л л и*//ад.-орф.* азонгача.

***-чилән//-чылап:*** *Хоразм, Ҳазорасп.* ә р к ә к ч и л ә п, х а т ы н ч ы л а п*//ад.-орф.* эркакча, хотинча.

***-чәк:*** *Анд.* ҳ ә л Ү н ч ә к*//ад. -орф..* беланчак.

***чьқ:*** *Анд.* т а й ч ь қ*//ад. -орф.* тойча. *Фарғ.* қ ь з ғ а н ч ь қ*//ад. -орф.* қизғанчиқ.

***-шәк:*** *Хоразм.* й е л и м ш ә к. Қиёс қилинг: *Тошк.* й е л ъ м ш у ғ*//ад. -орф.* елимшиқ.

***-шуғ:*** *Тошк.* й е л ъ м ш у ғ*//ад. -орф.* елимшиқ.

## АДАБИЁТЛАР


Абдуллаев Ф., Ўзбек тилининг қипчоқ шеваси (Ўзбек диалектологиясидан материаллар, I, Тошкент, 1957).

Алиев А. Ю., Ўзбек тили Уйчи шевасининг баъзи лексик ва морфологик хусусиятлари ҳақида (Ученые записки Наманганского Государственного педагогического института, вып. II, Наманган, 1957).

Афзалов Ш. А., Ўзбек тилининг Паркент шеваси (Ўзбек диалектологиясидан материаллар, I, Тошкент, 1957).

Баскаков Н. А., Каракалпакский язык, II, Фонетика и морфология, ч. I, М., 1952.

Гулямов Я. Г., Морфология Ташкентского говора, Т., 1968.

Гулямов Я. Г., Из наблюдений над морфологией Ташкентского говора (Ўзбек диалектологиясидан материаллар, I, Тошкент, 1957).

Иброҳимов С., Ўзбек тилининг Бешкент район шевалари юзасидан куватишлар (Ўзбек диалектологиясидан материаллар, I, Тошкент, 1957).

Исследование по сравнительной грамматике тюркских языков, II, морфология, М., 1956.

Кононов А. Н., Грамматика узбекского языка, Ташкент, 1948.

Кононов А. Н., Грамматика современного узбекского литературного языка, М.—Л., 1960.

Маъруфов З., Сўз состави, от ва сифат, Тошкент, 1955.

Мирзаев М., Об употреблении дательного и местного падежей в бухарском говоре узбекского языка. (Ученые записки Бухарского государственного педагогического института, Бухара, 1957.)

Мирзаев М., Ўзбек тили Бухоро шевасининг хусусиятларига доир. (Ўзбек тили ва адабиёти масалалари, I, 1959.)

Мирсоатов Т. З., Ўзбек тилининг қирқ шеваси. (Ўзбек диалектологиясидан материаллар, I, Тошкент, 1957.)

Поливанов Е. Д., Казак-найманский говор (Известия АН ССР, I, 1931).

Жуманазаров. Ю., Ҳазорасп шевасида эгалик аффикслари (Ўзбек тили ва адабиёти масалалари, № 3, 1959.)

Решетов В. В., Маргеланский говор узбекского языка (Известия Уз ФАН ССР № 3, Ташкент, 1941.)

Решетов В. В., О Наманганском говоре узбекского языка («В. А. Гордлевскому», М., 1953.)

Решетов В. В., Кураминские говоры Ташкентской области (Фонетическая и морфологическая система, Ташкент, 1952).

Шерматов А., Қарши шевасида келишик ва эгалик қўшимчалари (Ўзбек тили ва адабиёти масалалари, № 3, 1959).

Юдахин К. К., Некоторые особенности Карабулакского говора (Ўзбек диалектологиясидан материаллар, I, Тошкент, 1957).

Ғуломов А., Феъл, Тошкент, 1954.

Ғуломов А., Ўзбек тилида кўплик категорияси, Тошкент, 1944.

Ғуломов А. Ўзбек тилида келишиклар (ЎзФАН асарлари, филология, II китоб, Тошкент, 1941).

Ғуломов Ҳ., Ўзбек тилининг Жиззах шеваси (Ўзбек диалектологиясидан материаллар, I, Тошкент, 1957.)

# ЛЕКСИКА

**1-§. Ўзбек шеваларининг лексик состави ҳақида умумий маълумот.** Ўзбек шевалари ўзларига хос фонетик ва грамматик хусусиятлари билан бирга лексик хусусиятларга ҳам эга. Бу хусусиятлар шеваларни адабий тилдан ва айни вақтда уларни ўзаро фарқлайди.

Маълумки, ўзбек шевалари лексик составида умумхалқ тилига хос бўлган умумий лексик қатлам ва шевагагина хос бўлган лексик қатлам мавжуд.

Ҳар бир тил ва диалект лексик состави асосини ҳаётий зарур тушунчалар ифодаси бўлган, янги сўзлар ясаш учун база бўладиган, даврлар мобайнида турғун ва яшовчан бўлган, шу тил эгаларининг барчаси учун умумий бўлган сўзлар ташкил этади. Буларга ўзбек тилида табиат ҳодисалари (*чақмоқ, ёмғир, шамол, қор*), мавжудотлар (*сув, дарё, дарахт, тоғ, тош*), ҳолат-ҳаракат (*юрмоқ, ухламоқ, ичмоқ*) ни ва шу кабиларни ифодаловчи сўзлар киради. Бу сўзлар ўзбек тилида сўзлашувчи коллектив учун умумий бўлганидек, шевалар учун ҳам, адабий тил учун ҳам баб-баробар умумийдир. Шунга кўра ўзбек тили лексик составининг асосий қисмини ташкил этувчи сўзлар ўзбек шевалари ва шунингдек, ўзбек адабий тили лексик составининг ҳам асосий қисмини ташкил этади.

Адабий тил умумхалқ тилининг даврлар мобайнида ишланган, сайқал бериб силлиқланган юқори формасидир. Шунинг учун адабий тилнинг ўзига хос айрим лексик хусусиятлари шевалар учун хос эмас. Адабий тил луғат составидаги тарихий колорит ва бадиийлик учун ишлатиладиган сўз ва иборалар, айрим қабул қилинган сўзлар, бошқа тиллардан таржима қилиб олинган сўзлар (калькалар), фанний терминлар шеваларда асосан йўқ. Республикамизда саноат ва қишлоқ хўжалиги, маориф ва маданий-оқартув ишларининг кундан-кунга ривожланиши натижасида адабий тилнинг кундалик ва тўхтовсиз самарали таъсири натижасида бундай сўз ва терминлар шеваларaро баъзи фонетик ўзгаришлар билан пайдо бўлмоқда. Буларнинг кўпчилиги қишлоқ хўжалиги, маданий-оқартув, давлат органлари ва шу кабиларга хос сўз ва терминлардир:

т$^{ъ}$рәх'тър//*ад. -орф.* трактор, кәлхэз$^{с}$//*ад. -орф.* колхоз, б$^{ъ}$ргәд// //бъргәдә//*ад. -орф.* бригада, мэшън//*ад. -орф.* машина, Ɔлъй Сәвет//*ад. -орф.* Олий Совет.

Ўзбек халқ шевалари составида [*Тошк.* эдэш//эдэғ, йэвуқ (узэқ-йэвуқ), ум-(умсинмоқ); *Хоразм.* арна, йап; *Наманг.* йар каби] адабий тилда шаклан ўзгарган ёки адабий тил тараққиёти давомида ундан аллақачонлар чиқиб кетган айрим сўзлар мавжуд. Бундай сўзларни ўрганиш тил тарихи, шунингдек, адабий тил тарихи учун муҳимдир.

Бундан ташқари, ўзбек халқ шевалари лексик составида айрим шеваларнинг (ёки лаҳжаларнинг) [*Тошк.* джълләә (джъллә қурмәсә); *Хоразм:* ҳөккъ//Үөк Ү; *Фарғ.* чҮмәгәръ каби] ўзигагина хос бўлган сўзлар ҳам бор. Бу сўзлар фақат шу шева ёки шу шева кирадиган шевалар группаси (лаҳжа) учун умумий бўлиб, бошқа шеваларда ва, шунингдек, адабий тилда йўқ ёки шундай тушунча англатадиган бошқа сўз орқали ифодаланади. Бундай сўзларни тўплаш ва ўрганиш шева хусусиятларини қайд этиш учун, ҳозирги замон ўзбек адабий тилини бойитиш учун муҳимдир.

Ўзбек халқ шеваларида ўзбек адабий тилида бўлмаган сўзлар ҳам учрайди. Масалан, Шимолий Хоразм шеваларида (проф. Е. Д. Поливанов текширувларига кўра) йарқанат [//*ад. тилда* кўршапалак], йаван//джабан [//*ад. тилда* қишлоқ], ариш [//*ад. тилда* шоти — арава шотиси], тартанак [//*ад. тилда* ўргимчак] каби; қирқ шевасида (доц. Т. З. Мирзоатов текширувига кўра) адрасман [//*ад. тилда* исириқ], замбир [//*ад. тилда* асалари], шэқа [//*ад. тилда* паншаха], сота [//*ад. тилда* таёқ, ҳасса], бәрәк [//*ад. тилда* чучвара] каби; Миришкор шевасида [проф. С. Иброҳимов текширувига кўра) гирдикэнә [//*ад. тилда* якандоз, кўрпача] сарпош [*ад. тилда* тувоқ], тикәч [*ад.* тилда чекич]; Жиззах шевасида (доц. Ҳ. Ғуломов текширувига кўра) сәссъққәвәрәй (ўсимлик номи), әйръчука (ўтин ортиш учун ишлатиладиган асбоб) ва шу каби. Бундан ташқари, ўзбек халқ шеваларида учрайдиган пәйсә, қадоқ, бэтмэн, тэш, чақирим каби ўлчов номлари ҳозирги кунда фақат кекса авлод тилидагина ишлатилади. Лекин уларнинг маъносини ёш авлод тушунмайди. Кекса авлод ҳам айрим сўзларнинг маъно хусусиятларини унутиб бормоқда. Бундай архаик сўзларнинг шева составидан чиқа бориши, уларнинг янги сўзлар билан алмашиниши жойлардаги моддий-маънавий ҳаёт шароитлари, адабий тил таъсири билан боғлиқдир.

Айрим шеваларга хос диалектал сўзларга нисбатан умумхалқ сўзлари шевалар луғат составида кўп ўрин эгаллайди. Адабий тилнинг кундалик таъсири натижасида бундай сўзлар шева лексик составининг пассив қатламига ўтиб бормоқда.

**2-§. Шеваларнинг лексик жиҳатдан ўзаро фарқлари.** Шеваларни бир-биридан лексик жиҳатдан фарқлайдиган хусусиятлар барча сўз туркумларида учрайди.

Қуйидаги диалектал сўзларни қиёсланг:

| Қорлуқ лаҳжаси | | | Ўғуз лаҳжаси | Қипчоқ лаҳжаси |
|---|---|---|---|---|
| Тошк. шеваси | Самарқанд шеваси | Фарғона шеваси | | |
| чәқәлоғ | чақалоқ | бҮвәк | бөвәк | бθбәк//бθвәк |
| ъшкэм | вэйъш// вайъш | вәлъш | — | вайиш |
| қоқэнджо-х′эръ | сарджувэръ | эқ джҮ-гәръ | джҮвән | джҮгәри |
| тоғэн | — | элъш | бθвәт//бθгәт | дарғат |
| тухум | тухум | тухум// мәйәк | йимиртә | мәйәк |
| х′урмәчә | хурмача | чәпйә | — | қурмача |
| сотә | — | мәрдәк | — | сота |
| мучъчә | мусъча | мъсълчә | қумри | мҮсичи//мҮччи |
| гәръмдэръ | қалампур | қалампър | бурч | қалампыр |
| пәмълдэръ | памъдэр | пәтън-джэн | памадар | пәмилдәри |
| джъмджълэ: | — | чъначақ | — | чынақай//чынчалақ |
| эйъ | бъйъ//ена | бувъ | әнә | енә |
| дэвуччә | давучча | ғора | дҮвчә | дәвчә |
| қәләмчә | қаламча | чъкәлдәк | қаламча | қаламча |
| оғър | оғур | келъ | со:қы | кели |
| шәршәрәй | шаршара | шэввә// шалдъ-рәмә | шәрлавуқ | шарыллақ |
| чъттәй | — | джънқар-чә | читлық | — |
| арғъмчэғ | арғунчак | ҳәйҮнчәк | сарынджақ | ҳәлгәнчәк |
| гошәнггә | чъмълъқ | чъмълдъқ | гөшәйәнә | чимилдық |
| духэбә | бахмал | барқът | бахмал | бахмал |
| тувэғ | қапқэқ | қэпқақ | дувақ | қапқақ//қақмақ |
| зәғъзғэн | алашэқшаққа | ҳәккә// эләккә | әккә//ҳәккә// ҳәкәк | алашьқшақ |
| эркэн | арқон//арғамчън | арғамчъ | йип | арқан |
| нънәчъ | созанак | сөзәнәк | иннәчи// тәмәнчи | — |
| оргумчәй | тэртанак | өрмәнчък | тартәнек | өргәмчи |
| джъблә-джъбэн | — | чахчъ | сәмәнәк | — |
| чәчвэн | чашпан(т) | чъммәт | — | чиммәт |
| қъдър, кон-х′анъй | қъдър, кон-ташнав | ъстә, унә-эвруз | қыдыр, унә төшши | излә, кон-//уна-абруз |
| чәкәй | джэғ | джақ | джағ | джақ |
| қорашорвә | пъйэва | пъйовә | пийава//вағләмә | пийава |
| оғъз | фалла | пәллә | оувуз | ҮвҮз//Ү:з |
| йелъй | эстънча | йенгъчә | йенгсә | дженгсә |
| тәнчә | сандалъ: | сәндәл | — | сандал |
| чопчәй | матал | ертәк | ертєй | мәтәл |
| нәрвэн | нэрбэн | шатъ | зангнги | нарван |
| чумэлъ | морча | чҮмәлък | қарынджә | чумалы |

**3-§. Диалектал сўзларнинг типлари.** Ўзбек шеваларида диалектал сўзларнинг фонетик, морфологик, лексик-морфологик, семантик ва лексик типлари учрайди.

Шеваларни кузатганда, айни бу сўзнинг у ёки бу шевада бошқачароқ талаффуз қилиниши фонетик (ёки морфологик) фарқлардир: [масалан, *Тошк.* ч ɔ ч/*Анд.* ч ә ч//*ад. -орф.* соч; *Тошк.* з ъ р ә й// *Хоразм.* зирєй//*ад. -орф.* зирак; *Тошк.* қ у л ɔ ғ//*Фарғ.* қ у л а қ// *ад. -орф.* қулоқ; *Тошк.* ч у ғ у р ч у ғ//*Анд.* ч ь ғ ь р ч ь қ//*ад. -орф.* чуғурчуқ; *Тошк.* ɔ ш ш ъ// *Фарғ.* ɔ ш т ъ//*ад. -орф.* ошни(нг) каби]. Лексик фарқлар эса шеваларaро бир предметни ёки ҳаракат-ҳолатни бошқа-бошқа сўзлар орқали ифода қилишдан иборат, масалан: *Тошк.* н ә р в ɔ н~*Фарғ.* ш а т ъ~*Хоразм* з ә н г н г и; *Тошк.* о ғ ъ р~*Фарғ.* келъ~*Хоразм.* с о:қ ы; *Тошк.* р о в ә ч~*Анд.* чҮкръ; *Тошк.* қ ъ д ъ р-~*Фарғ.* ъстә каби. Келтирилган мисоллардаги сўзлар бутунлай бошқа-бошқа бўлишига қарамай, мазкур шеваларaро биргина предметни ёки иш-ҳаракатни билдиради ва бу диалектал сўзлар тўлиқ муносабатдош ҳисобланади. Уларнинг вазифаси ва шакли бир хил. Бу муносабатдошлик нисбий бўлиши ҳам мумкин. Масалан, Самарқанд группа шеваларида учрайдиган н ɔ н п а р//н ɔ м п а р сўзи Тошкент группа шеваларида учрайдиган ч ә к ъ ч (<чекич<чекгич) сўзига муносабатдошдек кўринади. Лекин бу икки сўз (н ɔ н п а р~ ч ә к ъ ч) ифодаланган предмет вазифа жиҳатидан ўхшаш (мос) бўлса-да, шакл жиҳатидан фарқли, бошқа-бошқа предметлардир (н ɔ н п а р — патдан ясалади, ч ә к ъ ч — ёғоч ва симдан ясалади). Кўринадики, н ɔ н п а р ва ч е к ъ ч сўзларининг муносабатдошлиги о ғ ъ р~к е л ъ~с о:қ ы сўзларининг муносабатдошлигидан фарқ қилади. Кейинчалик н ɔ н п а р сўзи ёғочга сим қадаб ясалган предметга нисбатан ҳам қўлланади. Натижада н ɔ н п а р~ч ә к ъ ч сўзлари шакл ва вазифа жиҳатидан бир-бирига ўхшаш предметни англата бошлади. Шундан кейингина н ɔ н п а р ва ч ә к ъ ч сўзлари ўртасида тенг муносабатдошлик вужудга келди.

Ўзбек шеваларида шундай сўзлар ҳам учрайдики, бундай сўзлар шакл жиҳатидан ўхшаш бўлишларига қарамай, шеваларaро бошқа-бошқа маъноларда ишлатилади. Масалан:

шɔтъ — *Тошк.* арава қисмининг номи.
шɔтъ — *Фарғ.* а) нарвон, б) арава қисми

бувъ — *Тошк.* она ёки отанинг онаси
бувъ — *Фарғ.* она (*Тошк.* ɔ й ъ).

пәшшә — *Тошк.* пашша (*рус.* муха).
пәшшә — *Фарғ.* чивин (*рус.* комар).

Тухум — *Тошк.* тухум (*жл.* мәйәк).
Тухум — *қипчоқ.* уруғ.

Ўзбек шеваларининг лексик составида традицион лексика асосий ўрин эгаллайди. Ўзбек халқ шевалари традицион лексикасида пайдо бўлиши жиҳатидан турли тарихий даврларга хос бўлган

лексик қатламларни учратамиз. Масалан, шеваларнинг традицион лексикасида шундай сўзларни учратиш мумкинки, уларнинг маъно хусусиятларига кўра пайдо бўлиш илдизлари жуда қадимий даврларга — уруғчилик даврларига бориб тақалади. Бундай сўзларга, аввало, қариндош-уруғ номини билдирувчи сўзлар киради. Бу сўзлар орасида э т ә//*ад. -орф.* ота, э н ә//*ад. -орф.* она, о ғ ь л//у л// *ад. -орф.* ўғил, қ ь з//*ад. -орф.* қиз каби умумдиалектга хос сўзлар, шунингдек, шакл ва маъно жиҳатдан фарқли, айрим шеваларгагина хос бўлган қариндош-уруғ номини билдирувчи сўзлар ҳам бор. Масалан, *Анд.* к ә т ә т ә//к ә т:ә (<к ә т т ә э т ә)~*Тошк.* б у в ә//*ад.-орф* бува; *Анд.* к ә т ә н ә (<к ә т т ә е н ә)~*Тошк.* б у в ъ// *ад. -орф.* буви; *Анд.* ә к ә~*Тошк.* э к ә//*ад. -орф.* ака (қипчоқ шеваларида *ота, амаки* маъносида ҳам ишлатилади), о п а (қипчоқ шеваларида *она* маъносида ҳам ишлатилади); б ө л ә//*ад. -орф.* бўла (айрим шеваларда *амакивачча* маъносида ҳам ишлатилади); *Тошк.* э п э қ ъ, т э ғ ә, ә м ә к ъ, ә м м ә, х'э л ә, к е л ъ н, к у й э в, д ж ъ й ә н, қ ә й н ә н ә, қ ә й н ә т ә, қ ә й н ъ н ъ, қ ә й н ъ-с ъ н г ъ л, қ ә й н ә ғ ә, қ ә й н ә г ә ч ъ//*ад. -орф.* опоқи, тоға, амаки, амма, хола, келин, куёв, жиян, қайнона, қайнота, қайнини, қайнсингил, қайнаға, қайнэгачи.

Юқоридагидек, қариндош-уруғ билдирувчи сўзларни деталлаштириб фарқлаш, уларни пайдо бўлиши ҳамда маъноларига кўра айрим хусусиятлари (а к а — *ота, амаки* маъносида; о п а — *она* маъносида каби), шубҳасиз, одамлар орасидаги муносабатларнинг қон-қардошлик алоқаларига асосланган даврларига бориб тақалади ва асл маъносини сақлаган ҳолда ўзбек шеваларининг лексик составидаги традицион қатламида сақланиб келмоқда.

Ўзбек шеваларининг традицион лексикаси ҳозирги кунда асосан кекса авлод тилини характерлайди.

## Диалектал сўзларнинг семантик группалари

4-§. Диалектал сўзларнинг семантик группалари жуда кўп бўлиб, улардан айримларинигина келтирамиз.

**Деҳқончиликка хос атамалар:** о қ а р ь қ, ш а қ а р ь қ, п а х т а, к ә р ә к, к ө с ә к, ч Ү в ь м ә, л ө п п ә к; л э в л ә г ъ, э қ қ ь з ь л ч а, қ ь з ь л ч ә, ә р п ә, б у ғ д э й//б и й д ә й, д ж о х э р ъ, қ о қ ә н д ж о х э р ъ//ж Ү г ә р ъ//ж Ү в ә р ъ//э қ//э х д Ү г ә р ъ//д ж Ү в ә н, п ә м ъ л д э р ъ~п ә т ъ н д ж э н//п ә т ъ л ә д ж э н~б а қ а л а, қ а л а м п ъ р~г ә р ъ м д э р ъ~б у р ч, қ э в э қ//қ э в э ғ~а ш к ә д и.

**Чорвачиликка хос атамалар:** э т//а т, с ъ г ъ р//с и й и р~ъ н ә к// ъ н ә й~у й, б ъ з э ғ~г ә с ә л ә, қ о й, е ч к ъ//г е ч ъ, ғ ә н ә н, д ө н ә н, т у й ә//т Ү г ә, х о т Ү к~к Ү р р ә~т а й х а р, қ у л у н, т э й, а й ғ ь р, б и й ә~б ә й т ә л, у л э қ~ч Ү в ъ ч, с е р к ә, б ә т ә// б ә т ә л а қ.

**Ов, балиқчиликка хос атамалар:** т о р, т у з э қ, м ә т р ә п, й э й м ә, қ э п қ э н, қ а р м а қ//қ а л м э қ, с а н ч қ ы; л а қ қ а, ч а в а қ, з э г а р а б а л ы қ, ч о р т э н//ч о р т а н б а л ы қ, д ж ә й и н, а қ б а л ы қ, к ә й ә з.

**Бинокорликка хос атамалар:** уй//ой, маданг, равақ, мөръ, қасава, пәйдевэр, хәнъй//хәнъй ~ эбрез, саррэв, хәръ//хары, устун, синч, кәшәк, тэқъ ~ вәссә, эстәнә ~ бэсаға, дәҳлъз, йөләк, шип, тэвчә//тэкчә.

**Уй-рўзғор буюмларининг атамалари:** қэзэн//қазэн, тэвэқ//табақ, ләгән//ләгәт, оғър ~ кели ~ со:қы, бэлтъ//бэлтә, пәқър ~ сатил ~ челәк, чэпқъ, тешә, паншаха ~ бешлик, хурма//хурмәчә, чәпйә, тағора//тэғара, чэвлъ, ғалвър, еләй//еләк, оқлэғъ; гълэм, шэлчә, ғалы, элача; тушәк//төшәк, йәкэндэз, йәстуқ ~ бэлъш.

Ўзбек шеваларида яна шундай лексик группалар борки, улар шу шева вакилларининг моддий ҳаёт шароитлари, шу шева жойлашган территориянинг иқтисодий ривожи билан боғлиқдир. Маълум бир территорияда маълум бир ишлаб чиқариш тармоғининг ривожланиши шу ерда яшовчи аҳоли тилида бошқа территориядан фарқли равишда махсус сўз — терминлар вужудга келтирган. Чорвачилик ривожланган ерларда чорвачиликка оид сўз ва терминлар ҳайвонларнинг номи, ёши, рангига кўра жуда деталлаштириб ифодаланганини кўрамиз. Масалан, ёшига кўра (қипчоқ шеваларида): қулун (бир ёшгача бўлган от), кәлтәтэй (бирдан икки ёшгача), ғонан (иккидан уч ёшгача), донан (учдан тўрт ёшгача), бешли (уч-тўртдан беш ёшгача), джангизий <йанги азық (беш ёшдан ошган, озиқ тиши чиққан от), эказий < икки азиқ (олти ёшли от), Учазий < уч азиқ (етти ёшли от); бота (бир ёшгача бўлган туя), тайлақ (бирдан икки ёшгача), осымли (иккидан уч ёшгача), нар (учдан тўрт ёшгача бўлган эркак туя), тҮйә (тўрт ёшдан юқори бўлган туя); тоқли (икки ёшли қўй), ҳишәк (уч ёшлиси), чари (тўрт ёшлиси), панджи (беш ёшлиси) каби.

Шунингдек, деҳқончилик (масалан, пахтачилик) билан шуғулланувчи ерларда шу соҳага хос сўз ва терминлар жуда деталлаштириб ифодаланади (Фарғона шеваларида): пахтә, хөппәк//лөппәк, ғоза, шэнәбәрг, бешәмәк, көсәк, көрәк, элақарақ, ърджақ, чүвъмә.

## Ўзбек шевалари лексик составида туб ва ўзлаштирилган сўзлар

5-§. Ўзбек шевалари лексикасининг этимологик составида туб туркий сўзлар билан бирга маълум даражада араб ва тожик тилларидан ўзлашган сўзлар ҳамда кўплаб совет-интернационал сўзлар мавжуд. Бундай сўзларнинг кўпи ўзбек жонли тили қонуниятларига бўйсунган ҳолда шакл ва маъно жиҳатдан айрим ўзгаришларга учраган.

Шундай қилиб, ўзбек шевалари лексик составида, асосан, икки лексик қатлам бор: 1) туркий лексик қатлам; 2) ўзлаштирилган лексик қатлам.

**6-§. Туркий лексик қатлам.** Ўзбек шеваларида туркий лексик қатлам ўзлаштирилган лексик қатламга нисбатан асосий ўринни эгаллайди. (Бу ҳақда юқорида муфассал тўхталдик.)

7-§. **Ўзлаштирилган лексик қатлам.** Ўзбек тили шеваларида бошқа тиллардан ўзлаштирилган сўзлар ҳам бор. Бу сўзлар ўзбек шеваларига лексик материал сифатида қабул қилиниб, шу тил системасида янги шакл олади. Кўпинча бундай сўзларнинг асл грамматик формалари бошқа (қабул қилувчи тил, шева) грамматик формалари билан алмашади. Масалан, араб тилидан кирган *аҳвол* (бирлиги *ҳол*), *фуқаро* (фақирлар, бирлиги *фақир*), *асбоб* (қурол маъносини билдиради, аслида *сабаб* сўзининг кўплиги), *айём* (ҳайит, байрам маъносини билдиради, аслида *ар.* кунлар, вақтлар, бирлиги *йум*), *алвон* (қизил мато ёки турли-туман деган маънони билдиради, аслида *ар.* туслар, ранглар, бирлиги *лавн*) каби сўзлар араб тилидаги каби кўпликни билдирмайди ва айрим морфемаларга ажралмайди, бирликни билдиради. Ўзбек тилида бу сўзлардан кўплик ҳосил қилиш учун кўплик аффикси (*-лар*) қўшилади: *аҳвол* (бирлик) — *аҳволлар* (кўплик), *асбоб* (бирлик) — *асбоблар* (кўплик), *айём* (бирлик) — *айёмлар* (кўплик), *алвон* (бирлик) — *алвонлар* (кўплик).

Тожик халқи билан ўзбек халқининг асрлар мобайнида бирга яшаб, яқин, дўстона муносабатда бўлганликлари натижасида ўзбек шевалари луғат составига кўпгина тожикча сўзлар ўзлашган. Кейинги вақтларда, айниқса, улуғ Октябрь революциясидан сўнг ўзбек тили шевалари лексикаси рус тили ва у орқали бошқа тиллардан қабул қилинган сўзлар ҳисобига бойиди ва бойиб бормоқда.

8-§. **Ўзлаштирилган арабча сўзлар.** Ўзбек адабий тилнда араб тилидан кирган сўзларнинг кўпини от, сифат, равиш, ёрдамчи сўзлар ва феъллар ташкил қилса, шеваларда эса асосий ўринни от туркумига хос сўзлар эгаллайди. Шуни ҳам айтиш керакки, арабча сўзлар миқдори ж- ловчи қишлоқ шеваларига нисбатан шаҳар шеваларида кўп: әқъл//*ад.-орф.* ақл, әмәл//*ад.-орф.* амал, ɔпәт//*ад.-орф.* офат, вәсъйәт//*ад.-орф.* васият, қудрәт//*ад.-орф.* қудрат, дунйɔ//*ад.-орф.* дунё, ъмɔн//*ад. орф.* имон, шәръм//*ад.-орф.* шарм, шъпɔ//*ад.-орф.* шифо каби.

Ўзбек халқ шеваларига ўзак + аффикс (*асос* + *ан* каби) типидаги сўзлар қабул қилинмаган. Лекин бундай тип ясама сўзларнинг баъзилари адабий тил таъсирида шеваларга кирмоқда: ɔлъй (ɔлий Совет), әсɔсъй (әсɔсъй мәсәлә) //*ад.-орф.* олий, асосий.

Ҳозирги кунда ўзбек шеваларидаги арабча сўзлар соф ўзбек сўзлари каби ўқилади ва янги сўзлар ясашга асос бўлади, масалан, мъҳнәтчъ (< *ар.* меҳнат + *ўзб.*-***чи***), дɔвләтлъ (< *ар.* давлат + *ўзб.*-***ли***), ҳәқсъз (< *ар.* ҳақ + *ўзб.*-***сиз***), рɔзълъй, (< *ар.* рози + *ўзб.*-***лик***), әнъқләш (< *ар.* аниқ + *ўзб.*-***ла*** + ***ш***) каби.

Шунингдек, шеваларда арабча сўз ва тожикча аффикс ёки арабча ва тожикча сўзларнинг ўзаро бирикиши натижасида ҳосил бўлган сўзлар ҳам учрайди: бетɔқәт (> *тож.* + *ар.*), вәсъй- [illegible] *тож.*) кәвъшдоз (> *ар.* + *тож.*) каби.

**9-§. Ўзлаштирилган тожикча сўзлар.** Ўзбек халқининг қардош тожик халқи билан узоқ даврлардан буён ҳамкор яшаганликлари, ўзаро муносабатлари уларнинг тилларида ҳам ўз ифодасини топди. Шунинг учун ўзбек адабий тили ва унинг шеваларида кўплаб тожикча сўзларни учратиш мумкин. Бундай ўзлашган сўзларнинг кўпини от, сифат, равиш ва ёрдамчи сўзлар ташкил қилади: э г э ҳ//*ад.-орф.* огоҳ, б э л э н//*ад.-орф.* баланд б э й//*ад.-орф.* барг, д э ш//*ад.-орф.* дашт, д э р э х//д а р а ғ//*ад.-орф.* дарахт, з э р в э п//*ад.-орф.* зарбафт, к э м//*ад.-орф.* кам, ҳ ъ ч//*ад.-орф.* ҳеч, ҳ э м//*ад.-орф.* ҳам каби.

Шеваларда тожикча сўзлар янги сўзлар ясаш учун ҳам асос бўлади: д Ү т э р ч ъ (< *тож.* дутор + *ўзб.* **-чи**), х Ү р с э н ч ъ л ъ й (< *тож.* хурсанд + *ўзб.* **-чилик**), д э р э х с ъ з (< *тож.* дарахт + *ўзб.* **-сиз**) каби.

Шунингдек, ўзбек шеваларида ***-манд, -параст, -боп, -боз, -бон, -гўй, -дўз, -паз, -хўр, -парвар, -фуруш, -хона*** каби аффикслашган тожикча сўзлар ва ***бе-, ба-, бар-, но-, хуш-, сер-*** каби аффикслар ёрдамида янги сўзлар ясалади: э м э л п э р э с//*ад.-орф.* амалпараст, ъ ш қ ъ в э з//*ад.-орф.* ишқибоз, м ъ ҳ р ъ в э н//*ад.-орф.* меҳрибон, н э с ъ ҳ э т г о й//*ад.-орф.* насиҳатгўй, е т ъ й д о з//*ад.-орф.* этикдўз, э ш п э з//*ад.-орф.* ошпаз, п э р э х о р//*ад.-орф.* порахўр, ч э й п у р ъ ш//*ад.-орф.* чойфуруш, э т х э н э//*ад.-орф.* отхона, б э д э в л э т//*ад.-орф.* бадавлат, н э т о ғ р ъ//*ад.-орф.* нотўғри, х у ш х э в э р//*ад.-орф.* хушхабар, с е р ҳ о с ъ л//*ад.-орф.* серҳосил каби.

**10-§. Ўзлаштирилган совет-интернационал сўзлар.** Ўзбек шеваларига совет-интернационал сўзларнинг қабул қилиниши Ўрта Осиёнинг Россияга ихтиёрий қўшилиши билан боғлиқдир.

Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейин ўзбек тилида, шунингдек, ўзбек шеваларида совет-интернационал сўзларнинг миқдори ортди. Бу — янги предмет, янги тушунчаларнинг пайдо бўлиши ва уларнинг атамаларининг ўзбек тилига келиб кириши билан, архаик араб-форс сўзларининг совет-интернационал сўзлар билан алмаштирилиши орқали содир бўлди, ўзбек тили ва унинг шевалари қуйидаги тип сўзлар ҳисобига бойиди.

Ижтимоий-сиёсий сўз ва терминлар: к о м м у н и з м, с ъ е з д, с о в е т.

Фан, техника ва саноатга хос сўз ва терминлар: и н с т и т у т, т е л е в и з о р, п о е з д, м а ш и н а, э л е к т р, з а в о д, ф а б р и к а.

Қишлоқ хўжалигига хос сўз ва терминлар: т р а к т о р, а г р о н о м, к о л х о з, б р и г а д а.

Санъат ва адабиётга, маданият ва маорифга хос сўз ва терминлар: к о н ц е р т, т е а т р, к л у б, г а з е т а, р о м а н.

Савдога хос сўз ва терминлар: м а г а з и н, я р м а р к а, б а н к.

Ободончиликка хос сўз ва терминлар: а с ф а л ь т, в о д о п р о в о д, к а н а л, п а р к.

Озиқ-овқат, кийим ва рўзғор буюмларига хос сўз ва терминлар: п е ч е н ь е, к о с т ю м, п а л ь т о, б о т и н к а, с т о л, ш к а ф.

Спорт ва ҳарбий ишга хос сўз ва терминлар: футбол, солдат, пулемёт.

Ўзбек шеваларида совет-интернационал сўзларнинг салмоғи адабий тилнинг шеваларга бўлган баракали таъсири ва, шунингдек, халқ хўжалигининг тўхтовсиз ўсиб бориши, янги-янги тушунчаларнинг шеваларга ҳам кириб бориши билан янада ортиб бормоқда.

## ШЕВАЛАР ЛЕКСИКАСИНИНГ АДАБИЙ ТИЛГА МУНОСАБАТИ

**11-§. Ўзбек адабий тили лексик нормаларини белгилашда шеваларнинг роли.** Ўзбек миллий коллективининг стабиллашган адабий тили Октябрь революциясидан кейин вужудга келди. Янги социалистик шароитда Ўзбекистонда ўзбек маданиятининг бир тармоғи бўлган ўзбек адабий тилининг ҳам атрофлича ривожланишига кенг имкониятлар яратилди. Халқ хўжалиги, фан ва техниканинг мислсиз тараққиёти билан боғлиқ ҳолда ўзбек тили ҳам бойиб бормоқда. Ҳозир ўзбек адабий тили «ишланган», ҳар қандай мураккаб фикрларни ифодалай оладиган нормалашган тил даражасига кўтарилди. Бунга аввало, Ўзбекистонда маданий қурилиш ишларининг йўлга қўйилиши билан бир қаторда, адабий тил учун асос бўладиган таянч шеваларни белгилаб олиш натижасида эришилди.

Ҳозирги замон ўзбек адабий тилининг ривожи ва унинг стабиллашуви учун халқ шеваларига асосланиш жуда муҳим эканлигига Ўзбекистонда Совет ҳокимиятининг дастлабки даврларидаёқ (масалан, 1929 йилда бўлган Ўзбекистонда тил ислоҳоти ва имло конференциясидаёқ) эътибор берилди.

1929 йил тил ислоҳоти ва имло конференцияси қарори асосида имлони такомиллаштириш билан бирга адабий тил лексик состави нормаларини белгилаш юзасидан ҳам бир қатор тадбирлар кўрилди ва ўзбек халқ шеваларини ўрганиш ва шу асосда адабий тилни ва унинг лексик нормаларини белгилаш ишлари бошланди.

Ҳозирги замон ўзбек адабий тили, асосан, ўзбек халқ шевалари лексик составидан, шунингдек, бошқа тиллар (асосан, рус тили) лексик составидан сўз ўзлаштириш ҳисобига ва традицион ўзбек адабий тилининг энг яхши элементларини сақлаб қолган ҳолда ривожланди, бойиди.

Ҳозирги замон ўзбек адабий тилининг ривожланишида ички ва ташқи имкониятлардан ташқари, ўзбек бадиий адабиётининг ҳам таъсири ижобий бўлди.

Ўзбек адабий тилининг орфографияси, орфоэпияси ва грамматик қурилиши маълум таянч шеваларга (асосан, Тошкент ва Фарғона шеваларига) асосланган бўлса-да, лексик жиҳатдан эса барча ўзбек шеваларига асослангандир.

Адабий тилнинг лексик составини бойитиш, такомиллаштириш учун қуйидагиларга аҳамият бериш шарт.

Адабий тил шева лексикасидан кўпчилик шевалар учун умумий бўлган сўзларни танлаб олади ва уни ўз лексик составига киритади, масалан, ўзбек шеваларида учрайдиган *Тошк.* *Фарғ.* съгър//съйър ~ *Самарқ.*, *Бух.* ънак ~ *Уйчи.* Үй; *Тошк.* чәқәлэғ ~ *Фарғ.* бҮвәк; *Тошк.* ъшкэм ~ *Самарқ.* вэйъш// вайъш//*Фарғ.* вәлъш; *Тошк.*, *Самарқ.* тҮхҮм ~ *жл.* мәйәк ~ *Хоразм* йъмъртә; *Тошк.*, *жл.* сотә ~ *Фарғ.* мәрдәк; *Тошк.*, *Самарқ.* қаламча ~ *Фарғ.* чъкәлдәк; *Тошк.* оғър// *Самарқ.* оғур ~ *Фарғ.* келъ ~ *Хоразм* со:қы; *Тошк.* нънәчъ ~ *Хоразм* тәмәнчи ~ *Самарқ.* созанак; *Тошк.* чҮмэлъ ~ *Самарқ.* морча ~ *Хоразм* қарынджа; *Тошк.* рэвэч ~ *Анд.* чҮкръ каби сўзлардан *сигир*, *чақалоқ*, *ишком*, *тухум*, *сўта*, *қаламча*, *ўғир*, *ниначи*//*сўзанак*, *чумоли*, *равоч* адабий тилда нормалашган.

Демак, адабий тил шевалараро учрайдиган юқоридаги каби синонимлардан кенг тарқалганларини танлаб олади ва улар адабий тил лексик нормасига айланиб қолади. Қолганлари эса, ънәк, бҮвәк, вәлъш, мәйәк, йъмъртә, мәрдәк, чъкәлдәк, келъ, со:қы, тәмәнчи, морча, қарынджа, чҮкръ каби сўзлар диалектал форма сифатида қолаверади.

Диалектлараро янги сўзлар ясалганда ҳам турли кўринишларга эга бўлиши мумкин: *Тошк.* йелъмшуғ ~ *Хоразм* йелимшәк; *Тошк.*, *Фарғ.* хәвәрдэр ~ *Хоразм.* хавардан; *Тошк.* сәрғәй ~ *Хоразм.* сарал; *Тошк.* сузәғэн ~ сузэнғъч ~ *Хоразм.* сҮзәк каби. Бундай сўзлардан ҳам адабий тил ўзи таянадиган шеваларга хос бўлганларини қабул қилиб олган. Шуни ҳам айтиш керакки, айрим шеваларда кўпчилик диалектларда учрамайдиган, фақат ўша шева аҳолисининг турмуш шароити ва территорияси билан боғлиқ бўлган сўзлар бўлади. Бундай сўзларни ҳам адабий тил ўз составига киритади ва тор диалектал сўз ҳисобига ҳам бойийди, масалан, Хоразм шеваларига хос ҳөкки, Фарғона шеваларига хос зърбәк, арч сўзлари каби.

Махсус ишлаб чиқариш ёки халқ хўжалигининг бирор тармоғи ривожланган жойлардаги сўз-терминлар (ўша соҳага хос) ҳисобига ҳам адабий тил бойиб боради: пахта ва пахтакорликка хос сўз-терминлар: *Фарғ.*, *Анд.* агат, бешәмәк, джөйәк, оқ арьқ, пэйнав, шэнәбәрг, чҮвъмә, гҮлбәнт каби. Чорвачиликка хос сўз-терминлар: қулун, ғонан, донан, тоқлы, чары, панджы каби. Балиқ ва баликчиликка оид сўз ва терминлар: *Хоразм.* айна гөз (майда балиқ), ақ чавақ, алабуға, бәкрә, қазық баш, кәйәз, кәрси (тўр сават) каби.

Адабий тилдаги маъно жиҳатдан бир-бирига яқин сўзлар — синонимлар бошқа тиллардан, кўпинча, шевалардан ўзлашган бўлади. Бундай сўзлар адабий тилда ифодаланмоқчи бўлган фикрни барча нозикликлари билан ифодалаш имконини беради. *Тошк.* чърэйлъ ~ коҳлҮ: ~ коркэм ~ *жл.* сҮлҮв каби сўзлар қайси шевага тааллуқлигидан қатъи назар, улар адабий тилда маълум маъно нозиклигини ифодалаш учун ишлатилади.

Ҳар бир тилда, шунингдек, шеваларда шаклан ўхшаш, маънолари бошқа-бошқа сўзлар — омонимлар ҳам мавжуд. Лекин ўзбек шевалариаро бундай сўзларнинг нисбати бир хил эмас. Ж-ловчи ўзбек шевалари, шунингдек, сингармонизмли й-ловчи шеваларда омонимлар кам. Чунки бу шева вакиллари талаффузда контраст унлилардан фойдаланиш билан омонимик (шаклий) ўхшашликдан узоқлашадилар. Бу хусусият Фарғона тип шеваларда учрайди: о т (олов, майса) — ө т (*ўтмоқ* феълидан), б о л (тугат) — б ө л (ажрат), т о р (қафас) — т ө р (тўрт), о з (*ўзмоқ* феълидан) — ө з (олмош).

Аммо сингармонизмни тўла йўқотган шаҳар шеваларида омонимия хусусияти кўп учрайди: *Тошк.* о й (ўй ва фикр), қ о й (от ва феъл), т о й (от ва феъл), т ɔ ш (от ва феъл), й у з (от ва сон), у ч (сон ва феъл), о з (олмош ва феъл). Шунингдек, айрим сўз формаларининг торайиши ҳам омонимик ўхшашликлар туғдиради: *Тошк.* о т (у ер, от, ф е ъ л), б е т (бу ер, от), *Қўқон.* б а қ а (бу ёққа, от) ва ш. к.

Хулоса қилиб айтганда, ўзбек адабий тили лексик жаҳатдан ўзбек шеваларининг барчасига асосланади ва улардан зарурий сўзларни қабул қилади. Ўзбек адабий тилининг лексик нормаси ҳам шу адабий тил хизмат қиладиган ўзбек халқининг тилига, унинг барча шеваларига таянади. Адабий тилнинг лексик составини бойитиш ва унинг нормаларини белгилашда вақтли матбуот, ёзувчилар муҳим роль ўйнайдилар.

## АДАБИЁТЛАР


Ўзбек диалектологиясидан материаллар, I, Тошкент, 1957.
Ўзбек диалектологиясидан материаллар, II, Тошкент, 1961.
Ўзбек шевалари лексикаси, Тошкент, 1966.
Русская диалектология, М., 1972.
Ўзбек халқ шевалари луғати, Тошкент, 1972.

# ШЕВА ВА ДИАЛЕКТЛАРНИ ТАВСИФ ҚИЛИШ МЕТОДИКАСИ

**1-§. Ўзбек тили диалектларини ўрганиш программаси.** Ўзбек тили диалектларини монографик план асосида ўрганиш шева ва диалектларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳар томонлама ёритиб берадиган аниқ программа бўлишини талаб қилади.

Умуммиллий тилнинг шева ва диалектлари маълум тил системасига эга бўлиб, реал тил қурилишини акс эттиради.

Шева ва диалект системаси фақат тор диалектал ва локал (яъни маҳаллий, маълум бир жойга хос) белгилардангина эмас, балки уларнинг маълум йиғиндисидан иборатдир. У ўз тараққиётининг турли босқичларида ҳар хил кўринишга эга бўлган умуммиллий тил хусусиятларини ҳам ўзида мужассамлаштирган. Одатда, маҳаллий тил қатламига хос белгиларнинг бир қисмини традицион ва архаик тил хусусиятлари ташкил қилса, бошқа бир қисмини шева ва диалектнинг кейинги даврдаги тараққиёти натижасида вужудга келган ҳамда бир-бирига территориал яқин бўлган бошқа системадаги тилларнинг диалектлари таъсирида ва мазкур тил ичидаги шева, диалектларнинг ўзаро бир-бирига таъсири туфайли пайдо бўлган диалектал тил хусусиятлари ташкил қилади. Бу хусусиятлар шева ёки диалектнинг асоси бўлиб, унинг тор диалектал характерга эга эканлигини кўрсатади.

Шева ва диалектларни ўрганиш программаси барча элементларни — маълум территориядаги миллий тил коллективи учун хос бўлган диалектик бирликлар системасини ташкил этувчи барча хусусиятларни ўзида тўла акс эттирган бўлиши керак. Программага эга бўлган диалектолог шевани тўла равишда, барча элемент ва ҳамма деталлари бўйича ўрганишга муваффақ бўлади. Диалектларнинг ҳозирги ҳолати текширилганда ундаги локал хусусиятларгина эмас, балки диалектлар тараққиётининг энг сўнгги босқичида вужудга келган ва диалектлар системасига кириб келган ўзгаришларни ҳам қўшиб ўрганиш лозим. Тарихий-этнографик маълумотлар билан тасдиқланган тил хусусиятларининг лингвистик таҳлили диалектологга шева ёки диалектнинг тарихини ёритиб

беришга, традицион ва тор диалект қатламни очишга ҳамда тил ҳодисаларининг ривожланишини маҳаллий хусусиятлар тарихи билангина эмас, балки умуммиллий тил нуқтаи назаридан ҳал қилиб беришга ёрдам беради. Буларнинг ҳаммасини (яъни диалектларнинг системасини) баъзи территориал участкаларни танлаб олиш йўли билан, баъзан эса ёппасига текшириш йўли билан тўпланган материаллар асосида тузилган программа акс эттириши керак.

**2-§. Программанинг ҳажми ва тузилиши.** Программа тематик йўсинда тузилиши ва унда фонетика, морфология, синтаксис ҳамда лексика боблари бўлиши зарур. Шева ва диалектларнинг мавжуд классификацияларига асосланиб программа тузиш мумкин эмас, чунки бу классификацияларнинг кўпчилиги қайта аниқлаш ва тўлдиришларга муҳтож. Шуни эсда тутиш керакки, программа бўйича йиғилган материал ҳамма вақт ҳам шева ва диалектни ҳар томонлама чуқур монографик тавсиф қилиш учун етарли бўла бермайди, чунки программа қанчалик мукаммал тузилмасин, бари бир, у тил хусусиятларини бутунлигича қамраб ололмайди. Программа тадқиқотчини маълум бир мақсадга қараб йўллайдиган ориентирдир. Ўйлаб тузилган программанинг бўлиши ва унинг диалектолог томонидан яхши ўзлаштириб олиниши, фактик материалларнинг сифатли ва кўп бўлиши шева ва диалектларни монографик тавсиф қилиш ишининг муваффақиятли чиқишини таъминлайди.

**3-§. Монографик текширишнинг турлари.** Монографик текширишнинг характери, объект танлаш ва уни кузатиш методикаси диалектологнинг ўз олдига қўйган вазифалари билан боғлиқдир. Одатда, монографик текшириш ишлари икки хил аспектда бўлиши мумкин: 1) т а в с и ф и й  а с п е к т, яъни диалектографик характерга эга бўлган текшириш ва 2) т а р и х и й  а с п е к т, т а р и х и й-д и а л е к т о л о г и к  а с п е к т, яъни бирор шева ёки диалект хусусиятларининг тарихини ва ҳозирги ҳолатини маълум изчиллик билан ёритиб берадиган текширишдир.

**Тавсифий аспект.** Шева ва диалектларни текширишда ўз олдига жуда аниқ мақсадларни қўйган монографик ишнинг дастлабки босқичи диалектографик характерда бўлади. У шева ёки диалектга хос барча хусусиятларни тўла равишда тавсиф қилишни ҳамда шева ёки диалектни миллий тилнинг территориал кўринишларидан бири эканлигини кўрсатишни ва унинг система характерига эга эканлигини алоҳида таъкидлашни талаб этади.

Ўзбек шева ва диалектларини ўрганишда кенг тарқалган бу аспект тил системаси элементларини (фонетик ва лексик-грамматик хусусиятлар) ўз статикасида текширади, яъни баъзи фонетик ҳодисалар ва грамматик формаларнинг қандай пайдо бўлганлигидан қатъи назар, тилнинг ҳозирги мавжуд системасини ташкил қиладиган ва фақат тилнинг тараққиёти босқичида мавжуд бўлган тил процессларини қайд қилади.

Шева ва диалектларнинг ўзига хос хусусиятлари синхроник планда текширилар экан, у албатта, хилма-хил фактик материал-

лар асосида ёритилиши лозим. Кундалик ҳаётимизда, ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнида қўлланадиган оғзаки нутқ, яъни жонли сўзлашув тили ва шева вакиллари орасида кенг тарқалган ҳар хил жанрлардаги фольклор тили кузатиш объекти қилиб олиниши шарт. Шу билан бирга традицион шева вакилларининг тилини ҳам махсус кузатиш керак, лекин яққол кўзга ташланиб турган тор диалектал ва традицион хусусиятларнигина зўр бериб қайд қилиш адабий тил билан бир хилда бўлган формаларнинг ҳамда умуммиллий тилга хос хусусиятларнинг қайд қилинмай қолишига сабаб бўлади. Бундай текширишда шевага бир томонламагина характеристика берилади ва унинг ҳозирги пайтдаги ҳолати бузиб кўрсатилади.

Ўзбек шева ва диалектларини монографик тавсиф қилишда баъзан тил фактларини тарихий ва қиёсий-тарихий план асосида интерпретация қилишга уриниш ҳоллари ҳам учрайди, аммо бунда маълум бир изчилликнинг бўлмаслиги, шунингдек, текширилаётган фактларнинг кўпинча тасодифийлиги ўрганилаётган объект структурасини тўла ёритишга имкон бермайди.

**Тарихий аспект.** Бунда шева ёки диалектнинг традицион қатлами ўз динамикасида текширилади, яъни бирор тил ҳодисалари ва сўз формаларининг тарихи изчиллик билан ёритиб берилади.

Шева ва диалектларни тарихий планда монографик ўрганиш диалектолог олдига объект танлаш ва уни кузатиш методикаси бўйича маълум талаблар қўяди.

Шева ёки диалектни тарихий жиҳатдан ўрганишни ўз олдига мақсад қилиб олган диалектолог умумлингвистик ва махсус туркологик тайёргарлик (ёзма ёдгорликларни ўқий билиш) дан ташқари, тарих, этнография фанларидан ҳам хабардор бўлиши керак. Кузатиш объекти қилиб олинган жой аҳолисининг тилида характерли диалектал хусусиятларнинг тўла комплекси сақланган бўлиши шарт. Шевага хос бўлган традицион хусусиятлар, одатда, қариялар нутқида кўпроқ сақланган бўлади, чунки уларнинг нутқига умуммиллий тилнинг адабий формаси камроқ таъсир кўрсатган бўлади. Традицион қатламни архаик элементлар билан аралаштирмаслик керак, чунки традицион системадаги баъзи элементлар тарихий жиҳатдан ҳамма вақт архаизм бўла бермайди. Архаизмлар шева учун иккинчи даражали, маҳсулсиз белгилардан бўлса, традицион шева вакиллари нутқидаги яшовчан ва маҳсулдор бўлган тор диалектал специфик хусусиятлар шева ёки диалектни тарихий планда характерлаб берадиган асосий белгилардандир.

Диалектларни тарихий жиҳатдан ўрганиш уларнинг ўтмишини ойдинлаштириш учун, тил тарихи учун ва диалектологик атлас тузишдаги лингво-географик тадқиқотлар учун зарурдир. Диалектолог шева ёки диалектларни тарихий жиҳатдан текширар экан, албатта тил тараққиётининг ҳозирги даврида мавжуд бўлган хусусиятларни ҳам қайд қилиб бориши шарт. Кўриниб турибдики, бунда тарихий ва тавсифий аспектлар маълум даражада бир-бирлари билан чатишиб кетади, бу эса, ўз навбатида, фонетик ва лексик-

грамматик хусусиятларига кўра традицион системадаги шевалар билан адабий тил оралиғида турувчи аралаш ва ўткинчи типдаги ҳар хил оралиқ шеваларни аниқлаб олишга имкон беради. Аммо шева ва диалектларни ўрганишда тавсифий ва тарихий аспектларни тўғридан-тўғри бирлаштириб юбориш ҳозирги замонга оид фактларни тарихий фактлар билан аралаштириб юборишга, уларни фарқламасликка олиб бормайди. Бу икки аспект битта илмий ишда биргаликда қўлланганда, умуммиллий аҳамиятга эга бўлган янги ҳодисаларни топишга ва уларни синчиклаб ўрганишга ёрдам беради.

Шева ва диалектларни тарихий аспектда ўрганишнинг қийинлиги диалектографик материалларнинг етарли даражада тўпланмаганлиги билан изоҳланади. Бу хил материаллар етарли даражада тўпланмас экан, ретроспектив планда чуқур диалектологик тадқиқот ишларини олиб бориш мумкин эмас. Тарихий диалектология шева ва диалектларни ҳар томонлама синхроник тавсиф қилиш зарурлигини инкор этмайди, балки, аксинча бу соҳадаги ишларни кенгайтириш, этногенетик процесснинг мураккаблиги билан изоҳланадиган мураккаб типдаги диалектларни ўрганишда актив иш олиб боришни талаб қилади.

Тарихий аспект тарихий диалектология маълумотларига ва ёзма ёдгорликларга суянади.

Маълумки, ёзма ёдгорликларда ҳозирги замон ўзбек миллий тилининг ташкил топишида иштирок қилган баъзи туркий уруғ-қабила группаларининг (қипчоқ, ўғуз, қорлуқ ва бошқаларнинг) тилига хос хусусиятлар ҳам ўз аксини топган. Ўрта Осиё ва Қозоғистон территориясида яшаб келган туркий уруғ-қабила группаларининг тарихий-этнографик ўтмишига оид маълумотлар фақат ҳозирги даврдаги шева ва диалектлардан баъзиларигина маълум қабилавий заминга эга бўлганлигини эмас, балки ўтмишда маълум бир тил бирлигига уюшган баъзи уруғ-қабила тиллар системасининг ҳам мавжуд бўлганлигини кўрсатади. Бу системаларга (қипчоқ, ўғуз, қорлуқ, чигил ва бошқалар) хос бўлган элементларнинг ҳар хил кўринишларини ўзбек тилининг турли шева ва диалектларида учратиш мумкин.

**4-§. Объектни кузатиш методикаси.** Диалектографиянинг тараққий қилиши ва аста-секин мустақил лингвистик фан бўлган диалектологияга айлана бориши билан унинг назарий асосларига ва конкрет тил фактларидан ташкил топган материал базасига қўйиладиган талаблар ҳам ошди.

Конкрет тил фактларини диалектолог ҳар хил усуллар билан йиғиши мумкин: а) эшитиш ва турли жанрдаги жонли нутқдан бирбирига боғлиқ текстларни, алоҳида жумлаларни қайд қилиш ҳамда суҳбатлашаётган кишиларнинг диққатини жалб қилмасдан, хусусан, улар ўз нутқларига диққат қилмаган пайтларда гапирган сўзларини ёзиб олиш йўли билан; б) программадаги саволлар бўйича сўраш йўли билан ёзиб олиш. Бу усул билан фақат шева ва диалектларнинг лексикасини ўрганиш мумкин. Фонетик ва морфологик хусусиятларни сўраш йўли билан аниқлаб бўлмайди. Фонетик ва грамматик хусусиятларни аниқлаш ҳар қандай шароитда ҳам диалектологнинг шахсан кузатиш олиб боришини талаб қилади.

Умумкузатиш методикасининг аниқ бўлиши, шева ва диалектларнинг реал мазмунини акс эттирадиган фактик материалларнинг тўғри ва сифатли қилиб тўпланиши диалектографик текширишларда талаб этиладиган асосий омиллардандир. Шева ва диалект маълум бир миллий тилнинг хилма-хил территориал формаларидан бири бўлиб, аниқ бир системага эга бўлиши билан характерланади. Бу система ўз қонуниятларига эга, лекин шева ва диалектларнинг шаклланиш давридаги конкрет тарихий шароитлар ҳамда уларнинг умумтараққиёт тенденциялари билан изоҳланадиган сабаблар туфайли бу системадан четга чиқишлар содир бўлиши мумкин. Монографик тавсиф учун йиғилган материал қанча кўп ва хилма-хил бўлса, шева ёки диалектларнинг фонетик ва лексик-грамматик хусусиятлари (уларнинг келиб чиқишларидан қатъи назар) шунча реал ва тўлиқ акс эттирилади. Шева ёки диалект ҳақида фактик маълумотларнинг етарли бўлмаслиги эса ҳақиқий ҳолатни қалбакилаштириб кўрсатишга ва текширилаётган объект ҳақида чала, нотўғри хулосалар чиқаришга олиб келади. Айниқса туркий уруғ-қабилалар жуда мураккаб тарихий шароитларда ўтроқлашиб қолган территориялардаги шева ёки диалектлар тавсиф қилинар экан, уларда ҳар хил диалектал белгиларнинг аралашиб кетганлигини, бу эса ўша территорияда лингвистик ранг-баранглик содир бўлишига олиб келганлигини аниқ далиллар орқали кўрсатиш керак. Баъзи ҳолатларда диалектал белгилар шу қадар аралашиб кетган бўладики, ҳатто уларни алоҳида бир тил бирлиги деб қарашга тўғри келиб қолади, шу сабабли уларни ҳар томонлама ва чуқур тавсиф қилиш лозим. Шева ёки диалектларга хос характерли хусусиятлар қайд қилинганда, албатта, уларнинг бошқа қардош ва бошқа системадаги тиллар билан аралашганлиги ҳамда адабий тилнинг (фонетика, грамматика ва лексиканинг) таъсири алоҳида таъкидланиши керак.

Шева ва диалектларнинг шаклланиш процессида мавжуд бўлган мураккаб тарихий-фонетик, тарихий-морфологик эволюция ҳақида ўзбек тилининг шева ва диалектлари жуда бой материалга эгадир.

Ўзбек тили шева ва диалектларидаги тил фактларининг интерпретацияси умумтуркологик хулоса ва умумлашмалар чиқаришга имкон беради. Тил фактларини тўғри таҳлил қилиш шева тарихини, унинг традицион системасини ёритиш учун диалект ва қардош тиллар ўртасидаги этник алоқаларни ҳамда уларнинг тараққиёт йўлини аниқлаш учун тадқиқотчи қўлига муҳим материаллар беради. Масалан, айрим шеваларда *-ват, -дин* аффиксларининг ва умлаут, унинг рудиментар /қолдиқ/ формаларининг сақланиб қолиши ўша ўзбек шева ва диалектларининг тараққиёти тарихида қардош тиллардан уйғур тили қатнашганидан далолат беради. Шу каби фактлар аввалги классификацияларда турли группаларга киритилган қорлуқ-чигил-уйғур лаҳжасини ўзбек тилининг мураккаб диалект комплексидан тарихий планда алоҳида ажратиб кўрсатишга имкон берди.

**5- §. Шева ёки диалектнинг товушлар системасини ўрганиш.** Шева ёки диалектнинг товуш системасини ўрганганда, биринчи навбатда, ҳар хил группага тааллуқли бўлган шева вакилларининг

нутқини ҳар томонлама синчиклаб текшириш билан фонемалар составини белгилаш, шунингдек, ҳар хил фонетик шароитларда вужудга келадиган фонемаларнинг факультатив ва комбинатор-позицион вариантларини аниқлаш ва уларнинг тарихий тараққиёт босқичларида мавжуд бўлган тарихий-фонетик эволюциясини кузатиш талаб этилади. Бунга шева ёки диалектнинг традицион фонетик системасини ёритиш ва товуш системасида юз берган барча кейинги ўзгаришларни ҳисобга олиш орқали эришмоқ мумкин.

Шева ва диалектлардаги фонетик ҳодисалар турли хил, шу сабабли уларни кузатишдаги қийинчиликлар ҳам бир хил бўлмаслиги табиийдир. Маълум шева ёки диалект группалари учун характерли бўлган турғун фонетик элементларни ҳеч қандай қийинчиликсиз ёритиб бериш мумкин, бироқ шева ва диалектларнинг фонемалар составида жуда нозик хусусиятлар, фарқлар борки, уларни акс эттириш учун фонемаларга сифат ва миқдор жиҳатдан характеристика бериш ҳамда фонемаларнинг комбинатор-позицион вариантларини аниқлаш махсус тайёргарликка эга бўлган ҳолда жуда диққат билан кузатиш олиб боришни, баъзан эса туркий тиллар қиёсий фонетикасидан махсус тайёргарликка эга бўлишни талаб қилади. Агар диалектолог бу талабларга жавоб берарлик даражадаги савияга эга бўлмас экан, бундай диалектолог тавсиф қилган шева ёки диалект ҳам натуралистик характерга эга бўлади.

Ўзбек тили шева ва диалектларининг вокализмини текширишда тубандагиларга эътибор бериш керак;

а) контраст жуфт унли фонемаларни аниқлаш ҳамда уларнинг лингвал-сингармоник ва лабиал-сингармоник алмашинишини белгилаш;

б) сингармонизмнинг бузилиш тенденциясини кузатиш ва бу билан боғлиқ ҳодисаларни-конвергенция натижасида содир бўлган типик туркий унли фонемалар миқдорининг қисқаришини аниқлаш;

в) баъзи ўзбек шевалари учун характерли бўлган қадимги туркий чўзиқ унлиларнинг мавжуд ёки мавжуд эмаслигини кўрсатиш;

г) иккиламчи чўзиқ унлиларни ва уларнинг вужудга келиш йўлларини аниқлаш;

д) дифтонг ва дифтонгоидлар характерини ҳамда уларнинг интонацион хусусиятлари билан боғлиқ бўлган фонетик ҳодисаларга муносабатини белгилаш;

е) янгидан кириб келаётган фонемаларни ва уларнинг вужудга келиш имкониятларини белгилаш, яъни янгидан пайдо бўлган фонемалар мазкур шева ёки диалект материали асосида вокализмнинг тарихий-фонетик эволюцияси процессида пайдо бўлганми ёки диалект ва территориал жиҳатдан ёндош бўлган тилларнинг бирбирига таъсири туфайли вужудга келганми, ёки адабий тил таъсирида юзага келганми—шуни аниқлаш.

**6- §. Шева ёки диалектнинг морфологик системасини ўрганиш.** Монографик тадқиқотда морфологик системанинг асосий қисмлари текширилар экан, фақат традицион қатламларни эмас, балки шева ёки диалектнинг турли тараққиёт даврларида ҳамда ҳар хил

тарихий шароитларда кўзга яққол ташланадиган хилма-хил морфологик формаларини ва уларнинг вужудга келиш йўлларини ҳам аниқлаш керак. Маълумки, морфологик системани тарихий аспектда характерлаб берадиган традицион қатлам асос ҳисобланади ва у морфологик формаларнинг тарихий тараққиётида юз берган барча ўзгаришларни ўзида акс эттиради.

Шева ёки диалектнинг морфологиясини ташкил қиладиган тил ҳодисалари тил системасидан четда бўлган, бир-бирига боғлиқ бўлмаган, бетартиб ҳар хил диалектал белгилар йиғиндисидан иборат эмас. Маълум системага тобе бўлган ва ўша системанинг элементлари сифатида тўла парадигмали контекстларга эга бўлган морфологик хусусиятлар жуда кўп фактик материаллар асосида текширилиши шарт. Шева ёки диалектнинг морфологик категорияларини ўрганишда кундалик ҳаётимизда қўлланадиган нутқ ва адабий традицияни ўзида сақлаган ёзма ёдгорликлар тили асосий манба бўлиб хизмат қилади. Масалага бундай ёндашиш морфологик формаларни конкрет тарихий план асосида ўрганишга, мазкур формаларнинг қайси даврда вужудга келганлигини аниқлашга, шунингдек, тарихий грамматика учун зарур бўлган яна бир хусусиятни—диалектал морфологик формаларнинг ёзма ёдгорликларда қайдаражада акс эттирганлигини белгилашга ёрдам беради.

Монографик тадқиқот турлича олиб борилиши мумкин. Одатда шева ёки диалектга хос хусусиятлар сўз туркумлари ва мавжуд грамматик категориялар бўйича ўрганилади. Аммо шуни қайд қилиш керакки, ўзбек диалектологияси бўйича олиб борилган монографик ишлар маълум бир схемада ёзилган эмас. Баъзан диалектолог яхлит бир схемани тўла сақлаш мақсадида соф диалектал хусусиятларни ва адабий тил билан бир хилда бўлган формаларни қайд қилади. Шу билан бирга у фақат умуммиллий тилга хос бўлиб, бироқ текширилаётган шевада мутлақо учрамайдиган формаларни ҳам санаб ўтади. Бу эса шеванинг ҳозирги умум ҳолатини бузиб кўрсатишга, шеванинг реал морфологик системасини чалкаштириб юборишга олиб келади. Шу сабабли бу хил таснифлар ҳозирги тилшунослик фанининг талабларига жавоб бера олмайди.

Диалектолог шева ва диалектларни ўрганишнинг умумметодологик асосларига суянган ҳолда шева ёки диалект морфологиясини тавсиф қилар экан, биринчи навбатда, традицион қатламни акс эттириши, мавжуд архаик формаларни батафсил кўрсатиши ва шева ёки диалект тараққиётининг турли даврларида вужудга келган морфологик ҳодисаларни қайд қилиши, уларнинг ҳозирги ҳолатини ёритиб бериши лозим. Шевада ҳам, адабий тилда ҳам мавжуд бўлган морфологик формаларни санаб ўтиш мумкин, лекин шевада учрамайдиган адабий формаларни мавжуд деб кўрсатиш катта хатога олиб боради ва фактларни бузиб кўрсатиш бўлади.

**7- §. Шева ёки диалектнинг синтаксисини ўрганиш.** Шева ва диалектларнинг синтактик хусусиятларини ўрганиш ҳам жуда

катта аҳамиятга эга. Аммо монографик тавсифнинг бу муҳим қисми ўзбек диалектологиясида кўпинча иккинчи даражали материаллар асосида қисмангина, йўл-йўлакай ўрганилади ёки мутлақо ўрганилмайди. Ўзбек тилининг шева ва диалектларини ўрганишга, монографик тавсиф қилишга бағишланган ишларда шевалар синтаксисини ўрганишга ҳам аҳамият бермоғимиз керак. Чунки шева ва диалектлар синтаксиси ўзига хос конструкциялар ва оборотларга эгаки, буларни таҳлил қилиш ўзбек тили тарихи учун ҳам, ҳозирги замон ўзбек тили учун ҳам қимматли илмий хулосалар бериши мумкин. Мавжуд монографик тавсиф ва тадқиқот ишларида синтаксис қисмнинг бўлмаслиги, биринчидан, бу соҳада традициянинг йўқлиги билан, иккинчидан, синтактик таҳлилнинг ниҳоят даражада қийинлиги билан изоҳланади. Шева ва диалектларнинг синтактик хусусиятлари ҳар хил жанрдаги жонли нутқларни узоқ муддатли кузатиш натижасида тўпланган фактик материал асосида ёритиб берилиши керак.

8- §. **Шева ёки диалектнинг лексикасини ўрганиш.** Монографик тадқиқотларда шева ва диалектларнинг фонетик системаси, грамматик формалари билан бирга одатда интенсив ўзгаришларга кўпроқ учрайдиган лексикасига ҳам ўрин берилади. Баъзи тадқиқотчилар диалектал ва архаик сўзларни оддий қайд қилиш билан чегараланиб, бу сўзларнинг этимологияси ва кириб келган манбалари ҳақида деярлик фикр юритмайдилар. Ҳолбуки ўзбек тилшунослиги учун традицион лексик қатлам ва архаик сўзлар билан бир қаторда турли манбалардан қабул қилинган лексика ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Ўзбек тили шева ва диалектларининг лексикаси асосан тубандаги қатламлардан иборат:

а) с о ф т у р к и й л е к с и к қ а т л а м. Бунга традицион ва архаик лексика, шунингдек, мўғул тили билан умумийликка эга бўлган элементлар тааллуқлидир;

б) а р а б в а ф о р с - т о ж и к л е к с и к э л е м е н т л а р и;

в) р у с в а с о в е т - и н т е р н а ц и о н а л л е к с и к а. Бу қатлам шева ва диалектларнинг лексик системаси тараққиётининг совет даври босқичи учун характерлидир.

Кўрсатилган лексик қатламлар миқдор жиҳатдан барча шева ва диалектларда бир хил эмас. Ўзбек шеваларида араб ва форс-тожик тилларидан ўзлашган сўзлар миқдори анчагина бўлиб, улар турли йўллар билан (бир қисми оғзаки нутқ орқали, бошқа бир қисми эса китоб орқали) кириб келган ва булардан кўпчилиги фақат ёзма тилда сақланиб қолган. Жонли халқ шевалари эса бу лексикадан ҳаётий зарур бўлган сўзларнигина ўзлаштириб, уларни ўз тил нормаларига бўйсундираб олган.

Шева ёки диалектни лексик жиҳатдан монографик тавсиф қилишда объектнинг луғат состави реал акс эттирилиши, традицион ва тор диалектал хусусиятлар ҳамда шева ёки диалект тарихининг турли даврларига хос лексик қатламлар тўла ёритилиши

лозим. Миллий тил лексик системасининг бойиш аспектлари асосида янги лексик хусусиятларнинг вужудга келиши алоҳида таъкидланиши керак.

**9- §. Шева ёки диалектларни ўрганишда айрим аспектлар (*фонетика, лексика, морфология, синтаксис*) нинг ўзаро боғланиши.** Шева ёки диалектларни фонетик, грамматик ва лексик жиҳатдан ўрганиш бир-бири билан мустаҳкам боғлиқдир. Шева лексикасидаги традицион ва архаик қатламлар баъзи фонетик ҳодисаларни ёритиш учун ёрдам бериши мумкин. Шева ёки диалектдаги янги ва жуда янги сўзларни қайд қилиш орқали, биринчидан, фонетик ўзгаришларга учраган лексик қатламни, шевада аввал мавжуд бўлмай, кейинчалик пайдо бўлган фонетик ҳодисаларни аниқлаш ва уларнинг маҳсулдорлигини белгилаш мумкин бўлди. Ниҳоят, лексик материал махсус сўраш йўли билан- йиғилган материалдан ташқари, фонетик ва морфологик текширишлар учун фойдаланилган текстлардан танлаб олинади. Диалектал хусусиятларни фонетик ва грамматик жиҳатдан ўрганиш бир-бири билан мустаҳкам боғлиқдир, чунки фонетик ҳодисалар одатда маълум сўз бирикмаларида ёки ҳар хил морфемаларда мавжуд бўлади. Морфологик формалардаги товуш ва товуш бирикмаларининг ўрни уларнинг ўзига хос хусусиятларини очиб беришга, позицион ва комбинатор вариантларини аниқлашга, ҳар хил фонетик ҳодисаларнинг маҳсулдор ёки маҳсулдор эмаслигини белгилашга имкон беради.

Монографик текширишлар шева ёки диалектнинг айрим умумтил хусусиятлари ҳақида тўла тасаввур бериши керак. Фонетик ва лексик-грамматик хусусиятларнинг тарихий тараққиёти қанчалик чуқур ёритилса, шева ёки диалектларнинг шаклланиш тарихи ҳам шунча равшанлашади.

**10-§. Диалектологик текширишнинг бошқа фанлар билан боғланиши.** Диалектолог томонидан йиғилган фактларнинг тарихий жиҳатдан қимматли эканлиги аён. Бироқ тарихчилар ва этнографлар ўзбек халқининг тарихини ўрганишда диалектологик маълумотларни кўпинча ҳисобга олмайдилар, ҳолбуки, диалектология тарихий фанлар учун керакли фактлар беради, баъзан ўзбек халқининг моддий ва маънавий ёдгорликларида қайд қилинмай қолган фактлар диалектологик текширишларда қайд қилинади. Ўзбек тили тарихи диалектлар ва территориал ёндош тилларнинг бир-бирига узоқ давом этган мураккаб таъсирини ҳам ёритиб беради. Шу сабабли диалектларни барча лингвистик аспектларда ва тарихий тараққиёт нуқтаи назаридан ҳар томонлама чуқур ўрганмай туриб, ўзбек тили тарихини яратиш мумкин эмас. Диалект ва шеваларнинг вужудга келиши, тараққий этиши халқнинг шаклланиш ва тараққий қилиш тарихи билан чамбарчас боғлиқдир. Шу сабабли диалектолог фактик тил материалларини текширар экан, тарих ва археология, антропология ва этнография фанларига оид баъзи ёрдамчи маълумотлардан ҳам фойдаланади, чунки бу маълумотлар шева ёки диалектнинг шаклланишида мавжуд бўлган умумтари-

хий шароитларни аниқлашга ёрдам беради. Аммо бу қўшимча материаллардан диалектолог ўринли фойдаланиши шарт. Тарих ва этнографияга оид материаллар билан асосланган тил фактларининг ретроспектив таҳлили диалектологга монографик тавсифнинг тарихий қисми бўйича аниқ ва тўла хулосалар чиқаришга ёрдам беради.

Диалектологик маълумотларнинг ижтимоий-тарихий фанларга доир маълумотлар билан уйғунлашиб кетиши текширилаётган шеванинг ўзбек тили диалектлари составидаги ўрнини белгилашга ёрдам қилади. Баъзи диалектал белгиларнинг территориал тарқалиши, қабилаларнинг кўчиб юриши ҳамда ўтроқлашиб қолишини маълум даражада акс эттирадики, бу эса ўз навбатида тарихий-этнографик текширишлар ва ёзма ёдгорликлардан олинган маълумотлар орқали тасдиқланади.

* *
*

Диалектларни ўрганиш ва монографик тавсиф қилиш принципларига Иттифоқимизда мавжуд бўлган тилларнинг шева ва диалектларини ўрганишда тўпланган тажрибалар, биринчи навбатда, рус диалектологиясининг жуда бой тажрибалари ва шеваларни ўрганиш методикаси асос қилиб олиниши керак.

# АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР УЧУН ТЕКСТЛАР

## ТЕКСТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ

Диалектологиядан амалий машғулотлар ўтказиш олинган назарий билимни янада мустаҳкамлаш учун ниҳоятда зарурдир. Шунинг учун биз ўзбек диалект ва шеваларининг тил хусусиятларини кўрсатувчи айрим текстлар бердик.

Текстлар асосан фонетик транскрипция билан берилди. Текстларнинг ҳаммаси номерланган бўлиб, бу номерлар берилган машқларда кўрсатилади, студент шу номердаги текстни ўша машқ талабига мувофиқ ишлайди. Шунга кўра текстлар тартиб билан эмас, балки ўтилган темага мос равишда ишланади.

Бундан ташқари, ўқитувчи мақсадга мувофиқ текстни танлаб, умумий машғулотлар учун, шунингдек, уй вазифаси учун фойдаланиши ҳам мумкин.

Масалан, асосий диалектал хусусиятларни: [**у**~**v**, **о**~**ө**, **ы**~**и**, **а**~**э**, **дж**<**й**, **ғ**>**й**, **г**>**й**, **п**<**б**, **қ**<**г**, **н**//**д**//**т**, **т**<**д**, **к**<**г**, **ч**//**ш**, **қ**//**х**, **л**//**н**] каби фонетик, шунингдек, морфологик ва лексик хусусиятларни ўқитувчи ўзи истаган текст орқали тушунтириши мумкин ва ундан машқ сифатида фойдалана олади.

Берилган аралаш текстлар (1-, 2-, 3- текстлар) нинг қайси диалектга тааллуқли эканлиги текстларни аудиторияда коллектив равишда жумлама-жумла ёзиб кўрсатиш ва ўқиб бериш йўли билан аниқланади ҳамда шу муносабат билан ўша диалектнинг асосий фонетик, морфологик ва лексик хусусиятлари ҳам сўраш йўли билан мустаҳкамланиб борилади.

Бу текстларнинг анализ қилиш машқларини студентлар ўзбек лаҳжаларининг асосий хусусиятларини яхши билиб олганларидан кейин ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Мавжуд орфография асосида берилган текстлар (44-, 45-, 46-текстлар) эса студентларнинг ўзлари транскрипция қилишлари учун мўлжалланган. Бу текстларни транскрипция билан танишгандан сўнг бажарадилар. Уларни студентлар ўз шеваларига ёки адабий талаффузга мослаб танскрипция қиладилар.

Амалий машғулот қуйидаги машқлар асосида ҳам олиб борилиши мумкин:

**1-машқ.** 1-, 2-, 3-текстлар қайси лаҳжага оид эканини ва улар орасидаги асосий диалектал фарқларни айтиб беринг.

**2-машқ.** Ўзбек халқ шеваларида учрайдиган унлиларга характеристика беринг ва уларнинг жадвалини тузинг (бунда 4-, 10-, 16-, 19-, 23-, 27-, 32-текстлардан фойдаланиш мумкин).

**3-машқ.** Чўзиқ унлилар ҳақида маълумот беринг ва иккинчи даражали чўзиқ унлиларнинг пайдо бўлиш сабабларини айтинг (бунда 5-, 9-, 15-, 16-, 17-, 18-, 19-, 20-, 23-текстлардан фойдаланиш мумкин).

**4-машқ.** Айрим шеваларда учрайдиган жуфт (контраст) унлиларнинг ўзаро фарқини айтинг ва 6-, 13-, 18-, 20-, 23-, 25-, 29-, 32-текстлардан уларга мисоллар топиб, схемани тўлдиринг.

| а | ә | у | ү | ы | и | о | ө |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | |

**5-машқ.** Ўзбек халқ шеваларида учрайдиган унлиларнинг комбинатор вариантларига характеристика беринг.

**6-машқ.** Ўзбек халқ шевалари ундошларига характеристика беринг.

**7-машқ.** Ундошлар классификациясининг схемасини тузинг.

**8-машқ.** Ундошларнинг комбинатор вариантларига характеристика беринг.

**9-машқ.** 21-, 22-, 30-текстлардан фойдаланиб, **[й~дж]**, **[ғ~в]** мослигига мисоллар топинг ва схема тузинг.

Намуна:

| й | дж |
|---|---|
| йол | джол |

**10-машқ.** 4-, 5-, 6-, 18-, 20-, 23-текстлардан фойдаланиб, қуйидаги схемани тўлдиринг.

| т//ч | д |
|---|---|
| тъш//чъш | диш |

Бу ҳодисаларнинг қайси шеваларда учрашини айтиб беринг.

**11-машқ.** Текстлардан [ч//ш], [қ//х], [л//н] ҳодисаларига ҳам мисоллар топиб, схема тузинг.

**12-машқ.** [н//д//т] ҳодисаси учун текстлардан мисоллар топиб, дафтарингизга кўчириб ёзинг.

**13-машқ.** 4-, 5-, 7-, 8-, 11-, 12-, 14-, 17-, 24-, 26-, 31-текстлардан ундошлар ассимиляциясига мисоллар топиб кўчиринг.

**14-машқ.** Юқоридаги машқда тўплаган мисолларингизни ажратиб, қуйидаги схемага жойланг.

| прогрессив ассимиляция | регрессив ассимиляция |
|---|---|
| | |

**15-машқ.** 23-, 25-, 26-, 27-, 30-, 31-, 39- текстлардан лингвал ва лабиал гармонияга мисоллар айтинг.

**16-машқ.** Диссимиляция ҳодисасига мисоллар топинг ва схема тузинг.

Намуна:

| ад.-орф. | диссимиляция |
|---|---|
| | |

**17-машқ.** Метатеза ҳодисасига мисоллар топиб ёзинг (бунда ўз шевангиз материалларидан фойдаланишингиз ҳам мумкин).

**18-машқ.** Унлиларнинг турли фонетик ўзгаришларига мисоллар топиб ёзинг.

**19-машқ.** Ундошларнинг турли фонетик ўзгаришларига мисоллар топиб ёзинг.

**20-машқ.** 4-, 5-, 6-, 7-, 8-, 11-, 12-, 14-, 16-, 17-, 19-, 22-, 24-, 29- текстлардан эгалик аффиксларини топинг ва эгалик аффикслари олган сўзларни кўчириб ёзинг.

**21-машқ.** Ж-ловчи шеваларда учрайдиган эгалик аффиксларининг вариантларини мисоллар билан ёзиб кўрсатинг.

**22-машқ.** Ўз шевангизда учрайдиган эгалик аффиксларининг схемасини тузинг.

**23-машқ.** 4-, 5-, 6-, 13-, 16-, 17-, 18-, 21-, 24-, 32-, 41- текстлардан кўплик аффиксларини аниқланг. Аффиксларни ажратиб ёзинг ва уларнинг қайси шеваларда учрашини айтинг.

**24-машқ.** Ўз шевангизда кўплик аффикси қандай формаларда ишлатилади? Мисоллар келтириб, бошқа шевалардаги мос форма билан солиштиринг.

**25-машқ.** Қуйидаги схемани текстлардан мисоллар топиб тўлдиринг.

| | |
|---|---|
| *-лар//-лэр* | |
| *-ар//-эр* | |
| *-ла//-лэ* | |
| *-а//-э* | |
| *-увуз//-вуз* | |

**26-машқ.** 4-, 5-, 6-, 7-, 8-, 11-, 13-, 17-, 18-, 21-, 24-, 26-, 32-, 35-, 40- текстлардан келишик билан турланган сўзларни ажратиб ёзинг.

**27-машқ.** Ўзбек шеваларида учрайдиган келишик аффиксларининг схемасини тузинг (ж-ловчи шеваларда учрайдиганлари алоҳида, й-ловчи шеваларда учрайдиганлари алоҳида схема қилинсин).

**28-машқ.** Ўз шевангизда ишлатиладиган келишик аффиксларини айтиб беринг ва мисоллар келтиринг.

**29-машқ.** Ўз шевангизга хос янги сўз ясовчи аффиксларни айтинг ва мисоллар ёзинг.

**30-машқ.** Феъл замонлари ясовчи аффиксларни алоҳида-алоҳида ёзиб, ҳар бирига мисоллар келтиринг (мисолларингиз ҳамма лаҳжаларга хос бўлсин).

**31-машқ.** Ўз шевангизга хос тусловчи аффикслар борми? Бўлса мисоллар ёзиб келиб, умумуй машқ вақтида курсдошларингизни таништиринг.

**32-машқ.** Берилган текстларни ўқиб, улардан диалектал сўзларни ажратиб ёзинг.

**33-машқ.** Текстлардан ва «Луғат» дан диалектал сўзларни ажратиб, адабий тилдаги шакли билан қиёс қилинг.

| Адабий тилда | Шевада |
|---|---|
| | |

**34-машқ.** Ўз шевангизда учрайдиган диалектал сўзларни ҳам юқоридагидек схемага солиб, ёзиб чиқинг.

**35-машқ.** Схемани диалектларга хос сўзлар билан тўлдиринг.

| Қорлуқ чигил-уйғур диалекти | Қипчоқ диалекти | Ўғуз диалекти |
|---|---|---|
| оғър | кели | со:қъ~кели |

**36-машқ.** Шевангиздан пахтачиликка, ғаллакорликка, узумчиликка, чорвачиликка оид сўзларни транскрипция билан ёзинг.

**37-машқ** Қушлар, ҳайвонлар ва уларнинг турларига кўра номларини транскрипция билан ёзинг.

**38-машқ.** 4-, 5-, 19-, 20-, 24-текстларни ўқинг. Лингвистик хусусиятларини аниқланг. Қайси лаҳжага хослигини айтиб беринг.

**39-машқ.** 4-, 23-, 28-текстларни кўчиринг. Қайси лаҳжага тааллуқли эканини устига ёзиб қўйинг.

**40-машқ.** 43-, 44-, 45-текстлардан бирини ўз шевангизга айлантириб ёки адабий талаффузга мослаб транскрипция билан ёзиб чиқинг.

## АРАЛАШ ТЕҚСТЛАР

**1.** Бър барәкән, бър йоғакән, қадъм замалларда бър Саратан кәл дегән падачы боғанәкән. Кәл бър молланынг сыйырыны бағәдәкән. Саратаң кәлнъиг сарымай йийгъсь кәптъ.

Кәл бир гҮни сарйағ йөйчақ бәп муллань өйинә гирипти, мулла мҮни вилип гирип қалипти. Шунда кәл дәррҮв өлкән-өлкән адъмлап өйни ҳу башъдан бу башъга йҮрәвәръптъ. Мулла,—ҳҳә Саратан нишәтип йҮрипсән, дипти.

Сэрэтэ̆н кәл, э экә, көлдә йуръп джо: дъққънәпәс боп кеттъм. Муллэ-кәмгә бъттә хъзмәт қъп қойъй, бъттә бойро қып (тоқъп) беръй дъп өйъззъ өлчәп корвэткәнъдъм, мәнә озъзәм кеп қалуъ:з дъп мулланъ әлдәп қутулган-әкән.

**2.** Бир әкә-Үкә эғайын бэрақан. олардынг кәттәси бэла-чэғалы, ҳэтынны (< хотинли), кичәнәси ҳәли бойдэғ эқан. Бир джылы ағайыннар екәләшип бидәй (бҮдәй) егип, ҳәсилини барабардан бәлиб эпты.

Қэттәсь ойланъп: укәм ҳәлъ бойдэ:, у ойләнъшъ керәй, дъп оз буғдэйъдән укәсънъ буғдәйъгә қошъп қойгән-да, ухләгән. Укәсь мэн бъттәйу бъттә озъм босәм, экәм кэттә рөзғэрлъй, унга джә: коп буғдәй керәй дъп экәсънъ буғдэйъгә озънъкъдән қошъп қойъп ухләптъ.

$^{и}$ертәминәни әк-Үкә қараса $^{и}$екэвинингәм бувдайлары бәп-бәрәвәрмиш.

**3.** Бър бэрәкән, бър йоғәкән, бър зәмэндә бър ълэн мънән бър әръ бэрәкән. Бър кун ълэң әръгә «съз бэръп ҳәммә нәрсәнъ гошъдән тотъп көрънг, қайсъ бъттәсъ шърън әкән» дъптъ. әръ хоп дъп ҳәммә джэнвэрләрръ гошъдән тэтъп көръптъ. Қайтъп кевэткәндә қалдърғэчкә учрәптъ.

Қалдъвач мьнь билип, сорапть: «Қана, қассы нәрсәнъиг гөши мазаль экән депти, вонда зынглавық «адамнынг гөшиннән мазаль нәрсә йоғәкән депти. Зынглавық тилини чьғарьпти, қалдьвач чишләбальпть. Осонг зынглавық минән қалдьвач йьланнынг йанына барыптылар. Йьлан сорапть: «қассы нәрсәнъиг гоши дьм мазаль экән».

Зынлавық зынг-зынглап ҳештимә айталмапты. Шунда қалдувач «қурбақанынг гөши мазали әкән деп айтыватыр», — депти. Шу сонг джылан қурбақаға Үөч боп қапты.

## ТОШҚЕНТ ШЕВАСИ

### 4. Чӯпчак

Бър вәрәкән, бър йоғәкән бър зәмәндә бър пәшшә богәнәкән. У шунәқәнггъ зәлъмәкәнгкъ ҳәр қәнәқә нәмәқулгәрчълъйләрръ қъләвурәрәкән. Бър кун пәшшә джәрчъ қойъптъ «къмдәкъм олсә унъ мәзоргә тәммә-тәм әбәръп қойъшсън, шунәқә қьмәсә бәшъ олъмда, мәлъ тәләндә» дъпть.

Пәшшәнъ бу гәпъ ел-йурттъ джә қъйнәп қойъптъ. Пәшшәдән безәр бопть хәләйъқ. Бър кәмбәғәл шәйър бәрәкән, у пәшшәнъ әлдъгә бәръптъ. Пәшшә ундән «ҳъ гәдәй, негә келдънг» дъп сорәптъ. Қәмбәғәл шәйър әдәмлә тәртъвәткән қьйнчълъйләнъ, тәммә-тәм олувнъ котәръп мәзәргә әбәръш әзәпләрънъ шьғьр қьп пәшшәгә оқьп берълтъде «бунъ нъмә пәйдәсъ бәр сәнгә» дъп пәшшәдән сорәптъ.

Пәшшә ғәзәпләнъп: «бу чәл мәнггә нәсъҳәтгойлъккә кегәнгә охшъйдъ: «джәллэт кәлләсънъ әл» дъптъ. Ъннәйкъйън пәшшә: «къмкъ қьрбеш йәштән әшкән босә бәшъ әлънсън» дъп буйрув қьптъ. Җәлләтлә оймә-ой йуръп қәттә қьрбештән әшкән одәм босә тутьвәлъп олдъръшъптъ. Кунлә(р) дә бър кун пәшшә сәпәргә чьқьптъ. Йуръп-йуръп бър тәққә йетъптъ. Тә:дә дәрйә бәрәкән. Пәшшә дәрйә бойъгә қонъптъ. Қечәсъ дәрйәнъ тәмәшшә қьп отърсә пәшшә, дәрйәдә бър джуп гәвҳәр корънъптъ. Пәшшә ләшкәрләрътдән бъръгә гәвҳәррънъ әпчъқъшкә буйъръптъ. У шонгғъптъ, дәрйәдән қәйтъп чьқмәптъ. Бәшқәсъгә буйъръптъ, уйәм шонгғъп, қайтъп чьқмәптъ. Сувгә чушкән әдәмләдән бъттәсъйәм қәйтъп чъқмәй йо: боп кетвуръптъ. Шундә ләшкәрләдән бърънъ сәҳсән йәшәр әтәсъ бәрәкән. Чәллъ бъттәйу бъттә о:лъ шуйәкән. Чәл:о:лъм сәндән бәшқә хъчкъмъм йо:, йәхшъсъ пәшшәгә бәръп ет мәнь олдърсън, йә бомәсә бър ълэдж қьп озънгмънәм әп кет» дъптъ. О:лъ бър сәнду: қьлдъръп, әтәсънъ шу сәнду:гә сәп әп кетъптъ.

Дәрйәгә шонгғъш шу йъгъткә кеп қәгәндә сәнду:нъ әчъп «әтә, мәндән рәзъ болънг» дъптъ. «Нъмә болдъ» дъп сорәптъ. О:лъ богән гәппъ әтәсъгә етъ-берьптъ. Чәл «дәрйә бойъдә дәрәх бә:мъ» дъп сорәптъ. «Ҳъ, бър кәттә туп чънәр бәр» дъптъ о:лъ. Чәл ойләп туръп «бомәсә, гәвҳәр ошә дәрәхтә. Сәнгә дәрйәгә тәшәш нәввәтъ кегәндә, сән олдън дарахкә чъқ. Гәвҳәррънъ ә-де сувгә кәллә тәшә, кегън гәвҳәррънъ сувдән әпчьққәндәй боп пәшшәгә бер, бомәсә у ләдән сәнгә зуғъм қьп йурмәсън тәғъм» дъптъ.

Йъгът әтәсъ мънәм рәзъ-ръзәлъй тъләшъп пәшшәнъ әлдъгә бәръптъ. Пәшшә дъптъ «гәвҳәррънъ әп чъқ». Йъгът дәрәхкә чъқъп кетвәткәнәкән, пәшшә «сувгә тәшә дъсәм, дәрәхкә чъқәсәнмъ, әхмә:» дъп уръптъ. Шундә йъгът «пәшшәйъм дәрәхтән туръп сувга шонг-

ғъймән; гэвҳәр йеттъқәвәт йерръ тегъдә босәйәм эп чъқәмән»дъптъ. Йъгът дәрәхкә чъқсә, бър қушшъ ънъдә бър джуп гэвҳәр йәрқъл-ләп тургәнмуш. Унъ эләсэп дәрйәгә озънъ тәшәптъ. Бър шонгғъп қуру:лъккә чъқъптъ.

Пэшшә «къмкъ гэвҳәррь элэ:мъй чъқсә, теръсънъ шълдърәмән, озънъ олдърәмән» дъгән әкән.

Йъгът дәрйәдән чъқъп бър джуп гэвҳәррь пэшшәгә беръпть, пэшшә унгә доқ уръп «әтъгъ шуйәкәммъ бэшқә йоғәкәммъ» дъптъ.

Пэшшә бъ-йеттән кочъптъ. Бър йергә бэръп қәрәсә, сув бойъдә джә коп чумэлъ йургәнъмуш. Пэшшә «чумэлъ бетта нъмә қъләдъ» дъптъ. Ҳъчкъм джувэп берэ:мәптъ. Қегън пэшшә ҳәммәнъ йъғъп «ҳәр кунъ ъкътә эдәмдән соръймән, мәққул джувэп берсә, хоп-хоп бомәсә, олъмгә буйърәмән» дъптъ.

Ҳәлъгъ йъгът тәғъм отәсънъ элдъгә бэръп богән гәппь етъ-беръптъ. Чэл «бър кунъ туғьлмо:, бър кунь олмэ: бэр, о:лъм пэшшәгә бэръп мән джувэп берәмән дъгън сорәсә, дәрйәнъ тегьдә йэ:-лъй хумчә бэр, чумэлълә шунъйчун йуръптъ дъгън, хумчәнъ эпчъқ дъсә, хоп, дъп, бър дәрәхкә лъп етъп чъқ-у, қолъnггә оқйэй эп, пэшшәнъ э:зъдән эт, тъл тэртмъй олсън» дъптъ.

Йъгът пэшшә элдъгә бэръпть «Пэшшэйъм сэвэлләръзгә мән джувэп берәмән» дъптъ. Ɔтәсъ оргәткән гәпләнъ пэшшәгә етъптъ.

Пэшшәнъ джәҳлъ чъқъп «чумэлъ дәрйәнъ тегъдәгъ йэ:лъй хумчәгә әйләнъшъп нъмә қъләдъ, бу джувэпънг кэнь әхмэ:лъй» дъп джәлэттъ чәқръптъ-де, «олдър мунъ» дъптъ.

Йъгът «пэшшэйъм, ошә хумчәнъ эп чьқъп корсәтъймъ» дъптъ.

Пэшшә «эп чъқ» дъптъ. Йъгът лъп етъп бър дәрәхкә чъқъп, пэшшәнъ э:зъдән этъптъ, оқ о:зъдән къръп, қулэғъдән чъқъптъ. Пэшшә тъл тэртмъй олъптъ. Қәръ бългәннъ пәръ бълмәс дъгәндәй, чэл оргәткәнләрънъ къп зэлъм пэшшәдән қутълъшъптъ.

## 5. ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ ШЕВАЛАРИ

### (Айрим сўз ва жумлалар)

**ТУРК ҚИШЛОҒИ.** Шэрдә турып қағанәкән; тәшкил олды; Ханаватқа кетти; тапшырық берәтугән болды, тор кәлхэз тәшкил олыб-бә:ри биттә олды, уч йилдән бери районгға қарайды, шөрдә йәшәйәппиз; болйатқан иш шу ҳәзир; әйрим ортағланы мукәпатләди; Мен билгәним шу; енди баратуған болды; ата минан енә барады; қызды ҳәләп (ҳоҳлаб) көрсә уйгә әпкеләтурған болды; гуруч, мевә қылып аппарып берәди; йенггәсъ қалади; әкъ-Үкәләри; өнсин-өссин дәйди; оғлыны ҮйләйтҮған боса; биттә-йәримтә йанггәси әпкеләд-дә; оғлынъ уйләриди, у замонды әйтмәнг; елликилә ғалла аса; ҳәсилди абарыб кувәдә пишәди.

**ҚОРАХИТОЙ ҚИШЛОҒИ.** Ата-енәдән өзҮвҮз йәш қағамбиз; у қышлағ, бу қышлағ будәй екиб; мәнәшунәқә дәвурләр боғанәкән; қағанйоқ (қолган эмас) сенггә; мәнәшунәқәмән куни өтәдигән адамлар боларды; биз ушәннән уч киши қалди енди; минг тевәгә

биринчи сув чиқыздириб экин эҳ'тик; чарваглары өзини қолыда турувурды: мәнә шу қышлаг бөйинчә төрттә асақал боган; маллар ачқаган; төр йУз вәгәндән йУвәргән; сәккистә қозан қурган ҳә:р кун баққан; мәнә, енди адамлар қахаччылық нимә экәнлигини (эканлигини), ачарчылыг нимә экәнлигини билмийди; бизди халқ; ҳәр бир ханаданийдән (хонадонингдан), ким әлдин борганга қызыл берәсән, кейин чиққанга көк берәсән дэди; биринчи оқыш тәшкил оганда диний мәҳтәптә оқырдық; еттәләп келәвуз (келар эдик маъносида); биргәдөвур әпкигәннән кейин; әмәкиләрувуз оқыттмай қойды; со:райапты диди; мени йувәрди өйгә; мәни эккөзим байраг-да; боганнан кейин; қонаг-понагланы йыгйәпсәмми, диди.

**ТУТ ҚИШЛОГИ.** Бизи джәйивуз, тушәвуз дип, йәрәшәвуз дип; сары қоргэн, джәй; төхмә боларды; қарахытайдан чиқызварганә-кән; қызыл джыга турк дир әкән ьмарат чиқызъп, киргизип, тох-сан алты йәшкә киргән; бир адам откызып: тутқа киши тиймәйди; әзизләр; Исмәнбэй дигән той қыганда көҳири (кўпкари) пәйгә қойганәкән ...

Атты бөх'тәръгә арқага байладым; меммән биргә ишләгән; өттиз тортинчи йилдә дары вериштилә, хәли тәси:ри вар; қолга чушуп кетти, сәккизйузгәчөвур көтәрмәстән ураман; сувуг алыб кетти; қоравулчылық қылдым; кәлхазга алыб бергәммиз; уруш та-мам богынчә қаган алты кишини ... ; бир йәш йигит турганәкән и:ним нимә қып йурипсән дидим; йахши билмиймән; майор ҳөйлә-ни:б (ўйланиб) турды; тәшкәннән боламан дидим, кетмәстән қа (қол) дейди; муники ҳәммәси ашув чыхты; рөзгәргә; невәрәләр ба:р, келинләр ба:р, ҳәммәси чизилип қалады, бала-чақа қьйналып кеткән; көзим көрмай қалды; Бешарувлуқ мал алавуз диди; э$^{а}$санг а$^{э}$вур (олавер) дидим; э:ки қап ун аган, мал аган; джәнивуз аман қал-ды; кэтәкән; өйи шуттә; чықызганда ат тушгизаракан; қарахытайга киргизмәдыг; аралатмадық; йетмиш биргә кирип; тундә кечәси әрәнг чықызаман; бундә ухлап қа$^{э}$мман (қолибман); сары сув; а$^{э}$йагым сәнчийди (санчади); рәнгги өчип кетти; йәш йигилләр кепқалды; балларды таққа джәйләәнәкән.

**ХОНДОЙЛИҚ ҚИШЛОГИ.** Пъчкә (пича, бироз), торгъ (<тўгри) гәпър; белъм оргъдъ; сәйлънгәнъмнән кьйън; кәмъсьйәнъ бъттъ— ъкътәсъ бэрәдъ, мәққул дъйдъ; мэлгә бервэттъ (беръшвэтъ); қолъ-нъ йуп (<ювиб) қой; қьр ъккънджъ йълләръ; кәттә-кәттә йәпърмэн бэр; бэштэноткәнънъ етвэттъг, өзләрънг келъшъйлә; озънг бългән чъқәрсән; хуснъ йәқъмлърэг йъгътләргә; этә-бувәнгъззъ қайәрдән кегәнънъ бъләсъз-мъ; тэгаләръмъззъ, эчаләръмъззъ пәргэнәдән ке-гән дъйдъ; сәйрәм бувәдән кегәнләр; йэнггъз вэшлъймән (<ёлгиз бошман); қъззъ тэмэнъдәйәм той воләдъ; пәхсъ урвәтувдъм лэй қәръб; әйәгъммъ йуйдъм-у чэптъм:

**СИЖЖАҚ ҚИШЛОГИ.** Кечә съджджәйдә мәйлъс бөгән ъчъмлъй ъчълмәсън дъп, ъмәх'ләп чъхтъм, джэй йог де:нг пэччә; Сурхәндә-рйэлъйлә/р/ джъдә коп сәлэм әйтвэрәдъ; съджәйнъ сентъргә йътмәстән; қа:гдән кевэссән? мәнэвъсьйәм съзъкъ-мъ? ма:н қара;

урнъ әдәтънъ; әвқәт йъмәйсъз-мъ; ъкътә әвқәттән берънг; пъчәннъ әртъп кевәккәнәкән ъктә ешәйдә; Ғуләмгәйәм бәқъммәймән, мән ъдәрәгә бәқънәмән; олъчәнъ шърәсъ; йәмән йъгът эмәс; ушәп чушәрәкән; пъчәнзәръмъзгә чъқсәм оръшъп қойъптъ; йоллъ тегъдән чушәдъгән джәй бәр; пъчән қәмәйдъ ҳъч қаттә; чеккъ боғъ бор, бәққа тоғръ келәдъ; әрғънсәмәм нъмә қъләй, әпкелдъм-дә, йәнә копрәғ гәпләшәвърмәпсъз-дә. Ъккәләйләрръйәм ъшъйлә пътъптъ; сәл туззъйрәғ уләнъ әрәсъдә; шунъ кәмъ-косънъ тоғръләп бер дъмәпсәндә; сәнггә йътәдъ, мән торә мънән гәпләштъм, уләргә әйтәмән; ҳъсәбънъ чъқәрәлмәәттъг бъзә; ългәръ әвәтъдъ; кетънгъздән бәрдъм; ухләвәссәм-мъ?; куллъккә келъб кетәвурсәйъз; чъқмәвәттъ; шундәғ қъйәйъдъ қаннъйлә тох-мъ?

**ҒАЗАЛКЕНТ ҚИШЛОҒИ.** Бәзәрръ пәйлъ отъръббъз; өтьргән джәйъмъздъ бәръ Ғазәкет әтәнәдъ; әскъйәкәш//әскъйәчъ, әшуләкәш//әшуләчъ, ғазәлчъ богән; Ғазәкәт қачән бъйнәт богән, бъзәм бълмъймъз, ҳеч қәйсъсъ чечәлмәдъ; уч әтәнъ отқьздък, муғләр отъргәнәкән; Ғазәкәт сәккъс-өнтә ойдән буйнәт богән дъйдъ; Хандәйлъқ, Сәйльқ, Чъммәйльқ әтъшмъ-тутъш болъб, йумалағ тепә бәр; еттәйәм тепә бәр, бъйләрдъ джәйъ богән; ъчъдән хум чъхтъ, тәққа бәрдък пъзәр, ойдәк-ойдәк; му хнъ әдәмләръ еллък гәз қьр чькарәкән, ушәттә, әлдънгъ өткән әсърләрдә шу тепәләр бечъс (<бежиз) тепәйәмәс; Ҳәкъмбейнъ дәләсъ дъйдъ-ку, шулә экъ-укә боса керәй; бъзә нъмә коръммъз; бъзъ экәнъ оғлънъ бъттәсъйәм кемәдъ; сончәйъгә сәп кетәдъ; бәләмәсъ қьләдъ; йәтқьздърәдъ; бәләнъ тәғәсъ әләдъ; әвқат әб йуръйдъ; тәғәсъ әпъчәдъ; бәләнъ экъргәннәнкън бәләнъ экъръб джәйъгә йәтқьзәдъ, кей (<кейин) ънәкън бәрәдъ-де устъгә ромәлдъ йәзъп қойәдъ, кърмъйдъ тузәлгәнчә; ертәмән дъп; тәғәсънъ ойъдәйәм зъйәпәт қъләдъ; бунъ экъгән нәрсәсънъ әмъйдъ; кетмән чәпув керәк, бәзәр қьлув керөк, әдәм кептуръптъ; ертәмәнггънъ қъсқартъръш керәк; әдәммъ әчъқъп кесәм дъйдъ, әдәм чъқмәәттъ дъйдъ; әрәсъ йәръм сәәт, бър сәәт әлдън қълъймән дъйдъ; кәлхәзгә ъшләдъм, уруғ йьғдък, эмбәр қълдък, бъргәдър болдъм, сув мърәб болдъм; әйтувурсәм съзгә гәп көп; қайтъп кевәткәнъмдә мәшънә бомъй; кун корвәммән-де; бәлләр йәш, сәккъстә пәрзәтъм бәр; ой-ойъмъзгә бәръб тръйлъг қьмәймъз-мъ; мәхтәптән йукаръ;

ш ш

оч лэп қойгән кунъ бәр, оч лэп бергән тузъ бәр; кешқурун джәббәрръ оғлъ сорәп қәлдъ; мақасан, әйағ- пәйағъ сънъб кетәдъдә; чәйнәйнъ, дәстәхандъ нәръгъсънъйәм әгън; ромәл бә: мъ? қа: (<қаёққа) кетвәссъз; әл дъвәтмъз; сәвчъ келәрдъ; берәдъгәнләрънъ беръб отувургъчъйъдъ; отгъчъйъдъ; қаръльйдә, ъккәлә көзъ кормәйов; қаръндәшъ той қъвәттъ-ку; йурәг ойнағ бопқәлдъ; мәйлъс қьләрдъ, бәзм боләрдъ; той-тәмәшә мънән әбәрәрдъ; әчәм ойдәмъкън; йәғдән-бәғдән кегәнъ; қарәп кельйчъ; дәрәв кегън бәр-йоғънъ бълъб; узуммъ соръ қъп чъқорәрдъ; орқь тәмәндә ой богән.

(*Ш. Носиров* ёзиб олган.)

## ЖИЗЗАХ ШЕВАСИ

(Айрим жумлалар)

**6.** Бъзлә әслъ Ортъпәлъй боләмъз, этә-бэвәләръмъз йэшлъйъда шергә кепқэгәнәкән, уләрдъ энә тълсъ тэджъй тълъ богәнәкән... Мълләт қъмә коп, бъмъллэт ъш қъ(л). Ъштъ қълдъ кәннәкчъ, бәлэгә қэлдъ суннәкчъ. Етәйъйә етәйъ, етәйъдә кепәйъ, чъх дъгәндә чъхмәгән, сәйдәэйдъ попәйъ У ъштәккә (иштаҳа) кърдъ, шуваққәчә ъштәгъ йоғъдъ. әйәғъгә ътьйъ съғмәйдъ. Қъчәсъ мнәм бъләйъм эғрып чъхтъ. Създъ қъшлаг қә:ғдә? Бу ъмәрәллә әҳәйзәвуттъкъ. Мән бу кътэптъ оқуп чъққән. Йэз йэвлъғънъ қъләттә, укәджэн. Жъззәх шә:әр, рәйэнәмәс. Еттә мънәм тәрвъз уздъй. Бэзэрдә ҳәндәләй чъқъптъ. Нъ:нәнъ бервәр. Оқуш қэйдәсънъ соғун бъләсән. Эттъ бәйләдъм әрчәгә, кунум қэлдъ ғәлчәгә. Қәпәләйъмдъ учуръйъз-ку, әхъ әкәнг эпкъттъ кътэптъ. әлъқъзъқ гәпгә тон късйъзәдъ. Бэ:дурходжә тъхнъкэмгә коп йълдән беръ чэйхэнәчъ. Сэхэтъйъз нъччь? эдәмдъ эдәм сәпәрдә сънәйдъ. Мәйъздъ ънг йәхшъсъ Пэръштә боләдъ. Сән шәттә турәтур. Қәйәғдәйъ ъшләрдъ қъп йурупсъс. Қәннәкчъдән нъмә кеттъ, бър пуфдә. Бэғдэн, Пэръшдән мъ:мэнлә кептъ. Қәнсъттән соғунәсъгә зъйэпәт болдъ. Чэпъштән әввәләсъгә мәшъқ қъп туръш керәк. Койләйъ сәккъс тепкълъ әлләстәнәкән. Уйчәнъ гувәләйдән йәсәдъй. Мәм бълмэқ қәйсъ гордә. Бәргәт шунәқәнгъ гәпләрдъ гәпърдъкъ... Шунәқәнгъйәм боләдъмъ эдәм дъгән? Мәндәқәнгъ эдәм бър мълутәм қоймәстъм. Ъстәнчәдә бър кълә пәмълдэръ ъллъй тъйън. Бугун бэзэргә коп ъшшәйәлмә чушуптъ. Қәвунхоллъйдән қуруқ қәйтмәйдъ. эғзънгдъ йәв, ъшъндъ қъ(л). Бәләбәқрәнг копәйсън. Пэпрустъ хумэръ туссә керәй. Бългәндән кетънәсъгә әйтсәйәкән. ъскъ шә:әрдәйъ йәнгъ чэйхэнә әвэт богәндә қәндәқ. Шэҳэрдъ (шиорни) оқучълә йэзгән. Эләйкәнъ нъмчәгошу... Пъчэх тугул йэнъмдә гъзгълтәйәм эбйурмәймән. Унг гәпъгә ҳъррәм қъстъ. Қъчә бэзэр кунъ эпәм кәдъбуччәй қъптълә. Ъннәнәръ шу қълъғънгдъ корсәм... Койгән әвқэттъ пәққэс уруп. Қәстъмшъм мэрәй босун. Мә:рәсуләкә бъровгә йэмәнлъқ қъләйкән къшъмәс. Бър қэп әлмә йъръ зәмън келәркән. Бъз умънәм бър мәттә туз-нәмәй бову:дъй. Қәлләйъ сә:әрдән турувэптъ. Тәзә дәрдъ бъдәвәгә йолухтум-ку. Қуйуғънъ озъ йъп, мәнгә эбъ йәвғэннъ қэлдъръптъ Бәлә бъчэрә жъззәйъ кәвэп бопкътъптъ. (*Ҳисом Ғуломов* ёзиб олган.)

## АНДИЖОН ШЕВАСИ

### 7. Қора кокил

Бър сэвдагәр бэрәкән. Унъ Қэра кә:кәл дегән оғлъ бэрәкән. Сэвдагәр бър йеттән (<йердән) сэвдадән келйәткән вахтъда йолдә бър бө:ръ Үчрәптъ. «Сенъ Қэра кә:кәл дегән оййашлък (<он йашлък) оғлънг бэрәкән, шунъапкебергън, апкебермәсәнг өзъйнъ

ҳәләк қьламән» депть. У қорқуп «Хайр, мен апкеберәйьн» депть.
Үйьгә джҮдә хапачьльй[г] дә бәрьп кекрәгьнь зәккә берьб йәтьптъ. Хәтьнь «ньмә:хапа келдьйьз» депть. Десә, ьннәйкегьн бьр бө:рь оғльйнь апкебер, апкебермәсәнг хапа қьләмән» дедь, «хоп» деп келдьм. «Ньмә қьльш керәг ендь» депть. Хәтьнь «ньмәгә хапа боласьз, тәнәсь бо(л)сә мевәсь» дегәнәкән, мәйль сьз өзьйьз тьнч қәсәйьз нештә Қәра кә:кьл, Қәра кә:кьлдь әбәрьберьнг» депть. Қәра кә:кьлдь бөрь көрҮп, джҮдә хурсам бопть. «Сенггә бьр шәртльк ьшьм бәр, бәджәрсәнг сень бошатәмән» депть. Қәра кә: кьл «хоп, бҮйҮрьнг буйируғьйьздь» дегәнәкән, «бьр йурттә бьр пәшшә бәр, унь пәрь:ләрдән бьр қьзь бәр, шунь әпкеберәсән» депти. Қәра кә:кьл у гәпть ешьтьп йолдә кетәйәссә, бьр тҮлкь учрәпть «ньмәгә хапә больп кетйәпсьз» десә, Қәра кә:кьл «бө:рь пәлвән бьр йердә пәшшәнь қьзь бәр, әпкеберәсән, дедь. Ньмә қьльшьммь бьлмьймән» депть. ТҮлкь «сьз ташвьш қьмәнг, мен өзҮм тоғруләймән» деп, пәшшәнь ешьгьнь тәйьгә бәшләб әльб бәрьпть. Кечәсь тҮлкь Қәра кә:кьлдь йол өргәтьп, пәшшәнь ешьгьгә кьргьзәдь. «Қьрқ Үйдән өтәсьз, қьрьғ бьрьнджь Үйдә пәшшәнь қьзь бәр, джҮдәйәм өткҮр чьрәйльк. КөрҮп, йьқьльп қәласьз, өзьйьздь тутьнг. Йәньдә өзьдәнәм чьрәйльк ромәль бәр, ромәльгә тегмәстән, өзьнь көтәрьб әльп чьқьнг» дедь. У кьрдь. Кьрьп қьздь көтәрсә, қьз йәләмбәш (<йәләнгбәш), ромаль йәньдә, джҮдәйәм чьрәйльк, йәньп туруптъ. Қьзнь йәләмбәш әльп чьқмайьн деп, ромәлдь әлйәссә ромәлдән «дәд, оғрь кеттъ», дегән әвәз чьқадь. Пәшшәнь йәсәвҮлләрь бу «дәттъ» ешьтьп, Қәра кә:кьлнь Үшләвәләдь. Пәшшәгә әбәрәдь. Пәшшә сорақ қьладь. Сорақ қьса бө:рь әйткәнг гәпләрнь әйтәдь. Пәшшә «Үндєй босә, пәләң джәйдә бьр пәшшәнь тьллә қушь бәр, тьллә чәнггєйдә турадь. Шунь әльпкельп берсәнг, қьзьм сенькь» дедь. Қәра кә:кьл тҮлкҮнь әлдьгә чьқадь. Вақьйань єйтәдь. [тҮлкь] «ньмәгә ромәлнь әлдьнгьз, мен әйтмә:дьммь, ромәлнь әмәнг деп, мәйль ендь, қуштьйәм әпкеләмьз» деп, ькәләсь қушкә джөнәшәдь. Қушкә йеть(б) бәргәндә тҮлкь кечәсь Қәра кә:кьлдь оғуллькқа кьргьзәдь. Кьргьз(ә)йәткәндә «қушть әгьну, чәнггәгьгә тегмәгьн, тегәкөрсәнг бундәнәм әвәз чьқьп, Үшләнәсән» дейдь. Қәра кә:кьл қушкә кьрәдь. Қушнь әльб, бьләгьгә қондурәдь. Қоль әғрьйдь. Бьрдән чәнггәгьгә қол сә(л)сә, ундәнәм әвәз чьқьп кетәдь. Пәшшәнь әдәмләрь тутвәләдь. Пәшшә сорақ қьсә, ҳу: пәшшәнь гәпләрьнь әйтәдь. [Пәшшә] «бомәсә бьр йердә бьр джәвдҮгәр бәр, оша джәвдҮгәрдь дҮллҮр әть бәр, шунь әпкеберсәнг қушумь берәмән, оғлум» дьйдь. Қәра кә:кьл тағьи пәзмәм (<пазман) больп, тулкьнь әлдьгә чьқадь. [ТҮлкь] «әйтмә: дьммь Үшләмәгьн деп, мәйль ендь, әтнь тоғруләймьз» деп джәвдҮгәрдькьгә әбәрәдь. Әбәргәндәнг кегьн, тәйьлләйдь «девәлдәм бәшьйнь чькәрьп қарәйсән. Әт сень көрҮп кьшнєйдь. Шундә джәвдҮгәр ешьтьп, чьқьп қарәйдь. Сен бәшьйнь тәртәсән. ДжәвдҮгәр кормәй кьрьп кетәдь, йәнә көрҮнәсән, джәвдҮгәр йәнә чьқәдь, Үчьнджь мәртә чьққандә әткә «ньмәгә бекәргә кьш-

нєйсән», деб эттъ уруп, ҳәммә йоғунъ қэн талақ қьлъб йҮбәрәдъ. ТөртҮнджъ [мәртә карәгәнънгдә ҳәлъ:гъ кәлтєйнъ зәрбъгә эт ъндәмєйдъ. Девэлдән тҮшҮп эттъ мънәсән, тъллэ қамчъсъ мънәм тъллэ қэзъғънъ бъргә элъп чъқасән» дейдъ. Қэра кә:кэл тҮлкҮнъ әйткәлләрънъ қьлъп, эттъ эпчьқадъ. Эттъ ъкәләсъ эпқачъп кетәйэткәндә тҮлкъ әйтәдъ «бу джҮдәйәм йахшъ этәкән, сенггә джҮдәйәм йәрәшъптъ, сен ҳув энэвъ чэлдувэргә эбэръб бәйләгън, мем

(<мен) бър йумәләп тъллэ қамчьлъйг, тъллэ қэзъғлъ дҮлдҮр эт болэмән, сем мәнъ мънъб бэръб, пэшшэгә беръп, қуштъ эпчъқъп, эттъ мънъп кето:рәсән. Мен йәнә бър йумәләп тҮлкҮ болуп арқәнгдән йетъб бэрәмән. Қэра кә:кэл чэлдувэргә эттъ эбэръб бәйлєйдъ, тъллэ қэзъғъ мънән дҮлдҮр эт боладъ. Қэра кә:кэл унъ мънъб бэръп пэшшэгә тоғръ қьладъ. Пэшшэ хурсам (<хурсанд) болуп, тъллэ қуш мънән тъллэ чәнггєйнъ берәдъ. Қэра кә:кэл унъ апчъқъп, эттъ мънъп қолудә тъллэ қушнъ көтәръп кето.рәдъ. Кето:рсә, арқасъдән тҮлкҮ йетъб бэрәдъ, йетъб бэръб «Қэра кә:кэл, съзъ тәгъйъздә дҮлдҮр эт, қолъйъздә тъллэ қуш джудә йәрәшъптъ. Съзнъ өзъйъзгә мунэсъб босън булар. Мем бър йумаләп, тъллэ қуш мънән тъллэ чәнггєй боләмән. Менъ пэшшэгә эпкъръб беръп, қъздъ апчьқасъз, мен эрқєйләрдән (//эрқаләрънгдән) йетъб бэрәмән» дедъ. Деттэғъ (<дедъдэғъ), тҮлкҮ бър йҮмаләп, йахшъ тъллэ қуш мънән тъллэ чәнггәголәдъ (<чәнггәк боладъ). Қэра кә:кэл пэшшэнъкъгә эбэръб, пэшшэгә эпкъръп, пэшшэдән ҳәлъгъ қьздъ эпчьқадъ. Эпчьққанданг кегън эттъ мънъп, қьздъ арқасъгә мъндъръп, қольдә тъллэ қушъ кетә:рәдъ. Йәръм йолгә бэргәндәнг кегън, тағън тvлкv йетъб баръб Қэра кә:кэлгә «қуллуғосън тәгъйздә дvлдvр эт, арқайъздә пәръй қьз, қолъйъздә тъллэ қуш, джvдәйәм йәрәшъптъ. Булар съзгә босън, мен тағь бър йvмәләб бу қьздәнәм откър, чърэ:йлък бър қьз боләмән, менъ эбэръб бә:ръгә тэпшъръп, съз дәдєйъзъ шәҳръгә йvрvп тvрәсъз, мен йәръм йолгә бэрмәстән йетъб бэрәмән» дедъ. Тvлкъ бър йvмаләб, джvдә өткvр бър қьзоладъ) <қьз боладъ). Унъ Қэра кә:кэл бә:рvгә тэпшърәдъ. Бә:рv джvдә хурсам болъб, Қэра кә:кэлгә «бэр ендъ, этә-енәй мънән йәшәгън» деб, джавэб берәдъ, Қэра кә:кэл чьқып қьздъ эттъ эрқасъгә мъндъръп, қолъгә қушунъ қондуръп, дәдәсънъ йуртугә джәнєйдъ. Йәръм йолгә йеткәндәнг кегън тvлкъ бър йvмәләп тvлкv болъп, Қэра кә:кълнъ арқасъдәй (<арқасъдән) йетъб бэрәдъ. Шу вахьтта (<вақтга) Қэра кә:кълдән бър шумлък туғуладъ. У ойлєйдъ «мен қьзнъйәм, этнъйәм, қушнъйәм шу тvлкънъ арқасъдән элдъм, ендъ бу менггә шеръй босә керәк. Ендъ муну өлдvрәйън» дедъ. Қьзгә гәп өргәттъ «тvлкънъ йvрәгъдә бър шумлък бар. Бу сенъ әлдvрәдъ. Мен эттән чvшєй (<тvшәй), тvлкънъ эткә мънгъзәмъз. Сен эттъ секънләтъб йvрәсән. Тvлкъ джvдә чәрчәгән, йолдә уйқусъ келъб, ухлап қэладъ. Шундә хәнджәрмән (<ханджар мънән) бър урсәнг тvлкъ өләдъ» дедъ. Қьз «хоп» дедъ. Қэра кә:кэл эттән чvштъ. Қьзгә ханджарнъ беръп қойдъ. Тvлкv йетъп келдъ. Тvлкvгә «эттъ мънвэлънг, съз чәрчәдънгъз» дедъ. Тvлкъ «йоқ, мен

чәрчәгәнъм йоқ, өзъйъз мънвәлънг» дедъ. Қәра кә: кәл йәнә қьстәйдъ. Тvлкъ «өзъйъз мъно: рънг» деб, унамейдъ. Қәра кә: кәл қьсторадъ, ахьйръ қьстәб йvрvп тvлкvнъ эткә мъндърәдъ. Қьз эттъ секълләтъп кетәдъ. Чәрчәгән Тvлкъ ухләп қәләдъ. Шундә қьз дәррәв епчъллъй мънән тvлкънъ бойнъгә ханджармән бър урәдъ. Тvлкъ эттән чәлә өлъй болъп, йьқълъп чvшәдъ. Йьқълъп чvшvп, Қәра кә: кългә қарәп «е нэ: мәрт, сенггә бу қъ(л)гән йахшълъгъм йахшълъйгмъдъ, тэ: өлгvнъмчә йахшълък қьләръдъм. Мәм пәръйләрдәнъдъм, тvлкъ емәсъдъм. Сен нэ: мәртлък қьлдънг, сендән йахшълък қайтмәдъ» деб, тvлкъ джәм (<джән) бердъ. Бу гәппъ ешътъп, Қәра кә: кәл: «эттәнг, йашлък қьппән» деб хапа болдъ. Тvлкънъ өлvгъ қәләвурдъ. Қәра кә: кәл қьздъ, эттъ, қуштъ этә-енәсънъ элдъгә эбәрдъ. Бәръшъ мънән этә-енәсъ ҳәйрәнг қәлъп, хурсам болъп, тойу тәмәшә қьлъп, қьздъ нъкә: қьлъп, Қәра кә: кългә эберъшәдъ. Шу вахьттә Қәра кә: кәл йъгърмәләргә бәргән йъгътчә боләдъ, әвджъ өспvрvн, қьзнъйәм қърчълләгән вахтъ боладъ. Шу мънән ъккәвъйәм мърә:дъ махсәтъгә йетәдъ. (*С. Иброҳимов* ёзиб олган.)

## НАМАНГАН ШЕВАСИ

**8.** Бър пәдшә бәрәкән. Сәйәҳәткә ойнәп чъққанәкән; чәрчәп бър дәрйә ләбъгә келсә, бър әдәм дәрйәгә йәзъп тәшләйәптъ. Пәдшә «әй бърәдәр, немә йәзъп тәшлутсән», деп суредъ. У әдәм әйттъ «ҳәммәнъ тағдърънъ йәзъп коруп берчъ», дедъ. »Ендъ йәзъп тәшлеңдъм, ешъгигъздә ъшләп йҮргән кәлдә әкән». Пәдшә хәпә болдъ. Ойъгә қәйтъп бәрсә, кәл сәвчъ чъқаръп туруптъ. Пәдшә ҳәйрән болдъ. Вәзърләрнъ чақърдъ. «Шундәй гәп, нема қълсәк боләркън», деп мәсләҳәт қълдъ. Вәзърләр әйттъ. «Озънгъз пәдшә болсәнгъзу, қьзьнгъз шул кәлгә ләйъқма?» «Немә қълсақ боләдъ» деп пәдшә сурәдъ. «Бунъ бър қъйън ъшкә йобаръп йоқ қьлъвәрәмъз» дедъ. Шу бълән кәллъ чақьрдъ. «Йеттънчъ әсмәндән әйнъ дәғънъ әлъп келәсән, унәйкейън қъзъмнъ берәмән» дедъ.

Шу бълән кәл йеттънчъ әсмәнгә қарап йўрә бәшләдъ. Йол йурсәйәм мол йуруп бър джәйгә йетъп бәрдъ; шу йердә Хьзър учрадъ, «Ей кәл, қайға кетуссән», деп сурәдъ. Кәл әйттъкъ «йеттънчъ әсмәнгә әйнъ дәғъгә кетуттъмән». Хьзър әйттъ «сән бәръп турғън, мән бәрәмән» дедъ. Шу бълән кәл дәрйә ләвъгә йеттъ. әрқәсъдән Хьзър ҳәм учрәп қәлдъ. Қопруктән отъп, кетәссә, копруктән әвәз чъкдъ «ей Хьзър, мән бутун беьльхләрнъ пәдшәсъ едъм, йуз йълдән берън шу йердә тохтәп қәлгәнмән, йә уйәққа, йә буйәққа кетәлмәймән, пәръштәләрдән сорап туш-чъ, гунәҳъм немә» дедъ. Хьзър «хоп» дедъ. Қәлгә әйттъ Хьзър «кел, бойнумга мън» дедъ. Қәл бойнъгә мъндъ. «ҚозҮнгнъ йум» дедъ. Қозънъ йумдъ; «әш» дедъ. Қозънъ әшсә (әчсә), йеттънчъ әсмәндә, әйнъ әлдъдә туруптъ. әйнъ дәғъдән бъттә шъшәгә әлдъ. Кегън Хьзър паръштәдән сорадъ «беьлъғнъ гунәҳъ нема» деп. Перъштә айттъ «беьлъғнъ әғздә мъҳръгъйә бәр, кәллъ мърәсъгә тушкән, шунъ берсә йуруп кетәдъ»,

деп эйттъ. Кегън Хьзър кәлнъ эйттъ «кел, йелкәмгә мън», дедъ. Қәл Хьзърнъ йелкәсъгә мъндъ. «Қозънгнъ йум», дедъ. Қозънъ йумдъ. Бър мънъттәй кегън, «эш» дедъ, эчсә дәрйә ләбъдә туруптъ. Бєлъқ сорәдъ «гунәҳъм немә» деп. «Тълънгнъ тәгъдә мъҳръгъйэ бәр екән, шунъ кәлгә берсәнг, йуруп кетәсән», дедъ. Шу бълән бєлъқ кәлгә эйттъ «эғзънгнъ эч» деп, мъҳръгъйэнъ тълънъ тәгъгә сәлъп қойдъ. Шу бълән бєлъқ йуруп кеттъ. Қәл мъҳръгъйәдән сурәдъ «мән ҳәзър озъмнъ шәҳръмдә боләйън» дедъ. Шу бълән козънъ йумуп эчгунча озънъ шәҳръдә болуп қолдъ. Пэдшэнъ ойъгә бэрдъ, эйнъ дэғънъ бердъ. Пэдшэ ҳәйрэн болдъ, вәзърләръгә масләҳәт қьлдъ. «Тағьн бър қъйън ъшкә йубәрәмъз» дедъ, «шу бълән йоқ боп кетәдъ» дедъ. Пэдшэ эйттъ кәлгә «бър кәттә дәрйэ, шу дәрйэнъ устъгә бър кәттә әрк пәйдэ қъләсән, тәгъ йергә теймәгән, устъ эсмэнгә әсълмәгән әрк пәйдэ қъләсән; ъндәй кейън қъзъмнъ берәмән», дедъ.

Қәл мъҳръгъйэдән сурәдъ «шу әрк пәйдэ болсън» деп. Қозънъ эчъп йумсә әркнъ ъчъдә туруптъ. Шу бълән әркнъ ъчъдә йурә бердъ. Пэдшэ бър кунъсъ шъкәргә тушсә, әрккә козъ тушуп қәлдъ. «Шу әрк ҳәр қъмнъкъ болсә, мән қъзъмнъ берәмән» дедъ. Шу джэйгә эдэм йубэрдъ. Қьрьқ кечайу қьрьқ кундуз тойу тәмэшшэ қълъп қьзнъ бердъ...

Бър пэдшэнъ ъшқь шу қьзгә тушуп қәлгән едъ. У бър кәмпърръ твйәгә мъндъръп йубәрдъ. Қәмпър кәлнъ ешъгънъ тәгъгә келъп твйәнъ эйағьнь съндъръп йэтәвердъ. Шундән кәл сәйэҳәттән тушуп келдъ. Қараса-къ, кәмпър, «дэд» деп йэтъптъ. Қәл сорәдъ (сорєдъ) «немә болдъ, енә» деп. Қәмпър эйттъ «ҳәджгә кетуткән едъм, твйәмнъ эйағъ сънъп қәлдъ, бър кечәгә джэй берсәнгъз», дедъ. Ҳәй кәмпъргә джэй бердъ. Қәмпър джэйләшъвэлдъ. Қәл эвга чьқьп кеткәндән кейън сорәдъкъ, хэтънъдән: «ерънгъзнъ тълънъ тегъдә бър нәрсә бэр, шунъ съз бър сорэп элънг», дедъ. «Ертәгә ъккәләмъз ойнәймъз», дедъ. «Хоп» дедъ. Қечәсъ хэтън мъҳръгъйэнъ сорэп қәлдъ. Ҳәй, ертәсъгә кәл мъшьғь бълән ътънъ ергәштъръп эвгә чьқьп кеттъ. Қәмпър мъҳръгъйэнъ сорэп эльп (эльп), бър мъҳръгъйәдән сорэп, қъзнъ йуртъгә эпкеттъ. Қәл эвдән джэнсъз болъп келдъ. Қелъп қарәсә, әрк йоқ.ът бълән мъшъқ шу бълән йугуръшъп, пэдшэнъкъгә кеттъ. Мъшъқ бэрдъ-дә бъттә чъчқэннъ ушләдъ «ҳэзър кәмпърнъ бурнъгә думънгнъ ҳол қьлъп тьқасәммә, йоғмъ, йэкъ йеймә» дедъ. Чъчқэн эйттъ «хоп, ходжәйън» дедъ; кәмпърнъ бурнъгә думънъ тьқтъ. Әҳсә бергәндън кейин мъҳръгъйэ эғзъдән чьқьп кеттъ. Мъшъқ элъп ът бълән қэчә бердъ: ът зорлук қълъп элъп қойдъ. Дәрйэ ләвъгә келгәндә ът ътнъ коруп вэвулләсә эғзъдән тушуп кеттъ дәрйәгә. Шундән мъшъқ бълән ът дәрйәгә чушуп кеттъ. Мъшъқ бър бєльғнъ ушләдъ «мъҳръгъйэнъ тэпәсәммъ, йэкъ йеймъ», дедъ. Бєльғ эйттъ «хоп, топәмән» дедъ. Дәррәп тэпъп чьқтъ. Шу бълән мъшъқ бълән ът элъп келдъ, кәлнъ эғзъгә ҳол қьлъп сэлдъ. Қәл тетълдъ. Бър дувэнъ оқусә әрк бълән қьз ҳэзър болдъ. Шу бълән эхър умрънъ тугәттъ, мурэдъ мақсәдъгә йеттъ, эләмдән вәпэт қълдъ, деп еккъ нэннъ йеп, эйтъп бергучъ Абдуғэнъ. (проф. *А. К. Боровков* ёзиб олган.)

## УЙЧИ ШЕВАСИ

### МАҚОЛЛАР

9. Орахта йох, бэшэхтә йох, хьрмэндә ҳэзър.

Ъшләсәнг чъшләйсән, ъшләмәсәнг чъшләмәйсән.

Әхмәққа Қэсән бър тош.

Эрзэннъ шорвәсъ тәтъмәс.

Әхмәқ хәръгәнънъ бълмәс, косә қәръгәнънъ.

Әткән джэйдән қэмә, әтмәгән джэйгә бормә.

Әслэннъ өлъгъ, чъчқәннъ търъгъ.

Қуру: : ләгәнткә қут чушәр.

Бедәнәнъ ойъ йох, қайда бо(л)сә пътпълдъқ.

Бәръдә қъмәдънг шәт, өлгәндән кън ҳо: қъл йәт, ҳо қъл пәрйэт.

Қуру: қәп тъккә турмәс.

Бърръкъ мънггә, мъйнъкъ тvмәнгә.

Бэлә йъғләмәсә энә эмчә: сэмәйдъ.

Болтъ чvшкунчә кvндә дэм эптъ.

Бэлъ ағръмәгәннъ нэ: йъйщъгә вәқ.

Боччъ белвәққа йәлчъмәс, чахчъ чәчвәққә.

Бергәнгә бътәйәм көп, эгәнгә йvстәйәм эз.

Бърэввъ//бърэппъ ъшъгә, сәрәтэндә қолъ со: қатъптъ.

Бөзә: нъ//бозәгнъ йөгvргәнъ сэмэнхэнәгәчә.

Сэйэқ йуггән тойәқ йер.

Гәпнъ гәпър уққәнгә, жәнъ-дълънъ суққәнгә.

Йәз йопунчуғънгнъ қоймә, қъш өзунг бъләсән.

Көддънг йәрръ вәслънъ, корпәнъ котәръп йолгә чуш.

Йәхшъмънәм йvссәнг йетәсен мурэткә, йэмән мънәм йvссәнг қәләсән уйәткә.

Йэмәндән йеттъ қошуқ.

Йэмэннъ бър қълъғъ эттуқ.

Учә қоръп гош бомәс, душмән әслэ дос бомәс.

Йъгъткә қъх ҳунәр эз.

Буғдэй қонғәр богәндә, қонғәр қәзъғъйнъ сэтъвйе.

Эзәгә бэггән хэтун өз даддънъ этъп йъғлийдъ.

Лә: ләнъ кетъшъйә вәқмә, келъшъйә вәқ.
Ме: нәт қъмәсәнг, рәҳәт қәйдә.
Эшувънгнән әққән су: нъ қәдръ йох.
Ͻз әшъм ғәлвәсъз бәшъм.
Өрv: өрvнъ көръп әлә болур.
Ͻтәнг мърәп восәйәм, су: вәшъвол.
Пәйдевәллъ тәйъгә ъшлә.
Су: нъ кормәй өтv: йешімә.
Устә кормәгән шәғут, ҳәр моқәмгә йvрғәләр.
Қойәннъ қәмъш олдирәр, йъгъттъ әр-нәмус.
Эшә: нъ өлгусъ кесә, тъймән бешъдә өйън соләр.
Очкъгә джән қәйғъ, қәссәвгә йәғ.
Йоргән дәйрә, отъргән бойрә.
әчә: нъ дедәнггә бъпәддәс көсәтмә.
Ъшләмәстән йегәнлә, кәвшәмәстән өләрлә.
Осмә кетәр қәш қоләр, сvрмә кетәр көз қоләр.
Кетәмәмдән бър сәс бор, йәвә кетәр өс қоләр.

## ҚУШИҚЛАР

10. Ͻлъчәнъ гулләтгән
Боҳаръгдән өргуләй.
Хотън-қъзнъ йәшнәткән
Пәртъйәмдән өргуләй.

Гъръм койнә: къймәймән йоқәсънъ өйдъръп,
Дангәсәгә теймәймән, йурәк бәғръм қон
қълъп.

Мәскъвәммъ йолъ сәз,
Йолъдә ойнайдъ ғәз.
Боғләръдә дойъм йәз
Бутун дунйә ъшқъвәз.

Қьхмә йомәл бєшъмдә
Ъпәләръ қешъмдә,
Өн сәкис йешъмдә
Дәвләт мәнъ бєшъмдә.

Сєчъм учъ гъндҗәләк
Йәзългунчә ойнәймән

Йәшә, сәветлә, йәшә
Олгунимчә ойнәймән.

Бәҳәр кесә ҳәр ълъ
Тәл бәйънъ йазадъ.
Қәлхозъмъ бәхт - ъшқъдә
Қәләмъм ши : р йәзәдъ.

Дәлә шъйпәнъмъздә
Ълъҳтър ҳәм рәдъйән,
Кәлхозчънъ чәқърәдъ
Мәскъвәдә пәвълйән.

Қолъмдә тълло узу:
Чърә : дә йәрқърәйдъ.
Сәвәсъзләнъ қолъ
Қәләмдә қәлтърәйдъ.

Пәрәнджънъ сәтәмән
Йөмәлъммъ әтәмән,
Меҳнәттә өрнәк босәм
Пәртъйәгә өтәмән.

(*А. Ю. Алиев* ёзиб олган.)

## ҚУЙИ ҚАШҚАДАРЁ ШЕВАЛАРИ

### НАРТИБАЛАНД ҚИШЛОҒИ ШЕВАСИ *(Косон райони)*

### 11. Тәвистән билән зимистән (Ёз билан қиш)

Тәвистән билән зимистән иккәви әйтишиб қәлипту. Тәвистән әйтипту: мән келәйткәнгә ҳәмә йәйрәйду, менгә ҳәмә нерсәләр бисйәр боләду. Гәндум, джәв, әнгур, әлмә, әнәр, хәрбузә, зәрдәлу, хулләси кәләм, ҳәмәси мәнгә бишәду. Джәмики қурту, қумрусқәйу, ҳәмәси мәни вахтимгә йәлә (очиқ) йурәду. Мән болмәсәм ҳедж бир зиндәги (тириклик) йоқ, депту. Уни гәпигә әччиғләниб, зимистән әйтипту:.мән йәмәнләни джәзәләймән, ҳәмә инсу-джинсу зәләлкунәндәләрни қырәмән, кәсәлләрни йоғәтәмән, қәрим билән йерни устигә корпә йәпәмән, йәғмирим билән қәқрәгән джәйләрни бошәтәмән, изғирин сәвуғим билән ҳәвәни тәзәләймән. Әби-ҳәйәт мәнгә туғуләду. Сән озунг әйт, әби ҳәйәт болмәсә зиндәги боләдиму? Әби ҳәйәтни мән бунйәд қыләмән, изнагит, зиндәги мәни фәрзәндим. Сән әдәмзәдни ләҳәс қъләсән, бәдәнини қъзитәсән, дилини ойнәтәсән. Мән әдәмзәдни тетик, хушйәр, бәқуввәт, ҳәмә нәрсәгә чидәйткән қъләмән, әдәмзәдгә йәшәйткән әби-ҳәйәт берәмән, депту. Шу вәхткә кокдән әвәз келду: әй, огәй әғәйниләр, дуроғ (ёлғон) гәпурмәнгләр, мән әймәмә боләмән, мәмә Йерни сийлисимән, сизләр иккәв-

лəрингиз Тəнг эрини икки хэтунидəн туғулгəн фəрзəндлəрсизлəр. Сизлəрни пəдəрлəринг икки Тəнг эрини (Тангрининг) икки хэтуни болгəн, бир хэтунини эти — Шəфəқ, иккинчи хэтунини эти—Йəллиғ, əнə шу икки хэтуннəн торт фəрзəнд туғулгəн. Шəфəқдəн Бəҳэр билəн Тэвистон туғулгəн, Йəллиғдəн Тирэмэ билəн Зимистэн туғулгəн. Сизлəр иккэвлəрингиз икки əкəлəрингизни ҳисэбгə қошмəй гəпирэпсизлəр. Тəнг эрини торт фəрзəнди тугəл болсə, мəни эпəм— Мэмэ Йер гуллəб йəшнəйду, депту эймэмэ. (*Аъзам Шерматов* ёзиб олган.)

**МОБИКА ҚИШЛОҒИ ШЕВАСИ** (*Ғузор райони*)

12. Узэнгиси тəқимлик,
Əвэзлəри йэқимлик,
Мизғи, хэрəв, йəк қитти,
Əллə, бəчəм, əқиллик.

Эй бэрэду бэткəни,
Йэрим келаду йэткəни,
Йугуриб чиқсəм пешигə,
Бир ширин муччи тэткəни.

Йэрни кутсəм сийнəлəргə
Тэғни тэши бэтəди.
Нəмэшэмдэн йолгə чиқсəм,
Кечəси тəнг этəди.

Пур кэсəйу, ним кэсə,
Джəнэн пешимгə келсə,
Пур кэсəни бəрдор қилиб,
Сэни берсə йəк босə.

Əлмə, əнгури бэзи,
Кəй хэнəндə əвэзи,
Мусəллəстəй мəст кунəд,
Хушрой духтəрни нэзи.

Ҳэрмəй ишлəб зимистэн,
Дəм элəмиз йэз бойи,
Джəнэнни чəккəсигə,
Мэбикəни нэзбойи.

Əз кəрт думбə сэмбосə,
Бəрэдəрҳэ жə:м болсə,
Джəнэнлəрни ичигə,
Бизни йэр коркəм болсə.
(*Аъзам Шерматов* ёзиб олган.)

**ЯШИЛКЎЛ ҚИШЛОҒИ ШЕВАСИ** *(Қамаши райони)*

**13.** Бир уштур, бир мэдгөв, уч госфэнд бериб, бэд кэлхузгэ кирдим. Қэлхузгэ джэ:ми ӭлмуш эдэм кирдук мэ, Ошэ сэл гэндум экун ҳэминэм ҳэсил қилдики, ҳэр бэтмэн зэминнэн өттуз бэтмэннэн дэн элдук мэ. Лэлмикэрлук ҳэр вэх ҳэсил берэйткэн болмэйду, экун. Бир ил берэду, бир сэл бермэйду. Инқилэбдэн эввэллэри ғэллэ ҳэсил бермэйткэн иллэри ҳэмэ кэс эч қэлэйду, экун. Инди дэн ҳэсил берсэ-бермэсэ мэгэзингэ ғэллэ бисйэр, экун, ун мол, ишкэм сер, қэрун тоқ, ҳэмэ кэйф қилиб йурупту.

**ТЎДАЧАРБОҒ ҚИШЛОҒИ ШЕВАСИ** *(Ғузор райони)*

**14.** Бэрэкэн йоғэкэн, очэкэну, тоқэкэн, қэдим зэмэнгэ икки се:ргэр богэнэкэн. Улэниң биртэсини исми Қэмэг, биртэсини исми Ме:тэр болгэнэкэн. Улэ икэви дуйнэни икки гирдигэ истиқэмэт килсэлэйэм бир-бирэвлэрини корэлмэйэкэллэ. Биртэсини сэқэли сэфед (оқ), биртэсини сэқэли сийэ йэкэн (қора экан). Улэр озлэрини рэм китэблэрини кориб, иккэви хэбигэ (тушида) бир-бирэви билэн уришкэнлэригэ бир-бирэвлэрини сақэллэрини чиндэшэйэкэллэ. Бир кун туш корсэлэр, Қэмэк Ме:тэрни сэқэлини пуррэ чиндэб элупту. Ме:тэр болсэ уни Қэмэкни икки чэшмини кэвлэб элупту. Бэд сэни улэрни биртэси бесэқэл болуб қолупту, биртэси соқур болуб қэлупту. Сэқэли чиндэлгэни: сэқэли сийэҳим, деб гирйэ қилэйэкэн, соқури: чэшми сийэҳим, деб гирйэ, йиғи қилэйэкэн. Улэр уйғэниб кетишсэ хэблэри (яъни тушлари) йэкэн, сэни қэрққэнлэридэн джэнжэл қилмэйтикэн болуп кетишипту. (*Аъзам Шерматов* ёзиб олган.)

**ПЎЛАТИ ҚИШЛОҒИ ШЕВАСИ** *(Косон райони)*

### 15. Кўрганларим

Игьрмэ йеттьнчь ьлдэн сэйьз (профсэюз) эзэсьмэн, игьрмэ сэккьзьнчь ьлдэн берь пэртьйэ эзэсьмэн. Ънқьлэптэн элдьн хэлқ қьрьльп йэтэйъдъ, эшльйдэн қьрьлэйьдь, кэсэлдэн қьрьлэйьдь, вэбэдэн қьрьлэйьдь. Бечэлэ путкул қьрьльп кетэйьдь, қэрэ чечэк дьгэн кэсэлдь озь коб беччэнь нэвут қьлэйьдь. Бьзэ кормэйэн эзэп дуйнэдэ қэмэйэн. Әнь шу Мэҳмэдэльнь этэсь Бэзэрвэй мьнэн екэвмьз Қэршьдэ мэрдькэлльк қьлэйдьк. Сэҳэр шордэн турьп кетэйдьк, чэшкэдэ Қэршьйэ вэрэйдьк, кечкэчэ мэрдькэрчьлъйдь қьльп, кун узэғь ьшлэйэньмьзгэ чэйрэй (икки кило) ғольн, йэ йэрьм чэйрэй эрпэ эльп уйгэ джонэйьдьк, йэрьм кечэсь уйгэ йетьп келэйьдьк, бьр ухлэр-ухлэмэс танг вэхть йэнэ мэрдькэлльккэ жонэп кетэйьдьк. Ошэ тэвьп кегэн йэрьм чэйрэй эрпэнь уйдэ хэлэнг бэчэлэйэ этэлэ қьб берэйьдь. Ънқьлэб богэннэн соғрэ бэйлэ қэчэқэч, қувэ-қувгэ чушть. Бьр кун бэзэрджэйьнь шьпрьв йэтувдьм, Шэрэпов дьгэн кьшь чэқьрьп қэльдь, эт вердь, қольмгэ мьлтьғ вердь, бэсмэчьгэ қэршь этрэт тузэмьз, дьдь. Әтрэт туздьк. Бэсмэчьнь тукэт-

кәньмьздән соғьн мәнь рәйджрәқомгә рейьс қьльп котәрдь. Әйәлләнь пәрәнджь тәйләшь бәшләндь. Бьрьнчь воп пәрәнджьнь хәлән тәйләдь. У вәх Мьйль эпәнг вэ, Абдь вэ, ҳәль Бэтьр туғьлгән емәс. Хәйьт мэмәдәйәм еккь бәлә вэ, Тэшбувь мьнән Нэрқул, сәнәм ошә вәх бэрсән, сьлә ҳәммәләрьнг кәлхоз тузьлгәндә туғьлгәньдьйлә. Соғьн хәләнг, әбдьнь энәсь, сельсәвьткә рәйьс волдь, әйәлләнь копьнь эчть. Қәлхэз тузьлгәндәйәм мән рәйджрәқумгә рәйьсьдьм. Қулэғләнь, бәсмәчьләнь ҳәммәсьнь тукәттьк, соғрә мән «Улус» сәпхэзьгә дьрьҳтьр воп кеттьм. Ордән кельп коб ьл сельсәвьткә рәйьсльқ қьлдъм, ҳэзьр пьрсәнәльнь пенсьйәньрмән. Ҳэзьркьдәй тохчьльй ҳьч қәчән богәнәмәс, ҳэзьр ҳәммә кәсәлдь тузәтәткән духтьллә вэ. (*Аъзам Шерматов* ёзиб олган.)

## 16. Суҳбат (Гурьнг)

Э, сәлэмәләйкум, йәхшьмьсьз? Думэғ чэғмь? Кәйп джормь? Бәқьвәтмъсьз? Кәмнэмә? Йәхшьйәм «Семәшкә» дә учрәшьп қолдьк. Қьшләғләдән сорәсәнгьз, йәхшь, ҳәммә йер әвэт боләйәпть, әму дәйрәнь сувь кеп қолдь. Қойвәқәровкә рәҳмәт, дәйрәдән прәмой қәнәл чьғарьб бердь, сув ҳьш тохтәвсьз қьшләққә келәдь. Қьшлағьнгьздь ҳэзьр корсәнгьз әдәшьп қоләсьз, ҳәммә джэйь бэғ, чәрвэғ, гулзэр воп кетть. Прәвленийә қәрэрь мьнән ескь харэвә, чолдувэрләнь ҳәммәсь тегьсләндь, бэйэғльхэнәләдән бьттәйәм қомәдь, бәрьнь оннЬгә мевәльй дәрәх откәзьлдь, ҳэзьр ҳәммәсь джәвльк ҳэсьлгә кьргән. Қәлхэздә мевәчьльйәм рентабьллЬк сэҳәгә әйнәльп қолдь, экьн вәхттә озьнь хәрәджәтьнь толә-токьс қэпләйдь. Пәхтәдән джудә кәттә дәрэмәт элайәппьз, әйньхсә, ьпәй пәхтәдән. Терьмвәхтьдә колхоччьлә ҳар беш кундә рэччёт қьп турьләдь. Пәхтәдән кегән мьлйэн-мьлйэн дәрэмәт ҳьсэбьгә джудә кәттә қурьльшләрдь әмәлгә эшьрәйәппьз. Чәрвәдән кегән дәрэмәтәм унчә-мунчә йәмәс, ҳәддән зьйәдә. Хулләс, кэлхозда рентәбьллЬк бомәгән бьтәйәм сэҳә қомәдь, дьсәй хәтэ қьмәймьз. Ходжәльгдь ҳьсэп-кьтэбьнь йәхшь бьлгән рәҳбәр босә, унь ҳәр тэмэннән сердәрэмәт ходжәльккә айнәльтьрьшь мумкьн. Бәләләнь сорәсәнгьз, эльқул сельхузтехнькәнь бәшқәрәйәпть, әмърқул дессьртәцьйәсьнь йәқьндә йэқләйдь, Шэдмән, Рәҳмән ьнстьтутть тэмэмләйдь, қәрьндәшьнгьз әзьмәм бу йьл пьтьрәдь, джъйәньнгьз Ғольббәй бъздь егъзлә мьнән бьргә мәктәптә оқъйдь, коп шох вогән. Учәвьгәйәм кьйьм эсәм бьр хельдән эләмән, бомәсә джәнджәл қьләдь. Шукур әкәнгьз мьнән екәвьмьз йэшльйдән досмьз, бьр кләсдә оқьгәммъз, екэвъмьз сәнсърәшъп гәвләшәмьз, әрәмъздән эғър-йенгьл гәв оссәйәм бьр-бьрьмьздән хәпә бомәймьз. әшьрәм йәнгь учәсткәсьнь бьткәзьв элдь. Обшим, ҳәммә коз коргән эғәйньлә есән-эмэн йурьпть. (*Аъзам Шерматов* ёзиб олган.)

## 17. Кўз — қўрқоқ, қўл — ботир

Ълэн ълъйьдь, Муқьм пэлвэн этэсьгэ эш верэйэткэньдь, этэсьнь олгэньгэ бьр ьл вогэн, ошэнь ьлэшьсьнь қьвэткэньдь. Ълэшьдэн йэнгь кельп, уйгэ кьрышьм бьлэн еккьтэ мьлтьқльк бэсмэчь ҳэвльгэ кьрып келдь. Ͻлдьгэ чьғышьм бьлэн: сэн дэмлэмьсэн? қорвэшь джэнэблэрь сэнь қьчқьрэйэптьлэр, дьп, элдьгэ сэльп мэнь ҳэйдэп кеттъ.

Уйдэкьлэргэйэм бьрэр соз эйтэлмэй қолдьм. Мэнь ьлэшь больвэткэн джэйгэ қэйтэрьп эбэрдь. У джэйдэ еккь йузгэ йэқьн қурэлльк бэсмэчь ҳэммэ йэғдь орэвэгэньдь. Ҳэвльнь ортэсьдэ он-окбеш мьлтьғльк бэсмэчь ортэсьдэ устьдэн пьйэзь чэҳмэн кьйгэн, ьчьдэн қэйьшлэр откэзьлгэн кэмзулль, кэмзуль устьдэн мэвзьр тэқьлгэн бьр қэрэ кьшь тькка турэйьдь. Мэнь эпкегэн бэсмэчьлэр унгэ тэ : зьм қьльп: тэхсьр, дэмлэнь тэвьб келдьк, дьдь вэ мэнгэ қэрэп: тоқсэбэгэ тэ:зьм қьл, дьп йелкэмнэн туртть. Мэн мунчэ қурэлль эдэмдь бьрьнчь корышьмьдь ҳэйрэттэ қэтъп қэппэн. Бэйнэкь тоқсэбэ дьйьлгэн эдэм қольдэ ушлэп тургэн қэғэзьнь мэнгэ узэтып: оқь, дьдь. Мэн қэғэздь эльп коз йугьртьрдьм, қэғэздэ «Қэршь округ ьжрэқумь мьльсэсьгэ. Шэмбэ кунь кечқурун Турдь бэсмэчь Полэть дэҳэсьгэ келэдь, сэллэт мьнэн йетьп кельнглэр», дьп йэзьлгэн ьдь, хэт тэгьдэ «Йолдэш эль эхсоқэл» дьгэн ьмзо бэр ьдь. Этрэпьмгэ қэрэсэм, тоғрьмдэ қоль эрқэсьгэ бэйлэнгэн Йолдэш эль эхсоқэл турэйьдь. Хэт мэньсьгэ ендь чушьндьм, тьльмдь йуткэндэй джьм қэрэп турдьм. Тоқсэбэ мэнгэ қэрэп, ньмэгэ оқьмэйсэн? дьдь, мэн: Оқьйэлмэймэн, дьдьм, ньмэгэ оқьйэлмэйсэн, қэндэй дэмлэсэн? дьдь. Мэн йэнэ — оқьйэлмэймэн дьдьм. Шундэ бэсмэчь тэппэнчэдэн оқ уздь, оқ эвэзь джудэ дэҳшэтльгьдь, мэн ендь олдьм, чэғь, дьп ойлэдьм, бэшьмнэн қэрэ тер қуйьлдь, қэльтьрэғ бэсть. Бьр бэсмэчь элд тэмэньмгэ откэндэ ҳэль олмэппэн, дьп ойлэдьм. Ͻлдьмнэн қэттьқ тепкь йеп эрқэгэ йьқьлдьм, ньмэгэ оқьмэйсэн? дьп, йэнэ сорэдь, оқьйэлмэймэн, дьдьм. Шундэ кьмдьр: «тэқсьр, бу чэлэсэвэт, хэт оқьйэлмэйдь», дьдь. Тоқсэбэ Йолдэш эль эхсэқэлдь тумшуғьгэ хэтть тьқып: Ҳэ сэтқьн, бу сэнь нэйрэнгьнг, дьп доқ урдь, у ҳъч ньмэйэм дьмэдь. Мэн чуқур хэндэккэ қулэп чушкэньмчэ йэтэйьдьм. Бэсмэчьлэрдэн бьрь «эткэ қон» дьп хьтэп қьльдь. Ҳэммэ бэсмэчь этлэрьгэ мьндь. Қоль бэйлэнгэн Йолдэш эль эхсэқэлдьйэм этгэ мьндьрьп, узэнгьдэкь еккь эйэғьнь этть қонньтэйьдэн бьр-бьрьгэ бэйлэдь, мэн есьдэн чьғдьм, чэғь, бэсмэчьлэр апьл-тэпьл джонэп кетть. Ендь гэпть бьйэғьнь ешьтьнг. Қьшлоғдэн чолгэ чьққэннэн соғрэ бэсмэчьлэр Йолдэш эль эхсэқэлдь кэллэсьнь эльп, тэнэсьнь тэйлэп кетьпть. Унь сэвэпь мундэй богэнэкэн, ьнқьлэп богэннэн кьйьн шорэ ҳукумэтьгэ хэйрьхэх богэн копкьнэ лэвэзьмльй шэхслэр оз лэвэзьмлэрьдэ қолдьлэр. Хутть шундэй қьшлоқлэрдь эйрьм эхсэққэллэрьйэм хэлқ мьнэн бьргэ ьшлэй бэшлэдьлэр. Бэсмэчьлэр улэрдь оз тэмэньгэ эғдьрьп эмэхчь болдь. Йолдэш эль эхсэқэлгэ охшэгэн бэ:зьлэр бэсмэчьлэрдь тукэтьштэ шорэ ҳукумэтьгэ йэрдэм

бердь. Бэсмәчьләр уләрдь олдьрьш пәйьгә чушть. Ошә кунь йетьп кегән сәллэттән кәттә тәлэпэт коргән бэсмәчьләр чолдә ғойьб бопть. Әрәдән бьр ҳәптә откәннән соғьн беш йузгә йәқьн бэсмәчь Рәҳьмсопь қьшлоғьгә Сәйнәвь (Саиднаби) эҳсэқэлдькьгә кеп чушьпть, эхсэқэлгә әйтьпть, — қьшләғдәки ҳәммәнь қойьнь йьғьп келәсән, қьшләғдәкь ҳәммәнь тьлләсьнь йьғьп келәсән, қьшләғдәкь ҳәммә қьздь йьғьп кетьрьп бьзгә берәсән, — дьпть. Сәйнәвь эхсэқэл қьшләғдь ҳәммә кәттә-кьчьгьнь йьғьп бэсмәчьләрдь муддәэсьнь хәлққә әйтьпть. Бэсмәчьләрдь бу ньйәтьдән қәттьқ ғазапләнгән хәлқ кәлтәк, бел, кетмэн котәрьп, әвқэтләньп дәм әләйәткән бэсмәчьләр устьгә тәйләньпть. Ғазапләнгән әләмэн ғапләттә богән бэсмәчьләрдь мәджәғләп тәйләпть. Бэсмәчьләрнь эзрэғь эткә мьньп қэчьшкә улгурьпть. Хәлқ уләрдьйәм әрқәсьдән қувьп, ушләгәньнь ушләгән джэйдә урьп олдьрьвурьпть. Тәкә отльй бэсмәчьнь коргән ҳәмқьшлэқләрь бэсмәчьләрдь боғьзләйәткән ьғьтләргә: — Тәкә ҳәмқьшлэғьмьз, Тәкәнь олдьрмә, дьсә, бәшқә ьғьтләр: — ур, еңкьнг бетәкә қэмәйдь, — дьп эхьркь бэсмәчьньйәм йәксэн қьльпть. Шундәй қьльп бу дәҳәдәкьләр бэсмәчьдән қутьльпть. (*Аъзам Шерматов* ёзиб олган).

### ҚАНОЛЛИ ҚИШЛОҒИ ШЕВАСИ *(Косон райони)*
### ҚЎШИҚЛАР

18. Кельнг, йэрьм, кельнг, йэрьм, екәв гәб бэшләмәймьзмь?
Текьйәнь бәләнт қойьп, екәв йэммэшләмәймьзмь?

* *
*

Мән сәнь йэрьм дьсәм, әрқәнгдә йэрьнг бэрәкән,
Екки рухьнг қьп-қьзьл, ләпчәнгдә хэльнг бэрәкән.

* *
*

Ҳәсрәть әрмэндәмән. Бәйләб бельнгдь зәр мьнән,
Қәйдән келдьнг, нәзәньн, әхльмдь элдьнг гәл мьнән.

* *
*

Мән сәнь хуб бьләмән, койньнг мәнгә мойъл йемәс,
Отьрьп қэн йьғләсәм сәннән мурэт ҳэсьл йемәс.

* *
*

Әлмәльй бэққә кьрьп шәптэльнь йермь кьшь?
Оз йәрь уйдә турьп, бегэнәнь дьрмь кьшь?

* *
*

Әлмә бәргь бәргәмәс, шәптәль бәргь бьр қучэқ,
Қьшь йәрь йәрәмәс, қойньгә чушкән бьр пучәк.

* *
*

Кел, бойьйнән оргьләй, келгън, бойьйнән оргьләй,
Ҳәр ғәзәлгә мәс қьльп тәпкән куйьйнән оргьләй.

* *
*

Бьздь мәптунләр қьльп черткән сәзьйнән оргьләй,
Келәмән, дьп вә:дә бергән әвәзьйнән оргьләй,

* *
*

Ҳәр сәҳәрдә бьр кемәғльк әдәтьйнән оргьләй,
Сьлкьньп тургән кьйьгдәй қәмәтьйнән оргьләй.

* *
*

Қесәйьз кулбәм әрә кәкьлдь бел тәйләп кельнг,
Ҳьлпьрәқ куйләй кьйьп, шәйь ромәл бәйләп кельнг.

* * *

Кечәсь йәрьнг боләй, кундьз хәрьдәрьнг боләй,
Ҳәм бойьйнән оргьләй, ҳәм әшьғь зәрьнг боләй.

* *
*

Кьчкьнә чәрвәғ ьчьдә чәрх урьп йәткәньнгьз,
Сәлләйьз бойньмгә сольп, бьр ғәзәл әйткәньнгьз.

* *
*

Сәлләйьз мәлмәлдьр, шәхәгә ьлдьрмәнг, ьгьт,
Бьз екәв дос боләльк, душмәнгә бьлдьрмәнг, ьгьт.

* *
*

Кьчкьнә кәптәр йемәсмән, кундә-кундә келгәнь,
Әйдә, ълдә бьр келәрмән әй йузьнгдь коргәнь.

* *
*

Әй йузьнгә әйнә боләй, қәрә зулпьнгә тәрәғ,
Әй йузьнгә хоб йәрәшәр мәйдә бәскән зәрвәрәғ.

* *
*

Қьзьл әлмә қьзәрьпть, қьзьл йузьнгә ьнтьғмән,
Шәкәр сольп йуғьргәндәй шьрьн тььнгә ьнтьғмән.

* *
*

Джорәжән, нәзьнгдь қой, номус мьнән әрьнгдь қой,
Кечәләп сәвдә қьләй, әлдингә бәзәрьнгдь қой.

* * *

Йэргьнəм, лэдэнгьнəм, шэкозлəрь бэдэмгьнəм,
Шəкəр эғзьнгə нəвэт, ҳəм джорəйь султэнгьнəм.

* * *

Кьчкьнə чəрвэғ ьчьдə чəлләшәйльк еккьмьз,
Йəнгь чьққəн нав неҳолдəй чулғашəйльк еккьмьз.

*(Аъзам Шерматов* ёзиб олган.)

**ҚАТАҒАН ҚИШЛОҒИ ШЕВАСИ** *(Ульянов райони)*

ҚЎШИҚЛАР

**19.** Дəрйəгə тэш этмəйлə,
Бэтəр кетəр, йэр- йэр.
Узэққə қьз бермəйлə,
Ͻлəр кетəр, йэр- йэр.

Йьғлəмə қъз, йьғлəмə,
Той сенъкъ, йэр- йэр.
Əстэнəсъ тълләдəн,
Уй сенъкъ, йэр- йэр.

Съйнъм бергəн узъгъ,
Майъшəдъ, йэр- йэр.
Съйнъм учун қавурғам,
Қəйъшəдъ, йэр- йэр.

Дəрвэзəнъ кенг эчънг,
Келън келлъ, йэр- йэр.
Келън мънəн қошълъп,
Дəвлəт келлъ, йэр- йэр.

Сəмəвəрдə чəйлəръ,
Қəйнəмəйдъ, йэр- йэр.
Огəймəкəн энəсъ,
Ойнəмəйдъ, йэр- йэр.

Чəқъръп берънг ъгъттъ,
Йəнгəсънъ, йэр- йэр.
Қэлън гъләм тошəсън,
Қочəсъгə, йэр- йэр.

Қэшънгнъ қəрəсъгə қэтгън, мəнъ,
Ͻшъқлък бэзəръгə сэткън мəнъ.
Ͻшъқлъкнъ бэзəрьдə эмəсəлəр
Къпръгънгнъ оқ қълъб, этгън мəнъ.

Эқ сувдэн эқъб кесэм тутмэ мэнъ,
Элдъмдэн йэръм келъб тутсън мэнъ.
Гул мънэн гунэпшэгэ йувсън мэнъ,
Дэстэрьдэн кэпэн қълъб комсън мэнъ.

Бэзэрдэн сэтъп элдъм сэръғ мунсэк,
Сэрғэйъб йургэн йэръм йузън корсак,
Белъмдэ бър тъллалък белвэғъм бэр,
Суйънчъ дэб келгэнгэ шунъ берсак.

Қуртъйэ бэрк қърққэнъ қъзлэр чъғэдъ тутгэ-йэ,
Мэшънэнъ толдъръп бэрг элъб келэр қуртгэ -йэ.
Ъпэй ҳэсълъ учун еккъ дугэнэ белләшъп,
Пълләдэн удэрнък боп эвэзэ кеттъ йурткэ-йэ.

Қъзгънэ кетэргънэнгдъ эңгләдъм,
Сэн кетэр, дъб дэрвэзэнгдъ пэйләдъм,
Арқэнгнэн елчъ йувардъм, келмэдънг,
Эқъвэт йолънггэ бэқъб йъғләдъм.

Девэлънггэ қэрғэ қондъ, мълтъқ йэсэдъм эткэнъ,
Елдэнэм нэмус қъләрмэн сенъ йэр дъб эйткэнъ.
Эй йемэсмэн, кун йемэсмэн кундэ-кундэ бэққэнъ,
Чэшмэ сувъ мэн йемэсмэн, эшъгънгдэ эққэнъ.

Бэшъмдэ мэрқэ қозънъ тэрьсъ,
Шу экэм ъккъ козъмдъ бърьсъ.
Мен эгэр шу экэмнъ йэр дъмэсэм,
Сътълъб эқсън козъмдъ бърьсъ.
Қърқ қулэч сэчънгнъ йэйдънг дэргэ -йэ,
Бэндэ болэй създэккънэ йэргэ -йэ.

(*Аъзам Шерматов* ёзиб олган.)

### АРАБХОНА ҚИШЛОҒИ ШЕВАСИ (*Косон райони*)

## 20. Этэ вэсъйэтъ (ертэй)

Бьр бэрэкэн, бър йоғэкэн, қэдъм зэмэндэ бър къшъ болгэн екэн. У къшънъ уштэ элъ бэрэкэн. Кунлэрдэн бър кунъ у къшъ эғър кэсэл болъб қэлъбдъ, кэттэ оғлънъ чэқъръб шуннэй дептъ: Оғлъм, мэнъ йэшэшдэн корэ, олъмъм йэқън қэлдъ. Эгэр мэн олсэм, горъмнъ уч кун пэйлэйсэнмъ? дептъ. Оғлъ йоқ пэйлэмэймэн, дептъ. Шуннэн кейън у ортэнчъ оғлънъ чэқъртъръптъ. Лекън ортэнчэ оғлъ ҳэм отэсънъ горънъ уч кун пэйлэшкэ рэзъ болмэптъ. У къшъ қэттъқ хэпэ боптъ вэ кенджэ оғлънъ чэқъръптъ. Оғлъм, мэбэдэ олъб қэлсэм, горъмнъ уч кун пэйлэйсэммъ, дъптъ. Кенджэ оғъл уч кун емэс, йус кун дъсэйэм пэйлэшкэ тэйэрлъгъ-

нъ эйтъптъ. Әрәдән бър нечуъ кун откәннән кейън у къшъ олъптъ. Этәсъдән қәлгән мерэснъ уч оғъл болъб оптъләр. Лекин ъккътә кәттә оғъл мәъшәт, ойън-кулгъгә берълъб кетъптъ. Тез кундә уләә озләрьгә қәрәшлъ богән мерэснъ ъчъб тәмэм қъптълә. Ҳъч нәрсә қэмәптъ, уләнъ ҳәр кунъ бърга мәъшәт қъләйәткән, досләръйәм тәйләп кетъптъ. Шуннән кейън улә укәләрънъ элдъгә келъп, пул сорәбтъла. Қенджә оғъл әкәләрънъ гәпънъ қәйтәрэлмәй, уләгә пул бервэръптъ. Лекън улә тез кунда бу пулдъйәм ъчъб тәмэм қъпть вә йәнә укәләрънъ элдъгә кептъ. Қенджә оғъл этәсъ олгәннән кейън бърънчъ кунъ горгә бэръптъ. Бър четкә отървэлъп горнъ пэйләй бэшләптъ. Бър пәйт эсмэннән бър қәрә эт тушъптъ, горнъ уч мәртә әйләнъп кетәйәткәндә кенджә оғъл эттъ ушләвэптъ. Шундә эт шуннәй дептъ: Мән этәйнъ этъйдъм, этәнг олгәннән кейън унъ горънъ зъйэрәт қълъшгә чушгәнъдъм. әгәр керәй боп қэсәм мәнә бу йэлнъ дутәтәсән, дъп йэлъдән йулъп берълтъдә эсмэнгә котәрълъптъ. Ъккънчъ кунъ бър зәнгәр эт келъп, гэрдъ уч мәттә әйләнъб кетәйэткәндә, оғъл унъйәм ушләвэптъ. У этәм йэлъдән йулъп берълп коздән ғэйъп боптъ. Учънчъ кунъ бър сәмән эт келъптъ. Уйәм гордъ уч мәттә әйнәлъп, ендъ кетәйэткәндә оғъл ушләвэптъ. У этәм йэлъдән уч тэлә йулъб берълп, коздән йоқэлъптъ. Қенджә уйъгә келъп бу сърдъ әкәләръгә әйтмәптъ. әкәләръ ъчъп кенджә оғълдъйәм бэр-йоғънъ коккә сэвуръптълә. Шуннән кейън улә бәшқә йурткә бэш элъп кетъптълә, бър къшъгә чопэнлъккә ъшгә кързптълә. Қунләдән бър кун әкәлеръ кенджә оғълнъ қойләнъ элдъдә қэлдъръп озләръ шәҳәргә чушъп кетъптъ. Улә шәҳәргә бэръп шундәй хәбәрдъ ешътъптълә: әгәр къмдәкъм эт мънән қърқ зънәлък нэрвэннән чъқъб пэшшэнъ қъзънъ қолъдән сув ъчъп, узугънъ элъп чуссә, пэшшэ қъзънъ ошәнгә берәдъ. Улә уйгә келъп, бу хәбәрдъ кенджә оғългә әйтъптъ. Қенджә оғъл мәнъйәм эбэръйлә, дъп еләнсәйәм әкәләръ унъ эбэрмәптъ. Шундә кенджә оғъл қәрә эттъ йэлънъ тутәтъптъ, устъгә къйъмләръ мънән эт пәйдэ боптъ. У къйъмләнъ къйъп пэшшэ сәрәйъгә йол эптъ. Зънәнъ элдъгә бэръп, этгә бър қәмчъ уръптъ. Эт 38 зънәгә чъқъптъ. Қенджә оғъл этънъ бэшънъ қәйъръп чушъп кетъпдъдә, ҳеч нерсә кормәгәндәй пэдәгә қәрәп йуръптъ. Әкәләръ келъп, бугунгъ вэқейәнъ гәпъръптъ. Ъккънчъ кунъ кенджә оғъл зәнгәр эт мънән бэръптъ. 39 зънәгә чъқъб, кейън қәйтъп кетъптъ. Учънчъ кунъ сәмән эт мънән бэръп, 40 зънәгә чъқъптъ. Пэшшэнъ қъзъдән сув элъп ъчъптъ. Қолъдән узугънъ элъп чушъп кетъптъдә пэдәсънъ бэқъп йуръвуръптъ. Пэшшо шундәй буйруқ чъқәръптъ. Ҳәммәнъ қолънъ йувдъръп чъқъйлә, дъп. Лекин 40 зънәгә чъққән әзәмәттъ тэпэлмәптълә. Пэшшэ към қәлдъ, йәнә, қолънъ йувмәгән, дъптъ. Хъзмәткэрләр бър пэдәчъ қәлгәнънъ әйтъптъ. Пэдәчънъйәм чәкъръп, қолънъ йувдъръптъләдә унъ қолъдә узукдъ корълтълә. Шундән кейън пэшшэ 40 кечәйу — 40 кундуз той қълъп, қъзънъ кенджә оғългә берълтъ, пэшшэлъгдъйәм тэпшъръптъ. Қәнджә оғъл 2 тә әкәсънъ вәзър қълъп эптъ, мәлъкә мънән бъргә мурэт мәхсәтъгә етъптъ.

## ШАЙХАЛИ ҚИШЛОҒИ ШЕВАСИ *(Косон райони)*

### 21. Йеттъ әҳмәқ (матал)

Бър кунъ йеттъ әҳмәқ бәзәргә чъқъптъ. Йуръп-йуръп қәннъләръ әчқәптъ. Улә пул йъғъп, йеттъ хурмә қәтъқ мънән йеттътә нән әлъптъ. Ендъ әгән нерсәләрънъ йъйъш учун джәй ъзләб, бър чәккәгә отъптъ. Улә әтрәпкә қәрәсә қолләрънъ йувъш учун сув коръммәптъ. Шундә уләрдъ энг кәттәсъ бәшқәләръгә сув кетръштъ буйъръптъ. Улә бър-бърләръгә сәнсәләрлък қълъп, ҳъч қәйсъсъ сувгә бәрмәптъ. Шундә әҳмәқлә бър-бъръгә шәрт қойъшъбдъ: «әгәрдә към гәпърсә, ошә қолгә сув әлъп келъп қуйсън», дъп. Шундәй қълъп әҳмәқләр ъннәмәстән отъръвуръптъ. Шу мәҳәл, бър гәдәй келъп тъләнъптъ. Унгә ҳъч към джәвәп бермәптъ. У нәндъ әлъп йеп, қәтъғдъ ъчъп, ъдъштъ йуқънъ әҳмәқләр бетъгә суркәп кетъптъ. Бърәздән кейън бър ът келъб, қәгән нән езгъләрънъ йесәйәм улә ъннәмәй отъръвуръптъ, ът нән езгъләрънъ, ъдъш йуқләрънъ йәләбдъ. Әхръ ъттъ қәннъ тоймәй қәлъп, бър чәккәдән әҳмәқләрдъ бетъдәкъ гәдәй суркәп кеткән қәтъқлънъ йәләй бәшләптъ. Ът әлтътә әҳмәқдъ бетънъ йәләб, йеттънчъсънъ йәләйәтгәнъдә ъттъ тълъ әғзъгә кърып кетъбдъ. Шундә ҳәлъкъ әҳмәқ: «кет!», дъп йувәръптъ. Шундә ҳәлъгъ әттътә әҳмәқ бърдәнъгә: — Тур! Қолгә сув кетър, дъп қъчқъръптъ.

*(Аъзам Шерматов* ёзиб олган*)*

## ҚАРШИ ШЕВАСИ

### 22. Матал *(ҳъкәйа)*

Бәр-акан, йоғ-акан, бър (бр) чәл-мънән кампър (кампр) бәракан. Уларнъ уч оғлъ бәр-акан. Енг къчъгъ кал-акан. Қал катта акасъйа хурмайа қатъх әлъп бәрган чәққа йолга йәмғър йоққан. Хурманъ қатъғнъ токуп, ейнъбәшънъ чъғәръп, хурманъ ъчъйа сәлъп, хурманъ тонтаръп, устъйа чъғъп оттъгән. Йәмғър қәгандан соғра йана ейнъбәшънъ къйъп, йолға равәна болган. Нәхәс йолга чопән учраган. Чопән сораган — нъмага санъ уст-бәшъңг қурух, ҳол емас? Бу айткан-къ, ман ъсмъ азамнъ бъламан. Шунъ оқуган едъм, ҳол бомадъм. Чопән мангга-йам ъсмъ азамнъ оргат — деп сорадъ. Қал айттъкъ — нъма берасан? Онта қой вераман — дедъ. Қал розъ болдъ. Онта қой әлъп, хурманъ чопәннъ қолъйа-веръп, айттъкъ — ҳар вах йәмғър йәхса, ейнъвәшънъ чъғәръп, шунъ ъчъйа сәлъп тонтәръп, йәмғър қәгунча устъйа чъғъп оттъгън — деп қойдъ ҳәйдап, ойига кеттъ. (Проф. *Е. Д. Поливанов* ёзиб олган.)

## БУХОРО ШЕВАСИ

23. Сэрэ, ънәкнъ сэғъб болдънгмъ? Бәч(ч)ә гәвэрәгә йиғлоптъ, онәси қайерга//қера кеттъ?

Йэмғур//йэмър йэғъп торпақ лэй бойән.

Мемэнлә келлъ чэқъ.

Шәммє күнъ бъргә бэрәмъз, англадингмъ?

әкәм вә әпәм кәлхосчъ, этәм бо(л)сәлә қарръ, ҳедж қайергә//
//қера ъшләмәйлә.

Бэрътъкэн джэйъ ҳэлъ нэмә:лум, е:тъмэл ҳедж қера бэрмәсә-лә (р).

Баллє сәнгә//сега, мехни қопэръб эллънг.

## ҚИТОБ ШЕВАСИ

### 24. Гўрўғлидан

Қәмпър Бэлтээй пучу: еръ пэдэчъйъдъ еръ Гөроғлъ йэлғунән өлгәннән кейън, Гөроғлънъ хэтvннәръ Бэлтээй пучу:нъ әйтъръп кедъ. Шvндэ келъп өзънъ қошъп йеләп тvргән жэйъ: бър сөз әйтип тургән жэйъ:

Бv дvнйэгә әлпэн-тәлпэн бэскәнъм,
Йэнбэшъгә омбър хурмэ эскәнъм,
Элмъш йэштә ойнәп тънмәй эш ъчъп,
бv дvнйэдән төймәй vәтгән, әслэнъм,
бегъм-э, нэръм-э.

Этънъ дерләр Бэвэрәйъм пэдәчъ,
Йэз кvнъгә қолтъғъгәъчәнэчъ,
Сәрмәсләсә мәнгә йетар қvлэчъ,
Бv дvнйэдан тәймәй отгән, әслэнъм,
бегъм-э, нэръм-э.

Севъл қълъп кеттъз $^{v}$өрин-тошәйдъ,
Сағър қълъп кеттиз оғлан-ушағдъ,
Эт тугул мънмәй $^{v}$өлдънг ешшәйдъ,
Бу дунйэдән пъйэдә $^{v}$өткән, пэдәчъ,
бегъм-э, нэръм-э.

Бемәҳәлгә төрәм демә кетәйън,
Әжәл йетсә мен ҳәм бър кун йетәйън.
Пэдәчъгә хэп гөроғлънъ қошәйън,
Бу дунйэдән бепәззән $^{v}$өткән, Гәроғлъ,
бегъм-э, нэръм-э.

Шундәй йъғлап тургәндъ, еккъ хәтънъ қъқьлләп тургәнъдъ,- шундә Бәлтәәй қъқьлләп ту:гәнънъ кәрдъ.

Мән йеғләсәм қькър-қькър куләсән,
еннъ бълсәм мәнъ ахмәқ қъләсән.
Бәр йеғламәймә: деп, әрәз уръп джонәдъ.

Еккъ пәръ, тохтә мәмә, деп мәккәм ушләдъ. Мәнә бу йеғләгәннъ ҳақъ деп, еккъ джөрә әләчәнъ қолтъғъгә қьсти. Шундә Бәлтәәй еръм ${}^{v}$өлдъ хәпә бөмәймә, деп:

Йәнгъ тәптъм ъшъмнъ
Ендъ әштән ${}^{v}$өлмәймән,

деп думәғъ чә:ғ бөлъп ${}^{v}$өйъгә қарәп джөнәп кеттъ.

### ТУРҚИСТОН ШЕВАСИ

## 25. Ләпәр

Боза ъштъм башқа чьқтъ хумаръ,
Йар қойнъда қалдъ мойнъм тумаръ,
Барай десәм баҳәнә тапмадъм,
Хуп бәҳәнә бөлдъ мойнъм тумаръ.

Бухаранънг айланасъ мъслъ кvл.
Йеғлай- йеғлай йақаларъм болдъ ҳөл,
Пәрзәнтликнънг vйън кәрсәнг мъслъ гvл,
Пәрсәнтсъзнънг vйън көрсәнг мъслъ чөл.

Баққа кърсәм, бақ шамал- дур какълъмнъ йазадур,
Үйгә кърсәм, өгәй анам йvрәгъмнъ езәдур,
Йvрәгъм чәйдъшмъдъ, чайлар салъп қайнатқалъ
Авазъм булбулмъдъ, сәҳәр туруп сайратқалъ.

(Проф. *Е. Д. Поливанов* ёзиб олган.)

### МАНҚЕНТ ШЕВАСИ

## 26. Йа:р- йа:р

Қайрағаш қаттығ ағаш
Синмәс әкән, йа:р- йа:р.
Қарындашқа бе:гән қи:з
Кумәс әкән, йа:р- йа:р,
йа:р- йа:р- у...

Қарындашқа бергән қи:зды
Рәнгги са:рық, йа:р-йа:р.
Көздин йа:шы ақады
Мисли а:рық, йа:р-йа:р,
йа:р-йа:р-у ...

Кѳшәнггәни тегидин
Қойан қашты, йа:р-йа:р,
Йохса майиз тапамай
Куйѳв қашты, йа:р-йа:р,
йа:р-йа:р-у ...

Абараны гупчәги
Йа:руғ әкән, йа:р-йа:р.
Қи:зға бе:гән қойынгыз
Аруғ әкән, йа:р-йа:р,
йа:р-йа:р-у. ...

Чехчәдәги чигитни
Чәнг басыпты, йа:р-йа:р.
Узатйатқан қи:зларны
Ғам басыпты, йа:р-йа:р,
Йа:р-йа:р-у, йа:р йа:р,
Қи:з бе:ча:ра, йа:р-йа:р.

Аруғ боса мәйлигә
Бергән қойынг, йа:р-йа:р.
Сәни бергән күйѳвинг
Йаруғ боса йа:р-йа:р,
йа:р-йа:р-у ...

Қайнатамны е:шиги
Тикән әкән, йа:р-йа:р.
Кирсәм-чыхсам чәчимни
Иләр әкән, йа:р-йа:р,
йа:р-йа:р-у...

Иннәм у:чы сингәндә
Урған апам, йа:р-йа:р.
Енди кимни урасан
Ғарып апам, йа:р-йа:р,
йа:р-йа:р-у...

## 27. Уш қой йоқатқан

Ажыхан паччамға уш қой йоқатқан йолуқуп қапты: «Пачча, қой кѳрдингизми?» — депти. «Қандай әси йо:ғ а:дамсан» — депти қойны әгәсигә уч пахсаны устида бров пахса алйатқан әкән. «Шу пахсаны устида бәләндә турған а:дам кѳрди-дә, қойны», — депти.

Бәләндә турған а:дамға барып, йо:луқупты, қой йоқатқан а:дам, қой йоқатқан ѳлгур кә:р әкән, гәрәнг. У пахса урйатқан бәләндә-

ги-йəм кəрəкəн. Қой йоқатқан кə:р көвнидə єйтипти. Бəлəндə турған кə:ргə: «Бе:дин қой өттими?», — депти. Шу урйатқан пахсаны алдыда уш айры йол əкəн. Ҳа:лығы, пахса урйатқан кə:р єйтипти: «Мəндин йол сорайатқан əкəн», — деп, «Мəнə шу йол тоғры», — депти. Унга қой йоқатқан кə:р єйтипти: «Мəни қойымны көргəн əкəн», — дипти. «əгəр мени қойымны анық көргəн босанг — уш қойымны бирини сенгə бе:п өтəмəн», — депти.

Шу көрсəткəн йолдын ке:тə бе:пти, ке:тə бе:сə, қой шу йолда əкəн. Иккиси оттап йургəн, бири ахсəп қапты. Енды ҳалығы қойны əгəси єйтти: «Енди ҳа:лығы пахса урйатқанга ахсақ қойымны берəмəн». Да:ғы бе:гə қарап ҳəйдəди.

Ҳа:лығы пахсачы, қой йоқатқаныңы билмəй: «Тоғры йол мəнə-ҳушу» де:гəн и:ди. Енди шу ахсақ қойыны шу пахсаны устидəги кəргə берəй, — де:йəтти. Мени қойымны көргəнинг ра:с əкəн мəнə ахсағыны ал», — дейəтти.

Унга йоқарыдағы кəр єйтəди: «қойынгны айағыны мəн сундур-сəм ҳуда:й урсун мени», — дейди. «Мəн сундургəн йо:хмəн», — дейди. Унга ҳа:лығы төмəндəги кə:р єйтəди: «О өйунг көйгур, на:йаты көргəнингə ахсағыны алмай, путунини бер, дейəсəмми? Унга ҳа:лығы йоқарыдағы: «Мəн сундургəн йо:хман десəм, ина:н-майсан», — деди. Икəви йатып мишлəшти «ахсағыны ал» деп, бу єйтəди, «сундургəн йохман» деп, у єйтəди.

Унн сонг қылыш таққан бий йасавул устигə кəп қапты «иккинг ни: та:лашйассан?» дейди. «Иккəвимиз санга йукунəйнук», — дейди. Пахсачы єйтəди: «Қойымны айағыны сəн сундурдинг дейəтти, қойыны мəн көрсəм көзим а:қарсун, кə:р болай», — дейəтти. Қой йоқатқан єйтəди: «Қойны манав көргəн əкəн, шунга мəн бир қой берəй, деб и:дим. Мəнə путунини берəсəн, ахсағыны алмайман», — дейди.

Йасавул иккəвини-йəм кəр əкəнини пайқап, «йур қа:зыға» деп, ҳəйдəп кə:тти қа:зыға.

Қа:зыханаға барыбыди, қа:зы өлгурəм кəр əкəн: «Хош, кəнг-нəр», — деди, қой йоқатқан а:дамға, пахса урған а:дамға. Қой йоқатқан єйтти: «мəн қойымны йоқатыбыдəм, — деди, — манав көргəн əкəн, бир қойымны берəй, дебидим».

Енди пахса урйатқанға єйтəди: «Сен ни:дейсəн?» — дейди. У пахсачы єйтти: «Қойымны айағыны сəн сундурдинг, қойыны көрсəм, кə:р бөлəй, де:дим, шунга ина:нмай урушуп йатыпты». Унга қа:зы ба:ба єйтəди: «Ра:са болса, иккəлəнг мəнə шундағ сөкəлəп отур», — деди. Йасавулға єйтти: «бар», — де:ди, — шаҳəрни тузук а:дамыдын, бəмə:ни а:дамыдын бе:ш-алты а:дам єйтип кел», — деди. Шу вах, мəнə бугунми, е:ртəми ай көринəдугəн иди, қа:зыны көвнигə «А:й көруп кə:дук, деп гува:лық бе:гəни кəпти дағы булар», — деп. «О, кəгəн йахшылар, — депти, — манав икки а:дам далаға чыққан əкəн, — депти. Ай кө:риндимикин, көринмəдимикин, — деп. (Акад. *Қ. Қ. Юдахин* ёзиб олган.)

## ҚОРАБУЛОҚ ШЕВАСИ

### Жумла ва текстлар

28. Тәшкәндин брәv кәгән әкә(//әкән, екән), йумушыны путvрvп қайтып кетти. Йолдаш өйидә ба:р(//ба:) на есә(//найсә)? Атанг шә:рдин кәлди нә есә? А:тынг тишләмәс (тшл'әмәс) нә есә? Ба:зарға бардынг на еди? Нығыл (< нимә қыл) дейсә? Биегә(//бийергә) ким (кvм) кирди иди (кирди:ди)? Сәмиз қой қыммат олады. Даладан ке:дж (кеж, кеч, кеш) кәл'дим. Чапанынгны терс кийдинг. Баланынг ҳақли пәс. Итнинг ҳөмvри қыс қа. Ишқорғанда бу кvндә еш кvм турмайды. Чимгәттин кәл'әдуғон а:дам ба:на (< ба: + на)? Бvгvн қыладуғон и:шинг ба: на? И:ши йоғынг ашы йоқ. Сәтни қолума а:лдым(//алдым); Чимгәт (Чимгәткә) барадуғонда қайсы йол бил'ән барамыз. Ет йейдуғон нан бил'ән йейсә нә, қуруқ йейсә нә? Мәнә бу өкузинг кәттәлиги аттак. Бу чапан менингки. Бу менинг чапаным. Бу қаваз унунки. Өйдәги бvйvмнәрингни (бvйvмләр) сыртқа аччықып қой. Унунг қылған қылығы манга йақмады. Боза аджыды на? Джора башы джvмәл'ик башла енди, вах болды: мәнә буғдай пишти (//пшти). Хоп, джvмәл'ик башлайма? Сиз ҳәм көрvнган джораға едә бер, мән өзvм ҳәм едә берәмә. Хайр, джvмәл'иккә бардук енди, қаны пәтмvсни (< *рус.* «поднос») апчық енди. Уч варадын қой пәтмvсни. Е, анав йигитл'әр төт (< тәрт) вара боп (<болуп) қалды йоу. Ҳәр бир пәтмvскә бир-бир чәйнәктин чай қой. Бир-бир пийаладын қой. Енди гөшни апчық, қолыға сув қуйипбәр, төт бурчқа төт табақ устуханны бөлvп қой, шылынгтайни апчық. Е, тағарабашы қазыдин, гөштин қартадын, дvмбәдин йетти л'әгәнлик кесип тайарлап қой. Нанны тоғрасангнар-чи. Джорабашы, етни тоғра дәррәv, нарынны джуқла йеймиз. Э, джорабаши, ендиги джумәгә джумәл'ик берәдуғон адамга ашны ашат.

## ХОРАЗМ ШЕВАЛАРИ

29. Бьр варәкән, бир йоқәкән, қади:м вахта бьр пашшанъ vч оғлъ варәкән. Вьр гvлләдәм-бьр гvн шу пашшанъ гәззь кәр воладъ. Бьр гvн пашша дv:ш гөрьпть. Дv:шиндә бьлбьлгө:йанъ әпкәсәнг гөзинг ачъладь дәптъ бьрәв. Пашшанъ уч оғла:м бьлбьлгә: йанъ әпкәмәкә гетәдь. Учә:м йола чьқадъ.

Уллъ оғлъ барса гәләрә гетәдь, ортанджъсъ гәләрь гvмана гетәдь, гәнджә оғлъ Ҳәмрәджан барса гәлмәсә гетәдъ. Ҳәмрә йол йvрьйдъ, йол йvрсә:м мол йvръйдьда, бьр бағнь йанъна гәләдь, бағa гьрьп қараса, пәри:ла ху:знъ бойънда отъръптъла. Ҳуланъ

ичънда Ҳv:рлъқа дейән бьр қы:з Ҳәмрәнь гөръб ашық воладь, өйьнә алъб гетәдь. Ҳv:рлъқа дъм йахшъ гөрәдь Ҳәмрәнь. Бьр гvн ь Ҳәмрә әтәсъ йа:дъна чvшь п, йеғлъйдъ. Ҳәммә гәпләнъ Ҳv:рлькаға сөлләббәрәдь. Ҳv:рлъқа апасънъ бағыннан әпкәлть рь б бәрәдъ бьльлгө:йанъ.

Ҳv:рльқа Ҳәмрәйә иккъ та:р сачънъ вәрәдь: башынға и:ш дvшәндә тvтәт, дәптъ. Ҳәмрә йола чvшәдь. Баравәрип йолда әкеләрь нъ гөрәдь. Ҳула//вула балықчънъ о:джақына от йақыб йvрыптәкән. Ҳәмрә әкәләрь н ь алъб гетәдъ. Йолда геч оладъ ҳаръб ухлъйдъла: «Бь злә атамъзнь әлдинә нешәтиб барамъз, биз нәнъ аппарамъз», — дәп әкәләрь Ҳәмрәнь иккь гөззинь ойъб алъб, б ь лбь лг ө:йанъ әлдь нә ташъйдъла. Қуйъға ташаб гәтәдилә Ҳәмрәнь. Йуртларьна варғаннан сонг бь лбь лгө:йа сайрамъйдъ, атасъна:м гөззь ачълмъйдъ.

Ҳәмрәнь ийәсъ Қумрьай бь лбь лгө:йанъ йанъна варәдъ. Иккь гөзнь ҳунь әлдь нә ташъйдъ, бь лбьлгө:йа гөзинъ данъб, бьлбьль гө:йанъ алъб йола чъқадъ. Қуйънъ йанъна варғанда сайраб йәрәдь б ь лбь лг ө:йа. Қумрьай қырқ қулач сачънъ ташаб қуйъға, әкәсинъ апчъқадъ.

Ҳәмрә сачнъ тvтәтәдь. Ҳу:рлъқа кептәр волъп учъб гәләдида: бь р с ь лк ь н ь б адам боладъ. Дарь сvртәдь, гәззинъ қойадъ, Ҳәмрәнь гөззь ачълъб гетадъ, гөззь ачылғаннан сонг ҳәммәләръ өз йуртларъна қайтадъла. Икки әкәсьнь қачърә мьндьрьб, өлдьстьрәд ь-лә, бьлбьлгө:йа сайръйдъ, пашшана:м гәззъ ачъладъ. Ҳу:рлъқа Ҳәмрәнъ өйьндә қаладь. Шундәтип мьрад-махсатларьна йетәдьлә.

## МАҚОЛЛАР

30. Уллънъқъ йанынгнан, кь чьнькь жанынгнан.

Отнъ кө:ләсәнг өчәр, қонгшьнь кө:ләсәнг көчәр.

Дьйәнь уллъсъ көпьрнъ vстьндә дайақ йьйдь.

Қәсәлнь дvзәләсь гәсә, тейип өз айақывьлә гәләдь.

Йат елләнь бағи билән бахчась өз елингнь йандақыча гөриммәс.

Сь йланнъ съғър вълмәс.

Еййам өджуз алть гvн, алтай қыштан қатть гvн.

Совур волмайънча, се:рәм болмас, съғър волмайънча ейрам болмас.

Қарръ гәсә аш vстьнә, йаш гәсә и:ш vстьнә.

Ойламъйн сөлләйән, ортаммьйн өләр.

Несьйәйә маймъл ойнамъйдъ.

Йа:та йалваръича, йаммашынгнъ қашъ.

Ит сәмърсә ейәсьнь қапар, әшәк сәмьрсә ейәсьнь дәпәр.

Севмәйәнә сv:кәмма (севмаганга суйканма).

Гvлvп сөлләйән молладан//мълладан қорқ.

Бьрәйә қа:р әтьп, көрпәнь ота вәрмә.

Көп сөлләмә, аз сөлләйән йахшърак, көп сөлләдьм дейдь башшъмә дайъқ.

Қонгшынг көр воса, гөззь нгнь қыйа тут.

Қыш о:джақы дар, тур, өйьнгә вар.

(*Фаттоҳ Абдуллаев* ёзиб олган).

## 31. Айтымгылық

Бойлары си:мнән тәртылған,
Йvзләрингнән ну:р дөкvлгән,
Сэлләнып бэ:ға гирмәгән,
Чәрмәнип гvлләр термәгән,
Армэны этны бэшшыди:н,
Пушмэны дэ:ғны дэ:шыди:н.
Айвэнымны қэ:шымы әдинг,
Дөвләтимни бэшшымы әдинг,
Узы:н бойы узғэмлы,
Қэ:шы гөзи андэмлы.
Мингәндә этлар бел верган,
Ги:гәндә до:ны дә:р гәлгән.
Белвэғлары зәр сачақлы,
Йэн бэшы элтын пычэқлы.
Йэ:шыл ги:сә йарашқан,
Йэ:ш бэшыннан адашқан,
Дәрйаларны бойлаған.
Бе:шатардан оқ отып,
Ғанымларны о:влаған.
Мингән этын ҳэрытмаған,
Сәвәр йэ:рын қаритмаған,
Қара саққэлы э:қармаған,
Сәдәп ди:ши сэ:ралмаған,
Белвэғыны тэ:рда қойған,
Сәвәр йэ:рын зэ:рда қойған,
Қош қэзықын дv:з әткән,
Сәвәр йэ:рын қы:з әткән,

Атэвуны от элған,
Йелəнгини йел элған,
Йэ:з йэ:нымны йэлынг əткəн,
Қыш йэ:нымны тамуғ əткəн.
А:ды йахшы, арслэным,

Йола сыгмас, йолмэсым.
Бедəнəни бэрган йери пəс волур,
Чиллə гирсə нəр дVйəлəр мəс волур.

32. Бир бэр əкəн, бир джоғ əкəн, бир бэлықчы бува бэр əкəн. О бэлықчы бува қышта дарйэға өгVз эрбэ минəн бэлық тутмаға бэрған еди; қэйтып кийэтырғанда джолда өлVп йотқан бир чонтуқ шағалны көрди. О шағалди бэлықчы бувэ көтəрип эрбаға салды, эрбаға сэлып туруп, шағалға бир-еки мəртəбə қаради. Шундайам шағал өлгəндəй болып джатқан еди. Бува сонг онга қарамади. Шағал көзини эчып туруп екидəн, VШтəн бэлықны джергə ташамаға қарады, бVтVн балықны джергə ташап болды; шуныам бува билгəни джоқ. Чонтуқ шағал ҳəммəсин джы:нэп тоғайға эпарды. Балықчы бува эрбанынг джVгV джоқ боғаннан кетин, өгVзVгə сен қатты джVрдинг, деб қошамат эйтты.

Чонтуқ шағал ҳəммə шағалларны джы.нады. Шағаллар келип, чонтуқ джора, сенинг ҳэлынг қэлэй, деди.

Менинг ҳэлым джахшы деди, мен бэлық тутуп джVрVппəн, деди. Балығынгнан бизгəйəм бер, деди; джоқ берми:мəн джора, деди; бэлық джегингиз кесə дарйаға бэрынгда, қуйруғынгызны VкV:гə босып отурунг, қачон қуйруғынгыз джумурдэшшə тургəлип бэлықны эвзынг минəн тутуп олып мэйдэнга чығарынг. О: шағаллардынг қуйруғу музда тонглап қэлды. Оларнынг джа:нығa бир чопэннынг и:ти келип қорқузды; буларнынг ҳə:мəсийəм чонтуқ боп қолды; бэлықчы бувэ бэлықтан ҳəм шағалдан айрылып, сэрсэн болуп кетти.

* *
*

33. Бир бар əкəн, бир джоғ əкəн, бир Көчəрвэй минəн бир Көчмəсвэй вэр əкəн. Көчəрвэй көчVпти бир йақа, Көчмəс қэлавирипти. Көчмəс сен көччəнг мендə көчəға:йын, депти. Бирисиннəн көчVп кеткəн джэ:йында, бир улағы қэпты; бирисинəн бир қозы қэпты; Уну сонг иккисийəм э:ч болупты, йипни тэнлап узупту, өлVп қэпты. маслығыны бөри джепти.

Көчəрбэйдынг боласы йэнгэғы джуртуна қайтып келəди; Көчмəсбэйдынг улуна улэқман биздинг қэзы қайда, ди:ди; уны сонг улэйтады, бөри джеп кетти, ди:ди, ун сонг Көчəрбэй эйтады, муну бөри джеп кеткəн джоқ, ди:ди; муну сен сэтып йепсəн ди:ди; йо:қ, ди:ди, мен сэтқэ:м (сатқаным) йоқ, ди:ди. Сен йэлған сөйлəпсəн, сэтқан сен, ди:ди; шу ердə болады уруш. А:хырда Көчмəсвай Көчəрвайдынг бэлэсыны йығады. Йығып енди турғуссам мени өлтVрəди, деп йэш джигитти өлтVрдV. (Проф. *Ғози Олим* ёзиб олган.)

34. Экк**ә**н хырман этәр,
Экмәгән әрман этар.
Гәрәк дашынг ағрамы (оғирлиги) йоқ.
Дәк йургән динч йурәр.
Дил йараси битмәс, ты:ғ йарасъ битәр.
Ат мингнгән атасини данимас.
Пәси гөрсәнг шукир эт,
Бәләнти гөрсәнг пақыр эт.
Бал тутқан бармақыни йалар.
Аши йоқ, роза тутар,
Иши йоқ, ит қырқар.
Адамынг ләбзиннән, ҳәйванынг шахынан.
Қы:зи варынг, на:зи вар.
Қыйықосам қы:з йахши,
Э:йривосам йол йахши.
Қалп қазани қайнамас.
От олмәсә тусә (тутун) волмас.
Ургәнгнән урд (одат) өлгәнда қалар.
Оз қадрини билмәгән, киши қадринам билмәс.
Оғрини қарақчи урипти.
Сәвдиргәнәм - дил, гуйдиргәнәм - дил.
Гөззънг ағръса әлингни дий,
Ичинг ағриса нәпсингни.
(*Ю. Жуманазаров* ёзиб олган.)

35. Бир шағалдынг қуйруғи чонтығәкән, о шағалға шағаллар чонтық шағал қычирадәкән. Чонтық шағал арва-йолда йалғаннан ухлаб йатқан. Бир балықчы базарға бир арва балық сатмағ vчvн йvкләгән. Шу чонтық шағалды арваға салып пазарға аппарып сассам беш-алты тәнга болмасмәкән, деп арваға салып кейнинә қарамастан базарға барған. Дийхан базарға барғаннан сонг арвасына салған шағалам йоқ. Дийхан ҳәйрам болуп қалды. Чонтық шағал йалғаннан ухлаб йатқан әкәндән ҳәйрам болуп төрт тәрәпләргә қарап турду. Чонтық шағал шу дийханнынг бир арва балығыны бирин-бирин ташап арвадан алып йоқ қылды. Бир арва балықты чонтық шағал чәпләв алып тоғай ортасына аппарып хырман етиб vйдv. Чонтық шағал

хырман йанында тәрт тәрәпкә ҳувлап қычырды. Чонтық шағалдынг қычырған сәсинә шағаллар тоғайда йүргән хырман (нынг) йанна қырқ шағал келди (кәлди). Чонтық шағал, джора, балықты нердән туттынг деди. Мен дәрйанынг бойына бардым. Буздан қырқ үокү үойдым. Силәрәм қуйруқларынгызы үәкүгә суғуб отырынг, деп, чонтық шағал қырқ шағалға сәз айтты. Қырқ шағал шу сәзди ештип, үәкүгә қуйруғунү суғуп отырды. Силәр қуйруққа йабышқан балықларды сыртқа алып ташийвүрингләр, деп, чонтық шағал қырқ шағалға сәз айтти.

Силәрәм шундай хырман етип үйәсләр, деп, ғәп урду. Мен қычырмаған чәлли үәкүдән қуйруқләрынгызы тартып амангләр, деп, қырқ шағалға чонтық шағал сәс айтти. Мен силәргә үзым қычыраман, деп, джувапкәр болды. Қырқ шағалдынг қуйруқлары үәкүгә тоглап қалды. Тонглағансонг чонтық шағал бир бәләнт йергә чығып итләргә қычырды. Уо.: баса, Уо:: баса, деп, қырқ шағал чонтық шағалдынг итләргә қычырғанны ештип қорқып қуй(у)руқларыны тивиннан үзүлүп қырқысам қуй(у)руқлардан айрылып, чонтық болуп қалды. Бир чонтық шағалдынг гәпинә кирип, қырқысам чонтық болды. Он чонтық шағал: «мен бир үәзим чонтық болуп йүргәндә масқар етәтаған едингиз, енди қырқ биримизәм тенг болдық». (*Е. Д. Поливанов* ёзиб олган.)

## МАНҒИТ ШЕВАСИ

### ТЕРМАЛАР

36. иэшък алдым тэмър йол,
Сьйьр, гәччьм, қойъм мол
Бахыт бәргән партьйам,
Та мудама аман бол.
Мангғыттынг джолларын топыр этәйън,
Қайъш бәлбавымды копър этәйън,
Мангғыттағы сэвәр йарым турғанда,
Сәндәй қара қызды иэндъ нэтәйън.
Вой атызға иэккәләръм ғавача,
Қыйва мәдәлънънг гүлъ дувәчә,
Йаман мънән башлар қошып йүргәнчә,
Йахшь мънән сүр дәвранны үәлгәнчә.
Қара папағынга қундуз болъйън,
Кэчәләр йол йүрсәнг йулдүз болъйън,
Йүлдуз йақтысында йүрә:лмасанг,
Алдынга шәм йағүп кундуз болъйън.
Гүлдъ үзсәнг тийиннән үз,
Тийдә ғунча қалмасын.
Йарды сэвсәнг йахшъдан сэв,
Йүрәктарман қалмасын.

Қаракөз көзънгнән хавар vөзънгнән,
Арнанынг бойънда йэттъм изингнән.
Арнанынг бойъда бэргән йvзvгъм,
Қайсы бармағынгда қара көзънгнән.

Иэшъгънг олдънда бър пада тавуқ,
Товуққа сәпкәнъм бър қысым қавуқ,
Сөйгән йарынгыздынг бър көзъ авық,
Бай-бай шу баланынг қучағы савық.

Мангғыт арна аққан сувы шърьндъ,
Ҳарйағында мэнънг йарым көрьндъ,
Атған алмалары қаққа бөлъндъ,
Алмадан айналъйън, йардан айналъйън.

Турьбэдъм навқан туттынг тийиндә,
Қәләбәрдъ башатары бэлъндә,
Бэшатарды бэш атғаннан айланъйън,
Сә:р вахты йашнатғаннан айланъйън.

Замандашъм бой сымбатынг йарашқан,
Сыртынгызда нэчадамнар қарашқан,
Аҳу зарым сэн боғай дэп талашқан,
Съзгә айтар сөзъм бардыр, замандаш.

Хатты йаздым ашықлықты бълдърьп,
Душманды мунгайтып, досты кулдърьп,
Пъкърьмдъ айттъм съзгә бълдърьп,
vөмърлъккә йолдаш боғанг, замандаш.

Қара чачым йаврынымда, бэлъмдә,
Мэнънг йарым Vөзъ Мангғыт элъндә,
Джаным пыда босын шунынг йолында,
Гvл йvзлъ дълбәрьм хатқа жувап бэр.

Иэртәдән иэкъппән vч көлчә тары,
Көргәлләр айтады бу къмнънг йары,
Йаман болды йарғынамнынг ахвалы,
Ыхлас мънән йазған хатқа жувап бэр.

## 37. Турна мънән тулкъ

Турна мънән тулкъ дос экән. Тулкъ турнаға: джора, манга асманда учьшты vөргәт — дэптъ. Турна ыразы бопты, тулкънъ көтәрьп, асмангға апчығып кэтъптъ. Бър вахлар тvлкънъ ташап йъбәрьптъ, тулкъ пахалдынг vстънә тушъп, аман қапты. Турна тvлкъгә — учьшты vөргәндънгмә?— дэптъ. Тvлкъ, азғантайғана vөргәндъм, — дэптъ. Йәнә турна тулкънъ устънә мъндърьп учьп кэтъптъ, бър вахлар тvлкънъ ташап йубәргән экән, тvлкъ батқаққа тушъп чөмъп кэтъптъ. Қолынгнан кэмәгән ъшкә қолынгды урма, дэгән гәп шуннан қаған экән.

## 38. Ҳөкәк

Бър барәкән, бър йоғәкән, бър ҳөкәк бар әкән. Ҳөкәк бър йәргә кәтъп баратырғанда бър тавлықтынг ъчъндә джълләрдънг зийапаты болыватырғаннын көръптъ. Дәррvв зийапатқа барып джълләрдънг арасында vойнап кәтъптъ. Джълләр қуванып вонынг арқасиндағы ҳөкәгън апқойъпты. Ҳөкәк қувангғаннан дәррvв чъғып кәтъптъ. Бы ҳөкәктънг бър ҳөкәк джорасы бардъ. Вонынг йанына барғанда сенънг ҳөкәгънг нәштъп йоқ болды, дәп сорапты, сонгғы ҳөкәк. әввәлгъ ҳөкәк: бър тавлардынг арасында, бър гөвнә тамлықтынг ъчъндә джълләрдънг зийапатына душ кәлъп қалдым, волардынг арасында чағаллаға vойнадым, джълләр ҳөкәгъмдъ апқойды, дәптъ. Джорасы дәррvв джълләрдънг vйън ахтарып барыптыда:н, vойнаб кетъптъ, тыммай vойньйвәръптъ. Шу вахта джълләрдънг бъровъ vөлгәнәкән, шуллықтан волардынг ачувы кәлъп, анавдынг ҳөкәгън алып бынынг ҳөкәгънънг устинә қойып йъбәрди, ҳөкәктънг ҳөкәгъ ҳөнгкъ боп, ҳөнгкънънг Үстә:м дөнгкъ боп, иэкъ ҳөкәктъ арқалап кәтәвәрдъ.

## 39. Саломлар

Баш уравы чәләктәй,
Йапған наны иәләктәй,
Қайнанасына, бър салам.

Улқан джапты джамаған,
Мәнггән атын сабалаған,
Ъри:скә бәрънг, бър салам.

Атыз чәлдән тувырлаған,
Тvйнәк көрсә, увырлаған,
Шаммы қәлгә, бър салам.

Тамдинг тvбън джамаған,
Ъчънә қавун қамаған,
Дайъсына, бър салам.

иәкъ бәтъ анардай,
Пахта тыққан қанардай,
Толәкәгә, бър салам.

Тамбаштан тvшкән кәсәктәй
Нуқталап қойған иәшәктәй
Паланчыға, бър салам.

(*Аҳмад Ишаев* ёзиб олган.)

## 40. Қозоқ-найман шеваси

Бэрәкәндә джэғәкән, эчәкәндә тэғәкән, бир бэвай бэрәкән. Бэвайды vч vлы бэрәкән. Учәвийәм отун кvндә терип келәди. Меҳманнарға уайдиш қайнатады. Чайниккә дамнап чықарды. Меҳманнар ичип, эумын қылып кетти. Меҳманнар ҳәулисига бэрып, эйалларға қуручай чықарды. Ҳәвлисидән биттә нэн чыхмады. Vч бәлә vчәви vч ешәк тэвып этды. Шәҳәрдән vчөви отынды пулыға нэн элды. Ҳәвлисигә (vйигә) келди. Меҳманнарыны әйтип келди. Нэн чығарды. Чай джоқ. Ҳавыздан сув чығарды. Сувды меҳманнарды элдыға

қойди. Меҳманнар сувды чайниг билән (минан) этып джvбәрди. Бэлалар vчевийәм меҳманнардан ыйалып (уйалып) қэчъп кетти. Шәҳәрдән отын сэтып чай элды. Меҳманнарға чай дамнап берди. Бэлалар меҳмандикигә кетти. Ҳәвлисини егәси джоғәкән. Етта минән көчәгә чықты (чыхты). Джолларда эдашып джvргән төр этлы бэсмачы vчөвнийәм ишләгән (vшләғән). Эрқасыдан өтиб ишләб бэрышта кейиндән екки әскәр эрқасыдан қувған. Босмачылар vч бэланы ташлап қочқан. Әскәрләр уларды ҳәвлисигә эббарып қойған.

Қолы өврыйды. Чай ичким келди. Чай бэр, эпкәләмән. Хэзыр әйтәмиз. Биҳи, энар, элма, шэптали, қайрағач, джумалақ, джэзады.

(Проф. *Е. Д. Поливанов* ёзиб олган.)

## 41. Қатағон шеваси

Шорэ ҳөкvмәти боғаннан кәй (кейин) дәш-джәрләрдә бэйлар көп джылғачай джоғэлған джоғ еди. Эни бэйлар қышлэқтынг бир қыл кәттәкәннәримән чығышып ҳөкvмәттән қорқмай, олай-булай қып, кәммәғал бәдрәкти ишләтип джvрv, мэлды дvйнәни эрттәрмақтынг ҳиләсин қып туры.

Ҳәсәндинг этасы бэйлардынг қолуда нэвча бәб өткән, оннан мэл дvйнә тува чәйрәк бувдай еккидәй джер ҳәм қэлмаған, қоджайын ҳәр джыл ҳәсәб қыған. Ҳәсән Қайқы ҳәлйәм этасынынг қарзыдан қутулмаған. Джигит емәсмә, өлгидәй ишләйди, ертә мертәннән далаға чығып кеткәнчә ақшэм кvн бэтқэннан кәй қоранғы гәвгимдә келәди. Егинди егип болғаннан кәй бойдынг молыны бэғады.

«Мийнәт қып бир нингени (нимәни) эрттырсам, джигит боб vйләнсәм, менәм өз ходжалығымды тvзсәм», дийди, оған бэй ҳеч нингә бермайди, йа хизмәтим джэғып бэй бэва мени vйләнтирәмәкән, дегән гәп қыйэлыға келәди. Саған қэтын эрберәмән, vй-джәй қып берәмән, дегәнигә беш джыл болады. Бэйдан бир нәтиджә чықмайды. «Бэйда ҳақым бэр» деб домнарға әйссә, дом бэйдынг джийәни болады. Ҳәсәннинг гәбигә қулэқ сэлмайды. Эни шvйтvп Ҳәсән Қайқы ертәдән кечкәчәй тыммай мийнәт қып, мангнайын терлатиб, кәммәғал бәдрәкләрди бэйларға қаршы ҳызлатып, не бәдрәкләрды ойлатып бир нечәсини сәйләтип джvри.

(*Ҳ. Зариф* ёзиб олган.)

## ЯНГИҚЎРҒОН ШЕВАСИ

42. Сендә сетәр, көзингнән, мендә сетәр,
Сетәр чалып отырсәм, көйним кетәр,
Ашығлықтынг маврытын мен билмәймән,
Ашығлыкты маврыты шундә өтәр.

Алты қызды ичидә атынг Қурван,
Қурван десәм джурәгинг ларзан урған,
Бәрәкәллә Қурванды марттигигә,
Монджәл қыған джеригә барып турған.

Авада учуб джурған ақсармекән,
Атывасам баласы қақшармекән,
Сен бир елди баласи, мен бир елди,
Давушынга — давушым оқшармекән.

Алты қызды ичидә атынг Айыт,
Айтсам ада бомайды сенден байыт,
Ич арманым ичимдә қалмас еди,
Сендәй қысды қолыда олсәм шейит.

Айт дегәндә ѳләнди авқын айтар,
Авқын адам ѳләнди мавқыл айтар,
Мен айтайын ешиткин қизларайым,
Нишәнәгә келтирип джақын айтар.

Айт-айт джаным, айт джаным ѳлән билсәнг,
Не кормәйсән дунйада ѳлмәй йурсәнг,
Шу дунйадан беарман ѳтәр едим,
Увық бавынг чырмалыҕты уйгә кирсәм.

(*Фатҳулла Абдуллаев* ёзиб олган.)

## 43. Эртак.

Бир әкә-vкә эҕәйын бэрақан, олардынг кәттәси бэла-чэҕалы, хотынны (хотинли) кишийәкән, кичәнәси ҳәли бойдэҕ эқан. Бир джылы аҕайыннар екәвләшип бидәй(//бvдәй) егип, ҳәсилини барабардан бәлиб опты. Қәттәси вәйлапты, э, мен вѳзим минән вѳзим боҕан эдамман, ѵкәм ҳәли бойдэқ, вонынг vйләниши керак, — деп ѳзиникидән vкәсининг бvдәйыҕа қошып қойыпты ва ухлап қэпты. Укәси джэтып войлапты, мен бир вѳзим, әкәм бэла-чэҕалы, кәттә розҕэрлы, онгҕа кэп бvдәй керәк, деп, вѳзиникидән әкәсиникигә пиччи қошып қойыпты вә ухлап қэпты. Ертәминән әкә-vкә қэраса екавинингам бvдәйлары барабар емиш. (Сурхондарё обл. Жарқўрғон район, Минор қишлоғи).

# АДАБИЙ-ОРФОГРАФИК ТЕКСТЛАР

**44.** Саида Носировнинг таклифига розилик бермаганини, унга важ кўрсатганини кабинетдан чиқиши биланоқ унутди, унутмаган тақдирда ҳам райком бюроси бу важларни эътиборга олмаслигига қаттиқ ишонар, шуни хоҳлар, «Бўстон»дек катта ва машҳур кол-

хознинг партия ташкилотига секретарь бўлиб бориш ўйи қалбининг аллақаерини тимдаласа ҳам, аллақаерига жуда-жуда хуш ёқар эди.

45. Саида телефонга жавоб берадими, келган-кетган одамлар билан муомала қиладими, қўлида қоғоз, капалакдай учиб ҳали у эшикка, ҳали бу эшикка кириб чиқадими — бошидан хаёл аримай қўйди: гимнастёрка ва этик кийиб далаларни айланади, қаерга борса, колхозчилар ўраб олишади, колхоз клубида минглarча одамни оғзига қаратиб катта-катта нутқлар сўзлаганида орқа қаторларда ўтирганлар беихтиёр олдинга силжиб кела беради, колхозда партия турмуши ва колхоз ҳаётининг ҳамма соҳасида иш қайнайди...

46. Орадан ярим соатча ўтгандан кейин Қаландаров кабинетдан қип-қизариб чиқди-ю, Саиданинг олдидан ўтаётиб унга кўз қирини ташлаб: «салом», деди. У, эҳтимол, Носировнинг суҳбатидан кейин эс-ҳушини йўқотган, шунинг учун Саида билан саломлашганини унутган бўлса, бироқ Саида унинг қизарганини пайқамай, саломига ўзича маъно бериб: «Ҳимм, Носиров айтибди. Янги секретарга биринчи салом», — деб қўйди. *(А. Қаҳҳор.)*

# ЛУҒАТ

## а

а б а р — олиб бор
а б а р а — арава
а б д а н — роса
а в а д а — ҳавода
а в ы қ — оғиқ (*оғмоқ* феълидан)
а в р ы — оғирлиги
а д ж ы х а н — Ҳожихон (исм)
а з ғ а н т а й ғ а н а — озгина
а й а ғ ы д а — охирида
а й д а й м ы з — ҳайдаймиз
а й д ы н — ойдан
а й н а — кўзгу, ойна
а й р а т ы — ўзганики
а й р ы с ы ғ а — ўртасига, оралиғига
а л т а й — олти ой
а р д ж а — сандиқ
а р н а — анҳор, ариқ
а р т ы қ м а ч — ортиқча
а р у ғ — орик
а с а н г — ундан сўнг
а х т а:р а д ы — ағдаради
а т ы з — пайкал
а х т ы қ — невара
а ч ч ы қ ы п — олиб чиқиб
а:д ы м (а л д ы м) — олдим
а ғ ы ш а й н у қ — алишайлик, алмаштирайлик

## ә

ә г л ә н д ъ — ушланиб, тутилиб, кечикиб қолди
ә д ә н ъ — пойгаси
ә д ж v: — ҳажв
ә й с т ә — аста
ә к ә с ъ н г — акасининг
ә л и н ә — қўлига
ә л м ә — олма
ә н д а м л ы — яхши
ә п т ә — ҳафта
ә с ә — эса, бўлмаса
ә с и — эси, ақли
ә т ә в и л м и: — эта билмай, қила олмай
ә х ъ — охир
ә х м ә г ә н — экмаган
ә ч ә:н ъ — ойингни, аянгни
ә ҳ с ә — экса

## э

э д д ъ — қ. э л л ъ
э л л ъ — олди
э п э:д ә м — оппоқ дадам
э т- э н ә м — ота- онам
э т қ э н ы н г — айтганинг
э:р й а:н ы н д а — нариги томонда

## б

б а й а ғ ы — ҳалиги
б а й ъ н г — эринг, бойинг
б а й ы н г к и — бойнинг
б а л — ҳ о п (қ.) нинг бир қисми
б а с а — борса
б а:з — баъзан
б а ғ а л а р — болалар
б ә л ә ҳ ә т к ә — балоғатга
б ә т к е й ъ н — ундан кейин
б ә:н ә — баҳона
б е:п — бериб
б э л т ъ — болта
б э: — бор
б э қ ъ н м э қ — бўйсунмоқ, қарамоқ
б е:д и н — бу ердан
б:е п — бериб
б е р г е т — бригадир
б е р и:н — берайин

**белъх** — балиқ
**бидәй** — буғдой
**бий** — бир
**бъзәр** — бизлар
**бърдъй** — ҳамиша
**бьлбьлго:** — булбулигўё
**бову:дъй** — бўлиб эдик, бўлган эдик
**бузав** — бузоқ
**була** — булар
**булдунг** — билдинг
**булдур** — дулдул

## *в*

**вах** — вақт
**вағдә** — ваъда
**вәдж** — нарса, предмет
**вәқ** — боқ, қара
**вьйэвэн** — биёбон
**вөйлапты** — ўйлабди
**ву** — у
**вула** — қ. ҳула

## *г*

**гәйәньнь** — келганини
**гәләдәкән** — келар экан
**гәмә** — кема
**гәнджә** — кенжа
**геччь** — эчки
**ги:гәндә** — кийганда
**гөзә** — кўза
**гүлләдәм** — кунлардан

## *ғ*

**ғавуш** — жўхорипоя
**ғазына** — хазина
**ғаль** — гилам
**ғапа** — хафа
**ғапама:** — хафаман

## *д*

**давуш** — товуш
**дәйрә** — дарё
**дәлбә** — жинни, телба
**дәрпәнәдъ** — тебранади
**дәррәп** — дарров
**дә:н** — дон
**дә:р** — тор
**дедъдағъ** — деди- да
**дәвана** — гадой
**дийхан** — деҳқон
**дъгърмән** — тегирмон
**дъй** — 1) тий, 2) тег
**дым** — жуда
**дышанда** — ташқарида
**душлашмақ** — учрашмоқ
**ду: зунгнъ** — тузингни
**ду:ш гәләдикән** — дуч келади экан, дуч келар экан
**дүйнә** — дунё

## *е*

**егин** — экин
**егип** — экиб
**ейрам** — айрон
**екә** — экан
**енәк, енәй** — сигир
**ет** — айт
**еш** — ҳеч
**ешку** — эчки

## *э*

**эртәнггъсъ** — эртаси
**и энә** — она, момо

## *є*

**єйт** — айт
**єлъп** — олиб

## *дж*

**джанга** — янги
**джап (< йап)** — ариқ
**джә:** — жуда
**джэвчи** — совчи
**джэвчылықты** — совчиликни
**джип** — жуфт
**джипәк** — ипак
**джъздә** — почча
**джъллъ** — жинни
**джьйналған** — йиғилган
**джьйнап** — йиғиб
**джүзгән** — сузган

## *з*

**зат** — нарса
**зынгып** — irғитиб
**зынглавық** — ари
**зурьм** — зулм
**зүлпәк** — соч, гажак

## *и*

**имтиләди** — интилади
**инә** — яна

и н ә к — сигир
и н ә м — яна ҳам
и н н ә — игна
и н т ы б а қ — иттифоқ
и т ә л ә п — 1) итариб, 2) етаклаб
и ч — ҳеч

**ъ**

ъ г ъ т — йигит
ъ л — йил
ъ п ә л ә р ъ — ипаклари
ъ р и: м — раҳм
ъ с т ә н ч ә — станция
ъ ш т ә к ъ — иштаҳа

**ы**

ы й а л ы п — уялиб
ы й й а м — айём
ы р з а — рози

**й**

й а в ы н — ёмғир, ёғин
й а з д ы р ы п — 1) ёздириб, 2) бўшатиб
й а л а м б а ш — ялангбош
й а н г а ғ ы — ҳозирги
й а п — ариқ
й а р а ш а д ы — келишади
й а с т а п — уриб
й а т — чет, ёт
й а ш у л л ъ — 1) ёши улуғ, 2) мансабдор
й а: т а — ётга, бегонага
й ә л л ъ м ә с — ёлчимас
й э в ә — бегона
й э м и р — ёмғир
й е д д и — етти
й е т т ә н — ердан
й и п ә к — ипак
й о м э л — рўмол
й о р п а қ — тупроқ
й ө н ә д ъ — жўнади
й у п — ювиб

**к**

к а с а — пиёла
к ә — кел
к ә в ъ н — кўнгил
к ә й — кейин
к ә л ә п и — калаваси
к ә м з о р — камзул
к ә н и н ә — кейинига
к ә: д у к — келдик
к ә з и к (< к ө з у к) — навбат
к е д д у к — келдик
к е л л ъ — келди
к е т у с с ә н — кетяпсан
к е т у т г ә н — кетаётган
к е т у т т ъ м ә н — кетаётибман
к е ш — кеч
к е: ш — кеч
к и р п и к — киприк
к ъ с т ә — кисса
к ө в н и — кўнгли
к ө д д ъ к — кўрдик
к ө з ә й н у н г — кезайлик
к ө л ч ә — экиладиган кичик ер майдони
к ө н ә — эски
к ө п ъ р — кўприк
к у н д ә — тўнка
к у н — 1) кун, 2) қуёш

**қ**

қ а б а қ — қовоқ
қ а д а х — қадоқ (оғирлик ўлчови)
қ а л д ь в а ч — қалдирғоч
қ а л л а в а ч — қалдирғоч
қ а л х а — қалъа
қ а н ы т — қанд
қ а п ы — эшик
қ а: р — қаҳр
қ а р а — 1) қора, 2) қорамол
қ а р ы қ — эгат, жўяк
қ а р v й — қора уй, ўтов
қ ә в у л — қабул
қ е р а — қаерга
қ е р г ә — қаерга
қ є ш ъ м д ә — қошимда
қ ы д ы р ы ш м а — сайр
қ ы м ғ а н — туя қимизи
қ ы с ы м м а — хафа бўлма, тортинма
қ ы ч ы р д ы — қичқирди
қ ө б ы з — чанг (оғизда чаладиган музика асбоби)
қ о й а м а — қўядими
қ о н г ш у — қўшни

**л**

л а м п а м а й — керосин
л а п а — конверт
л а қ а м — лақаб
л ә г ә т — товоқ

**м**

м а в р ы т ы — муддати, вақти, мавсуми
м а в қ ы л — маъқул
м а й м ъ л — маймун
м а м а — буви

манат — сўм, пул
мағал — жанжал, можаро
мәвчит — мавжуд
мәдәлъ — шоҳи белбоғ
мәймәғләнъп — чўлоқланиб, оқсаб
мәмълә — муомала
мәтъръ — хотин-қизлар рўмолининг бир тури
мәшәл — машъал
мәрәй — муборак
мълут — минут
мудама — доимо
мунгайтып — хафа қилиб
мурт — мўйлов
мухлым — жуда

## н

навқан — тут дарахти
нәхәс — тўсатдан
нәқъста — нокаста
негъл — негин (узукнинг кўзи)
некин — лекин
нешәтиб, ни: шәтип — нима деб, қандай қилиб
ничик — нечук
нө:бәт — навбат

## о

о: джақ — ўчоқ
олады — бўлади
о::лап — овлаб
о:лъ — ўғли
о:о: лап — ов овлаб
уорамал — рўмол

## ө

өлиджақ — ўладиган
өнгәрип — ўнгариб, ортиб (отга)
өнгинә — олдига
өртәмәк — ёндирмоқ
өшку — эчки

## п

пазман — ғамгин
парахаччьлық — тинчлик, фаровонлик
пат — куч, қувват; дымпатлы — жуда кучли
пақал, пахал — ғўзапоя
пәтък — шип
пәшшә — чивин
пийава — қора шўрва
пьтә — озгина, бир оз, пича
пышық — мушук
порхан — пўрхан (табиб)
пота — шарф

## с

савур — ой номи
сазчь — гармончи, музикачи
салма — ариқча
сатаса-на — сотасанми?
сақасы — соқаси (бошланиш жойи)
саған — сенга
сағьр — етим
сәрмәли: (сәрмәли: чьқть) — пийпаслаб (пийпаслаб чиқди)
сәс — овоз
сымбат — қадди-қомат
сырық — хода
сыртта — ташқарида
сырға — зирак, исирға
сон — сўнг
соғра — сўнгра
соғун — сўнгра
сө:бәт — суҳбат
сөйлън — тус товуқ
суйыны — сувини

## т

тавып — топиб
таз — кал
тайлайды — ташлайди
талқыйн — ашуланинг бир тури
тамаша — қизиқ
тангушуруп — қантариб
тахйа — дўппи
тешкәръп — текшириб
тонглап — музлаб, совуқ қотиб
тува — тугул, эмас
тувра — тўғри
туврак — туққан
түйнәк — сапча (қовун)

## у

улах — улоқ
уль — ўғли
уллы — улуғ, катта
улқан — улкан, катта

## ү

үз — юз, бет
үйәрди — юборди
үйрәткән — ўргатган
үчәк — том (Хоразм)

## х

х ә в ь п — хавф
х ь й а л — хаёл
х у: з — ҳовуз
х у м — катта сопол идиш

## ҳ

ҳ а м а ш — омоч
ҳ а р ы п — чарчаб
ҳ а ш ы қ — ошиқ
ҳ а қ л и — ақли
ҳ ә з — кайф, ҳузур
ҳ ө к ә к — букри
ҳ ә м v р — умр
ҳ у л а — улар
ҳ у н н а н — ундан

## ч

ч а л а й д ы — чорлайди, чақиради
ч а қ ы р ы қ — чарх, чиғириқ
ч а ғ а л л а — 1) қуш номи, 2) оёқ ўйинининг бир тури
ч э л с ь қ — балчиқ
ч э қ и — чоғи
ч э ч ә — янга
ч э л — марза
ч ь м ы л д ы қ — 1) пашшахона, 2) гўшанга
ч ъ т т ә к — жиндак
ч о п ч ә к — эртак
ч о қ а л а қ, ч у қ а л а қ — чуқур, чуқурча
ч ө р ә к — нон

## ш

ш ә м и й ә н, ш э м й э н — қўш (омоч қисмининг номи)
ш у в о х а д о н г — шу вақтга қадар
ш у д в а р — шудгор
ш v й т ъ п, ш у н д ә т и п, ш у н д и т и п — шундай қилиб

## МУНДАРИЖА

СЎЗ БОШИ . . . . . . . . . . . . . 3

ҚИРИШ . . . . . . . . 5

ТРАНСКРИПЦИЯ . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 7

ЛИНГВИСТИК ГЕОГРАФИЯ . . . . . . . . . 14

ЎЗБЕК ТИЛИ ВА ЎЗБЕК ХАЛҚ ШЕВАЛАРИ . . . . 23

Ўзбек шеваларининг диалектал- бўлиниши . . . . . . . . . . . . . . . 29

ФОНЕТИКА

Ўзбек халқ шеваларининг вокализми . . . . . . . . . . . . . . . . . 43

Ўзбек шеваларидаги фонемалар ва уларнинг комбинатор вариантлари 51
Юқори кўтарилиш лабланмаган [и, ъ, ь, ы] унли фонемалари . . . . 51
Юқори кўтарилиш лабланган [у], [ү] унлилари . . . . . . . . . . 59
Юқори- ўрта кўтарилиш унли фонемалар . . . . . . . . . . . . . . 65
Юқори- ўрта кўтарилиш лабланмаган [е], [э] ва [є] унли фонемалари 65
Лабланган [о] ва [ө] унли фонемалари. . . . . . . . . . . . . . 70
Қуйи кўтарилиш унли фонемалар . . . . . . . . . . . . . . . . . 72

Ўзбек халқ шеваларининг консонантизми . . . . . . . . . . . . . . 81

Тил олди [т], [д], [с], [ч], [ж], [ш], [дж], [н], [л], [р] ундош фонемалари . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 90

Тил олди шовқинли ундошлар . . . . . . . . . . . . . . . 90
Тил олди сонор товушлар . . . . . . . . . . . . . . . . . 98

Тил ўрта [й] фонемаси . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 104
Тил орқа ундош фонемалар . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 105

Саёз тил орқа ундошлар . . . . . . . . . . . . . . . . . 105
Чуқур тил орқа [қ], [х], [ғ] ундош фонемалари . . . . . . . . 110

Бўғиз товушлари . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 115
Сўзнинг фонетик тузилиши . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 117

МОРФОЛОГИЯ

Турланиш . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 132

Келишик категорияси . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 132

Эгалик категорияси . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 143
Кўплик категорияси . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 148
Тусланиш . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 151
Сўз ясалиши . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 157

## ЛЕКСИКА

Диалектал сўзларнинг семантик группалари . . . . . . . . . . . . . 166
Ўзбек шевалари лексик составида туб ва ўзлаштирилган сўзлар . . . . . 167
Шевалар лексикасининг адабий тилга муносабати . . . . . . . . . . . . 170

ШЕВА ВА ДИАЛЕКТЛАРНИ ТАВСИФ ҚИЛИШ МЕТОДИКАСИ 173

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР УЧУН ТЕКСТЛАР . . . . 183

ЛУҒАТ . . . . . . . . . . . . . . . . 225

ИБ № 638

*На узбекском языке*

ВИКТОР ВАСИЛЬЕВИЧ РЕШЕТОВ,
ШАНАЗАР ШААБДУРАХМАНОВ

УЗБЕКСКАЯ ДИАЛЕКТОЛОГИЯ

Учебник для филологических факультетов
университетов и педагогических институтов

*Издательство «Ўқитувчи»*
*Ташкент — 1978*

Редактор *Х. Ғуломова*
Бадиий редактор *П. А. Бродский*
Техн. редактор *Т. Грешникова*
Корректор *Н. Раҳмонов*

Теришга берилди 5.01. 1978 й. Босишга рухсат этилди 20.10. 1978 й. Формат 60×90$^1/_{16}$ Тип. қоғози № 3. Кегли 10 шпонсиз. Юқори босма усулида босилди. Шартли б. л. 14,5. Нашр. л. 14,27. Тиражи 20000. Зак. 2111. Баҳоси 85 т.

«Ўқитувчи» нашриёти. Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Шартнома № 222-77.

Ўзбекистон ССР нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат комитети Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасининг полиграфия комбинати. Тошкент шаҳри. Навоий кўчаси, 30. 1978 й.

Полиграфкомбинат Ташкентского полиграфического производственного объединения «Матбуот» Государственного комитета УзССР по делам издательств, полиграфии и книжной торговли. Ташкент, ул. Навои, 30.